ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАъЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ф.И.ХАЙДАРОВ Н.И.ХАЛИЛОВА

УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ

(дарслик)

Бакалавриат йўналиши: 5140800-педагогика ва психология талабалари учун дарслик

Тошкент -2009

А Н Н О Т А Т С И Я

Умумий психология дарслиги инсон шахсидаги психологик холатлар, хусусиятлар, жараёнлар ҳақидаги дастлабки билимлар мажмуасини беришга қаратилган. Дарслик психологияга кириш, мулоқот, фаолият, шахс, билиш жараёнлари шахснинг ҳиссий-иродавий мотивацион соҳаси, шахснинг индивидуалпсихологик хусусиятлари номли бўлимлардан иборат. Психологияга кириш қисмида психологиянинг предмети, ҳозирги замон психологиясининг тузилиши ва тадқиқот методлари, психики ва онгнинг тараққиёти мавзулари, иккинчи бўлимда мулоқот, фаолият, шахс мавзулари, билиш жараёнлари бўлимида диққат, сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл мавзулари, шахснинг ҳиссий-иродавий мотивасион соҳаси бўлимида ҳисиёт, ирода, мотивасия мавзулари, шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари бўлимида характер, темперамент, қобилият мавзуларига доир маъруза матнлари, мавзулар юзасидан тест топшириқлари, шунингдек мустақил ишлаш учун мавзулар ва адабиётлар рўйхати, назорат саволларидан иборат. Шунингдек назарий материалларни яққол ифодалаш мақсадида чизма график, жадваллардан фойдаланилган.

Дарсликдан олий ўқув юртлари педагогика ва психология йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар, магистрантлар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, умуман шу соҳага қизиққан кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Тақризчи: Психология фанлари доктори, профессор З.Т.Нишонова
Психология фанлари номзоди, доцент Ш.А.Дўстмуҳаммедова

Маъсул муҳаррир: Психология фанлари доктори, профессор М.Г.Давлетшин

МУНДАРИЖА

1.БЎЛИМ. ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ

1.Боб ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ

Психология ҳақида тушунча
Психологиянинг фан сифатида шаклланиши
Мия ва психика
Онг ҳақида тушунча

2.Боб ПСИХИКА ВА ОНГНИНГ ТАРАҚҚИЙОТИ

Психиканинг филогенетик тараққиёти
Сесканувчанлик ва тропизм
Ҳайвонларнинг инстинктлари
Ҳайвонларнинг кўникмалари
Психиканинг муҳит ва аъзолар тузилишига боғлиқлиги
Инсон онгининг ривожланиши

3.Боб ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни
Ҳозирги замон психологиясининг тамойиллари
Ҳозирги замон психологиясининг тузилиши
Ҳозирги замон психологиясининг илмий тадқиқот методлари

2.БЎЛИМ. МУЛОҚОТ. ФАОЛИЯТ. ШАХС

1.Боб МУЛОҚОТ

Мулоқот ҳақида тушунча
Мулоқотнинг коммуникатив томони
Мулоқот кишлар ўртасидаги ўзаро таъсир этиш
Мулоқот кишиларнинг бир-бирини тушуниши

2.Боб ФАОЛИЯТ

Фаолият ҳақида тушунча
Фаолиятнинг интероризасияси ва екстроризасияси
Фаолиятнинг таркиби
Фаолиятнинг асосий турлари

3.Боб ШАХС

Шахс ҳақида тушунча
Эндопсихика ва экзопсихика ҳақида тушунча
Жаҳон психологиясида шахс назариялари
Собиқ совет психологиясида шахс таърифи
Шахснинг фаоллиги
Шахснинг малака ва одатлари
Шахснинг психологик тузилиш моделлари таҳлили

3.БЎЛИМ. БИЛИШ ЖАРАЙОНЛАРИ

1.Боб ДИҚҚАТ

Диққат ҳақида тушунча
Диққатнинг нерв-физиологик асослари
Диққат турлари
Диққат хусусиятлари

Диққат борасидаги психологик назариялар
Диққатнинг бузилиши
2.Боб СЕЗГИ
Сезги ҳақида тушунча
Сезги нерв-физиологик асослари
Сезгилар таснифи ва турлари
Сезгиларнинг умумий қонуниятлари
Сезги борасидаги назариялар
3.Боб ИДРОК
Идрок ҳақида тушунча
Идрокнинг нерв-физиологик асоси
Кузатиш ва кузатувчанлик
Идрокда объект ва фон
Апперсепсия
Иллюзия
Галлюсинасия
Идрокнинг таснифи
4.Боб ХОТИРА
Хотира ҳақида тушунча
Хотира нерв-физиологик асоси
Хотира турлари
Хотира жараёнлари
Хотирадаги индивидуал фарқлар
Хотира тасаввурлари
Хотира борасидаги назариялар
5.Боб ТАФАККУР
Тафаккур ҳақида тушунча
Тафаккур нерв-физиологик асоси
Тафаккур операсиялари
Тафаккур шакллари
Тафаккур турлари
Тафаккур сифатлари
Тафаккур борасидаги психологик назариялар
6.Боб ХАЁЛ
Хаёл ҳақида тушунча
Хаёл жараёнларининг нерв-физиологик асослари
Хаёл жараёнлари
Хаёл турлари
Хаёл сифатлари
Хаёлнинг асосий хусусиятлари

4.БЎЛИМ. ШАХСНИНГ ҲИССИЙ- ИРОДАВИЙ-МОТИВАСИОН СОҲАСИ

1.Боб ҲИССИЙОТ
Ҳиссиёт ҳақида тушунча
Ҳиссиётнинг нерв физиологик асоси
Инсон ва ҳайвонлардаги эмосиялар

Ҳиссий ҳолатларни ифодаланиши
Ҳисларни кечириш шакллари
Юксак ҳислар

2.Боб ИРОДА

Ирода ҳақида тушунча
Ироданинг нерв-физиологик асослари иродавий акт ва унинг тузилиши
Шахснинг иродавий сифатлари
Ирода борасидаги назариялар

3.Боб МОТИВ ВА МОТИВАТСИЯ

Мотив ва мотивация тушунчасининг мазмуни
Хориж психологиясида ўқиш мотивларининг назарий таҳлили
Ўзбекистон психологлари тадқиқотларида мотив ва мотивация муаммоси

5. БЎЛИМ ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1.Боб ТЕМПЕРАМЕНТ

Темперамент ҳақида тушунча
Темпераментнинг физиологик асослари
Нерв систэмаси типларини келиб чиқиши
Темперамент типларининг тавсифномаи
Фаолиянинг индивидуал услуби ва темперамент

2.Боб ХАРАКТЕР

Характер ҳақида тушунча
Характер физиологик асослари
Характер таркиби
Характер аксентуасияси
Характер типологияси
Характер борасидаги назариялар
Характернинг шаклланаши

3.Боб ҚОБИЛИЯТ

Қобилият ҳақида тушунча
Қобииятларнинг миқдор ва сифат тавсифи
Қобилиятлар таснифи
Қобилиятлар таркиби
Қобилиятларнинг табиий асослари
Талантнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши
Қобилиятлар борасидаги психологик назариялар

КИРИШ

"Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг мақсад ва вазифалари, давлатимизнинг бу борада амалга ошираётган сиёсати замонавий кадрлар тайёрлаш тизимининг ташкил қилишга йўналтирилган, Республикамиздаги узлуксиз таълим тизими стратегияси, тараққиёти, халқимизнинг бой маънавий мероси ва умуминсоний қадриятлари, маданият, иқтисод, фан- техника ва технологияларда эришилган ютуқлари негизида барча давлат тузилмалари ва жамият ташкилотлари олдига олий педагогик мактаблар шунингдек, психология фанларининг ҳам педагогик кадрлар тайёрлаш тизими ва таълим ислоҳатларини ҳаётга тадбиқ этишни жонлантирувчи асосий вазифаларини белгилаб берган.

Айнан мазкур масалаларни кенг доирада тадбиқ қилиш замон талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир. Албатта бунинг учун инсонлар психологиясини билиш, уларда кечадиган психологик ўзгаришларни англаган ҳолда ёндашишни талаб қилмоқда. Бу жараёнда ўз навбатида психологик билимларга бўлган эҳтиёжни ортиб боришини кўришимиз мумкин. Чунки инсонлар ҳақидаги билмларни қўлга киритиш учун аввало психологик билимлардан хабардор бўлиши лозим. Шу боис ёзилган дарслик шахс психологиясига доир дастлабки билим, кўникма ва малакаларни тушунча ва тасаввурларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Инсон психологиясини билиш асосида шахсни шакллантиришга, унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ўзига хос узлуксиз таълимнинг ўзбек модели сифатида кенг имкониятлар яратмоқда. Республика Президенти И.А.Каримов томонидан асос солинган мазкур
моделнинг диққат марказида енг аввало шахсни шакллантириш ва уни барча таълим ислоҳотларнинг субъект сифатидаги фаолияти ётади. Зеро, мазкур дастурнинг ҳаётга тадбиқ етилишининг натижаси - бу ҳар жиҳатдан интеллектуал салоҳиятга, ишлаб чиқариш малакасига ва ижтимоий-сиёсий билимларга эга бўлган шахсдир. Бу улкан вазифани йечиш инсон омили билан боғлиқ бўлиб, бунда психология фанларининг алоҳида ўрни, салоҳияти ҳамда маъсулияти яққол сезилиб туради.

Айниқса республика мустақилликка эришгандан сўнг психология фанларига эътиборнинг кучайиши бу борадаги ишларни ривожланишига туртки бўлди. Шу боис умумий психология фанидан ёзилган дарслик мазкур масалаларни ўзида қамраб олади.

1.БЎЛИМ. ПСИХОЛОГИЯГА КИРИШ

ПСИХОЛОГИЯНИНГ ПРЕДМЕТИ

Психология ҳақида тушунча

Инсон мавжуд экан, у ўз ҳаётий тажрибасига асосланиб, у ёки бу ҳолда идрок этиш, оламни англаш, нарса ва ходисаларни ажратиш каби хусусиятларга эга эканлиги ҳақида ўзига ўзи ҳисоб беради.

Биз кунда қушларнинг шўх навосини, мусиқа асбобларининг хонишини, инсон нутқини, учиб ўтаётган самолёт шовқинини ешитамиз, атрофимизни ўраб турган нарса, дарахт, ҳайвонлар, машиналарни кўрамиз. Уларнинг ранги ва ҳажмини ажрата оламиз. Мазкур жараёнлар инсондаги акс эттириш хусусияти билан чамбарчас боғлиқ.

Психология фанининг предметини таҳлил қилишда асосий эътиборни қуйидагиларга қаратиш лозим. Жумладан, шахс ҳақида фикр юритувчи фанлар сирасига психология ва педагогика фанларини киритиш мумкин. Шунга кўра педагогика шахсни таълим-тарбия жараёнида камол топишини тадқиқ қилса, психология шахсда кечадиган руҳий жараёнларни ўрганади. Шундан хулоса қилишимиз мумкинки, психология фанининг предметини - шахснинг психикаси ва унинг психологик хусусиятлари ташкил қилади.

Психология сўзининг луғавий маъноси грекча псюхе - жон, руҳ, логос - фан, таълимот деган маънони англатади. **Психология** фан сифатида психик фактлар, уларнинг қонуниятлари ва механизмларини ўрганади.

Психология асосан психикани кенг доирада тадқиқ қилади. Шунга кўра психиканинг юзга келтирувчи асосий психик фаолиятлари кўрсатилган. Айнан психик фаолиятлар қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- **билиш фаолиятлари**: диққат, нутқ, фаолият;
- **билиш жараёнлари**: сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур;
- **шахснинг, ҳиссий**, иродавий соҳаси: - ҳиссиёт, ирода;
- **шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари**: темперамент, характер, қобилият. Психиканинг пайдо бўлишининг асосий шакллари М.Гамезо ва Домашенколарнинг "Атлас по психологии" номли қўлланмасида қуйидагича ифодаланади:



Шунга мувофиқ бир қатор олимлар томонидан психикага таърифлар берилиб, унинг мазмун моҳияти очиб берилган. Жумладан, профессор М.Г.Давлетшин фикрича,

психика деганда - олий даражадаги материянинг (миянинг) хусусияти тушунилиб, у объектив борлиқни акс еттирилишида намоён бўлади, субъект фаолиятини маълум мақсад асосида йўналтиради ҳамда хулқ-атвор негизида шаклланади, профессор

В.М.Каримова фикрича **психика** - инсон руҳиятининг шундай ҳолатики, у ташқи оламни (ички руҳий оламни) онгли тарзда акс эттириш имизни, яъни билишимиз, англашимизни таъминлайди. Психика бу акс эттириш дир. Жонли ва жонсиз табиатда акс эттириш нинг ўзига хос усуллари мавжуд. Акс эттириш жараёнини қуйидагича ифодалаш мумкин.



Жонсиз материя учун акс эттиришнинг механик, кимёвий ва физик турлари хосдир. Масалан, кўзгунинг акс эттириши, сувдаги таъсир ва бошқалар. Жонли материя учун акс эттириш нинг физиологик, психик акс эттириш турлари хос бўлиб, онг ва ўзини-ўзи англаш унинг энг юқори босқичидир.

Психик акс эттириш қуйидаги хусусиятларга эга:

1) объектив борлиқни тўғри акс эттириш имкониятини беради;
2) шахснинг фаолияти давомида мукаммалликка эришиб боради;
3) доимо ривожланиб ва такомиллашиб боради.
4) Шахснинг индивидуаллиги орқали намоён бўлади.

Психологиянинг фан сифатида шаклланиши

Инсонда жисмоний танадан ташқари ундан фарқланувчи яна нимадир борлиги ҳақидаги тасаввурлар қадимданоқ мавжуд бўлган. Энг қадимги даврлардаёқ инсон туш кўриш ҳодисаси орқали айрим одамларнинг ноёб қобилиятлари (масалан, овдаги муваффақиятлар) ўлим ва бошқа ҳодисаларнинг сабабларини тушунтиришга интилган. Аммо дастлабки қарашлар мифологик характерда эди. Улар фикрлаш орқали эмас, кўр-кўрона ишонч воситасида эгалланарди. Руҳ ҳақидаги қарашлар кўпинча нафас билан боғланарди, руҳни эса учар маҳлуқ сифатида тасаввур этардилар.

Психология ҳақидаги фикрлар қадим замонлардан бери мавжуддир. Илк даврларда психологик хусусиятларни жоннинг иши деб тушунтирилган. Жоннинг ўзи эса одам танасидаги махсус иккиламчи жисм деб қаралган. Бундай тасаввурлар **"анимизм"** деб аталади. **Анимизм** сўзи -анима "жон"

деган маънони англатади. Жон ўз моҳиятига кўра оловсимон учқундан иборат эканлиги **Гераклит** томонидан, ёки оловсимон атомдан иборатлиги **Демокрит** томонидан таъкидланган.

Платоннинг "идеялар туғма бўлади" деган ғоялари психологик фикр тараққиётига жуда катта ҳисса қўшди. **Платон** таълимотига кўра "идеялар" моҳияти абадий ва ўзгармас, уларнинг табиий оламдан ташқарида олий олам мавжуд бўлиб, уларни одам кўзи билан кўра олмайди.

Платон психологияда **"дуализм"** оқимининг асосчиси ҳисобланади. **Дуализм** сўзи икки ёқламалик ёки икки мустақил фикр деган маънони англатади. Дуализм таълимоти моҳияти моддий ва руҳий олам тана ва психиканинг бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, азалдан қарама-қарши нарсалар деб тушунтиради.

Платоннинг дуализм шогирди **Арасту (Аристотел** эрамиздан олдинги 4 аср 384-322 йиллар) томонидан бирмунча муваффақиятли бартараф этилди. Аристотелнинг **"Жон ҳақида"** асари ўша даврдаёқ психология махсус фан сифатида майдонга кела бошлаганидан далолат беради. Ана шу туфайли психология жон ҳақидаги фан сифатида майдонга келган ва ҳозирги кунда психология фани ўз мазмунини батамом ўзгартирган.

Арасту кишилик тафаккури тарихида биринчи бўлиб руҳ ва жонли тананинг ажралмаслигини исботлаб берди. Унга кўра, жон қисмларга бўлинмайди, лекин у фаолиятимиз давомида озиқланиши, ҳис этиши ва ҳаракатга келиши, ақл-идрок каби турларга оид қобилиятларда намоён бўлиши мумкин. Биринчи қобилиятлар ўсимлик учун, иккинчиси ва учинчиси ҳайвонларга, тўртинчиси эса инсонлар учун хосдир. Ўсимликлар, ҳайвонлар руҳи ва ақл идрок одам руҳи таълимоти билан Арасту олий қобилиятлар ва уларнинг негизида пайдо бўлишини билдирадиган ривожланиш тамойилини жорий этди. Арасту организмнинг табиатдан олган қобилиятларни фақат ўзининг хусусий фаоллиги орқали руёбга чиқаришга асосланган ҳолда характернинг фаолиятда шаклланиши тўғрисидаги назарияни илгари сурди.

Психологиянинг фан сифатида юзага келиш босқичлари қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

4 bosqich	Psixologiya, psixikaning mexanizmlari, qonuniyatlari va faktlarini o’rganuvchi fan sifatida	Dunyoga materialistic nuqtai-nazardan qarash shakllangan. Rossiya psixologiyasining asosida aks ettirish nazariyasi asosiy qonuniyat sifatida ko’rsatiladi.
3 bosqich	Psixologiya hulq-atvor haqidagi fan	XIX asrdan boshlanadi. Psixologiyaning vazifasi ko’rgan narsalarni bevosita kuzatish , aniqrog’i inson hulq-atvorini faoliyatini reaktsiyasini kuzatish deb hisoblangan. Bunda motivlarning o’rni hisobga olinmagan.
2 bosqich	Psixologiya ong haqidagi fan sifatida	XVII asrda tabiiy fanlar rivojlanishi bilan boshlanadi. Fikrlash, xoxlash, his qilish, qobiliyatini ong deb atashgan. O’z-o’ini kuzatish asosiy metod hisoblangan.
1bosqich	Psixologiya jon haqidagi fan	Bu yo’nalish psixologiyada bundan 2500 yil oldin paydo bo’lgan. Inson hayotidagi barcha narsalar tushunchalarni, tushunarsiz hodisalarni jon ruh bilan tushuntirishga harakat qilganlar.

Гераклит, Демокрит, Афлотун, Арастуларнинг таълимотлари кейинги асрларда психологик ғояларни ривожланишида таянч нуқта бўлиб ҳисобланади.

Мазкур даврларда Шарқда ҳам илк психологик қарашлар юзага келди. Шарқда психологик қарашларнинг пайдо бўлишида буюк Шарқ мутафаккирларининг роли катта бўлган. Улар орасида Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек кабилар ўзларининг инсон психикаси ва ёш авлодни тарбиялашга доир бой фикрлар ва қарашларини мерос сифатида қолдирганлар. Улар орасида айниқса **Абу Али ибн Синонинг** мантиқ, метафизика, табиий фанлар, айниқса, тиббиёт ҳақидаги фикрлари ўша давр илмий тараққиётига катта ҳисса қўшди. У махсус психологик муаммолар билан шуғулланган олимлардан биридир. Унинг руҳ, асаб тизими ҳақидаги қарашлари катта аҳамиятга эга. Айниқса, Абу Али ибн Синонинг темперамент хусусиятларига қараб ёндашиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари минг йилдан сўнг ҳам замонавий психологияда ўз қимматини йўқотмаган. Абу Али ибн Сино дунёда биринчи бўлиб психотерапевтик усулларни қўллаб кўрган олимлардан биридир.

Аста-секин руҳ ҳақидаги тушунча ҳаётнинг барча кўринишларига эмас, фақат ҳозир биз психика деб аталган даражага нисбатан қўллана бошланди. Психика категориясининг негизида идрок ва тафаккурдан ташқари онг тушунчаси юзага келди, бунинг натижасида ихтиёрий ҳаракатлар ва уларни назорат қилиш имконияти туғилди. Масалан, **Гален** (эрамиздан олдинги ИИ аср) физиология ва тиббиёт ютуқларини умумлаштириб, психиканинг физиологик асослари тўғрисидаги тасаввурларини янада бойитди. Унинг илгари сурган ғоялари "онг" тушунчаси талқинига муайян даражада яқинлашади.

17 аср биология ва психология фанлари учун муҳим давр бўлиб ҳисобланади. Жумладан франсия олими **Декарт** (1596-1650) томонидан хулқ-атворнинг рефлектор (ғайриихтиёрий) табиатга эга эканлигини кашф этилиши, юракдаги мушакларнинг ишлаши (фаолияти) қон айланишнинг ички механизми билан бошқарилаётганлигини тушунтирилиши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, **рефлекс** (лотинча рефлехус акс эттириш) организмнинг ташқи таъсирга қонуний равишдаги жавоб реаксияси сифатида талқин қилиниб, асаб-мушак фаолиятини объектив тарзда билиш воситасига айланди. Сезги, ассоциация, еҳтирос юзага келишини изоҳлашга имкон яратилди.

Психология фанининг илмий асосга қурилишида инглиз олими **Гоббс** (1588-1679) руҳни мутлақо рад етиб, механик ҳаракатни ягона воқелик деб тан олиб, унинг қонуниятлари психологиянинг ҳам қонуниятлари эканлигини таъкидлади. Унинг негизида - эпифеномализм (юнонча эри - ўта, руҳаиноминон –ғайри табиий ҳодиса) вужудга келди, яъни психология танадаги жараён-ларнинг сояси сингари руй берадиган руҳий ҳодисалар тўғрисидаги таълимотга айланди.

Нидерландиялик олим **Спиноза** (1632-1677) онгни катта кўламга эга материядан сира қолишмайдиган воқелик, яъни яққол нарса деб, тушунтирди. У **детерминизм** (лотинча деммерминара - белгилайман) тамойилининг, яъни табиат, жамият ҳодисаларининг, шу жумладан психик ҳодисаларнинг объектив сабаблар билан белгиланлиги ҳақидаги таълимот тарғиботчиси эди.

17 асрдаги йирик немис мутафаккири **Лейбнис** (1646-1716) нинг таълимоти математика, жумладан, интеграл ва дифференсиал ҳисоблар кашф етилишига таъсир етган еди. Психика ҳаёт манзараси арифметик йиғинди тариқасида эмас, балки интеграл тарзда намоён бўлади. Лейбнис тасаввурларнинг узлуксиз чэгараланиши ғоясига таянган ҳолда персепсия (бевосита онгсиз идрок)ни апперсепсиялар ди ққат ва хотирани ўз ичига олган англанган идроклардан фарқлаган еди. Лейбнис психологияга психиканинг фаоллиги табиати ва узлуксиз ривожланиши ҳамда психиканинг онглилик ва онгсизлик кўринишлари ўртасидаги мураккаб нисбат ҳақидаги ғояни олиб кирди.

17-асрда эмперизм ва сенсуализмни тажриба ва ҳис етиладиган билимнинг "соф" ақл-идрокдан афзаллиги ҳақидаги таълимотнинг, яъни ақлда ҳеч қандай туғма ғоялар ва тамойиллар бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги таълимотнинг олдинги маррага кўтарилишига олиб келди. Бу таълимотни инглиз файласуфи ва педагоги **Жон Локк** (1632-1704) астойдил ҳимоя қилиб чиққан еди. Уни эмпирик психологиянинг асосчиси деб, ҳисоблаш қабул қилинган. Барча билимларнинг тажрибадан келиб чиқиши ҳақидаги таълимоти психология учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Чунки у руҳий ҳаётнинг аниқ фактлари оддий ҳодисалардан мураккаб ҳодисаларга ўтиш йўллари пухта ўрганилишини тақазо этади. Ж. Локкнинг фикрича, тажрибанинг иккита манбаи мавжуд бўлиб, бири ташқи сезги аъзоларининг фаолияти (ташқи тажриба) ва иккинчиси ўзининг хусусий мияни идрок этувчи ақлнинг ички фаолияти (ички тажриба) дир. Киши ҳеч қандай ғояларга эга бўлмаган ҳолда дунёга келади. Унинг руҳи - "тоза тахта" бўлиб, кейинчалик унга тажриба ёзувлари битилади. Тажриба оддий ва мураккаб ғоялардан таркиб топади. Бу ғоялар ё сезгилардан, ё ички идрок (рефлексия) лардан ҳосил бўлади. Иккинчи ҳолатда онг реал нарсаларга эмас, балки ўз хусусий маҳсулига йўналтирилиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолади. Ж.Локкнинг рефлексия таълимоти киши психологик фактларни интероспектив тарзда билиб олади деган тахминга асосланган еди. Бу билан яна дуализм таълимоти илгари сурилади. Онг ва ташқи оламни принсипиал жиҳатдан турлича усуллар ёрдамида билиш мумкинлиги жиҳатидан ҳам улар бир-бирига қарама-қарши қўйилар еди.

Ж.Локкнинг ташқи ва ички тажриба тўғрисидаги таълимоти икки хил характерга эга эканлиги ҳам материалистик ҳам идеалистик таълимотларнинг тараққиётига туртки бўлди. Материалистлар **Гартли** (1705-1784) бош бўлган франсуз, **А.Н.Радишчев** (1749-1802) бошчилигидаги рус материалистлари оламни билишда ташқи тажрибани асос қилиб, олиб инсон психикасининг ички мазмуни асосида одам атроф-муҳит билан ўзаро муносабати ётади деган эдилар.

18 асрга келиб нерв систэмасини тадқиқ қилишда улкан ютуқларга эришилди (**Галлер, Прохазка**). Бунинг натижасида психика мия функсияси эканлиги ҳақидаги таълимот вужудга келди. Инглиз тадқиқотчиси **Чарлз Белл** ва франсуз **Франсуа Мажанди** томонидан ёйилувчи ва ҳаракат нервлари ўртасидаги тафовут очиб берилди. Унинг негизида психология фанида рефлектор ёйи деган янги тушунча пайдо бўлди. Буларнинг натижасида ихтиёрий (онгли) ва ихтиёрсиз (онгсиз) рефлектор турлари кашф қилинди.

Юқоридаги илмий кашфиётлар таъсирида рус олими **И.М.Сеченовнинг** (1896-1934) рефлектор назарияси руёбга чиқди ва ушбу назария психология фанининг физиологик асослари, механизмлари бош мия рефлексларининг ўзига хос хусусиятлари табиатини очиб бериш имкониятини яратади.

Айтиш керакки, психология фани борасидаги тадқиқотлар, кашфиётлар шу билан тугаб қолмасдан, балки бу борадаги ишлар янада кучайтирилиб самарали натижаларга эришилмоқда.

Мия ва психика

Психика юксак даражада ташкил топган материянинг алоҳида хоссаси бўлиб, у объектив оламни алоҳида бир тарзда акс эттиради. Юксак даражада ташкил топган материя деганда биз мияни тушунамиз. Демак инсон ва ҳайвонлар психикасининг моддий асосини марказий нерв систэмасининг енг юксак қисми бўлмиш бош мия ташкил этади. Аммо инсонлар мияси ҳайвонлар миясига қараганда қанча мураккаброқ тузилган бўлади. Одам мияси ҳажми жиҳатидан ҳам катта. Агар маймун миясининг оғирлиги 400-500 г бўлса, одам миясининг оғирлиги ўрта ҳисобда 1400 г дир.

Мия функсияси организм ҳаётида шунчалик мураккабки, буни биз мия бутун гавда оғирлигининг 2 фоизини ташкил қилишидан ва организмга кирадиган кислороднинг 18 фоизидан ортиқроғини ишлашидан ҳам кўришимиз мумкин. Ҳайвон тараққиётининг қанчалик юқорироқ босқичида турса, унинг танасига нисбатан мияси шунчалик оғирроқ бўлиб бораверади.

Миянинг танага бўлган нисбати: Кит миясининг танасига нисбати $\frac{1}{20000}$, фил миясининг танасига нисбати $\frac{1}{400}$, маймун миясининг танасига нисбати $\frac{1}{100}$, Одам миясининг танасига нисбати $\frac{1}{46}$.

Айниқса, бош мия катта ярим шарлари киши организми ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Одамда ўртача 14-15 миллиард нейрондан иборат. Энг муҳим ролни мия пўстининг пешона қисми ўйнайди. ҳайвон тараққиётининг юқорироқ босқичига қанчалик кўтарилса, мия ярим шарлари пўстининг пешона қисми шунчалик каттароқ бўлади.

Инсон бош мияси, ҳайвон миясидан анча оғирдир.

Одам мияси - 1400 г.

От мияси - 650 г.

Горилла мияси - 400 г.

Ҳўкиз мияси - 500 г.

Кит мияси - 2800 г.

Фил мияси - 4000 г.

Индивиднинг психик ҳаётида миянинг оғирлиги алоҳида аҳамият касб этади. Аммо миянинг тузилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун кишининг ақли ҳақида миянинг оғирлигига қараб ҳукм чиқариш тўғри эмас. Баъзи кишилар миясининг вазни ўртача вазнига қараганда анча оғир бўлгани шунингдек, баъзи кишиларнинг мия вазни ўртача даражадан камроқ ҳам бўлгани маълум.

Масалан: И.С.Тургеневнинг мияси 2012 г, В.М.Бехтеревнинг мияси 1720 г, И.П.Павловнинг мияси 1653 г, Д.И.Менделеевнинг мияси 1751 г, Анатол Франсиснинг мияси 1017 г бўлган.

Одамнинг бош мияси киши психикасининг ўзига хос такрорланмас, мураккаб органи ҳисобланиб, у катта ярим шарлар, мияча, оралиқ мия, ўрта мия ва узунчоқ миядан иборат.

Бош мия орқа мия билан марказий нерв тузилмасини ташкил қилиб, одам организмидаги барча органларнинг ўзаро фаолияти ва бир-бири билан боғланишини ҳамда унинг ташқи муҳит билан бўладиган алоқасини таъминлайди. Психик фаолиятларнинг кўпгина қисми бир неча қатор бўлиб, жойлашган ниҳоятда кўп нерв ҳужайраларидан (15 миллиарддан кўп) ташкил топган, кулранг модда қатламидан иборат бўлган бош мия катта ярим шарлари қобиқининг фаолияти билан боғлиқдир.

Нерв тизими нерв тўқимасидан ташкил топган бўлиб, у ўз навбатида нерв ҳужайраларидан иборат.

Ҳар бир нерв ҳужайраси, яъни нейрон ядроси бўлган жуда кўп тармоқланган калта ўсимталар - **дендритлар** ва битта узун ўсимта - **аксондан** иборат ҳужайрадан ташкил топган.

Турли нерв ҳужайраларининг туташган жойи **синапс** дейилади ва у бир нейрондан бошқасига импулсларни ўтказиш (тўхтатиш ёки ушлаб қолиш)ни таъминлайди.

Нерв ҳужайралари тўплами миянинг кулранг моддасини, нерв толаларининг тўплами эса миянинг оқ моддасини ташкил этади. Нерв тўқимаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қўзғалувчанлик ва ўтказувчанлик асосий хусусиятлар ҳисобланади.

Марказий нерв тизими бош ва орқа миядан иборат. Орқа мия умуртқа поғонасининг каналида жойлашган бўлиб, нерв тўқимасидан иборат. Орқа мия иккита ярим, яъни ўнг ва чап қисмлардан иборат бўлиб, уларни узунасига кетган олдинги ва орқа кесиклар ажратиб туради.

Орқа мияда нерв толаларининг тутамлари жойлашган бўлиб, склет мускуллари, нерв ва шиллиқ қаватидаги периферик нерв учларидан қўзғалиш нерв импулслари кўринишида, улар орқали мияга у ердан эса периферияга етказилади.

Орқа мияда онгсиз рефлектор ҳаракатларнинг гавда ва қўл-оёқлар мускулларнинг, шунингдек бир қатор физиологик жараёнларнинг томирларни ҳаракатлантирувчи, тери ажратувчи ва бошқа марказлар жойлашган.

Бош мия қутида жойлашган бўлиб, орқа миянинг устида жойлашганга ўхшайди. Бош мияда узунчоқ мия, орқа мия, ўрта мия, оралиқ мия ва олдинги мия фарқланади.

Орқа мия, Варолий кўприги ва миячадан иборат бўлиб, узунчоқ мия билан биргаликда мия сопини ташкил қилади. Мия сопи орқа мияни давомидек туташган. Узунчоқ мия орқали орқа миядан бош миянинг юқори бўлимларига импулслар ўтади ва орқага қайтади.

Узунчоқ миянинг ядролари мураккаб рефлекс актларида иштирок этади; сўриш, чайнаш, сўлак ажратиш ва ҳоказо.

Мияча тана ҳаракатларини мувофиқлаштиришда иштирок этади. Ўрта мия-тўрт тепалик қизил ядро мускул тонусининг меъёрий тақсимланишини, товуш ва ёруғлик қўзғатувчиларини ҳамда оғирлик кучига нисбатан тананинг тўғри жойлашишини идора этади.

Оралиқ мияда сезувчанликнинг оралиқ марказлари мужассамлашган. Олдинги мия ва уни қоплаб турган пўстлоқ бош миянинг олий қисмларини ташкил этади. Олдинги мия бош миянинг енг катта қисмини деярли 80 фоизини ташкил қилади ва пешона соҳасидан энсагача чўзилган ёриқ билан ажрашган иккита ўнг ва чап ярим шарлардан бир-бири билан қадоқсимон тана ёрдамида бирикади.

Ярим шарларнинг барча юзаси (қарийб 2200 см) мия пўстлоғи дейилади. Мия пўстлоғи кулранг моддадан ташкил топган. Унинг қалинлиги турлича бўлиб 4-5 мм.гача боради.

Бош мия катта ярим шарлари қобиқининг юзаси одамда катта соҳага ажратилади, пешона (енг катта), тепа, энса ва чаккадан иборат. Бир хилдаги ҳужайралар қатламидан иборат қисмлар (қобиқ шакли ва фаолиятининг вазифалари турлича бўлган олтита қатлам ҳужайраларидан ташкил топган) қаватлардан (майдон) иборат. Одамда ҳаммаси бўлиб 52 та майдон мавжуд. Бош миянинг пўстлоғи остида ётган қисмларини қобиқ ости соҳаси дейилади. қобиқ ости соҳаси ва қобиқ ости тутамлари умумий сезувчанликнинг дифференсиялашган марказлари ҳисобланади. Бу соҳа бизнинг эмосияларимиз ва инстинктларимиз билан боғланган.

Периферик нерв тизим марказий нерв тизими билан ажралмас яхлитликни ташкил этади. Периферик нерв тизими марказий нерв тизимидан чиқиб, тармоқланиб, шу билан бирга бутун организмни марказий нерв тизими билан боғловчи нервлардан ташкил топади.

Бош миядан 12 жуфт, орқа миядан эса 31 жуфт нервлар чиқади. Периферик нервларнинг икки тури: сезувчи ва ҳаракат нервлари фарқланади. Сезувчи нервлар нерв учларидаги тузилмаларда таъсирловчилар туфайли ҳосил бўлган қўзғалишни марказга, яъни орқа мия ва бош мияга йетказиб беради. Ушбу нервлар бошқача қилиб айтганда, қўзғалишни қабул қилувчи марказга интилувчи ёки афферент нервлар дейилади. Ҳаркатлантирувчи (мотор) нервлар марказдан келаётган импулсларни мускулларга ва безларга йетказади. Бу нервларни марказдан қочувчи ёки эфферент нервлар деб ҳам аталади.

Вегетатив нерв тизими - орқа мия бўйлаб ва ундан четда жойлашган нерв тизимлари алоҳида тутамлар ва нерв тугунларининг чигалларидан иборатдир. Вегетатив нерв тизимининг алоҳида тутамлари овқат ҳазм қилиш, қон айланиш, нафас олиш ва бошқа органларида жойлашган бўлиб, ички органларнинг фаолиятини идора қилади.

Вегетатив нерв тизимидан (унинг марказлари гипоталамусда орқа миянинг курак ва юқори бел сегментларида жойлашган) ва парасимпатик нерв тизимидан (унинг марказлари ўрта миядаги турли тепаликда Варолий кўпригида, узунчоқ мияда ва орқа миянинг думғаза қисмида жойлашган) иборат.Симпатик ва парасимпатик нерв тизими ички аъзолар фаолиятини идора қилишда ўзига хос "антагонистлар" қарама-қарши бўлиб, бир орган фаолиятини қарама-қарши ҳолатга келтиради. Масалан, симпатик тизим юрак фаолиятини

тезлаштирса, парасимпатик тизим эса бу фаолиятни сусайтиради. Организмнинг меъёрдаги фаолияти симпатик ва парасимпатик вегетатив нерв тизимининг маълум бир "мувозанатида" сақланади. Вегетатив нерв тизими емосионал кечинмаларда катта рол ўйнайди.

Одамнинг кўпинча психик жараёнларини, хусусиятларини ва ҳолатларини идора этишда ретикуляр формасия алоҳида рол ўйнайди. Ретикуляр формасия орқали мияда узунчоқ ва кейинги мияда жойлашган нерв толалари тармоқи билан ўзаро бириккан тўрсимон тузилмадир. У бош миянинг електрик фаолиятига, бош мия қобиғининг функционал ҳолатига, қобиқости марказларига, миячага ва орқа мияга таъсир қилади.

Илмий психологияда мия психиканинг органи сифатидаги ўрганиш тарихи иккита йўналишда борган организм ва муҳит муносабатларини идрок этиш асосларини ўрганиш ва миянинг алоҳида тузилмаларини морфологияси ва функсиясини очишдан иборат.

Р.Декарт томонидан 17 асрда рефлекс тушунчасини фанга киритилиши организм ва муҳит таъсири асослари очилиши борасидаги муҳим назариялардан бири сифатида рол ўйнайди.

Рефлекс - организмнинг ташқи ва ички таъсиротларга марказий нерв тизими орқали берган жавоб реаксиясидир.

И.М.Сеченов (1829-1905) томонидан амалга оширилган бу тушунчанинг ривожлантирилиши ва бу механизимнинг барча психик жараёнларга тегишли эканлиги шунга олиб келади-ки, илмий психологияда детерменизм тамойили узил-кесил ўз тасдиғини топди.

Инсон ҳаётида рефлексларни юқори баҳолаб, И.М.Сеченов томонидан қуйидагича таъриф берилади: "Онгли ва онгсиз ҳаётнинг барча актлари (ҳаракатлар) келиб чиқиши усулига (моҳиятига) кўра рефлекслардир".

Рефлектор актда И.М.Сеченов учта бўғимни ажратади; 1. Биринчи бўғимда сезаётган "тўпнинг" таъсирланиши нерв қўзғалишига айланади. 2 қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари асосида ўзига хос равишда ахборотни қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш рўй беради. 3.буйруқни амалга оширувчи органларга (мускулларга ва безлар ва ҳоказо) узатиш.

И.П.Павлов (1849-1936) И.М.Сеченовнинг мия рефлектор фаолиятини ўрганиш борасидаги ғоясини ривожлантириб, рефлекс тушунчасига янги мазмун киритди ҳамда шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш асосларини яратди. Рефлексларнинг икки тури фарқланади: шарсиз ва шартли рефлекслар.

Шарсиз рефлекслар туғма бўлиб, ҳаётнинг дастлабки кунларидан ва кейинчалик ҳеч қандай тажрибасиз (малакасиз) намоён бўла бошлайди. Масалан, игна санчилганда қўлни тортиб олиниши, овқатнинг оғиз бўшлиғида тушгандаги сўлакнинг ажралиши.

Шарсиз рефлексларнинг марказлари турличадир - шарсиз рефлекслар ёйларнинг туташувчи орқа миядан ва бош миянинг ўсишидан рўй беради. Шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш соҳаси бош мия пўстлоқидир. Шартли таъсирлагич организмнинг ҳаёти учун муҳим бўлган қандайдир ҳодисаларнинг мавжудлиги ҳақида, масалан овқатнинг мавжудлиги, хавф- хатарнинг пайдо бўлиши ҳақида хабар беради.Шунинг учун И.П.Павлов бош мия қобиғи фаолиятини сигнал фаолияти деб номлади. И.П.Павлов шартли рефлекслар

методидан фойдаланиб, шуни аниқладики, бош мия катта ярим шарлари фаолияти организмнинг ички муҳитидан ва ташқи муҳитдан нерв тизимига келаётган кўпгина таъсирловчиларнинг анализ ва синтез жараёнларидан иборат экан. Анализ ва синтез И.П.Павлов томонидан анализаторлар деб номланган ўзига хос нерв тизимлари ёрдамида амалга оширилади.

Анализаторлар - бу нерв физиологик аппарат бўлиб, периферияда ги нерв учидан (ресептор) сезувчи нервдан(ўтказиш йўли) ва мия қобиқининг тегишли қўзғатувчини қабул қилувчи соҳасидан иборатдир.

И.П.Павловнинг биринчи ва иккинчи сигнал тизимлари тўғрисидаги таълимоти илмий психология учун катта аҳамиятга эгадир.

Ҳайвонлар учун борлиқ катта ярим шарларидаги таъсирлагичлар ва уларнинг излари билан сигналлашиб улар организмнинг кўриш, ешитиш ресепторларига бевосита келиб туради. Бу биринчи сигналлар тизими бўлиб, одам ва ҳайвонларда умумийдир. Сўзлар иккинчи, махсус инсоний сигнал тизимини ташкил этади. Сўзлар нарса ва ҳодисалардан келаётган сигналларнинг ўрнини эгаллагани учун И.П.Павлов томонидан "сигналлар сигнали" деб номланган. Иккинчи сигнал тизимининг фаолияти биринчи сигнал тизимидан ажралмаган ҳолда бевосита боғлиқ тарзда боради. Иккинчи сигналлар тизими тафаккур ва нутқнинг физиологик асоси ҳисобланади.

Рефлекснинг классик тушунчаси ёрдамида психик фаолият асосларини тушунтиришдаги муҳим камчилик шундан иборатки, рефлекс тизими инсон психикасининг идора этувчи ва ўзгартирувчи ролини тушунтириб бермайди. И.П.Павловнинг шогирдлари ва издошлари бу камчиликни рефлектор органик тизими тушунчасини рефлектор ҳалқаси тизими тушунчасига ўзгартириш йўли билан йечишга интилдилар.



Reflektorlik faoliyatini anatomic fiziologik mexanizmi: Analizatorning sxtmasi. (1,2,3) Reflektorlik faoliyati. (1,2,3,4,5) va reflektorlik aylanasi (1,2,3,4,5,6,7). 1-retseptor, 2-afferent nerv yo'li, 3-markaziy bug'in, 4-efferent nerv, 5-effektor, 6-7- qaytish kanali.

Нерв тизимининг рефлекторлик фаолияти борасида қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, улар томонидан турли схемалар ишлаб чиқилган. Жумладан, Бернштейн бўйича рефлектор айланаси қуйидаги кўринишга эга.



Berhshteyn bo’icha reflector aylanasining tuzilishi

Психиканинг физиологик асосларини очиш муаммоларига ҳаётининг кўп йилларини бағишлаган рус физиологи **П.К.Анохин**(1898-1974) қайтарма афферентасия тизимларини аниқлади, натижада ҳаракат аксептори деб номланган ҳаракатини режалаштирувчи ва идора этувчи ўзига хос функционал органларга ажратилди.

Фанда илмий соҳа сифатида френологиянинг асосчиси **Ф.Галл** ХИХ асрнинг бошларида одамнинг турли қобилиятлари, ҳатто калла суягининг юза қаватдаги турли нерв тўқималари учраб турадиган жойнинг кучлироқ ривожланиши билан боғлиқ деб исбот қилишга ҳаракат қилган. Алоҳида психик функсияларнинг бош миясини маълум бир қисмларига тегишли эканини, унинг локал (жойлашиш) жароҳатланганлигида кузатишган. Шу йўл билан чап ярим шарининг учинчи пешона бурилишида нутқ артикуляциясини (талаффузини) амалга оширадиган Брока маркази (уни аниқлаган франсуз анатоми П.Брока номи билан аталган) сўнгра эса ўша чап ярим шарининг юқори чакка бурмасининг орқа қисмида "нутқни тушунишини идора қиладиган" Вернике маркази (уни очган немис психиатри К.Вернике номи билан аталган) ажратилган.

Машҳур нейропсихолог **А.Р.Лурияниинг** фикрича, айнан шунинг учун миянинг чекланган соҳаларидаги психик функсияларни "локализасиялаш" вазифаси "ушбу функционал тизимни амалга оширадиган биргаликда ишловчи мия зоналарининг ўша тизимини таҳлили, бошқача айтганда қандай қилиб функционал тизим бош мия аппаратлари бўйлаб, тегишли тизимлар бўйлаб, жойлашганлигини таҳлили" вазифаси билан алмаштирилиши лозим.

Инсон миясининг функционал тузилишини А.Р.Лурия 3 та блокка ажратади: 1-блок - энергетик блок, у мия пўстлоқ қисмининг нормал ишлаш тонусини таъминлайди. Мия пўстининг юқоридаги қисмида жойлашган. 2-блок

- ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш блоки (иккала ярим шарларнинг орқа қисмига тепа чакка ва енса қисмларига жойлашган).

3-блок - фаолиятни дастурлаштириш, бошқариш ва назорат қилишни таъминлайди (пешона қисмида жойлашган).

Одам ва ҳайвонлар миясининг функционал тизимида муҳим фарқлар кузатилади. ҳайвонларнинг иккала ярим шарлари бир хил қийматга эга бўлган бир вақтда одамнинг чап ярим шари одамда доминанта (ҳукмрон) бўлиб, ўнг мия ярим шари эса унга бўйсунгандир ва бу ўнг қўлнинг йетакчи роли билан боғланган (чапақайларда бундай доминантлик ёки ўчиб кетади, ёки ўнг ярим шарга ўтади).

Чап мия ярим шарида одамнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятининг мураккаб шаклларини идора этиш билан боғлиқ бўлган нутқ марказлари жойлашган.

Бу марказларнинг бузилиши мантиқий-грамматик операсияларнинг (семантик афазия) ва тафаккурнинг ижодий шакларини бузилишига олиб келса, айни шу дамдаги ўнг мия ярим шар худди шундай соҳаларининг бузилиши эса идрокнинг тасаввур компонентларини ва емосионал жараёнларини бузади.

Тўпланган илмий маълумот асосида шуни таъкидлаш мумкинки, чап мия ярим шарининг мия ўнг ярим шарининг ишига нисбатан дифференсиялашганидир.

Одам бош мияси, мия катта ярим шарларининг ихтисослашган функсияларининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

№	**Чап ярим шар**	**Ўнг ярим шар**
1.	Хронологик таркиб	Ўтаётган вақт
2.	Харита ва чизмаларни ўқиш	Аниқ макон
3.	Номларни, изларни белгиларни ёдда сақлаб қолиш	Тасаввурлар, аниқ воқеаларни ёдда сақлаб қолиш
4.	Нутқ фаолияти моҳиятини ҳис этиш	Емосионал ҳолатни идрок этиш
5.	Оламни хурсандчиликда осойишта кўриш	Оламни ғамгин ҳолда кўриш
6.	Батафсил идрок қилиш	Яхлит идрок қилиш

Одамнинг ҳар бир психик жараёни ҳолати ва хусусияти бутун марказий нерв тизимининг фаолияти билан боғлиқдир.

Онг ҳақида тушунча

Онг-психиканинг енг юксак даражаси бўлиб у фақат инсонгагина хосдир. Онг ижтимоий тарихий шароитда одам меҳнат фаолиятининг таркиб топишида тил ёрдамида бошқа кишилар билан доимий муносабатда бўлиш натижасидир. Бу маънода онг мутафаккирлар таъкидлаб ўтганларидек, ижтимоий маҳсулотдир.

Онгнинг биринчи хоссаси - бу англаш демакдир. Инсон онги теварак атрофдаги ташқи оламга доир билимлар йиғиндисидан иборатдир. Англаш ташқи оламдаги нарсаларни тушуниш бўлиб, унинг таркибига муҳим билиш жараёнлари киради.

Онгнинг иккинчи хоссасига биноан, онгда объект билан субъект ўртасидаги аниқ фарқ ўз ифодасини топади, яъни одам "мен" деган тушунчани "мен эмас" тушунчасидан фарқини ажратади. Одам ўзини билиш қобилиятига эга бўлган, яъни психик фаолиятда ўз-ўзини текшира оладиган ягона мавжудотдир.

Онгнинг учинчи хоссасига асосан онг ёрдами билан одамнинг мақсадни кўзлаш фаолияти таъминланади. Фаолият мақсадларини яратиш онгнинг вазифасига киради. Бундай фаолият мотивлари юзага келади ва чамалаб кўрилади, иродавий қарорлар қабул қилинади, ҳаракатларни бажариш йўллари ҳисобга олинади.

Онгнинг тўртинчи хоссасига асосан турли муносабатлардан онгли равишда турли ҳис-туйғулар юзага келади. Онг кишилар муносабатларининг йиғиндисидир. Онг юзага келишининг асосий шарти, воситаси тилдир. Психиканинг енг қуйи даражаси онгсизликдир.

Онгсизлик - бу шундай психик жараёнлар ва ҳодисалар йиғиндисики, унда инсон ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бермайди, англамайди. Бунга туш кўриш, баъзи патологик ҳодисалар, алахлаш, галлюсинасия кабилар киради. Хулоса қилиб айтганда, психология ҳаёт фаолиятининг ўзига хос шакли бўлиб, психик ривожланишнинг қонуният ва механизмларини ўрганувчи фандир. Психология фанининг асосий вазифаси психик ҳодисаларни ўрганиш ва илмий асослашдир. Психик ҳодисалар маълум қонуниятларга бўйсунади. Психология шундай қонуниятларни моҳиятини очишга, уларни таркиб топиши ва ривожланишини ўрганишга қаратилгандир. Ушбу қонуниятларни билиш, уларни бошқариш, ташкил этиш, таълим-тарбия жараёнини тўғри олиб боришга ёрдам беради.

Мавзу юзасидан амалий топшириқлар

1 - Топшириқ

Қуйидаги ҳукмлардан қайси бири психиканинг табиатини идеалистик нуқтаи назардан ва қайси бири материалистик қарашда тушунтиради?

а) психика ўзга алоҳида бир оламдир. У ташқи сабабларга боғлиқ эмас;

б) психика енг юқори даражада ташкил топган материя яъни - миянинг хусусиятиди;

в) психикани фақат ўз-ўзини кузатиш орқали ўрганиш мумкин;

г) психика - объектив оламнинг инъикосидир.

2 - Топшириқ.

Россиялик психолог - идеалист А. Й. Введинский бундай ёзган еди: "Бошқа кишиларнинг руҳий ҳаётини идрок қилишимиз мумкин эмас, чунки у ҳар қандай тажриба ўтказиш имкониятидан четдадир". Кўриниб турибдики, А. И. Введинский психик ҳодисаларни фа қат бевосита билиш мумкин, деб ҳисоблайди.

1. Айтингчи, бошқа кишиларнинг руҳий ҳаётини идрок қилишимиз мумкин эмас, деб айтилган А. И. Введинскийнинг фикри тўғрими?

2. Шу билан А. И. Введинский психик ҳодисаларни билишнинг қайси усулини инкор этади.

Таянч тушунчалар

Акс эттириш назарияси- инъикос назарияси; психик ҳодисалар борлиқни акс эттириш нинг шаклларидан бири деб қараладиган назария.

Анимизм (лот. анима - жон) - одам, ҳайвонот, ўсимлик, предметларда мустақил жон борлиги ҳақидаги тасаввур тизими.

Асаб тизими - хайвон ва одам организмининг барча функсияларини ўзаро ҳамда ташқи муҳит билан тўғрилаб, уйғунлаштириб турувчи аъзолар тизими.

Биринчи сигнал тизими - нарса ва ходисаларнинг сезги, аъзоларига бевосита таъсир этиши натижасида бош мия ярим шарлари қобиғида ҳосил бўладиган шартли муваққат нерв боғланишлари, у сезги ва идрок турларида намоён бўлади.

Бош мия - марказий нерв тизимининг олд (юқори, олий) қисми бўлиб, у бош мия қобиғида жойлашган олий нерв тизимининг моддий асоси.

Бош мия катта ярим шарлари - бош миянинг икки палласи. Унинг устки қисми учун чуқур бўлмаган ўнқир чўнқирлардан иборат. Бош мия катта ярим шари орқа, олд, ён, оролча, орқа умуртқаларга бўлинади. Мия нерв катаклари нейронлардан иборат бўлиб, икки катта ярим шарлар пўстлоғини ташкил этади. Миядаги оқ суюқлик нейрон ўсимталаридан таркиб топиб, мия йўлларини кўрсатиб туради.

Вегетатив нерв тизими (лот. вегетатио - ўсимлик) - нерв тизимининг организм ички аъзолари фаолиятини ва модда алмашинувини бошқариб турадиган бир қисми. В.н,т, марказий нерв тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, бу бош мия қобиғи томонидан бошқарилади. В.н.т. симпатик ва парасимпатик нервлар деб аталувчи икки қисмга бўлинади,

Дуализм (лот, дуафис - икки ёққлами) - борлиқ ҳам моддий, ҳам руҳий бўлган икки асосдан ташкил топган деб ҳисобловчи фалсафий таълимот бўлиб, психофизик параллелизм консепсиясининг асосидир.

Иккинчи сигнал тизими - одамга хос шартли рефлектор боғланишлар тизими бўлиб, нутқ сигналларининг бевосита таъсирида шаклланади, И.С.Т. - биринчи сигнал тизими асосида ҳосил бўлади. Бу - умумлашган мавҳум тафаккурнинг асоси.

Миелин (юнон. мйелос - илик)- нерв толаларнннг юмшоқ қобиғи таркибига кирувчи ёғсимон моддалар аралашмаси.

Нейрон (лот. неорон - тола, ип) - асаб тизимининг асосий тузилиши ва функсионал бирлиги, у асаб катакчалари, тўқима ва ундан узоқлашувчи ўсимталардан иборат.

Нервлар - тизимчасимон мураккаб тузилма, нерв толалари тутами, улар мияни ва нерв тушунчаларини тананинг бошқа аъзолари билан боғлайди.

Онг - объектив борлиқни психик акс етгиришнинг фақат инсонгагина хос юқори усули. Одамларнинг ижтимоий тарихий фаолияти воситасида пайдо бўлган.

Онгсизлик - одам онгига бориб йетмаган психик жараёнлар мажмуи.

Онг ости ҳолатлари - актуал равишда англаб олинмайдиган психик жараёнлар ва психик ҳолатлар йиғиндиси. Одамнинг хатти -ҳаракатлари ва унинг онги мазмунига таъсир этишга қодир.

Психика (юнон. псйчикос - руҳий) - юксак даражада ташкил топган материя - миянинг функсияси. Унинг моҳияти туйғулар, идрок, тасаввур, фикрлар, ирода ва бошқалар кўринишида акс етиришдан иборат.

Психик жараёнлар - у ёки бу психик маҳсулот ва натижаларни (психик образлар,ҳолатлар, тушунчалар, ҳиссиёт ва х.к.) ҳосил қилувчи, шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараён.

Психология (юнон. Псйче - пуҳ логос - билим) - одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур, туйғу - ҳиссиёт ва бошқа психик ҳолатлар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.

Рефлекс (лот. Рефлехус - акс этиш) - организмнинг марказий нерв тизими орқали ички ёки ташқи муҳит омиллари таъсирида ресепторлар қўзғалишига жавобан кўрсатиладиган реаксияси.

Ресептор (лот, ресипере - қабул қилмоқ) - анализаторнинг қўзғалишини қабул қилувчи ички қисми.

Шартли рефлекс (лот. рефлехус - акс этиш) - рефлектор назариясининг асосий тушунчаси, шартли қўзғовчиларга жавоб беришдан иборат рефлекс.

Шарсиз рефлекс (лот. рефлихес - акс этиш) - психиканинг И.М.Сеченов ва И.П.Павлов томонидан кашф етилган рефлектор назариясининг асосий тушунчаси ҳар қандай таъсирга инстинктив жавоб беришдан иборат туғма рефлекс.

Эфферент нерв (лот, ефферренс - олиб чиқувчи, неугон - асаб) - нерв импулсларини марказий нерв тизимидан иш бажарувчи аъзоларга ўтказувчи нерв.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулари

1. Психология фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.
2. Психологияни фан сифатида шаклланиши.
3. Мия ва психика.
4. Онг ҳақида тушунча ва унинг хоссалари
5. Онг ва онгсизлик муаммоси
6. Шарқ мутафаккирларининг психология фани ривожланишига қўшган ҳиссаси.
7. Инсон онги ва ҳайвон психикаси ўртасидаги фарқлар.
8. Психологиянинг моддий асослари.
9. Психика ва акс эттириш хусусиятлари

Психология ҳақида тушунча

Тест топшириқлари

1.Психология фани нимани ўрганади?

А) идрок қилиш шаклларини Б) жон ва руҳ ҳақидаги таълимот В) руҳий жараёнлар билиш фаолиятлари, индвидуал псхологик хусусиятларни Г) психик фактлар ва унинг механизмлари, қонуниятлари ҳақидаги фан Д) инсон шахси унинг психологик хусусиятларини

2.Психик фактлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) билиш фаолиятлари: диққат, нутқ, фаолият Б) билиш жараёнлари: сезги, идрок хотира, тафаккур ва хаёл В) руҳий ҳолатлар ёки шахснинг хиссий иродавий соҳаси: ҳиссиёт, ирода Г) руҳий хусусиятлар ёки индивидуал

психологик хусусиятлар: темперамент, характер, қобилият Д) барча жавоблар тўғри

3. Қайси қаторда психик акс эттириш хусусиятлари кўрсатилган?

А) обектив борлиқни тўғри акс эттириш имконини беради Б) обектив борлиқни тўғри акс эттириш хусусиятлари кўрсатилган В) доимо ривожланиб ва шаклланиб боради.

Г) шахснинг индивидуаллиги орқали намоён бўлади Д) барча жавоблар тўғри

4. Қайси қаторда дастлабки психология тўғрисидаги илк тасаввур кўрсатилган?

А) дуализм Б) анимисм В) афазия Г) идеялар туғма бўлади Д)тўғри жавоб берилмаган

5.Жон ўз моҳиятига кўра оловсимон учқундан иборатлигини илгари сурган олим?

А) Гераклит Б) Демокрит В) Афлотун Г) Арасту Д) Фалес

6.Жон ўз моҳиятига кўра оловсимон атомдан иборатлигини илгари сурган олим?

А) Гераклит Б) Демокрит В) Афлотун Г) Арасту Д) Фалес

7."Идеялар абадий ва ўзгармас моҳиятдир, уларнинг табиий оламидан таш қарида олий олам мавжуд бўлиб, уларни одам кўзи билан кўра олмайди" мазкур фикр муаллифини топинг?

А) Гераклит Б) Демокрит В) Афлотун Г) Арасту Д) Фалес

8."Дуализм" оқимининг асосчиси қайси каторда тўғри кўрсатилган?

А) Гераклит Б) Демокрит В) Афлотун Г) Арасту Д) Фалес

9. Дуализм талимотининг моҳияти?

А) моддий ва руҳий олам тана ва психикасининг бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, азалдан қарама- қарши нарсалар деб тушунтиради Б) идеялар адабий ва ўзгармас мохиятдир. В) жон ва тана бир-бирига боғликдир. Г) жон ва тана бўлинмас бирлика эга, лекин фаолиятлар жараёнида улар бир-бирларини тарк этадилар. Д) тўғри жавоб берилмаган

10. Кишилик тафаккури тарихида ким биринчи бўлиб, руҳ ва жонли тананинг ажралмаслигини исботлаб берди?

А) Афлотун Б) Анаксеман В) Арасту Г) Гераклит Д) Фалес

11. "Жон қисмларга бўлинмайди, лекин у фаолятнинг озиқланиши, ҳис этиши ва ҳаракатга келиши, ақл-идрок каби турларга оид қобилиятларни намоён қилади" мазкур фикр ким томонидан илгари сурилган?

А) Афлотун Б) Анаксеман В) Арасту Г) Гераклит Д) Фалес

12. Дунёда ким биринчи бўлиб психотерапевтик усулларни қўллаган?

А) Афлотун Б) Арасту В) Абу Али ибн Сино Г) Абу Наср Фаробий Д) Абу Райхон Беруний

13. Қайси қаторда инсон миясининг оғирлиги тўғри кўрсатилган?

А) 1250-1300г Б) 1250-1350г В) 1380-1450г Д) 1350-1475г

Г) 1350-1400г

14. Инсон миясида қанча миқдорда нерв ҳужайралари мавжуд?

А) 11 мил. Б) 13 мил. В) 14-15 мил Г) 13-14мил. Д) 12-13 мил.

15. Инсон миясининг функсионал тузилишини ўрганган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) И.П.Павлов Б) И.М.Сеченов В) А.Р.Лурия Г) М.Теплов Д) Неблисин

16. Нерв ҳужайраси ва унинг ўсимталари уларни қопловчи пардалар …… деб аталади?

А) аксон Б) дендрите В) синапс Г) нейрон Д) рефлекс

17. "Бош мия рефлекслари" асарининг муаллифи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) И.П.Павлов Б) И.М.Сеченов В) А.Р.Лурия Г) М.Теплов Д) Неблисин

18. "Онгли ва онгсиз ҳаётнинг барча актлари ўзининг юзага келиши жиҳатидан рефлекслардан иборатдир" мазкур фикр муаллифи ва асарнинг номи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) И.М.Сеченов "Бош мия функсиялари"

Б) И.П.Павлов "Бош мия рефлекслари"

В) И.П.Павлов "Олий нерв фаолияти қонуниятлари" Г) И.М.Сеченов "Рефлекс ва рефлектор ёйи" Д) И.М.Сеченов "Бош мия рефлекслари"

22. Психик жараёнлар организмда қандай функсияларни бажаради?

А) акс еттирувчанлик Б) сигналилик В) бошқарув Г) психикД) акс еттирувчилик, сигналлик, бошқарув

19. Психик фаолиятнинг руҳий жиҳатдан бошқарилиши рефлектор характерга эга эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурган психолог олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) И.П.Павлов Б) И.М.Сеченов В) А.Р.Лурия Г) М. Теплов Д) Неблисин

20. И.П.Павловнинг психология фанидаги янгилиги нимадан иборат?

А) олий нерв фаолияти қонуниятларини Б) икки хил сигнал тизими ҳақидаги талимот

В) шарсиз ва шартли рефлекслар тажриба асосида ўрганилди Г) олий нерв фаолияти қонуниятларини, икки хил сигнал тизими ҳақидаги талимот Д) Барча жавоблар тўғри

21. ……психиканинг енг юксак даражаси бўлиб у, фақат инсонгагина хосдир.

А) психика Б)онгсизлик В) онг Г) амалий тафаккур Д) тўғри жавоб йўқ

22. Онгнинг характерли хоссалари қайси қаторда кўрсатилган?

А) англаш Б) обект билан субект ўртасидаги фарқни англаш В) мақсад кўзлаш

Г) кишилар муносабатларининг йиғинисидир. Д) барча жавоблар тўғри

23. …… бу шундай психик жараёнлар ҳолатлар йиғиндисики, унда инсон ўз хатти-раракатларига жавоб бермайди, англамайди?

А) туш кўриш Б) онгсизлик В) алаҳлаш Г) галлюсинасия Д) паталогик ҳодисалар

24. Турли нерв ҳужайраларининг тўплашган жойи бу……

А) оралиқ мия Б) нейрон В) дендрите Г) аксон Д) синапс

25. Рефлекс тушунчаси дастлаб фанга ким томонидан киритилган?

А) И.М.Сеченов Б) И.П.Павлов В) Р.Декарт Г) Спиноза Д) Анохин

26. Организмнинг ташқи ва ички тасиротларига марказий нерв тизими орқали берадиган жавоб реаксияси …… деб аталади?

А) инстинст Б) рефлекс В) кўникма Г) малака Д) одат

27. Қуйидаги фикр ким томонидан илгари сурилган "Онгни катта кўламига эга материядан сира қолишмайдиган воқелик, яни яққол нарса деб тушунтиради"

А) Лейбнис Б) Гартли В) Спиноза Г) Гоббс Д) Декарт

28. Руҳни мутлоқо рад етиб, механик ҳаракатнинг ягона воқелик деб тан олиб, унинг қонуниятлари психологиянинг ҳам қонуниятлари эканлигини такидлаган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) Лейбнис Б) Гартли В) Спиноза Г) Гоббс Д) Декарт

29. Психика миянинг функсияси ҳақидаги талимот қачон вужудга келди?

А) ХВИИ асрда Б) ХВИ В) ХИХ аср ўрталарида Г) ХВИИИ асрда Д) ХВИИИ аср ўрталарида

30. Детерминизм тамойилини тарғиботчиси бўлган психолог олим қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) Гартли Б)Гоббс В) Декарт Г) Жон Локк Д) Спиноза

Назорат саволлари.

1.Психология фанининг предмети мақсади ва вазифаларини кўрсатиб ўтинг?
2.Психология фанининг шаклланиш босқичлари тўғрисида нималарни биласиз?
3.Психологиянинг моддий асоси нималар билан белгиланади?
4.Онг тушунчасининг моҳиятини изоҳланг?
5.Инсонларда онгсизлик ҳолати қачон рўй беради?
6.Инсон ва ҳайвон психикаси ўртасидаги фарқлар нималарда кўринади?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Вернадский В.И. Химическое строение биосферы Земли и ее окружения / Отв. ред. А.А.Ярошевский. — 2-е изд. — М: Наука, 1987.
2. Воронин Л.Г. Сравнительная физиология высшей нервной деятельности животных и человека: Избр. труды. — М: Изд-во МГУ, 1989.
3. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
4. Гиппенрейтер Ю.Б. Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов. — М.: ЧеРо, 1997.
5. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
6. Джемс В. Психология.- М., 1991
7. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
8. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
9. Немов Р.С. Психология: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3-х кн. Кн. 1: Общие основы психологии. — 2-е изд. — М.: Владос 1998.
10. Психология: Словарь / Под общей ред. А. В. Петровского, М. Г. Ярошевского. — М.: Политиздат, 1990.
11. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
12. Смирнов А.А. Избранные психологические труды: В 2 т. — М., 1987.
13. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975
14. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
15. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

ПСИХИКА ВА ОНГНИНГ ТАРАҚҚИЙОТИ

Психиканинг филогенетик тараққиёти.

Жамики материя, жонсиз анорганик материядан тортиб, то органик материянинг юксак ҳамда мураккаб шакли - инсон миясигача моддий оламнинг умумий хусусиятига, яъни турли таъсирларга жавоб қайтариш қобилиятига эгадир. Жонсиз табиатда ҳаракат жисм ёки моддаларнинг ўзаро механик, физик ва кимёвий муносабатлари тарзида намоён бўлиши мумкин. Материянинг акс эттириш шаклини қуйидагича ифодалаш мумкин:

MATERIYANING AKS ETTIRISH SXEMASI



Воқеликдаги таъсирни акс этиш қобилияти-материянинг умумий хусусиятидир. Лекин оламда тирик ва ўлик табиатни акс этиши турличадир. Тирик материянинг ташқаридан таъсир етаётган моддалар алмашинувига жавоб бериши таъсирланувчанлик деб аталади. Оддий таъсирланувчанлик барча ўсимликларга хос. Еволюсия жараёнида организмлар ташқи муҳит билан муносабатларининг умумий турини ўзгариши натижасида таъсирланувчанликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтиши сезувчанликни юзага келишига сабаб бўлади. А.Н.Леонтевнинг фаразига асосан сезувчанлик "генетик шундай таъсирланувчанлик-ки ташқи муҳит таъсирига организмни йўналтиради ва бунинг натижасида организм ташқи муҳитида сигнал вазифасини бажаради. Демак, **сезувчанлик** шундай таъсирланувчанлик-ки, унинг натижасида ҳаёт учун зарур таъсирлар сигналлашади. Сезувчанликнинг намоён бўлиши, психиканинг пайдо бўлишига объектив биологик белги сифатида хизмат қилади. Психик таъсирланувчанликнинг ўзига хос юқори сифат ўзгариши -сезувчанлик-психик акс эттириш нинг оддий тури юзага келганида бошланади. ҳайвонлар еволюсияси жараёнидаги психиканинг сифат ўзгаришларини А.Н.Леонтев ўзи ифодалаган психик ривожланиш босқичларига асос қилиб олди. А.Н.Леонтев бўйича психика ривожланиш босқичларининг жадвал кўриниши ва уларнинг схематик ифодаланиши:



1.**Элементар (содда) сенсор психика босқичи** - А.Н.Леонтев таърифича, ташқи муҳит объектнинг у ёки бу сифатига қараб жавоб бераверади. Бу оддий сезиш босқичидир. К.Е.Фабри фикрича, оддий сенсор психиканинг икки-паст ва юқори даражасига ажратилади. Кўпгина бир ҳужайралилар ҳамда айрим кўп ҳужайралиларда психик ривожланишнинг паст даражаси кузатилади. Бунда психик фаолликнинг оддий турлари намоён бўлади. Елементар психиканинг юқори босқичида кўп ҳужайрали умуртқасизларда намоён бўлади. Бу ҳайвонот еволюсиясининг зарур давридир. Нерв тизими диффуз, тўрсимон ганглиоз ёки занжирсимон бўлиб, улар алоҳида предметларнинг сифатларинигина акс ета оладилар. ҳайвонлар учун ушбу босқичда предмет олами мавжуд бўлмайди, улар объектни идрок ета олмайдилар. Улар психик акс эттириш и оддий сезги тарзида бўлади.

2.Персептив босқич бўлиб, у ташқи, объектив воқеликни яхлит акс этиши билан характерланиб, алоҳида оддий сезиш тури эмас. К.Е.Фабрининг фикрича, персептив психикани ҳам икки даражаси мавжуд. Паст даражага юқори даражали умуртқасизлар киради. Персептив психиканинг қуйи босқичида мавжуд бўлган ҳайвонлар учун ижобий таъсир этувчиларни фаол излаш хусусияти хосдир.

Предметни идрок этиш-персептив психиканинг юқори даражасидир. Ушбу даража ривожланган нерв тизимига эга умуртқалиларга хосдир.

3.Интеллектуал босқич - юксак даражада ривожланган нерв тизимига эга бўлганлар, яъни одамсимон маймунларга хосдир.

Сесканувчанлик ва тропизм

Ҳамма тирик организмлар ўсимликлардан тортиб, ҳайвонларгача акс эттириш нинг биологик шакли сесканувчанлик хусусиятига эгадир.

Сесканувчанлик - тирик организмнинг биологик аҳамиятига эга бўлган таъсирларига жавоб қайтариш қобилиятидир. Биотик, яъни биологик аҳамиятга эга бўлган омилларига махсус ҳаракатлар билан реаксия қилиш усулларига **тропизм ёки таксислар** дейилади.

Тропизм турлари қуйидаги жадвалда яққол акс еттирилга:



1.Фототропизм - бу тирик организмнинг ёруғлик таъсирида ҳаракатга келишидир. *Масалан*, ёз куни тунги чироқ ёруғлигига майда чивинларнинг учиб келиши.

2.Термотропизм - тирик организмнинг иссиқлик таъсири остида ҳаракат қилишга
мойиллигидир. *Масалан,* баҳор келиши билан қашоратларнинг жонланиб ҳаракатга келиши.

3.Хемотропизм - тирик организмнинг физик-химиявий муҳитни танлаб олишга бўлган мойиллигидир. *Масалан*, ачиган, қатиқ, меваларга майда чивинларнинг йиғилиши.

4.Топотропизм - тирик организмларнинг механик қўзғатувчилар таъсири остида ҳаракат қилишига мойилигидир. *Масалан,* чириган олмага тегилса, унга йиғилган майда ҳашоратларнинг ҳаммаси учиб кетади. **Мимоза** ўсимлигига тегилса, у дарҳол япроқини ёпиб олади.

5.Гемотропизм - тирик организмнинг қуёш нури таъсири остида ҳаракат қилишга мойиллигидир. *Масалан,* кунгабоқар ўсимлигининг қуёш нури томон ҳаракатланиши.

6.Баротропизм - тирик организмнинг ҳаво босими остида ҳаракат қилишга мойиллигидир. *Масалан,* ҳаво булут бўлганида, ҳавода учиб юрган ҳашоратлар йерга пастга қараб учадилар.

7.Гидротропизм - тирик организмнинг намлик сув таъсири остида ҳаракат қилишига мойиллигидир.

Ўсимликларда акс эттириш нинг биологик шакли фақатгина тропизмлардан иборат бўлиб, бу ҳаракатлар ўсимликларга ўз-ўзини бошқаришига ёрдам беради, яъни улар ўзлари учун фойдали бўлган манбага қараб интилади ёки ўзини ҳимоя қилишга доир бошқача ҳаракат қилади. *Масалан,* номозшомгул кечки пайт очилиб, кундузи ёруқликдан ёпилади.

Ҳайвонларда акс эттириш нинг янги тури - сезувчанлик юзага келади. Сезувчанлик қобилияти туфайли, ҳайвонлар, ўсимликларга нисбатан анча кўп таъсиротларни акс эттириш имкониятига эга бўлади. ҳайвон нерв тизими ва мияси қанчалик юксак даражада тараққий етган бўлса, унинг психикаси ҳам шунчалик юқори босқичга кўтарилган бўлади. Одамда психиканинг ривожланиши енг юқори бўлиб, онг даражасига эга.

Ҳайвонларнинг инстинктлари

Инстинктлар - ҳайвонинг табиий эҳтиёжларини қондириш учун қиладиган мураккаб туғма ҳаракатларидир. Қушлар жуда усталик билан ин ясар эканлар, материал танлаш ва инни пишиқ қилиб қуриш йўлида хилма-хил ҳаракатларни бажарадилар. Масалан, қалдирғочларнинг ин қуриши, Калюшка деб аталувчи балиқнинг еркаги сув тагида йердан чуқурча ковлаб, уни майда сув ўсимликлари билан тўсади, иннинг ён деворини қуради ва устини беркитади буни у йирикъроқ ўсимликлардан ўз танасидан елимсимон модда чиқариб ясайди. Шундан кейин еркак балиқ урғочи балқни уруғ қўйиш учун ҳайдаб киргизади ва то уруғдан балиқчалар очиб чиққунга қадар ин атрофини қўриқлаб туради. Рус зоопсихологи В.А.Вангер (1849-1934) урғочи ўргимчакнинг номақул бўлиб қолган инстинктлари шаротида унинг хатти-ҳаракатларини кузатган ва тасвирлаб берган еди.

Чунончи, кўпинча ўргимчак пилласининг ичидагини зараркунандалар йеб кетган бўлади. Лекин урғочи ўргимчак бўшаб қолган пиллани қўриқлашда ва у ёқдан-бу ёққа кўчиришда давом этади. Шундай ҳоллар ҳам бўлади-ки, урғочи ўргимчак пиллани ясаб ва одатда тухум қўйиш чоғида бажариладиган ҳаракатларни бир неча марта такрорлаб, амалда тухум қўймаслиги ҳам мумкин. Шундай бўлса-да, у келгуси босқичга, яъни бўш пиллани қўриқлашга ва уни у ёқдан - бу ёқга кўчиришга ўтади. Асаларилар реаксиясининг мақсадга мувофиқлиги ҳам нисбийдир. Агар мумкатакнинг орқа томони тешиб қўйилса, асалари яроқсиз уяга маълум миқдордаги ширани тўкиб бўлгач, гарчи унинг иккинчи томонидан шира оқиб кетадиган бўлса ҳам мум билан беркитиб

кетади. Франсуз тадқиқотчиси К.Фабри йер арисининг бир қолипдаги мақсадга мувофиқ бўлмаган хатти-ҳаракатини кузатган еди. Йер ариси уясининг олдига чалажон чигирткани келтириб, барча арилар сингари уясини текшириш учун кириб кетганида тадқиқотчи унинг ўлжасини йироққа суриб қўяди. Ари уясидан чиқиб, уни излаб, шошиб яна уясининг олдига қўяди ва текшириш учун яна уясига кириб кетади. Фабри арининг уяси олдидан чигирткани қирқ марта четга суриб қўяди ва ари қирқ мартасида ҳам ўлжасини топиб, уни олиб кириш учун уясини текширган. Бу мисоллар инстинктнинг чекланганлигини кўрсатади. Инстинктив ҳаракатлар муайян шарт-шароитларга қатъий боғлиқ бўлади. Инстинктнинг амал қилиш механизми шундан иборат-ки, ташқи шарт-шароитлар рефлектор муносабатни билдиришга ундайди, енг охирида эса навбатдаги муносабат билдириш учун қўзғайди ва ҳоказо. Шу тарзда рефлексларнинг бутун бир занжирини ҳаракатга келтиради ва наслий йўл билан мустаҳкамланган дастурни амалга оширади. Инстинктив ҳаракатлар стандарт шарт-шароитлар ўзгариши биланоқ ўзининг мақсадга мувофиқлигини йўқотади. Шундай қилиб, хатти-ҳаракатларнинг инстинктив шакллари фақат доимий шароитлардагина мақсадга мувофиқдир.

Ҳайвонларнинг инстинктлари турли хил кўринишда намоён бўлади. **Овқатланиш инстинкти** - ҳайвонларнинг ўзи ва боласи учун овқат қидириб топиш, овқат ғамлаш ҳаракатларидир.

Ҳимояланиш инстинкти - ҳайвон ўз ҳаётини ва омонлигини сақлаш ҳаракатларида ифодаланиб, у икки кўринишда содир бўлади. Биринчиси душманга ҳужум қилиш, иккинчиси ўзини ҳимоя қилишдир. ҳар бир ҳайвон душмандан ҳимоя қилиш учун бирор органидан шохлари, туёқлари, тиш-тирноқлари, тиканлари каби ёки заҳарли-қидли суюқликдан фойдаланади. Масалан, Африка кобраси ўз заҳрини 3,5 метр масофагача ота олади. Америкада терисининг усти қора жун билан қопланган унча катта бўлмаган бир йиртқич ҳайвон яшайди. У амалда барча турдаги йиртқич ҳайвонларнинг ҳужумидан сақлангандир. ҳайвонлар уни орқасидаги узун чизиқидан таниб олади. Бу ҳайвон скунс деб аталади. Табиат скунсга бир безни ато етганки, у бениҳоя заҳарли, ҳидли суюқлик тарқатади. Салгина хавф туғилиши биланоқ, скунс душманига орқасини ўгириб, думини кўтаради ва ҳавога суюқлик пуркайди. Натижада енг катта йиртқичлар ҳам бир неча соат давомида "қушидан кетиб қолади". Америка қитъасидаги барча ҳайвонлар скунсни четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳайвонни янги иқлимга мослаштиришга қарор қилиниб, ёш ҳайвонларни олдинига ўралган майдонда сақлашди. Йиртқичларни парвариш қилишда хизматчилар қийналмас-ликлари учун ҳайвонлардаги мумак безлари олиб ташланди. Еркинликка қўйиб юборилган скунслар ўрмонларда бемалол юришарди. Скунсларга ҳужум қила бошланганида, улар қочмасдан, орқаларини ўгириб туришаверди ва душманларининг йенгилгина ўлжасига айланишди. Шундан кейин, скунсларнинг безлари кесиб ташланмай, уларни боқишнинг бошқа усуллари топилди.

Насл қолдириш инстинкти - бу ота-оналик инстинкти сифатида кўриниб, насл - авлод учун ғамхўрлик қилиш, уни маълум вақтгача овқат билан таъмин этиш, хавф-хатардан сақлаш ўз болаларини парвариш қилиш туғма

маҳоратига эга бўлиб, ўз наслининг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилади. Жумладан, ўргимчакнинг баъзи турларида урғочилари ўз тухуми учун толалардан пиллалар ясайди. Бу пиллани урғочи ўргимчак қўриқлаб ва тез-тез кўчириб юради, ўргимчак болалари пайдо бўлиши билан урғочи ўргимчак уяларини ёнидан силжимасдан қўриқлаб туради. Насли катталашгани сари урғочи ўргимчак ҳам уларга шунча бефарқ бўла боради ва сўнгра эса ўргимчак болалари мустақил ҳаракат қиладиган бўлиб, қолгандан кейин уларни ташлаб кетади.

Тўда бўлиб яшаш инстинкти-бу инстинкт ҳайвонларнинг турли усуллар билан ўзаро алоқа қилишида хилма-хил шаклда биргалашиб, тўдалашиб, пода бўлиб, гала бўлиб яшашларида зоҳир бўлади. Бу тўдаланиш баъзи ҳайвонларда доимий характерга эга бўлса (чунончи, чумолилар, асаларилар), баъзилари эса ўзига ўхшаш ҳайвонлар билан вақти-вақти билан биргалашиб яшайди асосан йиртқич ҳайвонлар масалан, қоплон енг кучли ва маймун учун енг қўрқинчли йиртқич ҳисобланади. қоплон маймунларга йерда доим мушукдек чаққон ҳужум қилади, Шимпанзе доим кучли ҳайвон, лекин қоплондан уларга доим кун йўқ. Шимпанзелар қоплонни одатда ёмон кўрадилар, уни кўришлари биланоқ шимпанзе маймунлари тўда бўлиб, ваҳшиёна букчайиб қўлларини пастга тушириб, сакраб, бақиришиб ҳайвонни ҳамма томонидан қуршаб оладилар. Айрим ҳолларда шимпанзелар қўлларига калтак олиб, қоплонни уриб ҳайдайдилар. Ҳашоратлар галаси, кушлар галаси, сут емизувчилар подаси, йиртқичлар тўдаси, ҳайвонларнинг доимий тўда бўлиб яшаш шаклидир.

Маълумки, асаларилар уясида битта она ари, бир неча ўнлаб еркак ва бир неча юзлаб бепушт ишчи ари (жинсий органлари йэтишмаган)лар бўлади. Ишчи ариларнинг хатти -ҳаракатлари жуда ҳам мураккабдир. Ривожлана борган сари ҳар бир ишчи асалари уядаги вазифасини ўзгартира боради. Олдинига у асалари болаларини (гумакларини) боқади, уяни тозалайди, сўнгра уяни қўриқлайди, озуқа топиб келади, катакчалар ясайди. Йерда яшайдиган арининг инстиктлари ҳам жуда мураккаб ҳаракатлар занжиридан иборатдир. У ўзига уя қазиб олиб, учиб кэтишидан олдин ҳар гал уни оғзини тупроқ билан қоплайди. Ўлжасини олиб келганидан кейин ари уни уяга киравэришига қўйиб, ҳалиги тупроқни четга суриб, уяни текшириб кўради, шундан кейингина уни уяга олиб киради. Инстинктив ҳаракатлар, туғма ва наслдан-наслга ўтадиган онгсиз ҳаракатлардир. Улар ҳайвонларнинг ҳаёт учун курашиш ва муҳитга енг муваффақиятли уйғунлашиш жараёнида ҳосил қилинган ҳолда ирсий йўл билан мустаҳкамланиб қолган, онгсиз ҳаракатлардир. Булар ақл билан ўйлаб бажариладиган оқилона ҳаракатлар эмас. Масалан, янги туғилган сичқон болаларини чўмилтириб, мушук олдига олиб келинса, у сичқонни ўз болаларидек меҳр билан боқади, емизади, ҳимоя қилади, аммо уни сичқон боласи эканлигини англамайди. Ўрдак тухумлари товуққа бостирилганда, у ўрдак тухумининг фарқига бормасдан, шу тухумдан чиққан ўрдак болаларини боқади, улар сувга тушиб сузганларида сув лабида у ёқ, бу ёққа юриб уларнинг товуқ жўжалари эмаслигини англамайди. Демак, инстинктлар доимо бир шаклда кўринадиган ҳаракатлардир, аммо инстинктлар шароитга мувофиқ ўзгариши мумкин.

Ҳайвонларнинг кўникмалари

Тараққиётнинг юқори босқичидаги ҳайвонларда ҳаракатнинг инстинктив шаклари билан бир қаторда, хатти-ҳаракатнинг индивидуал ўзгарувчан шакллари - кўникма ва интеллектуал ҳаракатлар ҳам мавжуд. **Кўникма** - бу ҳайвонларда шартли боғланишлар асосида юзага келувчи ва автоматик равишда содир бўлувчи ҳаракатлардир, яъни бирор фаолиятни такрорланиб туриши натижасида аста-секин ҳосил қилинган хатти-ҳаракатлардир.

Нерв тизимининг ривожланиши жиҳатидан ҳайвон қанчалик юқори ўринни эгаласа, у ўзида шунчалик мураккаб кўникмаларини ҳосил қила олади.

Инстинктларга қараганда, кўникма хатти-ҳаракатларнинг анча ўзгарувчан шакли ҳисобланади. Ҳайвонларнинг кўникмалари, ота-оналаридан "ўрганиш" йўли билан ҳам ҳосил бўлади. Масалан, бўрилар болаларини овга ўргатадилар, қари бўри қилган ҳаракатни ёш бўри такрорлайди, бу тақлид қилиш инстинктига асосланган, хатти-ҳаракатлар кўникмасидир. Уй ҳайвонларини одам "ўргатганда" улар кўп кўникмалар ҳосил қилади. Шунингдек, сиркда ўргатилган ҳайвонлар хилма-хил жуда мураккаб кўникмаларни намоён этадилар. Маълумки, ҳайвонда одам томонидан кўникмалар ҳосил қилиниши **ўргатиш ёки дрессировка** дейилади. Машҳур ҳайвон ўргатувчи В. Дуровнинг таъкидлашича, маълум нарсага ўргатишда ҳайвонлар керакли ҳаракатни бажарган пайтда уларга овқат бериб, рағбатлантирган, шу йўсинда мураккаб ишларни бажаришга ўргатган. Масалан, айиқларни велосипедда юришга ёки самоварни столга қўйишга, филларни уйин тушишга ва шу каби мураккаб хилма-хил кўникмаларга ўргатган. Ҳосил бўлган кўникмалар ҳатто айрим инстинктларни тўхтатиб ғўя олади. Жумладан, балиқларда шартли боғланишлар анча тез ҳосил бўлади. Шартли боғланишларнинг ҳосил бўлиши учун ёруғлик, ранг, нарсанинг шакли, шунингдек, товуш ва таъм белгилари сигнал бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин бу боғланишлар тез ўзгармайдиган бўлади.

Чунончи чўртанбалиқда майда балиқларни овлашга оид шартли рефлекс осонгина ҳосил бўлади. Лекин бу рефлексни сусайтириш жуда қийин. Тадқиқотда майда балиқлар чўртанбалиқдан шиша билан ажратиб қўйилганда йиртқич янгидан вақтинчалик боғланиш ҳосил қилмагунга қадар узоқ вақт давомида шишага урилиб турди, шиша олиб қўйилгандан сўнг эса янги боғланиш ўз навбатида узоқ вақт сақланиб туради. Шундан кейин чўртанбалиқ ёнида сузиб юрган майда балиқларга умуман аҳамият бермай қўяди. Бу фактлардан маълумки шароит ўзгариб кетганда шартли боғланишлар ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини бир оз ўзгартириши мумкин экан. Шундай қилиб, кўникмалар бир-биридан муҳим жиҳатидан фарқ қилиши мумкин:бир ҳолатда кўникмалар ўзларининг автоматизмларга кўра инстинктларга яқинлашсалар, бошқа бир ҳолатда интеллектуал ҳаракатларга яқинлашадилар.

Ҳайвонларнинг интеллектуал ҳаракатлари .

Ақл (интеллектуал) босқичи ҳайвонларнинг деярли мураккаб фаолияти билан тавсифланиб, у акс эттириш нинг мураккаб туридир. "Ҳайвонларнинг борлиқни психик акс этиш усули интеллектуал фаолиятга ўтишида алоҳида нарсаларгина эмас, балки уларнинг муносабатларини акс эттириш ҳам вужудга келади. Ҳайвонлар ривож-ланишнинг бу босқичида, нарсалар орасидаги боғланишларни акс еттира оладилар.

Немис зоопсихологи В.Кёлернинг тадқиқотларида маймунларга йетиб бўлмайдиган жойга хўрак қўйилади. Хўракдан яқинроқ, лекин бевосита йетиб бўлмайдиган жойга узун таёқ қўйилади. Бу таёққа йэтишиш учун қафасда қисқа таёқча билан хўракни олиб бўлмайди. Маймун эса биринчи босқичда қисқа таёқ билан узун таёқни олади. Иккинчи босқичда эса узун таёқ орқали хўракни олишга муваффақ бўлади.

А.Н.Леонтевнинг фикрича, муваффақияциз ҳаракатлардан сўнг тўсатдан жавобни топиши ақлий хатти-ҳаракатларнинг яна хусусиятидир. Бу ҳодиса В.Кёлер томонидан "инсайт"-равшанлашиш деб аталган.

Ақлий хатти-ҳаракат бошқа икки хусусияти мавжуд бўлиб, бу топилган муаммонинг йечимини тез еслаб қолиш ва шу билан шаклланган операсияларни бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга ўтказа олишдир.

Ҳайвонот оламининг юксак босқичидаги вакиллари (қуруқликда яшовчилардан, хусусан, одамсимон маймунлар, денгиз ҳайвонларидан делфинлар) инстинкт, кўникмаларни эгаллашдан ташқари яна мураккаб ҳаракатларни бажара олади, ҳайвонларнинг бундай хатти-ҳаракатларини интеллектуал ҳаракатлар дэса бўлади. Интеллектуал хатти-ҳаракатлар ҳайвоннинг анча юксак шаклдаги психик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, у туғма инстинктлар ва ҳаётда ҳосил қилинган кўникмалар ҳайвоннинг яшаш шароити талабларига жавоб бера олмаган тақдирда юзага келади. Юксак тараққий қилган ҳайвонлар улар учун маълум муаммолар билан бир қаторда янги бўлган нарсани ҳам ҳал қила оладилар. Масалан, тажриба ўтказилган асбоб иккита бўш найчадан иборат еди. Найчадан биттасига қарғанинг кўз ўнгида инга боғланган хўрак бир парча гўшт жойлаштирилди. Қарға хўракнинг найча ичига кириб кетганини кўради. Қарға шу заҳотиёқ иккинчи найчанинг охирига сакраб боради ва хўракнинг пайдо бўлишини кутиб туради. Шунингдек, маймунларда ўтказилган тадқиқот ҳам бунга яққол мисолдир. Қафаснинг шипига банан осиб, қафас ичига икки - учта яшик ёки бир иккита қамишли таёқча қўядилар. Маймун қафас ичига кириши билан мевани олмоқчи бўлади, аммо бўйи йетмайди. Маймун теварак-атрофига кўз югуртириб, йерда ётган қамишни кўради, ва бу қамиш билан мевани қоқиб туширишга ҳаракат қилади. Лекин унда ҳам бўйи йетмаганидан сўнг қамишларни олиб, бир неча вақт улар билан турлича ҳаракатларни қилиб кўриб, улар бир-бирини ичиг кириб, узунлашади, кейин маймун бананни қоқиб туширади. Ёки йерда ётган яшикни устма-уст қўйиб уни меванинг тагига суриб келтиради ва устига чиқиб мевани олмоқчи бўлади, аммо бўйи йетмайди. Шунда маймун йерда ётган бошқа яшикларни устма-уст қўйиб, нарвон қилади ва уларнинг устига чиқиб мевани олиб йейди.

Киши кўзига маймунлар нечоғли ақлли ҳайвон бўлиб туюлмасин, аммо уларнинг тафаккури ниҳоятда тордир. Бу фикрни исботлаш учун шундай бир тажриба ўтказилган. Яшик қўйилган мева олдига спирт лампаси ёқиб, ёниб турган спирт лампасининг тепасига сувли - жўмракли бак ва стакан қўйилади. Мевани олиш учун маймун аввал оловни ўчириш керак бўлади. Бир одам оловни ўчириб, овқат олиш йўлини маймунга кўрсатади, маймун бакдаги сувдан кружкага қуйиб оловга сепади ва сўнг мевани олиб йейди. Кейинчалик сув тўлдирилган бак бошқа столга кўчирилади. Маймун бир столдан, иккинчисига ўтиш учун узун кўприк ясаб кўприк орқали бошқасига ўтган ва

бакдан кружкага сув тўлдириб яна орғасига қайтган, ниҳоят оловни ўчириб, мевани олиб йэган. Айнан маймун атрофида сув туриб бундан фойдаланмагани қизиқдир. Бу маймунда умумлаштириш хусусияти йўқлигидан далолат беради, яъни ҳар қандай сув оловни ўчира олишини маймун мутлоқо тушунмайди, у ўзи кўрган ишини, яъни бакдан олинган сув билан оловни ўчиришнигина қила олади, холос. Булардан маълумки, ақлни ишлатиш билан бирор бир масалани ҳал қилишда маймун масалани йечишни барча зарур шартларини кўра олмайди, улардан фақат айримларинигина фаҳмлайди, холос. Маймунларнинг интеллектуал ҳаракатлари ҳар қандай ҳаракатларни синаб кўриш жараёнида аниқ амалий тафаккур тарзида содир бўлади. Тақлидчанлик - маймунлар ҳулқ-атворининг характерли хусусиятидир. Масалан, маймун супурги билан полни супуради ва "латтани ҳўллаб сиқади", "полни артади", "ювади". Одатда, маймунлар ҳаракатнинг натижасига эмас, балки ҳаракатнинг ўзига тақлид қиладилар. Маймун полни супурар экан, ахлатни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юраверади-ю, лекин ахлатни полдан тозалаб ола билмайди.

Шундай тадқиқот ўтказилган уйга бўш челак ва қуруқ латта қўйилган. Маймун латта билан полни артади ва ҳар сафар у латтани челакка тушуриб айлантириб сиқади, бу ишни маймун фаррош қилгани каби бажаради. Шунингдек, маймун қалам билан дафтарга "ёзади" (чизиқлар чизади) ва унга диққат билан қарайди. Маймунга қалам ўрнига таёқча берилса, қам у "ёзишни" давом эттиради. Интеллектуал ҳаракатнинг натижасига тақлид қилиш маймунларда учрамайди.

Америкалик олимлар **Г.Харлоу, М.Харлоу, С.Суомиларнинг** тадқиқотлари янги туғилган маймунлар боласи сунъий онанинг айрим турларигагина ҳаддан зиёд ихлос қўйиши мумкинлигини кўрсатади. Тажриба қўйидагича олиб борилади, яъни Макака маймунининг янги туғилган болаларини худди ҳақиқий онасининг катталигида қилиб ишланган сунъий она билан қафасга солиб қўйилади. Маймунчаларнинг бирига металл краскадан ясалган "она", иккинчисига ёғоч силиндрдан ясалиб, тукли мато билан ўралган "она" тўғри келади. Юмшоқ оналик маймунча кўп вақтини унинг ёнида ўтказади, уни гоҳ қучоқлар, гоҳ унинг устига ҳам чиқиб кэтарди. У ҳар гал хавф туғилса, онасининг ҳимоясига қочиб борган. Металл онага теккан маймунча эса жуда қийналди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, маймунларнинг болалари сут берган онадан кўра, сут бермаса ҳам матодан ясалган онани афзал кўришади. Матодан ясалган оналар маймунларда хавфсизлик ва ишонч ҳиссини уйғотади.

Бироқ юксак тараққий етган катта маймунларнинг инстинктив хатти-ҳаракати, бир ҳужайрали ҳайвонлар инстинктидан жиддий фарқ қилади. Юксак тараққий етган маймунлар (жумладан шимпанзе)да хатти-ҳаракатнинг уя қуришдек туғма шакли мавжуддир. Табиий шароитларда улар ҳар куни дарахтларда шох-шабалардан уя қуришади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, маймунлар уя қуришда, материалларни танлаш чоғида амалий таҳлилга биноан иш кўрадилар. Тадқиқот жараёнида маймунларнинг бинокорлик "фаолияти" кемирувчилар (каламуш)нинг уя қуриши билан таққослаб кўрилди. Қаттиқлиги турлича материаллар, жумладан, дарахт шохлари ва қоқоз мавжуд бўлган ҳолда шимпанзе ва каламушлар қам уяни бир хил типда, яъни уянинг асосий қисмини қаттиқ материалдан ясаб, ичига анча юмшоқроқ материал тўшайди. Агар

шимпанзе ва каламушга фақат юмшоқ материал берилса, у ҳолда иккаласи ҳам уяни шу материалдан қуришга тушади. Лекин улар тавсия қилинган материалдан уяларини ясаб бўлганларидан кейин уларга анча дағалроқ материал берилса, у ҳолда ҳайвонларнинг реаксияларида дарҳол сифат фарқ кўринади. Шимпанзе анча дағал материалга эга бўлганидан кейин шу заҳотиёқ уясини қайта қуришга киришади. Юмшоқ материалдан қурилган иншоатини бир чеккага суриб қўяди ва анча дағал материалдан уянинг асосини қура бошлайди. Шундан кейингина у юмшоқ материалдан фойдаланади, уни уясининг ички юзаларига тўшайди, каламушларда ҳам худди шунга ўхшаш вазиятни кўришни давом эттирадилар, дағал материални юмшоқ материал устидан тушай берадилар. Шундай қилиб, уя қуриш маймунларда гарчи инстинктив ҳаракатлар натижасида амалга оширилган бўлса, ҳам бу ҳаракатлар ташқи шарт-шароитлар ҳисобига олинган ҳолда юз беради.

Интеллектуал хатти-ҳаракатлар

Ҳайвонларнинг кўпинча яширин имконияти сифатида қолиб кетади. Жумладан, рус психологи Н.Н.Ладигина -Коц (1889-1963) нинг тажрибаларида Парис деган шимпанзе ичига хўрак солинган найчани олиши биланоқ найчанинг ичига киритиш учун яроқли бўлган, ишлатишга қулай қуролни танлашга тушарди. Бунда Парис турли белгиларни-нарсаларнинг шакли, узунлиги, кенглиги, қалинлигини ажрата биларди. Агар мос келадиган нарса топилмаса Парис ёнида ётган дарахт шохларидан ён шохларини юлиб олар, енли тахтадан пайрахалар ажратиб чиқар, букланган симларни тўғирлар, хуллас маймунлар "қурол" яшар еди.

Бироқ юксак тараққий етган маймунлардан "қурол ясаш" фаолия-тининг аҳамиятини ошириб юбориш ярамайди. Е.Г.Васуро, Н.НЛадигина-Коцлар ўтказган тажрибаларидан маълумки, шимпанзелар айнан бир хилдаги вазиятда, яъни мақсадга эришиш учун иккита таёқни бирлаштириш зарур бўлган пайтда ўзларини йўқотиб қўйишади. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин, яъни шохларни ғажиш, пайрахаларни ажратиш маймуннинг табиатда бажарадиган ҳаракатларидир. Лекин маймунлар табиий шароитларда таёқларни бир-бирига улаб иш кўрмайди.

Психиканинг муҳит ва аъзолар тузилишига боғлиқлиги

Муҳит шароити жиҳатидан ниҳоят даражада ҳар хил экан, бу ҳол организмларнинг дифференсиалланишига олиб келган. Барча тирик организмлар мавжуд шароитга мослашади. Ўз-ўзини бошқариш оддий таъсирланувчанликдан бошланиб, ўзининг юксак тараққиётига эришади.

Акс эттириш усули қанчалик юксак бўлса, мазкур турдаги ҳайвон муҳитнинг бевосита таъсиридан шунчалик озод бўлади. Муҳитдаги ҳароратнинг ўзгариши билан организмдаги кимёвий реаксиялар тезлиги ҳам ўзгаради, ҳарорат кўтарилса, реаксия тезлиги ошади, ҳарорат пасайса реаксия тезлиги камаяди. Борди-ю ҳарорат жуда ошиб ёки жуда тушиб кеца: бир ҳужайрали организм ҳалок бўлади. Юксак тараққий етган ҳайвонлар эса шароит ўзгариши билан бир жойдан иккинчи жойга кўчишга мажбур бўлади. Масалан: кемирувчилар йерни чуқур кавлаб ичкарига кириб кетади. Бунда инстинкт таъсир қилади. Ёзнинг иссиқ кунида фил ўзига сув сепиб туради.

Ҳайвонлар тараққиётининг ҳар қандай даражасида ҳам муҳитга бўлган боғлиқликдан батамом қутула олмайди. **Муҳит** тирик организмнинг яшаш шароити, тирик организмлар ҳаётини белгиловчи омилдир.

Акс эттириш нинг адекват (мос) бўлиши, аввало психиканинг моддий асоси, сезги аъзолари ва асаб тизимининг тузилишига боғлиқдир. Ресептор маълум бир турдаги қўзғатувчилар таъсирига қанчалик тўғри реаксия қилса, организмнинг реаксияси ҳам шунчалик адекват, яъни мос бўлади.

Ресепторларнинг тараққиёти маълум даражада бирон типдаги асаб тизими тараққиёти билан боғлиқ. Сезги аъзолари ва асаб тизими тараққиёти даражаси муқаррар равишда психик акс эттириш даражасини белгилайди. Тўрсимон асаб тизимига эга бўлган ҳайвонлар асосан ташқи таъсиротларга туғма равишда жавоб қайтарадилар. Вақтли алоқалар уларда қийинчилик билан юзага келади ва ёмон сақланади.

Тараққиётнинг навбатдаги поғонасида асаб тизимида бир қатор сифат ўзгаришлар юзага келади. Тугунча шаклидаги нерв ҳужайралари асаб тизимининг кўпроқ миқдордаги қўзғатувчиларни қабул қилиш ва қайта ишлаш имкониятини беради. Чунки бундай асаб тизими учун муҳит қандайдир ўзгармайдиган доимий нарса эмас.

Инсон онгининг ривожланиши

Инсон психикаси билан енг юксак тараққий етган ҳайвон психикаси ўртасида катта фарқ мавжуд. Ҳайвонлар "тили"билан инсон тилини ҳеч бир жиҳатдан таққослаб бўлмайди. Ҳайвон ўз тўдасидаги бошқа ўзига ўхшаш ҳайвонларга айни чоғдаги бевосита вазият билан чекланган ҳодисалар ҳақида фақатгина сигнал беролса, инсон тил ёрдами билан бошқа одамларга ўтган, ҳозирги ва келгуси замондаги нарсалар ҳақида ахборот бериши ва уларга ижтимоий тажрибани ўтказиши мумкин.

Ҳайвон ва одам тафаккурининг бир-биридан фарқ қилиши улар **тили ўртасидаги** фарққа боғлиқдир. Инсон абстракт тафаккурга, ҳайвон эса амалий тафаккурга эга. Одам заруриятга мос равишда онгли суратда иш кўриш қобилиятига эга. **Қурол ясаш ва уни асраш** қобилиятига эгалик одам психикаси билан ҳайвон психикасининг бир-биридан ажратувчи иккинчи муҳим фарқ ҳисобланади. Конкрет вазиятдан ташқарида ҳайвон ҳеч вақт қуролни бошқа нарсалардан фарқлаб, қурол сифатида ажратмайди ва уни кейинчалик фойдаланиш учун сақлаб қўймайди. Аниқ вазиятда қурол ўз ролини ўтаб бўлгач, шу заҳотиёқ, ҳайвон учун қуроллик сифатини йўқотади. Одам илгаридан ўйлаб қўйилган режа билан қурол ясайди, қуролдан тегишли мақсадларда фойдаланади ҳамда уни сақлаб қўяди. Одам нисбатан доимий буюмлар оламида яшайди. Одам қуролдан фойдаланиш тажрибасини бошқалардан ўрганади ва ўзи бу тажрибани бошқаларга ўргатади. Одам психик фаолиятининг ҳайвонлар психикасидаги учинчи фарқи шуки, **инсон ўзидан кейинги авлодларга ижтимоий тажриба қолдиради**.

Одам билан ҳайвон ўртасидаги тўртинчи ғоят муҳим фарқ **ҳиссиёт** ўртасидаги фарқдир. Ривожланиш шароитларининг турлича бўлиши одам психикасининг ҳайвон психикасидан ажратувчи муҳим фарқлардан ҳисобланади. Агар одам инсоният тажрибасини ўзлаштирмас экан, ўзига ўхшаган одамлар билан муносабатга киришмас экан, шахс сифатида таркиб

топмайди. Инсон онгининг ривожланишига асосий омил меҳнат фаолияти, яъни одамларнинг биргаликда қурол ясаш ва ундан фойдаланиш фаолиятлари бўлган.

Меҳнат фаолияти ижтимоий муносабатлар тараққиётига таъсир қилади, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши эса меҳнат фаолиятининг такомиллашувига таъсир кўрсатади. Инсон онги меҳнатда ривожланади. Инсон онги еволюсион тараққиёт жараёнида акс эттириш нинг енг юксак шакли сифатида майдонга келиб, онг туфайли одам моддий дунёдаги нарсаларнинг объектив, барқарор хусусиятларини ажрата олади ва шу асосда теварак-атрофдаги воқеликни ўзгартира олади. Демак, инсон психикасининг олий босқичини онг деб аташ мумкин.

Мавзу юзасидан амалий топшириқлар

1 - Топшириқ.

Шарсиз ва шартли рефлексларнинг хусусияти ва уларнинг ҳосил бўлиш механизми ҳамда объектив борлиқ, сигналлари ҳақидаги билимларни текшириш ва мустаҳкамлаш.

Зарур материал. Турли ҳаётий омилларни ифодалаган савол ва вазифалар:

1. Нима учун янги ўрганаётган боксчи рақибининг қўлқопи унинг кўз олдида пайдо бўлиши билан кўзини юмади?
2. Врач қачонлардир болага укол қилган еди. Шундан сўнг бола оқ халат кийган ҳар қандай одамдан, ҳаттоки у одам болага яхши таниш бўлса ҳам, қўрқадиган бўлиб қолди. Бунга нима сабаб?
3. Одатда институтнинг биринчи курс талабаларига ўқитувчи-маърузачи томонидан биринчи марта аудиторияга кириб келганда ўрнингиздан туриб қарши олинг, иккинчи соатга кирганда эса ўз жойингиздан қимирламанг, деб тарбия берилади. Шунга қарамасдан, танаффусдан сўнг маърузачи иккинчи марта хонага кириб келганда ҳам баъзи талабалар ўринларидан турадилар. Вақт ўтиши билан бу ҳодиса йўқолиб боради. Бу омилнинг физиологик асоси нимадан иборат?
4. Маълумки, футбол уйинини янги ўйнай бошлаган баскетболчи дастлабки пайтларда тўпни тез-тез қўлига ушлаб олади. Бу билан у ўйин қоидасини бузади. Орадан бир қанча вақт ўтгач, бу спортчи бундай хатога йўл қўймайдиган бўлиб қолади. Ушбу ҳодисанинг физиологик механизмини тушунтиринг?
5. Ўқувчилар мактабда юриш-туриш ҳақидаги қоидага мувофиқ, ўқитувчининг "Дарсимиз тугади","Кэтишингиз мумкин" деган сўзини ешитмагунларича ўринларидан қимирламасдан ишларини давом етти-ришлари лозим. ҳатто қўнғироқ ертароқ чалинганда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Ваҳоланки, дарс охирида чалинган қўнғироқ кўп вақт ўқувчиларни ҳаракатланишга ундайди, натижада улар ишни йиғиштириб, синфдан чиқишга ошиқадилар. Болалар интизомини мустаҳкамлаш учун қайси физиологик жараённи ривожлантириш керак?

Таянч тушунчалар

Инстинкт - (лот. инстинстус уйғониш) - мураккаб шарсиз рефлекс, у ҳулқ - атворнинг туғма йиғиндиси, ташқи ёки ички таъсиротларга жавобан ҳосил бўлади.

Онтогенез (юнон. он, онтос - асл, туб, генесис – туғилиш, пайдо бўлиш) - организмнинг индивидуал ривожланиши. Тирик мавжудотнинг пайдо бўлган давридан то охиригача бўлган даврдаги ўзгаришлар мажмуи.

Сесканувчанлик - тирик организмларнинг таъсирларга биологик аҳамията эга жавоб қайтариш қобилияти.

Филогенез (юнон.. пҳйле - қабила, уруғ, генесис - пайдо бўлиш) - муайян тирик мавжудот турининг йерда ҳаёт бошланганидан кейинги еволюсион тараққиёт жараёни.

Қўзғатувчанлик, қўзғалувчанлик - ташқи қўзғовчи омиллар таъсирида физиологик ҳолатларин ўзгартириб юбориш қобилияти. Барча тирик мавжудотга хос хусусият.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулари

1. Психиканинг филогенетик тараққиёти.
2. Сесканувчанлик ва сезувчанлик тушунчаларининг ўзаро муносабати
3. Тропизм тушунчасининг моҳияти
4. Ҳайвонларнинг хатти-ҳаракат типлари.
5. Сенсор босқич ва унинг характерли хусусияти.
6. Персептив босқич ва унинг характерли хусусияти.
7. Интеллектуал босқич ва унинг характерли хусусияти.
8. А.Н.Леонтев ва Е Фабри бўйича психиканинг ривожаниш босқичлари.
9. Инстинкт тушунчасининг мазмуни.
10. Кўникма ва малакаларнинг моҳияти.
11. Ҳайвонларнинг интеллектуал хатти-ҳаракатлари.
12. Психиканинг муҳит ва аъзолар тузилишига боғлиқлиги.
13. Инсон онгининг ривожланиши.

Тест топшириқлари

1…… тирик организмларнинг биологик аҳамиятга эга бўлган таъсирларга жавоб қайтариш қобилиятидир.

А) сесканувчанлик Б) сезувчанлик В) тропиcм Г) инстинст Д) сенсор босқич

2.Биологик омилларга махсус ҳаракатлар билан реаксия қилиш усулларига ……деб аталади.

А) сесканувчанлик Б) сезувчанлик В) тропиcм Г) инстинкт Д) сенсор босқич

3.Бу босқич учун характерли хусусияти шундан иборатки бу босқичда организм нарсаларнинг ўзини эмас балки алоҳида хусусиятларини акс эттиради?

А) сесканувчанлик Б) сезувчанлик В) тропизм Г) инстинст Д) сенсор босқич

4.Мазкур босқичга мансуб ҳайвонлар атроф-муҳитининг айрим хусусиятларини эмас, балки уларни бутун нарсалар сифатида акс эттиради?

А) сесканувчанлик Б) персептив В) тропизм Г) инстинст Д) сенсор босқич

5.Ҳайвонларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун қиладиган туғма мураккаб ҳаракатлари …… деб аталади?

А) сесканувчанлик Б) персептив В) тропизм Г) инстинст Д) сенсор босқич

6.Ҳайвонларнинг биологик эҳтиёжларига қараб инстинктив ҳаракатлари қандай турларга бўлинади?
А) овқатланиш Б) сақланиш В) насл қолдириш Г) пода-пода бўлиб яшаш
Д) барча жавоблар тўғри
7.Инстинктлар қайси йўл билан ҳосил қилинади?
А) машқ қилиш Б) ўрганиш В) биологик ирсият Г) шарсиз рефлекслар асосида
Д) тўғри жавоб йўқ
8.Инстинктларнинг нерв физологик асосини нима ташкил қилади?
А) бош мия пўстлоқ қисми Б) шартли рефлекс В) мураккаб ҳаракатлар
Г) рефлектор ёйи Д) шарсиз рефлекс
9.Ҳайвонларнинг индивидуал ҳаёти давомида пайдо бўладиган ҳаракатлар бу……..
А) инстинкт Б) малака В) кўникма Г) тажриба Д) одат
10.Ҳайвон кўникмаларини нималар асосида вужудга келади?
А) инстинктлар Б) илгари ҳосил қилинган рефлекслар В) шарсиз рефлекс Г) барча жавоблар тўғри Д) инстинктлар, илгари ҳосил қилинган рефлекслар
11.Айрим нарсалар ўртасида мураккаб муносабатларнинг акс еттирилиши бу……
А) сенсор босқич Б) персептив босқич В) интеллектуал босқич Г) инстинкт
Д) кўникма
12. …… тирик организмларнинг яшаш шароити, тирик организмлар ҳаётини белгиловчи омилдир?
А) кўникма Б) малака В) одат Г) муҳит Д) ресептор
13.Инсон ва ҳайвон психикаси ўртасидаги фарқ қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) тил ва тафаккур Б) қурол ясаш ва уни асраш В) ижтимоий тажриба Г) ҳиссиёт
Д) барча жавоблар тўғри
14.Асалари ва чумолиларнинг мураккаб хатти-ҳаракатларини нима деб аташ мумкин?
А) ақлий ҳаракатлар Б) кўникма В) инстинктив ҳаракатлар Г) меҳнат Д) малака
15.Баҳор келиши билан ҳашоратларнинг жонланиб ҳаракатга келиши қайси тропизм турига мисол бўла олади?
А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) гелеотропизм
16……бу тирик организмнинг маълум физикавий химиявий муҳитни танлаб олишга бўлган мойиллигидир
А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) гелеотропизм
17.Ачиган қатиқ турли чириган меваларга майда чивинларнинг йиғилиши қайси тропизм турига мисол бўлади
А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) гелеотропизм
18. Тирик организмнинг механик қўзғатувчи таъсири остида ҳаракат қилишга мойиллиги …….деб аталади?

А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) гелеотропизм

19. Чириган олмага йиғилган майда ҳашоратларга тегилса ҳаммаси баровар учиб кетади, мимуза ўсимлигига тегилса у даров япроғини ёпиб олади мазкур мисол тропизмнинг қайси турига тегишл?и

А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) гелеотропизм

20……. Бу тирик организмнинг қуёш нури таъсири остида ҳаракат қилишга мойиллигидир.

А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) гелеотропизм

21.Кунгабоқар ўсимлигининг қуёш нури томон ҳаракатланиши қайси тропизм турига мисол бўла олади?

А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) гелеотропизм

22.Тирик организмнинг ҳаво босими таъсири остида ҳаракат қилишга мойиллиги ……деб аталади?

А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) баротропизм

23.Қуйидаги мисол қайси тропизм турига тааллуқли масалан, ҳаво булут бўлганда ҳавода учиб юрган ҳашоратлар йерга -пастга қараб учадилар?

А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) баротропизм

24.Тирик организмнинг намлик сув таъсири остида ҳаракат қилишга мойиллиги бу……

А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г)гидротропизм Д) гелеотропизм

25.Қайси қаторда машҳур дрессировкачининг номи кўрсатилган?

А) Владимир Дуров Б) В.А.Вангер В) А.И.Опарин Г) И.Павлов Д) Г.Харлоу, МХарлоу

26.Ҳайвонлардаги тўда-тўда бўлиб яшашларининг асосий хусусияти?

А) душманларга биргаликда курашиш Б) ўзини ҳимоя қилиш В) хужум қилиш, ҳимоя қилиш Г) вақтинчалик, доимий Д) тўда, гала, пода бўлиб яшаш

27.Америкалик олимлар Г.Харлоу, МХарлоу, С.Суомиларнинг тадқиқотларининг мазмуни нимадан иборат?

А) Янги туғилган маймун боласи билан сунъий она ўртасидаги муносабат

Б) Урғочи ўргамчакларда В) Каламушларда ин қуриш жараёнида

Г) Маймунларда мевали яшиклар билан Д) Қарға ва бўш найчаларда

28…… бу тирик организмнинг ёруғлик таъсири остида ҳаракатга келишидир

А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) гелеотропизм

29.Ёз куни тунги чироқ ёруғига майда чивинларнинг учиб келиши қайси тропизм турига мисол бўла олади?

А) термотропизм Б) фототропизм В) хемотропизм Г) топотропизм Д) гелеотропизм

30.Тирик организмнинг иссиқлик таъсири остида ҳаракат қилишга мойиллиги…….деб аталади?

А) термотропизм Б) фототропизм В)хемотропизм Г)топотропизм Д) гелеотропизм

Назорат саволлари

1. Психиканинг филогенетик тараққиёти нималар билан белгиланади?
2. Ҳайвонларнинг хатти-ҳаракат типларига нималар киради?
3. Сенсор босқич ва унинг характерли хусусиятини кўрсатинг?
4. Персептив босқич ва унинг характерли хусусиятини кўрсатинг?
5. Интеллектуал босқич ва унинг характерли хусусиятини кўрсатинг?
6. Психиканинг муҳит ва аъзолар тузилишига боглиқлигини изоҳланг?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А. Атлас по психологии М; «Просвещение»1986 г
2. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
3. Гримак Л.П. Резервы человеческой психики. Введение в психологию активности. — 2-е изд., доп. — М; Политиздат, 1989
4. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
5. Джемс В. Многообразие религиозного опыта. — СПб.: Андреев и сыновья, 1992.
6. Джемс В. Психология.- М., 1991
7. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
8. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
9. Немов Р. С. Психология: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3-х кн. Кн. 1: Общие основы психологии. — 2-е изд. — М.: Владос 1998.
10. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
11. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
12. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
13. Симонов П. В. Мотивированный мозг: Высшая нервная деятельность и естественно-научные основы общей психологии / Отв. ред. В. С. Русинов. — М.: Наука, 1987.
14. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975
15. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
16. Фабри К.Э. Основы зоопсихологии: Учебник для вузов.—М.: Изд-во МГУ, 1976
17. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни

Психология кўплаб фанлар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб бормоқда. Фанлар орасидаги боғлиқликлар психологиянинг фанлар тизимидаги ўрнини белгилаб беради. Бизга маълумки, мавжуд фанлар гуманитар, табиий ва

фалсафий турларга бўлинади. Бир қатор бир-бири билан ёндош бўлган фанлар мазкур таснифлашга киритилади, лекин психология мустақил фан сифатида намоён бўлади. У инсон руҳий фаолиятининг табиий, тарихий ва ижтимоий томонини ўрганади. Психология барча турдаги фанлар орасида муҳим ўринни эгаллайди. Психология фалсафа, тарих, санъатшунослик, техника, педагогика фанлари билан узвий боғлиқ. Шунга мувофиқ психологияни фанлар орасидаги боғлиқлигини таҳлил қилсак. Айниқса психология фанининг фанлар тизимида тутган ўрни хусусида қуйидаги жадвалда маълумотлар келтирилади:

Psixika asosida yotuvchi miyaning biologik va fiziologik jarayonlarini o'rganuvchi tuzilishi.	**Tabiiy fanlar biologiya, fiziologiya, ximiya, fizika va boshqalar**
KIBERNETIKA	Inson shaxsini o'z-o'zini boshqarish jarayonlarini o'rganadi.
Ijtimoiy psixologiyaga doir masala yechish va ijtimoiy rivojlanishda psixologiyani rolini o'rganadi.	**SOTSIOLOGIYA**
PEDAGOGIKA	Ta'lim tarbiya jarayonida inson shaxsini shaklla-nishini o’rganadi
Psixikani o’rganish uchun texnik vositalarni ishlab chiqish shuningdek texnik taraqqiyot sharoitida inson faoliyatini optimal shartlarini o’rganadi	**TEXNIK FANLAR**

Психология **фалсафа** фани билан чамбарчас боғланган. Бу боғлиқлик иккала фаннинг инсон ва унинг ҳаёти моҳиятини тўла англаш ва ривожлантириш анъаналарини белгилашдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади.

Табиат, жамият ва инсон тафаккурини ривожланишига оид бўлган умумий қонуниятлар ва тамойилларни психология фалсафанинг базасидан олади ва шу билан бирга ўзи ҳам инсон онги ва тафаккури қонуниятлари соҳасидаги ютуқлар билан фалсафани бой маълумотларга эга бўлишига ёрдам беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик мафкураси ва миллий онгни шаклланишига тааллуқли, умумий, илмий қонуниятларни тизимлашда бу иккала фан - фалсафа ва психологиянинг ҳамкорлиги бевосита сезилмоқда. Бу боғлиқлик аввало янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш муаммоси кўндаланг турган тарихий даврда миллий истиқлол қояларини юртдошларимиз онги ва тафаккурида шакллантириш каби долзарб вазифаларни бажаришга хизмат қилмоқда.

Социология фани ҳам янгича муносабатлар шароитида ўз тараққиётининг муҳим босқичига эришар экан, психология ушбу фан томонидан қўлга киритилган ютуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг қўлланилишига, оммалашишига баҳоли қудрат хизмат қилади. Айниқса, психологиядан мустақил равишда ривожланиб, ажралиб чиққан бугунги тараққиёт давримизда алоҳида аҳамият касб етган ижтимоий психологиянинг сосиология билан алоқаси узвий бўлиб, улар жамиятда ижтимоий тараққиёт ва ривожланишни таъминлаш ишига хизмат қилади. қолаверса, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ишини собитқадамлик билан амалга ошираётган Ўзбекистон аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ва демократик ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрлигини амалда таъминлаш бу соҳада мунтазам тарзда ижтимоий фикр, инсонлар фикр ва қарашларидаги ўзгаришларни ўрганиш, башорат қилиш ва тараққиёт мезонларини ишлаб чиқишда иккала фан методологияси ва методларини бирлаштириш тадбиқий аҳамият касб этади.

Педагогика билан психологиянинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқаси анъанавий ва азалий бўлиб, уларни ёш авлод тарбиясининг замон талаблари руҳида амалга оширишдаги роли ва нуфузига хосдир. Ўз-ўзидан равшанки, бундай алоқа ҳамиша ҳам мавжуд бўлиб келган ва буни илғор психологлар ва педагоглар тушунтириб беришга ҳаракат қилишган. Рус педагоги ва психологи К.Д.Ушинский педагогика учун ўз аҳамиятига кўра психология барча фанлар ичида биринчи ўринда туради, деб таъкидлаган еди. Кишини ҳар жиҳатдан тарбияламоқ учун, - деб қайд етган еди К.Д.Ушинский, уни ҳар жиҳатдан ўрганмоқ даркор.

Республикамизда амалга оширилаётган янги "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни амалга оширилиши ҳам икки фан ҳамкорлиги ва ўзаро алоқасини ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Миллий дастурда еътироф етилган янгича моделдаги шахсни камол топтириш, уни чуқур билимлар соҳиби бўлиб йэтишиши, баркамоллигини кафолатловчи шарт-шароитлар орасида янги педагогик технологияларни таълим ва тарбия жараёнларига тадбиқ этишда педагогиканинг ўз услуб ва қоидалари йетарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам психология у билан ҳамкорликда ёш авлод онгининг таълим олиш даврларидаги ривожланиш анъаналаридан тортиб, токи янгича ўқитиш технологияларини бола томонидан ўзлаштирилиши ва ундаги ақлий қобилиятларга нечоғли таъсир кўрсатаётганлигини ўрганиш, шу асосда ишни ташкил этиш, психологиядаги

методларни дидактик методлар билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Айниқса, маънавий баркамоллик тамойилларини мактабда ва янги типдаги таълим муассасаларида жорий этиш ҳам шахс психологиясини теран билган ҳолда ўқитишнинг енг илғор ва замонавий шаклларини амалиётга тадбиқ этишни назарда тутади.

Табиий фанлар - биология, физиология, химия, физика ва бошқалар психик жараёнларнинг табиий физиологик механизмларини тушуниш ва шу орқали уларнинг кечиш қонуниятларини объектив ўрганиш учун материаллар беради. Айниқса, бош миянинг ҳамда марказий асаб тизи-мининг психик фаолиятларини бошқаришда ва уларни мувофиқлаш-тиришдаги ролини еътироф етган ҳолда психология фани табиий фанлар эришган ютуқлар ва улардаги тадқиқот усуларидан омилкорона фойдаланади. Масалан, шахс қобилиятларини диагностика қилиш унинг туғма лаёқатлари ҳамда орттирилган сифатларини бир вақтда билишни тақозо етганлиги сабабли унга табиий лаёқатнинг хусусиятларини аниқлашда психофизиологиянинг қатор усулларидан ўз ўрнида фойдаланади ва биология, анатомия, физиология, нейрофизиология каби фанларнинг шу кунгача эришган ютуқларидан фойдаланади. Шунинг учун табиий фанлар соҳасида эришилган барча ютуқлар психология фанининг предметини мукаммалроқ ёритишга ўз ҳиссасини қўшган.

Кибернетика фани соҳасидаги эришилган ютуқлар психология учун ҳам аҳамиятли ва зарур бўлиб, у инсон шахсининг ўз-ўзини бошқариш ва психик жараёнларни такомиллаштириш борасида ахборотлар технологияси ва кибернетика фани томонидан қўлган киритилган ютуқлар ва тадқиқот методлари, махсус дастурлардан ўз ўрнида фойдаланади. Айниқса, маълумотлар асри бўлган ХХ-асрда ва ҳар бир алоҳида маълумотнинг қадр-қимматини ошиши башорат қилинган ХХИ-асрда глобал ахборий жараёнлар ва янги илғор технологияларни моделлаштириш борасида психология ҳамда кибернетика ҳамкорлигининг салоҳияти янада ортади. Масалан, оддий мулоқот жараёнини янада такомиллаштириш, ҳар бир сўзнинг шахслараро муносабатлардаги таъсирчанлигини ошириш мақсадида, ҳамда ана шундай ижтимоий фаолиятли жараёнда шахс тизимини такомиллаштиришда турли кибернетик моделлардан ўринли фойдаланиш замонавий психологиянинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширади ва махсус компютер дастурларининг кенг қўлланилиши, инсон мияси ва руҳий олами сирларини тез ва аниқ ўрганишни кафолатлайди.

Техника фанлари билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги айниқса, ҳозирги кунга келиб яққол сезилмоқда. Бир томондан, мураккаб техникани бошқарувчи инсон муаммосини йечишда, иккинчи томондан психик ҳолатни мураккаб қирраларини очишда махсус техник воситалардан фойдаланиш зарурати бу икки йўналишнинг эришган ютуқларини бирлаштиришни назарда тутади. Масаланинг яна бир алоҳида томони ҳам борки, у ҳам бўлса, техника тараққиётига бир вақтда мураккаб техника ва машиналар билан мулоқот қилаётган шахс фаолиятини янада такомил-лаштириш ва унинг имкониятларига мослиги масаласи ҳам ана шу ҳамкорликда қилиниши лозим бўлган масалалардир. Айниқса, мустақил Ўзбекистон учун

мураккаб замонавий техника сир-асрорларини биладиган, унинг жамият ва фан равнақига хизматини таъминлаш қанчалик долзарб бўлса, ана шу техникага қар бир оддий фуқаро онги, тафаккури ва қобилиятларини мослаштириш ва одам-машина диалогининг енг самарали йўлларини излаб топиш жуда муҳим. Техника билан бемалол "тиллашадиган" малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам техника фани педагогика ва психология фанлари методларидан фойдалана олсагина муваффақиятга эришади.

Иқтисодиёт билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги XX асрнинг янгиликларидан бўлиб, айниқса, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида иқтисодий онг ҳам иқтисодий хулқнинг ўзига хос намоён бўлиш қонуниятларини ўрганишда иккала фанга хизмат қилади.

Президент И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ фуқароларнинг биринчи навбатда онгларида янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг жамият иқтисодий тараққиётидаги аҳамиятига эътиборни қаратган эдилар. Демак, янги давр шахсни тарбиялаш ва унинг жамиятга мослашуви масаласида психология иқтисодиёт фанида қўлга киритилган ютуқлар, янгиликлар ва иқтисодий самарага эришиш амалиётларини ҳисобга олса, иқтисодиёт ўз навбатида ислоҳотларнинг объекти ҳамда субъекти бўлмиш инсон оламидаги барча психологик ўзгартиришларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва шу аснода башорат қилиш вазифаларини йечиши керак. Бундан ташқари менежмент, маркетинг бошқаруви соҳасидаги ҳар бир изланиш ҳоҳ у иқтисодчи томонидан амалга ошириладими, ҳоҳ психологлар томониданми, барибир ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда шахснинг индивидуал қобилиятларини инобатга олиш инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг сирларини мустаҳкамлаш билан инсон ресурслари масаласига тўғри, одилона ёндашишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида шахс ва гуруҳлар психологиясини билиш ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий омилларини одам қобилиятига мувофиқлаштиришни назарда тутади.

Психологиянинг **табиатшунослик** билан алоқасининг тобора мустаҳкамланишига қуйидаги омил асосий сабаб бўлган. Бу жараён XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган еди. Эксперимент методининг **Г.Фехнер** томонидан фанга жорий етилганлиги ана шу жумладан бўлиб, бу И. М. Сеченовнинг **"Бош мия рефлекслари** китоби босмадан чиққанидан кейин айниқса кенг тус олган еди. Бу китобда психик ҳодисалар ҳам худди одам организмининг бошқа барча функсиялари каби табиий ҳодисалар эканлиги, улар сабабсиз юз бермасдан, балки нерв систэмасининг рефлектор акс этиши фаолияти натижаси эканлиги кўрсатиб берилган еди. И.М. Сеченовнинг рефлектор назарияси психологик билимларнинг табиий-илмий негизини ташкил этади. Бу назария кейинчалик И.П.Павловнинг шартли рефлекслар ҳақидаги таълимотида унинг шогирдлари Л.А.Орбели П.К.Анохин К.М.Биков, Н.И.Красногорскийларнинг асарларида, шунингдек, А.А.Ухтомский Н.А.Бернштейн И.С.Бериташвили ва бошқаларнинг асарларида янада ривожлантирилади. ҳозирги пайтда психология фанининг табиий-илмий жиҳатдан бу хилда асосланганлиги олимлар томонидан мия фаолиятининг нейрофизиологик механизмлари ўрганилаётганлиги ҳисобига тобора кучайтирилмоқда. Шу тариқа психик фаолиятнинг мураккаб физиологик

механизмлари тизимини тадқиқ қилиш борасидаги ютуқлар психология билан табиатшунослик ўртасидаги алоқаларнинг аниқ натижаси қсифатида юз беради.

Ҳозирги замон психологиясининг асосий муаммоларини тадқиқ қилишда буюк табиатшунос **Ч.Дарвин** томонидан 1859 йилда ёзилган "Табиий танланиш йўли билан турларнинг келиб чиқиши тўғрисида ёки яшаш учун курашда қулайликка эга бўлган турларнинг сақланиши" китобида баён етилган еволюсион ғоялари жуда катта таъсир кўрсатади. Бу ғоялар жонли мавжудотлар муҳитнинг ўзгарувчан шароитларига мослашиш жараёнида психиканинг ролини аниқлаш, психик фаолиятнинг олий шакллари қуйи анча содда шаклларидан келиб чиққанлигини англаш имконини беради. Ч.Дарвин бутун жонзотнинг еволюсион ғоясини ҳайвонларда сезгининг пайдо бўлишига нисбатан қўллашга муваффақ бўлади. У биологик ривожланиш жараёнида тананинг тузилишидаги ва унинг айрим аъзоларидаги ўзгаришларга олиб келадиган ўша асосий омилларни кўрсатиб берадики, бу филогенездаги психик тараққиётнинг кучлари бўлиб ҳисобланади. Психологияда Ч.Дарвиннинг ҳайвонлар психикасининг еволюсияси ҳақидаги ғоялари кўпгина олимларнинг ва енг аввало **А.Н.Северсов** билан **В.А.Вангернинг** илмий ишларида ривожлантирилди. Бу ҳайвонлар психик фаолиятининг турли хил шаклларини, уларнинг келиб чиқишидан бошлаб тадқиқ этиш имконини беради. А.Н.Северсовнинг тасдиқлашича, ҳайвонларда организмлар тузилиши ўзгармаган ҳолда фақат уларнинг хатти-ҳаракатини ўзгартириш йўли билан муҳитга мослаштиришнинг еволюсияси бир-бирига қўшилмайдиган икки йўлдан борган ва ҳайвонот оламининг иккита типида ўзининг юксак тараққиёт даражасига эришган. Буғимоёқлилар турида хатти-ҳаракатнинг ирсий ўзгаришлари жадал тарзда еволюсиялаша бошлади, уларнинг юксак тараққий етган вакиллари бўлган ҳашоратларда эса ҳаёт тарзининг барча икир-чикирларига мослашган ғоят мураккаб ва мукаммал инстинктив фаолиятнинг бу мураккаб ва мукаммал аппарати айни чоғда ўта қолоқ ҳамдир, ҳайвонлар муҳитнинг тез ўзгаришларига мослаша олмайдилар. Хордалилар турида еволюсия бошқа йўлдан боради, инстинктив фаолият жуда катта юксакликка эришмаса, ҳам лекин хатти-ҳаракатни индивидуал тарзда ўзгартириш орқали мослашув жадалроқ ривожлана бошлади ва организмнинг ўзгарувчанлигини жуда ҳам ошириб юборади. Ирсий мослашувчанлик устида хатти-ҳаракатнинг индивидуал тарзда ўзгарувчанлигидан иборат устқурма пайдо бўлади.

Шундай қилиб, еволюсион таълимот хулқ-атворнинг ирсият билан программалаштирилган инстинктив шаклларининг ҳам ҳаёт кечириш давомида шартли рефлекслар мураккаб тизимининг пайдо бўлиши натижасида орттириладиган шаклларининг ҳам келиб чиқишини тушунтириб бериш имконини туғдиради.

Тиббиёт психологияси асосларини тадқиқ етган клинисист психологлар (В.М.Бехтеров, С.П.Боткин, С.С.Корсаков, А.Р.Лурия, В.Н.Мясишчев ва бошқалар) тадқиқотларининг киши хулқ-атворида психиканинг қандай рол ўйнашини аниқлашдаги ўрни каттадир. Психология ва тиббиётнинг туташган жойида бўлган тиббиёт психологияси психология фанининг ютуқларини касалликларнинг олдини олиш

билан боғлиқ масалаларни ўрганишда қўллаб келаётир. Касалликнинг зўрайиши бир томондан психик омилларга (тушкунликка берилиш васвасага тушуш, ҳадиксираш ва шу кабиларга) боғлиқ бўлса, иккинчидан дарднинг ўзи ҳам, жумладан терапевтик муолажанинг самарадорлигини пасайтириб юбориши мумкин бўлган алоҳида психик ҳолатларни келтириб чиқарадики, бу ҳол врач ва психологнинг куч-ғайратлари бирлаштирилишини зарурат қилиб қўяди. Шу билан баробар мия қобиғининг баъзи бир жойлари, масалан, чакка қисми лат йэганда психиканинг бузилишини клиник-психологик тадқиқ қилиш натижасида идрок ва хотиранинг қонуниятларини тушуниш имконини берадиган янги маълумотлар олинди. Психолог-клинисист беморнинг оғзаки ёки ёзма нутқи психологик жиҳатдан бузилиши хусусиятларини аниқлаб, дарднинг манбаи киши бош мияси катта ярим шарларининг муайян бўлмасида эканлигини қайд қилади ва бу билан нейрохирургияга ёрдам беради.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, психология тиббиёт, табиатшунослик фанлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини назарий ва амалий билимлар билан бойитиб боради.

Умумий психологияни бу соҳалар билан бир қаторда қўйиш нотўғри чунки, умумий психология инсон руҳиятининг умумий қонунларини турларини методологик ва назарий тамойиллари асосида ўрганиш билан шуғулланади.

Албатта, бугунги кунда психология фани кўплаб фанлар билан узвий боғликдир. Буни психофизика, психофизиология, психолингивистика, математик психология ва ҳоказолар мисолида кўриш мумкин. Академик **Б.М.Кедровнинг** классификасияси бўйича барча фанлар 3 гуруҳга бўлинади: гуманитар, фалсафий ва табиий фанлар. Психология фанига тўхталадиган бўлсак: Б.М.Кедров фикрича, бу катта уч гуруҳдан фанлар тизимида психология мустақил фан сифатида намоён бўлади, ҳамда у инсон психик фаолиятини табиий- тарихий ва ижтимоий томонини ўрганади.

Ҳозирги замон психологиясининг тамойиллари

Психология фанининг ривожланиши қатор босқичларни ўз ичига қамраб олиб, бу даврларда самарали тадқиқот ишлари олиб борилган. Айнан тадқиқот ишларини самарали бўлиши учун фан доирасида тамойилларни ишлаб чиқиш учун зарурат сезила бошлади. Бу борадаги ишлар Америка ва бошқа чет ел психологияси йўналишлари намоёндалари томонидан илгари сурилди. XX аср бошларида бихевиоризм, фрейдизм йўналишлари вужудга келган еди. Бихевиоризм йўналиши ҳайвонларда ўтказилган кузатишлар натижасига асосланган бўлиб, унинг намоёндалари **Е.Торндайк ва Дж.Уоцонлар** ҳисобланади. **"Бихевиоризм"** инглиз тилида "хулқ-атвор" деган маънони билдиради. Бу оқим психика ва онгни инкор қилиб, хулқ билан ташқи муҳит ўртасидаги муносабатларни, қонуниятларни текширишни таклиф қилади. Уларнинг фикрича, психологиянинг вазифаси стимулга (қўзғатувчи), яъни сезги аъзоларига таъсир қилаётган қўзғатувчига ўқ отиш, унга қандай жавоб реаксияси бўлишини, ёки бундай реаксияни қандай стимул туғдиришини олдиндан айтиб бера олишдан иборат. Бихевиористларнинг формуласи **"С -> Р"** дир. **Фрейдизм** йўналишига веналик психиатр **З.Фрейд** асос солган. Унинг фикрича, одам моҳиятига кўра ҳайвонга ўхшайди. Одамнинг хулқ-атвори ва харакатлари иккита тамойилга: *роҳатланиш ва реаллик* тамойилига

бўйсундирилган бўлади. Бу оқим ҳам инсоннинг онгига ишонмайди З. Фрейд ўзининг психологик назариясини одам ҳақидаги, жамият ва маданият ҳақидаги умумий таълимотга айлантириб, қарб мамлакатларида катта эътибор қозонди.

1923-йилда психологларнинг биринчи йиғилишида **К.Н.Корнилов** психологияни қайта қуриш вазифасини илгари сурди. Психология фанини ривожлантиришда жудаям катта рол ўйнаган психологлар қуйидагилар: Б.Ананев, П.П.Блонский, С.Л.Рубинштейн, ЛС.Вигоцкий, Р.С.Немов ва бошқалар, шунингдек кейинчалик ўзбекистонда ҳам йирик олимлар йэтишиб чиқди. Улар жумласига М.Г.Давлетшин, Е.Ғ.Ғозиев, М.Воқидов, В.А.Токарева. Р.З.Гайнутдинов, В.М.Каримова, Ғ.Б.Шоумаров, Р.И.Суннатова, З.Т.Нишонова ва бошқаларни киритиш мумкин. Юқорида номлари тилга олинган олимлар ўзларининг ғоялари ва миллий мафкуралар билан ёшларда тафаккур сифатларидан "мустақиллик", "танқидийлик" кабиларни шакллантиришга эътибор бермоқдалар.

Ҳозирги мустақиллик шароитида психологияга бўлган талаб-эҳтиёж жуда кучайиб кэтди. Ёшлар маънавиятини бойитиш учун уларнинг дунёқараши, тафаккури, иродаси, умуман олганда онгини ўстириш зарур. Бунинг учун эксперимент ал ишларни кучайтириши, таълим жараёнини янги технологиялар асосида қайта қуриши лозим. ҳозирда Республикамиз университетларининг психология бўлимлари, кафедра, лабораториялари илмий фикрлар марказига айлантирилди. Мазкур муассасаларда психологик тадқиқотлар ўтказилиб, психик жараёнлар, ҳолатлар, шахснинг индивидуал хусусиятлари, ҳиссий-иродавий соҳасига доир назарий ва амалий билимлар ҳўлга киритилди. Айниқса, фан соҳасида тадқиқотлар шу даражада кўпайдики, улар маълум қонун қоидага таяниши лозим. Шу боис олиб борилаётган изланишларга асос бўлиши учун тамойиллар ишлаб чиқилди.

Шунга кўра психологиянинг тамойиллари қуйидагича:

1. Детерминизм тамойили;

2. Онг ва фаолият бирлиги тамойили;

3. Психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиши тамойили.

Психология тамойилларининг жадвал кўриниши.

PSIXOLOGIYANING ASOSIY TAMOYILLARI

- DETERMINIZM -Psixika hayot sharoiti bilan bog'liqligini anglatib, tashqi sharoitlar o'zgarishi bilan o'zgaradi.

- ONG VA FAOLIYAT BIRLIGI.
Ong va faoliyat bir butunlikni tashkil etmaydi. Ong inson faoliyatini ichki rejasini tuzib beradi.

PSIXIKA - ONGNI FAOLIYATDA RIVOJLANISHI Psixikani to'g'ri tushunish mumkin bo'lsa psixikaga taraqqiyot mahsuloti va faoliyat natijasi deb qaralsa, uni to'g'ri tushunish, hamda tushuntirib berish mumkin

Тамойил - маълум фаолиятни бажаришда таяниладиган дастлабки қоидалар тизимидир. **Детерминизм тамойилига** кўра, психика яшаш шароити билан белгиланади ва шароит ўзгариши билан ўзгаради. ҳайвонлар психикасининг тараққиёти табиий сараланиш билан, одам психикаси тараққиёти эса ижтимоий тараққиёт қонунлари билан белгиланади.

Онг ва фаолият бирлиги тамойилига кўра, онг ва фаолият бир-бирига қарама-қарши ҳам, айнан бир нарса ҳам эмас. Улар бир бутунликни ташкил этади. Онг фаолиятни ички режасини, дастурини ташкил этади. Бу тамойил психологларга инсон хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари ва фаолиятларини ўрганиш орқали хатти-ҳаракатлардан кўзланган мақсадларга, муваффақиятларга эришишни таъминловчи ички психологик механизм, яъни психикани объектив қонуниятларини очишга имкон беради.

Психика ва онгнинг фаолиятда тараққий этиш тамойилига кўра, психикага тараққиёт маҳсулоти ва фаолият натижаси деб қаралса, уни тўғри тушуниш ҳамда тушунтириб бериш мумкин. Бу тамойил Л.С.Вигоцкий, С.Л.Рубинштейн, В.М.Теплов каби психологлар ишларида ўз аксини топган. Л.С.Вигоцкий таълим психикани ривожлантиришга йўналтиришини, П.П.Блонский эса тафаккурнинг кичик мактаб ёшида ўйинлар билан ўспиринлик ёшида ўқиш билан боғлиқ тарзда ривожланишини таҳлил қилди. С.Л.Рубинштейн "Онг фаолиятда пайдо бўлиб, фаолиятда шаклланади" деган еди.

Ҳозирги замон психологиясининг тузилиши

Ҳозирги замон психология соҳалари ҳозирги кунга келиб 300 дан ортиқни ташкил қилади. Бу соҳалар ўзига хос объектга эга бўлиб, бир-биридан фарқ қилади. Шу боис фан соҳаларини ўрганиш қулай бўлиши учун тармоқларни маълум тизимга келтириш мақсадида маълум гуруҳларга таснифлаш жорий қилинган. Бу борада профессор **А.В.Петровский** психология фан соҳаларини қуйидагича таснифлашни илгари сурди:

- ***Аниқ фаолият турларини ўрганувчи психология соҳалари.***
- ***Ривожланишнинг ёш хусусиятларини ўрганувчи психология соҳалари.***
- ***Шахс ва жамиятга бўлган муносабатни ўрганувчи психология соҳалари.***

Психология фани соҳаларини тузилиш таркиби қуйида жадвал акс еттирилган.

FAOLIYATNING XARAKTERIGA KO'RA

MEHNAT PSIXOLOGIYASI - turli xil ijtimoiy hayotda inson faoliyatining psixik xususiyatlarini o'rganadi.

RIVOJLANISHIGA KO'RA

YOSH PSIXOLOGIYASI - hayot jarayonida shaxsni psixik rivojlanishini o’rganadi.

QIYOSIY PSIXOLOGIYASI - hayvonlar psixikasini o’rganadi

MAXSUS PSIXOLOGIYASI - psixikaning rivojlanishidagi o'zgarishlarni o'rganadi

SHAXS VA JAMIYATGA BO'LGAN MUNOSABATLARIGA KO'RA

IJTIMOIY PSIXOLOGIYA - jamoada insonlarni o'zaro munosabatdagi psixik jarayonlarni paydo

SHAXS PSIXOLOGIYASI - shaxsning psixologik xususiyatlarini o'rganadi.

Ψ ***Аниқ фаолият турига кўра психологиянинг қуйидаги турлари мавжуд:***

- **меҳнат психологияси**: инсон меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг психологик тамойилларини ўрганади. Меҳнат психологиясининг бир нечта бўлимлари мавжуд;

а) муҳандислик психологияси - инсон билан машина ўртасидаги вазифаларни тақсимлаш масалалаларини ҳал қилади ва асосан операторларнинг фаолиятини ўрганади;

б) авиасия психологияси- учишга ўрганиш жараёни ва учиш мосламаларини бошқаришда инсон фаолиятининг психологик қонуниятларини ўрганади;

в) космик психология - вазнсизлик ҳолати, фазовий тасаввурлар чалкашиб кетган вақтда ва организмга жуда кўп ортиқча таъсирлар юкланган пайтда асаб ва руҳий зўр бериш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда одам фаолиятининг хусусиятларини ўрганади.

Педагогик психология-унинг предмети ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг психологик қонуниятларини ўрганиш, ўқувчилар тафаккурини тараққий топиши, интеллектуал фаолият малакалари ва усулларини ўзлаштириш жараёнини бошқариш масалаларини ўрганади. Педагогик психология бўлимлари қуйидагилардир:

а) таълим психологияси;

б) тарбия психологияси;

в) ўқитувчи психологияси;

Тиббиёт психологияси шифокор фаолиятининг ва бемор хулқ-атворининг психологик жиҳатларини ўрганади. Уни қуйидаги тармоқлари мавжуд:

а) нейропсихология - психик ҳодисалар билан миядаги физиологик тузилишлар ўртасидаги нисбатни ўрганади;

б) психофармакалогия - доривор моддаларнинг шахс руҳий ҳолатига таъсирини ўрганади;

в) психотерапия - беморни даволаш учун руҳий таъсир воситаларини ўрганади;

Юридик психология-хуқуқ тизими билан боғлиқ бўлган психологик масалаларни ўрганади.

Унинг қуйидаги тармоқлари мавжуд.

а) суд психологияси - жиноий жараён иштирокчиларининг хулқ-атворини, руҳий хусусиятларини таҳлил қилади;

б) криминал психология - жиноятчининг хулқ-атвори, шахсининг шаклланишига доир психологик масалалар, жиноятнинг мотивлари билан шуғулланади.

Ҳарбий психология - кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитидаги хулқ-атвори билан боғлиқ ҳодисалар ўртасидаги ўзаро муносабатларини, психологик тарғибот методларини, ҳарбий техникани бошқаришнинг психологик муаммоларини ўрганади.

Спорт психологияси - спортчилар шахси ва фаолияти хусусиятларини, уларнинг психологик жиҳатдан тайёрлигининг шарт-шароитлари, мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ психологик омилларни ўрганади.

Савдо психологияси - асосан ривожланган мамлакатларда кенг тараққий етган бўлиб, кишилар руҳиятига тижорат таъсирини психологик шарт-шароитини, харидорларга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайди. Модалар психологиясини тадқиқ қилади.

Санъат психологияси - санъат асарларининг яратилишида фаолият-нинг психологик томонларини, инсон томонидан бадиий асарларни идрок етилиши, турли ҳодисаларни пайдо бўлиши ва естетик тарбия муаммолари, мусиқавий, бадиий, адабий қобилиятларни шакллантириш ва тарбиялаш муаммоларини ўрганади.

Илмий ижодиёт психологияси илмий фаолиятнинг психологик хусусиятлари, ижодиётда интуисия ва илҳомни тадқиқ қилади.

Ψ ***Ривожланишнинг ёш хусусиятларини ўрганувчи соҳалар.***

А) ёш психологияси - инсон шахсининг психологик хусусиятлари ва билиш жараёнларининг онтогенезда ривожланишини ўрганади. Ёш психологияси болалар психологияси, ўсмирлар психологияси, катталар психологияси, геронтопсихология каби тармоқларга бўлинади.

Б) патопсихология- мия фаолияти бузилишлари натижасида келиб чиқадиган турли шаклдаги руҳий ривожланишдан четланишни ўрганади.

Олигофренопсихология - миянинг туғма камчиликлари туфайли пайдо бўладиган бўлимларни ўрганади.

Сурдопсихология - ешитиш фаолиятида жиддий нуқсонлари бўлган болаларнинг
ривожланишини ўрганади.

Тифлопсихология - кўриш қобилияти паст ёки умуман кўрмайдиган киши фаолиятини ўрганади.

Қиёсий психология -ҳаётнинг филогенетик шаклларини ўрганувчи психология соҳаси бўлиб, инсон ва ҳайвонлар психологиясини солиштириш орқали ўхшашлик ва фарқ қилувчи томонларини аниқлайди.

Акмеология йетуклик даражасига эришган шахс ривожланишининг юқори даражаси уларнинг қонуниятлари ва механизмларини, айниқса ривожланишининг енг юқори чўққига эришиш хусусиятларини ўрганади.

Ψ ***Инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг психологик томонларини ўрганувчи психология соҳалари.***

1.Ижтимоий психология - уюшган ва уюшмаган ижтимоий гуруҳлардаги шахслараро ўзаро тасир жараёнида пайдо бўладиган психологик ҳодисаларни ўрганади.

2.Дифференсиал психология - шахс шаклланишининг индивидуал психологик йўналтирилганлиги каби хусусиятларни ўрганади.

3.Дин психологияси - инсон онгига диний қарашларнинг тасири масалаларини ўрганади.

4.Этнопсихология - инсон психологиясининг етник хусусиятлари, миллий характер, миллий туйғу, миллий ғоя, ўз-ўзини англаш, етник стереотип, уларнинг қонуниятлари ва вужудга келиш хусусиятларини ўрганади.
5. Бошқарув психологияси - бу психология фанининг шундай соҳасики, унда инсон томонидан - бошқаришнинг психологик томонларини ўрганади.
6.Маркетинг психологияси - янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларни бошқаришни ва улар фаолиятини ташкил этишнинг психологик муаммоларини тадқиқ қилади.

Шу билан бирга психологиянинг бир қатор тадбиқий соҳалари ҳам мавжуд.

Эксперимент ал психология - эксперимент ал методлар ёрдамида психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг умумий соҳаси. Психология фан сифатида фалсафадан ажралиб чиқишида, эксперимент ал тадқиқотлар ўтказишда асосий рол ўйнаган.

Экстремал психология - инсонннинг ўзгарган муҳит шарт-шароитларида психик фаолиятнинг кечиши қонуниятларини ўрганадиган психология соҳаси.

Психофизиология - одамларнинг индивидуал психологик ва психофизиологик фарқларини тадқиқ қилувчи, психология соҳаси.

Сиёсий психология - жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги психологик хусусиятлар, ҳолатлар, қонуниятлар, таъсирчанлик ва таъсир кўрсатиш жараёнлари каби жабҳаларни текширувчи психология со?аси.

Оила психологияси - оила психологиясини ўрганувчи, фанлараро тадқиқот қилишга йўналган психология соҳаси.

Парапсихология - Ҳозирги замон фанининг чэгарасидан ташқаридаги, тушунтириш қийин бўлган психик ҳодисаларни ўрганади.

Фан ривожланиб, тараққий етиб бориши жараёнида унинг соҳалари ҳам кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги замон психологиясининг илмий тадқиқот методлари

Малумки, ҳар қандай фан ўз предметига эга. Психологиянинг предмети психика бўлиб, у обектив оламни психик ҳодисалар асосида акс еттириб, юзага келган ва шаклланган образ субект фаолиятини, хулқ-атворини мақсад сари йўналтиради.

Бундан ташқари ҳар қандай фан қандайдир ҳодиса қонуниятларини билиш учун малум бир методлардан фойдаланади. **И.П.Павлов** "Методнинг қўлида тадқиқот тақдири ётади" деган еди. Методлар тизими фаннинг умумий методологиясига бирлашади.

Методологияни кенг манода оладиган бўлсак, у малум тизимга эга бўлган ва билимларни излаб топишга қаратилган, мантиқан кетма-кетликка эга бўлган методлардир. Кўпчилик олимлар бу атамани илмий метод тушунчасига мос тарзда тушунадилар ва фойдаланадилар, методология фақат илмий тарзда қабул қилиниши деб такидлайдилар.

Методология (юнонча метҳодес - билиш, тадқиқ қилиш, изланиш йўли, логос - тушунча, талимот) амалий фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тамойиллари, усуллари тизими ҳамда ушбу тизим ҳақидаги талимотдир. **Методлар** - психологияни ўрганиш усуллари ва йўллари йиғиндиси, **"Метод"**

бу билиш, англаш йўли бўлиб, бу усул орқали фаннинг предмети аниқланади. (С.Л.Рубинштейн).

Методлар тизими юқорида такидланганидек, фаннинг умумий методологияси метод ва методикалари орасидаги боғлиқлик схэмаси берилган.



Шуни алоҳида такидлаш лозимки, психологик тадқиқотларнинг ташкил етилишига ва ўтказилишига малум бир талаблар қўйилади. Улар қуйидагилардир:

- Тадқиқотларни режалаштириш. Метод ва методикаларни танлаш ва уларни синаб кўриш.
- Тадқиқотни ўтказиш жойи.
- Тадқиқотни техник жиҳозлаш.
- Тадқиқ қилинувчиларни танлаш.
- Тадқиқотчи, шубҳасиз, тадқиқотнинг боришига тасир этади ва тадқиқотни режалаштиришдан то хулоса ва тавсиялар чиқаришга қадар маъсулиятни ҳис қилади ва бу муҳим аҳамиятга эга.
- Кўрсатма - у аниқ ва қисқа бўлиши лозим.
- Тадқиқот қоидаси баённома тўлиқ ва мақсадга йўналган бўлиши керак.
- Тадқиқот натижаларини қайта ишлаш.

Тадқиқот мураккаб жараён бўлиб, унинг ўз босқичлари ва поғоналари мавжуд.Психологик тадқиқот босқичларини қуйидаги схемада кўриш мумкин

И В	Натижаларни шархлаш ва хулосаларни ифода етиб бериш.
И И	Тадқиқот натижалари сон таҳлили. Ўртача катталикни, корреласия коеффисентини аниқлаш, ишлаб чиқиш ва бошқалар. Графикларни

И	тузиш
И И	Хулосаларнинг тўғрилигини исботлаш. Бунинг учун турли методлардан фойдаланилади.
И	Тайёрлов босқичи - илгари сурилган вазифаларни ўрганиш, фарқларни аниқлаш. Тадқиқот вазифалари ва илмий фаразини белгилаш, методикаларини ишлаб чиқиш.

Шунингдек, айрим адабиётларда психологик тадқиқот босқичлари қуйидагича ифодаланади.

Психологик тадқиқот босқичлари



Ҳар бир фан тараққиётининг асосий шароитларидан бири унинг малум даражада мумкин қадар обектив, аниқ ишончли услубларга эга эканлигидир. **Метод** - услубнинг маноси бирор нарсага бориш йўли демакдир. Умуман психологияда инсон психикасини тадқиқ қилишда методларнинг турли таснифи мавжуддир. Тадқиқот методларини илмий жиҳатдан таҳлил қилган рус психологи Б.Г.Ананев мазкур методларни хусусиятларига қараб классификасия қилган.

Б.Г.Ананев психикани ўрганиш методларини турли гуруҳга ажратиб, ўрганган:

А) ташкилий гуруҳга - қиёслаш, лонгитюд, комплекс методлари киради;

Б) емперик гуруҳга кузатиш, эксперимент , суҳбат, сўровнома, тест, фаолият маҳсулини ўрганиш методи, биография, сосиометрия;
В) натижаларни қайта ишлаш ёки статистик методлар;
Г) шарҳлаш гуруҳига генетик ва доналаш методлари киради.

Б.Г.Ананев томонидан ажратилган классификасияга кўра, тадқиқот ишларида
фойдаланиладиган асосий методлар емперик гуруҳ методлари ҳисобланади. Шундай бўлсада бошқа гуруҳ методларига ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тадқиқот методларининг биринчи ташкилий гуруҳи ўз ичига қиёслаш, лонгитюд (узлуксиз), комплекс (кўпёқлама) деб аталадиган турларни қамраб олади.

Қиёслаш методидан умумий психология, ижтимоий психологияда катта ёки кичик гуруҳларни ҳамда уларнинг ҳар хил тоифаларини ўзаро таққослаш учун, медисина психологиясида – соғлом ва бемор кишиларнинг психик хусусиятларини қиёслаш мақсадида, спорт психологиясида спортчиларнинг ҳолати, ўқувлилигини ва ишчанлигини ўзаро таққослаш мақсадида фойдаланилади.

Қиёслаш методи турли ёшдаги одамларнинг билиш жараёнлари шахс хусусиятлари, билимларни ўзлаштириш, ақлий қобилияти, салоҳияти, ривожланиш динамикаси, жинсларнинг тафовутлари ва ўзига хослигини ўрганишда қўлланилади. Психологлардан Л.С.Вигоцкий, П.П.Блонский, А.А.Смирнов, Б.Г.Ананев, Д.Б.Елконин, П.Галперин ва уларнинг шогирдлари олиб борган тадқиқотлар (чақалоқлик, гўдаклик, илк болалик, кичик мактаб ёши, ўсмирлик, ўспиринлик ёш даврларини ўзаро солиштириш) шу методдан фойдаланиб амалга оширилган.

Лонгитюд методининг бошқа методлардан фарқи бир ёки бир нечта синалувчилар узоқ муддат, ҳатто ўн йиллаб текшириладилар. Лонгитюд методидан немис психологи В.Штерн, франсуз психологи Р.Заззо, рус психологлари Н.А.Менчинская, А.Н.Гвоздев, Н.С.Лейтес, В.С.Мухина ва бошқалар кўп йиллардан бери фойдаланмоқдалар.

Мазкур метод орқали бир хил жинсли (Ҳасан-Ҳусан, Фотима- Зуҳра ёки аралаш жинсли Ҳасан - Зуҳра, Фотима- Ҳусан) егизаклар кузатилган. Лонгитюд методи ёрдамида субъектив омилларнинг ўзига хослигини объектив шарт - шароитлари ва ижтимоий муҳитнинг синалувчига таъсири ўрганилади. Чунончи егизакларнинг ўхшашлиги ва тафовути, таъсирланиши, ҳис-туйғуни ўзгариши кишилар ўртасидаги индивидуал фарқлар (ишчанлиги, темпераменти, олий нерв фаолияти тизими ва ҳоказо) бўйича маълумотлар олиш лонгитюд методи орқали амалга оширилади.

Комплекс методи ёрдамида ўрганилган объектдаги ўзгаришлар турли нуқтаи - назардан таҳлил қилинади ёки уларга ҳар хил ёндашилади. Масалан, болада оддий билимларни ўзлаштириш хусусияти психологик жиҳатдан текширилаётган бўлса, комплекс ёндашиш таъсирида ана шу ўзлаштиришнинг фалсафий, мантиқий, физиологик, ижтимоий, биологик хусусиятлари ёритилади. Айтайлик, кексайишнинг биологик омилларини ўрганиш, унинг психологик, физиологик, мантиқий жиҳатларини ёритишга хизмат қилади.

Илмий тадқиқот методларининг учинчи гуруҳи натижаларни қайта ишлаш бўлиб, улар статистик (миқдор) ва психологик (сифат) таҳлил турларига бўлинади. Илмий тадқиқот методларини шарҳлаш гуруҳи генетик ва доналаш методларидан иборатдир.

Генетик метод билан тадқиқот давомида тугалланган маълумотлар яхлит ҳолда, мақсадга мувофиқ тарзда шарҳланади. Бу методдан фойдаланишнинг асосий мақсади синалувчида вужудга келаётган ички, жамики образларнинг ривожланиши, фаолият ва билиш жараёнларининг ўзгаришига тажриба натижасига суяниб таъриф ва тавсиф беришдир. Шунингдек, бунда мазкур фазилат ва хусусиятларнинг намоён бўлиш даври, босқичи ҳамда баъзи машаққатли дақиқаларга, ҳолатларга қўшимча шарҳлар бериш имконияти туғилади.

Генетик методга асосланиб психик ўзгаришлар билан ривожланиш босқичларининг бевосита боғлиқлиги илдизи аниқланади.

Доналаш методи тадқиқот объектига кирган шахс психикасидаги барча ўзгаришлардаги ўзига хослик, ўзаро алоқа, ўзаро таъсир ва уйғунликнинг ўзаро боғланишлари ўрганилади. Жумладан, инсон хулқини идрок қилиш учун сезги, идрок, хотира, тафаккур жараёнларининг бир пайтда, биргаликда тадқиқ қилиниши бунга ёрқин мисолдир. Бунда ҳар бир билиш жараёнининг усули ифодаланади ёки унинг аҳамияти алоҳида таъкидланади, уларнинг ўзаро боғлиқлиги асослаб берилади.

Эмпирик методлар гуруҳи ўз навбатида иккига, яъни **асосий ва ёрдамчи** методларга бўлинади. Асосий методларга кузатиш ва эксперимент методлари кирса, ёрдамчи методларга *суҳбат, сўровнома, тест, сосиометрия ва фаолият натижаларини таҳлил қилиш* каби методларни киритиш мумкин.

Кузатиш методи - икки хил бўлиб, объектив (ташқи) ва субъектив (ички) кузатиш турлари мавжуд. Инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатиш учун қуйидагилар амалга оширилади:

а) кузатишнинг мақсад, вазифаси белгиланади;

б) кузатилаётган объект танланади;

в) тадқиқот ўтказиш вақти режалаштирилади;

г) кузатиш қанча давом этиши қатъийлаштирилади;

д) кузатиш инсоннинг қайси фаолиятида (ўқиш, ўйин, меҳнат, спорт) амалга оширилиши аниқланади;

е) кузатишнинг шакли (якка, гуруҳ, жамоа) танланади; ё) кузатилганларни қайд қилиб бориш воситалари (кундалик суҳбат дафтари, кузатиш варақаси, магнитафон, видеомагнитафон) тайёрлаб қўйилади. Кузатиш орқали турли ёшдаги одамларнинг диққати, ҳис-туйғулари, асаб тизимининг ташқи ифодалари, имо-ишоралари, сезгирлиги, хулқ-атвори, нутқ фаолияти кабилар ўрганилади. Аммо ўта мураккаб ички кечинмалар, юксак ҳиссиётлар, тафаккур, мантиқий хотира ва ақл заковатни тадқиқ этишга бу методнинг имкони йетмайди.

Масалан, ўспирин ёшларнинг спорт фаолиятини кузатиш орқали уларнинг иродаси, ишчанлиги, ҳис-туйғусининг ўзгариш хусусиятлари, талабга интилиш, ўз ҳаракатини идора қила олиш юзасидан материалларни йиғиш мумкин.

Ташқи кузатишда баъзан тафаккур бўйича ҳам маълумотлар олиш мумкин. Иш устидаги кайфиятни, чеградаги ташвиш ва изтиробни, синчковлик каби руҳий ҳолатларни кузатиб, тафаккурдаги ўзгаришни аниқлаш мумкин. Бундан ташкари қўлнинг титраши, асабийлашиш, нутқнинг бузилиши ҳам инсоннинг руҳиятидаги ўзгаришлар бўйича маълумотлар беради. Психологияда ўз-ўзини кузатиш, яъни интероспексия методидан ҳам фойдаланилади, лекин бу психологиянинг илмий бўлмаган методи ҳисобланади.

Тажриба ёки эксперимент методи - ўз навбатида табиий ва лаборатория методларига ажратилади. **Табиий тажриба** методларининг илмий асосларини 1910 йилда рус психологи **А.Ф.Лазурский** томонидан ишлаб чиқилган. У кичик мактаб ёшидаги бола шахсининг шаклланишини ўрганиш мақсадида ушбу методни қўллаган. Табиий методдан ишлаб чиқариш жамоалари аъзоларининг, илмий муассасалар ходимларининг, ўқитувчилар, кексайган кишиларнинг психологик ўзгаришлари, ўзаро муносабатлари, иш қобилиятлари, мутахассисликка яроқлилиги муаммо-ларини ҳал қилиш жараёнида фойдаланиш назарда тутилади. Табиий шароитда инсон психикасини ўрганишдан синалувчиларнинг ўзлари бехабар бўлиши, таълим жараёнида берилаётган билимлар тадқиқот мақсадига мувофиқлаштирилиши, катта ёшдаги одамларга тарбиявий таъсир ўтказиш, кундалик меҳнат доирасида амалга оширилиши, завод ва фабрикада эса моддий маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Табиий эксперимент методи сиртдан кузатиш методидан кескин фарқ қилади. Сиртдан кузатиш методида бирор психик жараён кузатилаётган киши ўша жараён қандай юз берса, шу ҳолича текшираверади, лекин бу жараённинг намоён бўлишига аралашмайди, яъни психик жараённи юзага келтирувчи шароитни ўзгартирмайди. Табиий эксперимент методидан фойдаланганда эса текширувчи ўрганилаётган бирор психик жараённи ўзи вужудга келтиради, лекин уни текширилаётган одам учун табиий бир шароитда ва унга сездирмасдан ўтказади.

Лаборатория (клиника) эксперимент и методининг (1879 йили В.Вунт киритган) асосий хусусияти, шундан иборатки бунда ўрганилиши лозим бўлган психик жараёнларнинг (масалан идрок, диққат,хотира каби) қандай шароитда қачон юз беришини кутиб ўтирмасдан текширувчи киши (эксперимент атор) синалаётган одамда шу жараёнларни махсус тарзда ишга солади. Бундан ташқари лаборатория эксперименти шароитида эксперимент атор ўрганаётган ҳар бир психик жараённи ҳоҳлаган марта, яъни такрор-такрор яхшилаб синаб кўриши мумкин. Бу мураккаб психик жараёнларнинг табиатини ўрганишда катта қулайлик туғдиради. Биринчидан, исталган психик жараённи ҳоҳлаган пайтда юзага келтириш вақтни тежаш имконини берса, иккинчидан ҳар бир психик жараённи такрор-такрор юзага келтириб, синчиклаб ўрганиш бу жараёнларнинг қонуниятларини аниқлаш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда одамдаги айрим психик жараёнларнинг юз бериш тезлигини, диққатнинг барқарорлиги ва кенглигини, хотиранинг хусусиятларини уқув ҳамда малакаларнинг қонуниятларини аниқ ва пухта текшира оладиган кўплаб махсус асбоблар мавжуддир. Масалан, електрон хроноскоп орқали айрим психик (акс эттириш , кўриш, ешитиш, ҳид билиш,

тери сезгилари каби) жараёнларнинг юзага келиш тезлигини аниқ ўлчаш мумкин. **Электрон тахистоскоп** орқали диққатнинг хусусиятларини белгилаш мумкин, **персептометр** орқали идрок қилиш хусусиятларини ўрганиш мумкин, **аудиометр** орқали ешитиш хусусиятларини ўрганиш мумкин ва бошқалар. Умуман, ҳозирги кунда техниканинг илдам тараққиёти муносабати билан лаборатория экспериментининг имконияти ортиб бормоқда.

Шуни есдан чиқармаслик керакки, лаборатория эксперимент и методи билан турли ёшдаги инсонларнингг психик жараёнлари ўрганиладиган бўлса эксперимент ни тайёрлаш ва ўтказишда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Психик жараёнларнинг моддий, яъни нерв-физиологик асосларини ҳам лаборатория эксперименти ёрдами билан текширилади. Психик жараёнларнинг нерв физиологик асосларини аниқлашда академик И.П.Павловнинг шартли рефлекслар методи жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда бу метод болаларнинг ўсишини текширишда ҳамда биринчи ва иккинчи сигналлар тизимлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни текширишда кенг қўлланилмоқда.

Лаборатория эксперимент и методи енг аниқ метод сифатида психология фанининг тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Лекин лабаротория эксперимент методининг ҳам маълум камчилиги мавжуд. Бу камчилик шундан иборатки, лаборатория шароитида ўтказилаётган текшириш ҳеч вақт маълум сунъийликдан холи бўлмайди. Текширилаётган одамга ҳеч нарса дейилмаса ҳам, бари бир лаборатория шароитининг ўзи текширилаётган одамнинг табиий психик ҳолатига таъсир қилади. Бинобарин, бу нарса ўз навбатида текшириш натижаларига салбий таъсир қилади. Ана шуни назарда тутиб лаборатория эксперименти ёрдами билан қўлга киритилган натижаларни баъзан бошқа методлар ёрдами билан текшириб кўриш лозим бўлади. Лабаратория эксперимент и методи махсус хона ва турли асбоблар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли бу методдан айрим шароитларда фойдаланиш имконияти бўлмайди. Шунинг учун психология фанида лаборатория эксперименти билан бир қаторда табиий эксперимент методидан ҳам кенг фойдаланилади.

Ёрдамчи методлар

Суҳбат методи билан инсон психикасини ўрганишда фойдаланилди. Унинг мақсади ва вазифаси белгиланади. Суҳбатнинг объекти ва субъекти танланади, мавзу ўтказиладиган вақти аниқланади, якка шахслар, гуруҳ ва жамоа билан ўтказиш режалаштирилади, ўрганилаётган нарса билан боғлиқ савол-жавоб тартиби тайёрланади. Суҳбатнинг бош мақсади маълум бир вазият ёки муаммони ҳал қилиш жараёнида инсон психикасидаги ўзгаришларни ўрганишдир. Суҳбат орқали турли ёшдаги одамларнинг тафаккури, ақл-заковати, хулқ-атвори, қизиқиши, билим савияси, эътиқоди,дунёқараши, иродаси тўғрисидаги маълумотлар олинади. Суҳбат чоғида ўзаро изчил боғланган саволлар берилади.

Суҳбат методидан тўғри фойдаланиш ва ундан кутиладиган натижага эришиш суҳбат ўтказиш учун пухта тайёрланишга боғлиқдир. Суҳбат методи қуйидаги шартларга риоя қилишни талаб этади.

Ўтказилган суҳбатнинг мавзуси ва мазмуни синалувчининг тараққиёт даражаси ҳамда ёш хусусиятларига мос бўлиши керак.

Суҳбат пайтида синалувчиларга берилган саволлар мазмунан яхшилаб ўйлаб олиниши лозим.

Суҳбат пайтида берилган саволларга "ҳа", "йўқ" каби қисқа тарзда эмас, балки батафсил жавоб олишга эришиш керак.

Синалувчилар зерикиб ёки толиқиб қолмасликлари учун суҳбат қаддан ташқари чўзилиб кетмаслиги лозим.

Суҳбат методининг юқорида таъкидланган ижобий жиҳатлари билан бирга айрим заиф томонлари ҳам мавжуд. Такрорланган сўзлар, "ғализ" иборалар нутқнинг тезлиги, фикрнинг мавҳумлиги, зерикарлилиги, муваффақияцизликка сабаб бўлади. Шунингдек, савол-жавобнинг бир хил шаклда эмаслиги синалувчида ўзига хос ишлаш услуби ошкораликнинг йэтишмаслиги, ийманиш, уялиш атрофлича маълумотлар олишни қийинлаштиради ва шу сабабли бошқа методларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш методи

Инсон хотираси, тафаккури, қобилияти ва хаёлининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида бу метод фаолият психологиясида кенг қўлланилади. Болалар чизган расмлар, ясаган ўйинчоқлар, моделлар, ёзган шеърларини таҳлил қилиш орқали уларнинг мантиқий хотираси, тафаккури, техник, бадиий ва адабий қобилияти, ижодий хаёли юзасидан материалларни қўллаш мумкин. Мазкур методдан фойдаланишда маҳсулотни яратган шахс бевосита иштирок етмайди. Объект билан субъект ўртасида мулоқот ўрнатиш учун шахснинг психикаси тўғрисида сиртдан маълум ҳукм, хулоса чиқарилади.

Ижодий фаолият маҳсулларини таҳлил қилиш орқали болалар, ўқувчилар, талабалар,конструкторлар, олимлар, ҳунармандлар, ишчилар психик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар тўплаш мумкин. Лекин инсондаги психик ўзгаришлар камол топиш ва уларнинг кечишини ифодаловчи материаллар йиғиш учун бу методнинг ўзи йетмайди. Шунинг учун инсон психикасини ўрганиш мақсадида бошқа методлардан ҳам фойдаланиш маъқул.

Тест методи - "Тест" инглизча сўз бўлиб синаш текшириш демакдир. Шахснинг ақлий ўсишини, қобилиятини, иродавий сифатлари ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт масала, топшириқ тест деб аталади. Тест айниқса, одамнинг қандай касбни эгаллаши мумкинлиги, касбга яроқлилиги ёки яроқсизлигини, истеъдодлилар ва ақли заифларни аниқлашда кенг қўлланилади. Тест методининг қиммати тажрибанинг илмийлик даражасига текширувчининг маҳоратига ва қизиқишига, йиғилган психологик материалларнинг объективлиги ва уларни илмий таҳлил қилишга боғликдир.

1905 йилдан француз психологи А.Бине ва унинг шогирди А.Симон инсоннинг ақлий ўсиши ва истеъдод даражаларини ўлчаш имконияти борлиги ғоясини илгари сургандан кейин психологияда тест методи қўллана бошлади.

Биография (таржимаи ҳол) методи - инсон психикасини тадқиқ қилиш учун унинг ҳаёт фаолияти, ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Бу борада кишиларнинг таржимаи ҳоли, хотиралари, есдаликлари, ўзгалар ижодига берган баҳолари, тақризлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу билан бирга ўзгалар томонидан тўпланган таржимаи ҳол

ҳақидаги материаллар, эсдаликлар, хатлар, расмлар, тавсифлар, баҳолар, магнитафон овозлари, фотолавҳалар, ҳужжатли филмлар ўрганилаётган шахсни тўликроқ тасаввур этишга хизмат қилади.

Таржимаи ҳол маълумотлари инсон психикасидаги ўзгаришларни кузатишда унинг суҳбат ва тажриба методлари билан ўрганиб бўлмайдиган жиҳатларини очишга ёрдам беради.

Сўровнома методи - психологияда кенг қўлланиладиган методлардан биридир. Унинг ёрдамида турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятлари нарса ва ҳодисаларга муносабатлари ўрганилади. Сўровнома одатда 3 хил тузилишда бўлади. Уларнинг биринчиси англанган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан тузилади. Иккинчи хилида ҳар бир саволнинг бир нечтадан тайёр жавоблари берилади. Учинчи турида синалувчига ёзилган тўғри жавобларни баллар билан баҳолаш тавсия етилади. Сўровномадан турли ёшдаги одамларнинг лаёқатларини, муайян соҳага қизиқишлари ва қобилиятларини, ўзига, тенгдошларига, катта ва кичикларга муносабатларини аниқлашда фойдаланилади.

Сосиометрик метод. Бу метод кичик гуруҳ аъзолари ўртасидаги бевосита емосионал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражасини ўлчашда қўлланилади. Бунга Америкалик сосиолог Дж.Морено асос солган. Мазкур метод ёрдамида муайян гуруҳ аъзоларининг бир-бирлари билан муносабатини аниқлаш учун унинг қайси фаолиятда ким билан бирга қатнашиши сўралади. Олинган малумотлар матриса, график, схема, жадвал шаклида ифодаланади. Улардаги миқдор кўрсаткичлар гуруҳдаги кишиларнинг шахслараро муносабатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Бу маълумотлар гуруҳий муносабатларнинг ташқи кўринишини акс эттиради.

Шунинг учун ҳозир Я.Л.Коломинский ва И.П.Волков томонидан сосиометриянинг ёш даври психологиясига мослаб ўзгартирилган янги турлари ишлаб чиқарилган. Булар шахснинг бир-бирини танлаш мотивларини кенг ифодалаш имконини беради. Айниқса сосиометриянинг Я.М.Коломинский ишлаб чиққан ўзгартирилган тури болалар жамоасидаги шахслараро муносабатлар ҳақида тўлароқ ахборот беради.

Таянч иборалар

Авиасия психологияси (лот. Авис - қуш - юнон, псйче - пйх логос - тушунча, таълимот) - психология тармоқи бўлиб, учувчилар шахси ва турли учиш фаолиятининг психик хусусиятларини ўрганади.

Акмеология (юнон. Акме юксак поғона, зийраклик, юқори, логос - тушунча таълимот) - тиббиёт, ижтимоий ва табиий фанларнинг туташувида майдонга келиб, феноменологияни, инсон тараққиётининг қонуният ва механизмларини, инсоннинг камолотга эришиш поғонасида унинг бу тараққиёти анча юқори даражага эришувини ўрганадиган фан.

Биографик метод (юнон. биос - ҳаёт, грапҳо - ёзаман, кўрсатаман) - одамни унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар орқали ўрганиш усули.

Бошқариш психологияси - психология фанининг бошқариш фаолиятининг психологик қонуниятларини ўрганувчи соҳаси.

Генетик метод (денетикос - келиб чиқишга оид, метҳодос - текшириш, тадқиқот) - психик ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг қуйидан юқорига қараб ривожланиши жараёнини ўрганиш усуллари.

Генетик психология (юнон. Денетикос - келиб чиқишга оид, псйско - пйҳ) одамнинг индивидуал психологик хусусиятларининг келиб чиқиши, уларнинг шаклланишида генотип ва муҳитнинг роли ўрганади.

Детерминизм (лот, детерминаре - аниқламоқ) - табиатдаги барча нарсалар, шу жумладан, психик ҳодисаларнинг рўй бериши объектив сабаблар ва қонунлар билан белгиланади деган таълимот.

Дин психологияси - диний онг хусусиятлари, тизими ва функсияларининг ижтимоий - психологик омилларини ўрганувчи психология тармоқи.

Диффернсиал психология - (лот. дифферентиа - фар?) психология фанининг бир қисми бўлиб, кишилар ўртасидаги индивидуал психологик фарқларни ўрганади.

Ёш психологияси - психология фани тармоқларидан бўлиб, турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Зоопсихология (юнон. зоон ҳайвон, псйче - пйх, лодос таълимот) - психология тармоқларидан бири бўлиб, ҳайвон психикасининг тараққиётини ўрганадиган соҳа.

Интервю (интервиew - суҳбат)- бу ижтимоий психология методи бўлиб, қўйилган саволларга берилган жавоб тариқасида ахборотларни тўплаш усули.

Интроспетив метод - бу одамнинг ўз- ўзини кузатишга асосланган психологик методи.

Кузатиш - психологик методларидан бири бўлиб, одамнинг хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган турли ҳодисаларни ҳисобга олиш ва субъектив психик ҳодисалар тўғрисида фикр олишдан иборат.

Лаборатория тажрибаси (лот . лаборате - ишламоқ) - психология методларидан бири текширилувчига таъсир этувчи барча омилларни назорат қилган ҳолда сунъий шароитда олиб бориладиган тадқиқот усули.

Лонгитюд тадқиқот (инг. лонгитуде - узоқ муддат) - текширилувчиларни узоқ муддат ва доимий равишда ўрганиш.

Метод (юнон. Метҳодос тадқиқот, текшириш) - билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси.

Меҳнат психологияси - турли меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятларини ўрганади.

Моделлаштириш - билим объектларини моделлар асосида қарама - қарши қилиш қандайдир ҳодиса ва жараёнларнинг ўрнини босувчи, тақдим этувчи бажарувчи сифатидаги моделларни тадқиқ қилиш ва яратиш.

Мусиқий психология - санъат психологиясининг соҳаси бўлиб, одамга ва унинг фаол мусиқа фаолиятига таъсирини ўрганади.

Муҳандислик психологияси - психологиянинг тармоғи, одам меҳнатининг психологик хусусиятларини, фаолият жараёнида техника воситаси билан муносабатда бўлишини ўрганади.

Нейропсихология - муайян психик жараёнлар содир бўлишини таъминлайдиган нейрон тармоқларини ўрганувчи фан.

Онг ва фаолият бирлиги - психологиянинг онг билан фаолиятнинг бирлиги, унинг ўзаро боғлиқлигини еътироф этувчи ғоя

Проектив метод (лот. Пржектус - олдинга ташланган, юнон. метҳодос - тадқиқот) - шахсни тадқиқ қилиш методларидан бири. Бу методданмас., тажриба вазиятларида расмлар идрок қилиниб, унинг талқини берилади.

Принсип (юнон. принсипиум бошланқич асос) - бирор бир нарсанинг таълим назарияси ёки фан, дунёқарашнинг келиб чиқиш асослари, у одамнинг ички еътиқоди бўлиб, ўзига, борликда, бошқаларга бўлган муносабатида намоён бўлади.

Статистик метод (лот. статус - ҳолат, юнон. метҳодос - тадқиқот) - ўтказилган тадқиқот натижаларини миқдорий ҳисоблаб чиқиш усули.

Суҳбат - психология методларидан бири, нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки бавосига маълумот олинади.

Табиий эксперимент (лотин. ехперименум - синов, тажриба) - текширилувчини ўзига билдирмаган ҳолда уни ўйин, ўқиш ёки меҳнат фаолиятида ўрганишдан иборат психологик тажриба.

Тест (инг. тест - текширмоқ) стандартлаштирилган психологик синов. Бунинг натижасида у ёки бу ҳолдаги психик жараён баҳоланади, шахс бир бутунлигича ёки унинг айрим хусусиятлари ўрганилади.

Шакллантирувчи тажриба - психология методи, бу метод орқали шахсда зарурий психик жараён ёки сифатлар режали равишда шакллантирилади.

Э***гизаклар методи*** - бир хил ирсият, егизак болаларни қиёслаб тадқиқ қилиш. Бу методни Ф.Галтон таклиф қилган.

Эксперимент - тажриба (лот. ехпериментум - намуна, тажриба)- психологиянинг асосий методларидан, ўзгарувчан мустақил психик ҳолатларнинг бошқа номустақил ҳолатларига таъсир этишдаги аниқ маълумотларга таянади.

Эмпирик метод (юнон.- емпеириа - тажриба, метҳодос тадқиқот) - текширилувчи ҳақидаги маълумотларни тажрибага асосланиб, амалий тажрибалар билан аниқлаш усули.

Ҳарбий психология - психология соҳаси. ҳарбийлар шахсини, турли ҳарбий фаолиятнинг психологик хусусиятларини ҳарбий жамоаларнинг жанговар тайёргарлик методларини ўрганади.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Ҳозирги замон психологияси фанининг тамойиллари.
2. Ҳозирги замон психологиясининг тузилиши.
3. Аниқ фаолиятни ўрганувчи психология соҳалари.
4. Ривожланишнинг ёш хусусиятларини ўрганувчи психология соҳалари.
5. Шахс ва жамият бўлган муносабатларни ўрганувчи психология соҳалари.
6. Ҳозирги замон психологиясининг тадқиқот методлари.
7. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни.
8. Ташкилий гуруҳ методлари.
9. Емперик гуруҳ методлари.
10. Натижаларни қайта ишлаш ёки математик статистик метод.
11. Шархлаш гуруҳи методи.

12. Метод ва методология тушунчаларининг моҳияти

Тест топшириқлари

1. Фрейдизм йўналишига ким асос солган?

А) З.Фрейд Б) К.Н Корнилов В) Е.Торндайк Г) Дж.Уоцон Д) С.Л.Рубинштейн

2. Ҳозирги замон психологиясининг асосий тамойиллари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) детерминисм Б) онг ва фаолиятда ривожланиш В) психиканинг фаолиятда ривожланиши Г) Барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб йўқ

4. …… психика яшаш шароити билан белгиланади ва шароит ўзгариши билан ўзгаради.

А) детерминисм Б) онг ва фаолият бирлиги В) онгни фаолиятда ривожланиши Г) онг

Д) психика

5. …….. онг ва фаолият бир-бирига қарама-қарши ҳам айнан бир нарса эмас улар бир бутунликни ташкил этади.

А) детерминисм Б) онг ва фаолият бирлиги В) онгни фаолиятда ривожланиши Г) психика Д) барча жавоблар тўғри

6. …… психика тараққиёт маҳсули ва фаолият натижаси деб қаралса уни тўғри тушуниш мумкин.

А) детерминисм Б) онг ва фаолият бирлиги В) онгни фаолиятда ривожланиши Г)психика Д) барча жавоблар тўғри

7. Таълим психикани ривожланишини йўналтиради. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?

А) Л.С.Вигоцкий Б) С.Л.Рубинштейн В) В.М.Теплов Г) П.П.Блонский

Д) Д.Б.Елконин

8. Тафаккурнинг кичик мактаб ёшида ўйинлар билан ўспиринлик ёшида ўқиш билан боғлиқ тарзда ривожланишини таҳлил қилган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) Л.С.Вигоцкий Б) В.М.Теплов В) С.Л.Рубинштейн Г) П.П.Блонский

Д) Д.Б.Елконин

9. "Онг фаолиятда пайдо бўлади ва фаолиятида шаклланади" мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?

А) Л.С.Вигоцкий Б) В.М.Теплов В) С.Л.Рубинштейн Г) П.П.Блонский

Д) Д.Б.Елконин

10. Аниқ фаолият турларига кўра психология соҳалари қайси қаторда кўрсатилган?

А) муҳандислик, меҳнат, педагогик психология, авиасия Б) ёш психологияси, махсус психология, олигофренопсихология В) меҳнат психологияси, тиббиёт психологияси, махсус психология Г) спорт психологияси, савдо психологияси, ҳарбий психология, инстинктив психология Д) барча жавоблар тўғри

11. Педагогик психология бўлимлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) талим психологияси Б) тарбия психологияси В) ўқитувчи психологияси

Г) анамал болалар психологияси Д) барча жавоблар тў?ри

12. ……. Инсон меҳнат фаолиятининг психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил қилинишининг психологик тамойилларини ўрганади.
А) меҳнат психологияси Б) муҳандислик В) авиасия Г) космик психология
Д) барча жавоблар тўғри
13. Шахс ва жамият муносабатларини ўрганувчи психология соҳалари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) суд психология, ижтимоий психология, шахс психологияси, дин психологияси
Б) ҳарбий психология, ижтимоий психология, шахс психологияси, дин психологияси
В)ижтимоий психология, шахс психологияси, дин психологияси, инстинктив психология Г) ижтимоий психология, авиасия психология, дин психологияси
Д) барча жавоблар тўғри
14. "Метод" сўзининг маъноси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) услуб Б) бирор нарсага бориш йўли В) қўлланилиш услуби Г) услуб бирор нарсага бориш йўли Д) барча жавоблар тўғри
15. Уюшган ва уюшмаган ижтимоий гуруҳлардаги шахслараро ўзаро тасир жараёнида пайдо бўладиган психологик ҳодисаларни ўрганадиган психология соҳаси бу.....
А) дин психологияси Б) шахс психологияси В) инстинктив психологияси Г) ижтимоий психология Д) жамоа психология
16. Табиий тажриба методини фанга киритган олим қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) И.П.Павлов Б) Дж.Морено В) А.Ф.Лазурский Г) И.М.Сеченов Д) Д.Б.Елконин
17. Болаларнинг руҳий жиҳатдан ривожланиши қонуниятларини психология фанининг қайси тармоғи ўрганади?
А) педагогик психология Б) меҳнат психологияси В) ижтимоий психология
Г) ёш психологияси Д) талим психологияси
18. Дастлабки психологик тадқиқотлар лабараторияси қачон ким томонидан очилди?
А) 1879 йил В.Вундт Б) 1875 йил З.Фрейд В) 1889 йил В.Вундт Г) 1880 йил В.М.Бехтерев Д) 1869 йил В.Вундт
19. Дастлабки психологик тадқиқот лабараторияси қайси университет қошида ташкил қилинди?
А) Оксфорд Б) Париж В) Лондон Г) Ломоносов Д) Лейпсиг
20. Академик Б.М.Кедров томонидан барча фанлар классификасия қилиниб, улар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) гуманитар, хорижий филология, фалсафий Б) гуманитар, ижтимоий, табиий
В) аниқ хорижий филология, ижтимоий-гуманитар, табиий Г) гуманитар, фалсафий, табиий
Д) гуманитар, табиий, аниқ.
21. Психология фанини фанлар тизимидаги ўрни қайси қаторда кўрсатилган?

А) табиий фанлар таркибида Б) гуманитар фанлар таркибида В) фалсафий фанлар таркибида
Г) аниқ фанлар таркибида Д) оралиқ фанлар

22. "Методнинг қўлида тадқиқот тақдири ётади" мазкур фикр муаллифи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) И.М.Сеченов Б) В.Вундт В) И.П.Павлов Г) Е.Еббингауз Д) С.Л.Рубинштейн

23. "Метод бу билиш, англаш йўли бўлиб, бу усул орқали фаннинг предмети аниқланади, ўрганилади" мазкур фикр муаллифи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) И.М.Сеченов Б) В.Вундт В) И.П.Павлов Г) Е.Еббингауз Д) С.Л.Рубинштейн

24. Методология сўзининг маъноси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) билиш Б) тадқиқ қилиш В) изланиш йўли Г) билиш тадқиқ қилиш Д) барча жавоблар тўғри

25. Қайси қаторда ташкилий гуруҳ методлари кўрсатилган?

А) кузатиш, эксперимент , лонгтюд, қиёслаш Б) лонгтюд, қиёслаш, комплекс
В) генетик, доналаш, кузатиш, анкета Г) сосиометрия, кузатиш комплекс қиёслаш Д) биография, тест, генетик, комплекс.

26. Лонгтюд методи ёрдамида тадқиқот ишини олиб борган Ўзбекистонлик психолог олим қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) Б.Қодиров Б) З.Нишонова В) Е.Ғозиев Г) Н.Ниғматов Д) М.Г.Давлетшин

27. ……. Ижтимоий психология методи бўлиб қўйилган саволларга жавоб олишга ва бунинг натижасида маълумот олишга мўлжалланган методдир.

А) суҳбат Б) сўовнома В) интервю Г) контент анализ Д) сосиометрия

28. Илк бора тест тушунчаси ким томонидан ишлатилган?

А) Бине Б) Симон В) Д.Кеттел Г) В. Штерн Д) Г.Маррей

29.Ўқувчиларнинг ақлий қобилиятларни аниқловчи тест биринчи бўлиб кимлар томонидан яратилган?

А) А.Бине ва Г.Симонлар Б) В.Штерн ва Д.Векслер В) Г.Маррей ва Г.Айзенк
Г) К.М.Гуревич ва В.Штерн Д) Д.Векслер ва Г.Симонлар

30. Ақлий истеъдод коеффисенти ким томонидан фанга киритилган?

А) Г.Маррей Б) Г.Айзенк В) В.Штерн Г) М.Гуревич Д) Г.Симонлар

Назорат саволлари

1. Ҳозирги замон психологияси фанининг тамойилларини сананг?
2. Детерминизм тамойилининг моҳиятини изоҳланг?
3. Ҳозирги замон психологиясининг тузилиши тармоқлари хусусида фикр юритинг?
4. Ҳозирги замон психологиясининг тадқиқот методларини кўрсатинг?
5. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрнини қандай изоқлайсиз?
6. А.В.Петровский бўйича психология соҳаларини таснифини келтиринг?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986г
2. Гиппенрейтер Ю. Б. Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов. — М.: ЧеРо, 1997.

3. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
4. Джемс В. Психология. — М., 1991.
5. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
6. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
7. Немов Р. С. Психология: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3-х кн. Кн. 1:Общие основы психологии. — 2-е изд. — М.: Владос 1998.
8. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
9. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
10. Реан А. А., Коломенский Я. *Л.* Социальная педагогическая психология. СПб.: Питер, 1999.
11. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
12. Теплов Б. М. Избранные труды: В 2-х т. Т. 1. — М: Педагогика, 1985.
13. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
14. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
15. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

2.БЎЛИМ. МУЛОҚОТ. ФАОЛИЯТ. ШАХС

ФАОЛИЯТ

Фаолият ҳақида тушунча

Одам табиати жиҳатидан фаол мавжудотдир. У маълум фаолиятда бўлмасдан яшай олмайди. Инсон фаолиятининг тури жуда кўп бўлиб, улардан енг муҳими ижтимоий қийматга эга бўлган ишлаб чиқариш меҳнатдир. Одам ҳар доим жамоада бўлиб меҳнат қилади ва меҳнат натижаларини ҳам жамоа турмуш тарзини ўзлаштиради. ҳар бир тирик организмнинг фаоллиги унинг эҳтиёжларини қондирилишига қаратилган бўлади. Англаб бўлмайдиган ва англаб бўладиган табиий ёки, маданий, ёки маънавий, шахсий ёки ижтимоий-шахсий эҳтиёжлар одамда ҳар турли фаоллик туғдиради. Маълумки, инсон фаолияти жараёнида маълум бир маҳсулотни яратади ва ундан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланади. Айнан фаолиятда эришилаётган муваффақиятини таъминловчи бир қатор омиллар мавжуд. Шулар жумласига объектив ва субъектив омилларни киритиш мумкин ва у қуйидаги жадвалда акс еттирилган.



Агар ҳайвонларни хатти-ҳаракатлари бевосита теварак-атрофдаги муҳит билан белгиланса, одамнинг фаоллиги эса илк ёшлик давридан бошлабоқ, бутун инсониятнинг тажрибаси ва жамият талаби билан бошқарилади. Шу боис "фаолият", "фаоллик", "хатти-ҳаракат" тушунча-ларининг мазмун моҳиятини англаб олиш лозим. Шунга кўра адабиётларда мазкур тушунчаларга берилган таърифларга асосий эътиборни қаратиш лозим.

А.В.Петровский таҳрири остида чиққан "Умумий психология" дарслигида: "**Фаолият** - кишининг англанган мақсад билан бошқарилиб туриладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллигидир" -деб таърифланади. М.Г.Давлетшин муаллифлигида чоп етилган "Психология" қисқача изоҳли луғатида: "**Фаоллик** - тирик материянинг умумий хусусияти, теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирида намоён бўлади. Психик фаоллик бу ўзаро таъсир шу асосда фаоллик кўрсатиш билан тавсифланади"- дея таърифланган.

Фаолият - инсониятга хос онг билан бошқариладиган эҳтиёжлар туфайли, пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишга, уни қайта қуришга йўналтирилган фаоллигидир.

Ҳаракат - мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси. Ҳаракат онгли фаолиятларнинг таркибий қисмлари ва мотивларидан биридир.

Қ.Турғуновнинг "Психология" терминларининг қисқача русча-ўзбекча изоҳли луғатида: **Фаоллик** - шахснинг эҳтиёжларини қондириш учун воқеликни ўзлаштиришга қаратилган муҳим қобилиятидир. Фаоллик ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлиб, кишининг фаолияти меҳнат, ўқиш, ўйин, ижтимоий ҳаёт, спорт, ижод кабиларда яққол намоён бўлади"- деб кўрсатилади.

Фаолият - инсон ҳаётининг унинг воқеликка нисбатан фаол муносабатининг рўёбга чиқиш шакли. ҳаракат - мақсадга мувофиқ йўнал-тирилиб, онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси онгли фаолият таркибий қисмлари ва мотивларидан иборат.

В.М.Каримованинг "Психология" ўқув қўлланмасида қуйидагича таърифлар учрайди: **Фаоллик** - шахснинг ҳаётдаги барча хатти-ҳаракатларини намоён этишни тушунтирувчи категориядир. **Фаолият** - инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ундаги турли-туман эҳтиёжлардан келиб чиқадиган ҳамда ташқи оламни ва ўз-ўзини ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаоллик шаклидир.

Мазкур таърифлардан кўринадики, фаолият тушунчаси ўз таркибига шахснинг у ёки бу даражадаги фаоллик кўрсата олиш даражаларини қамраб олади ва унга умумий тарзда қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Фаолият**- англанган мақсад билан бошқариладиган ички (психик) ва ташқи (жисмоний) ҳаракатлар йиғиндисига айтилади.

Адабиётларда фаоллик ва ҳаракат тушунчалари ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлгани билан улар ўртасидаги айрим фарқли белгилар кузатилади. Жумладан, фаолиятнинг мазмуни тўла-тўкис уни юзага келтирган табиий-биологик ва маънавий эҳтиёжлар билан шартлашмаганлиги туфайли унинг психологик механизми ҳам ўзгача негизда қурилиши мумкин.

Иккинчидан, фаолият муваффақиятини таъминлаш учун психик нарса ва ҳодисаларнинг хусусият объектив хоссаларни акс эттириши, қўйилган мақсадга эришиш йўл-йўриқларини аниқлаб бериш лозим.

Учинчидан, фаолият шахснинг хулқ-атворини мақсадга қаратилган ҳаракатларни руёбга чиқариш, юзага келган эҳтиёжларни ва ёрдамга муҳтожлиги, фаолликнинг имконини берадиган бошқаришни уддалаш лозим. Шунинг учун фаолиятни билиш жараёнларисиз, иродавий зўр беришсиз амалга ошириш жуда мушкул. Айнан иккала омил ўзаро узвий алоқага киргандагина яратувчанлик хусусиятини касб этади.

Инсон фаоллигининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, фаолиятнинг мазмуни ана шу фаолиятни юзага келтирган эҳтиёжнинг бир ўзи билан белгиланмайди. Агар эҳтиёж фаолиятга мотив сифатида мадад бериб, уни рағбатлантириб турса фаолиятнинг шакли ва мазмуни ижтимоий шароитлар, ижтимоий талаблар ҳамда тажрибалар билан белгиланади.

Фаолиятнинг муҳим хусусиятлари	
Ҳайвонлар фаоллиги	Инсон фаолияти
Инстинктив - биологик фаоллик	Билишга ва мулоқатга бўлган эҳтиёжлар билан йўналтирилган
Ҳамкорликдаги фаолият эмас, биологик мақсадлар, (озиқланиш, ҳимояланиш)га асосланган тўда бўлиб юриш, .	Кишилик жамияти ҳамкорлигидаги фаолият асосида ташкил топган, ҳар бир ҳаракат инсон учун ҳамкорликдаги фаолиятидаги ўрнига кўра аҳамиятлидир
Кўргазмали - яққол вазиятлар билан бошқарилади.	Предмет ва ҳодисаларни мавҳумлаштириш, улар ўртасидаги сабабий боқланиш ва муносабатларни аниқлаш мумкин.
Ирсий жиҳатдан мустаҳкамланган дастур (инстинкт)лар асосидаги хатти-ҳаракатлар, кўникмалар якка тартибда ҳосил бўлиб ҳайвоннинг яшаш учун ташқи шароитларга мослашиши сифатида намоён бўлади.	Тажрибани бериш ва ўзлаштириш мулоқотнинг ижтимоий воситалари (тил ва бошқа белгилар тизими) ёки моддий маданият маҳсулотлари орқали амалга оширилади.
Ёрдамчи қуроллар, воситалар ясаши мумкин, аммо ундан қурол сифатида доимо фойдаланмайди. Бир қурол ёрдамида бошқа қурол ясай олмайди.	Меҳнат қуроллари ясаб, уни кейинги авлодларига ҳам қолдириши мумкин. Турли предмет ва қуроллардан фойдаланиб, янги қурол ва воситалар ярата олади.
Ташқи муҳитга мослашади	Ўз эҳтиёжларига мувофиқ тарзда ташқи дунёни ўзгартиради.

Одамни ишлашга мажбур қилувчи мотив унинг овқатланиш эҳиёжи бўлиши мумкин. Бироқ одам, масалан, дастгоҳни очлик эҳтиёжини қондириш учун бошқармайди. Инсон фаолиятининг мазмуни жамият талаб қиладиган

бирон маҳсулотни тайёрлаш мақсади билан белгиланади. Фаоллик манбаи бўлган фаолият яхши англаб олинган мақсад билан белгиланади.

Юқоридаги жадвалда инсон фаолияти билан ҳайвонлар хатти-ҳаракати ўртасидаги фарқлар акс эттирилган. Фаолият фаолликни англаб олинган мақсад билан бошқаради. Фаолиятни англаш қандай даражада бўлмасин мақсадни англаш ҳамма вақт ҳам зарурий белги сифатида қолаверади.

И.М.Сеченов физиологик органлар ва тизимлар фаоллиги ёки иши тўғрисида тасаввурга эга бўлган, шу сабабдан унинг асарларида "Тафаккурнинг фаол шакли", "Тафаккур фаолияти", "Мия фаолияти", "Мускул фаолияти" сўз бирикмалар кенг кўламда жой олганлиги И.П.Павлов томонидан "Олий нерв фаолияти", Н.А.Бернштейн эса "Физиологик фаоллиги" атамани фан оламига олиб кирган. Лекин Н.А.Бернштейн фаоллик, фаолият, иш, меҳнат тушунчаларини маъносига кўра фарқлаган бўлишига қарамай, у аксарият ҳолларда фаолликни фаолият маъносида қўллаган.

Психофизиологияда фаолият фаолликни физиологик маъноси сифатида талқин қилинган бўлса, иш, меҳнат фаолияти, "меҳнат фаоллиги" мазмунида қўлланилади. Ижтимоий психологияда "Фаолият - фаоллик - иш - меҳнат", "Фаолият - хулқ", "меҳнат - хулқ, фаолият" кўринишлари жуфтлиги учраб туради. С.Л.Рубинштейн онг ва фаолият бирлиги тамойилини илгари суриб, уни атрофлича асослаб бериб, фаолият психологиясини яратиш зарурлигини тушунтира олди. Унингча, меҳнат психологик эмас, балки "ижтимоий категория", психология эса "меҳнат фаолиятининг психологик жабҳаларини" тадқиқ этади.

А.Н.Леонтев фаолиятнинг психологик назариясини яратиб, унинг асосий тушунчаси сифатида "Предметли фаолият" сўз бирикмасини фанга олиб кирди. Муаллиф томонидан "Одамнинг ҳиссий амалий фаолияти" сўз бирикмаси "ижтимоий инсон" сифатида талқин етилади. Унинг асарларида "Фаолият", "Хулқ" тушунчалари ҳар хил мазмунда ишлатилади, жумладан "Тескари алоқалар воситасида хулқни бошқариш", "Фаолиятнинг ҳалқали тузилиши", "Фаолиятни бошқариш", "қўлнинг туюш фаолияти", "Персептив фаолият", "Ресептор ва еффектор" аппаратларининг ҳамкорлик фаолияти кабилар.

Б.Г.Ананев фаолият психологиясини фаоллик психологияси маъносида тушунади. Унинг фикрича билиш ва муомала фаолиятнинг бирламчи кўринишидир. Тадқиқотчи "Инсон фаолияти", "Ташкилий иш", "Ташкилотчилик фаолияти", "Хулқ жараёнининг алгоритмлари" атамала-ридан ҳар хил маънода фойдаланади.

Фаолиятнинг интериоризасияси ва екстериоризасияси.

Ташқи оламда турли ҳодисалар маълум даражада ўзаро доимий боғлиқликка, маълум шароитларда намоён бўладиган бирор мустаҳкам хусусиятга ва тузилишга эгадир.

Объектлар билан ҳодисалар ўртасидаги бундай барқарор (инвариант) муносабатларни объектларнинг муҳим хусусиятлари деб юритилади. Бу уларнинг келажакда қай даражада ўзгариши ва шу мақсадга мувофиқ иш тутиш, яъни объект ва ҳодисаларнинг "хатти-ҳаракатлари"ни олдиндан кўра олиш имкониятини беради. Ташқи, яъни буюмлар билан қилинадиган бундай ҳолда гуё ички, яъни илдам фаолиятни олдиндан пайқаб олинади. Объект (нарса) устида қилинадиган конкрет ишлар бу объектларнинг муҳим хусусиятлари устида қилинадиган операсиялар билан, яъни идеал (психик) ишлар билан алмашинади. Бошқача қилиб айтганда, нарсалар билан жисмоний тарзда қилинадиган ишлар шу нарсаларнинг мазмуни билан алмашинади.

Ташқи реал ишдан ички идеал ишга мана шундай ўтиш жараёнини **интероризация** деб юритилади (ички ишга айланади). Инсон психикаси интериоризасияси туфайли айни чоғда кўз ўнгида йўқ бўлган нарсаларнинг образлари билан ишлай билиш қобилиятига эга. Интериоризасия муаммоси рус олимлари Л.С.Вигоцкий, А.Н.Леонтев, П.Я.Галперин ва уларнинг шогирдлари томонидан турли жабҳаларда тадқиқ қилинган. Интериоризасия орқали инсон психикаси муайян вақт оралиғида унинг идрок майдонида йўқ нарсаларнинг тимсоли (образи) дан фойдаланиш қурбига эга бўлади. Шу нарса маълумки бундай ўзгаришларнинг муҳим қуроли бўлиб, сўз ўзгариши воситаси сифатида нутқий фаолият хизмат қилади. Шунинг учун сўзларни тўғри ишлатишга одатланиш фавқулодда буюмларнинг муҳим хусусиятлари ҳақида ахборотдан фойдаланишнинг усулларини ўзлаштириш демакдир. Инсон ақлий тараққиётида интериоризасиянинг аҳамияти каттадир.

Маълумки, одамнинг ички дунёси пайдо бўлгандан сўнг ҳар бир нарсани, ҳар бир ҳаракатни олдиндан ичида ўйлаб сўнгра амалга оширади. Олдин ичида ўйлаб, сўнгра бевосита ташқи муносабатга ўтиши фаолиятнинг екстериоризасияси деб юритилади.

Шунинг учун шахс фаолиятининг жисмоний (ташқи) ва психик (ички) тузилмалари бир-бири билан уйғунлашганлиги кўзга ташланади. Инсон фаолиятининг ташқи жабҳаси унинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатишга мўлжалланган саъи - ҳаракатлар ички психик жиҳатига боғлиқ бўлиб, уларни мотивлаштиради, билишга ундайди ва бошқаради. Шунингдек ташқи жабҳа ўз навбатида а) психик фаолият буюмлар ва жараёнлар хусусиятини ўзида намоён қилади; б) уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда қайта ўзгартирилишини амалга оширади; в) психик андозалар ўхшашлигини, натижалар ва ҳаракатларнинг кутилмаларига мувофиқлигини кўрсатади; г) уларни узлуксиз равишда йўналтириб ва назорат қилиб туради. Шунга мувофиқ равишда ташқи яққол фаолиятини ҳам ички (психик) фаолиятнинг экстериоризасиялашувга айланиши деб баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Фаолиятнинг таркиби

Инсон фаолияти жуда хилма-хилдир. Унга меҳнат, педагогик, бадий-ижод, илмий-тадқиқот фаолиятларини киритиш мумкин. Инсон фаолияти таркибини таҳлил қилиш, шуни кўрсатадики, фаолият ташқи дунёни онгли психик акс еттирилишида намоён бўлади. Ҳар қандай фаолиятда инсон ўз хатти-ҳаракатларини мақсадини англайди, кутилаётган натижани тасаввур қилади, шароитни идрок қилади ва баҳолайди, бажариладиган ҳаракат таркибини ўйлайди, иродавий зўр беради, фаолиятнинг боришини кузатади, муваффақият ва мақлубиятини ўйлайди.

Фаолият бир томондан, шахснинг ривожланиши ва сифатларининг намоён бўлиш шароити, иккинчидан, шу фаолият субъекти бўлган шахснинг тараққиёт даражасига боғлиқдир. Барча фаолият турлари таркибида учта таркибий қисмни: мақсад-мотив-ҳаракатни ажратиш мумкиндир.

Мақсад - инсон фаолияти сўнгги натижасининг образи сифатида намоён бўлади ва эҳтиёжларини амалга оширилишидир.

Мотив - кишини фаолиятга ундайди ва унга мазмун бахш этади.

Иш-ҳаракат галдаги битта оддий вазифани бажаришга қаратилган, нисбатан тугалланган фаолиятнинг таркиби. Фаолиятга қаратилган мақсад озми-кўпми узоқ ёки яқин бўлиши мумкин. Шунинг учун бу мақсадга эришиш одам томонидан ана шу мақсад сари ҳаракат қилиш давомида унинг олдида туғиладиган қатор жузъий мақсадларни изчиллик билан ҳосил қилишдан иборат бўлади. Қуйидаги ҳаракатнинг муҳим таркибий қисмлари кўрсатилган.



Ташқи оламдаги нарсаларнинг ҳолатини ва хоссаларини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатларни иш-ҳаракат **(саъи-ҳаракат)** деб юритилади. Нарсалар билан қилинадиган исталган бир иш макон ва замон билан боғлиқ бўлган маълум ҳаракатлардан ташкил топади. Масалан: "А", "И" ҳарфларни ёзишдаги ҳаракатлар, бир-биридан фарқ қилади. Одамларнинг нарсалар билан қиладиган ҳаракатлари таҳлили шуни кўрсатадики, бу ҳаракатлар ташқи жиҳатдан жуда кўп, ранг-барангдир. Шундай бўлса ҳам, одатда улар учта содда елементлардан ташкил топгандир; "олмоқ", "жойини ўзгартирмоқ", "қуйиб юбормоқ" бу ҳаракатлар одамнинг танаси, оёқлари ва боши билан қилинадиган ёрдамчи ҳаракатлар билан амалга оширилади. Предметли ҳаракат таркиби қуйидагича изоҳланади.



Инсон фаолиятига йўналтирилган мақсадга эришиш учун шу йўлда ҳаракат қилиш туфайли хусусий вазифаларни бажаришга киришади. У ўз олдида турган мақсадни амалга ошириш учун маълум вақт оралиғида у ёки бу амални бажаради. Бирор матнни компютерда тайёрлаш учун инсон олдин уни електр токига улайди, екранни ишга созлайди, унинг тугмачаларини босиш орқали ҳарф ва сўзларни теради, сўнгра маълум маъно англовчи матн пайдо бўлади.

Инсон фаолияти нарсаларни ўзлаштиришга йўналтирилган саъи - ҳаракатлардан ташқари: а) тананинг фазовий ҳолати, б) қиёфанинг сақланиши (тик туриш, ўтириш), в) жой алмашиш (юриш-югуриш), г) алоқа воситалари саъи-ҳаракатлари қатнашади. Одатда алоқа воситалари таркибига; а) ифодали саъи- ҳаракат (имо-ишора, пантомимика), б) маъноли ишора, в) нутқий саъи-ҳаракатларни киритади.Саъи-ҳаракатларнинг ушбу турларида таъкидлаб ўтилганидан ташқари мушаклар, ҳиқилдоқ, товуш пайчалари, нафас олиш аъзолари иштирок этади. Демак, нарсаларни ўзлаштиришга қаратилган ҳаракатнинг ишга тушиши муайян саъи- ҳаракатлар тизимининг амалга оширилишини англатади. Бу ҳодиса кўп жиҳатдан ҳаракатнинг амалга ошиши, шарт-шароитларга боғлиқ. Жумладан: а) китобни олиш қаламни олишдан бошқачароқ тарздаги саъи-ҳаракатни тақазо этади, б) автомобилни ҳайдаш велосепедда учишга қараганда ўзгача саъи-ҳаракат талаб қилади, в) еллик килограмм штангани кўтаришда бир пудлик тошга қараганда кўпроқ қувват сарфланади, г) картонга катта шаклни жойлаштириш, қийин кечади.

Юқорида келтирилган мисоллар турлича объектларга тааллуқли бўлишига қарамай, уларда ҳаракатнинг мақсади ягонадир. Объектларнинг турлича эканлиги саъи-ҳаракатларнинг олдига ва мушак фаолияти тузилишига ҳар хил талабларни қўяди. Ушбу воқелик рус олимлари П.К.Анохин, Н.А. Бернштейн, Е.А.Асратянларнинг тадқиқотларида исботлаб берилган. Уларнинг умумий мулоҳазаларига қараганда, мушакларнинг фаолияти саъи - ҳаракат вазифаси билан эмас, балки мазкур саъи-ҳаракат рўй берадиган шарт-шароитлар билан бошқарилиш мумкин. Мушаклар бу ўринда саъи- ҳаракатларнинг йўналишини ва тезлигини таъминлаш учун хизмат қилади, ҳар хил қаршиликларни (ҳажм, куч, вазн таъсири) муайян даражада сусайтиради.

Саъи-ҳаракатларнинг назорат қилиш жараёни ва уларни бошқариш тескари алоқа тамойилига биноан рўёбга чиқади. Ушбу ҳодисани амалга ошиш имконияти қуйидаги омилларга бевосита боғлиқ ҳолда кечади: а) сезги аъзолари алоқа канали вазифасини бажарган тақдирда; б) улар ахборот манбаи сифатида ҳаракат ролини ўйнаганда; в) саъи-ҳаракатларни акс еттирувчи аломатлар бу жараёнда хабар йетказувчи сифатида қатнашганида ва бошқалар. Таъкидлаб ўтилган омиллар орқали амалга ошадиган тескари алоқанинг бундай шаклини (кўринишини) рус тадқиқотчиси **П.К.Анохин тескари афферентация** деб атаган. Афферентасия (лотинча аффоренс келтирувчи деган маънони англатади) ташқи қўзғатувчилардан ҳамда ички органлардан ахборотни қабул қилувчи ҳиссий аъзолардан марказий нерв систэмасига келиб тушувчи нерв импулсларининг доимий оқимини билдиради. Тўғри алоқа ахборотларнинг ташқаридан кириб боришини англатиб келса, тескари афферентасия унинг акс ҳолатини намоён қилади. Саъи - ҳаракатларнинг ҳаммаси ҳам органларнинг фаолиятини тушунтириш учун хизмат қилади ва назорат (бошқарув) жараёни қандай кечишини таҳлил этиш имкониятига эга.

Фаолият таркибига кирувчи саъи-ҳаракатлар тизими охир оқибатда мазкур ҳаракатнинг мақсади билан назорат қилинади, баҳоланади ва тўғрилаб турилади. Мақсад мияда фаолиятнинг бўлғуси маҳсулоти тимсоли, ўзгарувчан андазаси тарзида вужудга келиши мумкин. Езгу ниятга айланган бўлғуси

андоза билан ҳаракатнинг амалий натижаси қиёсланади, ўз навбатида андоза саъи-ҳаракатни йўналтириб туради. Ана шу ҳолатнинг турлича психофизиологик талқинлари мавжуд бўлиб, улар "Бўлғуси ҳаракат моделлари", "саъи-ҳаракат дастури", "мақсаднинг дастури", "мияда ҳаракатнинг ўзи олдиндан ҳосил қиладиган андозалари" сингари тушунчаларида ўз ифодасини топади. Жумладан, уларнинг енг муҳимлари; "ҳаракат аксептори" ва "Илгарилаб акс эттириш " (П.К.Анохин), "ҳаракат-лантирувчи вазифа" ва "Бўлғуси эҳтиёж андозаси" (Н.А.Бернштейн), "Зарурий моҳият " ва "Келажак андозаси" (Миттелштедт, У.Ешби) ва бошқалар. Санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг талқинлари илмий фараз (тахмин) тарзида берилганлиги туфайли улар мияда қандай акс етилиши мумкинлигини мукаммал билишга қодир эмасмиз. Лекин уларнинг мияда илгарилаб акс эттириш тўғрисидаги мулоҳазалари, бу борада тасаввур-ларнинг яратилиши психология фани учун ижобий илмий воқелик бўлиб ҳисобланади.

Нарсалар билан қилинадиган иш-ҳаракатидан ташқари, одамнинг фаолиятини баданнинг маълум вазиятини ва қиёфасини сақлаб туришни таъминлайдиган ҳаракатлар, организмнинг бир жойидан иккинчи жойига ўрин алмаштириши, коммуникасияни таъминлайдиган ҳаракатлар, ифодали ҳаракатлар ва нутқ ҳаракатлари мавжуд.

Нарсалар билан қилинадиган ишларни бажариш маълум тизимдаги ҳаркатларни амалга оширишдан иборат. Ҳаракатлар тизими ва мақсади билан, бу мақсад йўналтирилган нарсалар хусусияти ва иш шароити билан боғлиқдир. Масалан, стакан ва қаламни олиш, пиёда ва чанғида юриш, оғир ва енгил нарсани бошқа жойга олиб қўйиш, майда ва катта михни қоқиш, гантел ва штангани кўтариш, ҳаракатлари бир-биридан фарқ қилади.

Ҳаракатнинг бошқарилиши ва унинг натижаларини эришиладиган пировард мақсад, таққослаш йўли билан доим назорат қилиб борилади ва тўлдириб турилади. Ундай назорат сезги аъзолари ёрдами билан эришилиши мумкин бўлган нарсалар ташкил этади. Демак, мақсад мияда, келажакдаги фаолият натижасида, тилакдаги келажак модели билан ишнинг мазкур натижалари таққосланади, худди ана шу ишнинг қай йўсинда бўлиши бошқарилади.

Ҳаракатларнинг истаган бир томонларини уларнинг мотор, сенсор ва марказий таркибий қисмлари деб аташ мумкин. Ишни амалга оширишда бажарадиган вазифаларига мувофиқ, улар ишни ижро қилувчи, бошқарувчи деб белгиланиши мумкин. Бу вазифаларнинг ҳар бирини киши онгли ва онгсиз равишда бажариши мумкин. Одам талаффуз қилмоқчи бўлган гапнинг грамматик шакли ва мазмуни ҳамиша онг ёрдамида олдиндан пайқаб олинади. Одатда, ишдан кўзланган мақсад ва шунинг билан бирга ишнинг умумий характери ҳамма вақт англаб олинади. Масалан, велосипедда кетаётган одам мутлақо онгсизлик ҳолатида бунинг уддасидан чиқа олмайди.

Бажариладиган ҳаракатнинг маълум томонлари даставвал тўла англаб бошқаришни талаб қилинади, ундан кейин ишнинг бажарилиши онгнинг иштирокини борган сари камроқ талаб қилади. Бундай ҳолларда ишнинг бажарилиши автоматлашади. Одамдаги мақсадга мувофиқ ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва автоматлашуви малака деб айтилади. Ишнинг тузилиши

шундай қисман автоматлашуви туфайли ўзгариш имконияти қуйидагидан иборат:

1. Ҳаракатларни ижро қилиш усулларининг ўзгариши. Бундан аввал ҳар бири алоҳида-алоҳида бажарилган айрим ҳаракатлар бир бутун ҳаракат таркибидаги оддий ҳаракатлар ўртасида ҳеч қандай "тўхтаб қолиш" ва танаффуслар бўлмайдиган битта яхлит актга айланади. Масалан, котибанинг ўрганаётган ҳайдовчи, ёзишни ўрганаётган бола ҳаракатини кўриш мумкин.
2. Ишни бажаришда сенсор, яъни ҳиссий назорат усулларининг ўзгариши. Ишни бажариш устидан қилинадиган кўриш назорати кўп жиҳатдан мускул назорат билан алмашинади. Масалан, машинистканинг хат ёзишдаги, ҳайдовчи мотор овозидаги, пўлат қуювчи метал рангининг ўзгаришини фарқ қилади.
3. Иш-ҳаракат марказий бошқарувчи усулларининг ўзгариши. Диққат иш-ҳаракатининг усулларини идрок қилишдан озод бўлади ва асосан иш-амалнинг ҳамда натижаларни идрок қилишга қаратилади. Айрим ҳисоблаш, қарорга келиш ва бошқа интеллектуал операсиялар тез ва бирлашган ҳолда "интуитив" бажарила бошлайди.

Малака фаолият таркибида ўзига хос ўрин тутади. **Малака** деб машқ қилиш жараёнида иш ҳаракатлар бажарилишининг автоматлашган усулларига айтилади. Малака иш унумдорлигининг ортишига, вақтни тежашга, ақлий фаолиятни бир мунча муҳимроқ нарсаларга сафарбар қилишга имкон беради. Малака қуйидагича ҳосил қилинади:

а) меҳнат ҳаракатлари, уларни эгаллаб олишнинг зарур эканлиги ва аҳамиятини англаш;

б) ҳаракат намунасини есда олиб қолиш;

в) малака намуналарини кўп марта бажариш, машқ қилиш;

г) изчиллик билан олиб бориладиган машқ натижасида ҳаракатлар тезлашади, хатолар камаяди;

д) малака ҳаракатларни автоматлаштириш билан шаклланади. Айрим ортиқча ҳаракат елементлари тушиб қолади.

Бирор фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд билимлардан ва малакалардан фойдалана олиш **кўникма** дейилади.

Малака турли йўллар билан кўрсатиш, тушунтириш, кўрсатиш ва тушунтиришни қўшиб олиб бориш орқали ҳосил қилиниши мумкин.

Ҳар бир кўникма ва малака одамнинг ўз тажрибасида аввал эгаллаб олган малакалари асосида юзага келади ва амал қилади. Малака, кўникмаларнинг айримлари кишининг кўникма ҳосил қилишига ва малакали ишлашига ёрдам беради, бошқа бирлари ҳалақит беради, учинчилари, янги кўникмаларни ўзгартириб боради. Бу ҳодиса психологияда малакаларнинг ўзаро таъсири дейилади.

Аввал ҳосил қилинган малакаларнинг янги малакаларга ижобий таъсири малакаларнинг кўчиши ёки **малакалар индуксияси** деб аталади. Масалан, математика дарсида ҳосил бўлган кўникмани, физикада қўллаш мумкин.

Фаолиятнинг яна бир қисми одат бўлиб, кўникма малакалардан ҳеч қандай самара ёки натижага эга эмаслиги билан ажралиб туради. Одатда одам томонидан беихтиёр, онгсиз тарзда муайян мақсадга йўналтирилмаган ҳолда

амалга оширилади. Баъзи ҳолларда одатлар шахс томонидан назорат қилиниши мумкин, лекин ҳар доим ҳам ақлли ва керакли ҳаракатлар бўлмаслиги мумкин.

Фаолиятнинг асосий турлари

Одамларнинг фаолияти онгли фаоллик сифатида инсон онгининг таркиб топиши ва тараққиёти билан боғлиқ ҳолда таркиб топади ва ривожланади. Инсон фаолиятида тараққиётнинг асоси ҳамда онг мазмунининг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фаолиятда инсоннинг шахси ифодаланади, шу билан бирга фаолият одам шахсини таркиб топтиради. Одамларда ҳар хил турдаги фаолиятларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти жуда ҳам мураккаб ҳамда узоқ давом этадиган жараён. Боланинг фаолияти унинг камолоти давомида фақат аста-секин таълим ва тарбиянинг таъсири остида онгли мақсадга мос фаолият шаклини эгаллаб боради. Инсон фаолияти асосан уч турга бўлинади: ўйин, меҳнат, таълим фаолияти. Бу фаолият турлари бола шахсининг таркиб топишида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ўйин. Бола бир ёшга тўлгандан бошлабоқ унда фаолиятнинг содда шаклларини эгаллаш учун шарт-шароитлар юзага кела бошлайди. Бундай шарт-шароитлардан биринчиси ўйиндир. Ўйин фаолиятини ҳайвон болаларида ҳам учратиш мумкин. Ҳайвонларнинг ёш болаларида кузатиладиган ўйин фаолиятига ҳар хил нарсалар билан шуғулланиш, ёлғондакам уришишлар, югуришни ва шу кабиларни киритиш мумкин. Болаларда ҳам ўйин уларнинг фаолиятларини, фаолликларини амалга ошириш шаклидир. Соф ҳолдаги ўйин фаолиятини юзага келтирадиган сабаб эҳтиёж бўлса, унинг манбаи таҳлид ва тажрибадир. Болалар нарсалар билан ролли қоидали, ҳаракатли, дидактик мазмунли ўйинларни ўйнайдилар.

Ўйин нарса ва ҳодисаларнинг мазмунини боланинг ўз тажрибасида билиб олишга, мазкур мазмунларни ишлата билишга машқ қилдиради. Боланинг шахсий сифатлари бошқалар билан муносабатларда таркиб топиб боради. Ўйин фаолиятида бола ижтимоий воқеликни тақлид, рол орқали ижро этишга ҳаракат қилади ва шу йўсинда атроф-муҳит тўғрисидаги, ижтимоий турмушдаги шахслараро муносабатларни ўзлаштира боради. Ижтимоий турмушдаги у ёки бу ҳодисани рол орқали ижро қилади. Сўз билан ҳаракатнинг бирикуви натижасида ўйин фаолияти тусини олади ва муайян маънода ахборот бериш, узатиш имкониятига эга бўлади. Дастлабки ўйин айнан катталар хатти-ҳаракатини такрорлаш, уларга тақлид қилиш билан тавсифланади. Сюжетли ўйинлар борлиқнинг гоҳ англанган, гоҳо англанмаган тарзда у ёки бу томонларини эгаллашга ҳаракат қилади.

Ўйин даставвал бола учун вақт ўтказиш, уни машғул қилиш функсиясини бажарса, кейинчалик ижтимоий-тарихий тараққиёт намуналарини ифодалаш даражасига ўсиб ўтади. Роллар, маъноли ҳаракатлар, ибратли имо-ишоралар, тушунчалар бола шахсини шакллантиришда фаол иштирок этади. Бола туғилгандан то мактаб таълимигача унинг учун ўйин фаолияти йетакчи фаолият ролини бажаради, шунингдек ўйин дидактик тус касб этиши ҳам мумкин.

Таълим фаолияти ўйин фаолиятининг пировардида юзага келади. Бу фаолиятнинг мақсади маълум ахборотларни, билимларни, ҳаракатлар ва

амалларни ўзлаштиришдан иборатдир. Одамнинг ўз мақсадига кўра батамом ўрганиш ва ўзлаштиришдан иборат бўлган мана шундай махсус фаолияти таълим фаолияти дейилади. Психологик жиҳатдан олганда, таълим фаолияти ўз ичига қуйидаги жараёнларни олади: маълум бир назария ва амалий фаолият турини муваффақиятли амалга ошириш учун объектив оламнинг енг муҳим хусусиятларига доир ахборотларни ўзлаштириш. Бу жараённинг маҳсулоти билимлардир. Мана шу фаолиятни, яъни билимларни ўзлаштиришда юзага келадиган усул ва операсияларни эгаллаш, бу жараёнларнинг маҳсулоти малака ва уқувлардан иборатдир. Таълим фаолиятининг таркиби жуда ҳам мураккаб бўлиб, билимлар, тушунчалар, малакалар, одатлар, уқувлар киради.

Таълим фаолияти маълум равишда ташкил етилган шароитда амалга оширилади. Катта ёшли кишилар болаларнинг тараққиётига фаол таъсир етиб, уларнинг таълим фаолиятларини ҳамда бу фаолият билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларни ташкил қиладилар. Бу фаолият ва ҳаракатларни инсоният ижтимоий тажрибасини ўрганиш томон йўналтиришдир. Шундай қилиб, таълим фаолияти катта кишилар томонидан ташкил қилиниб, бошқарилади ва тизимли равишда назорат қилиб борилади. Маълумки, таълим фаолияти билан тарбия ишлари узвий боғлиқдир. Бизнинг мактабларимизда ҳар ?андай таълим жараёни ҳамма вақт тарбиявий характерга эга, болаларга у ёки бу фан бўйича таълим берар эканмиз, шунинг билан бирга уларни биз тарбиялашимиз керак. Мактабдаги тарбиявий ишларни асосан тушунтириш, ишонтириш, кўрсатиш, рағбатлантириш, талаб қилиш, вазифа бериш ва жазолаш каби воситалар ёрдамида амалга оширилади. Мактабдаги барча тарбиявий ишларни асосий мақсади ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Меҳнат фаолияти - маълум ижтимоий фойдали, моддий ёки маданий, маънавий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолиятдан иборат. Кишиларнинг меҳнати маълум мақсадга қаратилган ҳар доим ижтимоий табиатга эга бўлади. Меҳнат фаолиятининг мақсади кишиларнинг истеъмол қилинадиган нарсаларни, яъни нон, машиналар, турли ишлаб чиқариш маҳсулотларини тайёрлаш, яъни кийим-кечак озиқ-овқат ва бошқа шу каби нарсаларни ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиши мумкин.

Меҳнат фаолияти ўз моҳияти жиҳатдан ҳам ижтимоийдир. Меҳнат тақсимоти ҳам ижтимоийдир. Меҳнат тақсимоти туфайли бирорта киши ҳам ўзига керак бўладиган нарсаларни фақат ишлаб чиқаришга қатнашмай, балки деярли ҳеч қачон ҳатто биргина нарсани бошдан охиригача ишлаб чиқаришда ҳам қатнашмайди. Шунинг учун одам ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма нарсаларни жамиятдан олади, ўз эҳтиёжларини қондиради.

Таянч тушунчалар

Етакчи фаолият - фаолият турларидан бири бўлиб, бунда маълум давр ичида шахс сифат жиҳатидан ўзгариб шаклланади.

Интериоризасия (лот. интериор - ички) - ташқи амалий ҳаракатларнинг ички ақлий амалларга айланиш жараёни.

Кўникма - одамнинг маълум ишни бажаришга тайёрлигида кўринадиган қобилияти.

Малакалар интерференсияси (лот. латер - орасида, ференс - тарқатувчи) аввал ҳосил қилинган малакаларнинг кейинчалик бошқа янги малакаларнинг

ҳосил бўлиш жараёнига салъбий таъсир кўрсатиши натижасида янги малакаларнинг сусайиб қолиши.

Меҳнат - одамнинг маълум мақсадга, ўз эҳтиёжларини қондириш учун борлиқни билиш ва уни қайта қуришга, моддий ва маънавий бойликларни яратишга йўналтирилган фаолияти.

Фаолият - инсонгагина хос, онг билан бошқариладиган эҳтиёжлар туфайли пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишга, уни қайта кўришга йўналтирилган фаоллиги.

Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш - психологиянинг илмий-текшириш методларидан бири; шахснинг билим ва маҳорати, қобилияти, қизиқишлари, диди, фаолият турига бўлган муносабатлари ва унинг ўзгаришини ўрганиш усули.

Фаоллик - тирик материяиинг умумий хусусияти, теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишида намоён бўлади.

Екстериоризасия (лот. Ехтериор - ташқига айланиш) - ички психик фаолиятнинг ташқи амалий фаолияти, жонли мушохадага айланиши.

Ўйин - фаолият турларидан бири. Бу болаларнинг катталар фаолиятини, уларнинг
иш-ҳаракатларини, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларии акс эттириш да ифодаланадиган ва теварак-атрофдаги борлиқни билишга қаратилган фаолиятидир.

Ўқиш - шахснинг билим ва фаолият усулларипи эгаллашга ҳамда уни мустаҳкам есда сақлаб қолиш жараёни.

Ҳаракат - мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, онгли равишда амалга ошириладнган ҳаракатлар йигиндиси.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Фаолият ҳақида тушунча.
2. Фаолиятнинг тузилиши.
3. Фаолиятнинг ўзига хослиги.
4. Фаолиятнинг интероризасияси ва екстроризасияси.
5. Фаолиятнинг ўзлаштирилиши ва малакаларни эгаллаш.
6. Фаолиятнинг асосий турлари.
7. А.Н.Леонтев бўйича фаолият тузилиши.
8. Фаоллик ва фаолият тушунчаларининг мазмуни.
9. Инсон фаолияти ва ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати ўртасидаги фарқ.
10. Фаолиятни эгаллаш
11. Кўникма ва малака тушунчаларининг мазмуни.
12. Одат тушунчасининг мазмуни.
13. Фаолиятни ўзлаштириш босқичлари.

Тест топшириқлари

1.Қайси қаторда фаолият тушунчасига тўлиқ таъриф берилган?

А) бажарилиш эҳтиёжга айланган ҳаракат ёки хулқ-атворнинг таркибий қисми

Б) машқ қилиш натижасида турли малакаларнинг шаклланиш жараёни

В) ҳар бир тирик организмни ўз эҳтиёжларини қондириш учун қиладиган фаоллиги

Г) шахснинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун кўрсатадиган жисмоний ва руҳий фаоллигига айтилади Д) ихтиёрсиз ёки англанган ҳолда бажариладиган ҳаракат

2. Инсон фаолиятини сўнгги натижасининг образи сифатида намоён бўладиган ва эҳтиёжларни амалга оширилиши бу……..

А) одат Б) мотив В) иш-ҳаракат Г) саъи –ҳаракат Д) мақсад

3. Кишини фаолиятга ундайдиган ва унга мазмун бахш этадиган куч бу…….

А) одат Б) мотив В) иш-ҳаракат Г) саъи –ҳаракат Д) мақсад

4. ……..галдаги битта оддий вазифани бажаришга қаратилган нисбатан тугалланган фаолиятнинг таркибий қисми.

А) одат Б) мотив В) иш-ҳаракат Г) саъи –ҳаракат Д) мақсад

5. Ташқи оламдаги нарсаларнинг ҳолатини ва хоссаларини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатларни …….. деб юритилади.

А) одат Б) мотив В) иш-ҳаракат Г) саъи –ҳаракат Д) мақсад

6…….бажарилиши эҳтиёжга айланган ҳаракат ёки хулқ-атворнинг таркибий қисми.

А) одат Б) мотив В) иш-ҳаракат Г) саъи –ҳаракат Д) мақсад

7. Тескари афферентасия тушунчаси ким томонидан фанга киритилган?

А) Н.А.Бернштейн Б) А.К.Анохин В) А.Н.Леонтев Г) С.Л.Рубинштейн
Д) Б.Г.Ананев

8. Тескари афферентасия тушунчасининг мазмуни қайси қаторда кўрсатилган?

А) тананинг фазовий ҳолати Б) ташқи қўзғатувчилардан ҳамда ички органлардан ахборот қабул қилувчи ҳисий аъзолардан марказий нерв тизимига импулсларининг доимий оқими В) бажарилиши эҳтиёжга айланган ҳаракат ёки хулқ-атворнинг таркибий қисми. Г) ташқи оламдаги нарсаларнинг ҳолатини ва хоссаларини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар Д) инсон фаолияти сўнгги натижасининг образи сифатида намоён бўладиган ва эҳтиёжларни амалга оширилиши

9. Қайси олим тадқиқотларида фаолиятга нисбатан "тафаккурнинг фаол шакли", "мия фаолияти" "мускул фаолияти" иборалари қўлланилади.

А) Н.А.Бернштейн Б) А.К.Анохин В) А.Н.Леонтев Г) С.Л.Рубинштейн
Д) И.М.Сеченов

10.Қайси олим томонидан "олий нерв фаолияти" тушунчасини фаолият тушунчасига нисбатан қўлланган?

А) Н.А.Бернштейн Б)И.П.Павлов В)А.Н.Леонтев Г)С.Л.Рубинштейн
Д) И.М.Сеченов

11. Н.А.Бренштейн томонидан қандай тушунча фанга киритилди?

А) мускул фаолияти Б) мия фаолияти В) физиологик фаоллиги Г) тафаккурнинг фаол шакли Д) тафаккур фаолияти

12. Фаолият психологиясини қайси олим томонидан асослаб берилди?

А) Н.А.Бернштейн Б) А.К.Анохин В) А.Н.Леонтев Г) С.Л.Рубинштейн
Д) И.М.Сеченов

13. Меҳнат психологик эмас балки "ижтимоий категория" психология эса "меҳнат фаолиятининг психологик жабҳаларини тадқиқ этади".Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?

А) Н.А.Бернштейн Б) А.К.Анохин В) А.Н.Леонтев Г) С.Л.Рубинштейн
Д) И.М.Сеченов

14.Фаолиятнинг психологик назариясини ишлаб чиққан олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) Н.А.Бернштейн Б) А.К.Анохин В) А.Н.Леонтев Г) С.Л.Рубинштейн
Д) И.М.Сеченов

15.Предметли фаолият тушунчасини фанга киритган олим қайси қаторда кўрсатилган?.

А) Н.А.Бернштейн Б) А.К.Анохин В) А.Н.Леонтев Г) С.Л.Рубинштейн
Д) И.М.Сеченов

16.Билиш ва муомала фаолиятнинг бирламчи кўринишидир. Мазкур фикр муаллифини аниқланг?

А) Б.Г.Ананев Б) А.К.Анохин В) А.Н.Леонтев Г) С.Л.Рубинштейн
Д) И.М.Сеченов

17.Фаолият психологиясини фаоллик психологияси сифатида талқин етган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) Б.Г.Ананев Б) А.К.Анохин В) А.Н.Леонтев Г) С.Л.Рубинштейн
Д) И.М.Сеченов

18.Фаолиятнинг интероризасияси муаммоси қайси олимлар томонидан ўрганилган?.

А) Л.С.Вигоцкий, А.Н.Леонтев Б) П.Я.Галперин, С.Л.Рубинштейн
В) С.Л.Вигоцкий, С.Л.Рубинштейн Г) Б.Г.Ананев, А.Н.Леонтев
Д) Б.Г.Ананев, К.П.Анохин

19.Объектнинг барқарор боғланишлари йиғиндиси бўлиб, турли ташқи ва ички ўзгаришлардан қатъий назар ўз мақсади ва бутунлигини сақлайди.

А) тизим Б) мотив В) иш-ҳаракат Г) саъи –ҳаракат Д) мақсад

20.Бу фаолиятнинг нисбатан тугалланган елементи бўлиб, у мотивга бўйсунган оралиқ мақсадга эришишни назарда тутади?

А) одат Б) хатти-ҳаракат В) иш-ҳаракат Г) саъи –ҳаракат Д) мақсад

21. Предметли хатти-ҳаракатлар нечта ҳаракатларни қамраб олади?.

А) 2та Б) 3 та В) 4 та Г) 6 та Д) 7 та

22.Қайси қаторда ақлий хатти-ҳаракатлар кўрсатилган?

А) персептив унинг асосида предметларни идрок этиш асосида яхлит образ юзага келади.Б) мнемик материални фаолият жараёнида ёдлаш есга тушириш еслаб қолиш
В) фикрлаш орқали масалаларни йечиш Г) барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб берилмаган

23.Кўникмаларни шаклланиши асосан неча босқични ўз ичига олади?.

А) 2та Б) 3 та В) 4 та Г) 6 та Д) 7 та

24.Ташқи реал ишдан ички идеал ишга ўтиш жараёни бу……..

А) екстроризасия Б) малака В) кўникма Г) саъи –ҳаракат Д) интероризасия

25.Ички ақлий ҳаракатдан ташқи предметли ҳаракатга ўтиш жараёни бу……..

А) екстроризасия Б) малака В) кўникма Г) саъи –ҳаракат Д) интероризасия

26.Бирор фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд билимлардан ва малакалардан фойдалана олиш……деб аталади?

А) екстроризасия Б) малака В) кўникма Г) саъи –ҳаракат Д) интероризасия

27.Одамдаги мақсадга мувофиқ ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва автоматлашуви …….. деб аталади.

А) екстроризасия Б) малака В) кўникма Г) саъи –ҳаракат Д) интероризасия

28.Одамнинг ўз мақсадига кўра батамом ўрганиш ва ўзлаштиришдан иборат бўлган махсус фаолияти бу……дейилади.

А) меҳнат Б) малака В) кўникма Г) таълим Д) ўйин

29. ……..маълум ижтимоий фойдали моддий ёки маданий, маънавий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият.

А) меҳнат Б) малака В) кўникма Г) таълим Д) ўйин

30. Йетакчи фаолият тушунчаси мазмуни қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) фаолиятда инсон шахсини ифодалайди ва таркиб топтиради.Б) инсон тараққиёти билан боғлиқ.В) бола шахсини таркиб топишида асосий рол ўйнайди.Г) шахснинг муайян ёш даврида сифат жиҳатидан ўзгаришни таъмин-лайдиган фаолият тури

Д) бажарилиши эҳтиёжга айланган ҳаракат ёки хулқ-атворнинг таркибий қисми

Назорат саволлари

1. Фаолият тушунчасининг моҳиятини изоҳланг?
2. Фаолиятнинг тузилиши хусусида нималарни биласиз?
3. Фаолиятнинг интероризасияси ва екстроризасияси тушунчасининг моҳиятини изоҳланг?
4. Фаолиятнинг ўзлаштирилиши ва малакаларни эгаллашни моҳияти нималар билан белгиланади?
5. Фаолиятнинг асосий турларини кўрсатинг?
6. А.Н.Леонтев бўйича фаолият тузилишининг моҳиятини изоҳланг?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
3. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
4. Джемс В. Психология.- М., 1991
5. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
6. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность.-2-е изд-М.: Политиздат, 1977
7. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
8. Мерлин В. С. Очерки интегрального исследования индивидуальности. — М.: Просвещение, 1989.
9. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
10. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
11. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
12. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
13. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й

14. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
15. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

МУЛОҚОТ

Мулоқот ҳақида тушунча

Мулоқот инсон ҳаёти ва фаолиятининг муҳим шартидир. Айнан мулоқот ёрдамида инсонлар табиатини ўзлаштириш ва ўз индивидуал эҳтиёжларини қондириш учун биргаликда ҳаракат қилиш имкониятига эга бўладилар. Мулоқот жараёнида инсон хулқ-атворининг муайян образ ва моделлари шаклланиб, кейинчалик улар инсоннинг ичига киради. Шахснинг тафаккури, оламни ва ўзининг образини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш қобилияти мулоқот жараёнида шаклланади. Мазкур муаммога атрофлича баҳо берган полшалик психолог Йе.Мелибруда қуйидагиларни таъкидлайди: *"Мулоқот шахслараро муносабатларда биз учун ҳаводек аҳамиятга эгадир"*.

Мулоқот ўта мураккаб жараён бўлганлиги сабабли унга ягона тўғри таърифни бериш жуда мушкул. Шунинг учун одатда мулоқот тушунчасининг мазмуни унинг айрим томонларига урғу бериш орқали таърифланади. А) **мулоқот** - ҳамкорликда фаолият эҳтиёжи билан тақазоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни. Б) **мулоқот** - субъектларнинг белгилар тизими орқали ўзаро таъсирланишуви.

А.В.Петровский таҳрири остида чиққан "Умумий психология" дарслигида **мулоқот** икки ва ундан ортиқ кишилар ўртасидаги ахборот айрибошлаш, ўзаро таъсир ва бир-бирини тушунишдан иборат жараён сифатида еътироф етилади.

М.Г.Давлетшин муаллифлигида чоп етилган "Умумий психология" ўқув қўлланмасида **мулоқот** - бу икки ёки ундан ортиқ кишилар орасидаги аффектив баҳоловчи характерда ва билиш бўйича маълумот алмашинишидан иборат бўлган ўзаро таъсир этишдир"- деб таъкидланади.

М.Г.Давлетшин раҳбарлигида чоп етилган "Психология" қисқача изоҳли луғатида мулоқотга қуйидагича таъриф берилади: **мулоқот**- икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этишидир.

Юқоридаги таърифларга мувофиқ мулоқотга умумий тарзда қуйидагича таъриф бериш мумкин: **мулоқот** - камида икки кишининг ўзаро таъсир жараёни бўлиб, бу таъсир давомида ахборот алмашинади, муносабат ўрнатилади, ривожлантирилади.

Мулоқот тушунчасини коммуникасия тушунчасидан фарқлаш лозим. **Коммуникасия**-тирик ва ўлик табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Ҳайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви, инсоннинг техник воситалар билан алоқа қилиши, буларнинг барчаси коммуникасияга мисол бўлади. Мулоқот фақат инсонлар ўртасида амалга оширилиши мумкин. Мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти беқиёсдир. Инсон боласи айнан бошқалар билан мулоқотда, муносабатда бўлиш жараёнида шахсга айланиб боради. Мулоқот орқали инсон ижтимоий тажриба ва маданиятни эгаллаб боради. Янги туғилган инсон бошқалар билан мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлса, у ҳеч қачон шахсга айлана олмайди, яъни у

ўз психик тараққиёти бўйича орқада қолиб кетади. Зеро, инсон психик тараққиёти мулоқотдан бошланади.

Мулоқоциз инсоният жамияти бўлиши мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллантиради. ҳамкорликдаги фаолият режасини тузиш ва уни руёбга чиқариш учун индивидлар ўртасида мулоқот амалга оширилиши шарт. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил етилади ва амалга оширилади. Айни вақтда фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Мулоқот инсон ҳаётида қанчалик юксак аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисолларда яққол кўришимиз мумкин:

1-мисол 1938 йил Ричард Бард ўз ҳоҳиши билан Антарктида музликларида 6 ой танҳо қолади. Бир томондан у тажриба натижаларига қизиқса, иккинчи томондан кундалик ҳаётнинг ғала-ғовуридан бироз дам олишни истаган еди. Кейинчалик у мазкур даврни қуйидаги сўзлар билан еслайди "Бу йердаги ҳаётим давомида бора-бора ҳар бир ҳаракатим ҳар бир ишим тобора мазмунсиз, мантиқсиз, мақсадсиз бўлиб бораётгандай еди. Хавф хатарлардан қўрқмайдиган одам бўлсам-да, нэгадир бу йерда томнинг босиб қолишидан хавфсирай бошладим. Овқатланишимда мунтазамлик йўқолди, ювинмай қўйдим".

2-мисол. Тарихда японларда "Моритао" номли инсоннинг ўзини-ўзи такомиллаштириш тизими мавжуд бўлган. Ваҳоланки, инсон ҳеч қандай жисмоний азобларга дучор бўлмайди. Фақатгина бир ҳафтага ғорга кириб кетиб, у йерда танҳо қолади. Бу йерда у ҳатто ўзи билан гаплашиши мумкин бўлмаган. Синовдан ўтганлар кейинчалик ҳар қандай учрашув ва суҳбатни хурсандчилик билан қарши
оладилар. Қизиғи шундаки, уларда кўпроқ гапириш эҳтиёжи эмас, балки тинглаш эҳтиёжи кучаяр экан.

3-мисол. Бир пайтларда Америкада барча тамаддихоналарни автоматлаштириш авж олган еди. Аммо кўп ўтмай уларнинг эгалари касодга учрай бошлади. Маълум бўлишича, бу йерга одамлар нафақат таммади қилиш, балки суҳбатдош топиш учун ҳам келганлар.

Бундан кўринадики, инсонлар доимо мулоқотга эҳтиёж сезадилар ва уни қондиришга ҳаракат қиладилар.

Мулоқот жараёнида мулоқот функсиялари ҳам муҳим рол ўйнайди. Мулоқот функсиялари деганда мулоқотнинг инсон ҳаётида бажарадиган функсиялари тушунилади. Мулоқот функсиялари хилма-хил бўлиб, енг кенг тарқалган таснифга кўра, яъни **Б.Ф.Ломов** томонидан таклиф қилинган бўлиб, у қуйидагилардан иборат.

- **Информасион-коммуникатив функсия** - ахборот алмашинувини таъмин-лаш вазифаси. Ахборот алмашинуви турли белгилар тизимлари орқали амалга оширилади. Одатда вербал ва новербал коммуникасия фарқланади.
- **Регулясион-коммуникатив функсияси** суҳбатдошлар хулқ-атворининг регулясия қилинишини таъминлаш вазифаси. Индивидлар мулоқот жараёнида вербал йўллар билан бир-бирининг мотивларига,

мақсадларига, қарор қабул қилишига таъсир ўтказиши, бирор ҳаракатга ундаши ва ҳаракатини назорат қилиши, бир-бирининг хулқ-атворига стимуллаш-тирувчи ва коррексияловчи тарзида таъсир кўрсатиши мумкин.

- **Аффектив-коммуникатив функсия** инсон емосионал соҳасининг регулясия қилинишини таъминлаш вазифаси. Мулоқот инсон емосионал ҳолатларининг енг муҳим детерминасиясидир. Чунки турли туман емосионал ҳолатлар мулоқот жараёнида пайдо бўлади ва ўзгаради.

Л.А.Карпенко таклиф етган таснифга кўра, мулоқотнинг қуйидаги вазифалари ажратиб кўрсатилади.

- ✓ ***Алоқа ўрнатиш вазифаси*** - суҳбатдошни алоқага киришиш учун тайёрлаш;
- ✓ ***Информасион вазифа*** - суҳбатдош билан муайян маълумотлар, фикрлар ва режаларни алмашиш;
- ✓ ***Фаолиятга ундаш*** - суҳбатдошни бирор ҳаракатни бажаришга стимул-лаштириш;
- ✓ ***Координасион вазифа*** - суҳбатдош билан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш ва уни амалга оширишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш;
- ✓ ***Тушунишни таъминлаш вазифаси*** - суҳбатдошнинг фикрлари ва ҳиссиётларини тушуниш;
- ✓ ***Амотив вазифаси*** - суҳбатдошда муайян ҳиссиётларни уйғотиш ҳамда уларни ўзгартириш;
- ✓ ***Муносабат ўрнатиш*** - муносабатлар тизимидаги шахсий ўрнини, мавқеини аниқлаш;
- ✓ ***Таъсир кўрсатиш*** - суҳбатдошнинг хулқ-атвори шахсий хусусиятлари мақсадлари ва установкаларини ўзгартириш.

Мулоқотнинг коммуникатив томони

Биргаликдаги фаолият давомида одамлар турли фикрлар, ўй-хаёллар, ҳис кечинмалар билан ўртоқлашадилар. Бунда ўй-фикрлар, ҳис-кечин-маларни ахборот сифатида, коммуникасияни эса ахборот алмашинуви сифатида талқин этиш мумкин. Аммо шуни эътиборга олиш керакки инсонлараро коммуникасия шунчаки ахборот алмашинувидан иборат эмас. Чунки мулоқот жараёнида ахборот нафақат узатилади, балки шакллан-тирилади, аниқлаштирилади, ривожлантирилади. Демак, инсон мулоқотни шунчаки ахборот алмашинувидан иборат жараён деб ҳисоблаши мумкин эмас. Зеро, биринчидан мулоқот жараёнида ахборот бир томондан иккинчи томонга шунчаки ҳаракатланмайди, балки фаол алмашинади (коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирига ахборот юбораётганда бир-бирининг мотивлари, мақсадлари, установкалари ва бошқаларни таҳлил қиладилар); иккинчидан мулоқот жараёнида ахборот алмаша туриб кишилар белгилар орқали бир-бирига таъсир этиши мумкин (инсонлараро ахборот алмашинувида, албатта суҳбатдош хулқ-атворига муайян таъсир ўтказилади); учинчидан мулоқот жараёнида коммуникатор (ахборот юборётган одам) ва ресипиент (ахборотни қабул қилаётган одам) бир хил кодлаштириш тизимига эга бўлиши керак, тўртинчидан мулоқот жараёнида фақат инсонлараро коммуникасияга хос тўсиқлар вужудга келиши мумкин.

Коммуникатив жараёнда қўлланиладиган бир неча белгилар тизими мавжуд. Улар вербал коммуникасия (нутқ орқали) ва новербал (нутқ билан боғлиқ бўлмайдиган белгилар орқали) коммуникасиядир.

Вербал коммуникасия. Инсон нутқи белгилар тизими сифатида қўлланилади. Нутқ - инсон томонидан қўлланиладиган товуш сигналлари ёки ёзма белгилардан иборат бўлиб, улар орқали мулоқотдан олинган маълумот қайта ишланади, сақланади ва узатилади. У жараён тил орқали амалга оширилади. Тил сўз белгилари тизими бўлиб, у мулоқот жараёнида психик фаолият маҳсули бўлиб юзага келади.

Тил муомала воситасидир. **Тил** муомалага киришувчилар ўртасидаги коммуникасияни таъминлайди, чунки уни ахборот берувчи ҳам, уни қабул қилувчи ҳам бирдай тушунади. Бошқа кишига ахборот берувчи (коммуникатор) ва уни қабул қилувчи (ресипиент) мулоқот жараёнида бир хил тилдан фойдаланиши керак, акс ҳолда бир-бирини тўғри тушунолмайди. Ахборот алмашиш муомала қатнашувчиларига тушунарли белги ва мазмунга эга бўлиши керак. Тил сўз белгилари йиғиндисидан иборатдир. Сўзнинг маъноси унинг мазмуний томонидир. Ҳар бир алоқида одамнинг ҳаракатлари ва фаолиятларини бошқа одамнинг ҳаракати ва фаолиятларини 3 та муҳим омил белгилайди.

Биринчидан, бутун инсониятнинг ёки бир мунча тор доирадаги кишилар жамоасининг ижтимоий-тарихий тажрибасини белгилайди. Кичкина бола дунёни мустақил равишда билиб олмайди. У ота-онасига саволлар беради ва улар унга жавоб берадилар, бу жавоблардан бола ўз фаолиятини кейинчалик фойдаланадиган умумий билимларнинг фақат озгина қисмини олади. Умумий билимларнинг бу озгинагина қисмини бола тил шаклида, тил ёрдамида сўз белгилари тизимида ҳосил қила олади. Мактабда ҳам худди шундай бўлади, ўқувчи олам ҳақида барча билимларни ўқитувчининг тушунтиришидан ёки дарсликдан, яъни тил ёрдамида ўзлаштиради. Бу йерда тил ўзининг муҳим вазифаларидан бирини бажарадиган, яъни яшаш воситаси, ижтимоий-тарихий тажрибани бериш ва ўзлаштириш воситаси тарзида намоён бўлади.

Иккинчидан, ҳар бир алоҳида одамнинг иш-ҳаракати ва фаолиятини кўпинча ижтимоий қийматга эга бўлмаган ўзга кишиларнинг бевосита тажрибаларини белгилайди. Масалан, мен ошхона томон йўл оламан. Йўлда ўртоғим учраб менга: "ошхона ёпилган", дейди. Шу пайтда бу хабар менинг фаолиятимни маълум бир тарзда бошқаради: мен қайрилиб, бошқа ошхона томон жўнайман. Бу йерда тил ўзининг бошқа муҳим вазифаси билан, яъни восита ёки коммуникасия усули ёки оламнинг хатти-ҳаракатларини бошқарувчи бир восита сифатида намоён бўлади. Натижада ҳар қандай коммуникасия, ҳар қандай муносабат суҳбатдошига таъсир қилишдан иборатдир.

Учинчидан, ҳар бир алоҳида одамнинг иш-ҳаракатлари ва фаолиятларини ҳар бир айрим кишиларнинг шахсий тажрибаси белгилайди. Одамнинг "шахсий" ўз индивидуал тажрибаси бошқа кишиларнинг тажрибалари ва ижтимоий тажрибанинг ўзига хос аралашмасидан иборат. Одам ҳайвондан фарқли ўлароқ, ўз ҳаракатларини режалаштира олади. Бундай режалаштириш ва умумий фикрий масалаларни ҳал қилишнинг асосий қуроли

тилдир. Бу йерда биз тилнинг учинчи вазифаси ақлий фаолиятнинг (идрок, хотира, тафаккур, хаёл) қуроли сифатидаги вазифасига тўқнаш келдик. Сўз белгилари тизими сифатида тилдан нутқ фаолиятида фойдаланилади.

Нутқ фаолияти - одам томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки коммуникасия ўрнатиш, ўз ҳаракатларини режалаштириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёнидир. Тил алоқа воситаси ёхуд қуролдир, нутқ фаолияти ёки нутқ эса алоқа жараёнининг ўзидир. Бу жараёнда нутқ фаолиятининг фаол ва пассив турлари фарқланади. Сўзловчининг нутқи **фаол нутқ**, тингловчининг нутқи **пассив нутқ** ҳисобланади. Нутқ ички ва ташқи нутққа бўлинади. **Ташқи нутқ** - ёзма ва оғзаки нутққа, оғзаки нутқ эса монолог ва диалогик нутққа бўлинади. **Монолог** - бир кишининг ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқидир. Бу ўқитувчининг баёни, ўқувчининг тўлароқ жавоби, маъруза ва бошқалардир. Монологик нутқ маълум қийинчиликларга эга. Монологда гапираётган киши фикрларнинг аниқлигига, грамматик қоидаларнинг сақланишига, мантиқ ва айтилаётган фикрларнинг изчиллигига эътибор бериши керак. Диалогик нутққа нисбатан монологик нутқ кечроқ шаклланади. Мактабда ўқитувчилар ўқувчиларда монологик нутқни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришлари керак. Икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасидаги нутқ - **диалог** дейилади. Диалогик нутқда баён қилинаётган фикр кўп жиҳатдан ундан олдинги фикрга боғлиқ бўлади. Диалогик нутқда суҳбатдошларга маълум бўлган айрим сўзлар тушириб қолдирилади. Шунинг учун ёзиб олинган диалог бошқаларга унчалик тушунарли бўлмаслиги мумкин: Диалогик нутқда ҳар хил турдаги шаблонлар, яъни одатланиб қолинган сўз бирикмаси кўп учрайди (ғойил, марҳамат қилиб айтингчи). Нутқнинг **ички нутқ** деб аталган тури нутқ фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади. Ички нутқ амалий ва назарий фаолиятни режалаштириш фазаси сифатида намоён бўлади. Биз сўзни чала-ярим айтишимиз биланоқ тушунавэрамиз. Ички нутқ айрим оғзаки нутқ актларидан илгарироқ, хусусан ихтиёрийлик даражаси анча юксакроқ бўлган оғзаки нутқдан илгарироқ содир бўлиши мумкин. Ёзма нутқ монологик нутқнинг турларидан бири бўлиб, ёзма нутқ монологик нутққа нисбатан батафсилроқдир.

Мулоқотнинг коммуникатив акти сифатида қуйидагиларни тасаввур этиш мумкин

Коммуникатор адрэсант	Мулоқот субъекти сифатидаги омил намоён бўлади.
Ресепиент адерэсат	Бу маълумот кимга узатилмоқда
Маълумот	Нима узатилмоқда
Код	Қандай воситалар асосида
Мақсад	Нима учун узатилмоқда
Алоқа канали	Овоз, хат, ефир орқали алоқа
Натижа	Нимага эришилди.

Шунингдек америкалик журналист **Г.Лассуел** беш унсурдан иборат бўлган коммуникатив жараённинг моделини таклиф этади.

- Ким (ахборот ким томонидан узатилмоқда)
- Нима (қандай ахборот узатилмоқда)
- Қандай (ахборот қандай йўл билан узатилмоқда)

- Кимга (ахборот кимга йўналтирилмоқда)
- Қанчалик самарали (ахборот қанчалик самарадор узатилди)

Коммуникатив жараён аксиал (бунда ахборот айрим аниқ одамларга йўналтирилади) ёки ретиал (бунда ахборот бир қанча еҳтимол қилинаётган ресипиентларга йўналтирилади) характерда бўлиши мумкин.

Коммуникатив жараёнда ўзаро муносабатга киришувчиларни бир-бирларини тушунишлари жуда муҳимдир. Бунда нутқнинг қуйидаги муҳим хусусиятлари пайдо бўлади, яъни мазмундорлик, тушунарлилик, ифодалилик, таъсирчанлик кўрсатилади.

Буюк франсуз ёзувчиси Антуан Сент Екзюпери *"Мулоқот - шундай неъматки, у орқали инсон лаззатланади"*, деб ёзган еди.

Сўзнинг моҳияти ҳақида Саъдий "Ақллимисан ёки аҳмоқ каттамисан ёки кичик буни бир сўз айтмагунча била олмаймиз" деган еди.

Халқимизда шундай ибратли ибора бор "инсон ақл фаросати унинг нутқининг аниқлигида намоён бўлади".

Новербал коммуникасия воситаларига юз ифодаси, мимика, оҳанг, пауза, поза (ҳолат), кўз ёш, кулгу ва бошқалар киради. Бу воситалар вербал коммуникасия - сўзни тўлдиради, кучайтиради ва баъзан унинг ўрнини босади. Болгарларда бошни қимирлатиш йўқ дегани, русларники тескариси бўлади. Турли ёш гуруҳларида новербал коммуникасия воситаси турлича бўлади. Масалан, болалар кўпинча катталарга таъсир этиш, уларга ўз қоқиш ва кайфиятларини ўтказишда йиғидан восита сифатида фойдаланадилар. Ахборотни сўз билан баён этишнинг мазмуни ва мақсадига новербал коммуникасия воситаларининг мос келиши муомала маданиятининг бир туридир.

Новербал коммуникасияга белгиларнинг оптик-кинетик тизими кириб, уларга жестлар (қўл ҳаракатлари), мимика (юз ҳаракатлари) ва пантомимика (қўл, оёқ, тана ҳаракатлари) киради.

Жестлар - инсоннинг қўл ҳаракатлари бўлиб, у орқали инсоннинг ички ҳолати, бирор бир объектга муносабати ва ташқи оламга йўналганлиги ифодаланади. У ёки бу халқларда жестлар турлича қабул қилинади. Италян ва французлар ўз мулоқотларини жестларсиз тавсаввур ета олмайдилар. Ўзбек халқида нутқда жестлардан фойдаланиш яхши одат сифатида қабул қилинмайди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, новербал коммуникасия оғзаки нутқда айтилмай қолган фикрларни ифода этиш имконини беради.

Мимика - инсон юз ҳаракатларининг бир қисми бўлиб, у орқали инсоннинг ўйлари, хатти-ҳаракатлари, тасаввурлари, хотирлаши, таажжуби ва ҳоказоларда намоён бўлади.

Пантомимика - инсон танаси ёки унинг қисмлари ёрдамида ифодаланадиган ҳаракатлар тизимидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кундалик мулоқот жараёнида сўзлар 7% ни, товушлар ва интонасия 38% ни, нутқсиз мулоқот эса 55% ни, ташкил қилади.

Публисий айтганидек, биз *"Овоз билан гапирамиз тана билан суҳбатлашамиз"*. Новербал коммуникасиянинг бошқа белгилар тизимини кўриб чиқайлик.

Паралингивистик ва екстралингвистик белгилар тизими - бу локализасия тизими бўлиб, у овоз сифатида диапозонини нутқдаги паузалар, йўтал, йиғи, кулгу, нутқ темпида намоён бўлади.

Мулоқот жараёнида мулоқотга киришувчиларни бир-бирларига нисбатан жойлашишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, аудиториядаги столлар жойлашиши мулоқот учун жуда но?улайдир. Айниқса, семинар машғулотлари жараёнида ўқитувчи, маърузачи мулоқоти вақтида қолганлари мунозарада фаол иштирок этиш имкониятига эга эмасдирлар.

Семинарларни ёки шу каби суҳбатларни "Т" шаклида жойлашган стол стулларда ўтказиш ҳам фойдали, лекин думалоқ шаклда жойлаштирилган стол, стулларда мулоқот жуда самаралидир.

Визуал мулоқотда "кўз контакти" белгилар тизими ҳам қўлланилади. Ушбу тизим педагоглар, раҳбарлар иш фаолиятида муҳим аҳамиятга эгадир.

Қизиқарли белгилар тизими сифатида мулоқот жараёнида гул, фоторасм ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Еҳтимол гуллар орқали инсонлар маълум бир маълумотни узатиш имкониятига эгалар. Шу боис гуллар тарихи ҳақида айрим маълумотларни келтирамиз. Гуллар тили қадимда Шарқда пайдо бўлган. Уни аёллар яратишган. Ўз юзларини очиш имкониятига эга бўлмаган аёллар ўз ҳисларини ва кайфиятларини гуллар орқали ифодалашга ҳаракат қилганлар. Ассосиасия сифатида пайдо бўлган белгилар қатъий одатларга айланган. Масалан, азалия гули соғинч, ёлғизлик, гнасинт қунчаларининг сони учрашув кунини, қўнғироқ гуллар сони учрашув вақтини англатади.

ХИХ асрга келиб, гуллар тили дастлаб Франсияда, сўнг Англия ва бутун жаҳонга тарқалган. Аста-секин гуллар тили билан ранглар тили ҳам юзага келди. Жумладан, Йевропанинг кўп давлатларида сиёҳ ранг дўстлик, ҳашаматлилик, тўкинлик рамзи бўлса, Японияда-ҳам оғриқ белгиси бўлган. Ҳар қайси ранг маълум ҳолат, кайфият маъносини англатади. Жумладан қизил ранг ҳаёт, севги, пушти - ёшлик, сариқ - бахт, қуёш, тўй, хурсандчилик, яшил - тинчлик, хотиржамлик, кўк - ишонч, вафо, қора - тантанаворлик, қайғу, оқ - поклик, беғуборлик рамзи сифатида тушунилади.

Мулоқот кишилар ўртасидаги ўзаро таъсир этиш

Кишилар мулоқотга киришар экан, савол бериш, буйруқ, илтимос қилиш, бирор нарсани тушунтириш билан бирга ўз олдига бошқаларга таъсир этиш, шу нарсани уларга тушунтириш мақсадини қўяди.

Мулоқотнинг мақсади кишиларнинг биргаликдаги фаолиятига эҳтиёжини акс эттиради. Бунда мулоқот шахслараро ўзаро таъсири сифатида намоён бўлади, яъни кишиларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида пайдо бўлувчи алоқа ва ўзаро таъсирлар йиғиндисидир. Биргаликдаги фаолият ва мулоқот ижтимоий назорат шароитида рўй беради. Жамият ижтимоий нормалар сифатида махсус хулқ-атвор намуналари тузилишини ишлаб чиққан. Ижтимоий нормалар кўлами ниҳоят кенг - меҳнат интизоми ҳарбий бурч ва ватанпарварлик, хушмуомалалик қоидалари ана шулар жумласидандир. Ижтимоий психология нуқтаи назаридан мулоқотга киришувчилар бажарадиган ролнинг "репертуар"ига мос ҳолда намоён бўлади. Психологияда "рол" деганда ижтимоий (сосиал) мавқени эгаллаб турувчи ҳар бир кишидан атрофдагилардан кутадиган, норматив томонидан маъқулланган хулқ-атвор

намунаси тушунилади. (Ёш, мансаб, жинс ва оиладаги, ўқитувчи ва ўқувчи шифокор ва бемор, катта киши ёки бола, бошлиқ ёки ходим, она ёки буви, еркак ёки аёл, меҳмон ёки мезбон ролида намоён бўлиши мумкин). Ўз навбатида ҳар бир рол ўзига мос талабларга жавоб бериши керак.

Бир киши турли мулоқот вазифаларида турли ролларни бажариши мумкин. Масалан, хизмат жойида директор, касал бўлса шифокор кўрсатмаларига итоат этувчи бемор, оилада кекса ота-онасининг қобил фарзанди, меҳмондўст оила бошлиқи бўлади. Турли ролларни бажарувчи кишиларнинг ўзаро муносабати рол кутишлари билан бошқарилади. Хоҳлайдими ёки йўқми атрофдагилар ундан маълум намунага мос келувчи хулқ-атворни кутадилар. Агар рол яхши бажарилмаса, ижтимоий назорат томонидан баҳоланади, озми-кўпми чекланишлар қилинади. Мулоқотнинг бевосита муваффақиятининг шарти ўзаро таъсир этувчи кишиларнинг ҳар биридан кутилаётган ҳаракатларга мос келувчи хулқ-атвор намунасини қўлланишидадир. Кишининг бошқалар ундан нимани кутаётганини, нимани ешитишга ва унда нимани кўришга тайёр эканлигини тўғри, аниқ, хатосиз кўчира олиш қобилияти **такт** деб аталади.

Маълумки такт педагогик фаолиятда муҳим компонент ҳисобланади. Айниқса, педагогик жараён ўқитувчи ва ўқувчиларнинг уюшган фаолиятлари асосида тузилган. Шу боис ўқитувчи педагогик жараённи ўқувчилар жамоасидан ташкил топганлигини унутмаслиги ҳар бир ўқувчи шахсини эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Ўқувчилар билан психологик алоқанинг қисқа муддатга бўлсада йўқолиши, оғир оқибатларни вужудга келтиради.

Мулоқотнинг интерактив томони деганда, биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига таъсир ўтказиши тушунилади. Коммуникасия орқали одамлар биргаликдаги фаолиятни ташкил этадилар. Умумий фаолиятда иштирок етар экан, одамлар бир-бирларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзаро таъсир биргаликдаги фаолиятнинг ташкил етилиши сифатида тушунилади.

Биргаликдаги фаолиятнинг уч хил модели мавжуд.

- Ҳар бир иштирокчи бошқалардан мустақил равишда ишнинг ўзига тегишли қисмини бажариши (масалан шанбаликдаги иш)
- Умумий вазифани босқичма-босқич ҳар бир иштирокчи томонидан бажарилиши (масалан конвейердаги иш)
- Ҳар бир иштирокчи бошқалар билан биргаликда бир вақтнинг ўзида умумий фаолият билан машғул бўлиши (масалан, футбол жамоасидаги иш).

Одатда мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсирнинг икки хил тури ажратилади.

а) кооперасияга асосланган ўзаро таъсир - коммуникатив жараён иштирокчиларинng умумий мақсад йўлида ўз кучларини бирлаштиришдан иборат. Кооперасияларнинг бир неча тури фарқланади.

автоматик (инстинктив- биологик даражада мавжуд бўлади),

автоматик (таркиб топган ижтимоий меъёрлар билан анъана ва урфодатлар билан

тақозоланган бўлади)

спонтан (дўстлик, муҳаббат ва шу каби муносабатлар билан тақозоланган бўлади)

директив (мажбурий ҳамкорлик ҳукм сурувчи жойларда мавжуд бўлади)

шартномавий (расмий келишувлар билан тақазоланган бўлади).

коорперасия- биргаликдаги фаолиятнинг зарурий елементи.

б)Рақобатга асосланган ўзаро таъсир - коммуникатив жараён иштирокчиларининг шахсий ёки гуруҳий мақсадларга эришиш учун ўзаро кураш шароитида бир-бирига таъсир кўрсатишдан иборат. Бундай ўзаро таъсирда томонларнинг шахсий фаоллиги одатда юқори бўлади. Шундай бўлса-да у кооперсия билан маълум даражада боғлиқдир. Чунки рақобат давомида ҳам муайян қоидалар ўрнатилиши талаб етилади. Акс ҳолда ўзаро кураш урушга айланиб кэтиши мумкин. Рақобатнинг енг ёрқин шакли низодир. **Низо** - мулоқот иштирокчиларининг ҳар бири муҳим бўлган муаммони ҳал этиш вақтида улар ўртасида вужудга келган қарама-қаршилик ва курашнинг кескин кучайиб кэтиш
жараёнидир.

Мулоқот жараёнида низонинг одатда икки хил тури фарқланади.

а) Деструктив низо. Унинг келиб чиқиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

- ✓ шахсий хусусиятларни бир-бирига мос келмаслиги туфайли вужудга келади;
- ✓ муносабатларнинг бузилишига олиб келади;
- ✓ иштирокчилар сони ортиб боради;
- ✓ қарама-қарши томонга нисбатан нэгатив баҳолар кучайиб боради;
- ✓ низо жараёнидаги объектнинг шахсга кўчиши осон юз беради.

б) Продуктив низонинг келиб чиқиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

- ✓ нуқтаи - назарларнинг бир-бирига мос келмаслиги сабабли вужудга келади;
- ✓ муаммони кенгроқ қарши олишга олиб келади;
- ✓ оптимал йечимнинг топилишига ёрдам беради;
- ✓ шахсга кўчирилмайди.

Мулоқот кишиларнинг бир-бирини тушуниши

Биргаликдаги фаолиятнинг муваффақиятли рўй бериши кўп жиҳатдан коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирини қандай идрок етаётганини, ҳар бир иштирокчида бошқа иштирокчи ҳақида қандай тасаввурлар шаклланаётганлигига боғлиқ. Бу эса мулоқотнинг персептив томонини ўрганиш заруратини вужудга келтиради.

Кишиларнинг бир-бирини идрок этиш жараёни мулоқотнинг ажралмас қисми бўлиб, у **мулоқотнинг персептив томонини** ташкил этади.

Инсоннинг инсон томонидан идрок етилиши **"ижтимоий персепсия"** дейилади. Дастлаб бу атама Дж.Брунер томонидан 1947 йил ишлатилган бўлиб, у персептив жараёнларнинг ижтимоий детерминасиясини англатган. Кейинчалик бу атама бошқачароқ маънога эга бўлиб, у ижтимоий объектларни,

яъни одамлар ижтимоий гуруҳлар, катта ижтимоий тузилмаларни идрок этиш жараёнини англата бошлаган.

Ижтимоий персептив жараёнларда индивид қуйидагиларни идрок этиши мумкин:

А. ўз гуруҳига муносиб индивидни;
Б. бошқа гуруҳга мансуб индивидни;
С. ўзининг гуруҳини;
Д. ўзга гуруҳни.

Ижтимоий персептив жараёнларда гуруҳ қуйидагиларни идрок этиши мумкин:

А. ўз индивидини;
Б. ўзга гуруҳ индивидини;
С. ўзини;
Д. ўзга гуруҳни.

Рус психологи А.А.Бодалев ***"инсонни инсон томонидан идрок етилишига"*** синоним равишда "инсоннинг бошқа инсонни билиши" иборасини қўллайди. Инсон жамият аъзоси сифатида қабул қилинганлиги сабабли мулоқотда ҳам шахс сифатида намоён бўлади. С.Л.Рубинштейн айтганидек, ***"биз инсонни ташқи хулқ-атворига қараб уни ўқиймиз"***. Бундан, инсонни ташқи қиёфаси уни қандай шахс
эканлигидан далолат беришини англашимиз мумкин.

"Бошқа одамни била туриб, ўрганаётган индивиднинг ўзи ҳам шаклланади"- деб ёзади Л.С.Вигоцкий.

Инсонни инсон томонидан идрок етилишида енг камида икки киши жалб қилинган бўлиши лозим бўлиб, уларнинг иккалови ҳам фаол субъектдир. Демакки ўзаро идрок жараёнида иккала томон бир-бирларининг эҳтиёжлари, мотивлари ва йўналишларини билишлари ва ўзларини қарама-қарши томон ўрнига ғўя олишлари лозим. Мулоқот жараёнида бир-бирини идрок етаётган одамлар бир-бирини тушунишга ҳаракат қиладилар**. Бунинг учун қуйидаги механизм ишга солинади:**

А. идентификасия;
Б. рефлексия;
С. стереотипизасия.
Д. емпатия

Идентификасия (лотинча тенглаштириш) -у кишига тенглаштириш, бараварлаш маъносини англатиб, инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиш орқали унинг фикрлари ва тасаввурларини тушунишга интилиши.

Рефлексия (лотинча акс эттириш) - инсоннинг суҳбатдоши томонидан қандай идрок етилаётгани ва тушунилаётганини англашга интилиши. Кишини киши томонидан идрок қилинишини иккиланган ойнадаги акс эттириш га ўхшатиш мумкин. Одам бошқа кишини акс еттирар экан, шу билан бирга ўзини ҳам акс эттиради, агар киши ўзи мулоқотга киришадиган кишилар ҳақида тўлиқ, илмий асосланган ахборотларга эга бўлса, улар билан бехато аниқликда ўзаро таъсир ўрнатиши мумкин. Бироқ субъект ҳамма вақт бундай аниқ маълумотга эга эмас. Шунинг учун у бошқалар хатти-ҳаракатининг сабабларини ўйлаб чиқишга мажбур бўлади. Бошқа кишининг ҳаракатларини

тушунтириш учун фаолият мотивлари, ҳис-туйғулар, интилиш ва фикрлашнинг ўйлаб чиқарилиши каузал атрибусия деб аталади. Ўқитувчилар томонидан бола ҳаракатларининг шундай сабабини талқин қилиниши мактабдаги педагогик муомалани қийин-лаштиради.

Стереотипизасия - грекча ўзгаришсиз, такрорланиш деган маънони билдириб, инсоннинг суҳбатдошини тушунишга интилиши йўлида муайян шаблондан фойдаланиши. Стереотипизасия маълум ёки тахминан маълум бўлган воқеаларни тиклаш, нисбат бериш йўли билан хулк нормаларини таснифлаш ва уларнинг сабабларини изоҳлаш демакдир. Баъзан муомала жараёнида нотўғри стереотип вужудга келади. Масалан, А.А.Бодалев томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, кишининг ташқи қиёфаси ва унинг характери ҳақидаги стереотип тасаввурлар оммавийлашиб кетганлиги тасдиқланди. Сўралган 72 кишининг 9 таси агар инсоннинг юз тузилиши квадрат кўринишига эга бўлганлар кучли, иродали, 17 киши пешонаси катта киши ақлли, 3 киши сочи тикка кишилар йенгилмас, бўйсунмас характерга эга. 5 киши бўйи ўртачадан паст кишилар бошқалар устидан ҳукмронлик қилишга, буйруқ беришга интилувчи кишилар, 5 киши чиройли кишилар ё аҳмоқ ёки ўзини яхши кўрадиган кишилар бўлади деб тасдиқлаган. Бегона кишини идрок қилишда биринчи ахборот, дастлабки тасаввур катта аҳамиятга эга. Кишилар ташқи қиёфаси ҳам муҳим ўрин тутади. Америкалик психологлар томонидан ўтказилган тадқиқот бунга яққол мисол бўла олади. 400 та ўқитувчиларни баҳолаш учун тарқатилган ишларни улар 200 таси ижобий, чиройли, 200 таси салбий хунук, ёқимсиз деб берганлар. Експертлардан ташқи қиёфасини эмас, балки характерини таърифлаш сўралган еди. Афсуски баҳоларнинг субъективлиги кишининг ташқи қиёфасини баҳолаш билан боғлиқдир.

Емпатия - инсонинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиш орқали унинг кечинмалари ва ҳиссиётларини тушунишга интилиши. Бунда инсоннинг емосионал муаммоларига ёндашиши тушунилади. Бу бошқа одам ҳиссиётлари ва кечинмаларига ҳамдард бўла олишдир. Бир томондан объектни тушунишда уни ўрнига ўзини қўя олиши муҳим бўлса, иккинчи томондан унинг ички ҳиссиётларини тушуниш унга ҳамдард бўла олиш ҳам муҳимдир.

Инсоннинг инсон томонидан идрок етилишида йўналтиришнинг роли каттадир. Бу айниқса инсон ҳақида, номаълум инсон ҳақида илк фикрларни олишда муҳимдир. Бу борада **А.А.Бодалевнинг** ўтказган тадқиқотлари ниҳоятда аҳамиятлидир. Икки гуруҳ талабаларига бир инсон расми берилади. Биринчи расмда берилган инсон жиноятчи деб, иккинчи гуруҳда эса расмдаги киши йирик олим деб еълон қилиниб, уларга портретни ёзма ифодалаш вазифаси берилади. ***Биринчи*** ҳолатда қуйидаги тавсифлар берилади, яъни кўзларини ичига кириб кетгани, ички алам, қасосдан узун даҳан бошлаган иши, жумладан жиноятни якунига йетказиш кабилар эканлиги қайд етилади.

Иккинчи гуруҳда ичига кирган кўзлари фикрнинг чуқурлиги ҳақида гапириб, бунда узун даҳан қийинчиликларга бардошлилик, иродалилик сифатида баҳоланган.

Келтирилган мулоҳазалардан кўринадики, инсонни инсон томонидан идрок қилинишида ташқи томондан берилаётган кўрсатма, шахснинг бу борадаги билим, кўникма ва малакалари муҳим рол ўйнайди.

Мулоқотнинг қонуниятларини, малака ва қобилиятларининг шаклланишини билиш педагог учун ғоят муҳимдир. Бу тўлақонли педагогик мулоқотни ёки муомалани йўлга қўйишни таъминлайди. ***Педагогик мулоқот*** педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсир этиш усуллари йиғиндисидир. Мулоқотнинг мазмуни ахборот алмашиш, ўқитувчи томонидан турли коммуникатив воситалар ёрдамида ўқувчилар билан ўзаро тушуниш ва ўзаро муносабатларни ташкил этишдир. Педагогларнинг тарбиявий ва дидактик вазифаларни ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар жамоаси ўртасида муносабатларни таъминламай туриб амалга ошириб бўлмайди.

Педагогик фаолиятдаги мулоқат

- ўқув вазифаларни бажариш воситаси;
- тарбиявий жарёнини таъминлашнинг ижтимоий-психологик тизими;
- таълим-тарбия жараёни муваффақиятини таъминловчи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатини ташкил қилиш усули;
- ўқувчининг индивидуал хусусиятларини тарбиялаш жараёни сифатида намоён бўлади.

Педагогик мулоқот - бу мулоқотнинг ўқув тарбиявий жараёнларни ҳиссий фони ва восита, мазмунини ташкил этади.

Мулоқот муваффақиятли бўлиши учун у албатта қайта алоқага эга бўлиши, яъни субъект ўзаро таъсир натижалари ҳақида ахборот олиши керак. Коммуникатор ўзи узатган ахборотни ресипиент қандай қабул қилишини ва қандай муносабатда бўлаётганлигини қайта ахборот маълумотларига асосланиб билиб олади. Муомалада суҳбатдошни ёки тингловчини идрок этиш бир-бирини тушунишнинг асосий шартидир. Агар ўқитувчи ўқувчиларини қандай идрок етаётганлигини, тушунаётганлигини англай олмаса, педагогик муносабат яхши бўлмайди. Айниқса, маъруза ўтаётганда бу жуда муҳимдир.

Таянч тушунчалар

Автоном нутқ (юнон, аутос - ўзи - номос - қонун) - боланинг ўз нутқи кўп маъно ва ноаниқ сўзлар билан характерланадиган, ички нутқ, бунда турли нарсаларнинг бир-бири билан беқарор ва узвий боғлиқлиги туфайли сўзларнинг маъноси ҳам вазиятга қараб ўзгаради, болаларнинг автоном нутқи катталар нутқига ўтиш даври бўлиб ҳисобланади.

Аграфия (юнон. А - инкор юкламаси, грапҳо - ёзаман) нутқдаги турли бузилишлар натижасида ёзувнинг издан чиқиши.

Афазия (юнон. А - инкор юкламаси, пҳасиа - нутқ) - бош мия қобиғининг айрим қисмларини зарарланиши натижасида нутқининг издан чиқишидан иборат психопатологик нуқсон.

Вепбал (лот, вербалис – оғзаки) - атама. Вербал нутқ – оғзаки ифодаланадиган нутқ.

Идентификасия (лот. идентифисаге - тенглаштирмоқ) - шахснинг ўзини ўзга одам билан емосионал ва бошқа томондан тенглаштириши.

Ички нутқ - нутқ фаолиятининг овоз чиқармасдан ифода етиладиган алоҳида тури.

Коммункасия (лот. соммунио - алоқа, фикр олишув маълумот бериш) - тил ва бошқа белгилар воситасида ахборо бериш.

Монологик нутқ - бир одамнинг ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма равишда ифодалаш нутқи.

Мулоқот - икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир - бирига таъсир этиши.

Низо - ўзаро таъсир кўрсатаётган кишиларнинг қарама - қарши қизиқиши.

Нутқ - одамларнинг тил воситаси билан алоқа қилишнинг тарихан таркиб топган шакли.

Нутқ маданияти - мулоқот жараёнида маълум тил нормаларига асосланган ҳолда маъноли нутқни ифода этиш.

Пантомимика (юнон. панто - мимос - ҳамма нарсага тақлид қилувчи)- инсон гавдасининг мимика, имо-ишора, интонасиялар билан бирга унинг психик ҳолатини, айниқса, ҳис – туйғуларини ифодаловчи ҳаракатлари.

Педагогик мулоқот - ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқотда бўлиши.

Рефлексия (лот. Рефлехус - акс эттириш) - одам билимларининг ўз - ўзига, ўзининг ички оламига, психик сифатлари ва психик ҳолатларига қаратилиши.

Ресипиент (лот. Ресипиентис - қабул қилувчи киши) - ўзига йўлланган хабарни қабул қилиб олувчи киши.

Емпатия (юнон. емпатҳеиа - биргаликда дардлашмоқ) - бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилияти.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Мулоқот ҳақида тушунча.
2. Мулоқот турлари ва вазифалари.
3. Мулоқотнинг вербал ва новербал воситалари.
4. Мулоқот шахслараро ўзаро тасир этиш.
5. Мулоқот инсонларнинг бир-бирини тушуниши.
6. Мулоқот техникаси ва усуллар.
7. Педагогик фаолиятда мулоқот.
8. Тил ва нутқ тушунчаларининг мазмуни.
9. Мулоқот ва муомала тушунчаларининг мазмуни.
10. Идентификасия тушунчаларининг мазмуни.
11. Рефлексия тушунчаларининг мазмуни.
12. Стеротипизасия тушунчаларининг мазмуни.
13. Новербал воситалар мулоқотда қандай аҳамиятга эга.

Тест топшириқлари

1.Икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасидаги ахборот айрибошлаш ўзаро таъсир ва бир-бирини тушунишдан иборат жараён бу ……

А) афазия Б) мулоқот В) рефлексия Г) коммуникасия Д) стеротиплаштириш

2.Тил ёки бошқа белгилар воситасида ахборот бериш бу ……

А) коммуникасия Б) идентификасия В) мулоқотГ) рефлексия Д) стериотиплаштириш

3.Субъектнинг у билан муносабатга киришган шериги томонидан қай тарзда идрок этишини англаб этиши …… деб аталади.

А) коммуникасия Б) мулоқот В) идентификасия Г) рефлексияД) стериотиплаштириш

4.Хулқ-атвор шаклларини таснифлаш ва уларни ҳозиргача маълум ва машҳур деб саналган яъни ижтимоий қолипларга мос келадиган ҳодисалар жумласига киритиш йўли билан уларнинг сабабларини изоҳлаш …… деб аталади.

А) коммуникасия Б) мулоқот В) идентификасияГ) рефлексия Д) стериотиплаштириш

5.Ўзини бошқа киши ўрнига қўйиш орқали унга ўзини тенглаштириш бу…….

А) коммуникасияБ) мулоқот В) идентификасияГ) рефлексия Д) стериотиплаштириш

6. …… бу мулоқотдаги индивидларни ўзаро маълумот алмашинишидир.

А) коммуникативБ) интрактив В) персептив Г) рефлексия Д стериотиплаштириш

7. …… бу индивидлар мулоқотда нафақат билиш ва ғоялар балки ҳаракатлар бўйича ҳам ўзаро таъсирини ташкил этишдан иборат.

А) коммуникативБ) интрактив В) персептивГ) рефлексия Д) стериотиплаштириш

8.Педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро таъсир этиш усуллари йиқиндиси ……

А) ҳамкорликБ) фаолликка киришиш В) педагогик мулоқот Г) ўзаро тушуниш Д) тўғри жавоб йўқ

9. Педагогик фаолиятда мулоқот қандай функсияни бошқаради.

А) ўқув вазифаларини бажариш воситаси Б) тарбиявий жараёнини таъминлашнинг ижтимоий психологик ва ижтимоий тизимини В) таълим ва тарбия жараёни муваффақиятларини таъминловчи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини ташкил қилиш усули Г) ўқувчининг индивидуал хусусиятларини тарбиялаш жараёни сифатида намоён бўлади Д) барча жавоблар тўғри

10. Бошқа кишига ахборот берувчи киши бу …….

А) респинт Б) ахборот узатувчи В) коммуникатор Г) афферент Д) эфферент

11. Берилган ахборотни қабул қилувчи инсон ……

А) ресепиент Б) ахборот узатувчи В) коммуникатор Г) афферент Д) эфферент

12. Сўзловчининг нутқи қандай нутқ ҳисобланади?

А) фаол нутқ Б) пассив нутқ В) монологик нутқ Г) ички нутқ Д) ташки нутқ

13.Тингловчининг нутқи эса …… қисобланади.

А) фаол Б) пассив В) монолог Г) ички Д) ташқи

14. Мулоқотнинг мақсади бу ……

А) шахслараро ўзаро таъсир сифатида намоён бўлади Б) биргаликдаги ижтимоий шароитда юзага чиқади В) жамиятнинг ижтимоий формуласини акс эттиради Г) алоқа ва ўзаро таъсирлар йиғиндисидир Д) кишиларнинг биргаликдаги фаолиятига эҳтиёжини акс эттиради

15. ……ижтимоий мавқеини эгаллаб турувчи ҳар бир кишидан атрофдагилар кутадиган норматив томонидан маъқулланган хулқ- атвор намунаси тушунилади.

А) индентификасия Б) рол В) рефлексияГ) стереотипизасия Д) коммуникатив

16.Кишининг бошқалар ундан нимани кутаётганини нимани ешитишга ва ундан нимани кўришга тайёр эканлигини тўғри аниқ хатосиз кўчира олиш қобилияти …… деб аталади.
А) индентификасия Б) рол В) рефлексия Г) такт Д) тақлид
17. …… сўз белгилари тизими бўлиб, у мулоқот жараёнида психик фаолият маҳсули сифатида юзага келади?
А) вербал Б) новербал В) нутқ Г) сўз Д) тил
18."Овоз билан гапирамиз,тана билан су?ҳбатлашамиз" мазкур фикр муаллифини аниқланг?
А) Абу Наср Фаробий Б) Егзипюре В) Л.С. Вигоцкий Г) Публисий Д) Рубинштейн
19."Мулоқот- бу шундай неъматки у орқали инсон лаззатланади" мазкур фикр муаллифини аниқланг?
А) Абу Наср Фаробий Б) Екзюперн В) Вигоцкий Г) Публисий Д) Рубинштейн
20.Ҳаёт ва севгини англатувчи рангни топинг?
А) қизил Б) пушти В) оқ Г) сариқ Д) яшил
21.Тинчлик ва хотиржамлик рамзи бўлган ранг?
А) қизил Б) пушти В) оқ Г) сариқ Д) яшил
22.Гуллар тили қайси давлатда кенг тарқалган?
А) Германия Б) Франсия В) Англия Г) Испания Д) Америка
23.Шахслараро шахсий гуруҳий оммавий коммуникасиялар мулоқотнинг қайси жараёнини ифодалайди?
А) функсиялари Б) турлари В) операсиялари Г) томонлари Д) вазифалари
24.Инсонни бошқа томонидан тушунилишининг ўзига хос хусусияти бу ……
А) идентификасия Б) стериотипизасия В) рефлексия Г) емпатия Д) апатия
25.Ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг турлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) конкуренсия низо Б) фаолиятга киришиш ва ундан чиқиш В) рефлексия ва стериотипизасия Г) кооперасия ва конкуренсия Д) емпатия ва апатия
26. …… фаолиятни ташкил этиш шакли бўлиб, маълум кишилар гуруҳи биргаликда битта ва турли бир-бири билан боғлиқ фаолият жараёнида иштирок этиши.
А) кооперасия Б) конкуренсияВ) емпатия Г) апатия Д) низо
27."Биз инсонни ташки хулқ-атворига қараб ўқиймиз" мазкур фикрнинг муаллифи?
А) А.А Бодалев Б) Рубинштейн В) Вигоцкий Г) Сухомлинский Д) Анохин
28."Бошқа одамни била туриб индивиднинг ўзи ҳам шаклланади" мазкур фикр муаллифини аниқланг?
А) А.А Бодалев Б) Рубинштейн В) Вигоцкий Г) Сухомлинский Д) П.Анохин
29. …… одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишнинг кўп қиррали жараёнидир.
А) мулоқот Б) коммуникасия В) муносабат Г) ҳамкорлик Д) рақобат
30.Ишонч ва вафо рамзи бўлган ранг қайси қаторда кўрсатилган?
А) қизил Б) пушти В) оқ Г) сариқ Д) кўк

Назорат саволлари

1. Мулоқот тушунчасининг моҳиятини изоҳланг?
2. Мулоқот турларининг таъриф беринг?
3. Мулоқот вазифалари нималардан иборатлигининг кўрсатинг?
4. Мулоқотнинг вербал воситаларига нималар киради?
5. Мулоқотнинг новербал воситаларига нималар киради?
6. Мулоқот шахслараро ўзаро тасир этиш асосий функсиялари нималардан иборат?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
3. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
4. Джемс В. Психология.- М., 1991
5. Давыдова, В. П. Зинченко. — М.: Педагогика, 1986.
6. Запорожец А. В. Избранные психологические труды: В 2-х т. / Под ред. В. В.
7. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
8. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
9. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
10. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
11. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
12. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
13. Смирнов А. А. Избранные психологические труды: В 2-х т. Т. 2 — М.: Педагогика, 1987.
14. Теплов Б. М. Избранные труды: В 2-х т. Т. 1. — М.: Педагогика, 1985.
15. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
16. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
17. Ергашев П.С Мулоқот психологияси (маърузалар матни) Т-2003 й
18. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й
19. Ғозиев Е.Ғ Муомала психологияси Т-2001 й

ШАХС

Шахс ҳақида тушунча

Шахс тушунчаси кенг ва кўп қирралидир. Меҳнат қила олиш кўникмасининг мавжудлиги, инсонлар билан биргаликда фаолият муносабатни амалга ошираётган киши аста - секин шахсга айланиб боради. Бевосита моддий дунёни, жамиятни ва хусусан ўзини ўрганиш ва фаол тарзда қайта ўзгартириш жараёнининг субъектга айланмоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади, яъни шахс, индивид, индивидуаллик тушунчасининг ўзаро боғлиқлик жиҳатлари мавжудми? Бунинг учун мазкур тушунчаларнинг мазмунини таҳлил қилиш самарали ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дастлаб индивид тушунчасининг мазмунига тўхталиш лозим. А.В.Петровский таҳрири остида чиққан "Умумий

психология" дарслигида **"Индивид"** тушунчасида кишининг насл-насаби ҳам мужассамлашгандир. Янги туғилган чақалоқни, катта ёшдаги одамни ҳам, мутафаккирни ҳам, ақли заиф овсарни ҳам, ёввойилик босқичидаги қабиланинг вакилини ҳам, маданиятли мамлакатда яшаётган юксак билимли кишини ҳам индивид деб ҳисоблаш лозим. Индивид тушунчаси профессор Е.Ғозиевнинг "Умумий психология" дарслигида тавсифланишича, **индивид** лотинча ажралмас, алоҳида зот маъноларини англатиб, инсон
зотига хослик масаласини белгилаб беради. Шунингдек, катта ёшдаги руҳий соғлом одамлар ҳам, чақалоқ ҳам, нутқи йўқ оддий малакаларни ўзлаштира олмайдиган ақли заифлар ҳам индивидлар деб аталади.

М.Г.Давлетшин таҳрири остида чиққан "Психологиядан қисқача изоҳли луғатда" **индивид** бўлинмас, айрим жинс, шахс маъноларини англатиб, биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудот сифатида кўрсатиб ўтилади.

Келтирилган таърифлардан шуни хулоса қилиш мумкинки **шахс** деб муайян жамиятда яшовчи фаолиятнинг бирор тури билан шуғулланувчи, кишилар билан нормал тил орқали муносабатга киришувчи онгли индивидга айтилади.

Индивид сифатида дунёга келган одам ижтимоий муҳит таъсирида кейинчалик шахсга айланади, шунинг учун бу жараён ижтимоий-тарихий хусусиятга эгадир. Дунёга келаётган чақалоқнинг гавда тузилиши унда тик юриш учун имкониятининг мавжудлигини тақозо еца, миясининг тузилиши ақл-ҳушининг ривожланиши учун имконият туғдиради, қўлларининг шакли шамойили меҳнат қуролларидан фойдаланиш истиқболларининг мавжуд-лигини кўрсатади. Юқорида айтилганларнинг барчасида чақалоқнинг инсон зотига мансублигини таъкидланади ва бу факт индивид тушунчасида қайд етилади. Буни қуйидаги схема асосида тушунтириш лозим.



Шахснинг енг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири - бу унинг индивидуаллигидир. **Индивидуаллик** деганда инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик кишининг ўзига хослигини, унинг бошқа одамлардан фарқини акс еттирувчи психологик фазилатлар бирикмасидир. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолият мотивлари, инсон маслаги, дунйқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реаксиялар, қобилиятлари ва шу кабилар киради. Индивидуаллик индивиднинг бошқалардан фарқлайдиган ижтимоий хусусиятлари ва психикасининг ўзига хослиги ҳамда унинг қайтарилмаслигидир. Зикр етилган психологик хусусиятларнинг бир хилдаги бирикмасини ўзида мужассамлаштирган одам йўқ, инсон шахси ўз индивидуаллиги жиҳатидан бетакрордир.

"Эндопсихика" ва "экзопсихика " ҳақида тушунча

Ҳозирги кунда асосий муаммолардан бири бир шахснинг бошқа одамлардан ажратиб турадиган индивидуал тузилишга эга эканлигидир. Ушбу психологик муаммони ҳал қилиш шахснинг мазкур тузилишининг ички шароитларида ифодаланувчи хулқ-атворни олдиндан башорат қилиш имконини яратади.

Шахс тузилиши билан боғлиқ бўлган иккинчи масала эса бундай тузилишнинг бир неча таркибий қисмларга ажратишни тақозо этади бинобарин, ушбу бўлакларнинг йиғиндиси яхлит инсон шахсини вужудга келтиради. Жаҳон психология фанида психологлар шахснинг психологик тузилишининг таркибий қисмларини турли жиҳатларига асосланиб, туркумларга ажратишни тавсия етмоқдалар.

Ҳозирги замон жаҳон психологиясида биологик (табиий) ва ижтимоий омилларнинг воқеликка таъсири остида шаклланган инсон шахсида иккита муҳим қисм бўлганлигини тасдиқловчи назария юксак мавқени эгаллаб турибди. Мазкур назарияга биноан "ички психик" ("ендопсихик" - юнонча ендо ички деган маънони билдиради) деган ғояни илгари сурдилар. Унинг талқинига кўра, **"эндопсихика"** шахснинг психик тузилишининг ички қисмлари сифатида психик елементлар ва функсияларнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттиради. Унинг негизида инсоннинг нерв-психологик тузилиши билан "эндопсихика" айнан бир нарса деган тушунча тасдиқланади, чунки у одам шахсининг ички механизмини юзага келтиради. Психик тузилишнинг "ендопсихик" қисми бўлса, шахснинг ташқи муҳитга нисбатан муносабатини, шахсга қарама-қарши бўлган барча жиҳатларни, шахслараро ва объектив муносабатини белгилайди. "Эндопсихика" ўз навбатида шахснинг таъсирланиши, хотира, тафаккур, хаёл каби билиш жараёнларининг хусусиятларини иродавий зўр бериш хислатларини ихтиёрсиз ҳаракатларни ва шу каби фазилатларни акс эттиради. **"Экзопсихика "** эса ўз таркибида шахс муносабатларининг тизимини ва унинг қизиқишлари, майллари, идеаллари, маслаги устунлик қилувчи, ҳукмрон ҳиссиётларини, эгаллаган билимларни, тажрибаларни қамраб олади. Табиий асосга эга бўлган "эндопсихика" биологик шарт-шароитларга боғлиқ бўлса, "экзопсихика " аксинча ижтимоий воқеликлар таъсир остида юзага келади, таркиб топади ва такомиллашиб боради.

Таъкидлаб ўтилган, фикрларни тасдиқлаш мақсадида улар ўтказган тажрибаларига мурожаат қиламиз. қўш омиллик назарияси тадқиқотчилари тажрибаларида 80-130 см баландликдаги одамнинг шахс хусусиятларини таркиб топтириш учун ўрганилган. Бунинг натижасида улар шахси тузилишида кўп хислатлари ўхшашлиги топилган. Бундай одамларнинг паст (пакана) бўлишларидан ташқари, уларнинг тузилишида ҳеч қандай нуқсон ва камчилик йўқ эканлиги аниқланган. Бундай тоифага кирувчи болаларга хос кулгуни ҳеч бир танқидсиз, ўта соддаликни, муайян даражада емосионал (ҳиссий) зўриқишни намоён қиладиган вазиятга нисбатан чидамлиликни, уят ҳиссининг камроқ эканлигини учратиш мумкин. Шахснинг хислатларига на "эндопсихика", на "экзопсихика " қисмларини киритиш мумкин эмас. Чунки шахснинг сифатлари митти одамларнинг маҳсули бўлиб улар бўйича нисбатан ўз тенгқурлари ўртасидаги фарқ аниқланган даврдан эътиборан шундай бир ижтимоий вазиятда пайдо бўлиши, таркиб топишининг такомиллашиши табиийдир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, митти одамларга бўйдор кишиларга қараганда бошқача муносабат - уларни писанд қилмаслик, камситилиш, улар ҳам барча каби нарсаларни ҳис қилиши, орзу қилиши, ажабланиши, жайрон қолиши сабабли уларда шахснинг ўзига хос тузилиши вужудга келади. Бундай яққол воқелик уларнинг руҳий езилишини, баъзан бошқаларга, хатто ўзларига нисбатан тажовузкорона йўл тутиш-ларини ниқоблайди, холос. Мабодо биз митти ўзлари билан бап-баравар бўйли кишилар муҳитида яшайди деб тасаввур қилсак, у ҳолда уларда ҳам теварак-атрофдаги бошқа одамлардаги каби мутлақо бошқача шахсий фазилатлар, хусусиятлар, хислатлар сифатлар мужасассамлашиши мумкин бўлар еди.

Жаҳон психологиясида шахс назариялари

Жаҳон психология фанида шахснинг камолоти унинг ривожланиши тўғрисида хилма-хил назариялар яратилган бўлиб, тадқиқотчилар инсон шахсини ўрганишда турлича позисияда турадилар ва муаммо моҳиятини ёритишда ўзига хос ёндашувга эгадирлар. Мазкур назариялар қаторига биогенетик, сосиогенетик, психогенетик, когнитив, психоаналитик, бихевиористик кабиларни киритиш мумкин.Уларни қуйидаги тизимда яққол кўриш имкониятини беради.



Биогенетик назариянинг негизида йетилиш бош омил сифатида қабул қилинган бўлиб, қолган жараёнларнинг тараққиётини ихтиёрий хусусият касб етиб, улар билан ўзаро алоқа тан олинади, холос. Мазкур назарияга биноан, тараққиётнинг бош омили биологик детерминантларга (аниқлов-чиларга) қаратилади ва уларнинг моҳиятида ижтимоий-психологик хусусиятлар келтириб чиқарилади.

Тараққиёт жараёнининг ўзи биологик етилишнинг универсал босқичи сифатида шарҳланади ва талқин қилинади. Биогенетик қонунни **Ф.Мюллер ва Геккеллар** кашф қилишган, биогенетик қонуният фаннинг тараққиёти назарияни ташкил қилганда ҳамда антидарвинчиларга қарши курашда муайян даражада тарихий рол ўйнаган. Бироқ фаннинг индивидуал ва тарихий тараққиёти муносабатларини тушунтиришда қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Жумладан, **биологик қонунга кўра** шахс психологиясининг индивидуал тараққиёти (онтогенез) бутун инсониятни тарихий тараққиётининг (филогенез) асосий босқичларини қисқача такрорлайди, деган ғоя еди.

Биогенетик назариянинг йирик намоёндаларидан бўлмиш америкалик психолог **С.Холл** психологик тараққиётнинг бош қонуни деб **"рекапитуласия қонуни"ни** (филогенезни қисқача такрорланишини) ҳисоблайди. Унинг фикрича, онтогенездаги индивидуал тараққиёт филогенезнинг муҳим босқичларини такрорлайди. Биогенетик консепсиянинг бошқа бир тури немис "конституцион психологияси" (инсон тана тузилишига асосланган назария) намоёндалари томонидан ишлаб чиқилган. **Е.Кречмер** шахс типологияси негизида бир қанча биологик омилларни (масалан тана тузилишининг типи ва бошқаларни) киритиб, инсоннинг жисмоний типи билан психологик хусусияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд деб тахмин қилади. Е.Кречмер одамларни иккита катта гуруҳга ажратади ва унинг бир бошида сиклоид тоифасига хос (тез қўзғалувчи, ҳис-туйғуси ўта барқарор), иккинчи учида шизоид тоифасига (одамови, муносабатга қийин киришувчи, ҳис-туйғуси чекланган) хос одамлар туришини айтади. Бу тахминни у шахс ривожланиши даврига кўчиришга ҳаракат қилади, натижада ўсмирларда сиклоид хусусиятлари (ўта қўзғалувчанлик, тажовузкорлик, аффектив табиатлилик, илк ўспиринларда эса шизоидлик хусусиятлари) бўлади деган хулоса чиқаради.

Биогенетик назариянинг намоёндалари америкалик психологлар А.Гезелл, С.Холл тараққиётнинг биологик моделига асосланиб иш кўрадилар ва бу жараёнда мувозанат, интеграсия ва янгиланиш сикллари ўзаро ўрин алмашиниб туради, деган хулосага келадилар.

Психология тарихида биологизмнинг енг яққол кўриниши **Зигмунд Фрейдни** шахснинг барча хатти-ҳаракатлари (хулқи) онгсиз биологик майллар ёки инстинктлар билан шартланган, айниқса, биринчи навбатда у жинсий майлга (либидога) боғлиқдир.

Биологик назарияга қарама-қарши бўлган назария **сосиогенетик назария** ҳисобланади. Сосиогенетик ёндашувга биноан шахсда рўй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши ижтимоийлашиш усуллари ва уни қуршаб

турган одамлар билан ўзаро муносабати воситаларидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади. **Ижтимоийлашув назариясига** кўра инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётнинг ижтимоий шарт-шароитларининг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Ғарбий Европанинг енг муҳим нуфузли назарияларидан бири бу **роллар назариясидир.** Ушбу назариянинг моҳиятига биноан жамият ўзининг ҳар бир аъзосига статус (ҳақ-ҳуқуқ) деб номланган хатти-ҳаракат (хулқ)нинг барқарор усуллари мажмуасини таклиф қилади. Инсон ижтимоий муҳитда бажариши шарт бўлган махсус роллари шахснинг хулқ-атвор хусусиятларида ўзгалар билан муносабат мулоқот ўрнатишда сезиларли из қолдиради.

АҚШда кенг тарқалган назариялардан яна бири бу **индивидуал тажриба ва билимларни эгаллаш (мустақил ўзлаштириш) назариясидир**. Мазкур назарияга биноан шахснинг ҳаёти ва унинг воқеликка нисбатан муносабати кўпинча кўникмаларни эгаллаш, билимларни ўзлаштиришдан иборат бўлиб, унинг самараси қўзғатувчини узлуксиз равишда мустаҳкамлаб борилишининг маҳсулидир. Бу назариянинг тарафдорлари **Е.Торндайк ва Б.Скиннерлар** ҳисобланади.

К.Левин томонидан тавсия қилинган **"фазовий зарурат майдони" назарияси** психология фани учун (ўз даврида) муҳим аҳамиятни касб этади. К.Левиннинг назариясига кўра, индивиднинг хулқи (хатти-ҳаракати) психологик куч вазифасини ўтовчи иштиёқ (интилиш) мақсадлар билан бошқарилиб турилади, ва улар фазовий зарурат майдонининг кўлами ва таянч нуқтасига йўналтирилган бўлади.

Психологияда **психогенетик ёндашиш** ҳам мавжуд бўлиб, у биогенетик, сосиогенетик омилларнинг қийматини камситмайди, балки психик жараёнлар тараққиётини биринчи даражали аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Ушбу ёндашувни учта мустақил йўналишга ажратиб таҳлил қилиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ўз моҳияти, маҳсули ва жараён сифатида кечиши билан ўзаро тафовутланади.

Психологиянинг **иррасионал** (ақлий билиш жараёнларидан ташқари) таркибий қисмлари бўлиши эмосия, майл ва шу кабилар ёрдамида шахс хулқини таҳлил қилувчи назария психодинамика дейилади. Мазкур назариянинг йирик намоёндаларидан бири америкалик психолог **Е.Ериксондир**. У шахс ривожини 8 та даврга ажратади ва уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос бетакрор хусусиятга эгалигини таъкидлайди.

Когнитив йўналишнинг асосчилари қаторига Ж.Пиаже, Ж.Келли ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ж.Пиаженинг интеллект назарияси иккита муҳим жиҳатга ажратилган бўлиб, у интеллект функсиялари ва интеллект даврлари таълимотини ўз ичига қамраб олади. Интеллектнинг асосий функсиялари уюшқоқлик (тартиблилик) ва адаптасия (мослашиш, кўникиш) дан иборат бўлиб, интеллектнинг функсионал инвариантлиги деб юритилади.

Собиқ совет психологиясида шахснинг ривожланиши муаммоси Л.С.Вигоцкий, П.П.Блонский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтев, Б.Г.Ананев, Л.И.Божович сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик бу масала билан шу?улланувчилар сафи кенгайиб борди.

Худди шу боисдан шахснинг тузилиши, илмий манбаи, ривожланишнинг ўзига хослиги бўйича ёндашувда муайян даражада тафовутга эга. Ҳозирги даврда шахснинг ривожланиши юзасидан мулоҳаза юритилганда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳларга ажратиш ва ундан сўнг уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқ. Онтогенезда шахс тараққиётини бир неча босқичларга ажратиш ва уларнинг ҳар бирига алоҳида илмий психологик таъриф бериш нуқтаи-назаридан ёндашишни қуйидаги назария ва йўналишларини кўрсатиб бериш мумкин. Жумладан, ***ривожланишдаги инқирозга биноан*** (Л.С.Вигоцкий); ***мотивасион ёндашиш*** (Л.И.Божович); ***фаолиятга кўра муносабат*** (Д.Б.Елконин); ***шахснинг ижтимоийлашув хусусиятига эътиборан*** (А.В.Петровский); ***шахснинг тутган позисиясини ҳисобга олиб*** (Д.И.Фелдштейн) ва ҳоказо.

Шундай қилиб, жаҳон ва ҳамдўстлик мамлакатлари психологлари томонидан бир қатор пухта илмий-методологик асосга эга бўлган шахснинг ривожланиши назариялари ишлаб чиқилган. Уларнинг аксарияти онтогенезда шахснинг шаклланиши қонуниятларини очишга муайян ҳисса бўлиб, хизмат қилади, амалий ва назарий муаммоларни ечишда кенг кўламда қўлланилади.

Собиқ совет психологиясида шахс таърифи

Умумий психология фанида шахснинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари ҳамда уларнинг механизмлари тадқиқ етилади. Бу борада психологлар томонидан шахсга нисбатан турлича таъриф берилган ва унинг тузилишини ўзига хос тарзда тасаввур қилишган. қуйида муаллифлар томонидан келтирилган таърифлар таҳлилларининг келтириб ўтамиз.

А.Г.Ковалёвнинг фикрича, ***шахс*** - бу ижтимоий муносабатларнинг ҳам объекти ҳам субъектидир. А.Н.Леонтъев ушбу масалага бошқачароқ ёндашади ва унга шундай таъриф беради: ***шахс*** фаолият субъектидир. К.К.Платоновнинг талқинига биноан жамиятда ўз ролини англовчи, жамиятнинг қишга лаёқатли, яроқли аъзоси ***шахс*** дейилади. Бу муаммо моҳиятини чуқурро очишга ҳаракат қилган С.Л.Рубинштейн таърифича***, шахс*** - бу ташқи таъсирлар йўналишини ўзгартирувчи, ички шарт-шароитлар мажмуасидир.

Психология фанида бир-бирига яқин, лекин ўзаро фарқланиб турувчи тушунчалар қўлланиб келинади, чунончи одам, шахс, индивидуаллик. Уларнинг моҳиятини аниқроқ изоҳлаб бериш, ҳар бирининг психологик табиатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

1.**Одам** сут емизувчилар синфига даҳлдорлиги биологик жонзот эканлиги одамнинг ўзига хос хусусиятидир. Тик юришлик қўлларнинг меҳнат фаолиятига мослашганлиги, юксак тараққий етган мияга эгалиги, сут емизувчилар таснифига кириши, унинг ўзига хос томонларини акс эттиради. Ижтимоий жонзот сифатида одам онг билан қуролланганлиги туфайли борлиқни онгли акс эттириш қобилиятидан ташқари ўз қизиқишлари ва эҳтиёжларига мутаносиб тарзда уни ўзгартириш имконига ҳам эгадир.

2.**Шахс** меҳнат туфайли ҳайвонот оламидан ажралиб чиққан. Жамиятда ривожланувчи тил ёрдами билан бошқа кишилар билан (мулоқот) муомалага киришувчи одам шахсга айланади. Ижтимоий моҳияти шахснинг асосий тавсифи ҳисобланади.

3.**Индивидуаллик** - ҳар қандай инсоннинг бетакрор, ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шахснинг ўзига хос қирраларининг мужассам-лашуви индивидуалликни вужудга келтиради. Индивидуаллик шахснинг интеллектуал, емосионал ва иродавий соҳаларида намоён бўлади.

Собиқ совет психологиясида шахс тузилишига доир қатор манбалар келтирилган.

Жумладан, **С.Л.Рубинштейн** бўйича шахс тузилиши қуйидаги кўринишга эга:

1.Йўналганлик - эҳтиёжлар, қизиқишлар, идеаллар, еътиқодлар фаолият ва хулқнинг устувор мотивлари ҳамда дунёқарашларда ифодаланади.

2.Билимлар, кўникмалар, малакалар - ҳаёт ва фаолият жараёнида эгалланади.

3.Индивидуал типологик хусусиятлар - темперамент, характер, қобилиятларда акс этади.



К.К.Платонов таълимотига кўра шахс тузилиши қуйидагича шаклга эга:

1.Йўналганлик осттузилиши - шахснинг ахлоқий қиёфаси ва муносабатларини бирлаштиради. Унда ҳаракатчанлик, барқарорлик жадаллик кўлами (ҳажми) даражаларини фарқлаш лозим.

2.Ижтимоий тажриба осттузилиши - таълим натижасида шахсий тажрибада эгалланган билимлар, кўникмалар, малакалар ва одатларни қамраб олади.

3.Психологик акс эттириш шакллари осттузилиши - ижтимоий турмуш жараёнида шаклланувчи билиш жараёнларининг индивидуал хусусиятлари.

4.Биологик шартланганлик осттузилиши - мия морфологик ва физиологик хусусиятларига муайян даражада боғлиқ бўлган патологик ўзгаришларни, шахснинг ёш, жинс хусусиятларини ва унинг типологик ҳолатларини бирлаштиради.

А.Г.Ковалёв талқинига биноан шахс қуйидаги тузилишга эга:

1.Йўналганлик - воқеликка нисбатан инсон муносабатини аниқлайди, унга ўзаро таъсир этувчи ҳар хил хусусиятли ғоявий ва амалий установкалар,

қизиқишлар, эҳтиёжлар киради. Устувор йўналганлик шахснинг барча психик фаолиятини белгилайди.

2.Имкониятлар - фаолиятнинг мувафаққиятли амалга оширишини таъминловчи тизим, ўзаро таъсир этувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган турлича қобилиятлар.

3.Характер - ижтимоий муҳитда шахснинг хулқ-атвор услубини аниқлайди. Одамнинг руҳий ҳаёти шакли ва мазмуни унда намоён бўлади. Характер тизими иродавий ва маънавий шароитларга ажралади.

4.Машқлар тўплами - ҳаёт ва фаолият, ҳаракат ва хулқ-атворни тузатиш (коррексиялаш), ўзини-ўзи назорат қилиш, ўзини-ўзи бошқаришни таъминлайди.

Шахснинг фаоллиги

Шахс ўзининг фаолияти туфайли теварак-атрофдаги олам билан фаол муносабатда бўлади. **Шахснинг фаоллиги** деганда одамнинг атрофдаги ташқи муҳитга кўрсатадиган таъсири тушунилади. Ташқи муҳит билан фақат одамлар эмас, ҳайвонлар ҳам ўзаро муносабатда бўладилар. Лекин ҳайвонлар ташқи муҳитга мослашиб яшайдилар, одамлар эса ташқи муҳитга мослашибгина қолмасдан, уни ўзгартиришга ҳам қодирлар. Шахснинг фаоллиги унинг турли қизиқишларида, эҳтиёжларида намоён бўлади. ХХ аср бошларида австриялик психолог З.Фрейд шахс фаоллигини қуйидагича тушунтиради. Одам ўзининг авлодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майлларининг намоён бўлиши туфайли фаолдир, инстинктив майллар асосан жинсий инстинктлар шаклида намоён бўлади З.Фрейд шахснинг фаоллигини жинсий майллар билан боғлайди. Шахснинг фаоллигини ҳозирги замон илмий психологияси тўғри ҳал қилиб беради. Инсон шахсий фаоллигининг асосий манбаи унинг эҳтиёжлар, деб тушунтиради.

Психологик нуқтаи назардан борлиқ тўғрисида мулоҳаза юритилганда, тирик мавжудотларнинг (оддий тузилишга эга бўлганидан тортиб, то мураккабигача) теварак-атроф билан ҳаётий аҳамиятга эга бўлган турли хусусиятли боғланишларни таъминлаб турувчи фаолияти (қайси даражаси, шакли эканлигидан қатъий назар) уларнинг барчаси учун умумий бўлган хусусият ҳисобланади. Уларнинг фаоллиги туфайли мураккаб тузилишли фаолият юзага келиб, (онгнинг маҳсули сифатида) турли-туман моҳиятли ҳар хил кўринишдаги эҳтиёжлар (уларнинг тоифаларга алоқадорлиги келиб чиқиши жиҳатидан биологик, моддий, маънавий ва бошқалар)ни қондириш учун хизмат қилади. Худди шу боисдан фаоллик фаолиятнинг асосий механизмларидан бири бўлиб, тирик мавжудотларнинг ўз имконияти даражасида ташқи олам таъсирларига жавоб қилиш укувчанлигининг таркиби саналади. Шу ўринда А.Маслоунинг эҳтиёжлар иерархиясини келтириб ўтиш зарур.

Психологик манбаларга асосланиб, фикр юритишимизда **эҳтиёж** - жонли мавжудотнинг тобе эканлигини ифода этувчи ва мазкур шарт-шароитларга нисбатан фаоллигини намоён қилувчи ҳолат тариқасида ифодаланилади.

Инсоннинг фаоллиги бошқа мавжудотлардан ҳам моҳият, ҳам шакл жиҳатидан тафовутга эга бўлиб, юзага келган эҳтиёжларнинг турли вазиятларда қондирилишида ўз ифодасини топади. Жумладан, мавжудотлар ва ҳайвонлар ўзларининг танаси ва унинг аъзолари тузилишига,
инстинктларнинг турли-туманлигига биноан, ўз ўлжасини тутиб олишга нисбатан интилишни вужудга келтирувчи табиий имконияти уни олдиндан пайқаш, сезгирлик орқали зудлик билан фаол ҳаракат қилади. ҳайвонлар эҳтиёжларининг қондирилиш жараёни қанчалик мақсадга мувофиқ равишда кечган бўлса, бу эса ўз навбатида уларнинг қуршаб олган яшаш муҳитига енгиллик билан мослашувини таъминлайди. Масалан, асалари хатти-ҳаракатларининг туғма, ирсий дастурида унинг гулларга қўниб, нектар йиғиш эҳтиёжлари билан чекланиб қолмасдан, балки бу эҳтиёжларни қондириш объектлари (гулларнинг навлари, уларнинг узоқ ва яқинлиги, қайси томонда жойлашганлиги, мўл-кўллиги кабилар ва ҳокозо) акс этади. Шу боисдан мавжудотларнинг эҳтиёжларида уларнинг фаоллиги омили сифатида табиий аломатлар инстинктлар, шарсиз рефлекслар ва ҳоказолар бевосита қатнашади.

Одамнинг эҳтиёжи унга таълим ва тарбия бериш жараёнида шаклланади, яъни инсоният томонидан яратилган ижтимоий тажриба, кўникма, малака, одат, маънавият, қадриятлар билан яғиндан танишиши уларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. Табиат томонидан вужудга келтирилган жисм, нарса, буюм инсон учун биологик эҳтиёжни қондирувчи ўлжа маъносини ва аҳамиятини йўқотади. Одам бошқа мавжудотлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий-тарихий тараққиёт даврининг хусусий эҳтиёжларига хизмат қилувчи муайян буюмни зарурият талабига биноан тубдан қайта ўзлаштиришга, такомиллаштиришга қодир онгли зотдир. Худди шу боисдан одамнинг ўз эҳтиёжларини қондириш

жараёни ижтимоий-тарихий тараққиёт даражаси билан ўлчанадиган фаолият шакли ва турини эгаллашнинг фаол муайян мақсадга йўналтирилганлиги, маълум режага асосланган ижодий кўриниши сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Инсондаги тор маънодаги эҳтиёжлар унинг шахсий талабларини қондириш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳамкорлик фаолиятида юзага келувчи жамоавий эҳтиёжлар яккахоллигига оид хусусият касб этади. Айтайлик, маъруза ўқишга таклиф қилинган машғулотга ўқитувчининг пухта тайёргарлиги ўз предметининг ўта фидоийси эканлиги учун эмас, балки жамоа нуфузига дог туширмаслик маъсулияти ижтимоий бурч ҳиссига нисбатан эҳтиёж сезганлиги туфайли амалга ошади. Шахсий эҳтиёж гуруҳий, жамоавий муносабатлар уйғунлашиб кетганлиги сабабли ўзаро қоришиқ хусусиятига эга бўлади. Ҳар қандай индивидуал фаолиятга нисбатан эҳтиёжнинг тузилиши ижтимоий аломат, умумийлик, ҳамкорлик хусусиятини касб етиб, фаолиятга ёндашувда яккахоллик умумийликни, умумийлик эса алоҳидаликни узлуксиз равишда бетўхтов акс еттириб туради.

Психология фанида эҳтиёжларни таснифлаш уларни келиб чиқиши ва ўз предметининг хусусиятига биноан амалга оширилади. Одатда ўзларининг келиб чиқишига биноан эҳтиёжлар табиий ва маданий турга ажралади.

Табиий эҳтиёжларда инсон фаолияти фаоллиги ўз шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш, ўз авлоди ҳаётини сақлаш, уни қўллаб-қувватлаш учун зарурий шарт-шароитларга юритилганлик, тобелик акс этади. Табиий эҳтиёжлар таркибига одамларнинг овқатланиши, ташналикни қондириши, жинсий мойиллик, ухлаш, иссиқ ва совуқдан сақланиш, мусаффо ҳавога интилиш тана аъзоларига дам бериш кабилар киради. Табиий эҳтиёжлар узоқ вақт давомида қондирилмаса, унинг оқибатида инсон
ҳалокатга маҳкум бўлади, ўз сулоласи ҳаёти ва фаолиятини хавф остида қолдиради.

Инсон фаолиятининг фаоллиги инсоният маданияти маҳсули билан боғлиқлигини ифодалаб, маданий эҳтиёжларни юзага келтиради. Маданий эҳтиёжлар тўғрисида мулоҳаза юритилганда унинг ижтимоий илдизлари кишилик тарихининг дастлабки манбалари билан узвий боғланиб кэтишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Лекин табиий эҳтиёжлар маданий эҳтиёжлар билан ўзаро уйғунлашган бўлиб, биринчиси иккинчисини тақозо этади. Чунки улар бир-бирининг негизидан келиб чиқади. Худди шу боисдан маданий эҳтиёжлар объектига табиий эҳтиёжларини қондирувчи уй-рўзғор буюмлари, меҳнат фаолияти орқали бошқа кишилар билан боқланиш воситалари, маданий алоқалар ўрнатиш усуллари, шахслараро муомалага киришиш услублари, ижтимоий турмуш заруриятига айланган нарсалар, ўқиш ва тажриба орттириш йўллари киради. Одатда жамиятда таълим ва тарбия тизимини эгаллаш, халқ анъаналари, маросимлари, байрамлари, одатлари расм-русумлари, хулқ-атвор кўникмаларини ўзлаштириш жараёнида рангбаранг маданий эҳтиёжлар вужудга келади, янгича маъно касб ета бошлайди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, табиий эҳтиёжлар қондирилмаса, улар инсонни ҳалокат ёқасига етаклайди, бироқ маданий эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги ундай оқибатларга олиб келмайди, унинг камолотини секинлаштиради.

Психология фанида эҳтиёжлар ўз предметининг хусусиятига кўра моддий ва маънавий турларга ажратилади, уларни келтириб чиқарувчи механизмлар манбаи турлича эканлиги еътироф етилади.

Инсоннинг овқатланиши, кийиниши, уй-жойга эга бўлиши, маиший турмуш ашёларига интилиши, комфорт ҳиссини қондириш билан боғлиқ маданият предметларига нисбатан эҳтиёж сезиш моддий эҳтиёжлар мажмуасини юзага келтиради. Маънавий маданиятни яратиш ва ўзлаштириш шахснинг ўз фикр мулоҳазалари ва ҳис-туйғулари бўйича бошқа одамлар билан муомалага киришиши ҳамда ахборот алмаштириши, бадиий ва илмий адабиётлар билан танишиши, маҳаллий матбуотни ўқиш, кино ва театр кўриш, мусиқа тинглаш кабиларга эҳтиёж сезиш, яъни ижтимоий онг маҳсулига тобелик маънавий эҳтиёжлар тизимини вужудга келтиради.

Маънавий эҳтиёжлар моддий эҳтиёжлар билан узвий боғлиқ бўлиб вужудга келган маънавий эҳтиёжларни қондириш жараёни моддий эҳтиёжларнинг таркибига кирувчи моддий нарсалар ёрдамида амалга оширилади, чунончи китоб, ёзув қоғози ва бошқалар.

Эҳтиёжларнинг турлари ҳақида фикр билдирилганда яна шу нарсага эътибор бериш керакки, келиб чиқишига биноан табиий турга тааллуқли эҳтиёж ўз предметига кўра моддий гуруҳга худди шу мезонлар бўйича бир даврнинг ўзида маданий эҳтиёжнинг моддий ёки маънавий эҳтиёж туркумига киритиш мумкин. Шу тариқа эҳтиёжнинг келиб чиқиши ва предмети, хусусияти бўйича икки мезонга асосланиб, муайян гуруҳларга ажратилади. Инсон онгининг тарихий тараққиётига нисбатан ва эҳтиёжларнинг объектига берган муносабатига биноан ҳар хил таснифланади ва худди шу мезонларга кўра улар ранг-баранг турларга ажратилади. Уларнинг изчиллиги, барқарорлиги, давомийлиги, кўлами, аҳамиятлилиги, предметлилиги, ижтимоийлиги, индивидуаллиги каби хусусиятлари билан ўзаро бир-биридан фарқланади. Эҳтиёжлар фаолияти ва хулқ-атвор мотивлари билан тенг алоҳада бўлади.

Психология фанида эҳтиёж қуйидаги типларга ажратилади:

1. Индивидуал - якка шахсга йўналтирилган.
2. Гуруҳий - реал гуруҳларга моддий ва маънавий интилиш.
3. Жамоавий - жипслашган гуруҳлар талаби мажмуаси.
4. Худудий - етник гуруҳнинг муайян ўзига хос талаблари қондирилиши.
5. Етник - маълум миллат ёки халқларнинг сафарбарлигини таъминлаш.
6. Умумбашарий - ер юзи халқларининг умумий талабларининг мажмуавий акс этиши.

Инсон шахсининг фаоллиги унинг қизиқишларида ҳам намоён бўлади. қизиқиш шахснинг муҳим психологик жабҳаларидан бири ҳисобланиб, унда инсоннинг индивидуал хусусияти бевосита мужассамлашади. **Қизиқиш**- инсонларнинг дунёқараши, еътиқодлари, идеаллари, яъни унинг олий мақсадлари, орзу ниятлари, орзу умидлари билан бевосита муҳим рол ўйнайди ҳамда уларнинг муваффақиятли кечишини таъминлаш учун хизмат қилади. қизиқишларнинг классификасияси ва уларнинг мазмуни қуйидаги жадвалларда ифодаланади:



Қизиқиш билимларни онгли, пухта, барқарор, англаган ҳолда ўзлаштиришда, шахс қобилияти, зеҳни, укувчанлигини ривожлантиришга, оламни мукаммалроқ тушунишга, билим савиясининг кенгайишига ёрдам беради. Шу ўринда қизиқишларнинг таркибий қисмлар сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш жоиз:



Қизиқиш мотив сингари борлиқнинг мўъжизакор томонларини билишга, фан асосларини эгаллашга, фаолиятнинг турли туман шаклларига нисбатан ижодий ёндашишни вужудга келтиради, меҳнатга, таълимга масъулият билан муносабатда бўлишни шакллантиради, ҳар қайси яккаҳол (индивидуал) шахсга ишчанлик, ғайрат-шижоат, енгилмас иродани таркиб топтиришга пухта психологик шарт-шароитларни яратади. Қизиқишнинг психологик моҳиятидан

келиб чиққан ҳолда ёндашил-ганда, қизиқиш, инсонга интилиш, фаоллик, ички туртки эҳтиёжни рўёбга чиқариш манбаи, ролини бажаради.

Қизиқиш муаммоси психологик нуқтаи назардан Л.А.Добринин, Н.Д.Левитов, М.Ф.Беляев, Л.А.Гордон, Л.И.Божович, Н.Г.Мордова, М.Г.Давлетшин, М.В.Воқидов, Е.Г.Гозиев ва бошқаларнинг назарий методологик хусусиятга эга бўлган асарларида ҳамда махсус эксперимент ал тадқиқотларида ривожлантирилди. Қизиқишни психологик моҳиятининг дастлабки кўриниши - бу одам-лар томонидан англаб этиш ёки тушуниш имкониятидир. Шахс қизиқиш маҳсулини, унинг оқибатини англаш, тасаввур этиш орқалигина объектив борликдаги нарса ва ҳодисаларга онгли, танлаб муносабатда бўлади. Лекин бу воқелик (англаш, тушуниш) инсонда бирданига содир бўлмайди, балки муайян вақт давомида унда
билиш жараёнлари, шахсий фазилатлари, индивидуал-типологик хусусиятлари ривожланиши туфайли юзага келади. Инсон ўз шахсий қизиқишини қондиргандан кейин унда ёқимли ҳис-туйғулар уйғонади, руҳий қониқиш эса ўз навбатида лаззатланиш (праксик) ҳиссини вужудга келтиради, бунинг натижасида фрустрасия (руҳий тушкунликка тушиш) унинг шахсиятини эгаллайди.

Қизиқишни психологик моҳиятининг учинчи кўриниши-унинг иродавий сифатлар билан умумлашган тарзда вужудга келишидир. Иродавий зўр бериш, муайян қарор бўйича интилиш, баъзи қийинчиликларни йенгиш, мустақилликни намоён қилиш хусусиятини қарор топтиради, шахсни мақсад сари етаклайди. Қизиқишни психологик моҳиятининг тўртинчи кўринишиуни олий нерв фаолияти хусусиятлари ва темперамент типлари билан бирга мужассамлашган ҳолда намоён бўлишидир. қизиқишнинг нерв-физиологик механизмлари тўғрисида мулоҳаза юритилганда, даставвал рус олими И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимотини таъкидлаб ўтиш жоиз, унинг "бу нима?" рефлекси, яъни ориентировка (мўлжал олиш) рефлекси қизиқишнинг моддий негизини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади. И.П.Павлов ва унинг шогирдларидан кейин П.К.Анохин,
Н.А.Бернштейн, Б.М.Теплов, В.С.Мерлин, В.Д.Небилисин ва бошқалар инсондаги қизиқишнинг нерв - физиологик механизмларини бош мия катта ярим шарлари пўстлоқида ориентировка рефлекси негизида мураккаб муваққат боқланишларнинг вужудга келишидир, деган тарзда талқин қилдилар. Қизиқишнинг моддий асослари **ўзаро индуксия қонуни, пўстлоғдаги оптимал қўзғалиш ўчоқи ва динамик стереотиплар** (И.П. Павлов), **доминанта** (А.А. Ухтомский), **ориентир мураккаб психофизиологик ҳодиса экани** (Е.Н. Соколов) ва бошқалар бўлиб ҳисобланади.

Психологияда қизиқиш мана бундай типларга ажратилиши мумкин:

Мазмунига кўра: шахсий ва ижтимоий;

Мақсадига биноан: бевосита ва билвосита;

Кўламига қараганда: кенг ва тор;

Қизиқишлар даражаси бўйича: барқарор ва беқарор ва бошқалар.

Қизиқишнинг мазмун жиҳатидан ўзаро тафовутланиши қуйидагиларда мужассамлашади: билиш эҳтиёжларининг объектлари қайсилар, билимнинг

мазкур фаолият мақсади билан мутаносиблиги; шахснинг яшаётган муҳитига нисбатан муносабати кабилар.

Қизиқишнинг мақсад жиҳатидан фарқи бевосита ва билвосита намоён бўладиган қизиқишларнинг воқелик, жисмлар ва ҳодисаларнинг емосионал жозибалилиги, ҳис-туйғуларга эга бўлишлиги, ташқи таъсирларга бери-лувчанлиги туфайли вужудга келади. Бевосита қизиқишлар ўрганилаётган нарсанинг маъноси билан унинг шахс фаолияти учун аҳамияти мос тушган тақдирда пайдо бўлиши мумкин. Психологияда бевосита қизиқишнинг юзага келиши фаолиятнинг мақсадини англаш билан боғлиқ бўлган билишни эҳтиёж деб аташ қабул қилинган. У ёки бу нарсаларни (ҳодисалар моҳиятини) билиш, кўриш, идрок қилиш, англаб этиш учун қизиарли туюлган ички кечинмалар бевосита қизиқишни акс эттиради. Билвосита қизиқишлар меҳнат фаолияти ёки таълим олиш жараёнининг муайян ижтимоий аҳамияти билан унинг шахс учун субъектив аҳамияти ўзаро мос тушганида билвосита қизиқиш юзага келади. Меҳнат фаолияти ва таълим жараёнини онгли ташкил этиш етакчи ва устувор рол ўйнайдиган билвосита қизиқишларни таркиб топтириш учун махсус тамойилларга, омилкор йўл-йўриқларга ўргатиш мақсадга мувофиқдир.

Одамларнинг қизиқишлари ўзининг кўлами билан бир-биридан фарқ қилади. Шундай шахслар тоифаси ҳам мавжудки, уларнинг қизиқишлари фақат бир соҳага қаратилган бўлади. Бошқа бир тоифага тааллуқли одамларда эса қизиқишлар қатор соҳаларга, фанларга, объектларга йўналтирилганини учратишимиз мумкин. Лекин турли соҳага нисбатан қизиқишларнинг бири, агарда уларни оқилона бошқариш имкониятига бўлса, иккинчисига салбий таъсир этиши мумкин эмас, қизиқишнинг торлиги кўпинча салбий ҳодиса сифатида баҳоланиши мумкин, лекин айни чоғда уларнинг кенглиги ҳам нуқсон тариқасида таҳлил қилинса бўлади. Бироқ шахснинг баркамол шахс бўлиб камол топиши қизиқишлар кўламини тор эмас, балки кенг миқёсда бўлишини тақазо этади.

Қизиқишлар ўзларининг даражасига қараб барқарор ва беқарор турларга ажратилади. Барқарор қизиқишга эга бўлган шахс узоқ вақт давомида ёқтирган предметларига, объектларига, ҳодисаларга нисбатан ўз майлини ҳеч ўзгаришсиз сақлаб тура олади. Шу боисдан инсон эҳтиёжларини ўзида мужассамлаштирувчи, шахснинг руҳий фазилатига айлана бошлаган қизиқишлар барқарор қизиқишлар дейилади.

Инсон шахси хулқ-атворининг ўз мотивлари бўлади. **Мотив** - маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғли бўлган қандайдир фаолиятга мойилликдир. Агар эҳтиёжлар инсон шахси фаоллигининг моҳиятини ташкил еца мотивлар бу моҳиятнинг намоён бўлишидан иборатдир. Шахснинг эҳтиёжлари мотивлар билан боғлиқдир. Шунинг учун мотивлар бир-биридан эҳтиёж турларига қараб фарқланади. Масалан, моддий эҳтиёжнинг қондирилиши билан боғлиқ бўлган мотивлар ёки маънавий эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ бўлган мотивлар бўлиши мумкин. Мотивлар англанилган ва англанилмаган бўлиши мумкин. Англанилмаган мотивда одам ниманидир истайди, аммо ўша нарса нималигини тасаввур ила олмайди. Демак, мотивлар инсон шахси хулқ-атворини ва турли фаолиятларини ҳаракатга келтирувчи сабабдир. Хатти-ҳаракатларнинг муҳим мотиви еътиқоддир.

Еътиқод - шахснинг ўз қарашлари, тамойиллари, дунёқарашига мос равишда ҳаракат қилишга ундовчи англанилган эҳтиёжлар тизимидир. Тилаклар ҳам хатти-ҳаракат мотивлари бўлиб, бу мотивларда мазкур вазиятда бевосита бўлмаган яшаш ва тараққий этиш шароитларида эҳтиёжлар ўз ифодасини топади.

Фаолиятга нисбатан англанилмаган майллар борасида енг кўп ўрганилган масала **кўрсатма беришдир**. Бу масала грузин психологи **Д.Н.Узнадзе** ва унинг ходимлари томонидан ишланган. Кўрсатма бериш деганда билиш фаолияти билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни маълум усулда қондиришга тайёр туриш тушунилади. Талабалар ўқитувчилар берадиган топшириқларни бажаришга доим тайёр турадилар.

Шахснинг малака ва одатлари

Ҳар бир одам билим билан бирга малака ва одатларни эгаллайди. Малакалар бир неча хил бўлади (ёзиш, ўқиш, юриш, мусиқа чалиш, спорт ва ҳоказо). Мақсадни кўзлаб бирор нима бажариш малакага боғлиқдир. **Малака** - деб аввал онгли бажарилиб, кейинчалик автоматлашган хатти-ҳаракатларга айтилади. Исталган малакани қайта-қайта такрорлаш натижасида ҳосил қилиш мумкин. Малакалар содда ва мураккаб бўлиши мумкин. Масалан, машина ҳайдаш, мусиқа чалиш, касб
эгаллаш мураккаб малака, мих қоқиш, ўтин арралаш-содда малака ҳисобланади. Малакаларни машқ қилиш натижасида эгалланади. Шахсда малакадан ташқари одатлар ҳам бўлади. Одат киши қалбига ўрнашиб, унинг эҳтиёжига айланиб қолган ҳаракатлардир. Масалан, ерталаб туриб ювиниш, овқатланиш, озода юриш кабилар. Одатлар ижобий ва салбий бўлади. Салбий одатларга ёлғон гапириш, ичиш, чекиш кабилар киради. Малака ва одатларнинг нерв-физиологик асосларини шартли рефлекснинг
ҳосил бўлиш механизми ташкил қилади. Бу шартли рефлекс оддий эмас, балки динамик стереотип тарзидаги, яъни такрорлаш натижасида мустаҳкамланган **шартли рефлекслар** мажмуасидан иборат. Масалан, бола болалар боқчасига ўргангунча қийналади, чунки ундаги шароитга уларда динамик стереотип ҳосил бўлади. Янги ҳосил қилинадиган малакалар илгари ҳосил қилинган малакаларга боғлиқ бўлади. Илгариги малакалар янгисига ижобий таъсир қилса, малакаларнинг кучайиши кузатилади. Масалан, чет тилларидан бирортасини ўрганган одам бошқа бир чет тилини ўрганишда қийналмайди. Агар илгариги малака янгисини ҳосил қилишга салбий таъсир қилса малакалар **интерференсияси** дейилади. Масалан, бир соҳада ишлаган одам бутунлай бошқа соҳага ўца қийналади. Шахс шуғулланаётган иши билан узоҳ вақт шуғулланмаса малакалар сўниши ҳодисаси кузатилади. Бу малакаларнинг **диавтоматизасияси** дейилади. Малакаларнинг ҳосил бўлиш негизи ва мустаҳкамланиши одамнинг ёшига боғлиқ, масалан тилга 4-5 ёшда тез ўрганилади. ҳунар эгаллаш 12-13 ёшда тез ўрганилади. Малакаларнинг мустаҳкамлиги қизиқишларга, шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ, асаб тизимига боғлиқ бўлади. Масалан, холерикларда малака тез, меланхоликларда секин
ҳосил бўлади.

Демак, малакалар шахснинг таркиб топишига катта таъсир кўрсатади. Шахсни индивидуаллиги унинг ижтимоий муносабатларида белгиланади. Бу борада қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш жоиз. Атоқли психолог **К.К. Платонов** шахсни "конкрет одам ёки дунёни яратувчи субъектдир", **Л.И.Божович** эса "одам ўзини англаш жараёнида яхлитлигини идрок қилади, унда "мен" деган тушунча пайдо бўлади" деб таъкидлайдилар. **А.Н.Леонтевнинг** "Фаолият, Онг, Шахс" деган китобида шахс ҳақида ажойиб фикрлар мавжуд. "Бу олий олам бирлиги ҳаётида доимийлигини сақлайди, ҳар қандай шароитда шахслигича бошқалар кўз ўнгида ва ўз кўз ўнгида қолади".

Мазкур фикрлардан кўринадики, шахс ўзини-ўзи англашга қодир, ижтимоий муносабатларнинг субъекти, ўзини-ўзи англаш имкониятига эга бўлган онгли мавжудот сифатида еътироф етилади. Шу боис, инсонлар жамоаси, ижтимоий тарихий жараёнларининг таъсирида камолга этади.

Шахснинг психологик тузилиши моделлари таҳлили

Шахснинг тузилиши тўғрисидаги муаммо ўзининг тадқиқот доираси предметидан ташқарига чиқади. Шахс тузилишига оид илмий тасаввурларнинг яратилиши, ишлаб чиқилиши яхлит назариянинг зарурий шарти ҳисобланиб, инсоннинг ижтимоий моҳияти қирраларини очиш имконига эгадир. Худди шу боисдан психология ҳамда уни талқин қилиш юзасидан фалсафа, педагогика, тиббиёт сингари
фанларнинг намоёндалари томонидан турлича фикрлар билдирилаётганлиги келтириб чиқарилаёт-ганлиги бунга яққол мисолдир.

Психология фанида шахсга структуравий ёндашиш бўйича енг салмоқли илмий изланишлар амалга оширилганлиги қонуний ҳолат бўлиб, шахс тузилишнинг хилма-хил модели яратилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. **Б.Г.Ананъевнинг** фикрича, психологик ҳодисаларни ақл (интеллект), ҳиссиёт (эмосия) ва иродага ажратиш жараёнини инсон психологиясида структуравий ёндашиш тажрибасининг дастлабки кўриниши бўлиб, унинг қақчиллиги кўпгина психологлар томонидан тан олинган**.** **Л.С.Вигоцкийнинг** мулоҳазасига кўра, инсоннинг психик функсияларини юксак, маданий ҳамда қуйи, табиий турларга ажратиш мумкин. Чунки уларнинг негизида таълим билан инсоннинг олий нерв фаолиятида биринчи ва иккинчи сигналлар тизими ўзаро таъсирининг ифодаланиши ётади.

Шахс тузилишининг моделини ишлаб чиқишдаги муҳим қийинчиликни енг асосий сабаби ҳар хил нуқтаи назарлар мавжудлигида намоён бўлади. Улар шахснинг тузилишига кўра субстансионал ва идеал, ирсий ва психологик томонларга эга бўлиб, у **В.М.Баншиков** тадқиқотларида асосланилади.

Мулоҳазадан кўриниб турибдики, бунда шахснинг "субстансионал томонини" ирсий, кундалик фаолиятда эгаллаган соматик жабҳалар билан таққослаганда, мустақил структуравий таркиб сифатида, алоҳида реалликка эга эмас. Бундай таҳлил индивидуал воқелик устида гап бораётганини билдиради. **А.Г.Ковалевнинг** фикрича, темперамент табиий хусусиятларнинг муҳимлигини билдириб келади.

Б.Д.Паригиннинг фикрича, шахснинг статик тузилишига қуйидагилар киради:

- Умуминсоний психологик хусусиятлар

- Миллий, касбий, иқтисодий, сиёсий, синфий бирликка алоқадор ижтимоий ўзига хос

хусусиятлар.

- Шахснинг индивидуал бетакрор хусусиятлари.

Чет ел психологларининг шахс тузилиши моҳиятини очиб беришга қаратилган кўпгина ёндашувлари ҳам юксак кўрсаткичларга эришмаганлиги туфайли бу масалани ёритиш учун кескин ўзгариш киритолмади. Олимларнинг шахснинг психологик моҳиятини тушунчалар тузиш ёрдами билан хаспўшлаши ижобий изланиш тарзида ўзига тортади, лекин унда шахс "кундалик турмушимизда биз билган шахснинг айнан тимсолидир" деб таърифланади.

АҚШ психологи **Г.Олпортнинг** фикрича, шахс: ички тизим, "динамик қурилма", "мен", "қандайдир метапсихологик мен", ўзида олдиндан мақсад ва дизпозисияни ва акс еттирувчи инсон тафаккури ва хулқ-атворида мутаносиб равишда қарор топтирувчи жонзотдир". Худди шу боисдан шахснинг синфий, тарихий жиҳатдан яққол баҳоланиши очилмай қолади, ижтимоий таҳлил ўрнини психологик талқин эгаллайди.

Психологлардан **Т.Парсонд, Г.Мид** ва бошқалар "шахснинг ролли тузилиши номли "консепсияни ишлаб чиқиб, одамнинг яхлит субъектив дунёсини унинг психологик қиёфасини диққат марказидан, идрок майдонидан четда қолдирадилар.

Кейинги йилларда чет ел психологиясида олимлар диққатини шахс моделининг психологик омиллари тортмоқда. Уларнинг асосий вариантлари **Г.Айзенк, Р.Кеттелл** консепсиялари билан бевосита боғлиқдир. Мазкур консепсиялар кўп ёки оз миқдордаги "омиллар (Айзенкда улар 2-3 та, Кеттеллда эса 20 тадан зиёд) га асосланган бўлиб, улар муайян даражада умумлашган индивидуалликни ёки шахс қиёфасини ифодаловчи психологик хусусиятларни акс еттирувчи руҳий тизимни қайд қилишга асосланади. Аммо туб маънодаги шахснинг психологик консепсияси ҳам

индивидуаллик қиёфаларини ҳақиқий ижтимоий психологик моҳиятини очиш имкониятига эга эмас, чунки хусусиятларнинг қонуний равишдаги ўзаро алоқалари тавсифланмай қолган.

К.К.Платонов томонидан илгари сурилган шахснинг динамик функсионал тузилиши катта қизиқиш уйғотади. Олим шахс хусусиятларининг барча бойликларини қамраб олувчи моделини яратишга интилади. Шахс хусусиятлари, қиёфаси унинг тузилиш елементлари бўлиб, хоссалари ҳисобланади. **К.К.Платонов** шахс тузилишини турли томонларига алоқадор 4 тузилмага ажратади :

1.Шахснинг ахлоқий муносабатга йўналганликни бирлаштирувчи ижтимоий шартланган осттузилиш. Бу осттузилишга алоқадор шахснинг хислатлари табиий майлларга бевосита боғлиқ бўлмай, тарбиявий йўл билан шакллантирилади.

2.Тажриба осттузилиши, унга таълимий йўл билан эгаллаган билимлар, малакалар, кўникмалар, одатлар киради. Аммо бу нарса шахс қиёфасининг биологик шартланган таъсири остида кечади. Ушбу ост тузилиш орқали шахс инсониятнинг тарихий тажрибаси билан боғлиқ бўлади.

3.Шахснинг индивидуал хусусиятлари билан шартланган баъзи психик жараёнлар киритилади. Бунда биологик шартланган хусусиятларининг таъсири аниқроқ кўзга ташланади.
4.Биологик шартланган осттузилиш бўлиб, биопсихик хусусиятларни фазилатлар темперамент, жинсий ва ёш хусусиятлар, шунингдек, инсоннинг патологик ўзгариш бирлаштиради. Бу ост тузилиш машқ орқали шакллантирилади.

К.К.Платонов "шахснинг томонлари ва унинг ост тузилиши" тушунчаларини синоним сифатида қўлланилганлигини қуйидагича изоҳлаб беради: шахснинг моддий жабҳалари эмас, балки функционал томонларининг ўзаро таъсири тўғрисида тўхталиш муҳимдир".

В.С.Мерлин ҳам шахснинг тузилиши масаласига алоҳида аҳамият берган. Унинг фикрича, шахснинг қисмларга ажратиб талқин қилинмайдиган жабҳа бу унинг хислатидир, уларнинг ҳар бири муайян йўналганлик моҳиятини мужассамлаштирган бўлиб, шахс муносабатини акс эттиради. Шахс тузилиши деганда В.С.Мерлин бўйича инсоннинг ўз-ўзига, ўзгаларга, меҳнатга у ёки бу муносабатни ўзида бирлаштирувчи шахс хусусият-ларининг ташкилий алоқадорлигини англатувчи "симптокомлекс" - ни тушунилади. Тадқиқотчи **Н.И.Райнвалднинг** фикрича, шахснинг тузилиши ва унинг ҳар бир қиёфаси (тимсоли) уч мезон асосида таҳлил қилиниши лозим:
1.Ориентировка даражаси ва англанганлик хусусияти;
2.У ёки бу эҳтиёжий ҳолатларни ҳаракатлантиришнинг хусусияти ҳамда ташкилийлиги;
3.Инсоннинг емосионал иродавий билишга оид сифатларини намоён бўлишининг жадаллиги, жиддийлиги ва зўриқиши ва бошқалар

Н.И.Райнвалднинг изоҳлашича, фаолликнинг регулясиясида психик функсияларни умумлашган гуруҳлаштириш уч ўлчовли (мезонли) таснифи ақл (интеллект), ҳиссиёт (эмосия) ва ирода моҳияти зиммасига тушиши, шахс тузилишини темпрамент, характер ва қобилиятларга, иккинчи томондан эса екстроверсия, интроверсия омилларига ажратилишига барҳам беради.

Н.И.Рейнвалднинг ушбу ёндашуви **А.Р.Лурияни** мия фаолиятининг уч блокли ролли таснифига бевосита мос тушади, чунончи ақл (интеллект) кўп қолларда информасион блок орқали амалга ошади, ирода (ташкилилик) программалаштириш блоки билан боғлиқ, хилма-хил емосионал ҳолатлар (ҳиссиёт) юзага келишининг негизида "енергетик" блок ётади.

Ақл, ҳиссиёт, ирода ва уларни рўёбга чиқарувчи миянинг блоклари, ҳаракатлантирувчиларни эмас, балки ўзаро узвий боғлиқ бўлган инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатининг уч томонини англатади. Келтирилган фикр мулоҳазалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, шахснинг тузилиш таркиби, унинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари билан белгиланса, айрим олимлар томонидан ташқи объектив омиллар асосида юзага келиши кўрсатиб ўтилган.

Таянч тушунчалар

Аутизм (юнон. ауто - ўзим) - индивиднинг ўзини атрофдаги одамлардан чэгаралаб, ўзининг кечинмаларига берилишдан иборат психологик бегоналашув.

Биогенетик қонун (юнон биос - ҳаёт, генесис - келиб чиқмоқ - психологияда Е.Геккел томонидан очилган биологик қонун бўлиб, унга кўра онтогенез филогенезни такрорлайди деб ҳисобланади.

Идеал (юнон. идеа – ғоя, тушунча тасаввур) - бирор нарсанинг намунаси, айрим одам, гуруҳ ва синф хатти - ҳаракатлари ва интилишини белгиловчи олий мақсад.

Индивид - (лот, иудивидуум бўлинмас айрим жинс, шахс) - биологик турга кирувчи алоҳида тирик мавжудот.

Индивидуаллик - индивиднинг бошқалардан фарқланадиган ижтимоий хусусиятлари ва психикасининг ўзига хослиги ҳамда унинг қайтарилмаслиги.

Конформлик (лот. сорформис ўхшаш, мос) - индивидннг гуруҳ фикрларига тегишли томондангина қўшилиб, ички томондан эса қўшилмай ўз фикрида қолиши, гуруҳга онгли равишда мослашиши.

"Мен" - консепсия (лот. сонсептио - қабул этиш - одамнинг ўзи тўғрисида нисбатан барқарор, аниқланган, ўз кечинмаларида ифодаланадиган таассуротлар тизими.

Фрустрасия (юнон, фрустратион - алданиш, беҳуда кўриш, хафагарчилик, режаларнинг издан чиқиши) - кишининг мақсадга эришиш йўлида учрайдиган, объектив равишда йенгиб бўлмайдиган ёки субъектив равишда шундай туюладиган қийинчиликлар туфайли пайдо бўладиган психик ҳолати.

Шахс - ижтимоий муносабатларга кирувчи ва онгли фаолият билан шуғулланувчи бетакрор одам.

Эҳтиёж - одам ва ҳайвон фаоллигининг асосий манбаи, аниқ шароитлар билан боғлиқ заруриятнинг ички ҳолати.

Қизиқиш - шахснинг ўзи учун қимматли ва ёқимли бўлган муайян нарса ёки ҳодисаларга муносабати, кенг ва тор, чуқур ва юзаки барқарор бўлиши мумкин.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Шахс ҳақида тушунча.
2. Индивид шахс, индивидуаллик тушунчалари.
3. Шахс фаоллиги тушунчаларининг мазмуни.
4. Шахс шаклланишига тасир этувчи омиллар.
5. Шахснинг малака ва одатлари.
6. Ендопсхика ва экзопсихика ҳақида тушунча.
7. Чет ел психологиясида шахс назариялари.
8. Собиқ совет психологиясида шахс ривожланиши назариялари.
9. Шахснинг психологик тузилиши моделлари тахлили.
10. Шахсда ўз-ўзини англашни таркиб топиши.
11. Ижтимоий муҳит ва шахс шаклланиши.
12. Шахс шаклланишида ирсият
13. Шахс шаклланиши ва талим тарбия.
14. Эҳтиёжлар фаоллик манбаи сифатида
15. Эҳтиёжлар турлари.
16. Инсон эҳтиёжларининг ривожланиши
17. Қизиқишнинг психологик тавсифи.

18. Шахснинг установкаси ёки англанмаган майиллар.
19. Шахснинг еътиқод ва дунёқараши.

Тест топшириқлари

1.Шахс тушунчасига тўғри таъриф берилган қаторни топинг?

А) Жамиятда ривожланувчи тил ёрдамида бошқа одамлар билан муносабатга киришувчи инсон. Б) Одам бошқа одамлар билан муносабатда шахсга айланади.

В) Воқеликни билдирувчи ва уни ўзгартирувчи субъектга айтилади. Г) Онгли субъект фаолиятда бўладиган мулоқот маданиятига эга бўлган жамиятда яшайдиган комил инсон. Д) Кишилик жамиятида яшайдиган фаолиятнинг бирор тури билан шуғулланадиган тил орқали атрофдагилар билан нормал мулоқотда бўладиган онгли индивид.

2.Биогенетик назариянинг мазмуни қайси қаторда кўрсатилган?

А) Биологик қариш. Б) Билиш жараёнлари ва биологик янгилик. В) Тараққиётнинг бош мақсади биологик детерминантларга қаратилади ва уларнинг меҳнатидан ижтимоий психологик хусусиятлар келтириб чиқаради.Г) барча жавоблар тўғри . Д) тўғри жавоб берилмаган.

3.Биогенетик қонун қайси олимлар томонидан кашф қилинган?

А) Кречмер. Мюллер. Б) Мюллер ва Геккел. В) Холл ва Штерн. Г) Мюллер ва Холл. Д) Кречмер ва Геккел.

4.Мазкур қонунга кўра шахс психологиянинг индивидуал тараққиёти бутун инсоният тараққиётининг асосий босқичларини қисқача такрорлайди деган ғоя ётади…

А) Сосогенетик. Б) Психогенетик. В) Психодинамик. Г) Биогенетик. Д) Конгнитив.

5.Қайси қаторда биогенетик назария намоёндалари кўрсатилган?

А) Штерн ва Ериксон. Б) Левин ва Кречмер. В) Штерн ва Кречмер.

Г) Холл ва Торндайк. Д) Скиннер ва Левин.

6.Психологик тараққиётнинг бош қонуни деб номланган рекаптулясия қонуни яъни филогенезни қисқача такрорлаши қонунини кашф қилган олим?

А) Кречмер. Б) Штерн.В) Холл. Г) Мюллер. Д) Геккел.

7.Конституцион психолгия яъни инсоннинг тана тузилишига асосланган назария намоёндаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) Кречмер. Б) Штерн. В) Холл. Г) Мюллер. Д) Геккел.

8.Кречмер инсонларнинг тана тузилишига қараб уларни неча гуруҳга ажратади?

А) Иккита. Б) Учта.В) Тўртта. Г) Бешта. Д) Олтита.

9.Шахс фаоллиги деганда нимани тушунилади?

А) Теварак-атрофдаги олам билан муносабатда бўлади. Б) Ташқи муҳит билан алоқаси.В) Шахснинг қизиқишлари ва эҳтиёжларида акс этади. Г) Одамнинг атрофдаги ташқи муҳитга кўрсатадиган таъсири. Д) Барча жавоблар тўғри.

10."Одам ўзининг авлодларидан наслий йўл билан ўтган инстинктив майлларнинг намоён бўлиши туфайли фаолдир. Инстинктив майллар

асосан жинсий инстинктлар шаклида намоён бўлади". Мазкур фикр ким томонидан илгари сурилган?
А) Вундт. Б) Торндайк. В) Фрейд. Г) Холл. Д) Кречмер.
11.Фрейд шахс фаолиятида нимани еътироф этади?
А) Эҳтиёж. Б) Қизиқиш. В) Жинсий майллар.Г) Мотив. Д) Иштиёқ.
12. Қозирги замон психологиясида шахс фаоллиги манбаи - бу …
А) Эҳтиёж. Б) Қизиқиш. В) Иштиёқ. Г) Жинсий майллар. Д) Мотив.
13.Шахс фаоллигининг манбаи сифатида намоён бўладиган ва унинг яшаш шароитига боғлиқликни ифодаловчи ҳолат - бу ….....
А) Эҳтиёж. Б) Қизиқиш.В) Мотив. Г) Иштиёқ. Д) Жинсий майллар.
14.Шахснинг олий нерв фаолиятидаги нарса ва ҳодисаларни билиши англаши истаги билан боғлиқ бўлган муносабат …… деб аталади.
А) Эҳтиёж. Б) Мотив. В) Қизиқиш. Г) Жинсий майллар. Д) Иштиёқ.
15.Маълум ехтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган қандайдир фаолиятга мойиллик ……... деб аталади.
А) Эҳтиёж. Б) Мотив. В) Қизиқиш. Г) Жинсий майллар. Д) Иштиёқ.
16. …… шахсни ўз қарашлари тамойиллари дунёқарашларига мос равишда ҳаракат қилишга ундовчи англанган эҳтиёжлар тизимидир.
А) Эҳтиёж. Б) Фаоллик. В) Еътиқод. Г) Мақсад. Д) Малака.
17.Кўрсатма бериш қайси олим томонидан фанга киритилган?
А) Вигоцкий. Б) Рубинштейн. В) Елконин. Г) Узнадзе Д) Ушинский.
18.Кўрсатма бериш тушунчасига берилган таъриф қайси қаторда кўрсатилган?
А) Эҳтиёжлар орқали фаолликка ундаш. Б) Билиш фаолияти билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни маълум усулда қондиришга тайёр туриши. В) Фаолиятга нисбатан англанган майллар. Г) Инсон шахси хулқ-атворини ва турли фаолиятларини ҳаракатга келтирувчи сабаблар. Д) Одамнинг атрофдаги ташқи муҳитга кўрсатадиган таъсири.
19.Аввал онгли бажариб, кейинчалик автоматлашган хатти-ҳаракатларга ……..... айтилади.
А) Малака. Б) Кўникма. В) Одат. Г) Мақсад. Д) Мотив.
20.Психодинамика назариясининг намоёндаси қайси қаторда кўрсатилган?
А) Кречмер. Б) Ериксон. В) Холл. Г) Штерн. Д) Левин.
21."Фазовий зарурат майдони" назариясининг асосчиси қайси қаторда кўрсатилган?
А) Кречмер.Б) Ериксон. В) Холл. Г) Штерн. Д) Левин.
22.Қайси қаторда психогенетик назарияга тўғри таъриф берилган?
А) Психиканинг пропорасионал таркибий қисми бўлмиш эмосия ва шу кабилар ёрдамида шахс хулқини таҳлил қилувчи назария. Б) Ижтимоий хулқни му?ит билан боғлиқлигини ўрганувчи назария. В) Инсон ҳаётини ижтимоий тарихий вазифалари ва объектив шарт-шароитлари мутлақо эътиборга олинмайди.Г) Психик жараёнларнинг тараққиёти билан белгиланади.Д) Индивиднинг хуқуқи психологик куч вазифасини ўтовчи иштиёқ мақсадлар билан бошқариб турилади.
23.Қайси қаторда психодинамика назариясига тўғри таъриф берилган?

А) Психиканинг пропорасионал таркибий қисми бўлмиш эмосия, майл ва шу кабилар ёрдамида шахс хулқини таҳлил қилувчи назария. Б) Ижтимоий хулқни муҳит билан боғлиқликни ўрганувчи назария. В) Инсон ҳаётининг ижтимоий-тарихий вазифалари ва объектив шарт-шароитлари эътиборга олинади. Г) Психик жараёнларнинг тарққиёти билан белгиланади. Д) Индивиднинг хулқи психологик куч вазифасини ундовчи иштиёқ мақсадлар билан бошқариб турилади.

24.Қайси қаторда сосиогенетик йўналишнинг нуфузли назарияси тўғри кўрсатилган?

А) Индивидуал тажриба ва билимларни ўзлаштириш. Б) Роллар назарияси. В) Фазовий зарурат майдони. Г) Конституцион назария. Д) Психоанализ.

25.Мазкур назарияга биноан шахснинг ҳаёти ва унинг воқеликка нисбатан муносабати кўпинча кўникмаларни эгаллаш, билимларни ўзлаштиришининг самараси қўзғатувчини узлуксиз равишда мустаҳкамланиб боришининг маҳсулидир. Ушбу назария қайси қаторда кўрсатилган?

А) Индивидуал тажриба ва билимларни ўзлаштириш. Б) Роллар назарияси. В) Фазовий зарурат майдони. Г) Конституцион назария. Д) Психоанализ.

26.Қайси қаторда когнитивистик йўналиши асосчилари кўрсатилган?

А) Пиаже, Келли. Б) Валлон, Гримле В) Колберг, Бромлей. Г) Заззо, Гримле.
Д) Пиаже, Заззо.

27.Тирик мавжудотларнинг ўз имконияти даражасида ташқи олам таъсирларига жавоб қилиш уғувчанлиги ……деб аталади.

А) фаолият Б) эҳтиёж В) қизиқиш Г) фаоллик Д) еътиқод

28.Эҳтиёжлар келиб чиқишига кўра қандай турларга ажратилади?

А) табиий ва маданий Б) моддий ва маънавий В) табиий ва маънавий Г) моддий ва маданий Д) барча жавоблар тўғри

29.Қизиқиш типлари нималарга асосланади?

А) мазмунига кўра шахсий ва ижтимоий Б) мақсадига биноан бевосита ва билвосита В) кўламига қараганда кенг ва тор Г) даражасига кўра барқарор ва беқарор Д) барча жавоблар тўғри

30.Қизиқишнинг психологик моҳияти қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) уни одамлар томонидан англаб йэтиши ёки тушуниш имкониятидир Б) унинг ҳис-туйғлар емосионал ҳолатлар билан уйғунлашган мужассамлашган тарзда ифодаланишидир В) иродали сифатлар билан ёинки ирода акти билан умумлашган тарзда вужудга келишидир Г) уни олий нерв фаолияти хусусияти ва темперамент типлари билан бирга мужассамлашган ҳолда намоён бўлишидир Д) барча жавоблар тўғри

Назорат саволлари

1. Шахс тушунчанинг моҳиятини изоҳланг?
2. Индивид, шахс, индивидуаллик тушунчаларининг мазмунини асосланг?
3. Шахс фаоллиги тушунчаларининг моҳиятига нималардан иборат?
4. Шахс шаклланишига тасир этувчи омилларни аниқланг?
5. Шахснинг малака ва одатларининг мазмуни нима билан белгиланади?
6. Шахснинг психологик тузилиш моделлари таҳлилини изоҳланг?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Асмолов А. Г. Психология личности: Принципы общепсихол. анализа: Учеб. для вузов по спец. «Психология». — М.: Изд-во МГУ, 1990.
2. Берне Р. В. Развитие Я-концепции и воспитание: Пер. с англ. / Общ. ред. В. Я. Пили-повского. — М.: Прогресс, 1986.
3. Бодалев А. А. Психология о личности. — М.: Изд-во МГУ, 1988.
4. Братусъ Б. С. Аномалии личности. — М.: Мысль, 1988.
5. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
6. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
7. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
8. Джемс В. Психология.- М., 1991
9. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
10. Кон И. С. Постоянство и изменчивость личности // Психол. журнал. — 1987. — № 4.
11. Леонард К. Акцентуированные личности. — Киев: Вища школа, 1989.
12. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
13. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
14. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
15. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
16. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
17. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
18. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
19. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

3.БЎЛИМ. БИЛИШ ЖАРАЙОНЛАРИ

ДИҚҚАТ

Диққат ҳақида тушунча

Одамга ҳар бир дақиқада атроф-муҳитдан жуда кўп нарса ва ҳодисалар таъсир етиб туради. Лекин одамга таъсир етаётган бу нарса ва ҳодисаларнинг ҳаммаси бир хил аниқликда акс еттирилмайди. Улардан айримлари аниқ яққол акс еттирилса, бошқа бирлари шунчаки жуда хира акс еттирилади, ёки умуман акс еттирилмайди. Бу эса ана шу одамга таъсир етаётган нарсаларга диққатнинг қай даражада қаратилишига боғлиқдир. Демак, диққатимиз қаратилган нарса ва ҳодисалар аниқ ва тўла акс еттирилади.

Диққат тушунчасига олимлар томонидан бир қатор таърифлар келтирилганлигини таъидлаш мумкин. П.И.Иванов томонидан **диққат** деб-онгни бир нуқтага тўплаб муайян бир объектга актив қаратилишга айтилади. Ф.Н.Добринин, Н.В.Кузмина, И.В.Страхов, М.В.Гамезо, Н.Ф.Гоноболин ва бошқаларнинг фикрича, диққатнинг вужудга келиши онгнинг бир нуқтага тўпланиши онг доирасининг торайишини билдиради, гуёки онг доираси бир мунча тиғизланади.

Е.Б.Пирогованинг таъкидлашича, томонидан диққат индивиднинг ҳиссий, ақлий ёки ҳаракатлантирувчи фаоллиги даражасининг оширилишини тақазо этадиган тарзда онгнинг йўналтирилганлиги ва бирор нарсага қаратилганлигидир. Диққат шундай муҳим жараёндирки, у одамнинг барча фаолиятларида албатта иштирок қилади. Енг содда фаолиятдан тортиб енг мураккаб фаолиятни ҳам диққатнинг иштирокисиз бажариш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун диққатнинг инсон ҳаётидаги роли бениҳоя каттадир. Жумладан, франсуз олими Кюве гениалликни чидамли диққат деб таърифлаши, Нютоннинг кашфиёт фикрни доимо шу масалага қаратилиш жараёни, дейиши, **К.Д.Ушинскийнинг** *"диққат руҳий ҳаётимизнинг шундай ягона ешигидирки, онгимизга кирадиган нарсаларнинг барчаси шу ешик орқали ўтиб киради"* деган фикрлари унинг аҳамиятини билдиради. ҳақиқатдан ҳам диққат ешигидан ташқарида қолган нарса онгимизга йетиб бормайди.

Диққат психик фаолиятнинг йўналтирилиши ва шахс учун маълум аҳамиятга эга бўлган объект устида тўпланишидан иборат билиш жараёнидир. Йўналтириш деганда психик фаолиятнинг танловчанлик табиати, объектни ихтиёрий ва беихтиёрий танлаш тушунилади. Ўқувчи мактабда ўқитувчи гапираётган гапларни ешитиб ўтирганда мана шу ешитиб ўтириш фаолиятини онгли равишда танлаб олган, унинг диққати онгли равишда қўзғалган шу мақсадга бўйсундирилган бўлади. Ўқувчининг бирор бошқа нарсага чалғимасдан ўқув материалининг мазмунига зеҳн қўйиб ўтиришида унинг психик фаолиятининг йўналиши ифодаланади.

Психик фаолиятнинг йўналтирилиши деганда ана шу танлашгина тушунилиб қолмай, балки ана шу танланганни сақлаш ва қўллаб-қувватлаш тушунилади. Диққатнинг билиш жараёни учун аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир. Диққат сезиш жараёнида, идрок қилишда, хотира, хаёл ва тафаккур жараёнларида ҳар доим иштирок этади. Диққат барча акс эттириш жараёнларимизнинг доимий йўлдошидир. Диққат барча психик жараёнларимизда қатнашса ҳам, лекин диққатнинг ўзи ҳеч нарсани акс еттирмайди.

Одам бирор нарсага зўр диққат билан киришган пайтида унинг ташқи қиёфасида айрим ўзгаришлар кўзга ташланади. Демак, диққат одатда ўзининг сиртқи яъни ташқи аломатларига эгадир.

Биринчидан, диққат қаратилган нарсани яхши идрок қилиш учун унга мувофиқлашишга уринишдан иборат ҳаракатлар (тикилиб қараш, қулоқ солиш) қилинади.

Иккинчидан, ортиқча ҳаракатлар тўхтайди. Жиддий диққатнинг хусусиятларидан бири қимирламасдан жим туришдир. Масалан, аудитория ва театр залидаги жимлик диққат вақтидаги ҳаракацизлик натижаси бўлиб, бу жимлик одамлар маърузачини ёки артистни зўр эътибор билан тинглашаётганини англатади.

Учинчидан, кучли диққат пайтида кишининг нафас олиши секинлашиб ва пасайиб қолади.

Демак, диққат пайтида организм ресепторларимиз алоҳида ҳолатда бўлади. Аммо бу ҳолат диққатнинг фақат ташқи ифодаси бўлибгина қолмай, балки унинг маълум йўналиши ва барқарорлигини сақлаб турувчи шартлардан

бири ҳамдир. Шунинг учун кўпинча бирор ишни бажаришдан аввал организмимизни шу ишга мослаб муайян бир ҳолатда тутиб оламиз.

Диққатнинг ташқи ифодаланишига рассомларнинг расмлари, турли журналлардан олинган суратлар енг яхши иллюстратив материал ҳисобланади. Улар ёрдамида киши диққатининг ташқи ифодасига хос бўлган мимика ва пантомимикани кўрсатиш мумкин.

Диққатнинг нерв-физиологик асослари

Одамга ҳар бир дақиқада таъсир қилиб турадиган қўзғатувчилар турлича рефлексларга сабаб бўлади. Чунки ҳар қандай рефлекс организмнинг ташқи таъсиротга берадиган қонуний жавоб реаксиясидир.

Диққатнинг нерв-физиологик асосида ориентировка ёки текшириш деб аталадиган махсус рефлекс ётади. Бундай рефлексни академик **И.П.Павлов** махсус ибора билан *"бу нима гап рефлекси"* деб ҳам атайди. Ана шу рефлекс одатда организмга тўсатдан бирорта янги нарсанинг таъсири ёки ҳаддан ташқари кучли таъсирот орқали ҳосил бўлади. Ориентировка ёки текшириш рефлекси диққатнинг физиологик асоси ҳисобланади, чунки бу рефлекс бош мия ярим шарларининг пўстида кучли қўзғалиш жараёнидан иборат бўлади. Бошқача қилиб айтганда ҳар бир дақиқада организмга турли нарсаларнинг таъсиридан ҳосил бўлган қўзғалишларга нисбатан ориентировка ёки текшириш рефлекси айни чоғда нисбатан кучли (яъни оптимал) қўзғалиш манбаини юзага келтиради.

Бош мия ярим шарларининг пўстида пайдо бўладиган кучли қўзғалиш манбаи нисбатан узоқроқ сақланиб турадиган мустаҳкам қўзғалиш бўлади. Ана шу нуқтаи- назардан академик И.П.Павлов "диққатнинг физиологик асосини бош мия пўсти қисмидаги оптимал қўзғалиш манбаи ташкил қилади", деб таъкидлаган. Буни биз академик И.П.Павловнинг қуйидаги сўзларидан очиқ ойдин кўришимиз мумкин.

"Мия ярим шарларининг оптимал қўзғалишга эга бўлган қисмида -дейди И.П.Павлов, - янги шартли рефлекслар йенгиллик билан ҳосил бўлади ва дифференсировкалар муваффақиятли равишда пайдо бўлади. Шундай қилиб, оптимал қўзғалишга эга бўлган жой айни чоғда бош мия ярим шарларининг ижодга лаёқатли қисми дэса бўлади. Мия ярим шарларининг суст қўзғалган бошқа қисмлари бундай хусусиятга қобил эмас. Уларнинг айни чоғда функсияси жуда нари борганда тегишли қўзғовчилар асосида илгаридан ҳосил қилинган рефлексларни қайта тиклашдан иборатдир".

И.П.Павлов томонидан кашф етилган нерв жараёнларининг индуксия қонуни диққатнинг физиологик асосларини тушуниб олиш учун аҳамиятга эгадир. Мана шу қонунга мувофиқ, бош мия пўстининг бир жойида майдонга келган қўзғалиш жараёнлари бош мия пўстининг бошқа жойларида тормозланиш жараёнларини юзага келтиради. Бош мия пўстининг айрим бир жойида юзага келган тормозланиш жараёни бош мия пўстининг бошқа жойларида кучли қўзғалиш жараёнларини пайдо бўлишига олиб келади. Айни шу пайтда ҳар бир онида мия пўстида қўзғалиш жараёни учун оптимал, яъни ниҳоятда қулайлик билан ҳаракатланувчи бирор бир кучли қўзғалиш манбаи мавжуд бўлади. "Агар бош суягига қараш имкони бўлганда, деган еди И.П.Павлов, унинг ичидаги мия кўринадиган бўлса, агар мия ярим шарларида

оптимал кучли қўзғалиш учун енг яхши шароит туғилган нуқтаси милтиллаб кўринадиган бўлса, янги соғлом бир нарсани ўйлаб турган одамнинг миясига қараганимизда уни миясини катта ярим шарларида жуда ҳалати жимжимадор шакли, сурати ва ҳажми ҳар дамда бир ўзгариб, турланиб, жимир-жимир қилиб турган ёруқ нарсани у ёқдан бу ёққа югуриб қимирлаб турганини ва мия ярим шарининг бу ёруғ нарса атрофидаги бошқа йерларни бир мунча хира тортиб турганини кўрардик".

А.А.Ухтомский томонидан илгари сурилган доминантлик тамойили ҳам диққатнинг физиологик асосларини аниқлаш учун катта аҳамиятга эга. *Доминантлик тамойилига мувофиқ мияда қўзғалишнинг ҳар доим устун турадиган ҳукмрон ўчоғи мавжуд бўлади, бу ҳукмрон қўзғалиш ўчоғи айнан шу дамда мияга таъсир қилиб, унда юзага келаётган ҳамма қўзғалишларни қандайдир равишда ўзига тортиб олади ва бунинг натижасида бошқа қўзғалишларга нисбатан унинг ҳукмронлиги янада ошиб боради.* Нерв тизими фаолиятининг табиати қўзғалишнинг ҳукмрон бўлиши ёки доминантнинг мавжудлиги билан асосланади.

Бу ҳол психологик жиҳатдан бирор қўзғатувчиларга диққатнинг қаратилиши ва айни чоғда таъсир қилиб турган бошқа қўзғатувчилардан диққатнинг чалқишида ифодаланади.

Жиддий диққат, одатда ўзига характерли бўлган ташқи ифодалари билан боғлиқ бўлади. Нарсани яхшилаб идрок қилишга қаратилган ҳаракатлар билан (тикилиб қараш билан ешитиш) ортиқча ҳаракатларни тўхтатиш, нафас олишни секинлаштириш, диққат учун хос бўлган юз ҳаракатлари билан боғлиқ бўлади.

Диққат турлари

Одам айрим нарсаларга ўз диққатини онгли равишда ўзи ҳоҳлаб қараца, бошқа бир нарсалар диққатни беихтиёр яъни бизнинг ҳоҳишимиздан ташқари жалб қилади. Одам психик фаолиятининг муайян объектга йўналтирилиши ва тўпланишида ифодаланадиган диққат қуйидаги турларга бўлинади.

- ***Диққатнинг активлигига қараб*** - ихтиёрсиз, ихтиёрий ва ихтиёрийдан сўнгги диққат.
- ***Диққатнинг объектига қараб*** - ташқи ва ички диққат.
- ***Диққатнинг фаолият турларига қараб*** - индивидуал, гуруҳий ва жамоавий диққат

Айрим адабиётларда диққатнинг иккита ва айримларида учта деб кўрсатилади. Улар ихтиёрсиз диққат, ихтиёрий диққат ва ихтиёрийдан сўнгги диққат турларидан иборатдир.

Диққат турларида инсонда юзага келадиган ҳолатлар қуйидаги жадвалда акс еттирилган.



Ихтиёрсиз диққат деб тўсатдан таъсир қилган бирор сабаб туфайли бизнинг ҳоҳишимиздан ташқари ҳосил бўладиган диққатга айтилади.

Одамнинг кўз ўнгида пайдо бўладиган жуда ёрқин рангли нарсалар, ўзининг ташқи кўриниши жиҳатидан одатдаги нарсалардан кескин фарқ қилувчи предметлар, тўсатдан пайдо бўлган қаттиқ товуш, бирор нарсанинг кескин ҳаракати ва шу кабилар ихтиёрсиз диққатни юзага келтирувчи сабаблар бўлиши мумкин. Масалан, ҳикоя ўқиш машғулоти пайтида тўсатдан учиб ўтган реактив самолётнинг қаттиқ ва баҳайбат товуши ҳамманинг диққатини беихтиёр ўзига жалб қилади.

Ихтиёрсиз диққат одамнинг ҳар турли эҳтиёжлари ва қизиқиши билан бевосита боғлиқ бўлган диққатдир. Шунинг учун ҳам айни чоғдаги эҳтиёжларимиз, қизиқишларимиз билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг таъсири ихтиёрсиз диққатга сабаб бўлади. Масалан, еркин ўйин пайтида залдан ешитиб қолган болани қизиқтирган мусиқа овози унинг диққатини ўйиндан дарҳол ўзига жалб қилиб олади.

Ихтиёрсиз диққатнинг нерв-физиологик асосини ориентировка ёки бу нима? рефлекси ташкил қилади. Чунки теварак-атрофимиздаги нарсаларнинг салгина ўзгариши бизда дарҳол ориентировка рефлексини юзага келтиради. Бошқача қилиб айтганда, "нима гап?" деган маънода атрофимизга разм сола бошлаймиз.

Ихтиёрий диққат деб-олдиндан белгиланган қатъий бир мақсад асосида ва онгли равишда диққатимизни маълум бир нарса ва ҳодисаларга қаратишимизга айтилади.

Одамнинг кўпчилик фаолиятлари асосан ихтиёрий диққатнинг иштироки билан амалга оширилади. Шунинг учун барча фаолият турларида, яъни ўқиш, ўйин ва меҳнат фаолиятларида ихтиёрий диққатнинг роли жуда каттадир. Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатга нисбатан узоқ вақт мобайнида давом этадиган диққат тури бўлиб, у зўр беришликни, яъни иродавий куч сарф қилишликни талаб этади.

Ихтиёрий диққатнинг нерв физиологик асосида мия ярим шарларининг пўстида вужудга келадиган оптимал қўзғалиш манбаи билан иккинчи сигналлар систэмасининг фаолияти ётади. Ихтиёрий диққатнинг юзага келишида нутқнинг роли ғоят каттадир. Чунки кўпчилик ҳолларда ҳоҳ таълим жараёнида бўлсин, ҳоҳ меҳнат жараёнида бўлсин нутқ орқали турли вазифалар қўйиш билан ихтиёрий диққат ишга солинади.

Шуни айтиш лозимки, ихтиёрий диққат ҳар доим ихтиёрсиз диққат билан алмашиниб туради. Ихтиёрий диққат вақтида одам тез чарчайди, чунки ихтиёрий диққат одамдан ҳамма вақт ирода кучини сарфлашни талаб этади. Ирода кучини сарфлаш орқали, яъни одам ўзини мажбур қилиш орқали диққатни сафарбар қилиши одамни чарчатади. Ихтиёрсиз диққатда эса ҳеч қандай ирода кучини ишга солиш талаб етилмайди.

Шунинг учун ихтиёрсиз диққатда одам чарчамайди. Ана шу жиҳатдан олганда таълим ва меҳнат жараёнида ихтиёрий диққатнинг вақти-вақти билан ихтиёрсиз диққатга ўтиб туриши яхши бўлади.

Ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққатдан ташқари унинг яна бир алоҳида турини ихтиёрийдан сўнгги диққатни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу тушунча психологияга Н.Ф.Добринин томонидан киритилган.

Агар мақсадга қаратилган фаолиятда шахс учун диққатнинг ихтиёрий тўпланганидаги каби фақат фаолият натижаси эмас, балки унинг мазмуни ва жараённинг ўзи қизиқарли ва аҳамиятли бўлса ихтиёрийдан сўнгги диққат деб тушуниш мумкин. Бу ҳолда фаолият кишини шу қадар қизиқтириб юборадики, у диққатни объектга қаратиш учун сезиларли иродавий куч-ғайрат сарфламаса ҳам бўлаверади. Шундай қилиб, ихтиёрийдан сўнгги диққат ихтиёрий диққатдан кейин намоён бўлган ҳолда шунинг ўзидангина иборат деб ҳисоблаш мумкин эмас. Масалан, юқори синф ўқувчиси имтиҳонга тайёрланаётиб қийин китобни қисқача мазмунини ёзиб чиқар экан, олдинига ўзини диққат-эътиборли бўлишга, чалғимасликка мажбур қилади. Лекин кейинчалик у ишга шундай қизиқиб кетадики, оқибатда уни китобдан чалғитиш қийин бўлади. Даставвал иродавий куч-ғайратлар мададига таянган диққат ихтиёрийдан сўнгги диққатга айланади. Ихтиёрийдан сўнгги диққат бирор нарсага узоқ вақт давомида жуда ҳам барқарор қаратилиши билан белгиланади, кўпроқ юқори даражадаги жадал ва унумли ақлий фаолиятнинг барча турдаги меҳнатнинг юксак унумдорлигини асосли равишда ана шундай диққат тури билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Диққат хусусиятлари

Одамнинг диққати бир қанча хусусиятларга эга бўлиб, улардан асосийлари - диққатнинг кучи ва барқарорлиги, диққатнинг кўлами, диққатнинг бўлинувчанлиги ва диққатнинг кўчувчанлигидан иборатдир. Диққатнинг мазкур хусусиятлари қуйидаги жадвалда тўлиқ акс еттирилган ва шунга мувофиқ ҳар бирига қисқача таъриф бериб ўтамиз.



Диққатнинг кучи ва барқарорлигига кўра одамларнинг диққатлари ўзининг кучи ва барқарорлиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Айрим одамларнинг диққати кучли ва барқарор бўлса, бошқа бир одамларнинг диққати кучсиз ва беқарор бўлади.

Диққатнинг кучи ва барқарорлиги деб, одам ўз диққатини бирор нарса ёки ҳодисага узоқ муддат давомида муттасил қаратиб тура олишига айтилади. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Чунки диққатни маълум муддат бирор нарсага муттасил, яъни узлуксиз тарзда қаратиб одам ишлай ҳам олмайди, ўқий ҳам олмайди ва ҳатто ўйнай ҳам олмайди.

Диққатнинг кучли ва барқарор бўлиши бир қанча сабабларга боғлиқдир. Биринчидан, диққатимиз қаратилган нарсанинг хусусиятлари, биз учун бўлган аҳамиятига, иккинчидан диққатимиз қаратилган нарса билан амалга ошириладиган фаолиятларимизга, учинчидан нерв систэмасининг айрим хусусиятларига боғлидир. Буларнинг ҳаммаси объектив, яъни бизнинг иродамиз билан боғлиқ бўлмаган сабаблардир. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги албатта субъектив, яъни одамнинг айни чоғдаги ҳолати билан ҳам боғлиқ. Масалан, айни чоғда бетоброқ бўлиб турган одамнинг ёки бошига бир оғир ташвиш тушган одамнинг диққати кучли ва барқарор бўла олмайди.

Одамлар ўз диққатларининг кўлами жиҳатидан ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар. Айрим одамлар диққатининг кўлами кенг бўлса, бошқа бир одамлар диққатининг кўлами торроқ бўлади. Диққатнинг кўлами айни бир вақтда одамнинг идрокига сиғиши мумкин бўлган нарсалар миқдори билан белгиланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, идрок қилиш жараёнида диққатимиз қаратилган нарсалардан қанчасини онгимизга сиғдира олишимиз диққатнинг кўламини ташкил этади.

Диққат кўламини тажриба йўли билан аниқлаш қийин эмас. Бунинг учун диққатнинг кўламини аниқлаётган одамга айни бир вақтнинг ўзида бир неча ўзаро боғланмаган ҳарфларни, рақамларни ва турли геометрик шаклларни кўрсатиш йўли билан аниқлаш мумкин. Бунда одам кўрсатилаётган нарсалардан айни вақтда қанчалик кўпини бирданига идрок ета олса, унинг диққати шунчалик кенг бўлади. Диққатнинг кўлами одатда **тахистоскоп** деган махсус асбоб билан аниқланади. Бу асбоб ёрдамида айни бир вақтнинг ўзида идрок еттириладиган нарсалар жуда тез кўрсатилади. Бунда одам ўз диққати доирасига қанча нарса сиғдира олса, ана шунга қараб диққатнинг кенг ёки торлиги аниқланади. Ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, катта ёшли одамларда ўз диққат доираларига айни бир вақтда 3 тадан 6 тагача бир-бири билан боғлиқ бўлмаган нарсаларни сиғдира оладилар.

Диққат кўламининг кенг бўлиши одам идрок қилаётган нарсаларини атрофлича ва чуқур акс эттириш и, бинобарин билиш жараённинг сифатли бўлиши учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Одамнинг диққати бир вақтда фақат битта нарсагагина эмас, балки иккита ёки учта нарсага ҳам бирданига қаратилиши мумкин. Ана шундай пайтларда диққатнинг бўлиниши талаб қилинади. Демак, **диққатнинг бўлиниши деганда** биз айни бир вақтда диққатимизни икки ёки уч нарсага қаратишимизга айтамиз. Агар диққатимиз битта нарсага қаратилган бўлса, яъни

диққатимиз битта нарса устида тўпланган бўлса, уни консентра-сиялашган (тўпланган) диққат деб юритилади. Бунинг аксинча агар диққатимиз айни бир вақтда бир неча нарсага қаратилган бўлса, буни бўлинган, диққат деб юритилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, аслини олганда диққатнинг айни бир чоғда икки ёки ундан ортиқ нарсага қаратилиши, яъни бир неча нарсаларга бўлиниши амалий жиҳатдан мумкин эмас. Шунинг учун диққатнинг бўлиниши, яъни айни бир вақтда икки ёки уч нарсага бирданига қаратилиши ўз моҳияти жиҳатидан диққатнинг бир нарсадан бошқа бир нарсага ниҳоятда тезлик билан бўлинишини талаб қилган вақтда диққатимиз бир нарсадан иккинчи нарсага шу қадар тезлик билан кўчадики, буни биз
пайқай олмаймиз. Натижада диққатимиз айни бир вақтнинг ўзида бир неча нарсаларга бирданига қаратилаётгандек бўлиб кўринади.

Диққатнинг ана шундай бўлинувчанлик хусусияти ҳаётда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бир қанча меҳнат турлари диққатнинг бўлинувчанлик хусусиятига эга бўлишликни талаб қилади. Бундай хусусият педагоглар учун жуда зарур бўлган хусусиятдир. Масалан, тарбиячи болалар билан бирор машғулот ёки суҳбат ўтказаётган пайтида диққатни бир неча нарсаларга, яъни гапираётган гапига, болаларни қулоқ солиб ўтиришларига ва бундан сўнг нималар ҳақида гапиришга қарата олиши лозим. Ана шундагина тарбиячи суҳбат ёки машғулот пайтида гуруҳни бошқара олади.

Диққатнинг бўлиниши ҳар кимда ҳар хил бўлади. Бунинг сабаби шундаки диққатнинг йенгиллик билан бўлиниши диққатимиз қаратилган нарсаларнинг илгаридан бизга қанчалик танишлиги билан боғлиқдир. Агар диққатимиз қаратилган нарсаларнинг айримлари бизга яхши таниш бўлса яъни биз уларни илгаридан яхши билсак фаолият жараёнида бир неча ишларни бирданига яъни бирга қўшиб бажара оламиз. Масалан, ёзиш ҳаракати илгаридан бизга яхши таниш бўлгани учун дарсда ҳам ешитиб, ҳам ёзиб ўтира оламиз. Шундай қилиб, диққатнинг бўлинувчанлиги жуда кўп фаолиятларимиз учун зарур бўлган хусусиятдир.

Диққатнинг кўчувчанлиги одамнинг диққати ҳар доим бир нарсадан иккинчи бир нарсага, бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга кўчиб туради. Диққатнинг ана шундай хусусиятини диққатнинг кўчувчанлиги деб юритилади. Диққатнинг кўчувчанлиги диққатнинг бўлунувчанлиги билан боғлиқ хусусиятдир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, диққатнинг айни бир вақтда бирданига бир неча нарсага қаратилиши, яъни диққатнинг бўлиниши ўз моҳияти жиҳатидан диққатнинг бир нарсадан иккинчи нарсага жуда тез кўчишидан иборатдир. Ана шу жиҳатдан олганда диққатнинг кўчувчанлик хусусияти жуда кўп фаолият ва унинг турлари учун зарур бўлган хусусиятдир. Масалан, ҳикоя ўқиб бериш машғулотида болалар ўз диққатларини ҳикоя ешитишдан сурат кўришга, ундан сўнг яна ешитишга бемалол кўчира олишлари керак. Агар мактаб ўқувчиларига нисбатан оладиган бўлсак, ўқувчилар ўз диққатларини бир дарс предметидан бошқа бир дарс предметига бемалол кўчира олишлари керак. Акс ҳолда ўқувчилар ўтган дарс таъсирида ўтириб, янги дарснинг мазмунини сифатли ўзлаштира олмайдилар.

Диққат ҳамма вақт ҳам бир нарсадан иккинчи нарсага, бир фаолият туридан бошқа бир фаолият турига осонлик билан кўча бермайди. Баъзан қийинчиликларга тўғри келиб қолади. Албатта бунинг ўз сабаблари бордир. Масалан, бундай сабаблардан бири - диққатимиз кўчирилиши лозим бўлган нарсалар ёки ҳаракатлар ўртасида боғланиш бор ёки йўқлигига боғлиқ. Агарда диққатимиз кўчирилиши лозим бўлган нарсалар ўртасида маълум жиҳатдан мазмуний боғлиқлик бўлса, диққатимиз осонлик билан кўчади. Одамнинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган нарсаларга ҳам диққат йенгиллик билан кўчади.

Шундай қилиб, диққатнинг ана шу юғорида кўриб ўтган асосий хусусиятлари одамнинг барча турдаги фаолиятлари учун жуда керакли хусусиятлардир. Диққатнинг ана шу хусусиятлари туфайли одам атрофидаги муҳитга, ундаги турли туман ўзгаришларга тез мослаша олади. Диққатнинг бу асосий хусусиятлари одамга туғма равишда, яъни ирсий йўл билан берилмайди. Бу хусусиятлар одамнинг ёшлик чоғидан бошлаб турли фаолиятлар ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятлари жараёнида таркиб топиб боради.

Диққат борасидаги психологик назариялар

Психология фанининг аксарият манбаларида диққат деб психик фаолиятнинг йўналтирилиши ва шахс учун маълум даражада аҳамиятга эга бўлган объектнинг устида тўпланиши тушунилади. Диққат шундай муҳим бир психик жараёнки, у инсоннинг жамики фаолиятларида бевосита иштирок этади. **И.П.Павловнинг** олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимоти ва **А.А.Ухтомскийлар** томонидан илгари сурган доминантлик тамойили ва уларнинг замондошлари тадқиқотларида диққатнинг физиологик асослари ва механизмларини илмий нуқтаи назардан тушунтириш имконини яратди.

Собиқ совет психологиясида диққат муаммоси хориж психологиясига нисбатан анча мураккаб мустақил илмий манбаларга эга ҳисобланади ва у шу билан ўзаро фарқ қилади. Собиқ совет психологиясида диққатга нисбатан мукаммал қатъий фикр вужудга келгани йўқ, лекин унинг атрофида жуда кўп тортишувлар, мунозаралар бўлиб ўтган. Диққатнинг психологик табиати тўғрисидаги 20-30 йилларда бошланган илмий баҳслар, то ҳозирги кунгача давом етиб келмоқда. Илмий мунозараларнинг замирида асосий фикр диққатнинг битта объектга қаратилишидир. Бу илмий модел онг объект тарзида ифодаланади. Бу ғояни йирик психолог **П.П.Блонский** илгари сурган ва асослаган. Унинг фикрича, одамнинг онги битта объектга қаратилгандан кейин у атрофдаги нарса ва ҳодисаларни кўрмайди. Кўпчилик психологлар П.П.Блонскийнинг бу фикрига қўшилмайдилар. Жумладан, атоқли психолог **С.Л.Рубинштейн** мулоҳазасига кўра диққат онгга ҳам, объектнинг хусусиятларига ҳам боғлиқ эмас. Бунинг аҳамиятли томони диққатнинг объектга йўналтирилишидадир. Мазкур йўналтиришнинг асосий сабаблари сифатида шахс, эҳтиёж,мақсад кўрсатилади. Демак, диққат одамнинг муносабати орқали ифодаланади, яъни диққат - муносабатдир. Бу йерда диққат психик жараён эмас, балки шахс хусусиятини белгилаб беряпти.

Диққат қаралган ташқи ифодага эга бўлган объектни сезиш, идрок қилишдан иборатдир. Шу ўринда қарама-қаршилик вужудга келади, чунки объектнинг йўқолиши билан диққат ҳам ўз функсиясини тугатади. А.Н.Леонтев

мулоҳазасига кўра, бу ориентир фаолияти эмас, чунки объектнинг пайдо бўлиши билан диққат ҳам намоён бўлади, объект йўқ бўлса, демак диққат ҳам бўлмайди, деб таъкидлайди. П.Я.Галперин эса объектнинг пайдо бўлиши билан диққат юзага келади. Объект йўқолгандан кейин эса психик қисм бўлган текшириш, назорат қилиш жараёни бошланади. Демак, диққат онгнинг бир объектга йўналтирилиши ва онгли ҳолатни назорат қилувчи жараёндан иборатдир.

Психологияда диққатни "йўналтириш" деганда, психик фаолиятнинг танловчанлиги ва ихтиёрий ҳамда ихтиёрсизлиги тушунилади.

20-йилларда бир қанча психологлар диққат муаммосини установка билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Бунинг яққол исботи сифатида К.Н.Корнилов таҳрири остида 1926 йилда чоп қилинган психология дарслигидаги бир мавзу "Установка ва диққат" деб аталганлиги билан изоҳлаш мумкин. Дарсликда ёзилишича, қатор объектлардан бир объектни ажратиш диққатнинг субъектив кечинмасидир ва буни объектив ҳодисалар билан таққослаш, сезги органларининг установкасидан, ишлаш вазиятидан иборатдир.

Шунга ўхшаш ғоя Л.С.Вигоцкийнинг дастлабки тадқиқотларида ҳам кўзга ташланади. Л.С.Вигоцкий диққат билан алоқадор бўлган иккита установка турини ажратиб кўрсатади, улар:

а) сенсор установка - тайёргарликда идрокнинг устунлиги қобилияти

б) мотор установка - тайёргарликда ҳаракатнинг устунлиги қобилияти

Сенсор установкада идрок, мотор установкада эса ҳаракат устунлиги сезилиб туради. **Л.С.Вигоцкий** унга мисол қилиб жисмоний тарбия машғулотида команда (буйруқ) беришни мисол келтиради. Сафда турганларга қараб "Ўнг" деб айтамиз. Шу заҳотиёқ сафланганлар буйруқ охирини айтишга сенсор установка қўзғайди "га!" дейиш оёқларни айлантиришга мослашиш билан боғлиқ мотор установка команда охирини ешитишни таъминлайди.

Бу йилларда психологлар установкани кишининг ижтимоий тажрибаси билан боғлиқ равишда тадқиқот қилишга ҳаракат қилганлар. П.П.Блонскийнинг мулоҳазасича, диққатнинг асосида кишининг ижтимоий қизиқишлари ётади. Психологлар орасида диққатни тушунтиришда турли қарашлар, назариялар вужудга келади. Ваҳоланки, П.П.Блонский диққат билан кўрқув, ваҳимани бир нарса деб қарайди. кўрқув - бу диққатнинг интенсивроқ намоён бўлиши, яъни максимал даражада акс этиши деб тушунтиради. Бу йерда психик фаолиятнинг маъноси бутунлай йўқотиб кўрсатилгандек туюлади ва диққат биологик нуқтаи назардан қараганга ўхшаб кетади. Биологик позисияда диққат бош мия ярим шарлари фаолияти билан эмас, балки вегетатив нерв тизими билан боғлиқликда тушунтирилади.

Таниқли психолог **Д.Н.Узнадзенинг** диққатни установка билан боғлаш назариясига **Н.Ф.Добринин** қарши чиқди. Н.Ф.Добринин фикрича, диққатни установка билан боғловчи назария қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олмаган. Диққат ҳақиқатдан маълум мослашувчи ҳаракатлар билан бирга бўлади, лекин бу ҳаракатларга бориб йетмайди. Агар томошабин саҳнадан ўгирилса, кўзини юмади, қулоқини беркитади, у саҳнада нима бўлаётганига диққат қилолмайди. Саҳнага қараш ва ешитиш учун бошқа ҳамма нарсалардан чалғиш керак ва идрокни саҳнада бўлаётган ҳодисаларга қаратиш лозим. қараб туриб

кўрмаслик, тинглаб туриб ешитмаслик мумкин. Диққат шундан иборатки, у нимага қаратилган бўлса уни кўриш демакдир. Юғоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Н.Ф.Добринин диққатни киши психик фаолиятини биронбир объектга йўналтириш ва тўплаш билан бошқа объектлардан чалғиш орқали тушунтиради.

Диққат психик фаолиятнинг қандайдир объектга йўналиши ва тўпланиши орқали ўрганишни қатор муаллифлар танқид қиладилар. Ана шулардан бири С.Л.Рубинштейндир. С.Л.Рубинштейн диққатни алоҳида мазмунга эга эмаслигига қўшилади, лекин унинг гувоҳлик беришича, диққатни бирор объектга танлаб йўналиши унинг феноменологик характеридир. Бундай феноменологик тавсифномада ҳам диққатнинг табиати ва хусусиятлари очилмай қолаверар экан.

Психолог **Г.С.Бакрадзе** диққатнинг объектда тўпланиши фаолиятнинг роли ҳақида қизиқарли илмий текшириш тажрибасини ўтказган. Агарда диққатни заифлигини текширувчи ўз вақтида пайқаб, унга нисбатан қандайдир мускул ҳаракатини амалга оширса, у яна тикланади. Булардан ташқари диққат барқарорлигини фаолиятнинг характерига, шахснинг ўзига боғлиқлиги бир қанча психологлар томонидан исботланган.

Жумладан, **А.П.Газова** диққатнинг бўлинувчанлигини кўп станокда ишловчи тўқувчиларда ўрганиб, жуда қимматли материалларни йиғади. Унинг фикрича, диққат бу касбдаги одамларда ихтиёрсиз ва ихтиёрий мувозанатлашган бўлиши мумкин. Бир неча станокда ишлаш малакалари ҳосил бўлиши натижасида буларда ихтиёрий мувозанатлашган диққат тури вужудга келади.

Диққатнинг бўлинувчанлиги устида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, иккита ёки учта ишни бирданига бажариш мумкин, бунда И.П.Павлов кўрсатганидек, улардан бири таниш (ишлаш олдин бажарилганлигини еслатувчи) ва бош мия ярим шарлар пўстлоғида "навбатчи пунктлар" мавжуд бўлса амалга оширилади. Иккита фаолиятни бир даврнинг ўзида бажариш учун фаолиятнинг бири диққатни талаб қилмайдиган ёки автоматлашган бўлиши талаб қилинади. Кишида бундай имконият фақат машқ қилиш орқалигина юзага келиши мумкин.

Собиқ совет психологияси намоёндалари, жумладан Н.Ф.Добринин ўзи ва шогирдлари ўтказган текширишларига асосланиб, бундай типология диққатнинг моҳиятини очишга йетарли эмас деб ҳисоблайди. Турмушда шундай одамлар учрайдики, улар объектни кўп, ҳам аниқ идрок қила оладилар. Яна шундай тоифадаги кишилар мавжудки, улар нарсаларни ҳам кам, ҳам ноаниқ идрок қиладилар, ўзларидан кўп нарсаларни қўшиб юборадилар. Тадқиқотчи **Йе.Б.Пирогова** ўқувчиларда ешитиш ва кўриш диққатини ўрганиб, ешитиш диққатининг кўлами кўриш диққатидан бир неча бор кичиклигини таъкидлаб ўтади. Диққат муаммосини ўрганувчи олимлар унинг бошқа психик жараёнлар билан боғлиқлиги ва роли масалаларини ўрганганлар. Жумладан, Н.Н.Ланге, А.Р.Лурия ва бошқаларнинг тадқиқотларида кўришимиз мумкин.

Н.Н.Ланге диққатнинг ирода, рефлектив, инстинктив, персептив ҳолатлар билан боғлиқлигини ўзининг "Иродавий диққат назарияси" асарида кўрсатиб беради. А.Р.Лурияниинг фикрича, кичик ёшдаги болаларда диққатнинг

бу ҳолатини кўриш осон. Биринчи босқичда у беқарорлиги ва кўламининг торлиги учун қўзғатувчилар қуршовидаги диққат бўлолмайди.

Улуқ рус педагоги **К.Д.Ушинский** ишларида диққат тўғрисида бир қатор фикрлар айтилган. Диққат объектни тўла ва аниқ идрок қилиш қобилиятига эга. Зийракликнинг қатор сабабларига олдин идрок қилинган объект изларининг аҳамиятидан ташқари К.Д. Ушинский "таъсиротнинг кучи ва тўпланган актларни бошқара олишни кўрсатади". Боланинг ривожланиши учун диққатини тўғри йўналтира олиш муҳимлигини кўрсатиб ўтадилар. Диққатнинг тўлалиги барқарорлигини таъминловчи тўпланишнинг психологик механизмларини муҳокама қилиш ҳам К.Д.Ушинскийнинг асарларида учрайди. У диққатнинг асосий омили иродавий бошқариш деб ҳисоблайди. Шунинг учун диққатни мақсадга йўналтириб, бошқара олиш қийин ва мураккаб жараёндир. К.Д.Ушинскийнинг кўрсатишича, киши ўз ҳиссиётларини диққат орқали бошқаради, бунда у ихтиёрий ёки фаол турларга ажратади. Унингча, ихтиёрий диққат бизнинг томонимиздан зўр бериш орқали ўзига предмет танлайди. Ихтиёрий диққатни объективлаштириш фаол характеридан биридир. Чунки у кишининг ўзи орқали қўзғатилади ва қўлланилади.

К.Д.Ушинскийнинг айтишича, ихтиёрсиз диққат ташқи ва ички сабабларга кўра ҳосил бўлади. Ташқи сабаблар қўзғатувчининг кучига организмнинг айни вақтдаги ҳолатига боғлиқ. Пассив диққатнинг ички сабаблари сезгиларимиз изларининг боғланишидир. Идрок қилинган объектнинг янгиликлар босқичини диққатнинг истовчи омили эканлигини муаллиф фарқлайди. Диққат қаратилаётган объект маълум ўлчовда бўлиши керак.

Диққатнинг психологик таҳлилини К.Д.Ушинский тарбия муаммоси билан боғлаб, диққатни бошқара билишни ақлий ривожланиш ва амалий фаолият учун асосий омил деб ҳисоблайди. Диққатнинг мақсадга мувофиқ бошқариш ёки идрок қилиш пайтида асосий ишдан ташқаридагиларга чалғимаслик тушунилади. Тарбиячининг вазифаси болаларнинг фаол диққатини тўғри йўналишда кўриш ва уларнинг диққатини ўзлари бошқаришга ўргатишдан иборатдир.

К.Д.Ушинский томонидан йечилган муаммолар ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, у онгнинг тўпланиш қобилиятини диққат деб тушунди, шу боис диққатни ўрганишда шахс психологиясидан келиб чиқиб ёндашди ва табиий-илмий жиҳатларини тушунтиришда ўз даврининг физиологик билимларидан унумли фойдаланди.

40 йилларда психология фани бир қатор муваффақиятларга эришди. Психология фани назария ва тажрибага асосланган ҳолда жуда кўп муаммоларни йечишга муваффақ бўлди. Назарий жиҳатдан катта ўрин олган масалалардан бири "олий психик функсияларнинг ривожланиши ва структураси" тўғрисидаги **Л.С.Вигоцкий** илгари сурган консепсиядир. Бунинг асосида иккита фараз ётади:

А) психик фаолиятнинг характери ҳақидаги;

Б) бирламчи ташқи ва ички фаолиятдан ички психик жараёнларнинг намоён бўлиши ҳақидаги.

Л.С.Вигоцкий психик функсиялар ривожланишини ўргана бориб, улар ичига ихтиёрий диққатни ҳам киритади. Унинг фикрича, бола диққатининг тарихи - бу бола хулқининг пайдо бўлиши тарихидир. Л.С.Вигоцкий ишларининг характерли томони киши психикасини тушунишда тарихий ва генетик ёндашишдир. Буни у диққатни ўрганишга ҳам тадбиқ қилган ва диққатнинг ривожланишини кўрсата олган. Муаллиф диққат ривожланишининг иккита йўналишини кўрсатади:

1.Диққатнинг натурал (табиий) ривожланиши. Бунда муаллиф умуморганик ривожланишини тушунтиради, яъни марказий нерв тизимининг структуравий ва фуксионал жиҳатдан ўсишини кўрсатади. Бу ривожланиш бутун ҳаёт давомида бўлади, аммо бунда "секинлашган" ва "бир оз пасайтирилган" кўринишлари мавжуд.

2.Диққатнинг маданий ривожланиши. Бунда ихтиёрий диққатнинг намоён бўлиш хусусияти маданий консепсия билан боғлиқ деб тушунтирилади. Катта ёшдаги одамлар диққатининг психологик механизми ҳақида гапириб, ташқи операсия организм хулқини ички операсиясига айланади, дейди. Маданий ривожланиш бола ташқи муҳит билан алоқа қила бошлагандан ўса бошлайди.

Л.С.Вигоцкийнинг илмий ютуқи шундан иборатки, у диққат муаммосини ўрганишда ижтимоий ва генетик нуқтаи назардан ёндашди. Ихтиёрий диққатни ташқи стимуллар воситасида нутқ функсиясини йўналтириш деб тушунтира олди.

Л.С.Вигоцкий ишларини А.Н.Леонтев ўз тадқиқотларида давом еттириб, ихтиёрий диққатнинг ривожланишини ўрганди. У ихтиёрий диққат хатти-ҳаракатни бошқаришнинг олий шакли ва тарихий ривожланиш маҳсули деб тушунди. Болаларда диққат шакларини таҳлил қилиб 3 та босқич мавжудлигини кўрсатди.

1. Натурал бевосита,тўғридан-тўғри актлардан иборат.

Бунда тўпланиш ихтиёрсиз намоён бўлиб, асосан мактабгача бўлган болаларда вужудга келади. Яъни бу болалар ўз хулқ-атворларини ўзлари бошқара бошлайдилар.

2.Ташқи белгининг аҳамиятини эгаллаш, тушуна билишлари туради. Бу босқич бошланқич таълимда асосий рол ўйнайди.

3.Ташқи таассуротларнинг ички таъсирларга айланиш жараёни билан боғлиқ бўлиб, бу асосан катта ёшдаги кишиларда бўлади.

Узоқ вақт **А.Н.Леонтев** мактабгача ёшдаги болалар диққатини текширади. Чунончи, идрок билан диққат алоқасини ўрганди. Диққат ҳодисаси шундай ҳодисаки, у идрокнинг қандай кечиши билан белгиланади, деб тушунтирди. А.Н.Леонтев кейинги ишларини ўқувчилар диққатини ривожлантириш ва уларда идрокни бошқариш, кўриш, ешитиш, қўйилган топшириқни тушуниш кабиларни эгаллаш муҳим рол ўйнашини кўрсатди.

Н.Ф.Добринин диққатни киши психик фаолиятини бирор бир объектга йўналтириш ва тўплаш билан бошқа объектлардан чалғиши орқали тушунтиради. Агар йўналиш ва тўпланиш ихтиёрсиз бўлса ихтиёрсиз диққат вужудга келади. Агар онг қўйилган мақсадга мувофиқ бўлса, у ҳолда ихтиёрий диққат намоён бўлади. Булар қаторида Н.Ф.Добринин диққатнинг учта турини

ажратади. Унинг фикрича, диққатнинг учинчи тури "ихтиёрийдан кейинги диққат" деб аталади. Бу ихтиёрий диққат каби мақсадга қаратилган бўлиб, иродавий зўр беришни талаб қилмайди. Булар тўғрисида Н.Ф.Добринин шундай дейди. "Ихтиёрий диққатда қизиқишга интилишга ўрин бор, лекин бу қизиқиш фаолиятнинг натижасига қизиқишдир. Фаолиятнинг ўзи эса қизиқарсиздир. Киши психик фаолиятининг ажойиб хусусияти шундан иборатки, натижага қизиқиш жараёнга қизиқишга айланади. Бу ихтиёрий диққат ихтиёрийдан сўнгги диққатга айланганда бўлади".

Б.Г.Ананев "Ўқувчиларда диққатни тарбиялаш" номли асарида диққатни ҳамма вақт текшириш, тадқиқ қилиш керак дейди. Бунинг учун мана бундай вазиятларга эътибор қилишни кўрсатиб ўтади, дарсни тўғри ташкил қилиш, таълимнинг пухталиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати, ўқувчиларнинг дарсдаги фаолиятини тўғри ташкил қила билиш кабиларни таъкидлайди. Б.Г.Ананев бу билан диққатнинг узоқ вақт бир объект устида тўплай билиш кераклигини уқтиради.

Диққат муаммосини тадқиқ қилиш **И.В.Страхов** асарларида ўз аксини топган. Унинг қарашларига кўра, киши диққати келиб чиқишига ва ишлаш услубига қараб ижтимоий табиатга эга. У кишиларнинг меҳнат фаолиятига сабаб бўлади ва меҳнат жараёнининг асосий психологик компонентларидан бири бўлиб саналади. Диққатнинг муҳим белгиси фаолият жараёнида ва атрофдагилар билан алоқада киши психикасининг тўпланишидир.

Қатор муносабатларда тўпланиш икки хил характерда бўлади, у предмет ва ҳодисаларга танлаб йўналтирилади, яъни диққат объектини онгли ажратиш, бу вақтда бошқа кўп объектлардан чалғиш воситаси билан актлар тизимини ташкил қилади, тўпланиш меҳнат предметига йўналтирилади, лекин унинг жараёни ҳам диққат объекти ҳисобланади. Тўпланиш фаолият объектига ва у билан ҳаракатга йўналтиради.

Диққат психиканинг алоҳида томони ва шакли ҳисобланмайди ва қандайдир бирорта функсияни бажаришга ўз-ўзидан кўчмайди. Мақсадга йўналган, интенсив-психик фаолиятнинг структуралиги функсионал асосини ўзгаришга, маҳсулдорлигининг ошишига ва миянинг барқарор ишлашига олиб келади.

Киши диққати меҳнат фаолиятига, фаолият жараёнига, меҳнат қуролларига йўналтирилади. Диққат предметлари бир хил эмас, балки ҳар хил фаолият турларида турлича бажариладиган меҳнат операсиялари ва воситалари киши меҳнат предметига таъсир қилади. Буларга боғлиқ равишда диққатни фаолият турларида ўрганиш психологик муаммолари вужудга келади. Ўтказилган текширишлар асосида И.В.Страхов диққат кўп функсияли жараёндир, деган хулосага келади. Бу функсияларни амалий бажариш - меҳнат, ўқиш, илмий ва бошқа фаолият турларидан бирортасининг шарт-шароити маҳсулдорлигини белгилайди. Фаолиятнинг ҳар бир тури диққатга алоҳида маъсулият юклайди. Шунинг учун унинг функсияси фаолиятнинг шу турига тўғри келиши муҳимдир.

Диққатнинг назорат қилиш-тузатиш функсияси ҳам кам аҳамиятли эмас. Унинг шакллари меҳнат ва ўқув фаолиятининг ҳар хил даврларида бир хил бўлмайди.

Диққат алоҳида кишиларнинг муносабатларида жамоада ўзига хос функсияни бажаради. Кишиларнинг кузатувчанлигида, бошқа одамларнинг психик ҳолатини тушунишда, зийракликнинг фаол шаклларида акс этади. Зийраклик меҳнатда ва киши билан муносабатида ахлоқий-психологик аҳамиятга эга бўлади. Шунга мувофиқ зийракликнинг мотивасияси ўрганилиб, унинг акс этишининг шакллари ва уларни тарбиялаш масаласи кўриб чиқилади. Зийракликнинг бундай ўрганилиши унинг тақлилида ва шахс психологиясида янги йўналишдир. Улар ўз ишларида диққатнинг ўрганилиши кўрсатилган аспектларини синтез қилишга ҳаракат қиладилар.

Юқорида баён етилан фикрлардан кўриниб турибдики, И.В.Страхов диққатнинг билиш жараёнидаги аҳамиятига унинг фаол психологик акс эттириш имкониятига алоҳида эътибор беради. Шунингдек, диққат билиш фаолиятининг борлиқ билан алоқасида, уни кенг ва чуқур акс этишида муҳим механизм бўлиб ҳисобланади.

Диққат шахснинг йўналишида тўпланган жараён сифатида ишлайди. Кенг маънода бу сўз асосида эҳтиёж, қизиқиш, қараш, идеал каби таркибий қисмлар мавжуд. Диққат психик жараёнлар тузилишида кўрсатилган омиллардан ҳосил қилинган ҳодиса сифатидагина қатнашмай, балки у шахснинг бошқа хусусиятларига муносабатда таянч хусусият сифатида қатнашади. Диққат ва зийракликнинг педагогик такт(одоб)нинг шаклланишидаги психологик шарт-шароит эканлиги бунга мисол бўлади.

И.В.Страхов "Диққат ва нутқ" муаммоси бўйича тадқиқот ишларини олиб борган. У нутқ шакллари ва функсияларини ҳамда тасвирий фаолиятни таҳлил қилади. У ўқувчиларда спорт гимнастикаси дарсларини психологик таҳлил қилади ва ўрганади.

Муаллифнинг таъкидлашича, диққатни нутқий бошқариш қуйидаги омилларда, яъни предметни номлашда, ёки мақсадли ҳаракатларга тўплашда, фаолиятни режалаштиришда диққатни илгарилаб кэтиш актларида, қидириш фаолиятларида, диққатни кўчиш жараёнининг вербализасиясида, диққатни назорат қилиш функсиясини активлаштиришда, зийракликнинг акс этишида ва унинг ахлоқий психологик аҳамиятида намоён бўлади.

Диққат ва бутун фаолият жараёнини бошқариш нутқнинг ички ва ташқи турлари орқали амалга оширилади. Шунингдек, бу бошқаришда муаллиф фикрича, интеграл (юқоридаги икки нутқ оралиқидаги) нутқ иштирок этади. Буларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, график ҳаракатларни амалга ошириш ақлий - нутқий жараёнлар уларни англаш ва йўналтириш билан бирга боради.

Шундай қилиб, диққатни бошқариш ва уни тарбиялаш, ўқувчиларда ривожлантириш масаласи И.В.Страхов томонидан атрофлича ўрганилган.

Психолог Н.В.Кузминанинг фикрича, ўқитувчиларнинг дарс давомида берилаётган билимини қанчалик ўзлаштириши унда асосий ва йетакчи ролни диққат ўйнайди. Шунинг учун ҳам таълим - тарбия жараёнида ҳаммадан аввал тарбиячи ўқувчининг диққатини торта билиш унинг асосий мақсади бўлиши керак. Бу эса ўтилган материални ўқувчи пухта билишни талаб қилади. Бундан келиб чиқадики, диққатнинг тарбияланиши ва шаклланиши ҳам вужудга келади. Ф.Н.Гоноболин, М.Р.Раҳмонова Д.Б.Елконин, В.В.Репкин ва бошқа

қатор тадқиқотчилар томонидан таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда диққатнинг намоён бўлиши, кечиши, ривожланишининг ўзига хос хоссалари, индивидуаллиги каби жиҳатлари ўрганилган.

Диққатнинг бузилиши

Диққатнинг салбий жиҳатларидан бири паришонхотирликдир. **Паришонхотирлик** диққатни узоқ вақт давомида бирон ишга лаёқацизликда диққатнинг осонгина ва тез- тез бўлиниб туришида намоён бўлиши мумкин. Паришонхотирликнинг бу кўриниши кўпинча иш қобилияти сусайиб кэтишининг ва хулқ-атвордаги уюшмаганликнинг сабабларидан бири ҳисобланади.

Паришонхотирликнинг сабаблари ҳар хилдир. Паришонхотирлик шахснинг барқарор хислати сифатида ихтиёрий диққатнинг сустлиги кўрсаткичи ҳисобланади ва нотўғри тарбия натижаси(боланинг еркалатиб юборилиши, жазоланмасдан қолиши, таассуротларнинг ҳар хиллигига одатланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин. Бу хилдаги паришонхотирликка қарши аввало шахсда иродавий сифатларни шакллантириш йўли билан кураш олиб бориш керак. Паришонхотирликни бола саломатлигининг яхши эмаслиги, нерв тизимининг умуман бузилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Паришонхотирлик ҳаддан ташқари ҳиссий ҳаяжонланиш, ёхуд чарчаш оқибати сифатида қисқа муддатли бўлиши ҳам мумкин. Сўнгги ҳолатда у кўпинча ўқиш куни ва қафтасининг охирида намоён бўлади. Педагогик иш тажрибасида диққатни тарбиялаш мақсадида паришонхотирликнинг барча сабаблари ва хусусиятлари инобатга олиниши шарт.

Қачонки, киши ишга берилиб кетиб ўз хаёллари, кечинмалари билан бўлиб, машғул бўлган ишидан бошқа ҳеч нарсани кўрмаётган ва ешитмаётган ҳолларда ҳам "паришонхотирлик" ҳақида сўз юритилади. У масалан теварак-атрофдагиларга эътибор бермайди, ўзига қаратилган саволларга парво қилмайди. Бундай "паришонхотирлик" диққатнинг ёрқин ифодалаган ҳолдаги танланганлигидан, унинг беҳад жамланганлиги ва жадаллигидан ҳосил бўлади. Диққатни енг кўп даражада жамланганлиги юқорида қайд қилиб ўтилганидек, фаолиятда муваффақият қозонишнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Лекин диққатнинг фақат бир объектга қаратилганлиги унинг тақсимланиши ва кўчирилишида қийинчиликлар туғдириши мумкин. Бу хилдаги паришонхотирлик кундалик ҳаётда амалий фаолиятда кишининг теварак-атрофдаги олам билан муносабатини мушкуллаштириб қўяди ва шунинг учун ҳам унга диққатнинг нуқсони сифатида қаралади.

Мактаб ҳаётидаги паришонхотирлик "қоидага сиғмайдиган" деб аталмиш хатоларда дарс пайтида ўқувчида тегишли мактаб анжомлари йўқлигининг маълум бўлишида, ўқувчининг дарс жараёнига йетарлича жалб етилмаганлигида ва шу каби бошқа ҳолларда намоён бўлади. Болаларда, айниқса, кичик ёшдаги болаларда паришонхотирлик жуда кўп учрайди.

Диққатнинг паришонхотирликдан ташқари бошқа хилдаги бузилишлари ҳам борлиги еътироф етилади. Диққатнинг ҳаддан ташқари ҳаракатчанлиги бир объектдан ва фаолият туридан бошқаларига доимий равишда ўтиб туриши, ёки аксинча ҳаракацизлиги, диққатнинг суст ҳаракат қилиши, унинг тор доирадаги тасаввурлар ва фикрларга патологик тарзда қайд етилиши шулар жумласига

киради. Диққатнинг бу хилдаги бузилишлари миянинг баъзи бир органик касалликлари енг аввало унинг пешона қисмидаги касалликлари юз берган пайтларда кузатилади.

Диққатнинг фазилатлари билан бир қаторда унинг бузилиши ва нуқсонлари бўлиши
мумкинлигини психологик жиҳатдан асосланган тарзда ҳисобга олиш диққатни ўзида акс эттирадиган билиш жараёнларини тадқиқ этишнинг зарур шартидир.

Айрим руҳий касаллик ҳолатларида диққатнинг инертлиги (сустлиги) ёки мутлақо ҳаракацизлиги, қандайдир бирон объект устида тўхтаб қолиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Бола ҳаётининг бир ойлик даврларида унинг учун фақат ихтиёрсиз диққат хос бўлади. Бу даврда бола даставвал ташқи қўзғатувчилардан, уларнинг кескин ўзгаришларидан таъсирланади. Масалан, тўсатдан пайдо бўладиган қаттиқ овозлардан ҳаракатнинг ўзгаришидан ва бошқа нарсалардан таъсирланади. Ихтиёрий диққатнинг аломатлари одатда бола ёшига тўлгандан сўнг ёки икки ёшга қадам қўйган даврда пайдо бўла бошлайди. Ихтиёрий диққат тарбия жараёнида юзага келади, боланинг
атрофидаги одамлар нима қилиш лозимлигини аста-секин ўргатадилар. Болалар ўз диққатларини ривожлантиришда улардан талаб қилинаётган ҳаракатларни бажаришга ўзларининг бевосита майлларидан воз кечишларига тўғри келади. Болада, албатта жуда содда гўдаклик шакли бўлса ҳам онглилик намоён бўлади. Болани озодаликка, тартиблиликка, маълум интизомлиликка, жамоат қоидаларига риоя ҳилишга ўргатар эканмиз, бунинг билан биз болада ихтиёрий диққатни ривожлантирамиз. Боғча ёшидаги даврда боланинг ихтиёрий диққатини ривожлантириш учун ўйин катта аҳамиятга эгадир. Боғча ёшидаги болалар диққати жуда барқарор бўлади. Машқ қилиш усули билан ўз диққатини тўплаш қобилияти аста-секин ривожланади.

Ўқув жараёнида ихтиёрий диққатни тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Мактаб машғулотларини интизомлаштирувчи таъсири, дарс давомида синфда ўтириш, ўқувчиларнинг сўзларини ешитиш зарурияти, чалғимаслик буларнинг ҳаммаси ихтиёрий диққатни тарбиялашда катта рол ўйнайди. ҳар турли таълим ишлари мактабдаги ўқув машғулоти устида онгнинг йўналганлиги ва тўпланганлигини сақлаб туришни талаб қилади. Болаларнинг ҳиссиётлари кўпинча кучли бўлади. Шунинг учун уларнинг диққатлари қисқа вақт ичида давом еца ҳам кучли бўлади.

Мактаб ёшидаги болаларнинг ҳиссиётлари анча барқарор бўла бошлайди. Шунинг учун педагог ўқиш материалини ҳиссий моментлар билан бойитар экан, бунинг билан диққатнинг барқарорлиги ва кучини сақлаб турилишига ёрдам беради. Бирор нарсага қизиқиб келган мактаб ёшидаги ўқувчи узоқ вақт диққатли бўлиши мумкин. Аммо катталарнинг назорати пасайиб қолса, у зарур вазифани бажаришдан чалғиб бошқа нарсага киришиб кэтиши мумкин. Масалан: адабиётни ўрганаётган ўқувчи кино ёки бирор ўқиган асари ҳақида хаёл суриб кэтиши мумкин. Айрим болалар жисмоний меҳнат дарсларида диққат билан ўтирсалар бошқалари ақлий меҳнатда кучли диққат билан ўтирадилар. Ўзи ёқтирган дарсларда кучли диққат билан ўтирган ўқувчилар бошқа дарсларда ўқитувчиларни анча ташвишга солиб қўйишлари мумкин.

Ўқувчиларнинг ўқув предметига муносабати, унга диққат билан қараш кўп жиҳатдан дарсда ўқувчининг ўқув материалини жонли, емосионал, қизиқарли, тушунарли, шу билан бирга тўлиқ ва чуқур ўқита билишга боғлиқ. Бу талабларга риоя қилмаслик дарсда ўқувчиларнинг паришонлигига ёки иккинчи даражали қизиқишларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ўсмирларда чуқур, барқарор қизиқишни тарбиялаш, ўқитишнинг мазмунини жиддий ўйлаб кўрилганлиги уларда диққатни тарбиялашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Бу шарт-шароитларга риоя қилинса, ўсмир диққатини бошқаришга ҳалал берадиган баъзи импулсив (ихтиёрсиз) ҳаракатларга қарамай, ўз диққатини ихтиёрий равишда бошқариш ва тўхтаб туриш мумкинлигини тезда эгаллаб олади. У ўзи учун қизиқарсиз ва қийин ишни диққат билан бажариш зарур бўлса, ўзини бу ишга мажбур ета олади. Масалан, ҳамма предметлардан бериладиган вазифаларга нисбатан ўсмирларда кичик мактаб ёшидаги болага қараганда диққатнинг ташқи ифодаси ҳам ўзгаради. Агар кичик ёшдаги мактаб ўқувчининг юз ифодаси ва гавда ҳолати унинг қанчалик диққатлилигини аниқ белгилаб берса, ўсмир эса ўзининг диққацизлигини яшира олади. Фақат ўқитувчининг кузатувчанлиги орқали буни аниқлаши мумкин.

Таянч иборалар

Диққат - онгимизнинг муайян объектга йўналтирилиши ва унда тўпланишидан иборат психик ҳолат.

Диққатнинг баркарорлиги - диққатнинг маълум обектга узоқ вақт давомида мутассил қаратилиш имконияти.

Диққатнинг кўлами - бир вақтнинг ўзида диққатнинг бир қанча объектга қаратилиши имконияти.

Диққатнинг тақсимланиши - диққатнинг бир вақтда бир неча объектга ёки фаолиятга тақсимланиш хусусияти.

Диққатнинг кўчиши - диққатни ихтиёрий равишда бир объектдан иккинчи объекта кўчириш.

Доминанта (лот. дораинанс-ҳукмрон) - марказий нерв тизимининг вақтинча ҳукмрон қисми бўлиб, бошқа қисмлар фаолиятини тормозлайди.

Ориентасия рефлекси (лот. ориенс - шарқ рефлехус - акс этиш) - шарсиз рефлекснинг бир тури, у ҳар қандай янги кўзғовчи таъсирига биринчи бўлиб жавоб беради.

Тахистоскоп (юнон. тачй тез, скопео - кўраман) - қатъий белгиланган қисқа вақт давомида кўриш кўзғатувчиларини намоён қилиш сабаби. Идрок, хотира, диққат ва бошқа жараёнларни тадқиқот қилишда ишлатилади.

Туш кўриш - ухлаб ётган одам бош мия ярим шарлари қобиқидаги баъзи нерв марказлари фаолияти натижасида уйқу вақтида ҳосил бўладиган маълум даражадаги аниқ образлар.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Диққат ҳақида тушунча.
2. Диққат турлари.
3. Диққатнинг хусусиятлари.
4. Диққатнинг ривожланиши.
5. Паришонхотирлик тушунчасининг мазмуни.
6. Жаҳон психологиясида диққат назариялари.

Тест топшириқлари

1.Қайси қаторда диққат тушунчасига тўғри тариф берилган?

А) онгимизнинг муайян обектга йўналтирилиши ва унда тўпланишидан иборат психик ҳолат Б) инсоннинг амалий фаолиятига киритилган бўлиб, уларнинг муваффақиятини таминлайди В) маълум обектга узоқ вақт давомида мутассил қаратилиши Г) бир вақтда бир неча обектга ёки фаолиятга тақсимланиши Д) марказий нерв тизимининг вақтинча ҳукмрон қисми бўлиб, бошқа қисмлар фаолиятини тормозлайди

2.Доминанта тушунчасини фанга киритган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) А.А.УхтомискийБ) А.Р.ЛурияВ) И.П.ПавловГ) И.М.СеченовД) П.Я.Галперин

3.Олий нерв фаолиятидаги қўзғалиши ва тормозланиш жараёнлари ўртасидаги ўзаро муносабат…….. деб аталади.

А) доминантаБ) нерв жараёнларининг индуксиясиВ) паришонхотирликГ) диққацизлик Д) ретикуляр формасия

4.Муайян нерв участкасидаги кучли қўзғалувчанлик қобилиятига эга бўлган марказ…….. деб аталади.

А) доминантаБ) нерв жараёнларининг индуксиясиВ)паришонхотирлик Г) диққацизлик

Д) ретикуляр формасия

5.Марказий нерв тизимидаги қўзғалиши ёки тормозланиш жараёнларининг вақт ўтиши билан дастлабки пайдо бўлган участкасига тўпланиш қонуни нима деб аталади?

А)доминантаБ)нерв жараёнларининг индуксиясиВ)нерв жараёнларининг консентрасияси Г) паришонхотирлик

Д) ретикуляр формасия

6.Йўналтириш тушунчасининг мазмуни қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) мазкур фаолиятга бутунлай берилиши Б) ана шу фаолиятнинг танлашгина тушунилиб қолмай, балки ана шу танланганлигини сақлаб ва қўллаб ?увватлаш тушунилади В) шахс учун маълум аҳамиятга эга бўлган обект устида тўпланишидир Г) психик фаолиятнинг танловчанлик табиати бўлиб, обектни ихтиёрий ва беихтиёрий танлаш тушунилади Д) диққат хоссаси бўлиб асаб тизими чарчаганда шикастланганда вужудга келади.

7.Психик фаолиятнинг йўналтириш тушунчасига берилган тариф қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) мазкур фаолиятга бутунлай берилишБ) ана шу фаолиятнинг танлашгина тушунилиб қолмай, балки ана шу танланганини сақлаб ва қўллаб қувватлаш тушуниладиВ) шахс учун муҳим аҳамиятга эга бўлган обект устида тўпланишидирГ) психик фаолиятнинг танловчанлик табиати бўлиб, обектни ихтиёрий ва беихтиёрий танлаш тушуниладиД) диққат хоссаси бўлиб асаб тизими чарчаганда шикастланганда вужудга келади

8.Диққатнинг нерв физиологик асоси қайси олимлар томонидан ўрганилган?

А) И.П.Павлов, А.А.УхтомискийБ) А.А.Ухтомиский, И.М.СеченовВ) И.П.Павлов, И.М.СеченовГ) И.П.Павлов, А.Р.ЛурияД) А.Р.Лурия, Н.М.Бренштейн

9.И.П.Павловнинг такидлашича диққатнинг нерв физиологик асосини нима ташкил қилади?

А) шартли рефлексларБ)шарсиз рефлексларВ) бу нима рефлексиГ) нерв жараёнларининг индуксиясиД) доминанта

10.Нерв жараёнларининг индуксияси қонуни қайси олим томонидан кашф қилинган?

А) И.М.СеченовБ) И.П.ПавловВ) А.Р.ЛурияГ) А.А.УхтомискийД) Д.Б. Неблисин

11.Тўсатдан тасир қилган бирор сабаб туфайли бизнинг ҳоҳишимиздан ташқари ҳосил бўладиган диққатга ……айтилади.

А) ихтиёрийБ) ихиёрсизВ) ихтиёрдан сўнгги диққатГ) бўлинувчанлик

Д) консентрасияси

12.Болалар уйқуга ётган жим-жит хонага қамалиб қолган арининг ғинғиллаб учиши ва дераза ойнасига урилиши ҳали ухлаётган болаларнинг диққатини……. равишда ўзига жалб этади.

А) ихтиёрийБ) ихтиёрийдан сўнгги диққатВ) ихтиёрсизГ) бўлинувчанлик

Д) консентрасияси

13.Ихтиёрсиз диққанинг нерв физиологик асосини нима ташкил қилади?

А) ориентировка рефлексиБ) текшириш рефлексиВ) бу нима рефлексиГ) доминанта

Д) ориентировка ёки текшириш рефлекси

14.Диққатнинг юзага келишида қайси жараён муҳим рол ўйнайди?

А) сезгиБ) идрокВ) хотираГ) нуткД) тафаккур

15. …….. деб олдиндан белгиланган қатъий бир мақсад асосида ва онгли равишда диққатимизни малум нарса ҳамда ҳодисаларга қаратилишига айтилади.

А) ихтиёрийБ) ихиёрсизВ) ихтиёрийдан кейинги диққатГ) бўлинувчанлик

Д) консентрасияси

16. Ихтиёрий диққатнинг нерв физиологик асосини нима ташкил қилади?

А) мия ярим шарларининг пўстида вужудга келадиган оптимал қўзғалиши

Б) иккинчи сигналлар систэмаси В) шарсиз ва шартли рефлекслар Г) мия ярим шарларининг пўстида вужудга келадиган оптимал қўзғалиши ва иккинчи сигналлар систэмаси Д) Барча жавоблар тўғри

17. Инсонда диққат кўламининг кенг бўлиши нималарга боғлиқ?

А) сезги ва идрокка Б) тажрибасигаВ) турмуш тажрибасигаГ) нарса ва ҳодисаларни чуқур акс еттирилишигаД) барча жавоблар тўғри

18. ……. деб одам ўз диққатини бирор нарса ёки ҳодисага узоқ муддат давомида муттасил қаратиб тура олишига айтилади.

А) диққатнинг кўлами Б) диққатнинг бўлинувчанлиги В) диққатнинг консентрасияси Г) диққатнинг кучи ва барқарорлиги Д) диққатнинг тақсимланганлиги

19. Диққатнинг кучли ва барқарор бўлиши кўпроқ нималарга боғлиқ?

А) диққатимиз қаратилган нарсанинг хусусиятлари ва аҳамиятига Б) диққатимиз қаратилган нарса билан амалга ошириладиган фаолиятимизгаВ) нерв систэмасининг айрим хусусиятларига ва одамнинг айни чоғдаги ҳолатигаГ) диққатимиз қаратилган нарсанинг хусусиятлари, аҳамиятига ва диққатимиз қаратилган нарса билан амалга ошириладиган фаолиятимизга боғлиқД) Барча жавоблар тўғри

20. ……. айни бир вақтда одамнинг идрокига сиғиши мумкин бўлган нарсалар миқдори билан белгиланади.

А) диққатнинг кўлами Б) диққатнинг бўлинувчанлиги В) диққатнинг консентрасияси Г) диққатнинг кучи ва барқарорлиги Д) диққатнинг тақсимланганлиги

21.Диққатнинг кўлами қайси асбоб ёрдамида ўлчанади?

А) варометр Б) манометр В) секундаметр Г) тахистоскопД)ҳеч қандай асбоб билан ўлчаш имконияти йўқ

22. …….. биз айни бир вақтда диққатмизнинг икки уч нарсага қаратилишига айтилади.

А) диққатнинг кўлами Б) диққатнинг бўлинувчанлиги В) диққатнинг консентрасияси Г) диққатнинг кучи ва барқарорлиги Д) диққатнинг тақсимланганлиги

23.Агар диққатимиз фақат битта нарсага қаратилган бўлса буни…….

А) диққатнинг кўлами Б) диққатнинг бўлинувчанлиги В) диққатнинг консентрасияси Г) диққатнинг кучи ва барқарорлиги Д) диққатнинг тақсимланганлиги

24.Агар диққатимиз айни бир вақтда бир неча нарсага қаратилган бўлса бу.....

А)диққатнинг кўлами Б) диққатнинг бўлинувчанлиги В) диққатнинг консентрасияси Г) диққатнинг кучи ва барқарорлиги Д) диққатнинг тақсимланганлиги

25.Фаолият жараёнида диққатнинг онгли равишда бир обектдан иккинчи обектга кўчирилишига …… айтилади.

А) диққатнинг кўлами Б) диққатнинг бўлинувчанлиги В) диққатнинг консентрасияси Г) диққатнинг кучи ва барқарорлиги Д) диққатнинг тақсимланганлиги

26.Ихтиёрийдан кейинги диққат тушунчаси ким томонидан фанга киритилган?

А) И.М. Сеченов Б) И.П.Павлов В) А.А.Ухтомиский Г) Н.Ф.Добринин Д)Д.Б.Елконин

27.Диққат тушунчасини установка билан боғлаган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) Д.Б.Елконин Б) С.Л.Рубинштейн В) П.П.Блонский Г) Л.С.Вигоцкий
Д) Д.Н.Узнадзе

28.Қайси олим диққатнинг асосида ижтимоий қизиқишлар ётишини исботлаган?

А) Д.Б.Елконин Б) С.Л.Рубинштейн В) П.П.Блонский Г) Л.С.Вигоцкий
Д) Д.Н.Узнадзе

29.Ўқувчиларда ешитиш ва кўриш диққатини ўрганиб, ешитиш диққатининг кўлами кўриш диққатидан бир неча бор кичиклигини такидлаган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) П.Я.Галперин Б) Н.Н.Ланге В) Йе.Б. Пирогова Г) А.Р.Лурия Д) Р.Рибо

30.Диққат муаммосини ўрганиб уни саккизта туркумга ажратган ҳолда таҳлил қилган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) П.Я.Галперин Б) Н.Н.Ланге В) Йе.Б.Пирогова Г) А.Р.Лурия Д) Р.Рибо

Назорат саволлари

1. Диққат тушунчасининг моҳиятини изоҳланг?
2. Диққатнинг физиологик асосини нима ташкил қилади?
3. Диққат турларини кўрсатинг?
4. Диққатнинг хусусиятларини ажратиб кўрсатинг?
5. Паришонхотирлик тушунчаларининг мазмуни нималарда кўринади?
6. Жаҳон психологиясида диққат назариялари хусусида нималарни айта оламиз?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
3. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
4. Джемс В. Психология.- М., 1991
5. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
6. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
7. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
8. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
9. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
10. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
11. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
12. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
13. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

С Е З Г И

Сезги ҳақида тушунча

Маълумки бизни ўраб турган ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг жуда кўп белги ва хусусиятлари мавжуд. Масалан, нарсаларнинг ранги, таъми, ҳиди, қаттиқ ёки юмшоқлиги, ғадир-будур ёки текислиги, ҳарорат ва бошқалар. Ана шу нарса ва ҳодисаларнинг турли хил белги, хусусиятларини биз ҳам турлича сезги аъзоларимиз орқали онгимизда акс еттирамиз.

Теварак-атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларнинг турли хил белги ҳамда хусусиятлари ҳар доим ҳам бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир етиб туради. Натижада бизда турли сезгилар ҳосил бўлади. Чунончи, нурларнинг кўзимизга таъсир қилиши натижасида кўриш сезгиси, ҳар хил тезлик ва кучланишдаги ҳаво тўлқинларининг қулоқимизга таъсир этиши натижасида ешитиш сезгиси,

нафас олиш пайтида ҳаво билан бирга бурун бўшлиғига кирган ҳар турли модда заррачаларининг таъсири натижасида ҳид сезгиси, бирор нарсани қўлимиз ёки баданимизга тегиб таъсир этиш натижасида тери (тактил - бирор нарсанинг теримизга тегиши) ёки босим сезгиси ва шу каби сезгилар ҳар доим ҳосил бўлади.

Демак, **сезги деб**- атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этиши натижасида уларнинг айрим белги ва хусусиятларини миямизда акс еттирилишини айтамиз.

Сезги билиш жараёнлари ичида оддий психологик жараён бўлиб, ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларни акс эттиради. Ташқи оламдан келаётган қўзғатувчиларнинг муайян ресепторларга бевосита таъсир этиш орқали айрим белги ва хусусиятларни ва организм ички ҳолатини акс эттиради. Маълумки, инсондан сезишнинг дастлабки босқичи ҳиссий билишдан бошланиб, кейинчалик у мантиқий билишга ўтади. Сезги ҳам оддий психологик жараён бўлгани билан унинг юзага келиши ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- Сезги аъзоларига таъсир этадиган нарса ва ҳодисанинг бўлиши.
- Сезувчи аппарат, яъни анализаторнинг мавжуд бўлиши. Масалан, ҳавонинг совуқлигини, темирнинг қаттиқлигини, қорнинг юмшоқлиги ва бошқаларни сезамиз.

Сезги идрок билан боғлиқ бўлади, лекин нарса ва ҳодисани идрок қилишдан олдин уни сезиш лозим, шу боис сезгилар материянинг сезги аъзоларимизга таъсири натижасидир. Сезги ахборотларини қабул қилиб, танлаб, тўплаб, ҳар бир секундда ахборотлар оқимини қабул қилиб ва қайта ишлаб мияга йетказиб беради. Натижада теварак - атрофдаги ташқи оламни ва организм ўз ички ҳолатини адекват "мос" акс эттириш и ҳосил бўлади. Сезги аъзолари ташқи оламнинг инсон онгига олиб кирадиган йўлларидан биридир.

Сезгиларнинг нерв - физиологик асослари

Маълумки, сезгилар фақатгина ташқи таъсирлар натижасида ҳосил бўлмай, балки организмнинг ички ҳолатида ҳам амалга оширилади. Сезги нерв тизимининг у ёки бу қўзғатувчидан таъсирланувчи реаксиялари тарзида ҳосил бўлади ва ҳар қандай психик ҳодиса каби рефлекторлик хусусиятига эгадир. Сезгиларнинг нерв - физиологик асосини қўзғатувчининг ўзига айнан ўхшайдиган анализаторга таъсири натижасида ҳосил бўладиган нерв жараёни ташкил қилади. Шунингдек, сезгиларнинг нерв физиологик асосини ўрганишда **И.П.Павлов** таъбири билан айтганда анализатор аппарати ташкил этади.

Анализатор - ташқи ва ички муҳитдан келадиган таъсиротларни қабул қилиб олиб,
физиологик жараён бўлган қўзғалишни психик жараёнга, яъни сезгиларга айлантирувчи нерв механизмлари тизими. Анализатор аппарати 3 қисмдан ташкил топган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- периферик (ресептор) - ташқи қувватни нерв жараёнига ўтказадиган махсус трансформатор қисми;
- анализаторнинг периферик бўлимининг марказий анализатор билан боғлайдиган йўлларни очадиган афферент (марказга интилувчи) ва эфферент (марказдан қочувчи) нервлар;

- Ψ анализаторнинг периферик бўлимларидан келадиган нерв сигналларининг қайта ишланиши содир бўладиган қобиқ ости ва қобиқ бўлимлари.

Анализаторнинг қобиқ бўлимида ресептор ҳужайраларининг асосий қисми жамланган ўзак, яъни марказий қисм ва қобиқнинг турли жойларида маълум миқдорда мавжуд тарқоқ ҳужайра қисмларидан таркиб топган ташқи қисм бўлади. Анализаторнинг ўзак қисмида ресептордан марказга интилувчи нервлар жойлашган бўлиб, кўплаб ҳужайралардан иборат. Мазкур анализаторнинг периферик, яъни тарқалиб кетган қисмлари бошқа анализаторларнинг ўзаклари билан ёндош соҳаларига киради ва алоҳида нарсаларни излаш жараёнида бутун бош мия қобиқининг катта қисми иштирок этишига эришилади. Анализаторнинг ўзаги анализ ва синтез қилиш функсиясини бажаради, *масалан*, товушларнинг баландлиги.

Тарқоқ қисмлар дағал анализ функсияларни, масалан мусиқий оҳанг ва товушларни фарқлаш билан боғлиқ бўлади.

Анализатор нерв жараёнларининг ёхуд рефлектор ёйининг бутун йўли манбаси ва енг муҳим қисмини ташкил этади. Рефлектор ёйи ресептордан таъсиротни мияга олиб борувчи нерв йўллари ва еффектордан таркиб топгандир. Рефлектор ёйи елементларнинг ўзаро муносабати мураккаб организмнинг теварак-атрофдаги оламда тўғри мўлжал олишнинг организмнинг яшаш шароитларига мувофиқ тарздаги фаолиятининг негизини таъминлайди.

Сезгилар таснифи ва турлари.

Сезгилар қайси аъзолар ёрдамида ҳосил қилинишига қараб, қуйидаги турларга, яъни кўриш, ешитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери, мускул-ҳаракат, органик сезгиларга ажратилади. Улар сезги аъзолари қаерда жойлашганлигига қараб тавсифланади.

Жаҳон психологияси фанининг сўнгги ютуқлари ҳамда атамаларига биноан сезгилар қуйидагича классификасия қилинади. Ушбу таснифланишнинг дастлабки кўриниши инглиз олими **Ч.Шеррингтонга** тааллуқлидир. У ресепторнинг қаерда жойлашганлигига қараб, сезгиларни уч турга бўлади.

- ✓ Ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттириш гамослашган ҳамда ресепторлари тананинг сиртқи қисмида жойлашган сезгилар, яъни **екстроресептив сезгилар**;
- ✓ Ички тана аъзолари ҳолатларини акс еттирувчи ҳамда ресепторлари ички тана аъзоларида, тўқималарда жойлашган сезгилар, яъни **интероресептив сезгилар.**
- ✓ Танамиз ва гавдамизнинг ҳолати ҳамда ҳаракатлари ҳақида маълумот (ахборот, хабар) берувчи мускулларда, боғловчи пайларда, мушакларда жойлашган сезгилар, яъни **проприоресептив сезгилар**.

Сезгиларнинг таснифи ва бу борадаги тадқиқотларни таҳлил қиламиз. Дастлабки мулоҳазалар интероресептив сезгилар у борасида рус психологи **А.Р.Лурия** тадқиқот ишини олиб борган. Унинг фикрича, интероресептив сезгилар асл, туб, маънодаги сезгилар эмас, балки эмосиялар билан сезгилар ўртасидаги оралиқ сезгилар сифатида намоён бўлади. Психология фанида мазкур сезгилар тўла ўрганилмаганлиги сабабли уни *"номаълум ҳислар"* деб

аталган. Бу асосан ички органларнинг хасталикларида вужудга келувчи ҳолатларни диагностика қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Интероресептив сезгилар инсоннинг кайфиятида, емосионал реаксиялари ўзгаришида кўзга ташланади, болада эса хатти-ҳаракатнинг кескин ўзгаришига сабаб бўлади. Чунки бола тана аъзоларидаги ички ҳолатини англаш, ҳис қилиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ундаги хатти-ҳаракатнинг умумий ўзгариши белгилардан буни сезиш мумкин.

Интероресептив сезгилар организмдаги ички жараёнларни ўзаро ўрин алмаштириш мувозанатини таъминлаб туришнинг асоси ҳисобланади. Бу жараённи бир сўз билан айтганда, организмдаги жараёнларни ўзаро ўрин алмашиб туришнинг гемостази (барқарорлиги) деб аталади. Шунингдек, мазкур сезгилар инсонда юзага келадиган пулс, зўриқиш, аффект ҳолатларини йўқотиш, туғилиб келаётган майлларни қондириш билан боғлиқ вазифани бажаради. Натижада ички тана аъзоларининг фаолиятини издан чиқариш ҳолати юз бериши мумкин.

Интероресептив сезгиларнинг физиологик механизмлари интеро-сепсия билан биргаликда **К.М.Биков, В.Н. Черниговкийлар** томонидан атрофлича ўрганилган. Уларнинг фикрига кўра, бу нарсаларнинг барчаси шартли рефлектор фаолияти механизмларидан келиб чиқади

Проприосептив сезгилар гавданинг фазодаги ҳолати тўғрисида сигналлар билан таъминлаб туради. Улар инсон ҳаракатининг бошқарувчиси ҳисобланиб ва афферент асосини ташкил қилади.

Переферик ресепторлар мускуллар, пай ва бўғимларда жойлашган бўлиб, махсус таначалар шаклига эга ва улар Пуччини таначалари деб аталади.

Таначаларда вужудга келувчи қўзғатувчилар мускулларнинг ҳаракатлашуви натижасида ва бўғимлар ҳолатининг ўзгариши, нерв толалари ёрдамида, орқа миянинг орқа устунидаги оқ суюқлигига етказилади. қўзғовчилар Бурдах ва Голл ядросининг қуйи бўлимларига йетиб келади ва ундан пўстости тугунчаларидан ўтиб, бош мия катта ярим шарининг қоронқулашган зонасида ҳаракатларини якунлайдилар.

Проприоресепторлар ҳаракатнинг афферент асоси эканлигини **А.Орбели** томонидан,
ҳайвонларда **П.К.Анохин**, одамларда эса **Н.А.Бернштейнлар** томонидан ўрганилган.

Психологик маълумотларга кўра, гавданинг фазодаги ҳолати, сезгирлиги статик сезгиларда ўз ифодасини топади. Унинг маркази ички қулоқ каналларида жойлашган бўлиб, улар ўзаро бир-бирига перпендикуляр бўшлиқда туташ ҳолатда ётади. *Масалан,* бош ҳолатининг ўзгариши қуйидаги схемада кўриш мумкин:

а) ендолимфа суюқлигига боғлиқ қўзғалиш;
б) ешитиш нерви;
в) вестибуляр нерви;
г) бош мия пўстининг чакка бўлмаси;
д) мия аппаратига ўтади;

Вестибулятор сезги аппарати кўриш билан бевосита алоқада бўлиб, фазони мўлжалга олиш (ориентирлаш) жараёнида иштирок этади. Масалан,

автомобил йўлидан ўтиш ва ҳоказо. Бу жараён патологик ҳолатда ҳам учраши мумкин.

Екстроресептив сезгилар интермодал, носпесифик сезги туркумларига ҳам ажратилади. Масалан, ешитиш органи орқали 10-15 секундга тебранишни сезиш мумкин, лекин қулоқ билан эмас, балки суяклар ёрдамида (мия қопғоғи, тирсак, тизза учлари) пайқаш - ***вибрасия сезгилари*** дейилади. *Масалан,* карларни товушларни идрок қилиши. Одатда вибрасион сезгирлик интермодал сезги деб ҳам номланади. Унинг қуйидаги кўринишлари қам мавжуд:

а) ҳид, таъм ва маза сезгиларида;

б) ўта кучли товушда, ўта ёрқин ёруғликда;

в) уч хил таъсирнинг уйғунлашган интегратив ҳолатида;

Сезгининг носпесифик шаклига терининг фото сезгирлиги кириб, у рангларни, нозик
жумлаларни ажратиш, қўл учлари билан сезиш орқали рўёбга чиқади. Терининг фото сезгирлиги А.Н.Леонтев томонидан кашф қилинган бўлиб, бу нарса кўпгина ҳолатларга оқилона ёндашиш имкониятини вужудга келтиради. Тадқиқот асосан қўл учига яшил ва қизил рангларни юбориш орқали амалга оширилган. Терининг фото сезгирлиги табиати психологияда йетарли даражада ўрганилмаган.

Сезги турлари

Психология фанида учта катта гуруҳга ажратилган сезгилар (екстроресептив,
проприоресептив, интроресептив) ўз навбатида қуйидаги турларга ажратилади:

- Кўриш сезгилари;
- Ешитиш сезгилари;
- Ҳид билиш сезгилари;
- Таъм билиш сезгилари;
- Тери сезгилари;
- Мускул - ҳаракат (кинестетик);
- Статистик сезгилар;
- Органик сезгилар;

Кўриш сезгилари

Инсонлар томонидан ранг ва ёруқликни сезиш кўриш сезгилари орқали амалга ошади ва сезиладиган ранглар **хроматик ва ахроматик** турларга бўлинади. Психофизиологик қонунга кўра ёруқлик нурлари учбурчак шиша призма орқали ўтиб синганда ҳосил бўладиган ранг **хроматик ранглар** деб аталиб, уларга камалак ранглар, яъни қизил, зарғалдоқ, сариқ, яшил, ҳаво ранг, кўк, бинафша тусларини қамраб олади. Одатда оқ ранг, қора ранг, кулранг ва уларнинг турлича кўринишлари
ахроматик ранглар деб номланади.

Кўриш сезгиларининг органи кўз ҳисобланиб, у кўз соққаси ундан чиқиб келадиган кўрув нервларидан ташкил топган бўлиб, кўз соққасини ташқи томирлари ва тўр пардалари ўраб туради. Ташқи парданинг тиниқ бўлмаган оқ қисми склера ёки қотган қаттиқ парда деб номланади. Унинг олд томонига жойлашган бир мунча қаварiқ қисми тиниқ мугус парда бўлиб, унинг олдинги қисми рангдор парда деб аталади. Мазкур парданинг рангига биноан унинг

товланишига қараб, одамларда кўз кўк, қора каби жилва беради. Рангдор парданинг ўрта қисмида юмалоқ тиниқ модда бўлиб, уни қорачиқ деб атаймиз ва у орқали кўз ичига ёруқлик нурлари киради.

Кўзларнинг учинчи пардаси тўр парда деб номланиб, у кўз соққасининг деярли бутун ички юзасини қоплайди. қорачиқ билан рангдор парданинг орқасида икки томони қаварик, тиниқ жисм кўз гавқари жойлашган бўлади. Ёруқлик нурлари унда тўпланиб, сўнг синади ва тўр пардага нарса ёки жисмнинг акси, сурати тушади.

Кўз соққасининг гавқари билан тўр парда ўртасидаги бутун ички юзаси шишасимон жисм деб номланувчи махсус тиниқ суюқлик билан қопланган бўлади. Тўр парда ранг ва ёруқликни сезиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда кўрув нервининг тармоқлари жойлашгандир. Ушбу тармоқларнинг чеккадаги учларида таёқча ва колбачалар деб аталадиган махсус нерв хужайралари мавжуддир. Инсон кўзини тўр пардасида 130 миллионга яқин таёқчалар ва колбачалар деб аталадиган махсус нерв ҳужайралари мавжуддир. Инсон кўзининг тўр пардасида 130 миллионга яқин таёқча ва 7 миллионга яқин колбача бор деб тахмин қилинади. Колбачалар ёрдами билан хроматик, яъни кундузги ранглар кўрилади.

Таёқчалар ёруқликни яхши сезувчан бўлиб, хира ва қоронғу пайтларда ўз функсиясини бажаради, ахроматик рангларни акс эттиради.

Тўр парданинг енг сезгир жойи - сариқ доғнинг асосан, колбачалар билан марказий чуқурчаси ҳисобланиб, унга қайси нарсанинг акси тушса, худди шуни ҳаммадан равшанроқ кўрамиз. Обектга тик қараш натижасида кўз мускуллари унга қаратилади ва акс еттирувчининг суръати сариқ доғга тушади. Бундай тарздаги кўриш тўғри кўриш дейилади.

Одам кўзи рангларнинг тахминан, 380 миллимикрондан 780 миллимикронгача узунликдаги тўлқинларнинг таъсирини сезади.Уч рангли сезги назариясининг асосий қоидалари 1756 йилда **М.В.Ломоносов** томонидан баён қилинган бўлса, 1856 йилдан кейин немис физиги Г.Гелмголс томонидан уни тўла исботлаб берилган.

Ушбу назарияга биноан тўр парданинг колбачаларида учта асосий елемент мавжуддир, улардан бирининг қўзғалиши қизил ранг сезгисини, иккинчи қўзғалиши яшил ранг сезгиси ва учинчи қўзғалиши бинафша ранг сезгисини ҳосил қилади. Назарияга кўра ёруқлик тўлқинлари бирданига учта елементни бир хилда қўзғаца, оқ ранг сезгиси вужудга келади. Лекин ёруғлик тўлқинлари икки ёки уч елементга таъсир қилса-ю, аммо бу бир текис кечмаса, у ҳолда сезувчи елементлардан ҳар бирининг қанчалик қўзғалувчанлигига қараб, ҳар хил ранг сезгилари намоён бўлади.

Ҳозирги замон психологиясида рангларни сезиш ёлғиз тўр пардасидаги жараёнлар билангина эмас, балки мия пўстида юзага келадиган бошқа жараёнлар билан ҳам боғлиқ эканлиги тўғрисида маълумотлар мавжуддир. Замонавий маълумотларга биноан таёқчаларда кўриш пурпури деган махсус модда борлиги исботланган. Кўзга ёруқлик таъсири етганда кўриш пурпури кимёвий йўл билан парчаланиб, таркибий қисмларга бўлинади ва мазкур жараён кўриш нервини қўзғатиб, ёруғлик сезгисини ҳосил қилади ва қоронғуликда эса пурпур функсионал ҳолатини қайта тиклайди.

Ешитиш сезгилари

Ешитиш сезгилари товушларни ешитишдан иборат бўлиб, **мусиқавий ва шовқинли** товушларни акс эттиради. Одатда товушлар оддий ва мураккаб турларга ажратилади, уларнинг биринчиси тонли, иккинчиси эса бир неча тондан ташкил топади. Тонлардан бири асосий тон ҳисобланиб, у товушнинг баландигини, кучини белгилайди, бошқалари келувчи товушлар саналиб, улар обертонлар дейилади. Мусиқа асбобларидан таралаётган товушларнинг ўзига хослиги фан тилида тембр деб аталади. ҳатто нутқ товушлари ҳам оҳангли товушлар (унли товушлар) ёки шовқинлардан (ундош товушлар) ташкил топган бўлади.

Ешитиш сезгилари органи қулоқ бўлиб, ташқи қулоқлар супраси билан ешитув йўлидан иборат. Ўша қулоқлар ноғора парда ва унга ёпишган учта суякча: болғача, сопдан ва узангидан ташкил топган. Ички қулоқ (қулоқ лабиринти) ўзаро бирлашмаган учта бўлакдан тузилган.

Ташқи қулоқ ҳаво тўлқинларини йиғувчи карнай вазифасини бажаради. Ноғора парда ва унга ёпишган суякчалар ҳаво тўлқинларини ички қулоққа узатади. Ўрта қулоқ махсус йўл орқали оғиз ва бурун бўшлиғи билан туташган бўлади. Ички қулоқларнинг юқори қисми учта ярим доира каналдан, ўрта қисми камерадан ва пастки қисми чиғаноқдан ташкил топган.

Ички қулоқларнинг уччала бўлими ендолимфа номли суюқликдан иборатдир. Ички қулоқларнинг асосий қисми чиқаноқдан иборат бўлиб, унинг ичида кортий орган мавжуд, у гумбаз шаклига эга бўлиб, асосида мембрана жойлашган. Мембрана узунлиги қисқариб борувчи еластик толалардан иборат бўлиб, улар таранг тортилган тўрларга ўхшайди. Унинг юқори қисмида махсус, таёқчасимон ҳужайралар мавжуд ва улар кортий дугалари деб юритилади. Мембрананинг толалари ендолимфага ингичка қўллари бор махсус ҳужайралар ёрдамида корний дугалари орқали катта ярим шарлар пўстининг бўлагида жойлашган.

Ҳаво тўлқинларининг ҳаракати туфайли товуш чиқарувчи жисмлар тебранганида ешитиш сезгилари ҳосил бўлади. Агар мусиқавий товушлар ҳаво тўлқинларининг секин ҳаракатлари натижасида вужудга келса, шовқинли товушлар эса уларнинг нотекис ҳаракатлари натижасида юзага келади. Одамнинг ешитиш органи бир секундда 16 мартадан 20000 мартагача тебранишли товушларни қабул қилади.

Ҳид билиш сезгилари ҳид билиш сезгиларига ҳидларни ҳис қилиш киради ва уларнинг органи бурун кавагининг юқори томони ҳисобланиб, бу йерда ҳид билиш ҳужайралари ҳамда сезувчи нерв тармоқлари жойлашган. Улар шиллиқ пардаларда ботиб туради.

Ҳидли моддалар сезувчи нервни қўзғайди. ҳид билиш маркази бош мия ярим шарлари орқа юзасининг пастки қисмида мавжуд деб тахмин қилинади. Ҳидли моддалар ҳид билиш ҳужайраларига газ ҳолатида таъсир етиб, кимёвий реаксиялар йўли билан уларни қўзғатади. Оддий газ ҳолатидаги ҳидли моддалар ҳаво билан нафас олиш жараёнида бурун ҳавосига кириб келади, натижада акс эттириш ҳолати ҳосил бўлади.

Таъм билиш сезгилари

Таъм билиш сезгилари ширин, аччиқ, нордон, шўр сингари мазаларни ҳис қилиш билан тавсифланади. Таъм билиш сезгиларининг органи тилнинг юзаси ва танглайнинг юмшоқ қисмидан ташкил топган. Тилнинг шиллиқ пардасида махсус таъм билиш сўрғичлари мавжуд бўлиб, уларнинг таркиби таёқчасимон ҳужайралардан тузилган махсус таъм билиш "куртаклари"га эга. Таъм билиш сўрғичлари тил юзасида бир текис тақсимланмаганлиги учун унинг орқа қисми аччиқни, учи ширин мазани, четлари эса нордон мазани сезади. Лекин уларнинг ўртаси бўлса мазани акс еттира олмайди. Таъм билиш сўрғичларининг ҳужайрали қисмларида махсус сезувчи нервларнинг чекка учлари жойлашган, улар таъм билиш органидаги қўзғалишни бош мияга узатиб туради, унинг марказларига яқин жойлашган.

Тери сезгилари.

Тери сезгилари таркиби туйиш ва ҳарорат турларидан иборат бўлиб, уларнинг бундай номланишининг бош омили бу ресепторларнинг таркиби ва организмнинг ташқи шиллиқ пардаларида жойлашганлигидадир.

Туйиш сезгилари икки хил ахборотни қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, биринчиси тегиш ва тарқалишини туйиш сезгилари, иккинчиси эса силлиқ ёки ғадир - будурни туйиш билан тавсифланади. Одатда тана аъзосига нарсаларнинг тегишини сезиш ташқи қўзғатувчи кучайганда сиқиқ сезгига айланади, у янада кучайганда оғриқ сезгисига айланади.

Туйиш сезгилари органи теридаги ва ташқи шиллиқ пардалардаги туйиш таначалари деб номланувчи таначалардан иборат. Таначаларнинг ичида ва қисман ташқарисида туйиш нервининг чекка тармоқлари мавжуд, улар терида ва шиллиқ пардаларда бир текис тақсимланган, бармоқларнинг учларида тил учида лабда зич жойлашган, худди шу боисдан сезгирлик даражаси бошқалардан юксакроқдир.

Психологияда туйиш таначалари ва сезувчи нервнинг чекка тармоқлари зичлиги екстизиометр асбоби ёрдами билан ўлчанади. Асбоб кериладиган икки оёқли сиркулдан ташкил топган, бўлиб, унинг ўзагидаги даражалар оёқларнинг учлари ўртасидаги масофани ўлчайди.

Туйиш сезгиларининг маркази бош мия пўстининг орқадаги марказий нуқтасида жойлашган деб тахмин қилинади. Туйиш сезгиларининг ташқи, яъни физик сабаби бу бирон- бир нарсаларнинг терига бевосита тегишидир.

Мускул - ҳаракат сезгилари, статик сезгилар

Мускул-ҳаракат сезгилари мотор сезгилар деб номланиб, уларга оғирликни, қаршиликни, органлар ҳаракатини билиш сезгилари киради. Уларнинг органлари-гавда мускуллари, пайлар, бўғимлардан иборатдир. Органларнинг таркибида сезувчи нервларнинг чекка тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг таъсирида ҳаракат ва статик сезгилар вужудга келади.

Мускул - ҳаракат сезгиларининг физик сабаби мускулларга таъсир этувчи нарсаларнинг механик тазйиқи ва гавда ҳаракатларидир.

Статик сезгилар гавданинг фазодаги ҳолатини сезиш ва мувозанат сақлаш сезгилари деб аталади. Гавданинг фазодаги ҳолатини билиш ва мувозанат сақлаш сезгиси учун ички қулоқдаги вестибуляр аппарат ресептор вазифасини бажаради. Вестибуляр аппарат қулоқ даҳлизи ярим доира каналларидан ташкил топган бўлади, сезувчи нерв тармоқлари эса гавданинг

фазодаги ҳаракатини ва ҳолатини бошқаради. Гавда мувозанатини сақлашда алоҳида аҳамият касб етиб, улар ендолимфада сузиб юрадиган майда оҳактош кристаллардан ташкил топган.

Органик сезгилар

Органик сезгиларнинг ресепторлари ички органларда, қизилўнгач, меъда, ичак, қон томирлари, ўпка ва шу кабиларда жойлашган бўлади. Ички органлардаги жараёнлар органик сезгилар ресепторларининг қўзғатувчиларидир.

Уларга қуйидагилар киради:

а) Оғриқ сезгилар;

б) чанқоқ сезгилари;

в) нохуш туйғулар;

г) очликни сезиш.

Сезгиларнинг умумий қонуниятлари

Сезгиларнинг юзага келиши маълум қонуниятларнинг асосида юз беради. Сезгилар бирор бир сезги аъзосининг қўзғалишидан ҳосил бўлади. Қўзғатувчи ресепторга таъсир этиши биланоқ сезги ҳосил бўлмайди. Қўзғатувчи таъсир ета бошлагандан бир неча вақтдан кейин сезги ҳосил бўлади. Лекин сезгиларнинг ҳар хил турлари фақат ўзига хослиги билан эмас, балки улар учун умумий бўлган хусусиятлар билан ҳам ифодаланади. Сезгиларнинг сифати, жадаллиги узоқ давом этиши ва кўп жойларда юз бериши ана шундай хусусиятлар жумласига киради. қуйида сезгиларнинг хусусиятлари яққол ифодаланган.

Сифат - мазкур сезгининг асосий хусусияти бўлиб, уни бошқа сезги турларидан фарқлайди ва айни шу сезги тури доирасида ўзгариб туради. Масалан, ешитиш сезгиси паст-баландлиги, майинлиги, зўрлиги билан фарқ қилади ва ҳоказо.

Сезгининг жадаллиги унинг миқдорини ифода этадиган хусусият бўлиб, таъсир келаётган қўзғатувчининг кучи ва ресепторнинг функсионал ҳолати билан белгиланади. Сезгининг давомийлиги унинг вақтинчалик хусусияти ҳисобланади. У ҳам сезги аъзосининг функсионал ҳолати билан лекин асосан қўзғатувчининг таъсир қилиш вақти ва таъсирнинг жадаллиги билан белгиланади. Қўзғатувчи сезги аъзосига таъсир қилиши биланоқ сезги ҳосил бўлмайди, балки бир оз вақт ўтгач ҳосил бўлади. Бу сезгининг латент (яширин) даври деб аталади. Латент даври ҳар хил сезги тури учун турлича, масалан, тактил сезгилари учун 130 миллисекунд бўлса, оғриқ сезгиси учун 370 миллисекундан иборат.

Билинар - билинмас сезги ҳосил қилувчи қўзғатувчининг минимал кучи сезгирликнинг **қуйи чэгараси** дейилади. Сезгиларнинг қуйи чэгараси анализаторнинг абсолют сезгирлиги даражасини аниқлайди. Масалан, 1грамм қандни 1 пиёла чойдаги мазаси унча сезилмайди. 0.1 см қоғозни қўл кафтига қўйилса, унинг оғирлиги сезилмайди. Сезги чэгарасининг меъёри қанчалик кичик бўлса, мазкур анализаторнинг сезгирлиги шунчалик юксак бўлади.

Формуласи $\mathbf{E = \frac{1}{P1}}$

Е - сезгирлик П-қўзғатувчининг таъсир меъёри.

Кўриш ва ешитиш анализаторининг сезувчанлиги жуда юксакдир. **С.И.Вавилов** (1851-1951)нинг тажрибаларида кўрсатилганидек, кишининг кўзлари тўр пардаги бор йўғи 28 квант атрофида нур тушган тақдирда ҳам ёруқликни кўра олади. Тим қоронғуликда 27 километр масофада ёниб турган шамни кўриш қобилиятига эгамиз. Айни пайтда баданимизга бирор нарса текканини сезишимиз учун кўриш ва ешитиш сезгилари ҳосил бўлишига сарфланганига нисбатан, 100-10000000 баровар зид қувват талаб қилинади.

Анализаторнинг мутлақ сезувчанлиги сезгининг фақат қуйи эмас, балки юқори чэгараси билан кифояланади. Сезгининг мутлақо **юқори сезувчанлиги** деб қўзғатувчининг куч билан таъсир қилишига айтилади. Бунда таъсир кўрсатаётган қўзғатувчига айнан ўхшайдиган сезги ҳосил бўлади. Бизнинг ресепторларимизга таъсир қилаётган қўзғатувчилар кучининг яна ҳам ошиши оғриқ сезгисини ҳосил қилади.

Сезги аъзолари ёрдамида у ёки бу қўзғатувчининг фақат бор ё йўқлигини қайд етмасдан, балки қўзғатувчиларнинг кучига ва сифатига қараб фарқлай олишимиз мумкин. Сезгилар ўртасидаги биланар-билинмас фарқни ҳосил қилувчи иккита қўзғатувчи ўртасида мавжуд бўлган минимал **фарқ ажратиш чэгараси ёки айирма чэгараси** деб аталади.

Немис физиологи **Е.Вебер** (1795-1878) кишининг ўнг ва чап қўлларида кўтариб турган иккита нарсанинг қайси бири оғирроқ эканлигини аниқлай билиш қобилиятини текширар экан, фарқ ажратиш сезгирлиги мутлоқ эмас, балки нисбийлигини қайд етган еди. Бундан қўшимча қўзғатувчининг асосий қўзғатувчига нисбатан доимий ўлчам бўлиши керак, деган маъно келиб чиқади. Жумладан, қўлда 100 грамм оғирликдаги юк турган бўлса юкнинг билинар-билинмас оғирлигини пайқаш учун оғирлик 3.4 грамм атрофида оширилиши керак. Юкнинг оғирлиги 1000 грамм бўлган тақдирда эса сезги ҳосил қилишида салгина фарқ сезиши учун оғирлик 33.3 грамм чамаси оширилиши керак. Шундай қилиб, илк қўзғатувчининг ўлчами қанчалик катта бўлса, унга қўшимча ҳам шунчалик катта бўлиши лозим.

Фарқланишнинг бошланиши мазкур анализатор учун доимий бўлган нисбий ўлчаш билан белгиланади. Кўриш анализатори учун бу нисбат тахминан $\frac{1}{100}$ ни, ешитиш анализатори учун $\frac{1}{10}$ ни, тактил анализатори учун, $\frac{1}{30}$ ни ташкил этади. Бу ҳолатни тажриба йўли билан текшириш унинг фақат ўртача кучга эга бўлган қўзғатувчилар учун уриниш эканлигини кўрсатади.

Немис физиги Г.Фехнер (1801-1887) Вебер ўтказган тажрибаларда олинган маълумотларга асосланиб, сезгиларнинг жадаллиги қўзғатувчининг кучига боғлиқлигини қуйидагича шаклида ифодаланган еди.

$$С = КЛг ж + С$$

Бунда С - сезгининг жадаллигини, ж - қўзғатувчининг кучини, К ва С константлар ўзгармас, доимийлиги ва миқдорларни билдиради. Асосий **психофизик қонун** номи билан юритиладиган қонун қуйидагича изоҳланади. *Сезгининг жадаллиги қўзғатувчи кучининг логарифмига пропорсионалдир. Бошқача қилиб айтганда, қўзғатувчининг кучи геометрик прогрессия йўли*

билан оша борган тақдирда сезгиларнинг жадаллиги арифметик прогрессия йўли билан ошади. Бу қонун **Вебер - Фехнер** қонуни ҳам деб аталади.

Айирма сезувчанлик ёхуд фарқ ажратиш сезувчанлиги ҳам фарқланиш чэгарасининг ўлчамига нисбатан тескари боғланишда бўлади; фарқланиш чэгараси қанчалик катта бўлса, айирма сезувчанлик ҳам шунчалик кам бўлади.

Сезгилар чэгарасининг абсолют меъёри билан белгиланадиган анализаторнинг сезгирлиги барқарор бўлмасдан қатор физиологик ва психологик шарт-шароитлар таъсири остида ўзгариб туради. Ушбу шарт-шароитлар орасида адаптасия (мослашиш) ҳодисаси алоҳида ўрин эгаллайди.

Адаптасия - ёхуд мослашув - сезги органлари сезгирлигининг қўзғатувчи таъсири остида ўзгариши демакдир.

Адаптасия (ёки мослашиш) икки турга бўлинади:

а) нэгатив адаптасия;

б) позитив адаптасия.

Позитив адаптасияда кучсиз қўзғатувчи таъсири остида сезгирлик ошади. Кўриш анализаторида позитив адаптасия, қоронғулик адаптасияси дейилади.

Нэгатив адаптасия икки хил бўлади:

а) қўзғатувчининг давомий таъсиридан сезгирлик йўқолади. Масалан, қўлимизга юк қўйилса сезамиз, аммо вақт ўтиши билан сезмай қоламиз.

б) кучли қўзғатувчи таъсиридан сезгирликнинг сусайиши. Масалан, қоронғу хонадан бирданига чиқиб қолсак, аввалига ҳеч нарса кўрмаймиз, вақт ўтиши билан сезгирлик пасайиб биз нормал кўрамиз.

Адаптасия тери ресепторларида тез юзага келади. **И.П.Павлов** фикрича, *"Адаптасия бош мия пўстлоқ қисмидаги муҳофазаловчи тормозланиши туфайли ҳосил бўлади"*. Ҳароратга, ҳидларга нисбатан ҳам адаптасия бўлади.

Сенсибилизасия - анализаторларнинг ўзаро муносабати ва машқ қилиши натижасида сезгирликнинг кучайишидир.

Сенсибилизасиянинг адаптасиядан фарқи:

1. Адаптасияда сезгирлик ошади ёки камаяди, сенсибилизасияда эса фақат ошади;
2. адаптасияда сезгирликнинг ўзгариши ташқи чэгараларга боғлиқ бўлса, сенсибилизасияда психологик, физиологик ҳолатларга боғлиқ бўлади.

Синестезия қўзғатувчининг бир анализаторга таъсири билан бошқа анализаторга хос сезгининг пайдо бўлишидир. Кўриш, ешитиш синестезияси кўпроқ учрайди. Синестезиялар ҳар бир шахс учун доимий бўлади. Масалан, композиторлардан Скребин, А.Ф.Лест, Н.Римский Корсаковларда "рангдор ешитиш" қобилияти бўлган. Демак, синестезия икки сезгининг бир сезги бўлиб қўшилишидир. "Масалан, "ширин сўз", "бағри тош".

Сезгилар контрасти қарама-қарши сифатга эга бўлган бир вақтдаги қўзғалиш туфайли сезгирликнинг ўзгаришидир. Масалан, тинч жойда товуш кучлироқ сезилади. Оқимтир фонда қора ранг қорароқ, қорамтир фонда оқ ранг яна ҳам оч бўлиб сезилади. Одам чарчаганда сезгирлик пасаяди. ҳаракат ошганда совуққа сезгирлик ўткирлашади. Сезгирлик касбга ҳам боғлиқ. Масалан, рассомларда ранг сезиш, мусиқачиларда товуш сезиш ва шу кабилар.

Сезги борасидаги назариялар

Психология фанида шундай илмий далиллар мавжудки, мободо инсон ахборотларнинг шахобчасидан маҳрум бўлса, у ҳолда у уйқу фаолиятига шўнғийди. *Масалан,* тери туйиш сезгилари патологияга учраса, унда одам (кўпинча вақтинча муваққат) кўриш, ешитиш, ҳид сезгисидан маҳрум бўлиши мумкин. Мободо ахборотларни кузатиш шахобчаси илк болалик ёши даврида бузилса, кар ёки кўр бўлиб қолса, у тақдирда унинг ақлий ривожланишида кескин тўхталиш, вақтинча орқада қолиш юзага келади. Агар бола махсус усул ёки услубга ўргатилмаса, табиий равишда мавжуд камчиликларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди.

Немис файласуфи **Христиан Волф** "Расионал психология" (1732 йил) ва "Эмпирик психология" (1734 йил) китобларида онгнинг ички ҳолати, ақлий фикр юритишга қобилиятнинг табиий моддий асоси замиридан келиб чиқиб, ташқи оламдан келиб тушадиган ахборотлар шахобчасига, яъни сезги каналига ҳеч қандай боғлиқ эмас, деб тушунтиришга ҳаракат қилди. Сезгиларга мана бундай ёндашиш назариётчиси "фанга расионализм" тушунчаси билан бирга кириб келди. Х.Волф ва унинг тарафдорлари психологик жараёнлар (сезги, идрок, хотира ва бошқалар) мураккаб ижтимоий тарихий тараққиёт маҳсули эмас, деган ғояни илгари сурдилар.

Шунинг билан бирга "Онг", "Ақл" тарихий евалюсия натижаси эмас, деб инсон психикасига ўзгача ёндашиб, уни изоҳлаб бериш мушкул бўлган "бирламчи" хусусият эканлигини тушунтиришга интиладилар. Мазкур назарияга асосланган психологлар инсоннинг сезгилари уни ташқи олам билан боғлаб турувчи бирдан бир шахобча эканлигини инкор қилишгача бориб йэтдилар ва воқеликни мана бундай тарзда изоҳлашга ҳаракат қилдилар; сезгилар инсонни ташқи оламдан ажратиб турадилар, улар атроф-муҳит ўртасидаги бартараф қилиб бўлмайдиган девор ҳисобланадилар. **Беркли, Юнг, Мюллер, Гелмолс** сингари олимлар сезги органларининг "Спесифик енергияси" назариясини ишлаб чиқдилар. Бу ғоянинг асосчиси сифатида Иоганн Мюллер қатъий позисияда туриб, уни бутун вужуди билан ҳимоя қилишга интилди. Ушбу назарияга биноан ҳар қайси сезги аъзоси ҳоҳ қулоқ, ҳоҳ тил, ҳоҳ тери бўлишидан қатъий назар ташқи дунёнинг таъсирини акс еттирмайди, атроф-муҳитда бўлиб турган реал, жараёнлар юзасидан ахборотлар беришга қобил эмас, фақат у ташқи таъсирдан шахсий жараёнларнинг қўзғатувчисидан туртки олади, холос. Мазкур назарияга кўра ҳар бир сезги аъзолари ўзининг спесифик енергиясига эга бўлиб, у ҳар қандай таъсирдан қўзғалади. Масалан, кўзни босиб, унга електр токи билан таъсир қилиб кўрилса, ёруғлик сезгиси ҳосил қилинади. қулоққа електр қўзғатувчиси билан таъсир ўтказилса, у ҳолда товуш сезгиси вужудга келади. Бинобарин, сезги аъзолари ташқи таъсирни акс еттирмайди, балки уларнинг таъсиридан қўзғалади. Инсон ҳеч қачон ташқи воқеликни, дунёни объектив таъсирларини идрок қилмайди, балки сезги аъзолари фаолиятида ўзларининг шахсий субъектив ҳолатларини акс эттиради.

Сезгиларнинг ресептор назариясига кўра ресептор сезги аъзолари уларга таъсир қилувчи қўзғатувчиларга нисбатан суст жавоб қайтаради, сезгилар ҳаракатга қарама-қарши турувчи суст жараёндир. ҳаракатнинг ўзи эса аксинча фаол (актив)дир.

Ҳозирги даврда сезгиларнинг ресептор назарияси мутлақо сезги жараёнларининг физиологик механизмини очиб беришга яроқсиз эканлиги қатор тадқиқотчилар томонидан ишончли омилларга суянган ҳолда таъкидлаб ўтилгандир.

Сезги жараёнининг фаоллигини тан олувчи назария сезгиларнинг рефлектор назарияси деб аталади. ҳайвонлар ва жониворларнинг сезгилари суст хусусиятга эмас, балки ташқи олам таъсирининг биологик аҳамиятга молик жиҳатларини фаол равишда ажратган ҳолда хатти-ҳаракатни амалга оширадилар. Масалан, асалари бир хил туркумдаги гулларга нисбатан аралаш қоллардаги гулларга фаолроқ жавоб реаксиясини билдиради. Мушук сичқоннинг қимирлашига эътиборини кучайтиради, лекин худди шунга ўхшаш камертон товушига асло парво ҳам қилиб қўймайди.

Бу омиллар шуни кўрсатиб турибдики, биринчидан, сезгилар фаоллик хусусиятига эга, иккинчидан уларнинг вужудга келишида ҳаракат таркиблари иштирок этади.

АҚШлик психолог **Неффнинг** таъкидлашича, микроскоп остига олиб терига игна санчилса, худди шу участкада рефлектор ҳаракат реаксиялари кузатилган: томирнинг ҳисиши, тери галваник рефлекс, гоҳо кўз ҳаракати, бўйин мускулларининг, таранглашувчи қўлнинг ҳаракат реаксияси содир бўлиши мумкин.

Жаҳон психологлари томонидан нарсаларнинг мураккаб томонларини таниш, фарқлаш ҳаракатнинг иштирокисиз амалга ошмаслиги таъкидлаб ўтилган. Масалан, кўзни юмиб, жисмни фарқлаш учун қўл билан уни пайпаслаш керак, акс ҳолда унинг ҳолати, шакли, қаттиқ ёки юмшоқлиги ғадир-будурлигини билиб, сезиб бўлмайди.

И.М.Сеченовнинг фикрига кўра жисмни кўз билан идрок қилиш учун кўз ўша нарсани "қидирсин", фақат шундагина мақсадга мувофиқ ҳаракат юзага чиққан бўлади. Ҳозирги даврда психология фанида кўз ҳаракатлари назарияси ишлаб чиқилган бўлиб, улар макро ва микро ихтиёрий ва ихтиёрсиз кўринишларга ажратилади. Улар қуйидаги номлар билан ифодаланади:

Конвергент, дивергент, горизонтал, вертикал, парсимон ва бошқалар. Кўз ҳаракати ёрдами билан фазода ўрин алмашиб турган жисмларни топиш, билиб олиш ва иденфикасиялаш амалга оширилади. Кўз ҳаракатлари уч жуфти ташқи мускуллари, яъни мия бош суягининг ИИИ, ИВ ва ВИ жуфт нервлари орқали рўёбга чиқади, кўзнинг макро ва микро ҳаракатлари сезгининг механизми ролини бажариш имкониятига эга.

Жаҳон психология фани маълумотларига қараганда сезгилар атроф-муҳит тўғрисида ва ўзимиз ҳақимизда ягона билиш манбаи сифатида хизмат қилади. Сезгилар шундай бир ахборот каналики, улар ташқи оламдан ва ички тана аъзоларидан келадиган барча ҳолатлар, таассуротлар худди шу йўллар орқали мия пўстига йетиб боради, инсонга таъсирларга нисбатан тўғри жавоб реаксиялари қайтаришга ёрдам беради.

Ҳис этиш ёки сезгининг филогенетик тараққиёти шуни кўрсатадики, ҳайвонларда маълум нарсани сезиш, ҳис этиш уларнинг биологик жиҳатдан зарурият эҳтиёж эканлигига қараб ривожланган.

Бу ҳолатлар кўпинча хориж олимлари томонидан изчил равишда ўрганилган, уларнинг ўзига хос омиллар механизмлари мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Масалан, турли асалари хатти-ҳаракатлари кузатилганда, гулга ўхшаш мураккаб геометрик шаклга нисбатан асаларининг дифференсировкаси осон кечган. Агарда шу мураккаб геометрик шакл гулларга оид бўлмаса, у ҳолда арида дифференсировка жуда қийинчилик билан вужудга келган. Тадқиқотчи Боснинг кузатишича, жониворлар қурт-қумурсқаларга хос бўлган товушларга нисбатан худди шу турдаги ҳаракатларга бефарқлик билдирмаган, мобода товушлар қаттиқ ва тез суръатда кечса, уларга ҳеч қандай эътибор бермаган. Ушбу вазифани олим биологик шартланганликдан келиб чиққан табиий эҳтиёж, инстинкт билан узвий боғлаган.

С.В.Кравков (1893-1951) маълумотларига кўра бир сезги аъзоларининг фаолияти иккинчисининг таъсири туфайли ўзгаради, товуш асосан кўриш сезгиси, ёруғлик сезувчанлигини орттиради, шунга ўхшаш турли ҳидлар ҳамда ёруғлик ва ҳид билишга нисбатан сезгирликни ошириши ёки камайтириши мумкин. Бундай ўзаро таъсир сабабли мия устуни юқори қисми ва кўриш бўртиқларига тегишли ўсимталарнинг яқин жойлашганлиги туфайли бошқасига ўтиши осонроқ амалга ошади.

Бундан ташқари сезгиларнинг ўзаро қўзғалиши ва тормозланишини ўрганиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга, чунки айрим ҳолларда автоматик бошқариш туфайли унга учишда сунъий сезгирликнинг пасайиши ёки ортиши зарурати туғилади**. И.П.Павлов** томонидан анализаторларнинг мураккаб ўзаро таъсир шакллари мавжуд эканлиги қайд етилгандир. Улар бевосита бош мия пўстида намоён бўлиб, бир вақтнинг ўзида кўраётган жисмни, ешитилаётган товушни, келаётган ҳидни сезишимизда ўз ифодасини топади. Бу бош мия пўстида кечадиган физиологик жараёнларни босиб ўтиши зарур бўлган зоналар перекретик зоналар деб номланади. Сезгиларнинг классификасияси уларнинг турли спесифик тавсифларига, яъни моддаллигига қараб эмас, балки ташкил етилишининг ҳар хил даражаларига қараб ҳам ажратилади.

Сезгиларни объектив йўналиши бўйича **Йе.Н.Соколов, Виноградовлар** текширганлар ва улар пассив жараён эмаслиги, вегетатив елементлар физиологик нафас олиш тизимида ўзгаришга сабаб бўлишини тушунтириб берилган. Ушбу вақт рефлектор ўзгаришларни сезгининг объектив кўрсаткичи сифатида ишлашга имконият яратади. Маълумки, сезгини пайдо қилувчи ҳар бир қўзғатувчи, рефлектор жиҳатдан юзага келувчи жараёнларни чақиради, чунончи томирларнинг торайишини, тери галваник рефлекторларнинг пайдо бўлиши, тери қалинлигининг ўзгариши миянинг електр фаолиятининг ўзгариши, кўзларнинг қўзғатувчи томон бурилиши кабилар. Буларнинг ҳамма сезги жараёнларнинг пайдо бўлишини ўз ичига олади. Худди шу сабабдан улар сезгиларнинг объектив кўрсаткичлари тариқасида хизмат қила олади.

Тажрибаларда шу нарса қайд етилганки, қўзғатувчилар интенсивлиги ошган сари жавоб реаксияси ҳам интенсивроқ бўлиб борар экан. Бу эса сезгиларнинг интенсивлигини асос сифатида ишлатишга муҳим негиз ҳозирлайди. Томир ва електрофизологик реаксиялар чэгараларга одатдаги қўзғатувчиларга қараганда яқин қўзғатувчиларга нисбатан кескинроқ бўлади.

Таянч тушунчалар

Адаптасия (лот. Адаптаре мослаштирмоқ) - сезги аъзоларининг қўзғовчи кучига мослашуви натижасида муайян сезгирликнинг ўзгариши.

Аккомодасия (юнон. Аккомадатио - мослашиш) - кўзнинг турли масофадаги нарсаларни кўришга мослашуви.

Анализатор (юнон. Аналусис бўлакларга ажратиш) - мураккаб нейрофизиологик тизим, одамга таъсир этувчи қўзғалишларни идрок этиш ва уни таҳлил қилиш.

Афферентасия (лот, афференс (афферентис) - келтирувчи) - ташқи ва ички қўзғатувчилар орқали сезги аъзоларига таъсир этиш асосида пайдо бўлган нерв тизимига келиб туриш жараёни.

Бинокуляр кўриш - (лот бини - жуфт, окулийс - кўз) - битта объектнинг ўзини ҳар иккала кўз билан баробар кўриш.

Вебер-Фехнер қонуни - қўзғовчи кучнинг ўзгариши билан ҳосил бўлган муайян сезги кучининг ўзгариши ўртасидаги ўзаро муносабатни ифодалашдан иборат психофизиологик қонун.

Вестибуляр аппарат (лот. вестибултуу – бошланғич, аппаратус - асбоб) - фазодаги ҳаракатларнинг йўналишининг ҳолати ва бундай ҳаракатлар йўналишининг ўзгаришини кузатиб баҳолаб туришга ёрдам берадиган анализатор (ички қулоқда жойлашган).

Интероресептив сезгилар - (лот. интериор - ички, редпиере - олмоқ) - ички аъзоларга жойлашган ресепторлар.

Кинестетик сезги (юнон. кинео - ҳапакатга келтираман) - ўз тана аъзоларининг ҳолати ва харакатини пропреоресепторлар таъсири остида сезиш.

Сезги - психик акс эттириш нинг оддий усули тариқасида ҳайвонларга ҳам, одамларга ҳам хос хусусият. Воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим белги ва хусусиятларини билиб олишни таъминлайди.

Сезги аъзоларининг ўзига хос қуввати - сезги аъзоларнинг махсус қуввати ҳақидаги қонун бўлиб, бу қонунга биноан сезги аъзолари ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг таъсирини акс еттирмай, балки сезги аъзоларининг ўзига хос қувватини қўзғовчи ташқи туртки деб ҳисобланади (М.Мюллер).

Сезги чэгараси - сезгининг мутлоқ чэгараси. Минимал кучга эга бўлган қўзғовчининг билинар - билинмас таъсирини сезишга сезгининг кучи чэгараси, қўзғовчининг енг юқори кучга эга бўлган таъсирини сезишга - сезгининг юқори (максимал) чэгараси дейилади.

Сезгирлик - ўта сезувчанлик, сезги аъзоларининг ўзига таъсир етиб турган қўзғовчиларнинг салгина ёки унчалик фарқ қилмайдиган таъсирини ажрата олиш қобилияти.

Проприоресептив сезгилар (лот. проприус - хусусий, махсус, ресипере - қабул қилмоқ) - тананинг турли қисмларидаги ҳолатлардан ва уларнинг ҳаракатларидан дарак берувчи сезгилар.

Сенсибилизасия (лотин. сенсибилис - сезувчан) - ички омиллар таъсири натижасида
анализаторлар сезгирлигининг ортиб кэтиши.

Сенсор сезгилар (лот, сенсус - сезги, ҳис) - сезги аъзоларига тааллуқли сезгилар. Сенсорика сезги ва идрокни умумлаштирувчи тушунчадир.

Синестезия (юнон. синеистссус - биргаликда сезиш) - турли хилдаги сезгиларнинг ўзаро таъсири натижасида қўшилиб кэтиши, (жумладан, ешитиш ва кўрув сезгилари ва ҳ.к.)

Таъм билиш - сезги тури (ширин, аччиқ - чучук, тузли). Анализатор тил ўзагидаги нерв тугунлари ҳамда бош мия пўстлоқ қисмидаги таъм билиш марказидадир.

Фарқ қилиш чэгараси - қўзғовчилар ўртасидаги билинар - билинмас фарқни сезиш. Бу аввалги қўзғовчилар билан кейинги қўзғовчилар ўртасидаги қандайдир фарқ борлигини сеза олишда ифодаланади.

Екстероресептив сезгилар - ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг турли хусусиятлари ҳақида дарак берувчи сезгилар мас., кўриш, ешитиш, ҳид ва таъм билишдан иборат ташқи сезгилар.

Ҳид билиш сезгиси - сезги тури, хилларини акс эттириш жараёни. Унинг анализатори бурун тўсиқининг шиллиқ пардасида жойлашган ва унинг маркази бош мия пўстлоқ қисмидадир.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Сезгилар ҳақида умумий тушунча.
2. Сезгиларнинг таснифи.
3. Сезгиларнинг турлари.
4. Сезги соҳасидаги қонуниятлар.
5. Психология фанида сезги назариялари.
6. Вебер-Фехнер қонуни.

Тест топшириқлар

1.Сезги бу ...

А) енг оддий психик жараён бўлиб, нарса ва ҳодисалар ўзига хос хусусиятларини онгимизда акс этишидир Б) ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларга муносабат В) сезги органларимизга таъсир етиб, онгимизда тўлиқ акс этишиГ) есга тушириш, есда сақлаш

Д) шахс хулқ-атвори, хусусияти Д) оддий елементар сезувчанлик бўлиб, ташқи таъсирни қабул қилиш ҳисобланади.

2.Инсоннинг барча сезгилари қайси сифатларга қараб классификасия қилинади?

А) екстросептив, интросептив, проприосептив Б) интерактив, коммуникатив

В) екстросептив, персептив Г) интеросептив, персептив Д) екстросептив, коммуникатив

3.Екстросептив сезгиларга қандай сезгилар киради?

А) таъм билиш Б) ҳид билиш В) тери Г) кўриш, ешитиш Д) барча жавоблар тўғри

4.Ешитиш сезгиларининг сифати қайси қаторда кўрсатилган?

А) овоз баландлиги Б) овознинг кучи В) овоз тебри Г) кортиев марказлари

Д) овоз баландлиги ва овознинг кучи

5.Сезги қонуниятлари қайси қаторда кўрсатилган?

А) бирлик Б) доимийлик В) давомийлик Г) сезги остонаси Д) барча жавоблар тўғри

6.Сезгининг кучи нимага боғлиқ?

А) таъсир кучига Б) ҳимоя кучига В) ешитиш сезгисиГ) кўриш сезгисига

Д) ҳис қилиш сезгисига

7.Интеросептив сезилар бу ...

А) идрок ва сезгининг бирлиги Б) органик сезгилар В) кинетик сезгиларГ) вестибуляр аппарат Д) тўғри жавоб йўқ

8.Сезги кучи таъсир этувчи кучига логорифмик пропорсионалдир мазкур қонун муаллифлари қайси қаторда кўрсатилган?

А) Сеченов, Давидов Б) Дубровин, Павлов В) Вебер-Фехнер Г) Кузмина-Личко Д) Мехлер-Кабанова

9.Сезгилар хусусияти қайси қаторда кўрсатилган?

А) адаптасия, сенсибилизасия, сенестезия Б) структуравийлиги В) предметлиги Г) константлиги Д) мантиқийлиги, константлиги

10.Сезги органларини уларга таъсир этувчи стимулларга мослашиш бу...

А) сенсибилизасия Б) сенестезия В) адаптасия Г) константлиги Д) интеросептив

11.Сенсибилизасия бу...

А) бир сезгига таъсир этувчи қўзғатувчилар йиғиндисиБ) машқ қилиши натижасида сезги органларини сезувчанлиги ортишиВ) кўз гавқарини мослашиши

Г) предметларни у ҳақидаги маълумотларни жамланган ҳолати Д) тўғри жавоб йўқ

12.Бир сезгига таъсир этувчи қўзғатувчи иккинчи сезгини юзага келишига сабаб бўлади. Мазкур қонуният нима деб аталади?

А) адаптасия Б) константлиги В) сенестезияГ) сенсибилизасия

Д) коммуникативлик

13.Адаптасия турлари:

А) нэгативизм, коммуникатив.Б) позитив, нэгатив В) субъект, объективГ) тактик нэгатив Д) таъм билиш, ешитиш

14.Қорни очликни, чанқашни сезиш қайси сезги турига оид?

А) тўйиш Б) органик В) ешитиш Г) таъм билиш Д) тери сезгиси

15.Екстроресетив сезгилар модалликдан ташқари яна қандай туркумларга ажратилади?

А)Пропроресептив.Б)Интеросептив.В)Вестибулятор.Г)Интермодал носпесифик.

Д) барча жавоблар тўғри

16.Психологик маълумотларга кўра гавданинг фазодаги ҳолати, қайси сезгилар орқали сезилади?

А)Статик сезгилар.Б)Екстроресептив сезгилар.В)Интеросептив.Г)Носпесифик.Д)Барча жавоблар тўғри

17.Терининг фото сезгирлиги ким томонидан кашф қилинган?

А)И.Мюллер Б)А.Н.Леонтев В)И.Павлов Г)А.Орбели, А.Р.Лурия Д)П.Х.Анохин

18.Вибрасия сезгилар қайси қаторда кўрсатилган?

А) Кўриш, ешитиш.Б) ҳидлаш, тери сезгилари.В) Пайқаш Г) Пайқаш, маза-таъм

Д) Кўриш, ешитиш ҳидлаш, тери сезгилари

19."Онг" ва "Ақл" тарихий еволюсия натижаси эмас, деб инсон психикасига ўзгача ёндашув уни изоҳлаб бериш мумкин бўлган бирламчи хусусият эканлигини илгари сурган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) И.Павлов Б) А.ОрбелиВ) Волф Г) А.Р.Лурия Д) Х.Волф, И.Павлов

20.Психология тарихида "субъектив идеализм" деган йўналиш ҳам юзага келган бўлиб, унгача, инсон факат ўзилигини билади холос. Бу назария ўзига хос ғояга эга бўлиб фан тарихида кандай ном олган?

А) Спесифик.Б) Вестибулятор.В) Носпесифик.Г) Солипсизм.Д) тўғри жавоб берилмаган

21.Психологияда кўзнинг тур пардасида рангни сезадиган неча хил хусусиятли елемент бор деб айтилади?

А) 5 хил.Б) 6 хил ва ундан ортиқ.В) 14 хил.Г) 2 хил. Д) 3 хил.

22.Туйиш сезгилар физологик асоси бош миянинг қайси қисмида жойлашган?

А) Чап пўстлоқ қисмида.Б) Бош мия катта ярим шарларида.В) Онг остида.

Г) Бош мия пўстининг орқадаги марказий пуштасида.Д) Чап пўстлоқ қисмида бош мия пўстининг орқадаги марказий пуштасида

23. А.Р.Лурия фикрич Сезгилар асл, туб маънодаги сезгилар эмас, балки эмосиялар билан сезгилар ўртасидаги оралиқ сезгилар сифатида намоён бўлади, мазкур таърифда кайси сезги тури кўзда тутилган?

А) Екстроресептив. Б) Интеросептив.В) Пропроресептив.Г)Екстроресептив интеросептив.

Д) Тўғри жавоб йўқ.

24.Биринчи туркум сезгиларига нималар киради?

А) Кўриш, ешитиш, ҳид билиш, таъм билиш, тери туюш.Б) Нерв систэмаси, кўриш,

В) Таъм билиш, ҳаракат сезгилари.Г) Тери орқали сезиш.Д) Орқа миядан чиқувчи сегментар қисм.

25.Сезгилар классификасияси дастлабки ким томонидан ишлаб чиқилган?

А) А.Р.Лурия Б) И.Павлов.В) А.Орбели Г) Ч.ШеррингтонД) Н.А.Бернштейн

26.Интросептив сезгиларнинг физиологик механизмлари ким томонидан ўрганилган?

А) П.К.Анохин, А.Орбели Б) Н.А.БернштейнВ)К.М.Биков, В.Н.Черниговский

Г) А.Орбели, К.М.Бихов Д) А.Р.Лурия, П.К.Анохин

27.Қайси анализаторда позитив адаптасия қоронғулик адабтасияси деб аталади?

А) Кўриш Б) Ешитиш В) Таъм билишГ) Ҳид билиш Д) Органик

28.Периферик ресепторларда жойлашган махсус таначалар нима деб номланади?

А) Пуччини.Б) Афферент.В) Ешитиш нерви. Г) Уч тармоқли нерв.Д) Тери юзасида ешитиш нерви

29.Инсон қайси сезги туридан маҳрум бўлса, у уйқу ҳолатига шунғийди?

А) Тери туюш сезгиларидан.Б) Ахборотлар шохобчасидан.В) Кўриш, ешитишдан.

Г) Ҳид билишдан. Д) Ҳид билиш ва тери туюшдан.

30.Сезгиларнинг носпесифик шаклига кўра терининг фото сезгиларини, рангларни нозик жилоларини ажратиш қандай руёбга чиқади?

А) Бош миядан чиқувчи.Б) Тери туюш орқали сегментар қисм орқали.

В) Кўриш орқали. Г) Қўл учлари билан сезиш орқали.Д) Тери туюш орқали сегментар қисм орқали, қўл учлари билан сезиш орқали.

Назорат саволлари

1. Сезги тушунчасининг мазмунини изоҳланг?
2. Сезгиларнинг нерв физиологик асослари нималар билан белгиланади?
3. Сезги қандай асосга кўра класификасия қилинган?
4. Сезгиларнинг турларини сананг?
5. Сезги соҳасидаги қонуниятларни изоҳланг?
6. Психология фанида сезги назарияларининг моҳиятини изоҳланг?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
3. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
4. Джемс В. Психология.- М., 1991
5. Запорожец А. В. Избранные психологические труды: В 2-х т. Т. Психическое развитие ребенка / Под ред. В. В. Давыдова, В. П. Зинченко. — М.: Педагогика, 1986.
6. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
7. Крылова А. Л, Функциональная организация слуховой системы: Учебное пособие. — М.: Изд-во МГУ, 1985.
8. Лурия. А.Р. Ощущения и восприятие.- М.: Изд-во Мгу 1975
9. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
10. Немов Р. С. Психология: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3-х кн. Кн. 1: Общие основы психологии. — 2-е изд. — М.: Владос 1998
11. Общая психология: Курс лекций / Сост. Е. И. Рогов. — М.: Владос, 1995.
12. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
13. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
14. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
15. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
16. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

ИДРОК

Идрок ҳақида тушунча.

Идрок сезгиларга нисбатан мураккаб ва мазмундор психик жараён бўлиб, барча руҳий ҳолатлар, хусусиятлар, хоссалар ва инсон онгининг яхлит мазмуни эгалланган билимлар, тажрибалар, кўникмалар бир даврнинг ўзида намоён бўлади, акс эттириш да иштирок этади.

Идрок сезгига нисбатан бир мунча мураккаброқ, тўлароқ акс эттириш жараёни бўлиб, сезги аъзоларимизга таъсир етиб турган нарса ва ҳодисаларни бутун белги ҳамда хусусиятлари билан бутунлигича, яъни яхлит акс эттириш дан иборатдир. Масалан, олмани кўрган пайтимизда унинг шакли, ранги,

таъми, ҳиди ва нави билан биргаликда бир бутун нарса тарзида идрок етамиз. Демак, идрок қилиш жараёнида деярли барча сезгиларимиз қатнашади.

Шунинг учун ҳам идрок сезгига нисбатан анча мураккаб акс эттириш жараёнидир.

Шахс теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг фақат айрим хоссаларини онгда акс еттириб қолмайди, балки уларнинг барча хоссаларини биргаликда бир бутун ҳолда ҳам акс эттиради.

Психологик адбиётларда идрок тушунчасига турлича таърифлар учрайди. Жумладан М.Воҳидовнинг "Психология" дарслигида **идрок** деб сезги аъзоларимизга таъсир етаётган нарса ва ҳодисаларни яхлит ҳолича акс эттириш га айтилади, деб келтирилади.

В.Каримованинг "Психология" ўқув қўлланмасида **идрок** бу билишимизнинг шундай шаклики, у борлиқдаги кўплаб хилма-хил предмет ва ҳодисалар орасида бизга айни пайтда керак бўлган объектни хосса ва хусусиятлари билан яхлит тарзда акс эттириш имизни таъминлайди.

Келтирилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда идрокка қуйидигича таъриф бериш мумкин: **Идрок**-деб сезги аъзоларига бевосита таъсир етиб турган нарса-ҳодисалар образларини киши онгида бир бутун ҳолда акс еттирилишига айтилади.

Киши нарса-ҳодисаларнинг айрим хоссаларини сезади. Уни бир бутун ҳолда идрок қилади. Чунки нарса ва хосса бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди. Одам нарсаларни идрок қилаётганда унинг айрим хоссаларини сезади. Масалан: чақмоқ қандни идрок қилинади, унинг ширинлиги сезилади. қуёшни идрок қилинади, унинг иссиқлиги сезилади ва бошқалар.

Идрок қўзғатувчиларнинг айрим хусусиятларини акс еттирувчи сезгилардан фарқ қилиб, нарсани бутунлигича, яхлитлигича, унинг ҳамма хусусиятлари билан биргаликда акс еттирилади. Шунинг учун идрок айрим сезгиларнинг оддий йиғиндисидан иборатдир, деган хулоса чиқариб бўлмайди. Идрок ўзига хос тузилишга эга бўлган ҳиссий билишнинг сифат жиҳатидан янги юксакроқ босқичидир.

Идрокнинг муҳим томонларидан бири - унинг хусусиятларини турли жабҳалар, вазиятлар, шароитларда намоён бўлишидир. Идрокнинг муҳим хусусиятларидан бири - бу фаол равишда бевосита акс эттириш имкониятининг мавжудлигидир. Одатда инсоннинг идрок қилиш (персептив) фаолиятини унинг ўзлаштирилган билимлари, тўплаган тажрибалари шунингдек, мураккаб аналитик-синтетик ҳаракатлар тизими замирида юзага келади.

Идрокнинг яна бир муҳим хусусияти, унинг нарса ва ҳодисаларни умумлашган ҳолда акс еттирилишдир. Маълумки, инсон психикасига кириб бораётган кўп қиррали, кўп ёқлама амаллари идрок қилиш билан чекланиб, чэгараланиб қолмасдан, балки ўша мажмуа аниқ қисм ёки ҳодиса сифатида баҳоланади.

Идрокнинг навбатдаги хусусияти унинг ҳаракатчанлиги ва бошқарувчанлигидир. Масалан: тошкўмир ёруқликда ёқду сочади, оқ қоғоздан кўпроқ нур балқийди. Лекин инсон бу нарсаларни "қора" ва "оқ" деб идрок

қилади, вужудга келган бевосита субъектив таассуротларга нисбатан ўзгартиришлар, тузатишлар киритади.

Идрок жараёнида деярли барча сезгиларимиз иштирок еца ҳам идрок сезгиларимизнинг оддий йиғиндисидан иборат деб бўлмайди. Идрок жараёнида турли сезгиларимиздан ташқари одамнинг шу пайтгача орттирилган турмуш тажрибаси ҳам иштирок этади. Одам ўз турмуш тажрибасида жуда кўп нарса ва ҳодисаларни такрор-такрор идрок қилгани туфайли одамнинг идроки англанилган харакатларга эгадир. Шунинг учун йетарли турмуш тажрибасига эга бўлган одам (яъни катта ёшли одамлар) идрок қилаётган нарсаси нима эканлигини англашга ёрдам беради. ҳеч қандай турмуш тажрибасига эга бўлмаган одам, (яъни чақалоқ, болалар) идрок қилаётган нарсаси нима эканини ҳали мутлақо билмайди.

Идрок жараёни шунчаки оддий акс эттириш дан иборат эмас. Идрок жараёнида одамнинг диққати, хотираси, тафаккури, хаёли, ҳиссиёти ва иродаси иштирок этади. Чунончи, одам диққатини қаратмасдан (йўналтирмасдан) бирорта нарсани ҳам мутлақо идрок ета олмайди.

Диққат қаратилгандагина таъсир етаётган нарса ва ҳодисаларни равшан идрок етамиз. Идрок жараёнида одамнинг илгари орттирган турмуш тажрибаси иштирок қилар экан, бинобарин идрок жараёни одамнинг хотираси билан боғликдир.

Идрокда ҳар доим хусусан таниш жараёни иштирок этади. Таниш жараёни қатнашаётганини туфайли одам идрок қилаётган нарсаларини дарров англаб ола билади. Машҳур рус физологларидан **И.И.Сеченовнинг** таъкидлашича, одам ҳозирги идрокидан ҳосил бўлган образлар илгариги идрокларида вужудга келган ва хотирасида сақланиб қолган образлар билан таққослаб кўради. Агар ҳозирги идрокдан ҳосил бўлган образ илгари худди шу нарсани идрок қилишдан вужудга келтирилган образга
тўла мос келса, айни чоқда идрок қилаётган нарсасини танийди. Аксинча, агар ҳозирги идрокдан ҳосил бўлган образ илгариги образга мос келмаса, яъни айни чоғда идрок қилаётган нарсани одам танимаса идрок давом еттирила беради. Идрок жараёнида нутқ ва тафаккурнинг қатнашиши шунда намоён бўладики, ҳар бир идрок ниҳоясига бориб, ҳукм шаклида, яъни чигал гап шаклида ифодаланади. Чунончи одамни ёки бирор идишни идрок қилаётганимизда идрокимизни, "бу пиёла" деб тугаллаймиз. Нарсаларнинг номини аташ билан идрокимизнинг мазмунини равшанлаштирамиз. Агар идрок жараёнида нарсаларнинг номини атай олмасак, яъни идрок қилаётган нарсалар бизга нотаниш қандайдир янги нарсалар бўлса, ундай пайтда идрок жараёнидаги тафаккур фаоллашиб кетади. Одам идрок қилаётган нарсаси нима эканлиги ҳақида ўйлай бошлайди.

Идрок жараёнида хаёлнинг қатнашиши шунда кўринадики, одам ўзидан алланималарни қўшиб, идрок қилаётган нарсасидан ҳосил бўлган образнинг мазмунини кенгайтириб юборади. Масалан, осмондаги тўда-тўда булутларга қараб, уларнинг шаклини нималаргадир ўхшатиш мумкин. Идрок жараёнида хаёлнинг иштирок қилиши, хусусан, болаларда яққол кўринади.

Идрок жараёнида ҳис-туйғуларнинг иштирок қилиши шу идрок қилаётган нарсаларимизга нисбатан ҳосил бўладиган муносабатларимизда кўринади.

Одам идрок қилаётган ҳамма нарсаларга нисбатан бир хилда муносабатда бўлмайди. Агар одам илгари бирор нарсани идрок қилаётган пайтда қаттиқ хафа бўлган, кайфияти бузилган бўлса, шу нарсани яна иккинчи марта идрок қилганда яна ҳиссиётларга нисбатан бўлса ҳам содир бўлади. Бундан ташқари идрок ҳиссий ҳолатнинг иштироки яна шунда очиқ равшан кўринадики, одам қаттиқ қўрқинч ҳиссини бошидан кечираётган пайтда идроки янглиш бўлади, яъни кучли ҳиссий ҳолат таъсирида айрим нарсалар бошқача бўлиб кўринади. Чунончи кечаси қоронғи кўчада қўрқиб келаётган одамга рўпарасидаги тўнка писиб, пойлаб, ўтирган одамга ўхшаб кўринади. Шунинг учун ҳам " қўрққанга қўша кўринар" деган халқ мақоли бежиз айтилган эмас. Аксинча, одамнинг кайфияти чоқ, хурсанд пайтида ҳамма идрок қилаётган нарсалари чиройли ва ёқимли бўлиб туюлади.

Маълумки, идрок сезги аъзолари асосида вужудга келади. Ҳар бир идрок жараёнида бир неча сезги аъзоси иштирок этади. Лекин улардан бири енг муҳим ўринда туради. Масалан, суратни идрок қилишда кўриш органи, мусиқа ва нутқни идрок қилишда ешитиш органи йетакчилик қилади. Идрок жараёнида қайси сезги аъзосининг йетакчилик ролини ўйнашига қараб, идрокни бир неча турларга ажратиш мумкин. Масалан, кўриш идроки, ешитиш идроки, ҳид билиш идроки, таъм билиш идроки ва бошқалар. Бундан ташқари идрокнинг аралаш тури ҳам мавжуд бўлиб, бунда бир неча анализатор биргаликда иштирок этади. Масалан, кинофилмни идрок қилишда кўриш ва ешитиш сезгиси иштирок этади. Теварак атрофдаги нарса ва ҳодисалар бир-бирига боғлиқ. Улар муайян маконда маълум вақтда содир бўлади. Шунингдек, улар бир-бирларига ва идрок қилувчига нисбатан маълум муносабатда шакл, ҳажм ва бошқа хоссаларга эгадир.

Сезгилар енг оддий елементар психик жараёндир. Идрок эса сезгиларга қараганда мураккаб психик жараён қисобланади. Идрокнинг мураккаблиги қуйидагиларда ифодаланади:

- ✓ Ҳар бир идрок таркибига айни вақтда бир неча сезги киради. Масалан, қовунни идрок қилиш, бунда қуйидаги сезгилар иштирок этади, қовуннинг шакли ва рангини акс еттирувчи кўриш сезгиси, ҳидини акс еттирувчи ҳид сезгиси, мазасини акс еттирувчи таъм билиш сезгиси, ҳаракатини акс еттирувчи тери сезгиси ва бошқалар. Бу сезгилар таҳлил ёрдамида ажратиб олинади ва идрокнинг персептив томонини ташкил қилади. Улар иштирокида нарсанинг барча хоссалари бир бутун ҳолда акс еттирилади. Бу эса идрокнинг персептив томонини ташкил қилади.
- ✓ Ҳар бир идрок таркибига кишининг ўтмишда ҳосил қилинган билим ва тажрибалари киради.

Идрокнинг нерв физиологик асоси

Идрок ҳам сезги каби рефлектор жараён ҳисобланади. **И.П.Павлов** бўйича идрокнинг негизини теварак-атрофимиздаги нарса ва ҳодисалар ресепторларга таъсир этиши натижасида бош миянинг катта ярим шарлари қобиқида ҳосил бўладиган шартли рефлексларнинг муваққат нерв боғланишлари ташкил этади. Ташқи оламдаги нарсалар ва ҳодисалар комплекс қўзғатувчи сифатида хизмат қилади. Анализаторларнинг қобиқ бўлинмалар ўзагида ана шу комплекс қўзғатувчиларнинг мураккаб таҳлили ва синтези

амалга оширилади. Идрок сезгиларга қараганда миянинг анча юксак даражадаги таҳлил қилиш, умумлаштириш фаолияти ҳисобланади. Таҳлил қилмасдан туриб, идрокнинг англанган бўлиши мумкин эмас. Жумладан, нотаниш хорижий тилда айтилган нутқ бошдан-оёқ товушлар оқими тарзида идрок етилади. Нутқнинг англанган ҳолда идрок етилиши, яъни у тушуниши учун нутқнинг алоҳида ибораларга моҳият эътибори билан сўзларга ажратиш шартидир. Айни пайтда нутқни идрок этиш жараёнида таҳлил билан баб-баравар тарзда синтез қилинади, шу туфайли биз алоқида тарқоқ товушларни эмас, балки сўзларни ва ибораларни идрок етамиз. Муваққат нерв боғланишларининг ўрнатилиши синтезнинг негизини ташкил қилади. Идрокнинг негизи нерв боғланишларининг икки туридан, битта анализатор доирасида ҳосил бўладиган боғланишлардан ва анализаторлараро боғланишлардан таркиб топади. Биринчи ҳолат организмга битта модалликдаги коплекс қўзғатувчи таъсир етганда кузатилади. Ешитиш анализаторларига таъсир қиладиган алоҳида товушларнинг ўзига хос бирикмасидан иборат куй ана шундай қўзғатувчи бўлиши мумкин. Ушбу комплекснинг ҳаммаси битта мураккаб қўзғатувчи сифатида таъсир қилади.

Комплекс қўзғатувчининг таъсири остида ҳосил бўладиган нерв боғланишларининг бошқа бир тури ҳам борки, улар турли хилдаги анализаторлар доирасидаги боғланишлардан иборатдир. **И.М.Сеченов** нарсани ёки фазони кўриш кинестезик, пайпаслаш ассосиасиялари орқали ва бошқа сезгиларнинг ассосиасияси орқали идрок етилишини изоҳлаб берган еди.

Кишидаги боғланишларга албатта сўзнинг ешитилиши билан образи ҳам қўшиладики, унда муайян нарса ёки фазога муносабат гавдаланган бўлади. Идрок негизида ҳосил бўладиган муваққат нерв боғланишлари ташқи оламдаги нарсалар ва ҳодисалар хусусиятларининг объектив боғланишлар асосида таркиб топади. Анализаторлар ўртасида ҳосил бўладиган боғланишлар туфайли биз идрокимизда нарса ва ҳодисаларнинг бунинг учун мослашган анализатор бўлмаган хусусиятларини (масалан, нарсанинг ҳажми, солиштирма оғирлиги) ҳам акс еттирамиз.

Шунинг учун ҳам биз идрок қилганимизда оламни сезгиларимизга нисбатан чуқурроқ қилиб оламиз. Бу муваққат нерв боғланишлар нарса-ҳодисанинг биргина хоссаси билан эмас, балки барча хоссалари комплекс қўзғатувчилар таъсири билан вужудга келади. Масалан, талаба бутун бир дарс жараёнида идрок қилаётганда ўқитувчини кўради, унинг нутқини тинглайди, ёзади. Бу комплекс қўзғатувчилар кўриш, ешитиш, мускул-ҳаракат ресепторларини қўзғайди. Комплекс қўзғатувчиларнинг анализаторларнинг мия пўсти қисмидаги ядроларида мураккаб таҳлил ва синтез қилиши амалга ошади. Идрок жараёнида таҳлил билан бир вақтда синтез ҳам рўй беради. Шунинг учун биз айрим товушларни эмас, бутун сўз ва ибораларни идрок қиламиз. Демак, идрокнинг нерв физиологик асосида иккинчи
сигнал тизимининг муваққат нерв боғланишлари ётади. Муваққат нерв боғланишларининг ҳосил бўлиш жараёнини синтез асосини икки хил нерв боғланишлари ташкил қилди.

Бир анализатор доирасида ҳосил бўладиган боғланишлар бир нарсадаги комплекс қўзғалувчиларининг организмга таъсир этишдан вужудга келади.

Масалан, ешитиш анализаторига таъсир қиладиган айрим товушларнинг ўзига бирикиши шундай қўзғовчи бўла олади. Мусиқа тинглаш, расм кўриш, улар анализаторлараро боғланишлар, бир нарса ёки бир неча анализаторларга таъсир этади. Масалан, кўриш, мускул анализаторлари, маъруза, монолог.

Кузатиш ва кузатувчанлик.

Идрокнинг ўзига хос жуда муҳим хусусиятларидан яна бири кузатувчанликдир. Умуман олганда идрок жараёнининг ҳаммаси кузатиш билан ҳар доим узвий боғлиқ. Чунки одам идрок қилаётганида ниманидир кузатади. Лекин ихтиёрсиз идрок жараёнидаги кузатиладиган нарса ва ҳодисалар одамнинг есида сақланиб қола бермайди.

Кузатишнинг муваффақияти олдиндан қўйиладиган тайёргарликка, кишининг билим ва тажрибаларига, диққатининг кучига ва фикрлаш фаоллигига боғлиқ. Кишининг режали, тизимли ва давомли ихтиёрий идрок қилиш қобилиятини **кузатувчанлик** дейилади. Кузатувчанлик шахснинг шундай хислатидирки, бунда у нарса ва ҳодисаларнинг унга билинмайдиган муҳим характерли хусусиятларини пайқай олади.

Академик И.П.Павлов кузатувчанликнинг илмий билимдаги аҳамиятига юксак баҳо берган. У Санкт-Петербург яқинидаги Павлова шаҳридаги физиология институтининг олди томонига *"Кузатувчанлик, кузатувчанлик ва яна кузатувчанлик"* деб ёздириб қўйган.

Идрокда объект ва фон

Одамга жуда кўп нарса ва ҳодисалар таъсир қилиб туради. Булар шундай кўп хоссаларга эгаки, ҳатто одам бир вақтнинг ўзида уларга жавоб реаксияси қайтара олмайди. Одам кўп сонли қўзғовчилардан фақат айримларини аниқ ҳолда ажратиб олади. Шу ажратиб олинган нарса ҳодисалар эса фон саналади. Идрок қилинадиган нарсани ўраб турган бошқа нарса, жисм ёки ҳодисаларга нисбатан объект ҳисобланиб, объектнинг атрофдагилари эса **фон** дейилади. Масалан, ўқитувчи бир дарсда бир неча ўқувчилардан сўрайди. Ҳар сафар сўраётганларни кўради. Чақирилган ўқувчи унинг жавоби хатти-ҳаракати идрок объекти ҳисобланади.

Муайян шароитда шахс томонидан идрок қилинадиган нарса ёки жисм идрокнинг **объекти** деб аталади. Бошқа ўқувчилар фаолияти идрок фони бўлиб қолади. Идрок фонига кирган ўқувчи жавоб бериш учун чақирилиб қолса, идрок объектига айланади ва аксинча. Демак, идрок объекти ва фони динамик табиатга эга бўлиб, доимо ўзгариб туради. Объект ва фоннинг динамиклиги бош мия катта ярим шарлари пўстида вужудга келадиган оптимал қўзғалиш ўчоқининг алмашиниши билан тақозо етиладиган диққатнинг бир объектдан бошқа объектга ўтиши билан изоҳланади. Идрок фонидан объектни ажратишнинг психологик қонуниятларини иккиланган тасвирлар, шредерлар зинапояси, предмет контурларини ажралиши кабиларда аниқ кўриш мумкин.

Жуда кўп ҳолларда объектни фондан тез ва аниқ ажратиб олиш учун уни алоҳида ранг, шакл ва белгилар билан таъкидлаб қўйилади. Масалан, транспорт белгилари, темир йўл ишчилари махсус тўқ сариқ рангли кийим киядилар ва бошқалар.

Апперсепсия

Идрокнинг ўзига хос хусусиятларидан бири идрок жараёнига бутун психик ҳаёт мазмунининг (яъни бутун маънавий бойлигининг) таъсир этишидир. Юқорида айтилганидек, идрок жараёни одамнинг турмуш тажрибаси билан боғлиқ экан, бинобарин, идрок жараёнига билим бойлиги одамнинг ишонч, еътиқодлари, дунёқараши, қизиқиш ва эҳтиёжлари ҳамда касби таъсир қилади. Психологияда идрок
жараёнига одамнинг бутун маънавий ҳаёт бойлигини таъсир этишини апперсепсия деб юритилади. **Апперсепсия -** идрок жараёнини шахснинг олдинги билимлари, шахсий ва ижтимоий тажрибалари, қизиқишлари, мотивасияси, эҳтиёжлари ва одатлари, умуман руҳий ҳаётининг барча мазмуни билан белгиланишидир. Апперсепсия ҳодисаси туфайли одамлар ўзаро идрокининг мазмуни билан бир-бирларидан муайян даражада тафовутланадилар, яъни улар айнан бир хил нарсани узининг билими, савияси, нуқтаи назари, дунёқараши ва ижтимоий келиб чиқишига асосланган ҳолда турлича идрок қиладилар ҳамда акс эттирадилар. Масалан, даладаги гуллаб турган пахтани оддий бир талаба билан тажрибали агроном идрок қиладиган бўлса, албатта, уларнинг идроклари, яъни пахтани акс эттириш лари жуда катта фарқ бўлади. Талаба шунчаки, одатдаги оддий бир пахта сифатида акс еттирса, агроном пахтанинг қандай нави, тараққиётнинг қайси босқичда эканлиги, тахминан қанча ҳосил бериши ва шу кабилар билан бирга чуқур ҳамда жуда тўла идрок этади. Педагогик ва психологик билимларга эга бўлган тарбиячи билан бундай билимлардан мутлақо хабарсиз бўлган оддий бир онанинг болаларидаги турли ехтиёжлар ва ҳаракатларни идрок қилишлари ўртасида кескин фарқ мавжуд. Масалан, илдиз тушунчасини болалар ўсимликларнинг моддий асоси сифатида, математиклар сонларнинг илдизи кўринишида, ижтимоий нуқтаи-назардан қариндош-уруғчилик шаклида кўз олдига келтирадилар. Апперсепсия тушунчаси баъзи ҳолларда идрокнинг аниқлиги, тўлиқлиги, равшанлиги, предметлилиги, танловчанлик каби сифатларнинг маъноси ўрнида қўлланилган. Психологик назарияларига кўра, апперсепсия ҳодисаси барқарор ва вақтинча (муваққат) деб юритилувчи икки турга ажратилади. Барқарор апперсепсия ҳодисаси шахснинг дунёқараши, қатъий маслаги,
мотивасияси, қизиқиши, билим савияси, маданий даражаси, хулқ-атвори, маънавияти ва касбий тайёргарлигига боғлиқ бўлиб, у ўта мураккаб тузилишга эгадир. Муваққат (вақтинча) апперсепсия тури эса шахснинг фақат идрок қилиши жараёнидаги емосионал ҳолатига, яъни унинг кайфияти, руҳланиши, шижоати, стресс, аффект кўринишидаги ҳис-туйғуларида, уларнинг суръати, давомийлиги тизимида ўз ифодасини топади.

Идрок хусусиятининг яна бир ўзига хос хусусияти унинг константлигидир. **Идрокнинг константлиги** деганда биз идрок қилишдан онгимизда ҳосил бўлган образнинг реал воқеликдаги бизга таъсир етиб турган нарсанинг табиий ҳолатига ҳар жиҳатдан мос бўлишини тушунамиз. Маълумки, нарсаларнинг ҳажми (катта ёки кичиклиги) шу нарсаларни қандай масофадан (узокдан ёки яқиндан) идрок қилаётганимизга қараб ўзгариб туради. Лекин шундай бўлса ҳам идрок қилишдан ҳосил бўлган нарсаларнинг

онгимиздаги образлари ҳамма вақт шу нарсанинг табиий ҳолатига мос бўлади, масалан, катта йўлда кетаётиб, узоқдан гугурт қутичасидек кичкина бўлиб келаётган автобусни кўриб, "кичкинагина автобус" келяпти демаймиз. Узоқдаги автобусни идрок қилишда онгимизда ҳосил бўлган образ автобуснинг реал ҳажмига тенг бўлади. Ёки тепамиздан катта баландликда учиб кетаётган ҳозирги замон йирик пассажир самолётларини кўриб, кичкина самолётчалар учиб кэтишаяпти, деб айтмаймиз. Бироқ шу нарсани айтиш керакки, идрокнинг константлиги ҳусусияти ҳам одамнинг турмуш тажрибаси билан боғлиқдир. Чунончи, умрида ҳеч қачон ҳозирги замон катта пассажир самолётларини кўрмаган одам баланд учиб кетаётган самолётни идрок қилиб, унинг реал ҳажмини (қанчалик катталигини) тасаввур ета олмайди.

Кўришда масофа, ранг, шакл, ҳажм константликлари рўй беради. қаламни 20 ва 1см масофадан идрок қилиш, доскани 1 ва 10 м масофадан идрокқилиш, оқ қоғоз ёки қуёшда, хона ичида, коридорда ҳам оқ идрок қилинади. Константлик ҳодисасида одам нарсаларни кўз шуур пардасига тушган суратига айнан мувофиқ кўрмайди, балки улар ҳақиқатдан қандай мавжуд бўлса, шундай кўради. Бу кишининг тажрибаси, оммавий фаолияти жараёнида вужудга келади.

Иллюзия

Идрок жараёнининг навбатдаги яна бир ўзига хос хусусияти идрок қилишда баъзан юз берадиган иллюзия ҳодисасидир. **Иллюзия** - бизга таъсир қилаётган нарсаларни янглиш идрок қилиш демакдир. Одатда икки хил иллюзия фарқланади:

а) объектив иллюзия;

б) субъектив иллюзия.

Объектив иллюзия - ҳамма одамлар учун умумий характерга эга бўлиб, уни геометрик иллюзия деб ҳам юритилади. Объектив иллюзия биз идрок қилаётган нарсаларнинг ўзаро бир-бирига таъсири туфайли юз беради. Иллюзиянинг бу тури ҳар хил геометрик шаклларни идрок қилишда жуда яққол кўринади. Масалан, узунлиги баравар бўлган иккита горизонтал тўғри чизиқ чизилса, бу чизиқларнинг учларига ташқарига қаратилган ва ичкарига қаратилган чизиқ каттароқ бўлиб кўринади. Идрок жараёнида юз берадиган иллюзиянинг бу турига жуда кўплаб мисол келтириш мумкин. Масалан, баравар катталикка эга бўлган учта кетма-кет турган тўғри бурчакли устунчаларни чизиб, уларнинг атрофига узоқлаштирувчи чизиқларни чизсак, бу учта кетма-кет турган устунчалар ҳар хил катталикда бўлиб кўрина бошлайди. Бу ерда узоқлаштирувчи чизиқларнинг таъсирида иллюзия ҳосил бўлади.

Субъектив иллюзиялар одамнинг айни чоғдаги ҳиссий ҳолати билан боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, одамнинг ҳиссий ҳолатида рўй берадиган ўзгаришлар идрок жараёнига таъсир қилади. Масалан, юқорида айтиб ўтилганидек, одам кечаси ёлғиз кўчада қўрқиб кетаётган бўлса, ҳар бир шарпа унинг қўрқинч ҳиссини кучайтириб юборади. Натижада унинг рўпарасидан чиқиб қолган буталган дарахт қандайдир даҳшатли мавжудотга ўхшаб кўринади.

Ҳаётда кенг тарқалган ҳар хил инс-у жинс, девлар, ажиналар ва шу каби ножинс нарсалар ҳақидаги кўплаб гаплар кучли қўрқинч ҳисси таъсирида

нотўғри идрок қилиш, яъни субъектив иллюзия туфайли вужудга келгандир. Баъзан одам қаттиқ қўрққан пайтида бош мия катта ярим шарларининг пўстидаги муҳим марказлардан бирортаси узоқ муддатли тормозланиш ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Буни академик И.И.Павлов ҳаётни муҳофаза қилувчи тормозланиш деб атаган еди. Ана шундай пайтда тормозланиб қолган марказ билан боғлиқ бўлган организмнинг бирор қисмида кескин ўзгариш пайдо бўлади. Чунончи одамнинг оғзи ёки кўзи қийшайиб қолиши мумкин ёки ҳўли, оёқи фалаж бўлиб қолиши мумкин.

Субъектив иллюзия ҳодисаси, яъни қаттиқ қўрқинч ҳисси таъсирида нотўғри идрок қилиш ҳодисаси болаларда ҳам учраши мумкин. Шунинг учун ана шу юғоридаги мулоҳазаларни, яъни янглиш идрок натижасида пайдо бўладиган қўрқинчли образларни назарда тутиб, ҳеч вақт болаларни қўрқитиш керак эмас.

Психологияда кўриш иллюзияларининг ўрганилиши муайян ўзининг тадқиқот тарихига эга. Масалан, агарда биз кўрсаткич ва ўрта бармоқларимизни чалиштириб, нўхот ёки биронта думалоқ нарсани чалиштирган ҳолда иккала бармоқимизнинг учи билан босиб туриб, шунингдек айни бир даврда айлантираверсак, бу ҳолда бармоқларимизнинг тагида битта эмас, балки иккита нўхот бордек ҳис қиламиз.

Ана шу ҳолдаги бир нарсанинг иккита бўлиб сезилиши **Аристотел (Арасту) иллюзияси** деб аталади.



Идрок қилувчи шахснинг психикасида рўй берадиган ўзгаришлар билан юзага келадиган тасодифий иллюзиялар ҳам мавжуддир. Сахрода чанқаган инсон узоқда ярқираб турган шўрҳок йерни кўл деб идрок қилиши (лекин бу иллюзияни сахродан фарқ қила олиши жоиз) ёки ўрмондаги тўнка қўрқоқ инсоннинг кўзига биронта йиртқич ҳайвонга ўхшаб кўриниши худди шу иллюзиялар жумласидандир.

Ўқ чизиқлари иллюзияси узунлиги баравар бўлган икки ўқ чизиқнинг четларига икки хил (кесишмайдиган ва кесишадиган) чизиқлар чизилса, иллюзия пайдо бўлади. Яъни, кесишадиган чизиқлар ўқ чизиқга нисбатан кесишмайдиган чизиқлар чизилган, ўқ чизиқидан узунроқ бўлиб кўринади. Бу иллюзия кесишадиган ва кесишмайдиган чизиқлар тамойилларига асосланган.



Параллел қилиб чизилган бир неча чизиқлар параллел эмас, балки ҳар хил томонга кесилган чизиқлардек туюлади.

"Темир йўл" иллюзияси кесишадиган тўғри чизиқларнинг торроқ жойига жойлашган чизиқ узунроқ бўлиб кўринади. Аслида эса ҳар иккала параллел чизиқнинг узунлиги тенгдир.

Иккита баровар доира шаклини чизиб, улардан бирини ўша доирадан каттароқ, иккинчисини эса кичикроқ доиралар ичига олинса, иккинчи доира каттароқ кўринадиган бўлиб қолади. Яъни кичик доиралар ўртасида берилгани катта доиралар орасида берилганига қараганда каттароқ бўлиб кўринади.

Биринчи одамга қараганда иккинчиси узунроқ, учинчиси эса ундан ҳам узунроқ бўлиб кўринади. Аслида эса улар баландлиги жиҳатидан бир - бирига тенг.



Тик чизиқларни ортиқча баҳолаш иллюзияси силиндрнинг баландлиги, ҳошиясининг кенглигидан каттароқ бўлиб кўринади. Аслида силиндирнинг баландлиги ва ҳошиясининг кенглигига баб-баровар. "Елпиғич" илюзияси-параллел чизиқлар орасидаги чизиқларнинг таъсири билан баъзида егилгандек, баъзида эса бурилиб кетгандек бўлиб кўринади.

Дарёда сузиб кетаётган катта ва кичик икки кема палубаси узунлиги жиҳатидан бир-бирига баровар тўғри чизиқ кесмалари билан тасвирланган бўлсада, катта кема палубаси узунроқ бўлиб кўринади.

"Жонли доиралар" иллюзияси. Катта ва кичик доиралар чизилган расмлар айланмайди, албатта. Лекин китобни қўлга олиб, уни ўнгдан чапга ёки чапдан ўнгга бир неча секунд айлантирсак, доиралар гўё айланаётгандек туюлади.

Галлюсинасия

Воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг тана аъзоларини қабул қилиш анализаторларга бевосита таъсир етмасдан инсон онгида турли образларнинг (овозларнинг ешитилиши, шарпаларнинг сезилиши) хаёлан, фикран пайдо бўлишидан иборат идрокнинг психопаталогик (руҳий хасталик) ҳодисасига **галлюсинасия** дейилади. Галлюсинасия ҳодисаси муваққат руҳий хасталикнинг аломати, баъзан қўрқинч ҳисси маҳсули ҳисобланиб, бош мия катта ярим шарлари қобиқидаги қўзғалиш жараёнларининг нуқсонли суст

(патологик) ҳаракати натижасида гоҳо асаб тизимининг заҳарланиши, заифлашуви, ҳаддан ташқари толиқиши туфайли юзага келиши мумкин. Галлюсинасия ҳодисаси бир неча хил кўринишга эга бўлиши мумкин, уларнинг енг асосийлари қуйидагилардан иборатдир: а) йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши; б) у ёки бу овозлар, товушлар ешитилиши; в) йўқ шарпалар, ҳидлар сезилиши кабилардир.

Одатда иллюзияни галлюсинасиядан фарқ қила олиш лозим. Иллюзия шу лаҳзада шахснинг сезги аъзоларига таъсир етиб турган бирор нарсани янглиш, нотўғри идрок қилиш жараёни бўлса, галлюсинасия йўқ мавжуд бўлмаган нарсаларни ташқи таъсуроциз идрок қилишдир. Масалан, йўқ нарсаларнинг кўзга бордек кўриниши, йўқ овозларнинг қулоққа ешитилиши, йўқ ҳидларнинг димоққа урилиши кабилар галлюсинасиянинг маҳсули бўлиб ҳисобланади. Галлюсинасия шахснинг бирор нарса ва ҳолатни кўргандек, ешитилгандек, ҳис қилгандек каби тасаввурнинг акс этишидир холос. Галлюсинасия ҳодисаси кўпинча касалликдан (иситма, алаҳсирашдан) дарак берувчи аломатдир, у нерв тизимини бузадиган касалликларнинг оқибатида рўй бериши мумкин.

Идрокнинг таснифи

Идрокни классификасия қилишда қуйидаги 3 та муҳим томони ҳисобга олиниши керак ва улар қуйидаги жадвалда келтирилган.



- ***Идрок жараёнида қайси анализаторнинг йетакчи рол ўйнашига қараб:*** кўриш, ешитиш, тери туйиш кнестезик ҳаракат, ҳид билиш ва таъм билиш идроклари бир-биридан фарқ қилади.
- ***Яшаш шаклларига қараб идрок:*** фазони вақтни ва ҳаракатни идрок қилишга бўлинади.
- ***Идрок фаоллик даражасига қараб***: ихтиёрсиз ва ихтиёрий шаклларга бўлинади. Бунга сабаб идрокнинг диққат билан узвий боғлиқлигидир. Диққат идрокнинг фаоллигини оширади ҳамда идрокнинг мукаммал, равшан, аниқ бўлишига хизмат қилади.

Маълумки идрок одатда ихтиёрий ва ихтиёрсиз бўлади. Ихтиёрсиз идрок ҳамиша ихтиёрсиз диққат билан боғлиқ бўлиб, муайян бир мақсадсиз, ҳеч қандай ирода кучи сарф қилинмасдан амалга оширилади. Ихтиёрсиз идрок бирор нарсани тўсатдан, таъсир етаётган нарсаларнинг бошқа нарсалардан кескин фарқ қилиши, ҳаддан ташқари оригиналлиги, ёрқинлиги натижасида

юзага келади. Ихтиёрсиз идрок одамнинг бутун фаолияти давомида узлуксиз давом етиб, айрим пайтларда ихтиёрий идрок билан алмашиниб туради. Лекин шундай бўлса ҳам инсон ҳаётида ихтиёрий идрокнинг роли бениҳоя каттадир.

Ихтиёрий идрок олдиндан белгиланган муайян бир мақсад асосида амалга оширилади. Идрокнинг иштироки асосан ихтиёрий идрокда намоён бўлади. Чунки ихтиёрий идрок кўпинча одамда иродавий зўр беришни талаб қилади. Масалан, дарсни ихтиёрий идрок билан ешитиб ўтириш одамдан анчагина ирода кучини талаб қилади. Умуман олганда, ҳар қандай ихтиёрий идрокда албатта диққат қатнашади.

Теварак-атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларни яхлит акс эттириш дан иборат бўлган ирода жараёнининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари бордир. Одатда икки идрок тури фарқ қилинади. Улардан бири содда идрок бўлса, иккинчиси мураккаб идрокдир. Содда идрок деганда атрофимиздаги турли-туман нарсалари масалан, хонадаги стол-стуллар, шкафлар ҳамда шкафлардаги ўйинчоқларни идрок қилиш содда идрок қилишдан иборатдир.

Идрокни тасниф қилишда материянинг яшаш шакллари - фазо, вақт, ҳаракат асос қилиб олинади, унга кўра идрок қуйидаги турларга ажратилади:

1. ***Фазони идрок қилиш***
2. ***Вақтни идрок қилиш***
3. ***Ҳаракатни идрок қилиш***

Фазони идрок қилиш

Фазони идрок қилиш воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг фазода эгаллаган ўрнини, шаклини, миқдорини, бир-бирига нисбатан муносабатлар билиш жараёнининг шаклидир. Воқеликни идрок қилиш орқали инсон борлиқ тўғрисида, унинг хусусиятлари, хажми, масофаси (ич томонни, чуқурлиги) юзасида муайян маълумотлар, хоссалар, ахборотлар тўплаш, уларни фарқлаш имкониятига эга бўлади.

Фазони идрок қилиш ундаги нарсаларнинг шаклини, ҳажмини ва ўзаро муносабатларини акс эттириш дир. Демак, фазодаги нарсалар уч ўлчовда идрок қилинади; нарсаларнинг шакли: уч бурчакли, тўрт бурчакли, куб, квадрат, доира, конус ва бошқалар. Нарсаларнинг ҳажми катта, кичик, ўртача, йирик, майда ва бошқалар. Нарсаларнинг бир-бирига ва идрок қилувчига муносабати: ўнгда, чапда, юқорида, пастда, узоқда ва ҳоказо. Фазони кўриш, тери, мускул-ҳаракат органлари билан идрок қилинади. Фазони бир кўз билан ёки икки кўз билан идрок қиламиз. Монокуляр идрокда нарсаларнинг четларидан келаётган нурлар битта кўзнинг тўр пардасида акс этади. Бу нурлар кўз гавҳарларида бир-бирини кесиб ўтади ва уларнинг кесишган жойида кўриш бурчаги ҳосил бўлади. Бу бурчакнинг катта-кичиклигига ҳамда унинг кўздан қанчалик узоқ-яқинлигига боғлиқ. Кўз гавҳарларининг ва
умуман кўзнинг нарсаларни енг яхши кўриш учун мослашувини **аккомадасия** дейилади.

Одатда фазодаги нарсаларнинг шакли, ҳажми ва ўзаро муносабатларини икки кўз билан бинокуляр идрок қилинади.

Биз бир нарсага икки кўз билан қараймиз. Лекин нарса битта акс этади. Бунинг сабаби ўша нарсадан келадиган нурларнинг кўз пардасига мос ёки мос бўлмаган нуқталарига тўғри келишидир.

Нарсаларнинг фазо муносабатини бинокуляр идрок қилишда конвергенсия муҳим аҳамиятга эга.

Конвергенсия - бирор нарсага қараганда иккала кўз соққасининг қаншар томон баб-баробар бурилишидир. Конвергенсия масофани, чуқурлигини аниқ, тўлиқ идрок қилишга имкон беради.

Вақтни идрок қилиш

Одамда инсон томонидан вақтни идрок қилиш асосан руҳий ҳодисалар, ҳолатлар, вазиятлар, хусусиятларнинг ўзаро ўрин алмашинуви туфайли намоён бўлади ва ўзига хос тузилиши билан мазкур жараённинг бошқа шаклларидан фарқ қилиб туради. Вақтни идрок қилиш инсон томонидан акс еттирилаётган вақт бирлигининг объектив (ҳаққоний, холис) мазмунига, шахснинг ўзига нисбатан муносабатига боғлиқ бўлиб, шу мезон орқали унинг маҳсулдорлиги ўлчанади. Масалан, шахснинг эҳтиёжи мотивасияси, қизиқиши ва интилишларига мутаносиб вақт бирлигини, идрок бирлигини идрок қилган тақдирдагина вақт объектив жиҳатдан кечинмалар, ҳис-туйғуларга нисбатан шахснинг ижобий, ҳаққоний муносабатларида тез ўтгандай идрок қилинади, одатда ёқтирмаслик идрок майдонига (қамровига) номутаносиблик эса шахсда зерикиш, вақт "секин" ўтиш туйғусини уйғотади.

Биз идрок қилиб турган нарса-ҳодисалар муайян вахт давомида пайдо бўлади, ўзгаради ва ўтиб кетади. Вақт материя мавжудлигининг асосий шаклларидан биридир. Вақтни идрок қилиш воқеликдаги ҳодисалар ва уларнинг мунтазамлигини акс эттириш дир. Вақтни идрок қилиш объектив реалликни акс еттириб, кишини ўраб олган муҳитда мўлжал олишига имкон беради. Вақтни мўлжал олиш ориентировкаси миянинг пўст бўлимлари ёрдамида амалга ошади. Лекин вақтни идрок қилувчи махсус аъзо мавжуд эмас.

Вақтни идрок қилишда турли анализаторлар қатнашади, бироқ вақтлар оралиқининг бир мунча аниқ фарқини кинестезик ва ешитиш сезгилари беради.

Марказий асаб тизимида бош мия катта ярим шарларида қўзғалиш ва тормозланишнинг ритмик алмашинуви вақтни идрок қилиш асосида ётади. Агар бош мия пўстида қўзғалиш жараёни устунлик қилса, вақт "тез" ўтгандек, агар тормозланиш устунлик қилса, вақт "секин" ўтгандек идрок қилинади. Вақтнинг "тез" ёки "секин" ўтиши кишининг вақтга ва диққати йўналтирилган объектга муносабатига ҳам боғлиқ. Масалан, бирор дарснинг ўтиши, кинофилмни кўриш, автобус ёки бирор кишининг келишини кутиш ва ҳоказо. Одамлар вақтни объектив белгилаш, унинг оралиқини тўғри фарқлашга имкон берадиган нарсалар ой, қуёш, юлдузлар ҳаракатидан фойдаланиб келганлар.

Ҳаракатни идрок қилиш

Биосфера ва носферадаги ҳаракатларни идрок қилиш жисмларнинг (баъзан нисбий жиҳатдан бошқа ижтимоий-сиёсий, табиий ҳолатларнинг) фазодаги (ижтимоий ҳаётдаги) ўрин алмашинувини бевосита (бавосита) акс эттириш дан иборатдир. Шу сабабдан, ҳаракат таққосланмасдан идрок қилиниши илмий психологик манбаларда қайд қилиб ўтилади. Мабодо ҳаракатдаги жисм уни қуршаб турган ҳаракациз бошқа жисмларга таққосланган ҳолда идрок қилинса, бундай тоифадаги ҳаракат нисбатан идрок қилиш деб аталади. Агарда ҳаракатланаётган жисм ҳеч қандай нарса билан

таққосланмасдан идрок қилинса, бу кўринишдаги ҳаракат эса нисбат берилмасдан нисбациз идрок қилиш дейилади.

Теварак-атрофдаги нарса-ҳодисалар муайян вақт давомида ўз ўринларини алмаштириб турадилар. Кишилар нарса-ҳодисаларнинг фазода ўрин алмаштириб туришини, яъни ҳаракатини ҳам идрок қиладилар. ҳаракатни идрок қилишда кўриш ва кинестезик анализатор асосий рол ўйнайди. Тезлик, тезланиш ва ҳаракатнинг йўналиши ҳаракат қилаётган объект параметридир. Одам нарсаларни ҳаракати ҳақида икки йўл билан маълумот олиши мумкин.

- Ҳаракатни бевосита идрок қилиш
- Ҳаракат ҳақида хулоса чиқариш.

Ҳаракатни бевосита кўриш орқали идрок қилиш икки хилдир.

а) кўзни ҳаракатдаги нарса билан бирга юритиш

б) кўзни бир нуқтага қаратиб туриш.

Ҳаракат тез ёки секин бўлаётгандек идрок қилинади. Ҳаракатни бундай идрок қилиниши нарсаларнинг объектив тезлигига ва унинг идрок қилинувчидан қанчалик узоқ яқинлигига боғлиқ Ҳаракатни ешитиш анализатори ёрдами билан ҳам идрок қилинади.

Таянч тушунчалар

Агрозия - идрокнинг бузилиши. Аграфия миянинг маълум бир жароҳатланишида натижасида содир бўлади

Апперсепсия (лот. ар - га, қарашли, персептио - идрок) - шахс идрокининг аввалги билим ва тажрибаларига ҳамда унинг умумий қизиқиш, хавасларига боғлиқлиги.

Аттраксия (фр. аттрактион - қизиқиб интилмоқ, талпинмоқ) - бир кишини бошқа киши кўриб қолганда, идрок етганда юз берадиган тафаккур тури.

Аудивизуал идрок (инг. аудио - ешитмоқ висион - кўрмоқ) - бир вақтнинг ўзида ҳам ешитиб, хам кўриб идрок қилиш.

Галлюсинасия (лот. - синатио - алаҳлаш) - реал воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг анализаторларга бевосита таъсирисиз онгимизда турли образларнинг ҳаёлий равишда пайдо бўлишидан иборат психопатологик ҳодиса.

Идрок - сезги аъзоларига таъсир етиб турган нарса ва ҳодисаларни бевосита яхлитлигича акс эттириш жараёни.

Идрокнинг константлиги - (лот. константис - ўзгармас, доимий) - идрок шароити ўзгарсада, идрок қилишдан ҳосил бўлган нарса образларнинг (уларнинг шакли, ранги, ҳажми) нисбатан ўзгармаслиги, турғунлик ҳолати.

Идрокнинг предметлилиги - жамики оламдан олинган маълумотларни - ахборотларни ички олам объектига киритиш хусусияти.

Идрокнинг бутунлилиги - идрок хусусиятларидан бўлиб, бу сезги аъзоларига бевосита таъсир етиб турган объектларни, уларнинг белги ва хусусиятлари билан биргаликда қўшиб идрок қилишдан иборат.

Иллюзия - (лот. иллусио - алдаш) - борлиқнинг нотўғри идрок етилиши.

Кузатувчанлик - шахс хусусиятларидан бири, у кишининг идрок қилиш жараённда нарсаларни камдан-кам учрайдиган аммо муҳим томонларини пайқай олишида намоён бўлади.

Персептив ҳаракатлар (лот. регсертио - идрок етмоқ) - идрок жараёнининг асосий тузилиши бирлиги, бу идрок объектларини билиб олиш ва уни хотира образлари билан солиштиришдан иборат.

Персептив тизим - идрокнинг муайян жараёнини таъминловчи анализаторлар йиғиндиси.

Предметлилик (идрокда) - объективлаштириш ҳолати, унда ташқи оламдан олинадиган маълумотлар қайта ва шу борлиқ билан солиштирилади ва натижада идрокнинг ҳақиқий буюм ва нарсаларни қабул қилишини таъминлайди.

Танловчанлик - идрокнинг хусусияти, буни шахснинг йўналиши ёки унинг тажрибасини белгилаб беради.

Туюш - идрок турларидан бири, бу тактил ва мускул - ҳаракат сезгиларидан иборат.

Фазони идрок қилиш - воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг фазода тутган ўрнини, шаклини, миқдорини уч ўлчов асосида (баландлик, кенглик, узунликда) бевосита акс эттириш .

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Идрок ҳақида тушунча.
2. Идрокнинг мураккаблиги.
3. Идрокда кузатиш ва кузатувчанлик.
4. Идрокнинг хоссалари.
5. Идрокда обек ва фон, апперсепсия, константлиги.
6. Идрокда иллюзия ва галлюсинасия.
7. Идрокнинг таснифи.
8. Харакатни идрок қилиш.
9. Вақтни идрок қилиш.
10. Фазони идрок қилиш.
11. Идрокнинг англанганлиги ва предметлиги.

Тест топшириқлари

1.Идрок бу ...

А) сезги аъзоларига бевосита таъсир етиб турган нарса ва ҳодисаларнинг образларининг киши онгида бир бутун ҳолда акс еттирилишидирБ) шахс теварак-атрофидаги воқеаларни акс этиши В) бор нарсани нотўғри англаш Г) йўқ нарсани ҳис қилиш Д) сезги аъзоларига таъсир етиб турган нарса ва ҳодисалар айримларини акс этиши

2.Сезги аъзоларимизга бевосита таъсир етиб туриб, онгимизда бир бутун ҳолда акс этишига ... дейилади.

А) сезги Б) идрок В) хотира Г) хаёл Д) тафаккур

3.Галлюсинасия - бу ...

А) бор нарсани нотўғри идрок қилиш Б) шахснинг идрок қилиш қобилиятиВ) йўқ нарсаларни идрок қилиш Г) идрокнинг шахс ва унинг тажрибасига боғлиқлиги Д) йўқ нарсани нотўғри англаш

4.Йўқ нарсаларни идрок қилиш бу ...

А) идрок Б) хаёл В) галлюсинасия Г) иллюзия Д) хотира

5.Нарсаларнинг шароити ўзгарсада образининг ўзгармаслиги бу...

А) идрок Б) сезги В) хотира Г) галлюсинасия Д) идрок константалиги

6.Идрок константалиги бу...
А) нарсалар шароити ўзгарсада образи ўзгармаслиги Б) шахснинг идрок қилиш қобилияти В) идрокнинг шахс ва унинг тажрибасига боғлиқлиги Г) вақтни идрок қилиш
Д) ҳаракатни идрок қилиш
7.Иллюзия бу...
А) бир нимани ҳис қилиб англаш Б) шахснинг идрок қилиш қобилияти В) идрокнинг шахсга боғлиқлиги Г) бор нарсани нотўғри, янглиш идрок қилиш Д) йўқ нарсани идрок қилиш
8.Апперсепсия - бу ...
А) шахснинг адаптасион даври Б) ўсмирликнинг ўтиш даври кризисиВ) вақтни, қаракатни идрок қилиш Г) йўқ нарсани идрок қилиш Д) идрокнинг шахс ва унинг тажрибасига боғлиқлиги
9.Объект ва фон бу...
А) шахс учун айни пайтда аҳамиятли нарса (объект), муҳим бўлмаган нарса (фон). Б) Сезги ва идрокнинг бир-бирига боғлиқлиги В) уйни, гулни батафсил идрок қилиш Г) нарсаларнинг ҳажмини идрок қилиш Д) тўғри жавоб йўқ
10.Шахс учун айни пайтда аҳамиятли нарса бу ...
А) хотира, хаёл Б) объект, фон В) сезги, идрок Г) объект Д) хотира, хаёл , объект, фон
11.Идрокнинг мураккаблигини нимада кўрамиз?
А) сезги ва идрок бир-бирига узвий боғлиқлиги Б) ҳар бир идрок таркибига айни пайтда бир неча сезги киради В) ҳар бир идрок таркибига кишининг ўтмишда ҳосил қилинган билим ва тажрибалари киради Г) идрок жараёнида ҳис-туйғулар ҳам иштирок этади
Д) ҳар бир идрок таркибига айни пайтда бир неча сезги киради ва ҳар бир идрок таркибига кишининг ўтмишда ҳосил қилинган билим ва тажрибалари киради
12.Кузатиш тушунчасининг мазмуни қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) кузатиш идрокнинг мустақил фаолияти Б) идрокнинг ҳис-туйғуларига таянади
В) диққат идрок фаоллигини ошириш Г) нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлиги
Д) диққатни уюштира олиш
13.Кузатувчанлик бўйича қайси олим кўп илмий тадқиқот олиб борган?
А) Жуков Б) И.П.Павлов В)И.М. Сеченов Г) Ч.Дарвин Д) Йе.Личко
14.Конвергенсия бу - .....
А) бирор нарсага қараганда иккала кўз соққасининг қараш томон баб-баровар бурилиши Б) нарсаларнинг фазо муносабатини бинокуляр идрок қилиш В) одатдаги нарсаларни идрок қилиш Г) кўз пардаси Д) вақтни идрок қилиш
15.Одам нарсаларнинг ҳаракати ҳақида икки хил йўл билан маълумот олади. Улар…….
А) ҳаракатни бевосита идрок қилиш Б) ҳаракат ҳақида хулоса чиқариш В) кўзни ҳаракатдаги нарсага қаратиш Г) кўзни нуқтага қаратиб туриш Д) ҳаракатни бевосита идрок қилиш ва ҳаракат ҳақида хулоса чиқариш

16.Ҳаракатни бевосита кўриш орқали идрок қилиш икки хил кўринишга эга. Улар.....
А) ҳаракатни бевосита идрок қилиш Б) ҳаракат ҳақида хулоса чиқариш В) кўзни ҳаракатдаги нарса билан бирга юритиш Г) кўзни бир нуқтага қаратиб туриш Д) кўзни ҳаракатдаги нарса билан бирга юритиш ва кўзни бир нуқтага қаратиб туриш
17.Идрокнинг ўзига хос хусусиятилари қайси қаторда кўрсатилган?
А) предметлиги, яхлитлиги Б) структуралиги В) константлиги, мантиқийлиги
Г) танланганлиги Д) барча жавоблар тўғри
18.Аккомадасия - бу.
А) кўз хрусталини ўзгариши Б) сезги ва идрок бирлиги В) хотира, идрок бирлиги
Г) диққатни идрок билан бирлиги Д) хаёл ва идрок бирлиги
19.Инсонни инсон томонидан идрок қилиниши нима деб аталади?
А) ижтимоий константлиги Б) ижтимоий персепсия В) ижтимоий коммуникативлик
Г) ижтимоий ташкилотчилик Д) коммуникасия, ташкилотчилик, персепсия
20.Тезлиги, аниқлиги, тўлалиги - бу идрокнинг .....
А) хусусияти Б) ҳаракат сифатлари В) идрокнинг сифатлари Г) идрокнинг предметлиги
Д) идрокнинг структуравийлиги
21.Идрокнинг индивидуал хусусиятлари қайси қаторда тўғри берилган?
А) аналитик турдаги Б) елементар В) синтетик-аналитик идрок Г) синтетик турдаги идрок
Д) синтетик-аналитик идрок, синтетик турдаги идрок
22.Идрок қилишда шпахс ўз фикрларини ва қарашларини ҳам киритиш унинг қандай турига киради?
А) субъектив тур Б) объектив тур В) иллюзия Г) синтетик тур Д) субсенсор идрок
23.Субсенсор идрок тушунчасининг мазмуни қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) мияга ҳис этиш органлари орқали йетиб келадиган сигналларни инсон томонидан онгсиз равишда идрок етилиши ва қайта ишланиши Б) идрок қилишда ўз фикрларини ва ҳарашларини киритиш В) адаптасия – мослашишдир Г) персептив фаолиятни патологик бузилиши Д) инсон онгида бирон-бир ҳодисага муносабатнинг ўзгариши
24.Аниқ, батафсил, қизиқишлар аралашмаган ҳолда идрок қилиш идрокнинг қайси турига боғлиқ?
А) объектив тур Б) субъектив тур В) фазовий идрок Г) ҳаракатли идрок Д) вақтли идрок
25.Ижтимоий персепсия ким томонидан тадқиқ қилинган?
А) Жуков Б) Смирнов В) Бодолев Г) Сеченов Д) Руссо
26.Инсонни инсон томонидан идрок етилиши ким томонидан тадқиқ етилган?
А) А.Р.Лурия Б) А.А.Бадалев В) И.Павлов Г) А.Орбели Д) Н.А.Берништейн

27.Психологик назарияга кўра апперсепсия ҳодисаси қандай турларга ажратилади?
А) Суст ва мустаҳкам. Б) Мувозанатлашган ва мувозанатлашмаган.В) Суст ва мустаҳкам мувозанатлашган ва мувозанатлашмаган Г) Барқарор ва вақтинча.Д) Тўғри жавоб берилмаган.
28.Идрок жараёнида муайян ҳодисаларни акс эттириш турлича аниқликда намоён бўлиши жаҳон психологиясида нима деб аталади?
А) Галлюсинасия. Б) Иллюзия.В) Аттраксия. Г) Яққол кўриниш Д) Барча жавоблар тўғри.
29. Аттраксия бу.....
А) Инсонни инсон томонидан идрок қилиш ҳодисаси.Б) Идрокнинг ҳаракатчан ва бошқарувчанлик хусусияти.В) Идрок хусусиятларининг турли вазиятларда, шароитларда намоён бўлиши.Г) Фаол равишда бевосита акс эттириш имкониятининг мавжудлиги.Д) Нарса ва ҳодисаларни идрок объектига тушиши билан уларнинг кетма - кет акс еттирилиши.
30.Психология фанида жуда кам тадқиқ қилинган идрок феноменларидан бири қайси қаторда кўрсатилган ?
А) Яққол кўриниш Б) Галлюсинасия.С) Иллюзия.Д) Аттраксия.Е) Тўғри жавоб берилмаган.

Назорат саволлари

1. Идрок тушунчасининг моҳиятини кўрсатинг?
2. Идрокнинг нерв физиологик асосларини кўрсатинг?
3. Идрокнинг мураккаблиги нималардан кўринади?
4. Идрокда кузатиш ва кузатувчанликнинг моҳияти нималарда кўринади?
5. Идрокда иллюзия ва галлюсинасия ҳодисаларини изоҳланг?
6. Идрокнинг таснифини изоҳланг?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гибсон Дж. Экологический подход к зрительному восприятию / Пер. с англ. под общ. ред. А. Д. Логвиненко. — М.: Прогресс, 1988.
3. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
4. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
5. Джемс В. Психология.- М., 1991
6. Запорожец А. В. Избранные психологические труды: В 2-х т. Т. Психическое развитие ребенка / Под ред. В. В. Давыдова, В. П. Зинченко. — М.: Педагогика, 1986.
7. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
8. Крылова А. Л. Функциональная организация слуховой системы: Учебное пособие. — М.: Изд-во МГУ, 1985.
9. Логвиненко А. Д. Психология восприятия: Учебно-методическое пособие для студентов факультетов психологии государственных университетов. — М.: Изд-во МГУ, 1987.
10. Логвиненко А. Д. Чувственные основы восприятия пространства. — М.: Изд-во МГУ, 1985.

11.Лурия. А.Р. Ощущения и восприятие.- М.: Изд-во Мгу 1975
12.Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
13.Немов Р. С. Психология: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3-х кн. Кн. 1:Общие основы психологии. — 2-е изд. — М.: Владос 1998.
14.Общая психология: Курс лекций / Сост. Е. И. Рогов. — М.: Владос, 1995.
15.Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
16.Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999
17.Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
18.Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
19.Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
20.Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

ХОТИРА

Хотира ҳаққида тушунча

Хотира биз илгари идрок қилган, бошдан кечирган ва бажарган ишларимизни ёдда сақлаш, кейинчалик уларни еслаш ёки хотирлаш жараёнидир. Биз ҳар куни янги нарсаларни биламиз, кун сайин билимларимиз бойиб боради. Хотира фаолиятида шахснинг ғоявий йўналиши катта ўрин эгаллайди. Бу йўналиш унинг фаолиятини ҳаёт шароити таъсирида шакллантиради. Киши ўзининг шу фаолияти учун муҳим бўлган воқеа, ҳодисаларни яхши еслаб қолади. Аксинча, киши учун кам аҳамиятга эга бўлган нарсалар ёмон есда қолдирилади ва тезда унутиб юборилади. Шу ўринда хотира борасидаги таърифларга қайцак, кўпгина адабиётларда хотира тушунчаси қуйидагича таърифланади. "Индвиднинг ўз тажрибасида есда олиб қолиши, есда сақлаши ва кейинчалик уни яна есга тушириши хотира деб аталади". Лекин мазкур таърифларни таҳлил қилган профессор **Е.Ғ.Ғозиев** томонидан хотира тушунчасига қуйидагича таъриф берилади. *"Хотира атроф-муҳитдаги воқелик (нарса)ни бевосита ва билвосита, ихтиёрий ва ихтиёрсиз равишда, пассив ва фаол ҳолда, репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантиқий ва механик йўл билан акс еттирувчи есда олиб қолиш, есда сақлаш, қайта есга тушириш, унутиш ҳамда таниш ҳиссидан иборат психик жараён. Алоҳида ва умумийлик намоён қилувчи ижтимоий ҳодиса барча таассуротларни ижобий қайта ишлашга йўналтирилган мнемик фаолиятдир"*.

Шуни таъкидлаш жоизки, келтирилган мазкур таъриф хотиранинг мураккаб, кенг қамровли жиҳатларини тўла таъкидлаш имкониятига эга.

Шахснинг йўналиши унинг қизиқишида ифодаланади. Кишининг қизиқиши хотирага аниқ ва кучли таъсир кўрсатади, яъни яхши есда олиб қолишни таъминлайди. Биз кўпинча у ёки бу нарса ва ҳодисаларни ёмон есда қолдирамиз. Бу хотирани ёмонлигини эмас, балки уларга қизиқиш йўқлигини кўрсатади. Масалан, ўқувчилар ҳамма фанларни бир хил ўзлаштира олмайдилар. Бу уларнинг ҳар хил хотирага эга эканликлар билан эмас, балки ўқитилаётган фанга қизиқишнинг ҳар хиллиги билан тушунтирилади. Есда олиб қолишга кишининг емосионал муносабати ҳам катта таъсир кўрсатади.

Киши учун яққол ҳаяжонли реаксия вужудга келтирувчи нарсалар онгда чуқур из қолдириб, пухта ва узоқ ёдда сақланади. Биз бир нарсадан таъсирлансак, ўша узоқ вақт есда сақланади. Самарали хотира кишининг ирода сифатларига ҳам боғлиқдир. Кучсиз, иродасиз, ишёқмас кишилар ҳар доим юзаки, ёмон хотирлайдилар. Аксинча, иродали, материални ўзлаштиришга астойдил киришадиган кишилар пухта ва чуқур еслаб қоладилар. Самарали хотира кишининг умумий маданиятига, унинг ақлий савиясига, билимига, уқувига фикрлаш қобилиятига, кўникмаа ва одатларига ҳам боғлиқдир. Шундай қилиб, хотиранинг табиати ва унинг самаралилиги шахснинг хусусиятлари билан боғлиқдир. Шахс ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифалари асосида ўзининг хотирлаш жараёнини онгли равишда тартибга солади ва бошқаради.

Хотира соҳасида қуйидаги асосий жараёнлар: есда олиб қолиш, есда сақлаш, есга тушириш ва унутиш бир-биридан фарқ қилинади. Бу жараёнлар фаолиятда таркиб топади ва белгиланади. Маълум материални есда олиб қолиш ҳаёт фаолияти давомида индивидуал, яъни шахсий тажрибани тўплаш билан боғлиқдир. Тўпланган тажрибадан кейинги фаолиятда фойдаланиш қайта есга туширишни талаб қилади. Маълум материалнинг фаолиятда қатнашмай қолиши ёддан чиқаришга олиб келади.

Хотиранинг нерв-физиологик асослари

Есда олиб қолиш нерв тизимининг егилувчан, яъни ўзгарувчанлик, қўзқатувчилар таъсирида ўзида гўё бир из қолдириш, сақлаш имконияти туфайли юзага келади. Ҳар қандай инсоннинг мияси егилувчанлик хусусиятига эга бўлиб, унинг даражаси ҳар хил бўлади. Шахс хотирасининг сифати миянинг фаоллиги ва турли фаолиятга тўғридан-тўғри боғлиқ равишда ривожланади. Атрофни ўраб олган борлиқни фаол билувчи киши ўз мияси фаолиятини тўхтовсиз кучайтиради. Шу билан бирга унинг егилувчанлик даражасини оширади. Мия егилувчанлиги вақтинча пасайиши, хотира самарасининг сусайиши, баъзи пайтда одамнинг толиқишига сабаб бўлади. Дам олгандан кейин яна тикланади. Одатда мия егилувчанлиги ёш ўтиши билан сусаяди. Масалан, кекса кишилар гапларидан адашиб кетади, илгари гапирганлари есдан чиқиб, ўша гапни такрорлайверадилар. Мия егилувчанлигининг
кўрсаткичи бош мия пўстлоғида муваққат нерв алоқаларини тезликда вужудга келиши, давомли сақланиши ва уларнинг тез, осон жонлантирилиши ҳисобланади. Муваққат нерв алоқалари ассосиасияларни ҳосил қилувчи физиологик механизмдир. Ассосиасия бизнинг хотирамизда мустаҳкамланган ва онгимизда қайд қилинган айрим воқеа ҳодисаларнинг ўзаро боғланишидир. Бирор буюмни есда олиб қолиш, бошқа буюмлар билан боғлаш орқали амалга оширилади. Бу ўринда академик **И.П.Павловнинг** қуйидаги сўзлари жуда характерлидир. *"Муваққат нерв боғланишлари - деб ёзади И.П. Павлов ҳайвонот оламида ва бизнинг ўзимизда ҳам бўладиган енг умумий физиологик ҳодисадир. Шу билан бирга у психик ҳодиса ҳамдир, турли-туман ҳаракат, таассурот бўлмаса ҳарфлар, сўзлар ва фикрлар ўртасида пайдо бўладиган боғланишлар-ки, бу боғланишларни психологлар ассосиасиялар деб атайдилар".*

Хотира, яъни есда олиб қолиш, идрок қилинаётган нарсалардан ҳосил бўлган образлар ўртасида ассосиасияларнинг юзага келишидан иборатдир. Шу боис инсон хотирасидаги ассосиасиялар 3 турга ажратилади. Булар **ёндошлик**

ассосиасияси, ўхшашлик ассосиасияси ва қарама-қаршилик ассосиасияларидан иборатдир. Ёндошлик ассосиасиясининг асосида вақт ва фазовий муносабатлар ётади. Бошқача қилиб айтганда, ёндошлик ассосиасияси бир неча нарса ёки ҳодисаларни айни бир вақтда ёки кетма-кет идрок қилишдан ҳосил бўлади. Масалан, боғчада боласи ҳар куни ўзининг тарбиячи опаси ва тарбияланаётган гуруҳини
идрок қилади. Кейинчалик, яъни катта бўлгандан сўнг боғчасини есласа тарбиячи опаси ва аксинча, тарбиячи опасини есласа, боғча гуруҳи кўз ўнгида гавдаланади.

Ҳозирги пайтда идрок қилинаётган нарса билан илгари идрок қилинган нарса ўртасида маълум ўхшашлик бўлса, бу нарсалар ўртасида ўхшашлик ассосиасияси ҳосил бўлади. Масалан, бола даставвал боғчага келган пайтида боғча мудирасининг ташқи кўриниши, овози ва муносабатларини ўз онасига ўхшатиши мумкин. Кейинчалик бола онасини кўрганда, мудира опасини ва аксинча мудира
опасини кўрганда онасини еслайдиган бўлиб қолади. Бу иккала одамнинг бола тасаввуридаги образлари ўртасида ассосиасия ҳосил бўлади.

Ҳозирги идрок қилинаётган нарсалар билан илгари идрок қилинаётган нарсалар ўртасида қарама-қарши белгилар ва хусусиятлар бўлса, бундай нарсалар ўртасида қарама-қаршилик ассосиасияси юз беради. Масалан ёз-қиш, иссиқ-совуқ каби нарсалар ўртасида қарама-қаршилик ассосиасиялари ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, хотиранинг нерв-физиологик асосида бош мия пўстида ҳосил бўладиган шартли рефлекслар, турли ассосиатив боғланишлар ётади. Лекин, одам еда олиб қолиш пайтида ассосиасиялар ҳосил бўлганлигини мутлақо сезмайди. Ҳар хил ассосиасияларнинг ҳосил бўлганини одам кейинчалик бирор нарсани есга тушириш пайтида бўлади.

Хотиранинг нерв-физиологик механизмлари хусусида тўхталар эканмиз, сўнгги йилларда техниканинг ғоят тез ривожланиши натижасида турли еда олиб қолувчи аппаратларга бўлган эҳтиёж бениҳоя кўпайиб кетганлигини таъкидлаш жоиз. Бу ўз навбатида хотиранинг нерв-физиологик механизмларини психолог ва физиологлардан ташқари инженерлар, биохимиклар, генетиклар ҳамда кибернетиклар томонидан ўрганилишига олиб келди. Натижада хотиранинг нерв физиологик механизмларини тушунтирувчи бир қанча янги назариялар майдонга келди. Ана шундай назариялардан енг муҳими молекулаларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган биохимик назариядир. Бу назарияга кўра бирор нарсани еда олиб қолиш ва еда сақлаб туриш махсус тузилишни ўзгариши билан боғлиқдир. Ўтказилган текширишларга кўра, бирор нарса еда олиб қолинганда, асосан нерв ҳужайраларининг
(нейронларнинг) дендрит шохлари таркибида ўзгариш юзага келади. Улар қандайдир бошқачароқ тузилишга кириб оладилар. Дендритлар тузилишидаги ҳосил бўлган ўзгариш дарров ўтиб кетадиган бўлмай, анча мустаҳкам бўлади. Шу сабабли еда олиб қолган нарса узоқ вақт хотирада сақланиб туради.

Хотира турлари

Хотира инсоннинг ҳолати ва фаолиятининг барча соҳаларида қатнашиши туфайли унинг намоён бўлиш шакллари, ҳолатлари, шарт-шароитлари,

омиллари ҳам хилма-хил кўринишга эгадирлар. Одатда хотирани муайян турларга ажратишда енг муҳим асос қилиб унинг тавсифномаси сифатида есда олиб қолиш, есда сақлаш, есга тушириш, унутиш сингари жараёнларни амалга оширувчи фаолиятининг хусусиятларига боғлиқлиги олинади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, айрим дарсликларда хотира турлари турлича классификасия қилинади. Жумладан, **А.В.Петровский** таҳрири остида чиққан "Умумий психология" дарслигида қуйидаги классификасия учрайди:

- ***Фаолиятда кўпроқ сезилиб турадиган психик фаолликнинг хусусиятига қараб:*** ҳаракат, емосионал, образли ва сўз мантиқ хотира.
- ***Фаолиятнинг мақсадларига кўра:*** ихтиёрсиз ва ихтиёрий хотира.
- ***Материални қанча вақт есда олиб қолиш ва есда сақлаш муддатига кўра:*** қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотира.

М.Г.Давлетшин таҳрири остида чиққан "Умумий психология" ўқув қўлланмасида қуйидаги хотира классификасияси қайд қилинади:

- ✓ ***Психик фаоллигига кўра:*** ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотира.
- ✓ ***Фаолият мақсадига кўра:*** ҳаракат, емосионал, образ ва сўз-мантиқ хотираси.
- ✓ ***Муддатига кўра:*** узоқ муддатли, қисқа муддатли ва оператив хотира.

Е.Ғ.Ғозиев таҳрири остида чиққан "Умумий психология" ўқув қўлланмасида хотира турлари қуйидагича классификасия қилинган.

1. Руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра:
а) ҳаракат ёки мотор ҳаракат хотираси;
б) образли хотира;
в) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси;
г) сўз-мантиқ хотира.

2. Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан:
а) ихтиёрсиз;
б) ихтиёрий;
в) механик.

3. Руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра:
а) қисқа муддатли хотира;
б) узоқ муддатли хотира;
в) оператив (тезкор) хотира.

4. Руҳий фаолият қўзқатувчисининг сифатига кўра:
а) мусиқий;
б) ешитиш хотираси;

5. Руҳий фаолиятнинг инсон йўналишига қараб:
а) феноменал;
б) касбий.

Келтирилган хотира турларини умумий тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:



Ҳаракат хотираси - инсон фаолиятининг ҳар бир турида руҳий фаолликнинг у ёки бу кўринишларини устунлик қилишида кузатилади. Масалан, ҳаракат, ҳиссиёт, идрок, ақл-заковат каби руҳий фаолиятнинг кўринишлари мавжуддир. Ана шу руҳий фаоллик турларининг ҳар бири тегишли ҳаракатларда ва уларнинг маҳсулотларида ўз ифодасини топиб ҳаракатларда,ҳиссий кечинмаларда, туйғуларда, образларда, тимсолларда, фикр ва мулоҳазаларда акс этади.

Турли ҳаракатлар ва уларнинг бажарилиши тартиби, тезлиги, суръати, изчиллиги ва бошқаларни есда қолдириш, мустаҳамлаш, есга туширишдан иборат хотира тури ҳаракат хотираси деб аталади.

Хотиранинг бош қа турларига қараганда, ҳаракат хотираси баъзи одамларда аниқ равшан устунлик қилиши учраб туради. Психология фанида классик мисолга айланиб қолган ушбу ҳолатни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: бир мусиқа ишқибози мусиқаларни хотирасида мутлақо қайта тиклай олмас экан, лекин у яқиндагина ешитган операни фақат пантомимика тарзидагина қайта тиклаш имкониятига эга бўлган. Турмушда шундай одамлар учрайдики, улар ўзларида ҳаракат хотирасининг борлигини умуман пайқамайдилар. Мазкур хотира турининг ғоят аҳамияти шундан иборатки, у юриш, ёзиш, ифодали ҳаракат малакалари билан бир қаторда ҳар хил амалий меҳнат малакаларини таркиб топтиришнинг асосини ташкил қилади. Агар инсонда ҳаракат хотираси бўлмаганда еди, ўзини ҳар гал "бошдан бошлаб" ўрганар еди. Фигурали учиш, лангар билан сакраш, гимнастика, чопиш, хатти-ҳаракатлар, бадиий гимнастика билан шуғулланиш ҳаракат хотирасини тақозо этади. Жисмоний чаққонлик, меҳнат маҳорати, "олтин қўллар", зийрак кўзлар, егилувчанлик ва кузатувчанликка эга бўлиш юксак, барқарор ҳаракат хотираси мавжудлигининг аломати бўлиб ҳисобланади.

Ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси. Бу хотира ҳис-туйғулар, руҳий кечинмалар, ҳиссиётлар, эҳтиёжларимиз ва қизиқишларимиз қандай қондирилаётганлигидан, атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятига нисбатан муносабатимиз қай тарзда амалга оширилаётганлигидан доимо хабар бериб туриш имкониятига эга. Шунинг учун ҳар бир кишининг ҳаёти ва фаолиятида ҳиссий хотира тури жуда катта аҳамият касб этади.

Воқеликдаги нарса ва ҳодисалардан, ўз-ўзимизга бўлган муносабатларимиздан келиб чиқадиган ёқимли ҳамда ёқимсиз кечинмаларни есда қолдириш, есда сақлаш, есга туширишдан иборат хотира тури ҳиссий хотира тури деб аталади. Бошимиздан кечирган ва хотирамизда сақланиб

қолган ҳиссиётлар ҳаракатга ундовчи ва ўтмишда салбий кечинмаларга эга бўлган ҳаракатлардан сақланиб қолувчи сигнал тарзида намоён бўлади.

Ҳиссий хотира ўзининг вужудга келиш хусусияти, тезлиги, динамикаси, давомийлиги билан хотиранинг бошқа турларидан маълум маънода ажралиб туради. ҳар бир одамга ўз турмуш тажрибасидан маълумки, кўпинча, қачонлардир ўқиган китоблар, томоша қилган кинофилмлар фақат "таассуротлар", боғланишлар занжирини йечишнинг дастлабки тугуни сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳиссий хотира ижтимоий аҳамият касб етиб, умумийлик алоҳида олинган одамлар кайфиятлари
бир-бирларига ўхшашлиги, илиқ руҳий муҳитни вужудга келтириш ёки нохуш кечинмалар тўлқинини барпо этиш еҳтимоли тўғрисида мулоҳаза юритилаётган аломати остида ижтимоий гуруҳий, жамоавий, барқарор ва беқарор кайфиятни вужудга келтиради.

Образли хотира - тасаввурлар ва турмуш манзаралари, шунинг билан бирга, товушлар, таъмлар, ранглар шакллар, билан боғлиқ бўлган хотира туридир. Образ хотираси деб яққол мазмунни, бинобарин, нарса, ҳодисаларнинг аниқ образларини, уларнинг хусусиятлари ва боғланишларини есда қолдириш, онгда мустаҳкамлаш ҳамда зарурият туғилганида есга туширишдан иборат хотира турига айтилади.

Психология фанида образли хотиранинг бир неча турлари ажратиб кўрсатилади ва улар қуйидагилардан иборат.

Изчил образлар сенсор хотиранинг енг содда кўриниши ёки шакли изчил образлардан иборатдир. Изчил образларнинг намоён бўлиш ҳодисаси қуйидагилардан тузилади: агар субъектга бир неча дақиқа оддий кўзғатувчи юборилса, жумладан 10-15 секунд ёрқин қизил квадратга қараб туриш таклиф етилса, сўнг текширувчи олдидан квадрат олиб қуйилса, у қизил квадрат ўрнида худди шундай геометрик шакл изини кўришда давом этади. Асосан бу шакл кўплиги рангда товланади. Мазкур из ўша заҳоти, баъзан бир неча секунддан кейин пайдо бўлиб, 15 секунддан то 45-60 секундгача ўша объектда сақланиб туради, шундан сўнг аста-секин оқара бошлайди. Натижада ўзининг аниқ қон турини йўқотади, кейинчалик мутлақо йўқолиб кетади. Гоҳо бутунлай йўқолиши учун қайтадан пайдо бўлиши мумкин.
Одамларнинг индивидуал психологик хусусиятларига қараб, изчил образларнинг аниқлиги ва давомийлиги турлича бўлиши кўзга ташланади.

Ўзининг келиб чиқиши, кучлилиги жиҳатидан изчил образлар салбий ва ижобий турларга бўлинади. Агар кучли равишда одам қизил рангга қараб туриб, сўнгра нигоҳини оқ қоғозга кўчирса, у ҳолда объектда кўк-яшил ранг пайдо бўлгандай кўринади. Изчил образларнинг ушбу тури салбий, изчил образлар деб аталади. Бу ҳолатни яна бир мисол орқали тушунтирилса, қуйидаги кетма-кетлик ҳодисаси намоён бўлади. Қоронғу хонада кўз олдида бир нарсага, масалан, қўл яқинлаштирилса сўнгра қисқа муддатли (0,5 сек) електр чироқи ёқилса, бу ҳолда чироқ ўчгандан кейин одам бир неча дақиқа давомида нарсаларнинг аниқ образини кўришда давом этади. Мазкур образ ўз рангида бир қанча муддат сақланиб, сўнг кўздан йўқолади.

Изчил образлар хотира жараёнининг содда изларига мисол бўла олади. Чунончи, ҳодисаларга қараб узайтириш ихтиёрий равишда қайта тиклаш

мумкин эмас. Бинобарин, изчил образлар ушбу хотиранинг мураккаброқ турларидан ана шу жиҳатлари билан фарқланади.

Изчил образларнинг ешитиш тури орқали сезишда кузатиш мумкин, лекин бу вазиятда изчил образлар кучлироқ намоён бўлишини ва қисқа муддат давом этиши кузатилади.

Ейдетик образлар психологияда изчил образлардан ейдетик образларни фарқлаш анъана тусига кирган бўлиб, "ейдос" юнонча "образ" деган маънони англатади. Хотиранинг бу тури, яъни ейдетик образлар ўз вақтида немис психолгия мактабининг намоёндалари ака-ука Йенишлар номидан таърифлаб берилди. Баъзи одамлар шу даврларда кузатилган нарса ёки суратлар кўз ўнгидан олиб қўйилса ҳам сурат сиймоси узоқ вақт сақланиш хусусиятига эга.

Мазкур нарса ва жисмларнинг аниқ образлари, тасвирларни кузатиш мумкин. Бу
ҳодиса жаҳон психология фанида тажрибада текшириб кўрилган. Тажрибада текширилувчига 3-4 минут давомида расм кўрсатилган ва тасвир олиб қўйилгандан сўнг унинг таркибий қисмлари, тузилиши ҳақида қатнашчиларга саволлар берилган. Бу жараёнларда текширувчилар бирорта саволга жавоб бера олмаган бўлсалар, аниқ техник образга эга бўлган иштирокчилар эса расмни давом этишгандек ҳар бир саволга аниқ жавоб беришга эришганлар.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ейдетик образлар узоқ вақт инсон онгида сақланиши мумкин. Мабодо уларнинг йўллари ёпилиб қолган бўлса ҳам, лекин ҳеч қандай қийинчиликларсиз уларнинг сиймоси қайта тикланиши мумкин.

Рус психологиясида ейдетик образларнинг намоён бўлиш ҳодисаси **А.Р. Лурия** томонидан кўп йиллар давомида ўрганилган ва шунга кўра ейдетик хотиранинг индивидуал типологик хусусиятлари чуқур таърифлаб берилган. Ейдетик образлар ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлиб, субъектларнинг олдига қўйилган вазифа ва унинг тасаввурлари таъсири остида ўзгартириш мумкин.

Ака-ука Йенишлар томонидан ўтказилган оддий тажрибада ейдетик хотирага эга бўлган текширувчига олма ва ундан сал узоқроқда жойлашган илмоқ тасвирланган расм кўрсатилган. Расм ўртасидан бўлиб, қўйилгандан кейин текширувчида олмани олиб қўйиш истаги кучайиб бораётгани сўралган. Муайян йўл-йўриқ берилгандан кейин текширувчи мана бундай ҳолатни тасвирлаб беради: илмоқ олмага яқинлашиб, уни илади ва ихтиёрсиз равишда қатнашчи томон тортади. Хуллас, ейдетик образлар ҳаракатчан бўлиб, субъектнинг руҳий кўрсатмаси остида сифат ва миқдор ўзгаришига юз тутади. Илмий текширишларнинг кўрсатишича, ейдетик образлар болалик ва ўспиринлик даврларида муайян муддат хукм суради ва вақтнинг ўтиши билан аста-секин сўна боради.

Психофармокологик тадқиқотларининг кўрсатишича, ейдетик образларни кучайтирувчи калий ионлари ва шунингдек унинг кучсизлантирувчи калсий ионлари моддалари мавжуддир. Илмий изланишлардан олинган миқдорий материаллар ейдетик образ пайдо бўлишининг психологик илдизларини чуқурроқ очишга хизмат қилади.

Тасаввур образлари хотиранинг янада мураккаброқ тури бўлиб ҳисобланади ва уларнинг хусусиятлари ҳақида тасаввурга эгамиз. Инсон дарахт, мева, гул тўғрисида тасаввурга эга эканлиги шуни кўрсатадики, унинг

илгариги тажрибалари субъектнинг онгида шу образларнинг изларини қолдирган. Илмий тушунчалар талқин қилинганда тасаввур образлари ейдетик образларга жуда яқиндек туюлади. Лекин ейдетик образлар ҳақидаги психологик таҳлил шуни кўрсатадики, тасаввур образлари унга қараганда анча бой бўлиб, ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Тасаввур образларининг ейдетик образларидан ажратувчи фарқ тасаввур образларининг полимодаллик хусусиятидир. Бунинг асосий моҳияти тасаввур образлари кўриш, ешитиш, тери орқали сезиш изларининг таркибий қисмларини бирлаштиради. Масалан, мева тўғрисидаги тасаввур образи унинг ташқи кўриниши, мазаси, оқирлиги, вазнини ўзаро бирлаштириб акс этади.

Тасаввур образларининг ейдетик образларидан асосий фарқи шундан иборатки, у нарса ва ҳодиса ҳақидаги тасаввурларни ақлий жиҳатдан қайта ишлашни ўз таркибига киритади ва жисмларнинг асосий хусусиятлари ажратилиб, маълум категорияга бирлаштирилади. Инсон гул образини фақатгина есга туширмайди, балки уни муайян бир сўз ёки тушунча билан айтади, номлайди, хусусиятларни ажратиб кўрсатади, аниқ бир категория моҳиятига киритади.

Демак, тасаввур образларида одамнинг хотираси идрок қилинган нарсаларнинг изини суст равишда сақлаб балки, бир қатор тасаввур билан бойитади, нарса мазмуни ва моҳиятини таҳлил қилиб, у ҳақида ўз билимлари, тушунчалари кабиларни тажриба билан боғловчи ижодий сермаҳсул фаолиятни амалга оширади. Буларнинг барчаси иродавий сифатлар, ақлий зўриқиш, асабий таранглашув натижасида руёбга чиқишидан далолат беради.Тасаввур образлари хотиранинг мураккаб фаолияти маҳсули бўлиб, улар изчил ёки ейдетик образларга нисбатан мураккаб психологик ҳодисадир.

Тасаввур образлари хотира изларининг мураккаб тури бўлиб унинг ақлий жараён билан яқинлиги инсон билиш фаолиятини муҳим таркибий қисмидан иборат эканлигидан далолат беради.

Сўз-мантиқ хотираси мазмунини фикр ва мулоҳазалар, аниқ ҳукм ҳамда хулоса чиқаришлар ташкил этади. Инсонда фикр ва мулоҳаза турли хил шакллар ёрдамида ифодаланганлиги туфайли уларни ифодалаш фақат ўзлаштирилаётган материалларнинг асосий маъносини изоҳлаш, талқин қилиб бериш ёки уларни сўзма-сўз ифодаланишини айнан айтиб беришга қаратилган бўлиши мумкин. Агар маълумот, ахборот, хабар, материал маъно жиҳатидан қайта ишланмаса, у ҳолда материални сўзма-сўз ўзлаштириш, мантиқий ўрганиш бўлмасдан, балки аксинча механик есда олиб қолишга айланиб қолади.

Сўз-мантиқ хотирасининг вужудга келишида биринчи сигнал билан бир қаторда иккинчи сигналлар тизими асосий ҳисобланади. Чунки сўз мантиқ хотираси фақат инсонгагина хос бўлган хотиранинг махсус тури ҳисобланиб, бу хотира тури ўзининг содда шакллари билан ҳайвонларга ҳам тааллуқли бўлган ҳаракат, ҳис-туйғу ва образли хотиралардан сифат, ҳам миқдор жиҳатдан кескин фарқ қилади. Ана шу боисдан сўз-мантиқ хотираси бир томондан хотиранинг бошқа турлари тараққиётига асосланади, иккинчидан уларга нисбатан йетакчилик қилади. Шу билан бирга, бошқа

турларнинг ривожланиши сўз мантиқ хотирасининг такомиллашувига узвий боғлиқдир. Сўз-мантиқ хотирасининг ўсиши қолган хотира турларининг барқарорлашувини белгилайди.

Хотира турларига нисбатан бошқача тарзда ёндашиш ҳоллари ҳам учрайди. Шу боис хотира фаолиятини амалга ошираётган фаоллик хусусиятлари билан узвий боғлиқ равишда турларга ажратилади. Масалан, фаолият мақсадига кўра хотира ихтиёрсиз ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Ихтиёрий хотира деганда маълум мақсадни рўёбга чиқариш учун муайян даврларда ақлий ҳаракатларга суянган ҳолда амалга оширилишидан иборат хотира жараёни тушунилади. Бу фаолиятни одам онги бевосита бошқаради. Кўпинча психология фанида ихтиёрий хотирага ихтиёрсиз есда олиб қолиш қарши қўйилади. Бу жараён маълум керакли топшириқ ёки вазифа қўйилса, есда олиб қолишга етакловчи фаолият бирон-бир мақсадни рўёбга чиқаришга йўналтирилган тақдирда юзага келади. Биз математик топшириқларини йечаётганимизда масаладаги сонларни есда олиб қолишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймаймиз. Мазкур сўз мантиқ хотирада асосий мақсад фақат масала йечишга қаратилади. Бунинг натижасида сонларни есда сақлашга, ҳеч қандай ўрин ҳам қолмайди. Шунга қарамай, биз уларни қисқа муддат бўлса-да, есда сақлашга интиламиз. Бу ҳолат фаолият якунлангунга қадар давом этади.

Есда олиб қолишни мақсад қилиб қўйиш есда олиб қолишнинг асосий шарти ҳисобланади. Серб психологи **Радосавлевич** ўз тадқиқотида қуйидаги ҳодисани баён этади. Тажрибада текширилувчидан бири синовда қўлланилаётган тилни тушунмаганлиги туфайли унинг олдига қўйилган вазифаларни бажармаган. Бунинг оқибатида унча катта бўлмаган тадқиқот материали 46 марта ўқиб берилганига қарамай, есда олиб қолинмаган. Тажрибанинг кейинги босқичида вазифа текширилувчига тушунтириб берилгандан сўнг у материал билан олти марта ўиб, танишиб, уни такрорлаб, қисмга ажратиб есга қайта туширишга эришган.

Хотиранинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз турлари хотира тараққиётининг иккита кетма-кет босқичларини ташкил этади. **Ихтиёрсиз хотиранинг** турмушда ва фаолиятда катта ўрин эгаллашини ҳар ким ўз шахсий тажрибасидан билади. Ихтиёрсиз хотиранинг муҳим хусусиятларидан бири маълум мақсадсиз ақлий, асабий, иродавий зўр беришсиз ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кенг кўламдаги маълумот, хабар, ахборот, таъсуротларнинг кўпчилик қисмини акс эттириш дир. Шунга қарамасдан инсон фаолиятининг турли жабҳаларида ўз хотирасини бошқариш зарурати туғилиб қолиши мумкин. Худди мана шундай шароитлар, ҳолатлар, вазиятларда есда сақлаш, есга тушириш ёки еслаш имкониятини яратадиган хотиранинг мазкур тури катта аҳамиятга эгалиги шубҳасиз.

Сўнгги пайтларда рус ва хориж психологиясида хотира борасидаги тадқиқотчиларнинг эътиборини есда олиб қолишнинг дастлабки, бошланғич дақиқаларида вужудга келадиган ҳолатлар, жумладан ташқи таассурот изларининг мустаҳкамланишигача бўлган жараёнлар, ҳолатлар, механизмлар, шунингдек, уларнинг мустаҳкамланиш муддатларини ҳам ўзига жалб қилиб келмоқда.

Масалан, бирор материал хотирада мустаҳкам жой олиш учун уни субъект томонидан тегишли равишда қайта ишлаб чиқиш зарур ва материални бундай ишлаб чиқиш учун маълум даражада муддат талаб этиш табиийдир. Ана шу муддат хотирада қайта тикланилаётган изларни мустаҳкамлаш деб қабул қилинган. Мазкур жараён инсон томонидан яқиндагина бўлиб ўтган ҳодисаларнинг акс садоси сифатида кечирилади ва такомиллашади. Инсон муайян дақиқаларда, лаҳзаларда, айни пайтда бевосита идрок қилинаётган нарсаларни гўё кўришда, ешитишда давом етаётгандек туюлади. Ушбу жараён келиб чиқиши жиҳатидан беқарор, ҳатто ўзгарувчан, лекин улар шу қадар махсус тажриба орттириш механизмларининг фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан уларнинг роли шу қадар аҳамиятли-ки, бу жараёнларда есда олиб қолиш, есда сақлаш, ахборотлар, малумотлар, хабарларни қайта есга туширишнинг алоҳида тури сифатида қаралади. Ушбу жараён одатда психология фанида **қисқа муддатли хотира** деб аталади.

Жуда кўп қайтаришлар ва қайта тиклашлар натижасида материални узоқ муддат давомида есда сақланиб қолиши характерли бўлган узоқ муддатли хотирадан фарқ қилган ҳолда, қисқа муддатли хотира бир марта ҳамда жуда қисқа вақт оралиқида идрок қилиш ва шу ондаёқ қайта тиклашдан сўнг қисқа муддатли есда олиб қолиш билан характерланади.

Ҳозир илмий адабиётларда қисқа муддатли хотирани қуйидаги атамалар билан номлаш учрайди: "бир лаҳзалик", "дастлабки", "қисқа муддатли" ва бошқалар.

Оператив хотира инсон томонидан бевосита амалга оширилаётган фаол тезкор ҳаракатлар, усуллар учун хизмат қилувчи жараённи англатувчи мнемик ҳолат оператив хотира деб аталади. Ҳозирги замон психологиясида ушбу ҳолатни намоён қилиш учун қуйидаги мисол келтирилади. Математик амални бажаришга киришар эканмиз, биз уни муайян бўлакларга ажратиб ҳал қилишни мақсад қилиб қўямиз. Шу боисдан оралиқ натижаларни ёдда сақлашга интиламиз, ниҳоясига яқинлашган сари айрим материаллар есдан чиқа бошлайди.

Мазкур ҳолат матнни талаба ёки ўқувчи томонидан ўқишда, уни кўчириб ёзишда, ижодий фикр юритишда, ақлий фаолиятни амалга оширишда яққол кўзга ташланади.

Хотира жараёнлари

Хотира фаолияти есда қолдиришдан бошланади. **Есда қолдириш** идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни мия пўстида из ҳосил қилишдир. Унинг физиологик асоси мия пўстида муваққат нерв боғланишининг вужудга келишидир. Есда қолдириш ўзининг фаоллиги жиҳатидан иккига бўлинади:

а) ихтиёрий есда қолдириш;

б) ихтиёрсиз есда қолдириш.

Ихтиёрсиз есда қолдиришда олдиндан мақсад қуйилмайди, мавзу танланмайди ва ирода кучи сарфланмайди. Ўзининг гўзаллиги, ҳиссий таъсирчанлиги, ҳажми, ҳаракатчанлиги, тезлиги, шакли ва бошқа хоссалари билан фарқ қиладиган нарса ва ҳодисалар ихтиёрсиз есда қолади. Масалан, тасодифий ҳодисалар, карнай-сурнай овози ихтиёрсиз есда қолади.

Ихтиёрий есда қолдиришда эса олдиндан мақсад қўйиб мавзу белгиланади. Масалан, дарс материалларини есда олиб қолиш, имтиҳонга тайёрланиш ва бошқалар. *Ихтиёрий есда қолдиришда қуйидаги турли усуллардан фойдаланилади:*

- ✓ мақсад қўйиш, масалан, институтга кириш олдидаги мақсад;
- ✓ ўқув материалларини тушуниб есда қолдириш;
- ✓ есда қолдиришнинг расионал усулларидан фойдаланиш, масалан, есга тушириш йўли билан есда қолдириш.

Беихтиёр есда қолдиришда қизиқиш катта рол ўйнайди. Бизнинг олдинги тажрибамиз билан боғлиқ нарса ва ҳодисалар беихтиёр осон есда қолади. Биз баъзи бир фактларни билсак, улар ҳақида тушунчага эга бўлса, шу фактларга тегишли бўлган ҳамма нарсалар осон есда қолади.

Ихтиёрсиз есда қолдириш инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, ундан ортиқча ҳаракат талаб қилмаган ҳолда ҳаётий тажрибаларни кенгайтиради ва бойитади. Бироқ ихтиёрсиз есда қолдириш тез бўлса ҳам кўпинча ноаниқ бўлади, бундай есда олиб қолинган нарса ва ҳодисалар кейинчалик янглиш есга туширилади.

Ихтиёрий есда қолдириш кўзда тутилган мақсадга мувофиқ танланган материални есда қолдиришдир. Киши ихтиёрий есда қолдириш учун есда сақлашнинг махсус усулларини сақлаган ҳолда материални пухта есда қолдириш учун ўзининг керакли кучини сарф қилади. Аммо механик есда сақланишни маъноли есда сақлаш билан қўлланилиши фойдалидир.

Психология фанида есда олиб қолишнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Маълумот, хабар, таассурот, ахборот ва материалларни ешитиш орқали идрок қилиш ҳамда есда олиб қолиш.
- Эгаллаш ёки ўзлаштириш зарур бўлган материалларни кўриб идрок қилиш ёрдамида есда олиб қолиш.
- Материалларни ҳаракат ёрдамида ва ешитиш орқали идрок қилиш ҳамда есда олиб қолиш.
- Аралаш ҳолатда есда олиб қолиш, ешитиш, кўриш, ҳаракат кабилар орқали идрок қилиш ва есда олиб қолиш ёки бир нечта таъсир этувчилар ёрдамида акс эттириш .

Мана шу йўллар орқали ешитиш, кўриш, ешитиш ҳаракат, комбиноторлаштирилган (аралаш) турлари ёрдамида хотиранинг қайси тури устунроқ ёки қайси бири бўш эканлигини аниқлаш мумкин.

Есда олиб қолишда ассосиасияларнинг аҳамияти муҳимдир. Бунинг учун есда олиб қолиш жараёнининг боғланишлари пайдо бўлиш суръатини аниқлаш мақсадида улар хусусиятларига биноан қуйидаги:

- Сабаб оқибат боғланиш.
- Бўлак ва яхлит муносабати.
- Қарама-қаршилик муносабати.
- Инкор этиш ҳолати.
- Адекват ёки аниқлик турларга ажратилади.

Есда олиб қолиш инсон фаолиятининг хусусиятига бевосита боғлиқдир. **А.А.Смирнов, П.И.Зинченко** тажрибалари шуни кўрсатадики, есда олиб қолиш у ёки бу фаолиятдагина самарали бўлиши мумкин. А.А.Смирновнинг

тажрибаларида текширишларга қараганда икки хил фаолият таклиф қилинса, биринчи ҳолда улар маъноли матнни есда олиб қолиш назарда тутилади. Синалувчилар матнни ёдлар эканлар, материаллар устида ҳеч қандай фаол иш олиб бормаганлар. Иккинчи ҳолда эса есда олиб қолиш вазифаси қўйилмайди-ю, лекин матн устида муайян иш олиб бориш унда учрайдиган маъновий хатоларни аниқлаш таклиф етилади. Иккинчи ҳолда есда олиб қолиш анча самарали бўлганлиги аниқланган.

Махсус воситалар ва оқилона усулларни қўллаш орқали есда олиб қолиш соҳасидаги ёндашишдан иборат ташкилий фаолият алоҳида аҳамиятга эга. А.А.Смирнов ўтказган тажрибасида шуни кўрсатадики, матнни махсус тузиб чиқилган режага асосланган ҳолда ёдлаш режаси, пала-партиш есда олиб қолишдан икки баробар самаралироқ экан, психолог олимларнинг тавсиясига биноан ёдлаш жараёнида материални такрорлаш билан уни фаол есга туширишни ўзаро алмаштириб туриш юқори натижалар беради. Кузатишлар ва тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқувчилар ва талабалар бу усулларни мустақил равишда эгаллай олмайдилар, одатда уларни муаллимнинг раҳбарлигида эгаллашади. Акс ҳолда ўқув фаолияти иштирокчилари материални бевосита ихтиёрсиз есда олиб қолиш бос?ичида қотиб қолиши мумкин, бу ҳол ақлий ўсишга қарама-қаршидир.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўқув материалларининг маъносига тушуниб есда олиб қолиш йўли оқилона йўл бўлиб қолмасдан, балки у механик есда олиб қолиш жараёнидан ўзининг самарадорлиги билан кескин даражада ажралиб туради.

Есда олиб қолиш жараёни деганда сезги, идрок, тафаккур, ички кечинмаларни хотирада сақланиш хусусияти тушунилади. Кундалик ҳаётимизда китоб, журнал, газета ўқиётганимизда материални есда олиб қолиш учун шу материалнинг маъносига тушуниб олишга ҳаракат қиламиз. Жамики нарса инсонга йетарли даражада тушунарли бўлмаса, у тақдирда уларни есда олиб қолиш жараёни жуда қийин кечади. Ўрганилаётган материалнинг мазмуни ва маъносига тушуниб олиш учун одам уни таҳлил қилишга, умумлаштиришга ҳаракат қилади. А.А.Смирнов таъкидлаганидек, материални ўзлаштириб олиш худди шу жараёнга яққол мисолдир. Муаллифларнинг шахсий фикрига кўра ўзлаштираётган материалларни есда олиб қолиш қийинлиги сабабли уларни тушуна олмасликдир. Тушуниб олишнинг есда олиб ҳолишдаги аҳамияти худди шу билан тавсифланади.

Жаҳон психология фани тўплаган маълумотларга қараганда ўзлаштирилаётган материални механик тарзда эгаллашга нисбатан унинг маъносини тушуниб ўзлаштириш бир неча марта маҳсулдордир.

Есда олиб қолиш жараёнида ўзлаштирилаётган материалнинг маънога эга бўлиши ёки бўлмаслиги муҳимдир. Ассосиатив психология мактабининг вакили, таниқли психолог **Г.Еббингауз** жаҳон психологиясида биринчи бўлиб 1885 йилда олий руҳий жараён бўлган хотирани, 1888 йилда интеллектни илмий тажриба методи негизида текширди ва кенг кўламда турмушга татбиқ этди. У хотира жараёнини тажриба орқали текширишнинг асосий йўналишини ишлаб чиқди. Хотирани "соф" кўринишда ўрганишга ҳаракат қилиб маъно касб етмайдиган бўғинлардан фойдаланди. Унинг бу тадқиқоти кишининг мантиқий

хотираси эмас, балки механик хотирасига нисбатан қўлланишига хос тўғри йўналишдир.

Г.Еббингаузнинг бу тадқиқоти психологияда интроспектив (ўз-ўзини кузатиш ёки ички кузатиш) методига қарама-қарши қўйилган илмий тажрибавий метод ютуқи сифатида илмий-амалий аҳамиятга эгадир. У хотира жараёнини текширишда ўз олдига 38 та маъно англатмайдиган бўғинлардан тузилган материални есда олиб қолишни мақсад қилиб қўйган. Бу материални ўзлаштириш ўртача 55 марта такрорлашни талаб қилади. Есда олиб қолиш учун 38-40 сўздан, 11 та сўз ўзаро боғлиқ бўлмаган сўзлардан фойдаланган. Бу материални ўзлаштириш 6-7 маротаба такрорлашни талаб етган, умумий ҳисоб эса 9 1 нисбатга тўғри келади.

Рус психологлари тадқиқотларининг натижалари маънога эга бўлган материални ўзлаштиришда есда олиб қолиш учун турли хил йўналиш, кўрсатма бериш муҳим аҳамият касб этади, деган фикрни тасдиқлайди. **А.Н.Леонтев, С.Л.Рубинштейн**, П.А.Рибников ва бошқалар болаларнинг хотира фаолиятини ўрганганлар. Шунингдек, улар ўқиш фаолиятига асосланган ҳолда мактаб ўқувчиларида текшириш ишларини олиб борганлар.

И.П.Зинченко, М.Н.Шардаков, А.И.Липкиналар тадқиқот ишларининг аксарияти шунга бағишланган бўлиб, турли материални есда олиб қолишда тушинишнинг аҳамияти муҳимлигини тасдиқлашга интилган. Бу материални есда олиб қолишга тўғри йўналиш берилишининг натижасида материал мазмунини тушуниб олган ҳамда есда олиб қолиш тезлиги, аниқлиги, мустаҳкамлиги ва тўлиқлиги таъминланади.

А.А.Смирновнинг таъкидлашича, шу даргача ҳеч ким ҳеч бир илмий адабиётларда болаларга ва қуйи синф ўқувчиларига аҳамиятли бўлган материални механик тарзда есда олиб қолишлари кўрсатилмаган.

Немис психологи **Вилям Штерн** (1871-1938) фикрича, болаларда ҳам катта ёшдаги одамларда ҳам маъносига тушуниб ўзлаштиришга нисбатан механик эгаллаш кам миқдордир. Бу мулоҳаза ҳақиқатдан ҳам тўғри, Меймон фикрига кўра, инсон улғайиши билан маъносиз материални есда олиб қолиш камайиб боради ва кам самара беради, лекин маънога эга бўлган билимларни есда олиб қолиши эса сезиларли даражада ривожланиб боради. Шунга ўхшаш омиллар бошқа психологлар томонидан ҳам тўпланган бўлиб, бу ҳақда бой материаллар умумий психология хрестоматияларида ўз аксини топган.

А.А.Смирнов маъно англатмайдиган бўғинларда ва маъно касб этувчи сўзлардан тузилган материал асосида текшириш ўтказган. Катта ва кичик ёшдаги ихтиёрий ва ихтиёрсиз есда олиб қолишни алоҳида текшириш ҳар иккала ёш даврида мазмунли ва мазмунсиз материалларни есда олиб қолишнинг муносабатини текшириш мақсад қилиб қўйилган.

Маъно касб етган материални есда олиб қолиш ёш болаларга нисбатан катталарда устунлиги лекин, маъносиз материални есда олиб қолиш кичик ёшдаги болаларга қараганда кам самара бермаслиги аниқланган. Маъносиз бўғинлар нафақат кичик ёшдаги болаларда, балки катта ёшдагиларда ҳам яхши ўзлаштирилади.

А.Н.Леонтев тадқиқот ишларида катта ёшдагиларнинг маъносиз бўғинлардан тузилган материални яхши, пухта есда сақлаб қолиши

таъкидланган. Катта ёшдагилар маъносиз бўғинларни қандайдир мазмун билан тез ва осон боғлай оладилар. Шунинг учун уларда болаларга нисбатан кучлироқ маъно касб этади. Шунингдек, маъно англатмайдиган материални ўзлаштириш жараёни тез кўчади, маҳсулдорроқ бўлади. Маъносиз материалларни эгаллаш учун ирода кучи, иродавий сифатлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Есда олиб қолишга ҳеч қандай йўналиш берилмай, материални яхши олиб қолиниши кишининг жадал фаолияти билан боғлиқ. Ихтиёрсиз есда олиб қолиш фаол иродавий куч сарфлаш ҳисобига амалга ошади. А.А.Смирнов маъноли материални есда олиб қолишнинг болалар учун йенгил кўчиши уларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ нарса эмаслигини таъкидлаб ўтади. Чунки болалар ҳали тушуниб олмаган материални гўё маъноси яшириниб ётгандек қабул қиладилар. Матн маъносининг номаълумлиги унга нисбатан қизиқиш, билишга интилиш мазмунини излашга талабчанликни уйғотади. Одатда маъносиз сўзларни лаборатория шароитига қараганда кундалик турмушда пухтароқ еслаб қолинади.

Қатор психолог олимларнинг мулоҳазаларига биноан: 1) материални есда олиб қолиш даражаси ёш даврлари хусусиятига эга эмас, балки унинг яккаҳол шахсий хусусиятларига боғлиқдир; 2) механик есда олиб қолишнинг одат тусига кириб қолиши ҳам ёш даврларининг хусусияти эмасдир; 3) сўзларни есда олиб қолиш, механик есда олиб қолишнинг бирон-бир хусусиятидир.

Есга тушириш ва унинг турлари.

Ўтмишда идрок қилинган нарсалар, ҳис-туйғу, фикр ва иш-ҳаракатларнинг онгимизда қайтадан тикланиши **есга тушириш** дейилади. Есга туширишнинг нерв-физиологик асослари бош мия пўстида илгари ҳосил бўлган нерв боғланишларнинг қўзғалишидир. Есга туширишнинг *таниш, еслаш, бевосита еслаш, орадан маълум вақт ўтказиб еслаш, ихтиёрсиз ва ихтиёрий турлари* мавжуд.

Таниш илгари идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни такрор идрок қилиш натижасида у ёки бу ҳодисани есга туширишдир. Таниш аниқ ва ноаниқ бўлиши мумкин. Ноаниқ танишда биз бу нарсани нотаниш эмаслигини ҳис қиламиз, холос. Масалан, бир одам кўзимизга иссиқ кўринади, лекин уни қаерда кўрганимизни еслай олмаймиз. Тўлиқ, аниқ танишда эса идрок қилинаётган нарсанинг номи катта рол ўйнайди. Масалан, биз бир кишини кўриб, уни таний олмасак, унинг фамилиясини ёки исмини
ешицак, дарров ким эканлигини биламиз.

Еслаш нарса ва ҳодисаларни, уни айни пайтда идрок қилмай есга туширишдир. Масалан, бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни, билиб олган ишларимизни бемалол есга туширишимиз мумкин. Еслаш ҳам аниқ ва ноаниқ бўлади. Масалан, биз шеърни ёддан айтиб берсак ҳам уни қаерда ва қачон ўқиганимизни еслай олмаймиз. Есга тушириш аввал танишдан бошланади. Масалан, имтиҳонга кирганда билетни кўриб, унинг саволини ўқиб таниймиз. Демак, бунда предметнинг номи муҳим рол ўйнар экан. Бевосита есга тушириш материални идрок қилиш кетиданоқ есга туширишдан иборат. Масалан, шеърни ёд олганимизда бир неча сатрни ўқиган китобга қарамасдан такрорлаймиз, яъни бевосита есга туширамиз. Бир карра кўздан кечирилган

материални бевосита есга туширилган миқдорига қараб, хотиранинг кўлами аниқланади.

Материалнинг кўп қисмини бевосита есга тушира оладиган кишининг хотира кўлами кенг ҳисобланади. Масалан, артистларда сўз ва ибораларни есда тутиб қолиш хотирасининг кўлами кенг бўлади. Ҳисоб-китоб ишларини юритадиган ходимларда сонларни есда тушириш хотирасининг кўлами кенг бўлади.

Вақт ўтказиб есга тушириш есда олиб қолинган нарсани орадан бир қанча вақт ўтказиб есга туширишдирки, бунда шу орада онгимизда бошқа жараёнлар ўтгандек бўлади. Масалан, ёшлигимиздаги воқеа ва ҳодисаларни шу тариқа еслаймиз.

Идрок қилинган нарсалар миямизда ўрнашиб қолиши, есимизда туриши туфайли турли усулда есимизга тушиши мумкин.

Есда сақлаш деганда илгари туғилган таассурот, фикр, ҳис-туйғу ва иш-ҳаракатларнинг такрорланишига мойиллик пайдо қилиши ва мустаҳкамланиши тушунилади. Бунга сабаб асаб тизимининг егилувчанлигидир. Шунинг учун асаб тизими илгари бўлиб ўтган таассуротларни такрорлашга тайёр туради. Фақат есга тушириш учун қулай шароит бўлсагина есга тушади. Бундай шароит бўлмаганда зарур материални ихтиёрий еслаш жараёни қийинлашади.

Шундай қилиб, есга туширишда ана шу тариқа қийналиб қолиб, зарур бўлган нарсани шу онда есга тушира олмаймиз.

Унутилган нарсаларни яна хотирада қайтадан тикланиши **реминиссенсия** ҳодисаси (хира есга келтириш) дейилади. Бу ҳодисанинг сабаби шуки, узоқ вақт бир иш билан машғул бўлганда мия чарчаши юз беради. Чарчаш ҳаддан ташқари ошиши натижасида нерв хужайраларида тормозланиш юз беради. Материални есда қолдирилгандан кейин 12 соат ичида есга туширилса, материалнинг кўп қисми унутилади. Материални ўқиб ўрганиб олингандан кейиноқ уни яхши хотирлай олмай, аммо орадан бир неча вақт ўтгандан кейин уни тўла хотирлай олишликнинг сабаби материални ўқиб, ўрганиб олишда рўй берадиган чарчашдир.

Материални еслаш учун бўлган кучли хоҳиш натижасида тормозланиш юзага келади, бу эса материални қайта есга туширишдаги қийинчиликни кучайтириб юбориши мумкин. Вақт ўтиши билан ишга чалқиб кетган инсонларда тормозланиш тарқаб кетади. Шунда есга тушириш лозим бўлган нарса хотирага киради. Материални мустаҳкамлашга бўлган қизиқишнинг бўлиши материални узоқроқ есда сақлашга олиб келади. Унутиш вақтга боғлиқ бўлади. Бу Г.Еббингауз томонидан аниқланган бўлиб, унутиш материални ёд олингандан кейин дарҳол айниқса тез рўй беради, ундан кейин эса унутиш анча секинлашади.

Г.Еббингауз унутишнинг вақтга боғлиқлигини тажриба орқали аниқлаган. Тўпланган натижаларнинг кўрсатишича, материални ёд олгандан сўнг унутиш суръати тез кейинчалик эса у бирмунча секинлашади. Бу қонуният маъносиз айрим бўғинларни унутиш устида олиб борилган ишларида тасдиқланган. Тажрибаларнинг кўрсатишига қараганда, ўрганилган нарсалар бир соатдан кейин унутилади. Материални ўзлаштириш жараёни мабойнида хотирлаш натижасида унутиш секинлашиб боради. Муваққат асаб боғланишлари

сусайиши натижасида қачонлардир содир бўлган нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқалари хотирада аста-секин йўқолиб боради. Вақтнинг ўтиши билан бирмунча унутилиб кетилаётган вақтли боғланишларни, яъни ассосиасияларни қайтадан тиклаш жараёни куч-қувват, хатти-ҳаракатларни талаб қилади.

Г.Еббингаузнинг издошлари ва шогирдлари томонидан ўтказилган жуда кўп тадқиқотларнинг кўрсатишича, унутиш суръати материалнинг маъноли ёки маъносизлигига, унинг қанчалик англанилганлигига боғлиқдир. Материал қанчалик мазмундор англанилган тушуниб олинган бўлса, у ҳолда унутиш ҳам шунчалик секин кечади. Лекин маъноли материалга нисбатан ҳам унутиш аввал тез суръатда бўлиб, кейинчалик эса у секинлашади. Бирон-бир материални ўзлаштириш ёки есда олиб қолиш инсоннинг эҳтиёжлари, қизиқиши, фаолиятнинг мақсади билан боғлиқ бўлса, бу материал секин унутилади.

Унутишнинг тезлиги есда олиб қолинган материалнинг мустаҳкамлигига тескари
пропорсионал хусусият касб этади. Демак, есда олиб қолишнинг мустаҳкамлигига ўзлаштирилаётган материалнинг маънога эга ёки эга эмаслигига боғлиқликдан ташқари яна бир нечта омиллар ўз таъсирини кўрсатади ва унинг фаолият мазмунига айланишига ҳам боғлиқ. Шунингдек, улар шахснинг шахсий, индивидуал хусусиятларига ҳам бевосита боғлиқдир.

Хотирадаги индивидуал фарқлар

Хотира жараёнларидаги индивидуал фарқлар есда қолдиришнинг тезлигида, аниқлигида, мустаҳкамлигида ва қайта есга туширишга тайёрлигида ифодаланади. Бу фарқлар малум даражада нерв фаолияти типларининг хусусиятлари билан, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучи ва ҳаракатчанлиги билан боғлиқдир. Индивидуал фарқлар яна шундай ҳолларда намоён бўладики, баъзи одамлар образли материалларни, ранг, тасвир, нарса, товушларни самарали ва мустаҳкам есда олиб қоладилар.

Бошқа бир одамлар сўзларни яхши еслаб қоладилар. Учинчи бир тоифа одамларда эса малум бир материални есда олиб қолишда яққол устунлик сезилмайди. Шунга мувофиқ психологияда хотиранинг қуйидаги типлари фарқланади: кўргазмали образли хотира, сўз мантиқий хотира ва оралиқ типдаги хотира. Масалан, кўргазмали образли хотира типи кўпроқ рассомларда, сўз мантиқий типи назариётчи олимларда учрайди. Бундан ташқари хотирлаш ва есда қолдириш жараёнларида анализаторларнинг қатнашишига қараб, хотира қуйидаги типларга ажралади:

а) кўриш; б) ешитиш; в) ҳаракат; г) аралаш хотира.

Бир хил кишилар кўриш орқали, иккинчи хиллари ешитиш орқали, учинчи хиллари ҳаракат ёрдамида, тўртинчи хиллари есда қолдиришнинг бирга қўшилган усулида яхши есда қолдирадилар.

Хотиранинг аралаш типлари енг кўп тарқалган.

Хотиранинг индивидуал фарқлари киши фаолиятининг хусусиятига боғлиқдир. Есда олиб қолиш ва унутиш тезлигига кўра хотиранинг қуйидаги типлари мавжуд:

1) тез есда қолдириб, секин унутиш;

2) тез есда қолдириб, тез унутиш;

3) секин есда қолдириб, секин унутиш;

4) секин есда қолдириб, тез унутиш.

Хотира тасаввурлари

Илгари идрок қилинган нарса ва ҳодисалар образларининг онгимизда қайтадан
гавдаланишига **хотира тасаввурлари** дейилади.

Есда олиб қолиш ва қайта есга тушириш тасаввур образлари орқали амалга оширилади. Хотира ва хаёл тасаввурлари бир-биридан фарқ қилади. Хотира тасаввурлари илгари идрок қилинган, аммо ҳозир кўз ўнгимизда бўлмаган нарсаларнинг образларини онгимизда гавдаланишдан иборат.
Масалан, ёшлик вақтимиздаги ҳодисаларни еслашимиз, онгимизда қайта тиклашимиз хотира тасаввурлари бўлади. Хаёлий тасаввур хотира тасаввурига қараганда мураккаб бўлиб, онгимиздаги билимлар тажрибаларимиз асосида илгари идрок қилинмаган, шу пайтгача учрамаган нарсаларнинг образларини яратишдан иборатдир. Хаёлий тасаввур ижод қилиш билан боғлиқ.

Масалан: ертаклар, романлар умуман бирор асарни ўқиётганимизда ундаги қаҳрамонларнинг кўз ўнгимизда гавдаланиши хаёлий тасаввурдир.

Тасаввурлар пайдо қилишда сўзнинг аҳамияти катта. Сўз билан номлаш тегишли образнинг яратилишига ёрдам беради. Масалан, "илдиз", "ўт" сўзларини тўрт кишига бериб, қандай тасаввур қилишларини сўрасак, уларнинг тасаввурлари бир-биридан фарқ қилишини кўрамиз, чунки, ҳар бир киши тажрибасига кўра, касбига кўра тушунади. Масалан, математик илдизни соннинг илдизи деб, ботаник ўсимлик қисмини, унинг илдизини, тиш доктори эса тиш илдизини тушунади. Тасаввур қилишнинг физиологик асоси шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиши, бош мия пўстида пайдо бўлган изларнинг жонланишидир.

Тасаввур бирорта туртки тасирида жонланади, масалан, бирор одам ҳақида тасаввурларнинг туғилиши учун бирорта сўз ёки ҳодиса туртки бўлади. Асосан, махсус қўзғовчи сўздир, шунинг учун сўз билан тасвирлаш орқали тасаввурлар туғилади.

Хотира борасидаги назариялар

Инсон хотирасининг қонуниятларини ўрганиш психология фанининг марказий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумки, инсоннинг ҳар қандай кечинма, хатти-ҳаракатлари узоқ муддат онгда сақланиб, маълум бир шароитда қайта намоён бўлувчи излар қолдиради. Шунинг учун, хотира деганда, инсон табиат, жамият, коинот тўғрисида маълумот, хабар ва таассурот тўплаш имкониятини берадиган ҳамда илгариги тажриба изларини есда олиб қолиш, есда сақлаш, қайта есга тушириш, унутишни тушунилади.

Бунга боғлиқ равишда психология фани олдида хотира жараёнларини ўрганиш билан алоқадор бўлган қатор мураккаб муаммолар масалаларини тадқиқ қилиш масаласи турибди. Булар қуйидагилардан иборат: изларни есда олиб қолишнинг физиологик механизмлари қандай, есда олиб қолишга қандай объектив (ташқи), субъектив (ички), табиий, биологик ва ижтимоий, психологик шароитлар таъсир қилади, уларнинг чэгаралари қандай каби масалаларга қаратилган.

Ҳозирги замон хотирани тадқиқ қилиш билан боғлиқ тадқиқотларда марказий ўрин хотира жараёнининг асосларига ажратилган. Хотира

жараёнининг асослари 3 йўналишда ўрганилган: психологик, нейро-физиологик, биохимик.

Хотиранинг психологик назариялари инсон фаоллиги билан боғлиқ бўлган хотира
жараёнларини шакллантиришни тадқиқ этади. Улардан биринчиси ассоциатив назариядир. Маълум бир билимлар инсон онгида бирин кетин ўрин олиши туфайли уларда ассоциатив боғлиқликни юзага келтиради ва ушбу боғлиқликда бирор бир нарса есга туширилади. Ушбу ассосиасияларни 3 турга бўлиш мумкин, яъни объектларнинг фазовий боғлиқлиги, бир-бирига мослиги ва қарама-қаршилигидир. Бундан 3 та ассосиасия келиб чиқади: бир-бирига боғлиқлик, ўхшашлик ва қарама-қаршилик. Ассосиасия назарияси бўйича хотира ассосиатив боғланишлар асосида мавжуд маълумотни сақлаш ва қайта тиклаш имкониятига эга.

Иккинчи психологик назария хотиранинг гешталт назариясидир. Ушбу назариянинг асосий таълимоти нарсанинг негизи, яхлитлиги, йиғиндисидир. Ушбу назарияга асосан хотира яхлит ҳодиса сифатида таҳлил етилади.

Бихевиоризм - инсон хотирасида, есда олиб қолишда такрорлашнинг аҳамиятига диққатни қаратади.

Фрейдизм хотирани эмосиялар, мотивлар ва эҳтиёжлар билан боғлайди.

Хотиранинг мантиқий назарияси А.Бине ва Бюллерлар томонидан илгари сурилиб, улар хотирадаги материални хотиранинг мантиқий есда олиб қолиниши билан боғлайди.

А.Н.Леонтев, Н.И.Зинченко, А.А.Смирновлар томонидан фаолият назарияси илгари сурилиб, турли тасаввурлар орасидаги боғлиқлик есда олиб қолинган материалнинг қандайлигига эмас, балки одамнинг у билан нима қилишига боғлиқдир.

Биохимик назария ташқи таъсир остида нерв ҳужайраларида юз берадиган ўзгаришларни қайд қилиш ва хотира жараёнида ДНК ва РНК аҳамиятини аниқлашга қаратилгандир. ДНК хотирани генетик туғма ташувчи сифатида, РНК эса индивидуал хотиранинг онтогенетик асоси сифатида қабул қилинади. Кибернетик назария бўйича хотира маълумотни қабул қилиб олиш, қайта есга тушириш ва унутишдир.

Адабиётларда келтирилишича, навбатдаги назария хотира жараёнлари асослари ҳақидаги физиологик назариядир. Вақт оралиқида есда олиб қолиш, сақлаш ва есга тушириш хотиранинг асослари физиологик назариясини ташкил қилади. Ҳар қандай ташқи таъсир нерв тизимида изсиз ўтмайди ва қандайдир "из" қолдиради. "Из"нинг физик таъсири қайта импулс ҳаракатини енгиллаштиради. Вақтинчалик нерв муносабатларининг юзага келиши, уларнинг изини ва кейинчалик фаоллаштирилишини хотира жараёнлари асослари назарияси сифатида кўриб чиқилади.

80-йилларда немис психологи Герман Еббингауз ўз "соф" хотира қонунларини ўрганиш имконини берувчи, бошқача сўз билан айтганда, тафаккурга боғлиқ бўлмаган ҳолда изларнинг есда қолиш жараёни тадқиқ этишнинг янги услубини таклиф қилган, яъни маъносиз бўғинларни ёд олишдан иборат бўлган бу услуб Еббингаузга материални есда олиб қолишнинг егри чизиқига оид қонунни кашф қилишга, унинг асосий қоидаларини баён

этишга ва ана шуларнинг асосида изларни хотирада сақланиш муддатини ҳамда аста-секин сўниш ҳолатини текширишга имконият яратган. ХИХ аср охири ХХ аср бошларида Америкалик психолог Едуард Торндайкнинг текширишлари пайдо бўлди. У биринчи бўлиб текшириш предмети сифатида ҳайвонларда кўникмаларни пайдо бўлиш жараёнини танлаган еди.

ХХ асрнинг биринчи 10 йилида хотирани текшириш янги илмий талқинга эга бўлди, унинг моддий асоси тўғрисидаги муаммоларга моҳияти жиҳатидан мутлақо бошқача ёндашиш рўёбга чиқди.

Худди шу давр хотира психологиясида кескин бурилиш нуқтасини вужудга келтиради. Академик И.П.Павлов шартли рефлексларни ўрганишнинг илмий методини таклиф этади, бу нарса ўз навбатида бош мия ярим шарларида янги боғланишлар пайдо бўлишига ва мустаҳкамланишнинг асосий физиологик механизмларини текшириш имкониятларини туғдирди. Ана шундай қилиб, ушбу боғланишлар пайдо бўлишига ва сақлаб қолишга ёрдам берадиган шарт-шароитлар, шунингдек, боғланишларнинг сақлани-шига таъсир қилувчи ҳолатлар, омиллар ва механизмлар тасвирлаб берилди. И.П.Павлов олий асаб фаолияти таълимоти ва унинг асосий қонунлари хотиранинг физиологик механизмларига оид билимларнинг асосий манбасига айланиб қолади.

Болаларда хотиранинг юксак (юқори) шаклларини биринчи марта тадрижий равишда тадқиқ қилиш таниқли психолог Л.С.Вигоцкийга насиб етган. У 20-йилларнинг охирларида махсус текширишларнинг предмети қилиб, хотиранинг юксак шаклларининг ривожланиши муаммосини танлаган ва у ўз шогирдлари А.Н.Леонтев (1905-1979) ва А.В.Занков билан биргаликда хотиранинг юксак шакллари руҳий фаолиятнинг мураккаб шакли эканлигини, келиб чиқиш жиҳатидан ижтимоийлигини кўрсатади. Шунинг билан бирга у мураккаб, моҳиятига кўра есда олиб қолишнинг асосий босқичлари ривожланишини исботлаб берди.

Психологлардан А.А.Смирнов, П.И.Зинченколар ҳам хотира бўйича илмий текшириш ишларини олиб бордилар, унинг янги қонунлари ва механизмларини очдилар. Есда олиб қолишнинг фаолият мақсадига боғлиқлигини ёритдилар, мураккаб материални есда олиб қолишнинг оқилона усулларини кўрсатиб беришга мувофиқ бўладилар.

Юқоридаги фикрлардан кўринадики, психолог олимлар томонидан хотира борасида қатор илмий изланишлар олиб борилган ва борилмоқда.

Таянч иборалар

Амнезия (лот. А - инкор этиш, мнесус - хотира) - миянинг турли қисмларининг жароҳатланиши натижасида хотиранинг йўқолиш ҳолати.

Ассосиасия (лот. ассосиатио - бирлаштирмок) - психик ҳодисалар орасидаги ўзаро боғланиш, у маълум қонунлар бўйича таркиб топади (жумладан, фазодаги ёндошлик, хронологик ўхшашлик, қарама - қаршилик ва б.).

Мантиқий хотира - хотира турларидан, материални маъно томондан ўзаро боғланган ҳолда тушуниб есда қолдиришга асосланади.

Механик хотира (юнон. Мечане - қурол, машина) - материалнинг маъносига тушунмагаи ҳолда
такрорлашдан иборат хотира.

Оператив хотира (лот. орератио - ҳаракат) - хотира турларидан бири. Бй маълум фаолиятни бажариш жараёнида ифодаланади, узоқ муддатли хотирадан вақтинча фойдаланади.

Парамнезия (юнон. рара - олдида, ёнида мносис - еслаш) - содир бўлаётган воқеаларнинг қачонлардир бошдан кечирилгандек бўлиб туюлишидан иборат хотира касаллиги.

Проактив тормозланиш (лот. проактивус - ўта фаол. юнон. тормоз) - аввалги фаолиятнинг қайта - қайта кун такрорланиши натижасида кейинги материалларни есга туширишнинг ёмонлашуви.

Реминиссенсия (лот. реминиссентиа - есламоқ) - аввал унутилган деб ҳисобланган материалларнинг кейинчалик есга тушишидан иборат хотира жараёни, яъни вақтинчалик унутиш
ҳолати.

Ретроактив тормозланиш - (лот. Ретру - орқага, активус - фаол, ҳаракатчан) - олдин еслаб қолинган материалларни кейинги фаолият таъсирида вақтинча унутиш.

Таниб олиш - олдин есда қолдирилган нарсаларни қайта идрок қилиш орқали образ
тариқасида есга туширишдан иборат хотира жараёни.

Узоқ муддатли хотира - хотира турларидан. Бу билимларни, шу билан бирга кўникма ва малакаларни узоқ вақтгача есда сақлашни таъминлайди, ҳамда ғоят кўп ҳажмдаги ахборотни есда тутиш билан характерланади.

Унутиш - олдин есда олиб қолинган маълумотларни кейинчалик қайта есга тушира олиш имкониятининг йўқлиги жараёни.

Хотира - акс еттирилган нарса ва ҳодисаларни, тажрибани есда қолдириш, есда сақлаш ва зарур бўлганда есга туширишдан иборат психик жараён.

Есга тушириш - хотира жараёнларидаи бири, бунинг натижасида олдин есда олиб қолинган билимларни фаоллаштириш юзага келади.

Есда олиб қолиш - янги қабул қилинган ахборотларни олдин эгалланган билим ва тажрибалар билан боғланган ҳолда есда сақлашга қаратилган психик фаолият.

Қисқа муддатли хотира - қисқа муддатга есда қолдириш таъминлайдиган хотира тури.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Хотира ҳақида тушунча.
2. Хотира турлари.
3. Хотира жараёнлари.
4. Хотира типлари.
5. Хотира тасаввурлари.
6. Хотира борасидаги тадқиқотлар.

Тест топшириқлари

1.Қайси қаторда хотира тушунчасига тўғри таъриф берилган?

А) миядаги муваққият боғланишлар Б) мияда из ҳосил бўлиши В) илгари идрок қилган бошдан кечирган ва бажарган ишларимизни ёдда сақлаш кейинчалик

уларни есга туширишдан иборат жараёнГ) кундалик билимларни есда олиб қолишга
Д) зарур вақтда керакли материални есга тушира олиш қобилияти
2.Қайси қаторда хотира жараёнлари кўрсатилган?
А) есга тушириш Б)есда олиб қолиш В) унутиш Г)есда сақлаш Д) барча жавоблар тўғри
3.Хотиранинг нерв физиологик асосини нима ташкил қилади?
А) иккинчи сигналлар тизими Б) ассосиасиялар В) бош миянинг пўстлоқ қисми Г) кетма-кетлик ассосиасияси Д) динамик стреотип
4.Қайси қаторда ассосиасия тушунчасига тўғри таъриф берилган?
А) мияда из ҳосил бўлиши Б) материал изини йўқолиши В) есда қолдириш ва унутиш тезлигига кўра Г) хотирамизда мустаҳкамланган ва онгимизда қайд қилинган айрим воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғланишдир бирор буюмни есда олиб қолиш уни бошқа буюмлар билан боғлаш орқали амалга оширилади Д) барча жавоблар тўғри
5."Муваққат нерв боғланишлари ҳайвонот оламида ва бизнинг ўзимизга ҳам бўладиган енг умумий физиологик ҳодисадир. Шу билан бирга у психик ҳодиса ҳамдир. Турли-туман ҳаракат таассурот бўлмаса ҳарфлар сўзлар ва фикрлар ўртасида пайдо бўладиган боғланишларни психологлар ассосиасиялар деб атайдилар." Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?
А) И.Павлов Б) И.Сеченов В) Л.Вигоцкий Г) А.Смирнов Д) Галтон
6.Ассосиасиялар нечта турга ажратилади?
А) 2такетма-кетлик ўхшашлик Б) 3та кетма-кетлик ўхшашлик қарама-қаршилик В)2та фазовий ва вақт Г) 3та фазовий емосионал ҳаракат Д) барча жавоблар тўғри
7.Нарса ва ҳодисаларнинг фазовий вақт муносабатлари акс этади. Мазкур фикр қайси ассосиасияга тегишли?
А) кетма-кетлик Б)ўхшашлик В) қарама-қаршилик Г) фазовий Д) ҳаракат
8.Қайси қаторда психик фаоллик табиатига кўра хотира турлари берилган?
А) ҳаракат, ҳиссий, образли, сўз-мантиқ, механик Б) ихтиёрсиз, ихтиёрий В) қисқа муддатли ва узоқ муддатли, оператив Г) ҳаракат, ихтиёрсиз, оператив Д) барча жавоблар тўғри
9.Қайси қаторда фаолия мақсадига кўра хотира турлари келтирилган?
А) ҳаракат, ҳиссий, образли, сўз-мантиқ, механик Б) ихтиёрсиз, ихтиёрий В) қисқа муддатли ва узоқ муддатли, оператив Г) ҳаракат, ихтиёрсиз, оператив Д) барча жавоблар тўғри
10.Материални қанча вақт есда олиб қолиш ва есда сақлаш муддатига кўра хотира турлари қайси қаторда кўрсатилган?
А) ҳаракат, ҳиссий, образли, сўз-мантиқ, механик Б) ихтиёрсиз, ихтиёрий В) қисқа муддатли ва узоқ муддатли, оператив Г) ҳаракат, ихтиёрсиз, оператив Д) барча жавоблар тўғри
11.Турли хил қаракатни есда олиш, есда сақлаш ва қайта есга туширишдан иборат есда олиб қолиш …….. деб аталади.
А) ҳаракат хотираси Б) ҳиссий хотира В) образли хотира Г) ихтиёрсиз хотира

Д) ихтиёрий хотира

12.Тассавурлар табиат ва ҳаёт манзаралари шу билан бирга товуш ҳидлар таъмлар билан боғлиқ хотира …….....

А) ҳаракат хотираси Б) ҳиссий хотира В) образли хотира Г) ихтиёрсиз хотира Д) ихтиёрий хотира

13.Идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг образларини мия пўстида из ҳосил қилиши…….. деб аталади?

А) есда сақлаш Б) есга тушириш В) унутиш Г) есда олиб қолиш Д) ременсенсия

14.Есда қолдириш фаоллигига кўра қандай турларга ажратилади?

А) 2та ихтиёрий, ихтиёрсиз Б) 3та ихтиёрий, ихтиёрсиз, тасодифан В) мақсад қўйиш, ўқув материалини тушуниш Г) ихтиёрий ва беихтиёрий Д) барча жавоблар тўғри

15.Ихтиёрий есда олиб қолдиришда қандай усуллардан фойдаланилади?

А) материал ва сўзнинг таъсирчанлиги Б) ихтиёрий ва ихтиёрсиз тасодифан

В) мақсад қўйиш ўқув материалини тушуниб есда қолдириш, есда қолдиришнинг расионал усуллари Г) мақсад қўйиш, есда қолдиришнинг расионал усулларидан фойдаланиш Д) ҳиссий таъсирчанлиги, ҳажми, ҳаракатчанлиги, тезлиги, шакли

16.Беихтиёр есда қолдиришда қайси жараён асосий рол ўйнайди?

А) эҳтиёж Б) тажриба В) шакл ва ҳажми Г) қизиқиш Д) ҳиссий таъсирчанлилиги

17.Ўтмишда идрок қилинган нарсаларнинг ҳис-туйғу, фикр ва иш-ҳаракатларнинг онгимизда қайта тикланиши ……. деб аталади?

А) есга тушириш Б) таниш В) еслаш Г) бевосита есга тушириш Д) вақт ўтказиб есга тушириш

17. …….... илгар идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг такрор идрок қилиш натижасида нарса ёки ҳодисанинг есга туширишдир?

А) есга тушириш Б) таниш В) еслаш Г) бевосита есга тушириш Д) вақт ўтказиб есга тушириш

19.Нарса ва ҳодисаларни уни шу пайтда идрок қилмай есга туширишга айтилади?

А) есга тушириш Б) таниш В) еслаш Г) бевосита есга тушириш Д) вақт ўтказиб есга тушириш

20.Материални идрок қилиш кетиданоқ есга туширишдан иборат жараён нима деб аталади?

А) есга тушириш Б) таниш В) еслаш Г) бевосита есга тушириш Д) вақт ўтказиб есга тушириш

21. ……..... есда олиб қолинган нарсани орадан бир неча вақт ўтказиб есга туширишдирки, шу орада онгимизда бошқа жараёнлар бўлиб ўтади?

А) есга тушириш Б) таниш В) еслаш Г) бевосита есга тушириш Д) вақт ўтказиб есга тушириш

22.Илгари туғилган таассурот фикр, ҳис-туйғу ва иш-ҳаракатларнинг такрорланишига мойиллик пайдо қилиши ва мустаҳкамланишига ……. айтилади?

А) есда олиб қолиш Б) есда сақлаш В) есга тушириш Г) унутиш

Д) ремениссенсия

23.Унитилгандан кейин ҳам материални хотирага қайтиши ……. деб аталади?

А) амнезия Б) ретроград амнезия В) ремениссенсия Г) ассосиасияД) такрорлаш

24.Унутишнинг вақтга боғлиқлигини ўрганган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) И.Павлов Б) А.Смирнов В) И.Сеченов Г) Г.Еббингауз Д) Д.Елконин

25.Унутишга қарши восита бу……..

А) еслаш Б) таниш В) қисман такрорлаш Г) такрорлаш Д) қайта есга тушириш

26.Хотирадаги индивидуал фарқлар нимага боғлиқ?

А) есда сақлаш ва есга туширишга Б) есда олиб қолиш ва унутиш В) унутиш ва есда сақлаш Г) вақт ва материалга Д) шакли, ҳажми ва ҳиссий таъсирчанлигида

27.Хотиранинг типлари қайси қаторда кўрсатилган?

А) тезда есда қолдириб секин унутиш Б) тез есда қолдириб, тез унутиш В) секин есда қолдириб секин унутиш Г) секин есда қолдириб, тез унутиш Д) барча жавоблар тўғри

28.Илгари идрок қилинган нарса ва ҳодисалар образларининг онгимизда қайтадан гавдаланишига …….. дейилади?

А) унутиш Б) есда сақлаш В) хаёл тасаввурлари Г) хотира тасаввурлар

Д) хотирадаги индивидуал фарқлар

29.Материал ва хабарларнинг сўзма-сўз есда олиб қолиш сабаблари қайси қаторда кўрсатилган?

А) материални таъсирчанлик даражаси Б) шахснинг ўзлаштиришга муносабати

В) ўзлаштирувчининг имконияти ва қобилияти Г) барча жавоблар тўғри

Д) тўғри жавоб берилмаган

30.Идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг уларнинг боғланиш муносабатларини фавқулодда тез ҳамда аниқ есда қолдириш ва есга туширишга қаратилган нодир қобилият бу .....

А) механик Б) феноменал В) ретроградГ) ешитиш Д) проактив тормозланиш

Назорат саволлари

1. Хотира тушунчасининг мазмуни нималарда кўринади?
2. Хотиранинг нерв-физиологик асосини нималар ташкил қилади?
3. Хотира турларининг моҳиятини кўрсатинг?
4. Хотира жараёнлари моҳиятини изо?ланг?
5. Хотира тасаввурларининг ўрнини қандай изоҳлайсиз?
6. Хотира борасидаги тадқиқотларга мисол келтиринг

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
3. Грановская Р. М. Элементы практической психологии. — СПб.: Свет, 1997.
4. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
5. Джемс В. Психология.- М., 1991
6. Зинченко П. И. Непроизвольное запоминание. — М.: Изд-во АПН

РСФСР, 1961.
7. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
8. Леонтьев А. Н. Избранные психологические произведения: В 2-х т. Т. 1 / Под ред.В. В. Давыдова и др. — М.: Педагогика, 1983.
9. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
10. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
11. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
12. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
13. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
14. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
15. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
16. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

ТАФАККУР

Тафаккур ҳақида тушунча

Тафаккур инсон ақлий фаолиятининг юксак шаклидир. Тафаккур орқали биз сезги аъзоларимиз билан бевосита акс еттириб бўлмайдиган нарса ва ҳодисаларни онгимизда акс еттирамиз. Умуман олганда ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисалар ўртасида кўз билан кўриб, қулоқ билан ешитиб бўлмайдиган ички муносабатлар ҳамда қонуниятлар мавжуд. Ана шу ички боғланиш ҳамда қонуниятларни биз тафаккур орқали билиб оламиз. Демак, **тафаккур** деб нарса ва ҳодисалар ўртасидаги енг муҳим боғланишлар ва муносабатларнинг онгимизда акс еттирилишига айтилади.



Айнан тафакур орқали биз моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини билиш имконига эга бўламиз. Шу боис дунёни билишда бевосита сезиш, идрок, тасаввур ва бавосита тафаккур муҳим рол ўйнайди.

Тафаккур тушунчасининг мазмун моҳияти психология дарсликларида олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Жумладан, умумий психология дарсликларида тафаккурга берилган таърифлар турлича бўлиб унинг иккита ёки учта муҳим хусусияти таъкидлаб ўтилади, холос. Жумладан, П.И.Ивановнинг дарслигида "тафаккур инсоннинг шундай ақлий фаолиятидирки, бу фаолият воқеликни енг аниқ, тўлиқ, чуқур ва умумлаштириб акс эттириш га (билишга), инсонни тақин ҳам оқилона
амалий фаолият билан шуғулланишига имкон беради" деб таърифланади. Ушбу таърифда тафаккурнинг тўла, аниқ ва умумлаштирилган ҳолда акс эттириш и таъкидлаб ўтилади, холос, лекин унинг характерли хусусиятлари бевосита сўз ёрдами билан ифодаланиши муаллифнинг диққат марказидан четда қолган.

М.В.Гамезо томонидан "тафаккур воқеликнинг умумлашган ҳолда ва сўз ҳамда ўтмиш тажриба воситаларида акс еттирилиши" эканлиги баён қилади. У тафаккурнинг умумлашган сўз воситасида ва воситали атроф- муҳит ҳодисаларини акс еттира олишни таъкидлайди.

А.В.Петровский таҳрири остидаги дарсликда тафаккурга қуйидагича таъриф келтирилади: "Тафаккур - ижтимоий сабабий, нутқ билан чамбарчас боғлиқ муҳим бир янгилик қидириш ва очишдан иборат психик жараёндир, бошқача қилиб айтганда, тафаккур воқеликни анализ ва синтез қилиш, уни бавосита ва умумлаштириб акс эттириш жараёнидир".

В.В.Богословский тақриридаги дарсликда ҳам тафаккурга берилган таъриф унинг
умумлашган ва билвосита акс эттириш хусусиятлари ёритилган, холос. Худди шунга ўхшаш тафаккур хусусиятлари **Ф.Н.Гоноболин, К.К.Платонов** дарсликларида ҳам учрайди.

Келтирилган таърифлар орасида **О.К.Тихомировнинг** дарслигидаги таъриф нисбатан тўлиқроқ деб ҳисобланади. Унда тафаккур предметига кирувчи таркибий қисмлар мана бундай ифодаланади: "Тафаккур - бу ўз маҳсулоти билан воқеликни умумлаштириб, бавосита акс эттириш ни характерлайдиган умумлаштириш даражаси ва фойдаланадиган воситаларга ҳамда ўша умумлашмалар янгилигига боғлиқ равишда турларга ажратишдан иборат жараён, билиш фаолиятидир".

Ҳозирги вақтда тафаккурнинг предмети юзасидан психологияда турли-туман қараш ва таърифлар мавжуддир. Уларнинг айримларига тавсифнома бериб ўтамиз. **С.Л.Рубинштейн** назариясига биноан тафаккурни психологик жиҳатдан ўрганишнинг асосий предмет, жараён, фаолият тариқасида намоён бўлишидир. Муаллиф тафаккур операсиялари шаклларини шакллантиришда жараён, муаммоли вазиятни ҳал қилишда эса фикр юритиш фаолияти сифатида вужудга келишини чуқур таҳлил қилиб беради. С.Л.Рубинштейн тафаккур тўғрисидаги ғояни ривожлантириб, уни субъект фаоллигининг пайдо бўлиши деб атайди.

А.Н.Леонтев тафаккур психологияси предмети юзасидан мулоҳаза юритиб, тафаккурни турли кўринишларга ажратади, фикр юритиш фаолияти эканлигини тан олади, лекин уни предметли-амалий фаолият деб номлайди. Шунинг билан бирга тафаккурнинг тузилиши, фикр юритиш мотивасияси тўғрисидаги назарий методологик муаммоларни ўртага ташлайди.

П.Я.Галперин фикрига кўра, тафаккур -бу ориентирлаш-тадқиқот фаолияти, ориентировка жараёндир, яъни ориентировка-жараён, ориентировка фаолият. Муаллиф психология фани интеллектуал масалаларни йечишда субъектнинг тафаккурига ориентировка қилиш жараёнини ўрганишга асосланади деб тушунтиради. П.Я.Галперин тафаккурнинг бошқа жиҳатларини ўзининг ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясидан келиб чиққан ҳолда ёритишга интилади. **А.В.Брушлинский** тадқиқотларида тафаккурнинг муҳим янгиликни қидириш ва очиш, гипотеза ва назарияларни башорат қилиш, олдиндан пайқаш хусусиятлари алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Тафаккурнинг нерв-физиологик асоси

Тафаккур фаолияти муайян мақсадга қаратилган алоҳида онгли жараён тариқасида содир бўлади. Бош миянинг бирор участкасидаги фаолият эмас, балки бутун бош мия пўстининг фаолияти мана шу жараённинг физиологик асосидир. Тафаккур фаолияти учун аввало анализаторларнинг миядаги учлари ўртасида вужудга келадиган мураккаб боғланишлар муҳим аҳамиятга эгадир. Анализаторларнинг бош мия пўстидаги участкалари бир-биридан кескин ажралган ҳолда эмас, балки бир-бирига туташиб, бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетганлиги сабабли мазкур боғланишларнинг вужудга келиши юқорида айтиб ўтилганидек, тафаккурнинг махсус нерв-физиологик механизмларидир. Бунда иккинчи сигналлар тизимининг боғланишлари биринчи сигнал тизимидаги боғланишларга таянади.

И.П.Павлов иккинчи сигнал тизимининг иши ҳамиша биринчи сигнал тизими билан ўзаро ўтказиш жараёнида ҳозир бўлади, деб таъкидлаган. Иккинчи сигнал тизими асосида биринчи сигнал билан ўзаро таъсир қилиш жараёнида дастлаб умуминсоний емпиризмни ва ниҳоят одамнинг ўз теварагидаги оламни ва унинг ўзини билиш учун олий қурол бўлган олий тафаккур воқъе бўлади. Тафаккурнинг муайян бир нарсага қаратилиши учун нерв-физиологик асос бўлган ориентировка рефлекси тафаккур жараёнларида катта рол ўйнайди. Академик И.П.Павлов таъкидлаганидек, "аввало умуминсоний емпиризмни ниҳоят, атроф оламни ва инсоннинг ўзини ҳам билиш учун олий қурол бўлган фанни ҳам яратувчи махсус инсоний олий тафаккур зарурдир".

Тафаккур операсиялари

Тафаккур жараёни инсоннинг билишга бўлган эҳтиёжлари, теварак-атрофдаги олам ва турмуш тўғрисидаги ўз билимларини кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга интилиш сабабли вужудга келади. Фикр қилувчи кишининг тафаккури-объектни англаши, билиши тафаккур жараёнининг характерли хусусиятидир. Одам ўзи идрок қилаётган нарсалар тўғрисида фикр қилади. Шунинг учун тушунчалар нарсаларнинг бутун бир синфи, туркуми тўғрисида фикр қилади, яъни булар тафаккурнинг объекти бўлади. Бир нарсага таянмаган қурукдан қуруқ тафаккур бўлиши мумкин эмас.

Анализ, синтез, таққослаш, абстраксиялаш ва умумлаштириш, таснифлаш ва тизимга солиш ақлий операсияларнинг асосий турларидир.

Анализ - шундай бир тафаккур операсиясидирки унинг ёрдами билан биз нарса ва ҳодисаларни фикран ёки амалий жиҳатдан хусусиятларини таҳлил қиламиз. Анализ жараёнида бутуннинг унинг қисмларига ва елементларига бўлган муносабати аниқланади. Таҳлил объектлари амалда ажратиб бўлмайдиган елементларга ёки белгиларга бўлишда ифодаланиши мумкин. Алломаларимизнинг таъкидлашича, маймуннинг ёнғоқни чақишининг ўзиёқ бошланғич, оддий анализдир. Ўқувчи ва талаба ёшлар турмушда ва ва дарс жараёнида анализ ёрдами билан кўпгина ишларни амалга оширадилар, топшириқлар, мисол ва масалаларни йечадилар. Демак, табиат ва жамиятдаги билим ва тажрибаларни инсон томонидан ўзлаштириб олиш анализдан бошланади. Масалан, буни қуйидаги схемада кўриш мумкин. Муаммоли вазиятларни йечиш усуллари



Дарс жараёни вақтида тафаккурнинг анализ қилиш фаолияти катта ўрин тутади. Чунончи, саводга ўргатиш нутқни таҳлил қилишдан, гапни сўзларга, сўзларни бўғинларга, бўғинларни товушларга ажратишдан бошланади. Математик масалани йечиш таҳлил қилишдан, дастлаб бир қанча маълум сонларни топишдан бошланади. Агарда инсон олдига автомашина моторининг тузилишини билиш вазифаси қўйилса, у ҳолда бу топшириқни ҳал қилиш у моторни айрим қисмларга ажратиб, ҳар бир қисмни ўз навбатида алоҳида олиб текшириш лозим бўлади ва ҳоказо.

Анализ ва синтез жараёнларининг юзага келишини қуйидагича изоҳлаш мумкин.





Юқорида айтиб, ўтилган мотор ёки бошқа қисмларнинг ролини тушуниш учун ёлғиз анализнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки таркибий қисмларни бирлаштирган ҳолда бир-бирига таъсир қилиб турган мотор ва машинанинг бутунлигича олиб текширгандагина унинг мотор ёки машина эканлигини англаш мумкин.

Синтез - шундай бир тафаккур операсиясидирки, биз нарса ва ҳодисаларнинг анализда бўлинган, ажратилган айрим қисмларини, бўлакларини синтез ёрдами билан фикран ва амалий равишда бирлаштириб, бутун ҳолига келтирамиз. Синтез елементларнинг, нарса ва ҳодисаларнинг қисмлари ва бўлакларини бир бутун қилиб ҳўшишдан иборат ақлий фаолият эканлиги таърифдан кўриниб турибди. Анализ ақлий бўлгани каби синтез ҳам амалий характер касб этади. Масалан, биринчи синф боласи ўз ҳарф халтасидаги келтирилган ҳарфлардан фойдаланиб, бўғин, бўғинлардан сўз, сўзлардан гап, гаплардан қисқа ахборот, ундан эса ҳикоя тузади.

Анализ ва синтез ўзаро бевосита мустаҳкам боғланган ягона жараённинг икки томонидир. Агар нарса ва ҳодисалар анализ қилинмаган бўлса, уни синтез қилиб бўлмайди, ҳар қандай анализ предметларни нарсаларни бир бутун ҳолда билиш асосида амалга оширилиши лозим.

Таққослаш - шундай бир тафаккур операсиясидирки, бу операсия воситаси билан объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва бир-биридан фарқи аниқланади.

ХИХ-ХХ асрларда яшаган олим К.Д.Ушинский таққослаш жараёни борасида қуйидагиларни таъкидлаган: "Агар сиз табиатни бир нарсасини равшан тушуниб олишни истасангиз, унинг ўзига жуда ўхшаш бўлган нарсалардан тафовутини топингиз ва унинг ўзида жуда узоқ бўлган нарсалар билан ўхшашлигини топингиз. Ана шунда сиз шу нарсанинг енг муҳим белгиларини пайқаб оласиз, демак шу нарсани тушуниб оласиз".

Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқни, тенг ёки тенгсизликларни, айният ёки зиддиятларни аниқлашдан иборат бўлган фикр юритиш операсияси, билишнинг дастлабки ва зарур воситаси бўлиб ҳисобланади. Аждодларимиз таққослашнинг таълимдаги роли тўғрисида шундай фикрларни билдирган еди. Таққослаш ҳар қандай тушунишнинг ва ҳар қандай тафаккурнинг асосидир. Оламдаги нарсаларнинг ҳаммасини таққослаб кўриш йўли билан била олмасак, бошқа йўл билан била олмаймиз, агар биз ҳеч нарса билан солиштиришимиз ва фарқини билиб олишимиз мумкин бўлмаган бирон бир нарсага дуч келганимизда еди, у ҳолда биз шу нарса тўғрисида ҳеч қандай фикр қила олмаган бўлар едик.

Таққослаш операсияси икки хил йўл билан амалга ошиши мумкин: амалий аниқ нарсаларни бевосита солиштириш ва назарий тасаввур қилинаётган образларни ва нарсаларни онгда фикран таққослаш. Агар одам икки бойлам юкни қўл билан кўтариб, бир неча хил таом мазасини қиёсласа ёки икки пайкал пахтазор қосилдорлигини таққосласа, бу амалий таққослаш бўлади. Шунингдек, ўқувчилар икки қалам ёки икки стерженнинг учини ёғочга ёки қоғозга солиштирсалар, у аналогик ҳолатга мисол бўла олади. Бундан ташқари метр билан масофани, тарози билан оғирликни, термометр билан

ҳароратни, телескоп билан осмон жисмларини ўлчаш пайтида ҳам таққослаш жараёни вужудга келади.

Инсон теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисаларнинг барчасини бевосита акс эттириш , қўл билан пайпаслаш имкониятига эга эмас. Шу боисдан тўпланадиган билимларнинг аксарияти қўл билан ушлаш, кўз билан кузатиш евазига эмас, балки фикр юритиш орқали, мантиқ ёрдамида англанилади. Улар ўртасида ўхшаш ва фарқли аломат ҳамда белгилар назарий таққослаш асосида ажратилади. Демак, инсон олаётган кенг кўламдаги ахборотлар фарқини фикран таққослаш ёрдамида англаб йэтади. Жумладан, ўқувчилар дилда ўйлаётган нарсаларни фикран солиштириб кўрадилар. Баъзан турли ёшдаги кишилар ўз тенгдошлари характерида, қизиқишида, юриш туришида, муомаласида ва бошқа хусусиятида ўхшашлик ва тафовут борлигини топадилар.

Абстраксия - шундай фикр тафаккур операсиясидирки, бу операсия ёрдами билан моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини фарқлаб олиб, ана шу хусусиятлардан нарса ва ҳодисаларнинг муҳим бўлмаган иккинчи даражали хусусиятларини фикран ажратиб ташлаймиз.

Мазкур жараённи қуйидаги схемада ҳам кўришимиз мумкин:



Абстраксия жараёнида объектдан ажратиб олинган белги, аломатнинг ўзи тафаккурнинг мустақил объекти бўлиб қолади. Абстраксия операсияси таҳлил натижасида вужудга келади. Масалан, синф деворини таҳлил қилиш жараёнида унинг фақат бир белгисини, яъни оқлигини ажратиб олиш мумкин ва оқ девор тўғрисида эмас, балки деворнинг оғлиги тўғрисида, кейин эса умуман оқлик ҳақида фикр юритиш мумкин. Кишилар қуёш, ой, юлдуз, електр, олов баъзи планеталар, айрим тош ва ҳоказоларнинг кўз ўнгиларида ёритишни кузата туриб уларнинг битта умумий белгисини, яъни ёритишни фикран ажратиб олиб, умуман ёритиш тўғрисида мулоҳаза юритилади.

Буюмларни нарса ва ҳодисаларни жисм ва предметларни бир-бири билан таққослаш пайтида ҳам абстраксиялаш жараёни юзага келади. Бунда нарса ва ҳодисаларнинг мавжуд белгиларига, масалан тусига, шаклига, тезлигига, оғирлигига, қийматига ва шу каби ўхшаш сифатларга қараб таққосланади.

Абстраксия операсияси билан инсонни қуроллантириш интеллектуал жиҳатдан интенсив ривожланишига олиб келади, шунингдек мустақил билим олиш фаолиятини такомиллаштиради.

Умумлаштириш - тафаккурда акс етган бир туркум нарсаларнинг, ўхшаш муҳим белгиларнинг шу нарсалар тўғрисидаги битта тушунча қилиб, фикрда бирлаштириш демакдир. Психологияда умумлаштириш муаммоси бўйича ягона йўналишдаги назария мавжуд эмас. Шунинг учун психологлар бу жараённи турлича талқин қиладилар, гоҳо уни гуруҳларга бўлиб ўрганадилар. Шунингдек, мактаб таълимини қайси умумлаштириш усули асосида амалга ошириш тўғрисида олимлар турлича нуқтаи назардан ёндашадилар. **С.Л.Рубинштейн, В.В.Давидов** томонидан таълимда назарий жиҳатдан умумлаштириш усулини ёқлаб чиқсалар, **Н.А.Менчинская, Д.Н.Богоявленскийлар** ҳам назарий, ҳам амалий усулни қўллашни тавсия етмоқдалар. Аммо ўқув фаолиятининг турли-туманлиги дарс жараёнида ҳар хил умумлаштириш усулларидан фойдаланиш кераклигини тақазо қилади.

Психологияда умумлаштиришнинг кенг қўлланиладиган икки тури: тушунчали умумлаштириш ва ҳисссий-конкрет умумлаштириш юзасидан кўпроқ фикр юритилади. Тушунчали умумлаштиришда предметлар объектив муҳим белги асосида умумлаштирилади. ҳиссий-конкрет умумлаштиришда эса предметлар топшириқ талабига биноан ташқи белги билан умумлаштирилади. Психологлар нотўғри
умумлаштиришнинг ҳиссий-конкрет умумлаштиришдан тафовути борлигини ҳамиша таъкидлаб келмоқдалар. Ўқувчи ва талаба баъзан предметларни муҳим бўлмаган белгисига асосланиб нотўғри умумлаштирадилар, ваҳоланки, топшириқ шартида бу талаб улар олдига мутлақо қўйилмайди. Лекин бу назариянинг қимоячилари нотўғри умумлаштиришни алоҳида тур деб ҳисоблайдилар.

Умумлаштириш, абстраксиялаш операсиясидан ажралган ҳолда содир бўлмайди, ҳар қандай умумлаштириш асосида абстраксиялаш жараёни ётади. Умумлаштириш жараёни абстраксиясиз мавжуд бўлиши мумкин, лекин абстраксиясиз умумлаштиришнинг юзага келиши мумкин эмас. Агар абстраксиялаш фаолиятида нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш ҳамда муҳим белгилари тасодиф белгилардан фикран ажратиб олинса, умумлаштиришда эса ажратиб олинган ўхшаш, умумий ва муҳим белгиларга суянган ҳолда нарса ва ҳодисалар бирлаштирилади.

Умумлаштириш жараёни сўз таъсирида вужудга келган иккинчи сигналлар тизимига асосланади. Академик **И.П.Павлов** фикрича, нутқ сигналлари туфайли нерв фаолиятининг янги тамойили абстраксиялаш ва шу билан бирга олдинги тизимнинг беҳисоб сигналларини умумлаштириш вужудга келадики, бунда ҳам ўз навбатида ана шу умумлаштирилган янги сигналлар тағин анализ ва синтез қилинаверади. Фикр юритишнинг умумлаштириш операсияси ҳар хил асосларга кўра турларга бўлиб ўрганилади. Умумлаштиришни мазмунига кўра тушунчали умумлаштириш ва яққол-кўргазмали ёки елементар умумлаштириш турига ажратиш қабул қилинган. Тушунчали умумлаштириш орқали объектив қонуниятларни муҳим белгилари бўйича бирлаштириш амалга оширилади. Бунда муҳим белгилар

умумлаштирилиб, объектив қонуниятларни очиш мумкин бўлади. Яққол-кўргазмали умумлаштиришда нарса ва ҳодисалар ташқи ҳамда яққол белгилар бўйича умумлаштирилади.

Конкретлаштириш - ҳодисаларни ички боғланиш ва муносабатлардан қатъий назар бир томонлама таъкидлашдан иборат фикр юритиш операсиясидир.

Умумий мавҳум белги ва хусусиятларни якка ёлғиз объектларга тадбиқ қилиш билан ифодаланадиган фикр юритиш операсияси инсоннинг барча фаолиятларида фаол иштирок этади. Воқелик қанчалик яққол шаклда ифодаланса, инсон уни шунчалик осон англаб йэтади. Инсонлар даставвал теварак атрофни аниқ белгиларига асосланиб, аниқ ҳолда акс еттирганлар, яққол образларга суяниб тасаввур қилиш имкониятига эга бўлганлар, шу боисдан то ҳозирги кунга қадар аниқлик белгиси ҳар қандай инсон зоти учун енг яқин белги бўлиб исобланади.

Психологлар тадқиқотларининг кўрсатишига қараганда конкретлаштириш одамда икки хил вазифани бажаради. Биринчидан, умумий абстракт белгининг якка объектга тадбиқ этиш амалга оширилади. Масалан, биз "оқ" деганимизда кўз олдимизга қор, қоғоз, пахта ва шу кабилар келиши мумкин. Иккинчидан, конкретлаштириш умумий ва якка белгилар камроқ бўлган умумийликни очишда
ифодаланади. Масалан, биз олма, олхўри, узумни мевалар қаторига стол-стул, диван ва шу кабиларни мебеллар қаторига қўшамиз. Умумий фикрларни баён қилиш ва изоҳлаш чоғида одатда келтириладиган мисолларнинг ҳаммаси конкретлаштиришнинг ўзидир.

Классификасиялаш - бир туркум ичидаги нарсаларнинг бир-бирига ўхшашлигига ва бошқа туркумдаги нарсалардан фарқ қилишига қараб нарсаларни туркумларга ажратиш тизимидир. **Д.И.Менделевни** "Елементларнинг даврий тизими" жадвали бунга ёрқин мисолдир. Бунда олим елементларни атом оғирлиги ортиб боришига, кимёвий сифатларнинг бир типлигига ва бошқа белги ва аломатларига қараб тартиб билан жойлаштириб чиққан. Ўрганиш учун қулайлик туғдириш мақсадида, шунингдек, амалий мақсадларда кўпчилик нарсаларни гуруҳларга, туркумларга бўлишга тўғри келади. Кўпчилик нарсаларни ҳодисаларни гуруҳларга бўлиш классификасиялаш ёки туркумларга бўлиш деб аталади. Масалан, кутубхонада китоблар муқовасига, фармойишнинг мазмунига ва шу каби белгиларига қараб туркумларига бўлиш мумкин. Ўқувчиларнинг одатда ёши ёки жинсий белгилари
бўйича ва шу кабиларга қараб туркумларга бўладилар.

Системалаштириш - тизимга солиш шундан иборатки, бунда айрим нарсалар, фактлар, ҳодиса ва фикрлар муайян тартибда макондаги, вақтдаги тутган ўрнига ёки мантиқий тартибда жойлаштирилади. Шу сабабли макон, хронология ва мантиқий белгилар асосида тизимга солиш турларига ажратилади. Мебелнинг хонадаги жойлаштирилиши, дарахтнинг боққа ўтказилиши, маконий тизимга намуна бўла олади. Ўтмишда бўлиб ўтган воқеаларнинг вақтга қараб тизимга солишнинг намунаси бўла олади. Математикага, фалсафага, мантиққа доир дарсликларда илмий

материалларнинг жойлаштирилиши мантиқий тизимга солишнинг намунасидир.

Мактаб таълимида ўзлаштирилган билимларни тизимга солиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу иш бир неча босқичда амалга оширилади. Билимлар дастлаб предметларнинг боблари, қисмлари бўйича, сўнг яхлит ҳолда ўқувчи онгида тизимлашади. Тизимлаштиришнинг иккинчи босқичида бир-бирига ўхшаш предметларга оид билимлар фикран тартибга солинади. Учинчи босқичда бир неча предметлар юзасидан тўпланган билимлар маълум тартибга тушади, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари ажратилади. Тизимга солишнинг тўртинчи босқичида дарсдан ва мактабдан ташқари машғулотларда эгалланган билимларни тизимлаштириш назарда тутилади.

Демак, инсоннинг билиш фаолиятида мавзулараро, предметлараро билимларни
тизимлаштириш юзага келади. Бинобарин билимларнинг тизимга солиниши ақлий ривожланишнинг дастлабки поғонаси ҳисобланади.

Тафаккур шакллари

Психологияда нутқ фикр юритиш фаолиятининг воситаси деб юритилади. Одамда нутқ тафаккур жараёнида ҳукм, хулоса чиқариш ва тушунчалар шаклида ифодаланиб келади.

Ҳукмлар

Нарса ва ҳодисаларнинг белги ва хусусиятлари ҳақида тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган фикр **ҳукм** деб аталади.

Ҳукмлар объектив воқеликни акс еттирилишига қараб чин ёки хато бўлади. Нарса ва ҳодисаларда воқеликда ҳақиқатан ўзаро боғлиқ бўлган белгилар, аломатлар ҳукмларда боғлиқ равишда кўрсатиб берилса ёки воқеликда бир-биридан ажратилган нарсалар ҳукмларда ажратиб кўрсатилса бу **чин ҳукм** деб аталади. Масалан, металлар електр токини ўтказувчидир; металлар қиздирилганда кенгаяди, деган чин ҳукмлардир. Чунки електр токини ўтказиш қиздирилганда кенгайиши металларга хос хусусиятдир.

Моддий оламда ҳақиқатдан боғлиқ бўлмаган нарса ҳукмда боғлиқ қилиб кўрсатилса, бундай ҳукм **хато ҳукм** деб аталади. Масалан, ҳозир ташқарида ёмғир ёғяпти; йер қуёш атрофида айланмайди, деган мисоллар хато ҳукмлар доирасига киради.

Борлиқдаги нарсалар, ҳодисалар ва воқеликни миқдорига уларнинг бирор ҳукмда акс еттирилган алоқа ва муносабатларига қараб, ҳукм қуйидаги турларга бўлиниши мумкин:

- ***Ҳукмлар сифатига кўра***: тасдиқловчи ёки инкор қилувчи ҳукм;
- ***Ҳукмларнинг миқдорига қараб***: якка, жузъий, хусусий ва умумий ҳукмга;
- ***Ҳукмларнинг муносабатига кўра***: шартли, айрувчи, ва қатъий ҳукмларга;
- ***Ҳукм тахминий кўринишга эга бўлиши ҳам мумкин.***

Бу ҳукмда акс еттириладиган нарса ва ҳодисалар белгисининг нечоғлик муҳим бўлишига ёки воқеликка мос келиш-келмаслигига боғлиқ. Масалан, ертага ёмғир ёғиши мумкин. Пахта режаси тўлиб қолса керак.

Ҳукмларда тасдиқланган ёки инкор қилинган нарсалар, ҳодисалар, аломатлар ҳукмнинг мазмунини ташкил қилади. Нарса билан белгининг

алоқаси боғлиқлиги борлиги акс еттирилган ҳукм **тасдиқловчи ҳукм** деб аталади. Масалан, Ўзбекистонда пилла йэтиштирилмайди. Тошкентда олий мактаблар қурилмаган. Воқеликда ажратилган нарса инкор қилувчи ҳукмда фикран ажратилиши мумкин. Якка, ёлғиз нарса ва ҳодиса тўғрисидаги ҳукм **якка ҳукм** деб аталади. Масалан, Тошкент - Ўзбекистон Республикаси пойтахтидир; Амударё серсув дарёлардан биридир. Белгининг бирор туркумигагина тааллуқлилигини тасдиқловчи ёки инкор қилувчи ҳукм **жузъий ҳукм** деб аталади. Масалан, баъзи металлар електр токини ўтказмайдилар. қарздор талабалар сессияга қўйилмайди. Жамоанинг айрим бригадалари мажбуриятга яраша меҳнат қилмайдилар. Бир туркумдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаммаси тўғрисида тасдиқлаб, ёки инкор қилиб айтилган ҳукм **умумий ҳукм** деб аталади. ҳукмда нарса ва ҳодиса белгисининг борлигини муайян шароитларда тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган ҳукм **шартли ҳукм** деб аталади. Масалан, агар талаба сессияларга қунт билан пухта тайёрланса, у яхши ва аъло баҳолар олади. Агар ўқувчи дарсга диққат қилмаса, янги материални ўзлаштира олмайди. ҳукмда нарсалар ва ҳодисалар бир неча белгига нисбатан берилиб, шу белгилардан фарқи битта унга тегишли бўлса, бундай ҳукмга **айрувчи ҳукм** деб аталади. Масалан, жисмлар ё қаттиқ, ёки суюқ, ёки газсимон ҳолда бўлади.

Нарса билан белги ўртасидаги алоқанинг бор ёки йўқлиги қатъий шаклда акс еттирилса қатъий ҳукм деб аталади. Масалан, баҳорда барча жойларда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Ёниш кимёвий жараёндир.

Нарса ва ҳодисалар билан уларнинг хусусиятлари ўртасида алоқа бўлиши еҳтимоли фақат фараз қилинса, у ҳолда инсон ўз фикрларини қуйидаги шаклда ифода қилиши мумкин. Еҳтимол, Марсда органик ҳаёт бордир. ХХИ асрнинг охирларида фан-техника янада ривожланиб, тараққий этиши мумкин ва бошқалар. Бундай ҳукмлар **еҳтимоллик ҳукмлари** деб аталади. Нарсалар билан хусусиятлар ўртасидаги алоқани тахминан эмас, балки ҳақиқатдан аниқ билганимизда биз ўз фикримизни мана бундай шаклда изҳор қиламиз. Факултет кутубхонасида кўп янги китоблар мавжуд. Мактабимиздаги кимё хонаси жуда яхши ускуналар билан жиҳозланган. Бундай ҳукмлар **воқелик (ассерторлик) ҳукмлари** деб аталади.

Ҳукмнинг шундай юқори шакли борки, унда фақат ҳақиқатда бўлган воқеа қайд қилинмасдан, балки нарса билан хусусиятнинг алоқаси қонуний эканлиги аниқлаб берилади. Масалан, бутун дунёда тинчлик ғалаба қозониши муқаррар, сезгиларнинг интенсивлиги қўзғатувчи кучининг логарифмига пропорсионалдир. Бундай ҳукмлар **зарурий (аподиктик) ҳукмлар** деб аталади. Бундай ҳукмларда инсон нарса, воқелик, ҳодиса билан унинг хусусияти ўртасида мустаҳкам боғланиш борлигини ва бу боғланишга зид келадиган бошқа бир ҳолнинг бўлиши асло мумкин эмаслигини акс эттиради. Психологияда ҳукмлар иккита асосий йўл билан ҳосил қилиниши таъкидлаб ўтилади. Биринчи йўл билан ҳукм ҳосил қилинганда идрок қилиш зарур бўлган нарсаларнинг бевосита ўзи ифодаланади. Иккинчи йўл билан эса бевосита мулоҳаза юритиш ёрдами билан ҳукм амалга оширилади. Масалан, бу автомобилнинг янги модели. Мазкур мисолда ҳукм чиқаришнинг бирламчи йўли акс еттирилган. Даставвал олимлар кашфиёт ёки ижодий жараёнда

назарий жиҳатдан мулоҳаза юритиш ёрдамида ҳукм чиқарадилар. Улар чиқарадиган ҳукмнинг тўғрилиги амалиётда кейинчалик тасдиқланади. Бу иккинчи йўл билан ҳукм чиқаришга мисолдир.

Хулоса чиқариш

Бир қанча ҳукмларнинг мантиқий боғланиши натижасида ҳосил бўлган янги ҳукм инсоннинг билиш фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. **Хулоса чиқариш** шундай тафаккур шаклидирки, бу шакл воситаси билан биз икки ёки ундан ортиқ ҳукмлардан янги ҳукм ҳосил қиламиз. Масалан, ҳар қандай ҳаракат материя ҳаракатидир, иссиқлик ҳаракат шаклидир, деган иккита ҳукмни олайлик. Бу икки ҳукмдан, демак иссиқлик материя ҳаракатидир деган янги ҳукм чиқарилади. Бунда биринчи ҳукм ҳамиша умумий ҳукм бўлиб, иккинчи ҳукм якка ҳукм бўлади.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, мулоҳаза юритиш ҳам хулоса чиқариш ҳам воқеликни бевосита билишнинг асосий шакли сифатида намоён бўлган олдинги икки ҳукмга асосланиб, учинчи ҳукм чиқарилади. Мазкур хулосани бевосита текшириб кўришга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Шу сабабдан хулоса чиқаришда фикр ўртасидаги шундай боғланиш натижасида бир ёки ундан ортиқ ҳукмлардан учинчи ҳукм келтириб чиқарилади.

Хулоса чиқариш уч турга бўлинади: ***индуктив, дедуктив ва аналогия***.

Индуктив хулоса чиқариш - бу хулоса чиқаришнинг шундай мантиқий усулидирки, бунда бир неча якка ва айрим ҳукмлардан умумий ҳукмга ўтилади, ёки айрим факт ва ҳодисаларни ўрганиш асосида умумий қонун ва ҳоидалар яратилади. Масалан, темир електр токини ўтказади, пўлат електр токини ўтказади, мис електр токини ўтказади, руҳ електр токини ўтказади. Демак, барча металлар електр токини ўтказади, деган умумий хулоса чиқарамиз.

Дедуктив хулоса чиқаришда умумий ва якка ҳукмлардан якка ёки жузъий ҳукм келтириб чиқарилади. Мисол учун барча металлар електр токини ўтказади. Темир металдир. Демак, темир ҳам електр токини ўтказади.

Аналогия хулоса чиқаришнинг шундай шаклидирки, бунда биз икки предметнинг баъзи бир белгилари ўхшашлигига қараб, бу предметларнинг бошқа белгиларининг ўхшашлиги тўғрисида хулоса чиқарамиз. Аналогия деб нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшаш бўлган баъзи белгиларига қарабгина ҳукм юритишдан иборат хулоса чиқариш шаклига айтилади. Аналогик усулда чиқарилган хулоса чин, тахминий ҳамда ёлғон бўлиши мумкин. Фикр юритишнинг бундай шакли кўпинча ёш болаларга хос хусусиятдир. Демак, жузъий икки якка ҳукмларга асосланиб, жузъий ёки якка ҳукм келтириб чиқарамиз. Масалан, боғча ёшидаги бола мана бундай мулоҳаза юритади; адамлар дарвозадан исмимни айтиб чақириб келдилар. Улар совға олиб келган бўлсалар керак. Бу боланинг мулоҳазасини таҳлил қилиб кўрсак, унинг фикр юритиши мана бундай тарзда тараққий етганлигини шохиди бўламиз. Ўтган галда адам исмини айтиб чақириб келган эдилар, яна чақираётирлар. Албатта, адам менга совға олиб келганлар, деб хулоса чиқаради.

Шундай қилиб, аналогик йўл билан хулоса чиқарганда мураккаб қонуниятлар тўғрисидаги билимлар ўзлаштирилмаса-да, лекин турмушнинг турли жабҳаларида ундан фойдаланиб турилади.

Тушунчалар

Тафаккур тушунчалар шаклида ифодаланади. **Тушунча** деганда биз нарса ва ҳодисаларнинг енг муҳим ва енг асосий хусусиятларини акс эттириш ни тушунамиз. Тушунчалар ҳукмлардан таркиб топади. Шу сабабли тушунчанинг мазмунини очиб бериш учун бир қанча ҳукм юртишга тўғри келади. Масалан, одам онгли мавжудотдир деган тушунчани оладиган бўлсак, бу йерда одамнинг енг муҳим хусусияти унинг онглилиги экани қайд қилиняпти.

Тушунчалар одамнинг турмуш тажрибаси ва билимларининг ортиши жараёнида таркиб топа боради. Ана шу жиҳатдан олганда мактабдаги ўқиш жараёнида болада асосан табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида тушунчалар таркиб топтиришдан иборатдир. Демак, катта одамларга нисбатан болаларда ҳали тушунчалар жуда оз бўлади.

Одатда тушунчалар моҳияти жиҳатидан конкрет ва абстракт тушунчаларга ажратилади. Алоҳида олинган бир бутун нарсага алоқадор тушунча конкрет тушунча деб аталади. Масалан, стол, диван, қайрағоч, трактор ва ҳоказо. Моддий борлиқдаги нарсалардан фикран ажратиб олинган баъзи хусусият, сифат, ҳолатларга, шунингдек нарсалар ўртасидаги ички муносабатларга, қонуниятларга қаратилган тушунчалар абстракт тушунча деб аталади. Масалан, оғлик, узунлик, баландлик, кенглик, ҳаракат, ёруғлик, қиймати ҳақидаги тушунчалар ва ҳоказо.

Тушунчалар кўлами жиҳатидан 3 турга: якка тушунчалар, умумий тушунчалар ва тўпланма тушунчаларга бўлинади. Якка тушунчалар якка нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тушунчадир. Бундай тушунчаларга соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Сирдарё тушунчаларини мисол қилиб келтирса бўлади. Якка тушунчаларнинг хусусияти шуки, бу тушунчаларда ҳамиша аниқ образ мавжуд бўлади. Умумий тушунчаларда бир жинсда бўлган кўп нарса ва ҳодисалар гавдалантирилади. Масалан, китоб, мактаб, юлдуз, талаба ва бошқалар.

Тўпланма тушунчалар бир жинсда бўлган нарса ва ҳодисалар тўплами ҳақида яхлит фикр юритиладиган тушунчадир. Масалан, пахтазор, кутубхона, йиғилиш ва ҳоказолар. Тўпланма тушунчаларнинг бир қанчаси бирданига татбиқ қилинганда умумий тўпланма тушунчалар бўлади. Масалан, Алишер Навоий номидаги Давлат Музейи тушунчаси, якка тўпланма тушунчага оиддир. Гурух,
жамоа, халқ, миллат ва бошқалар, умумий тўпланма тушунчасига мисол бўла олади. Йетти оғайни юлдузлар тўплами, Ҳамза театри жамоаси, Пахтакор футбол жамоаси кабилар якка тўпланма тушунчалар жумласига киради.

Фикр юритишда тушунча билан сўз ўзаро боғлиқ равишда намоён бўлади. Бир томондан сўз ёрдамисиз тушунча вужудга келмайди, иккинчи томондан сўз тушунчанинг моддий асоси ва функсиясини бажаради. Тушунчалар бир ёки ундан ортиқ сўзлардан ташкил топиши мумкин. Масалан, халқ деган тушунча бир сўздан, ўзбек халқи икки сўздан қаҳрамон ўзбек халқи уч сўздан, озодлик учун курашаётган халқлар, деган тушунча тўрт сўздан ташкил топган.

Тушунчалар фикр юритишнинг асосий жараёнлари, яъни классификасиялаш, умумлаштириш ва абстраксиялаш ёрдами билан вужудга келади. Сўзлар, белгилар, символлар, атамалар тафаккур жараёнида тушунчаларнинг мазмунини акс эттиради. **И.П.Павлов** таъбири билан

айтганда, сўз иккинчи сигнал тизимининг, барча сигналларнинг сигналларидир, бинобарин шу сигналларнинг ҳаммасини ифодалайди, шу сигналларнинг ҳаммасини умумлаштиради.

Шундай қилиб, тушунчалар моҳияти ҳукмларда ёритилади, мавжуд ҳукмлар асосида хулоса чиқарилади. Янги ҳукм ҳосил қилинади, топилган янги белгилар, аломатлар тушунчаларни янада бойитади. Тафаккур ёрдамида инсон яратиш, кашф этиш, ихтиро қилишда давом этиши мумкин. Демак, янги тушунчалар, атамалар юзага келаверади, истеъмолдагилари эса янги мазмун касб этади. Детерминизм тамойилига биноан сўзлар янги тушунчалар яратилишига восита бўлиб хизмат қилаверади, шунинг билан бирга тушунчалар замирида янги сўзлар ва иборалар вужудга келади, ёинки янгича талқин қилиш кучаяди. Сўз билан тушунчаларнинг чамбарчас боғланиши ва муносабати филогенезда ҳам онтогенезда ҳам операсионал ва функсионал хусусиятларни йўқотмайди.

Тафаккур турлари

Муайян ижтимоий муҳитда турмуш кечираётган одамларнинг эҳтиёжлари хатти-ҳаракат мотивлари нарсаларга қизиқишлар, интилишлар, майллар, ақлий қобилиятлари, ҳатто фаолиятлари ҳам турли тумандир. Худди ана шу боисдан уларнинг тафаккури ҳам ҳар хил ҳолатларда вазиятларда турлича тарзда вужудга келади, намоён бўлади.

Психология фанида тафаккур турлари топшириқ хусусиятига, фикр ёйиқлигига, фикрнинг оригиналлик даражасига қараб, қуйидагича шартли классификасия қилинади.

Профессор Е.Ғ.Ғозиевнинг "Умумий психология" дарслигида тафаккур турлари қуйидагича классификасия қилинади:

Тафаккур турлари	
Шаклига кўра	Кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали-образли,
Топшириқ характерига кўра	Назарий, амалий, ихтиёрсиз, ихтиёрий
Фикр ёйиқлигига кўра	Конкрет, абстракт, реалистик, аутистик интуитив, дискурсив
Фикрнинг оригиналлик даражасига кўра	Репродуктив, продуктив, ижодий, визуал, фазовий

В.Каримованинг "Психология" ўқув қўлланмасида тафаккур турлари қуйидагича классификасия қилинади.

Тафаккур турлари	
Шаклига кўра	Кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали-образли, мантиқий
Кўриладиган масаланинг характерига кўра	Назарий, амалий
Ижодийлик елементига кўра	Конвергент, дивергент
Янгилиги ва ноёблигига кўра	Репродуктив, продуктив (ижодий)

Шунингдек, айрим адабиётларда тафаккур классификасияси қуйидаги тарзда ҳам ифодаланади.



А.В.Петровский муҳаррирлигида чоп етилган, "Умумий психология" дарслигида тафаккурни қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади: *кўргазмали-ҳаракат, кўргазмали-образли, мавҳум назарий тафакур* турлари ва бошқалар.

Кўргазмали-ҳаракат тафаккур тури. Тарихий тараққиёт давомида одамлар ўз олдиларида турган мақсадларни дастлаб амалий фаолият нуқтаи назаридан йечганлар, кейинчлик унда назарий фаолият ажралиб чиққан. амалий ва назарий фаолият чамбарчас бир-бири боғлангандир.

Кўргазмали-ҳаракат тафаккур турига психологик адабиётларда қуйидагича таърифлар учрайди. Жумладан, В.Каримова томонидан кўргазмали-ҳаракат тафаккури одамнинг реал предметлар билан иш қилаётган пайтда фикрлаш жараёнини назарда тутади. "Психологик луғатда" кўргазмали ҳаракатли тафаккур амалий тафаккурнинг бевосита идрок қилаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида ҳаракатлар ёрдами билан амалга ошириладиган фикрлаш тури, деб тавсифланади.

Соф психологик фаолият бирламчи эмас, балки амалий фаолиятнинг ўзи бирламчидир. Яна фаолиятнинг тараққиёти давомида унга нисбатан мустақил назарий фикр юритиш фаолияти ажралиб чиққан. Фақат бутун инсониятнинг тарихий тараққиёти эмас, балки шу билан бирга ҳар бир боланинг психик тараққиёти жараёни ҳам даставвал соф назарий фаолият эмас, балки амалий фаолиятдир.

Агарда инсониятнинг тарихий тараққиёти муаммосидан четланиб, ушбу масалани олиб қарасак, у ҳолда амалий фаолият бирламчи эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бунинг учун инсоннинг онтогенетик тараққиётини дастлабки фазасига мурожаат қиламиз. Бола туғилишдан тортиб, то унинг боғча ёшигача даврини амалий фаолиятда кўргазмали-ҳаракат тафаккури ўсишининг асосий палласи деб аташ мумкин. Мазкур ёшдаги инсон зоти ана шу амалий фаолият негизида ақлий ҳаракатларни амалга оширади, амалий билимларни ўзлаштиради, натижада кўргазмали-ҳаракат тафаккури ўса боради. Ушбу ёшдаги кичкинтойлар ўзлари ўйнаётган ўйинчоқларни қўллари билан бевосита ушлаб кўриш орқали улар билан танишадилар, шунинг билан бирга уларни идрок қилишга интиладилар. Идрок қилинган предметлар ва ўйинчоқларни ўзаро солиштирадилар, қисмларга ажратадилар, анализ ва синтез қиладилар, бўлакларга ажратилганларни яхлит ҳолга келтириб бирлаштирадилар. Катталар тушунтиришига ишонч ҳосил қилмасдан, айни чоғда уларни объектни синдириб ёки бузиб бўлса ҳам, уларнинг ички тузилиши билан танишиш иштиёқи, майли кучли бўлади. Шу боисдан амалий характердаги муаммоларни

ҳал қилишда кўпинча бузиб, тузатиш йўли билан ҳаракат қиладилар. Кўргазмали-ҳаракат тафаккури боғча ёшига йетгандан сўнг болаларда ўз қийматини йўқота бошлайди.

Кўргазмали-образли тафаккур тури ҳам психологик адабиётларда турлича талқин қилинади. "Психологик луғат"да таърифланишича у конкрет тафаккурнинг бевосита идрок қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида фикрлашдан иборат бўлган тури. Профессор Е.Ғозиев фикрича, бевосита идрок қилинаётган предметлар эмас, балки фақат тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида фикрлашдан иборат тафаккур тури кўргазмали-образли тафаккур деб аталади. В.Каримова томонидан кўргазмали-образли тафаккур эса кўрган кечирган нарсалар ва ҳодисаларнинг аниқ образлари кўз олдимизда гавдаланган чоғда уларнинг моҳиятини умумлаштирилиб билвосита акс эттириш имиздир, деб талқин қилинади. Тафаккурнинг мазкур кўриниши 4-7 ёшгача бўлган болаларда намоён бўлади. Боғча ёшидаги болаларда кўргазмали-образли тафаккур босқичига ўтгандан сўнг ҳам сақланиб қолади, лекин у ўзининг йетакчи ролини йўқота бошлайди.

Кўргазмали-образли тафаккур содда шаклда кўпинча боқча ёшидаги болаларда, яъни 4-7 ёшгача бўлган болаларда пайдо бўлади. Бу ёшдаги болаларда тафаккурнинг амалий ҳаракатлар билан алоҳаси аввалгидек тўғри ва бевосита бўлмайди. Боғча ёшидаги болалар фақат кўргазмали образлар билан фикр юритадилар ва унча тушунчага эга бўлмайдилар. Боғча ёшидаги болаларда тушунчаларнинг йўқлиги швейсариялик психолог Ж.Пиаженинг қуйидаги тажрибасида жуда яққол намоён бўлади. 7 ёшга яқин болаларга хамирдан қилинган мутлақо бир хил, ҳажми жиҳатидан тенг 2 та соққа кўрсатилади. Болалар уни тенг деб ҳисоблайди. Болаларнинг кўз олдида битта соққа езиб нон шаклига келтирилади. Енди болалар нон шаклидаги соққада хамир кўп деб ҳисоблайдилар. Болаларнинг кўргазмали-образли тафаккурлари ҳали уларнинг идрокларига бевосита тўла бўйсунадиган бўлади. Уларнинг кўргазмали-образли шаклда ўтадиган тафаккурлари болаларни соққага қараганда нон шаклидаги хамир кўпроқ деган хулосага олиб келади.

Шунинг учун улар нарса ва ҳодисаларнинг, жисм ва предметларнинг кўзга яққол ташланиб турувчи аломатига, хусусиятига, ташқи белгисига эътибор қиладилар. Лекин уларнинг ички боғланишлари ўзаро муносабатларини билдириб келадиган муҳим асосий сифатларига аҳамият бермайдилар. Объектларни фазода жойлашган ўрни ташқи, номуҳим белгиси уларнинг кўргазмали-образли тафаккурини вужудга келтиради. Масалан, уларнинг назарида одамларни бўйининг баланд ва пастлиги уларнинг ёшини белгилайди.

Тафаккур фаоллигига қараб ***ихтиёрсиз (интуитив) ва ихтиёрий (аналитик) тафаккур***
турларига ажратилади. Интуисия деб мантиқий тафаккур ёрдамида кўп вақтлар давомида ҳал қилинмаган ақлий вазифаларнинг тўсатдан, кутилмаганда ҳал қилиниб қолиши жараёнига айтилади.

Кўпинча ихтиёрий тафаккур жараёни мулоҳаза, муҳокама, исботлаш, гипотеза каби шаклларда намоён бўлади. Масалан, математика, физика, кимё, психология ва бошқа фанлардаги мисол ва муаммоларни йечиш жараёни.

Бундан ташқари ихтиёрий тафаккурга мантиқий ёки назорат (контрол) тафаккури ҳам киради. Моддий борлиқни адекват акс эттириш , фикр юритиш, танқидий ва синчков бўлишни тақазо этади. Бинобарин, нарса ва ҳодисаларни атрофлича билиш учун объектив баҳо бериш зарурати туғилади, бу эса ўз навбатида фикр юритиш кўлами кенг, аналитик-синтетик фаолият доираси мустаҳкам бўлишини талаб қилади.

Тафаккур жараёни ихтиёрсиз юз бериши ҳам мумкин. Лекин бу ҳолда улар ихтиёрий тафаккурга суянган тарзда вужудга келади. Жумладан, одамнинг амалий, маиший ва ҳоказо фаолиятларида ихтиёрсиз равишда қатор саволлар пайдо бўлиши ва уларга беихтиёрий жавоблар ахтариш ҳоллари учраб туради. Бундай пайтларда инсон фикр юритяптими ёки йўқми буни билиш қийин, ваҳоланки, у ўзича гўё саволларга жавоб топадигандай, ширин ҳис-туйғуларни бошдан кечираётгандай бўлади, шунинг учун кўпинча "тилимнинг учида турибди" дейилади. Одамлар қандайдир матн ёки муаммо, масала устида бош қотириб, ўтирганларида фикр юритиш мутлақо беихтиёр рўй бериб қолади ва улар асосий топшириқни бажаришдан узоқлаштиради.

Инсоният тарихий тараққиёти тарихидан шу нарсалар маълумки, йирик илмий кашфиётлар кўпинча худди шундай беихтиёр фикр қилиб турган маҳалда тўсатдан очилган. Жумладан, юнон олими Архимед солиштирма оғирлик қонунини зўр бериб, ақлий меҳнат қилиш пайтида эмас, балки ҳеч кутилмаган жараёнда, ваннада чўмилиб турган пайтида кашф етган. Улуғ рус олими **Д.И.Менделеевнинг** ҳикоя қилишича, у елементлар даври тизими жадвалини тузиш вақтида уч кеча-ю, уч кундуз бетиним меҳнат қилган, аммо бу вазифани ниҳоясига йетказа олмаган. Ундан сўнг чарчаган олим иш столи устида уйқуга кетган ва тушида бу елементлар тартибли жойлаштирилган жадвални кўрган. Шунда Д.И.Менделеев уйқудан, уйғониб, бир парча қоғ;озга тушида аён бўлган жадвални кўчириб қўйган.

Кўпинча психолог ва физиологларнинг таъкидлашларича, муаммонинг бундай осон равишда ечимини ҳеч кутилмаганда юқоридаги каби беихтиёр ҳал қилиниши шу кашфиётлар олам юзини кўрганича бўлган давр ичида ойлаб, йиллаб қилинган меҳнатнинг якуни, яъни тугалланмай қолган тафаккур жараёнларининг ниҳоясига йэтишидир деб баҳоламоқда.

Йирик физиолог ҳамда психолог **В.М.Бехтеревнинг** изоқлашича, бундай кутилмаган жараёнларнинг рўй беришига асосий сабаб бу ўрганилаётган масала тўғрисида ухлашдан олдин зўр бериб бош қотириш, ўйлаш (фикр юритиш) ва бутун зеҳни шунинг билан бирга диққат-эътиборининг тортилиши, кашф қилиниши зарур масалага тўла-тўкис йўналишидан иборат мақсадга мувофиқлаштирилган мураккаб барқарор психик ҳолати ҳукм суришидир.

Фикр юритилиши лозим бўлган нарса-ҳодисаларни идрок ёки тасаввур қилиш мумкин бўлса, бундай тафаккур конкрет тафаккур деб аталади. У ўз навбатида яққол-предметли ва яққол-образли тафаккур турларига ажратилади. Агар фикр юритиш объекти бевосита идрок қилинса, бундай тафаккур яққол-предметли тафаккур дейилади. Фикр юритилаётган нарса ва ҳодисалар фақат тасаввур қилинса, бундай тафаккур ***яққол-образли тафаккур*** деб аталади.

Абстракт тафаккур нарсаларнинг моҳиятини акс еттирувчи ва сўзларда ифодаловчи тушунчаларга таяниб фикр юритишдир. Алгебра, тригонометрия,

физика, чизма геометрия, оилй математика масалаларини йечиш маҳалида фикр юритиш, мулоҳаза билдириш, абстракт тафаккурга хос мисоллардир.

Абстракт тафаккур конкрет тафаккурдан ғоят кенг маъно англаниши билан қатор нарса ва ҳодисалар тўғрисида, абстракт тафаккур ёрдамида мулоҳаза борлиқ тўғрисида чексизлик, сифат, миқдор, тенглик тўғрисида, гўзаллик юзасидан мавҳум абстракт мулоҳаза юритиш мумкинлиги билан фарқ қилади.

Ҳодисаларни изоҳлашга, фараз қилишга қаратилган тафаккур ***назарий тафаккур*** деб аталади. Тушунчалар ўртасидаги боғланишларни ёритиб бориш ва шу боғланишларни назарий жиҳатдан фикр юритиш йўли билан изоҳлаш каби жараёнларни назарий тафаккур ёрдамида амалга ошириш мумкин. Изоҳлаш пайтида изоҳланаётган нарса ва ҳодисалар, хосса ва хусусиятлар, жисм ва предметлар, умуман бутун воқелик маълум туркумдаги тушунчалар қаторига киритилади ва уларнинг фарқ қиладиган белги ва аломатлари фикран ажратиб кўрсатилади. Бундан ташқари муайян объектларнинг моҳияти, мазмуни мавжуд бўлишлик сабаблари, келиб чиқиши, тараққиёти, ўзгариши, шунингдек уларнинг аҳамияти ва функсия ҳамда вазифалари изоҳлаб берилади.

Назарий тафаккурни айни бир пайтда абстракт тафаккур деб номлаш анъана тусига кириб қолган. Бундай ном билан аташга асосий сабаб назарий тафаккурнинг умумий ҳукмларда ифодаланишидир. Масалан, диққат барча психик жараён ва ҳолатларни муваффақиятли амалга ошириш гаровидир.

Абстракт тафаккур муаммоси қатор собиқ совет психологлари томонидан изчиллик билан тадқиқ етилган. Собиқ совет психологиясининг дастлабки ривожланиши палласида ушбу масала билан Л.С.Вигоцкий, П.П.Блонскийлар, кейинчалик С.Л.Рубинштейн, Б.Г.Ананев, А.Н.Леонтев, Н.А.Менчинская, П.Я.Галперин, Р.Г.Натадзе, Д.Б.Елъконин, В.В.Давидов, А.М.Матюшкин ва бошқалар шуғулланганлар.

Назарий тафаккур туфайли воқеликдаги умумий ва муҳим боғланишларни, хоссаларни, қонуниятларни англаб оламиз. Шунинг учун қуёш ва ой тутилишини, юлдузлар тизимини ҳаракатини, об-ҳаво маълумотларини, йер қимирлаш ўчоқларини, воқеа содир бўлишини анча илгари айтиб беришимиз мумкин. Шу сабабдан назарий тафаккурни олдиндан кўриш имкониятини яратадиган ***умумлашган тафаккур*** деб атайдилар.

Шундай қилиб, абстракт тафаккур орқали нарса ва ҳодисаларни бевосита идрок қилиш мумкин бўлмаган хусусиятлари, ўзаро муносабатлари аниқланади, у ёки бу соҳага оид қонуниятлар очилади, сабаб-оқибат боғланишлари акс еттирилади.

Воқеликни ўзлаштириш воситаси билан реал нарса ва ҳодисаларни яратилишига
йўналтирилган фикр юритилади. У қўйилган амалий ва назарий вазифаларни янги усуллар билан ҳал қилиш, онгимизда янги тасаввур, тушунча ва ҳукмлар ҳосил қилиш, муайян янги нарсалар яратиш билан боғлиқ мураккаб тафаккур жараёнидир. Амалий тафаккур жараёнининг давоми иш-ҳаракатларини, ақлий харакатларни тасаввур қилишда, фикрлашда намоён бўлади. Масалан, талабалар фаолиятидаги конспект ёзиш, реферат тайёрлаш, курс ва диплом иши устида ишлаш кабилар амалий тафаккурга яққол мисолдир.

Муайян фикрни чин ёки ёлғонлигини объектив далиллар билан исботлаш ўрнига, инсон шахсининг ижобий ёки салбий сифатлари билангина чекланиб қолишдан иборат тафаккур тури авторитар тафаккур тури деб аталади. У кўпинча одамларнинг муайян соҳа бўйича билим савиясининг, даражасининг чекланганлигидан ва мустақил фикр юритиш қобилиятининг йетарли даражада ўсмаганлигидан далолат беради. Шунингдек, психологияда бир-бирлари билан узвий равишда боғланган мулоҳаза юритишдан иборат тафаккур жараёнини дискурсив тафаккур деб аталади.

Ижодий тафаккур - мураккаб билиш фаолиятидан бири бўлиб, тадрижий равишда изчил ўзаро боғланган жараёнлардан ташкил топади, даставвал саволлар туғилади, вазифа аниқланади, масалани ечиш ва саволларга жавоб қидириш жараёни вужудга келади. Инсон олдида турган аниқ вазифа ёки масала бу бажарилиши ёки ҳал қилиниши зарур бўлган вазифа кўпинча ифодаланиши шарт бўлган мақсадни ҳам акс еттириб келади. Мақсад эса инсоннинг изланаётган номаълум воқеликни топишга гумон ва ҳаяжон, шубҳа қисларидан халос этишга қаратилган майлидир.

Ижодий тафаккурнинг навбатдаги таркибий қисмлари қуйидагича акс еттирилади:

қўйиладиган саволларга жавоб бериш, масалани йечишга ёрдам берадиган йўллар, усуллар, воситалар, қоидалар ва кўникмаларни қидириш, уларни танлаш ҳамда мазкур фаолиятда уларни тадбиқ қилиш ва бошқалар.

Ижодий фикрлашни таъминловчи омиллар:

- Ψ Фикр юритиш фаолиятида енг аввал ҳал қилиниши зарур бўлган масала инсон томонидан аниқлаб олиниши керак.
- Ψ Муаммо ёки масалани ҳал қилиш зарур бўлган барча билимларни тадбиқ қилиш учун интилиш.
- Ψ Масалага, муаммога тааллуқли гипотеза олға сурилади, босқичлар тахмин қилинади, йечим тўғрисида фаразлар ишлаб чиқилади, турли вариантлар ҳамда вариасиялар ҳақидаги мулоҳаза юритилади, ўзаро хаёлан солиштириб, енг самарали аломатлар ажратилади ва ҳоказо.
- Ψ Муаммо олдига қўйилган фаразни текшириш зарурати туғилади. Муаммони назарий жиҳатдан ҳал қилиш учун илгари сурилган гипотеза адекват эмаслиги, нотўғри эканлиги аниқланса, у фикр юритиш объектидан сиқиб чиқарилади ва янги фаразлар, ўйлар тахмин қилинади ёки ўйлаб топилади.
- Ψ Муаммо ва масалани ҳал қилиш, йечиш, олинган натижаларни тўғрилигига қаноат ҳосил қилиш учун ечувчи, уни текшириш билан тафаккур ҳаракатларини якунлайди.

Психолог **В.А.Крутеский** ижодий тафаккурни тараққий эттириш мақсадида масалалар типологиясини ишлаб чиқиб, турли ёшдаги ўқувчилар ўқув фаолиятида синаб кўрган. Типологияга киритилган масалаларни В.А.Крутеский турлича ном билан атайди:

1. Савол аниқ қилиб қўйилмаган масалалар.
2. Берилганлари йэтишмайдиган масалалар.
3. Ортиқча маълумотлари бўлган масалалар.

4. Бир неча йўл билан йечиладиган масалалар.
5. Мазмуни ўзгариб турадиган масалалар.
6. Исботлашга доир масалалар.
7. Фикрлаш, мантиқий мулоҳаза юритишга доир масалалар.

Ижодий тафаккур тури ўзининг самарадорлиги ва долзарблиги, универсаллиги билан бошқа фикр юритиш жараёнларидан фарқ қилади, янги-янги муаммоларни ўйлаб чиқиш жараёни бўлиб, инсоннинг билиш фаолиятида йетакчи рол ўйнайди.

Психология фанида тафаккурни ***реалистик ва аутистик*** турларга ажратилади. ***Реалистик тафаккур*** қуршаб олган атроф-муҳитни ўрганишга, акс эттириш га қаратилган фикр юритиш бўлиб, у мантиқий қонун ва қоидалар ёрдами билан воқеликни инъикос қилади. ***Аутистик тафаккур*** инсоннинг ҳоҳиш ва истакларини амалга ошириш билан боғлиқ равишда содир бўлади. Амалга оширилиши лозим бўлган тафаккур ҳаракатлари ўша шахснинг ўз тилакларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган фикр юритилишдан иборат индивидуаллик ёки индивидуалистик тафаккурдир.

Масала йечимини қабул қилишга ва информасион тайёргарлик кўришга қаратилган фикр юритиш ***визуал тафаккур*** дейилади. Визуал тафаккур мақсадга мувофиқ харакатлар ёки англанилмаган операсиялар, чунончи образлар манипулясияси ва трансформасияси ёрдами билан амалга оширилади ва "ақлий англаниш"дан намоён бўлади.

Йирик собиқ совет психологларидан бири **З.И.Калмикова** ўз тадқиқотларида тафаккурни продуктив ва репродуктив турларга ажратиб ўрганган еди. қисқа вақт бирлиги ичида янги оргинал фикрлар яратиш ёки муҳим илмий, амалий масалаларни ҳал қилиш билан белгиланадиган тафаккур продуктив тафаккур деб аталади. Репродуктив тафаккур эса пассив, тайёр мулоҳазаларни ўзлаштириб олишга ва "тайёр ҳолда" ундан фойдаланишга қаратилган инсоннинг билиш фаолияти кўринишидир.

Фазовий тафаккур муаммоси атоқли рус психологи **Б.Г.Ананев** ва унинг шогирдлари томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, кейинги йилларда бу муаммо юзасидан таниқли психолог **И.С.Якиманская** томонидан касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Фазовий тафаккур деганда нарса ва ҳодисаларнинг фазода расионал жойлашиши, замон ва макон муносабатларини, мураккаб боғланишларини адекват равишда акс эттириш дан иборат фикр юритиш жараёни тушунилади, тасаввурлар, хотира ва хаёл тасаввурлари билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Тафаккур сифатлари

Тафаккур бошқа билиш жараёнлари каби ўзининг индивидуал хусусиятларига эга бўлиб, фикр юритиш фаолиятининг шакллари, воситалари ва операсияларининг муносабатлари кишиларда турлича намоён бўлишида ўз ифодасини топади. Одатда тафаккурнинг индивидуал хусусият-лари, сифатларига билиш фаолиятининг мазмундорлиги, мустақиллик, епчиллик, самарадорлик, фикрнинг кенглиги, тезлиги, чуқурлиги ва бошқа сифатлар киритилади.

Тафаккур мазмундорлиги деганда инсонинг теварак-атрофдаги моддий воқелик тўғрисида онгда қай миқдорда, кўламда мулоҳазалар, муҳокамалар,

фикрлар, муаммолар, тушунчалар жой олганлиги назарда тутилади. Инсонда санаб ўтилган характердаги ғоялар тўлиб тошса, шунчалик тафаккур мазмундор бўлади. Кишилар бир-бирларидан биринчи навбатда тафаккурнинг мазмундорлиги билан тафовутланади.

Тафаккурнинг чуқурлиги деганимизда моддий дунёдаги нарса-ҳодисаларнинг асосий қонунлари, қонуниятлари, хоссалари, сифатлари уларнинг ўзаро боғланишлари, муносабатлари, тафаккуримизда тўлиқ акс етганлигини тушунишимиз керак. Тафаккур арсеналида жойлашган нарсаларнинг қай йўсинда системалашганлигига қараб тўғри ва расионал йўл назарда тутилади, у ёки бу шахснинг тафаккур чуқурлиги тўғрисида қатъий бир қарорга келиш мумкин.

Тафаккурнинг кенглиги ўзининг мазмундорлиги, чуқурлиги каби сифатлари билан мунтазам алоқада бўлади. Инсонлардаги нарса ва ҳодисаларнинг енг муҳим белги, хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ўтмиш юзасидан, ҳозирги давр ҳақида, шунингдек, келажак тўғрисида мулоҳазалар, муаммолар ва тушунчаларни қамраб олган тафаккур ***кенг тафаккур*** дейилади. Фикр доираси кенг билим савияси юқори серғоя ижодий изланишдаги кишиларни ақл заковатли, билимдон
ёки тафаккури кенг кишилар деб аташ мумкин. Демак, инсоннинг ақл-заковати, билимдонлиги мулоҳазадорлиги унинг тафаккурининг кенглигидан далолат беради.

Инсон тафаккури ўзининг мустақиллиги жиҳатидан мустақил ва номустақил тафаккурга ажратилади. ***Тафаккурни мустақиллиги*** деганда кишининг шахсий ташаббуси билан ўз олдига аниқ мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва илмий характердаги фараз, гипотеза қилиш, натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган вазифани ҳеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасисиз ўзининг ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул ва воситалар топиб, мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш керак.

Тафаккурнинг мустақиллиги ақлнинг серташаббуслиги, пишиқлиги ва танқидийлигида намоён бўлади. ***Ақлнинг серташаббуслиги*** деганда инсоннинг ўз олдига янги муаммо, аниқ мақсад ва конкрет вазифалар қўйишни, ана шуларнинг барчасини амалга оширишда, ниҳоясига йетказишда йечимни қидиришда усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўр бериб интилиши, уларга таааллуқли қўшимча белги ва аломатларни киритишдан иборат босқичларнинг намоён бўлишини назарда тутамиз. ***Ақлнинг пишиқлиги*** вазифаларни тез йечишда, йечиш пайтида янги усул ва воситаларни ўз ўрнида аниқ қўллашда, трафаретга айланган ески йўл ҳамда усуллардан форик бўлишда ва бошқа жараёнларда ифодаланади.

Ўзининг ўзгаларнинг мулоҳазаларини, бу мулоҳазаларнинг чин ёки чин эмаслигини текшира билишда ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятга баҳо бера билишда ақлнинг танқидийлиги муҳим рол ўйнайди. Тафаккурнинг танқидийлиги объектив ва субъектив равишда ифодаланиши мумкин. Мазкур сифат инсонни баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш каби тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ равишда намоён бўлади. Агар танқидийлик оқилона, муҳим белгиларга, муаммо моҳиятининг тўғри

очилишига, баъзан еталонга асосланиб амалга ошса, ундай танқидийлик объектив танқидийлик деб аталади. Мабодо тафаккурнинг танқидийлиги субъектив хатоларга, умуман субъективизмга оқиб кеца, бундай ҳолда субъектив танқидийлик дейилади. Субъектив танқидийлик салбий оқибатларга олиб келади, шунингдек инсонлар ўртасида англашилмовчилик ғовини вужудга келтиради, икки шахс ўртасида кутилмаганда зиддият пайдо бўлади. Инсонда тафаккурнинг танқидийлиги оқилона расионал тарзда вужудга келса, унда шахс муҳим сифат билан бойийди деб аташ мумкин.

Мақсад, муаммо ва вазифалар ўзга шахслар томонидан қўйилиб, тайёр усул ва воситаларга таянган ҳолда ўзга кишиларнинг бевосита ёрдами билан амалга оширилиши жараёнида бир оз иштирок етган тафаккур номустақил деб аталади. Номустақил тафаккурли кишилар тайёр маҳсулотлар қулига айланадилар, ўсишдан орқада қолиш хавфи туғилади. Натижада ақл-заковатли инсон бўлиш ўрнига, калтабин, ақлдан еринчоқ, беҳафсала одам бўлиб вояга йэтади. Демак, тафаккурнинг номустақиллик иллати ривожланишига тўсиқ бўлиб, якка шахс учун эса трагедия ролини бажариши ехтимолдан холи эмас.

Фикрнинг мустақиллиги унинг маҳсулдорлиги билан узвий боғланган. Агар инсон томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли ва янги фикрлар, ғоялар, тавсифномалар яратилган ҳамда назарий ва амалий вазифалар ҳал қилинган бўлса, бундай кишининг тафаккури сермаҳсул тафаккур деб аталади. Демак, вақт оралиғида бажарилган иш кўлами ва сифатига оқилона баҳо бериш тафаккур маҳсулдорлигини ўлчаш мезони сифатида хизмат қилади.

Тафаккур ихчамлиги деганда муаммони ҳал қилишнинг дастлаб тузилган режаси мазкур жараёнда масала йечиш шартини қаноатлантирмай қолса, номутаносиблик ҳосил бўлса ҳеч иккиланмай еластик равишда ўзгартиришлар киритишдан иборат фикр юритиш фаолиятини тасаввур қилмоқимиз шарт. Фикрнинг оператив жиҳатдан тезкорлик билан ўзгартиришдан ва тўғри йўналишга йўллаб юборишдан иборат тафаккур сифати унинг ихчамлиги дейилади. Масалан, талаба имтиҳонда аввал ғояни нотўғри ёритаётиб, ўз-ўзича бирданига хатосини англаб тўғри жавоб бера бошлаши кабилар. Демак, тафаккурнинг мазкур сифати фикрларни, ахборотларни тингловчиларга хато ва камчиликларсиз йетказиб бериш гаровидир.

Тафаккурнинг тезлиги қўйилган саволга ва муаммога тўлиқ жавоб олинган вақт билан белгиланади. Унинг тезлиги қатор омилларга, жумладан фикрлар учун зарур материални тез ёдга тушира олишга, муваққат боғланишларнинг тезлиги, турли ҳисларнинг мавжудлигига, инсоннинг диққатига, қизиқишига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари тафаккурнинг тезлиги бошқа шартларга - инсоннинг билим савиясига, фикрлаш қобилиятига, мавжуд кўникма ва малакаларига ҳам боғлиқ эканлиги исботланган. Хулоса қилиб айтганда, тафаккур жараёнларининг тезлиги ва жараёнларнинг маълум фурсат ичида қанчалик самара берганлиги билан баҳоланади.

Фикрларнинг тезлиги талабалар ва ўқувчиларга зарур психологик қурол бўлиб хизмат қилади. Имтиҳон пайтида, семинар машғулотларида фаол иштирок қилган талаба ҳаяжонланиб, эгаллаган билимларини вақтинча унутиб ўзини йўқотиб қўяди. Ўринсиз салбий эмосиялар унинг тафаккурини тормозлаб, муваффаққияцизликка олиб келади, яъни фикрни баён қилишда

инертлик пайдо бўлиб, кейинчалик бутунлай тормозланишга айланади. Баъзи талабалар аксинча, имтиҳонда ҳаяжонланиб фикрлари равшанлашади. қаттиқ ҳаяжонланиш, қаттиқ ташқи таъсир натижасида уйқудаги айрим нейронлар уйғониб, функсияси жадаллашиб кетади ва фикр бирданига равшанлашиши мумкин. Шунинг учун ўқитиш жараёнида талаба ва ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини тўғри баҳолашда уларнинг индивидуал типологик хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон психологларининг кўрсатишига қараганда, юқорида таҳлил қилиб чиқилган тафаккур сифатлари уларнинг асосий хусусияти билан узвий боғлиқдир. Тафаккурнинг асосий ва енг муҳим белгиси, хусусияти бу моддий воқеликдаги муҳим жиҳатларни ажратиб мустақил равишда янги мазмундаги умумлашмаларни келтириб чиқаришдир. Инсон оддий нарсалар тўғрисида фикр юритганда ҳам уларнинг ташқи белгилари билан чэгараланиб қолмайди, балки ҳодиса моҳиятини очишга интилади, оддий турмуш ҳақидаги умумий қонуниятни яратишга ҳаракат қилади. Шубҳасиз, инсон тафаккури ҳали изланмаган, тўла фойдаланилмаган заҳира ва имкониятларга эга. Тафаккур психологиясининг асосий вазифаси ана шу заҳирани тўла очиш фан-техника ривожини интенсивлашдан иборат. Чунки ҳар қандай кашфиёт, янгилик, ривожланиш инсон ақл-заковатининг маҳсулидир. Шу боисдан ҳам фан ва техниканинг ривожланиши инсоншунослик фанининг ривожига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Тафаккур борасидаги психологик назариялар

Тафаккур муаммоси хориж психологиясида кенг доирада тадқиқ қилиниб, атрофлича билимлар ва маълумотлар заҳираси тўпланган. Айнан келтирилган маълумотларда тафаккур тушунчаси турли нуқтаи назарлардан таҳлил қилинади.

Екзистенсиализмнинг асосчиси бўлмиш немис файласуфи **Мартин Хайдегер** (1889-1978) тушуниш учун ўз диққатимизни қарата олсаккина биз фикрлашга ўрганамиз-деб ёзади. Унинг фикрича, нарса ва воқеаларнинг моҳиятини тушуниш, англаб йэтиш, инсон фикрлаш жараёнида муҳим ўрин эгаллайди. Тушунишни талаб қиладиган нарса инсонни фикрлашга ундайди. Тушунишни талаб қиладиган нарса ҳеч қачон биз томонимиздан яратилмайди.

Хайдегернинг фикрича, тафаккур мавжудлигининг асосий хислати бу тасаввурдир. Тафаккур ҳақидаги таълимотга асосан тасаввур фикрда ифода етилади. Шунинг учун ҳам тафаккур ҳақидаги таълимотни логика, мантиқ деб атайди.

К.Р.Мегрелидзенинг таъкидлашича, инсондаги бирор бир руҳий ҳодиса ижтимоий омилни ҳисобга олмасдан туриб, тўғри тушунтирилиши мумкин эмас. Бу нарса биринчи навбатда тафаккурга тааллуқлидир. Тафаккурнинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа кўринишларисиз ўрганиш мумкин эмас.

Инсон тафаккурининг усуллари нерв тизимида ҳам, миясида ҳам эмас, балки бир даврда мана шундай идрок этишга, ўйлашга, ишлашга, бошқа бир даврда эса нерв фаолиятини бошқача ишлашга йўллайдиган ижтимоий шароитдадир.

Инсонлар фикрлари ва қарашлари индивидуал тартибда эмас, ижтимоий муносабатлар туфайли содир бўлади. Бу ҳақда К.Р.Мегрелидзе шундай ёзади:

инсон тафаккури табиий ва биологик қонунлар бўйича эмас, балки ижтимоий - тарихий қонуниятлар йўлида ҳаракатланади. Инсоннинг фикрлаш усули аввало ижтимоий ҳодисадир. Фикр ҳеч қачон ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, фикр бирор нарса ҳақида, бирор предмет ҳақида бўлиши мумкин. Предмециз фикрнинг бўлиши мумкин эмас.

Тафаккурнинг функсияси мия фаолияти жараёнида кечадиган субъектив психологик жараёнлар билангина чэгараланмайди:

Биринчидан, онгнинг субъектив ҳолатинигина ифодаламасдан, балки объектга ҳам тегишли бўлади ва нарсалар муносабатини ифодалайди.

Иккинчидан, янги фикрнинг вужудга келиши билан билиш жараёни тугалланмайди, балки фақатгина бошланади. Бу билишнинг бошланғич босқичи бўлиб, ғоянинг субъектив ҳолатидир, енди фикрни амалга ошириш босқичи бошланади.

Учинчидан, алоҳида индивиднинг фикри ижтимоий йетилган фикрларнинг хусусий
кўринишидир.

Ҳар бир алоҳида шахс ижтимоий тушунчалар, тасаввурлар ёрдамида фикрлайди.

К.Р.Мегрелидзе инсон фикрининг ижтимоий эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Фикрлар ва ғоялар еркин индивидуал ижоднинг маҳсули эмас, балки индивиднинг ўзи каби жамият ва ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Шунинг учун инсон тафаккури тафаккур босқичлари, инсон тафаккурининг шакллари ва усуллари ҳақидаги жумбоқнинг йечимини мантиқий изланишлардан анъанавий психологиядан эмас, балки аввало бу ғояларнинг ижтимоий келиб чиқишидан излаш керак. У ёки бу индивид жамиятда йетилган ижтимоий ғояларнинг тасодифий ифодаловчиси бўлиб қолади.

Академик **А.И.Берг** шундай деб ёзади "инсон фақат ташқи дунё билан тўхтовсиз мулоқот қилиши шароитидагина узоқ вақт фикрлаши мумкин. Ташқи дунёдан тўлиқ информасион ажралиш бу ақлдан озишнинг бошланишидир. Информасион ундовчи тафаккурнинг ташқи дунё билан алоқаси инсонга озиқ-овқатдек, иссиқликдек зарур". Психология фани тараққиётида немис психология мактаби муҳим ўринлардан бирини эгаллайди ва асримизнинг бошларида Германияда Вюрсбург психология мактаби деб номланган янги йўналишга эга бўлган психологик оқим пайдо бўлди. Мазкур йўналишнинг йирик вакиллари сифатида **О.Кюлпе** (1862-1915), **К. Бюллер** (1879-1922), **А.Мессер** (1837-1937), **Ах Нарсис** (1871-1946) ва бошқаларни санаб ўтиш лозим. Улар томонидан олиб борилган эксперимент ал тадқиқотлар тафаккур муаммосининг ривожига маълум даражада ҳисса қўша олди. Вюрсбург психология мактаби вакиллари тафаккурни ҳиссий босқичда турган психик жараёнларга, яъни сезги ва тасаввурларга ажратиб ўрганишда расионал босқичдаги мураккаб жиҳатлардан механик равишда вужудга келади, деб тушунтириш мумкин эмаслигини эксперимент ал йўл билан исботлашга ҳаракат қилдилар. Олиб борилган тадқиқотларни ўзларининг устиларида ўтказиб, натижаларни объектив бўлишига камроқ эътибор берганлар.

Вюрсбург психология мактабининг намоёндалари тафаккур бу ички ҳаракат, актидир деб қарай бошлайдилар. Ўз-ўзини кузатиш методидан

фойдаланиб, иш тутишда улар мана бундай ифоданинг маъносини тушунтириб беришлари лозим, тафаккур ҳаддан ташқари машаққатлики, шунга қарамай кўпчилик шунчаки ҳукм чиқаришни маъқул кўрадилар. Шунингдек, улар олдида муносабатларни ўрнатиш қисм, яхлит, тур, жинс объектнинг нисбати ва ўзаро муносабатларини ушбу
муносабатларнинг аниқ аъзоларини идрок қилишни аниқлаш вазифалари туради. Шунинг билан бирга уларнинг барча тадқиқотлари объектив методларни излашга оид фаолиятларида авж олди. Жумладан, Н.Ах томонидан сунъий тушун-чаларнинг шаклланиши бўйича дастлабки методика яратилди. Мазкур назария вакиллари тафаккурни муносабатларнинг акс этиши билан боғлаб, тафаккурни муносабатларнинг бирламчи қараб чиқиш, ёинки бирламчи маълумот бериш манбаи сифатида талқин қиладилар. Тафаккур тараққиёти масаласини кўтариб чиқиб, ўсишнинг фикрларни фаоллаштириш орқали амалий фаолиятдан тафаккурни мутлақо ажратиб қўйдилар. Тафаккурни тадқиқ қилишнинг асосий методи - бу ўз-ўзини кузатиш эканлигини тан олади, холос. Мазкур муаммо гноселогик нуқтаи-назардан олиб қаралганда ушбу позисия идеализм измига кириб бораётганлигини англаб олиш унчалик қийин эмас. Вюрсбург мактаби намоёндалари тафаккурни алоҳида мустақил билиш фаолияти сифатида аниқ кўрсата билди. Бироқ тафаккурни амалиётда нутқдан ва ҳиссий образлардан қатъий ажратиб ташладилар.

Вюрсбург психология мактаби намоёндаларидан бири **О.Зелс** тафаккурни интеллектуал операсиялар ҳаракати сифатида қабул қилган. У ўз олдига фикр юритиш фаолиятининг у ёки бу жиҳатлари қай йўсинда шаклланишини кузатиш, интеллектуал фаолият босқичларини кўрсатиш ақлий фаолиятнинг продуктив ва репродуктив кўринишидаги зиддиятларни бартараф қилиш вазифасини қўйди. О.Зелс масала йечиш жараёнини ўрганишда умумийликка эга бўлган масалани вужудга келтириш босқичларига алоҳида эътибор бериб, елементлар билан предметлар муносабатини ажратиб кўрсатади. Бунинг натижасида муаммо комплекси намоён бўлади. Комплекс ўз ичига ушбу жиҳатларни қамраб олиши назарда тутилган: а) маълумнинг тавсифномасини бўлакларга ажратиш; б) қидирилувчи номаълумнинг ўрнини аниқлаш; в)номаълум қидирилувчи билан маълум ўртасидаги муносабатларни
ажратиб кўрсатиш.

Шундай қилиб, Вюрсбург психология мактабининг намоёндаси О.Зелс психология тарихида биринчи бўлиб тафаккурни жараён сифатида экспериментал методлар билан тадқиқ қилган, интеллектуал операсиялар ва уларнинг таркибий қисмларини назарий ва амалий жиҳатдан таърифлаб берган, изчил илмий методларга асосланиб, ўрганишга бутун вужуди билан интилган психологдир. Германияда психологиянинг гешталтпсихология йўналиши вужудга келди. Унинг, кўзга кўринган намоёндалари қаторига **Х.Еренфелс** (1859-1932), **В.Келер** (1887-1967), **К.Кофка** (1886-1941) ва бошқалар киради. Гешталтчилар фикрига қараганда, ҳар бир психик ҳодисанинг мазмуни унинг таркибига кирувчи қисм ва елементларни биргаликда акс эттириш дан кўлам жиҳатидан кенг, мазмун жиҳатидан ранг-барангдир. Гешталтчиларнинг аксиоматик характерга эга бўлган ушбу тезислари мазкур таълимот ғоясини очиб беришга хизмат қилади, алоҳида олинган қисм ва елементларнинг

йиғиндиси яхлит тузилиш мазмунини белгилаб бера олмайди, аксинча яхлит тузилма қисм ва елементларнинг хусусиятлари ва хоссаларини белгилаб беришга қурби йэтади.

Гешталтпсихологиянинг марказий назарияси ҳар қандай психологик жараёнларнинг бош моҳияти уларнинг сезгиларга ўхшаш алоҳида елеметлари эмас, балки конфигурасия шакл ёки гешталтчиларнинг яхлит яратишидан иборат.

Гешталтпсихологияда тафаккур муаммосининг тадқиқоти кенг қамровли тарзда олиб борилади. Жумладан, В.Келёр антропоидларнинг интеллектуал ҳаракатларини эксперимент ал ўрганиш натижасида юқори даражада тараққий қилган маймунларнинг ақлий ҳаракатида инсон ҳаракатига хос ўхшашлик борлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

В.Келёрнинг фикрича, топшириқни йечиш механизми қуйидагилардан иборат: организмнинг оптик майдонидаги вазиятларнинг муҳим елементлари бир бутунликни, яъни вазият елементларига, гешталт ичига кириб, гешталтда қайси жойни эгаллашга боғлиқ равишда янги аҳамият касб этади. Вазиятнинг муҳим елементларидан намоён бўлувчи гешталтчилар муаммоси вазиятда организмда баъзи бир зўриқишлар таъсирида вужудга келади, топшириқни йечиш муаммоли вазиятнинг қисмлари янги гешталтда янги муносабатда идрок қилина бошлаганида тугалланади. Масалани йечиш аниқ қадамларни юзага келтирувчи гешталт сифатида майдонга чиқади.

Гешталтчиларнинг айримлари "йўналиш" атамасини қўллаб, уни ўтмиш тажрибаси билан боғлашга интиладилар. Шунингдек, улар "тафаккурнинг еврестик методлари" тўғрисидаги тушунчадан ҳам фойдаланадилар. Бунда материални, қўйилган мақсадни, конфликтли ҳолатларни таҳлил қилишни назарда тутадилар.

Гешталтчилар тафаккур психологиясининг қатор муаммоларини кўтариб чиқадилар, чунончи ижодий тафаккурнинг ўзига хослиги, тафаккур жараёнида янгиликнинг вужудга келиши, билимлар билан тафаккур нисбати, топшириқни бажариш жараёнида аста-секин ва бирданига йечиш йўлини қўллаш кабилар. Тафаккурни психологик ўрганишда функсионал ривожланиш ғоясини амалиётга тадбиқ қилиш ҳам маълум даражада гешталтпсихология намоёндаларининг хизмати ҳисобланади.

Шунга қарамасдан **В.Кёлер М.Вертгаймер, К.Дункерларнинг** эксперимент ал тадқиқ отлари тафаккурнинг асосий механизмларидан бири бўлган предметларни янги алоқалар ва муносабатларга фикран жиҳатини очишни аниқладилар. Аммо улар ҳам мазкур муаммоли вазиятда индивиднинг амалий ва назарий ақлий фаолиятлари ролини мутлақо тан оладилар.

Америка психологиясида вужудга келган бихевиоризм ёки хулқ психологияси оқими ўтган асрнинг охирларидан бошлаб ҳукм суриб келмоқда. Бихевиоризм оқимининг асосчилари америкалик психологлар **Дж.Уоцон** (1878-1958) ва **Е.Торндайк**. (1871-1949) лардир. Кейинчалик булар қаторига **К.Левин** (1890-1957) **А.Вайс** (1974-1931) ва бошқалар келиб қўшиладилар. Маълум давргача мазкур оқим психология оламида доминантлик ролини ўйнайди. ҳозирги даврда бу оқим бир неча мустақил психологик мактабларга ажралиб

кетган. Лекин уларнинг моҳиятида бихевиоризм нафаси уриб туради. ҳаммаси учун умумий формула С-Р, яъни стимул-реаксия хизмат қилиб келмоқда.

Дж.Уоцон тафаккурнинг ички нутқ ва новербал товушсиз имо-ишора, мимика, йелка қисиши, қош сузиш, коммуникасия, мулоқотни бирга қўшиб, кенг маънода тушунади ва уни учта шаклга ажратиб ўрганади. Нутқ шаклларидан бири нутқ малакаларини секин-аста авж олдириш деб аталади. Бу шеърни ёки ситатани аниқ есга туширишда ўз ифодасини топади. Тафаккурнинг иккинчи шакли субъект учун янги бўлмаган топшириқни сўз ёрдами билан йечиш, ярим-ёртиси унутилган шеърни еслашга ҳаракат ва ниҳоят, янги топшириқни яққол ифодали ҳаракат ва сўз ёрдами билан йечиш Дж. Уоцон учун малака у индивидуал эгаллаган ва ўрганилган хатти-ҳаракатдир. Ушбу назария нуқтаи назаридан қарасак, тафаккур малакага яқинлаштирилиб қўйилади, чунки шеърни есга тушириш ҳам тафаккур деб талқин қилинади.

Дж. Уоцон тилни ўзлаштиришнинг ижтимоий жиҳатларини умуман ҳисобга олмаган, нутқнинг тузилиши ва ривожланишига сира эътибор қилмаган. Нутқ билан тафаккур бирлиги тўғрисида тамойилни англаб йетмаган, тафаккур ва онгнинг хулқ кўриниши сифатида олиб қаралган.

Таянч иборалар

Абстраксия (лот. Абстрастио мавхумлаштириш) - нарсаларннг ўзига хос белги ва хусусиятларини, улар ўртасидаги боғланишларни, нарсаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини ажратиб олишга қаратилган фикрлаш операсияси.

Амалий тафаккур - кўпинча вақт танқислиги шароитида юзага келадиган ва хатти - ҳаракатларнинг мақсадини аниқлаш, режа лойиҳаларни ишлаб чиқиш билан боглиқ.

Дедукция (лот. дедустио - келтириб чиқариш) - умумий ҳукмлардан якка ҳукмларга қарата бориш орқали мантиқий қулоса чиқаришдан иборат тафаккур шакли.

Индукция - (лог. индустио - келтириб чиқариш) - жузъий ёки якка қоллардан умумийга, айрим далиллардан умумлашмаларга қараб борадиган, индуктив хулоса чиқаришга асосланган мантиқий билиш методи, тафаккур шакли.

Интуисия (лот. интуери - яхшилаб, диққат билан қарамоқ) воқеликни билишнинг бевосита ҳақиқатга айланиши билан амалга ошириладиган алоҳида усул бўлиб, унинг ёрдамида муаммоли вазиятлар йечимини топиш мумкин, у ижодий фаолият механизми сифатида тушунтирилади..

Кўргазмали образли тафаккур - тафаккур турларидан бири, бу тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида фикрлашни характерлаб беради.

Кўргазмали ҳаракат тафаккури - тафаккур турларидан бири, нарса ва ходисалар билан ишлаш жараёнида уларни бевосита идрок қилишда намоён бўлади.

Назарий тафаккур - тафаккур турларидан бири, у объектларнинг хусусиятларини,
қонуниятларини очишга қаратилган бўлади.

Синтез **-** (юнон. синтбасис - бирикиш, қўшилиш) - тафаккурнинг ягона аналитик - синтетик жараёнида якка ҳодисаларни умумийлаштиришга қаратилган фикр юритиш операсияси.

Сўз - мантиқий тафаккур - тафаккур турларидан, бу мантиқий операсиялар, омиллар ёрдамида тушунчалар орқали ифодаланади.

Таққослаш - нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлашга асосланган фикрлаш операсияси.

Тафаккур - инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли. Сезги идрок ва тасаввурлар орқали бевосита билиб бўлмайдиган нарса ва ҳодисалар тафаккурда онгли равишда акс этади.

Таҳлил **-** тафаккур қилиш усули, бунда мураккаб объектлар қисмларга бўлиб ўрганилади.

Тушунча - воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини битта сўз ёки сўзлар гуруҳи билан ифодалашдан иборат тафаккурнинг мантиқий шакли.

Умумлаштириш - воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни умумий ва муҳим белгиларига қараб фикран бирлаштиришдан иборат тафаккур жараёни.

Хулоса чиқариш - тафаккурнинг мантиқий шаклларидан, бунда бир қайта ҳукмлар асосида маълум хулоса чиқарилади.

Яққол ҳаракатли тафаккур - тафаккур турларидан, у нарсалар билан ишлаш жараёнида уларни бевосита идрок қилишда ифодаланади.

Ҳукм - тафаккур - усулларидан, у нарса ва ҳодисалар ўртасида ўзапо бирон-бир боғланишларнинг борлигини тасдиқлаш ёки инкор қилинишда ифодаланади.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Тафаккур ҳақида тушунча.
2. Тафаккур операсиялари.
3. Тафаккур шакллари.
4. Тафаккур сифатлари
5. Тафаккурнинг турлари.
6. Тафаккур ва масала йечиш.
7. Тафаккурдаги индивидуал фарқлар.
8. Ҳиссий билиш ва тафаккур ўртасидаги фарқ.
9. Абстракт ва конкрет тафаккур ўртасидаги фарқ.

Тест топшириқлари

1.Қайси олим тафаккурни предметли амалий фаолият деб атайди?

А) М.В. Гамезо Б) А.В. Петровский В) С.Л. Рубиштейн Г) А.Н. Леонтев
Д) П.Я. Галперин

2.Шаклига кўра тафаккур қандай турларга ажратилади?

А) кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образлиБ) амалий, назарий, ихтиёрий-ихтиёрсизВ) конкрет, абстракт, реалистик, аутистик, интутив,дискурсивГ) репродуктив, продуктив, визуал, фазовийД) кўргазмали-образли, кўргазмали-ҳаракат, сўз-мантиқ

3.Фикр ёйиқлигига кўра тафаккур турлари қайси қаторда кўрсатилган?

А) кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образлиБ) амалий, назарий, ихтиёрий-ихтиёрсизВ) конкрет, абстракт, реалистик, аутистик, интутив,дискурсивГ)

репродуктив, продуктив, визуал, фазовийД) кўргазмали-образли, кўргазмали-харакат, сўз-мантиқ

4.Топшириқ характерига кўра тафаккур турлари қайси қаторда кўрсатилган?

А) кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образлиБ) амалий, назарий, ихтиёрий-ихтиёрсизВ) конкрет, абстракт, реалистик, аутистик, интутив,дискурсивГ) репродуктив, продуктив, визуал, фазовийД) кўргазмали-образли, кўргазмали-харакат, сўз-мантиқ

5.Фикрнинг оргиналлик даражасига кўра тафаккур турлари қайси қаторда кўрсатилган?

А) кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образлиБ) амалий, назарий, ихтиёрий-ихтиёрсизВ) конкрет, абстракт, реалистик, аутистик, интутив,дискурсивГ) репродуктив, продуктив, визуал, фазовийД) кўргазмали-образли, кўргазмали-харакат, сўз-мантиқ

6.Инсоннинг теварак атрофдан моддий воқелик тўғрисида онгида қай миқдорда (кўламда) мулохазалар, муҳокамалар, фикрлар, муаммолар, тушунчалар жой олганлиги нима деб аталади?

А) мазмундорлиги Б) мустаҳкамлигиВ) епчилликГ) самарадорликД) тезлиги

7.....моддий дунёдаги нарса ҳодисаларнинг асосий қонунлари, қонуниятлари, шароитлари уларнинг ўзаро боғланишлари муносабатларини тафаккуримизда тўлиқ акс этишимизга айтилади.

А) мазмундорлиги Б) мустаҳкамлигиВ) чуқурлигиГ) кенглиги Д) мустақиллиги

8."Тафаккур субъект фаолиятининг пайдо бўлиши" деган ғояни илгари сурган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) М.В. Гамезо Б) А.В. Петровский В) С.Л. Рубинштейн Г) А.Н. Леонтев
Д) П.Я. Галперин

9.Тафаккур-бу ориентерлаш-тадқиот фаолиятини ориентеровка жараёнидир, яъни ориентеровка жараёни, ориентеровка фаолият. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?

А) М.В. Гамезо Б) А.В. Петровский В) С.Л. Рубинштейн Г) А.Н. Леонтев
Д) П.Я. Галперин

10.Қайси олим ўз тадқиқотларида тафаккурнинг муҳим янгиликни қидириш ва очиш, гипотеза ва назарияларни башорат қилиш, олдиндан пайқаш хусусиятлари алоҳида таъкидлаб ўтилади?

А) А.В. Петровский Б) С.Л. Рубинштейн В) А.Н. Леонтев Г) П.Я. Галперин
Д) А.В. Брушлинский

11.Қайси қаторда тафаккур тушунчасига тўғри таъриф берилган?

А) инсоннинг фикрлаш фаолияти бўлиб атроф-ҳодисаларни тўла англашга ёрдам беради. Б) муаммоли вазиятни ҳал қилишга ҳаратилган фикрлаш фаолияти.В) нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик муносабат ва фарқли жиҳатларини онгда акс еттирилиши.
Г) барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб берилмаган

12.....шундай бир тафаккур операсиясидирки, унинг ёрдами билан биз нарса ва ҳодисаларни фикран ёки амалий ва хусусиятларни таҳлил қиламиз.

А) анализ Б) синтез В) таққослаш Г) классификасия Д) абстраксиялаш

13..... шундай бир тафаккур операсиясидирки нарса ва ҳодисаларнинг онгимизда бўлинган, ажралган айрим қисмларини бўлакларини фикран ёки амалий равишда бирлаштириб бутун ҳолга келтиради.

А) анализ Б) синтез В) таққослаш Г) классификасия Д) абстраксиялаш

14..... шундай бир тафаккур операсиясидирки, бу операсия воситаси билан объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги ва бир-биридан фарқи аниқланади.

А) анализ Б) синтез В) таққослаш Г) классификасия Д) абстраксиялаш

15." Агар сиз табиатнинг бирор нарсасини равшан тушуниб, олишни истасангиз унинг ўзига жуда ўхшаш бўлган нарсалардан тафовутини топингиз ва унинг ўзидан жуда узоқ бўлган нарсалар билан ўхшашлик топингиз. Ана шунда сиз шу нарсанинг енг муҳим ҳамма белгиларини пайқаб оласиз демак шу нарсани тушуниб оласиз" мазкур фикр қайси тафаккур операсиясининг мазмунини очиб беришга қаратилган ?.

А) анализ Б) синтез В) таққослаш Г) классификасия Д) умумлаштириш

16.Бу операсия ёрдами билан моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусиятларини фарқлаб олиб, ана шу хусусиятлардан нарса ва ҳодисаларнинг муҳим бўлмаган иккинчи даражали хусусиятларини фикран ажратиб ташланади. Мазкур фикр қайси фикрлаш операсиясига тегишли?

А) анализ Б) абстраксиялаш В) таққослаш Г) классификасия Д) умумлаштириш

17.Қайси қаторда умумлаштиришнинг турлари тўғри кўрсатилган?

А) назарий ва амалий Б) тушунчали ва ҳиссий-конкрет В) ўхшашлик ва умумийлик Г) объектив ва субъектив Д) умумий ва хусусий

18.Психологияда нарса ва ҳодисалардаги хосса, белги, хусусият аломатларини топиш ва шу умумийлик асосида бирлаштириш тушунилади. Мазкур фикр қайси фикрлаш операсиясига тегишли?

А) абстраксиялаш Б) умумлаштириш В) классификасиялаш Г) конкретлаштириш

Д) системалаштириш

19.Предметларни обеъктив муҳим белги асосида умумлаштиради. Мазкур умумийлаштириш қандай номланади?

А) объектив Б) субъектив В) тушунчали Г) ҳиссий-конкрет Д) хусусий

20.Предметлар топшириқ талабига ташқи белги билан умумийлаштириш нима деб номланади?

А) объектив Б) субъектив В) тушунчали Г) ҳиссий-конкрет Д) хусусий

21.Ҳодисаларни ички боғланиш ва муносабатлардан қатъий назар бир томонлама таъкидлашдан иборат фикр юритиш операсияси нима деб номланади?

А) абстраксиялаш Б) умумлаштириш В) классификасия Г) конкретлаштириш

Д) системалаштириш

22.Бир турким ичидаги нарсаларнинг бир-бирига ўхшашлигига ва бошқа туркумлардаги нарсадардан фарқ қилишига қараб нарсаларни туркумларга ажратиш тизими .....деб аталади.

А) абстраксиялаш Б) умумлаштириш В) классификасия Г) конкретлаштириш

Д) системалаштириш

23.Нарса ва ҳодисаларнинг белги ва хусусиятлари ҳақида тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган фикр ..... деб аталади.

А) хулоса чиқариш Б) ҳукм В) тушунча Г) конкрет тушунча

Д) мавҳумлаштириш

24.Қайси қаторда ҳукм турлари тўғри кўрсатилган?

А) жузъий, тахминий, шартли тасдиқловчи Б) якка, конкрет, умумий, абстракт, хусусий,тўпланма В) индуктив, дедуктив, аналогик Г) якка, жузъий, хусусий аналогик Д) якка, конкрет, чин, тахминий

25.Қайси қаторда тушунча тури тўғри кўрсатилган?

А) жузъий, тахминий, шартли тасдиқловчи Б) якка, конкрет, умумий, абстракт, хусусий,тўпланма В) индуктив, дедуктив, аналогик Г) якка, жузъий, хусусий аналогик Д) якка, конкрет, чин, тахминий

26. Қайси қаторда хулоса чиқариш турлари тўғри кўрсатилган?

А) жузъий, тахминий, шартли тасдиқловчи Б) якка, конкрет, умумий, абстракт, хусусий,тўпланма В) индуктив, дедуктив, аналогик Г) якка, жузъий, хусусий аналогик Д) якка, конкрет, чин, тахминий

27.....шундай тафаккур шаклидирки бу шакл воситаси билан биз икки ёки ундан ортиқ ҳукмлардан янги ҳукм ҳосил қиламиз.

А) хулоса чиқариш Б) тушунча В) ҳукм Г) индуктив хулоса чиқариш

Д) дедуктив хулоса чиқариш

28.Нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс еттирувчи фикрдир.

А) хулоса чиқариш Б) тушунча В) ҳукм Г) индуктив хулоса чиқариш

Д) дедуктив хулоса чиқариш

29.Инсон томонидан бевосита идрок қилинаётган предметлар эмас балки тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида фикрлашдан иборат тафаккур тури бу .....

А) амалий Б) назарий В) кўргазмали-ҳаракат Г) кўргазмали-образли Д) фазовий

30.Улуғ рус олими Д.И. Менделеевнинг ҳикоя қилишича у елементлар даврий тизими жадвалини тузиш вақтида уч кечаю уч кундуз тиним билмай меҳнат қилган аммо бу вазифани ниҳоясига йетказа олмаган. Ундан сўнг чарчаган олим иш столи устида уйқуга кетган ва тушида бу елементлар таркибли жойлаштирилган жадвални кўрган. Шунда Д.И. Менделеев уйқудан уйқониб, бир парча қоғозга тушида аён бўлган жадвални кўчириб ўтган. Сизнингча мазкур жараён тафаккур турининг маҳсули?

А) амалийБ) ихтиёрсиз/интуитиве В) ихтиёрий/аналитик Г) кўргазмали Д) абстракт тафаккур.

Назорат саволлари

1. Тафаккур тушунчасининг мазмунини изоҳланг?
2. Тафаккур операсияларини ажратиб кўрсатинг?
3. Тафккур шакллари нималарда кўринади?
4. Тафаккур сифатларининг мазмунини изоҳланг?
5. Тафаккурнинг турларининг моҳиятини изоҳланг?
6. Тафаккурдаги индивидуал фарқлар нималарда кўринади?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
3. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
4. Джемс В. Психология.- М., 1991
5. Запорожец А. В. Избранные психологические труды: В 2-х т. Т. 1 / Под ред. В. В. Давыдова, В. П. Зинченко. — М.: Педагогика, 1986.
6. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
7. Лейтес Н. С, Возрастные предпосылки умственных способностей // Хрестоматия по психологии. — М.: Просвещение, 1987.
8. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
9. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
10. Нишонова З.Т Мустақил ижодий фикрлаш Т; "Фан" 2003 й
11. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
12. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
13. Пушкин В. Н. Эвристическая деятельность человека и проблемы современной науки // Хрестоматия по психологии. — М: Просвещение, 1987.
14. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
15. Смирнов А. А. Избранные психологические труды: В 2-х т. Т. 2. — М.: Педагогика, 1987.
16. Теплов Б. М. Избранные труды: В 2-х т. Т. 1. — М.: Педагогика, 1985.
17. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
18. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
19. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й
20. Ғозиев Е.Ғ.Тафаккур психологияси Т; "Ўқитувчи" 1996

ХАЁЛ

Хаёл ҳақида тушунча

Одам ўз ҳаёти давомида илгари идрок қилган нарса ва ҳодисаларни тасаввур етибгина қолмай, балки ҳеч қачон ҳаётида учратмаган нарсаларни ҳам тасаввур ета олади. Бошқача қилиб айтганда, одам фақат илгари идрок қилган нарсаларинигина еслаш билан чекланиб қолмай, балки шу пайтгача ҳеч қаерда учратмаган янги нарсаларини ҳам ўз ҳаётида ярата олади.

Шунингдек, авлод-аждодларимизнинг ҳаётига доир тарихий китобларни ўқиётганимизда ёки бўлмаса, ўқитувчининг узоқ чет ел мамлакати ҳақидаги қизиқарли гапларини ешитар эканмиз, юқоридаги нарсаларга нисбатан тасаввурлар ҳосил бўлади. Хаёл қилиш жараёнида идрок қилинган образлар орқали ҳосил қилинган тасаввурлар ва бундай тасаввурларни онгимизда хотира орқали орттирилиши туфайли юзага келади. Демак, хаёл жараёнининг бўлиши учун хотира тасаввурларининг

бўлиши шарт. Шунинг учун хаёлнинг ривожланиши инсоннинг билим бойлиги, турмуш тажрибаси билан боғлиқ.

Хаёл деб одамнинг онгида илгаридан бор бўлган вақтли алоқаларнинг (ассосиасияларни) қайтадан тикланиши ва бир-бири билан янгича қўшилиши орқали нарса ва ҳодисаларнинг янги образларини ҳосил қилишга айтилади.

Хаёл - образ тасаввур ёки ғоя шаклида янги нарсанинг яратилиши, онг фаолияти, яъни илгари идрок қилинмаган нарсаларнинг образларини мавжуд тасаввурлар асосида мияда яратишда ифодаланадиган фаолиятдир.

Хаёлнинг инсон ҳаётидаги ўрни жуда каттадир. Исталган меҳнат фаолиятини оладиган бўлсак, хаёлнинг иштирокисиз деярли амалга ошириб бўлмайди. Масалан, бирор нарса ясаш бирор ўсимликни ўстириш учун қўлга киритиладиган натижаларни олдиндан билиш, яъни хаёлда тасаввур етиб кўриш лозим бўлади. Шунинг учун хаёл жуда кўп фаолиятларнинг таркибий қисмига киради.

Кишининг бутун руҳий ҳаёти шахснинг билиш фаолияти ва емосионал иродавий ҳолатлари билан узвий боғлиқ. Хаёл идрок хотира тафаккур каби мантиқий билиш жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Хаёлнинг маҳсули шундаки, у орқали аввалги тажрибалар қайта ишланади. Хаёл тафаккур билан шундай боғлиқ-ки, хаёл ҳам, тафаккур ҳам муаммоли вазиятлардан келиб чиқади ва шахс эҳтиёжларига асосланади. Тафаккурда фикрлар, тушунчалар асосида ифодаланади.

Хаёл жараёнларининг нерв-физиологик асослари

Хаёл қилиш жараёни жуда ҳам мураккаб акс эттириш жараёни бўлишига қарамай, унинг асосида ётган физиологик механизмларни академик. **И.П. Павловнинг** олий нерв-фаолияти ҳақидаги таълимоти асосида маълум даражада тушунтириб ўтиш мумкин. Хаёлнинг нерв физиологик асосида ҳам миянинг пўстида илгари ҳосил қилинган вақтли алоқаларнинг (ассосиасияларнинг) яна қайта тикланиб, бир-бири билан янгича қўшилиш жараёни ётади. Шуни ҳам айтиш керакки, бош мия ярим шарларида илгари ҳосил қилинган вақтли алоқалар бирин-кетин тикланадилар ва бинобарин уларнинг қўшилишлари ҳам аста-секин юзага келади. Ана шунинг натижасида бош миянинг пўстида инсон ўз шахсий ҳаётида ҳеч қачон идрок қилмаган нарсаларнинг образлари пайдо бўлади. Бу образларнинг кўпи воқеликка мутлақо тўғри келмайди ва натижада тормозланиб ҳоладилар. Бошқа бирлари эса воқеликка тўғри келганлиги ҳамда инсон фаолияти учун миядан янги имкониятлар очиб бергани туфайли амалий фаолият натижалари билан мустаҳкамланадилар. Хаёл қилиш жараёни ҳамиша нутқ орқали амалга оширилиши туфайли нутқнинг нерв-физиологик асосида иккинчи сигналлар тизимининг фаолияти ҳам фаол қатнашади. Бундан ташқари хаёл қилиш жараёнида диққат, хотира, тафаккур ва
ирода жараёнлари ҳам иштирок қилади. Ана шу нуқтаи назардан олганда хаёлнинг (хусусан ижодий хаёлнинг) нерв физиологик механизмларни тўла тушунтириб бериш учун йетарли илмий маълумотлар йўқ. ҳозирги кунда фан ва техниканинг жуда тез темп билан ривожланиши ижодий хаёл жараёнининг олдига катта вазифалар қўймоқда. Масалан, космик фазони забт этиш, инсоннинг ойга чиқиши, мураккаб ақлли машиналарнинг яратилиши ва шу

кабилар инсон тафаккури ҳамда ижодий хаёлнинг юксак тараққёти натижасида қўлга киритилмоқда.

Одамнинг уйғоқ пайтида юзага келадиган хаёл жараёни маълум даражада тартибот ва ихтиёрий характерга эга бўлади. Шунинг учун одам ўзининг хаёл қилиш жараёнини олдидаги мақсад ва вазифаларга бўйсиндира олади. Одам ўзининг билимлари, тушунчаларига асосланган ҳолда хаёлий образларнинг пайдо бўлишини идора қила олади.

Бош мия катта ярим шарларининг барча томонлари тормозланиб, одам ухлаган пайтида ҳам хаёл туш кўриш шаклида юзага келади. Одатда одам ухлай бошлаган пайтида иккинчи сигналлар тизимининг фаолияти билан боғлиқ бўлган нерв ҳужайралари ҳаммадан олдин тормозланади. Уйқу билан боғлиқ бўлган тормозланиш жараёни миянинг ҳамма жойига баравар равишда тарқалмайди. Натижада айрим жойлар тормозланмасдан ҳолади ва кутилмаган даражада ажойиб муносабатларга кириша бошлайди. Ана шунинг учун туш кўриш иккинчи сигналлар тизимининг назоратисиз жуда бетартиб, пала-партиш равишда юзага келадиган ассосиасиялардан иборат бўлади.

Хаёл жараёнлари

Хаёл жараёнлари инсоннинг тажрибаси ва билим доираси, шунингдек ўтмиш тажрибалари билан белгиланади. Шунингдек хаёл жараёнлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади ва улар яққол ифодалаш мақсадида қуйида жадвал кўринишида акс еттирилди.



Агглютинасия - "елимлаш" деган маънони билдириб, унда турли қисмларни битта қилиб янги образ яратилади. Масалан: ялмоғиз кампир, сув париси, кентавр, ссфинкс образлари ва бошқалар.

Гиперболизасия - образларни катталаштириш ёки кичиклаштириш шунингдек, алоҳида қисмларни ўзгартиришдир. Масалан: Гулливер, лилипут, Алпомиш, Рустам паҳлавон образлари кабилар.

Тизимлаштириш - ўхшатиш орқали айрим тасаввурларни улар орасидаги фарқларни силлиқлаш; типиклаштириш-бир хил образларни қайтарилиши бўлиб, ҳар бир давр учун типик бўлган образларни яратиш Масалан: А.Қаҳҳор ҳикоялари ("Ўғри", "Бемор") А.Қодирий ("Ўтган кунлар") романи кабилар.

Аксентлаштириш - айрим белгиларни таъкидлаш орқали образлар яратиш Масалан: ўртоқлик ҳазиллари. Аксентлаштириш бадиий адабиётларда жуда кўп қўлланилади.

Юқоридаги хаёл жараёнлари орқали яратиладиган образлар анализ ва синтез жараёнида рўй беради. Чунки ҳар бир нарсани ёки ҳодисани аввал анализ (таҳлил) қилиб кўрилади, кейин уларни синтез (бирлаштириш) қилиш орқали янги образлар ҳосил қилинади.

Хаёл жараёнида хаёл тасаввурларининг хотира тасаввуридан фарқи муҳим аҳамиятга эга.

- Хаёл тасаввурлари онгда пайдо бўлади ва барқарор бўлади.
- Хотира тасаввуридаги нарса доимо таниш нарсадек ҳис қилинади. Хаёл тасаввурлари эса янгиликни ҳис қилиш туйғуларини беради.
- Хаёл тасаввурлари инсоннинг қизиқиш ва идеаллари билан боғлиқ бўлгани сабабли янгиликни ҳис қилиш туйғулари оқибатида вужудга келади.

Хаёл турлари

Одатда биз тасаввур хаёли, ижодий хаёл, ихтиёрий ва ихтиёрсиз хаёл деб хаёлни бир неча турларга ажратамиз. Айнан хаёл турларини қуйидаги тарзда ифодалаш муҳим саналади.



Тасаввур хаёли деб ўтмишда бўлиб ўтган ёки ҳозирда бор бўлган лекин бизнинг турмуш тажрибамизда шу пайтгача учратмаган, яъни биз идрок қилмаган тасаввур ва образлар яратишга айтилади.

Тасаввур хаёлини одатда тикловчи хаёл деб ҳам юритилади. Тикловчи ёки тасаввур хаёлини инсон ҳаётидаги роли ғоят даражада каттадир. Агар тикловчи хаёл бўлмаганда одам ўқий хам олмаган бўлар еди. Биз жуда кўп нарсаларни кўрмаган, яъни бевосита идрок қилмаган бўлсак, ҳам уларни тасаввур ета оламиз: бунда биз бошқа одамларнинг айтиб бўлган сўзлари асосида ўқиган китобларимиз асосида хаёлий тасаввур ва образлар яратамиз. Масалан, болалар китобчалардан ўқиб берилган ертаклардаги қаҳрамонларни уларнинг бағоят ботирликларини, қўрқоқликларини ва бир-бирларига ёрдам

беришларини хаёлий тасаввур орқали акс эттирадилар. Тикловчи ёки тасаввур хаёли жараёнида одам кўз олдига келтираётган образнинг объекти ҳақиқатдан ҳам муайян бир жойда бўлганлигини англатади. Тасаввур ёки тикловчи хаёл боғча ёшидаги болаларда ҳам бўлади. Масалан: уларга ўқиб берилаётган ҳикояни ешитар эканлар, ҳикоядаги афсонавий қаҳрамонлар, уларнинг баланд ғоялар устидаги қурилган қасрлари кўз ўнгиларида гавдалана бошлайди.

Ижодий хаёл - деб тажрибамизда бўлмаган ва воқеликнинг ўзида ҳам учратмаган нарса ва ҳодисалар ҳақида тасаввур ҳамда образлар яратишдан иборат хаёл турига айтилади.

Ижодий хаёл мураккаб акс эттириш жараёни бўлиб, одамнинг ҳаётида жуда катта аҳамиятга эгадир. Одам ўзининг ижодий хаёли орқали бирор янги, шу пайтгача кўрилмаган нарса яратади. Масалан: Ёзувчи асари учун типик образ яратганда унинг хаёли ижодий бўлади. Тадқиқотчининг бирор тадқиқот устида ишлаганида ҳам унинг хаёли ижодий бўлади.

Ижодий хаёл образлари сўзларда ёки моддий объектларда тасвирланиши мумкин. Ижодий хаёл маҳсули, яъни тасаввур ва образлари санъатнинг ҳамма турларида архитектурада, фан ва техника соҳасидаги ихтироларда намоён бўлади. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, тасаввур хаёли билан ижодий хаёл ўртасидаги фарқ фақат нисбий характерга эгадир. Худди ижодий хаёл жараёнидаги каби тасаввур хаёли жараёнида ҳам аслида нарсаларнинг образлари янгидан ижод қилинади. Ана шунинг учун хаёлнинг бу икки турини бир-биридан батамом ажратиб бўлмайди.

Ижодий хаёлнинг махсус тури орзудир. ***Орзу*** ижодий хаёлнинг, тилакнинг келажакка қаратилган шаклидир. Орзусиз киши бўлмайди. Орзу одамнинг у ёки бу фаолиятига ундайдиган стимул турткич ҳисобланади. Лекин орзунинг бошқа салбий турлари ҳам бор. Масалан, одамни асосий иш фаолиятидан бошқа ишга судрайдиган орзулар ҳам бўлади. Шундай одамлар ҳам бўладики, улар ўзларининг аниқ фаолиятларини орзу билан алмаштириб, тилак ва истакларига ширин орзудагина йетиб юрадилар. Уларнинг "қуруқ хаёлпарастлар" деб юритилади.

Хаёл қилиш жараёни ҳамма билиш жараёнларидаги каби ихтиёрсиз ва ихтиёрий хаёл турларига бўлинади.

Ихтиёрсиз хаёл деб - одам ўзининг олдига ҳеч қандай мақсад қўймасдан, иродани ишга солмасдан, қандайдир ўз-ўзига образ ва тасаввурларни яратишига айтилади.

Ихтиёрсиз хаёл шу топдаги кучли эҳтиёж туфайли майдонга келади. Масалан: одам жуда ташна ёки жуда оч бўлган пайтида унинг хаёлида ҳар турли таомлар, дарё ва булоқ сувлари пайдо бўла бошлайди. Одамнинг айни шу чоғдаги ҳиссий ҳолати, яъни ҳис-туйғулари ҳам ихтиёрсиз хаёлнинг майдонга келишига сабаб бўлади. Чунончи, ваҳима ёки қўрқинч ҳисси пайтида одамнинг хаёлига қўрқинчли нарсаларнинг образлари кела бошлайди.

Одамнинг туш кўриши ҳам ихтиёрсиз хаёл фаолиятларидан ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, одам ухлай бошлаган пайтда бош мия пўстининг ҳамма жойлари тормозланмай, айрим жойлари ишлаб туради. Ана шу ишлаб турган жойларидаги нерв ҳужайраларида илгари ҳосил қилинган образ ва тасаввурлар қайта тикланиб, одам туш кўра бошлайди. Бунда мия пўстининг

енг асосий марказлари (иккинчи сигналлар тизими) тормозланган бўлгани туфайли ҳеч қандай назорат бўлмайди. Натижада образ ва тасаввурлар бир-бири билан аллақандай муносабатларга кириб, одам палапартиш туш кўра бошлайди.

Ихтиёрий хаёл жараёнлари бетартиб равишда, эмас балки муайян бир жараёнда ўтади. Бу тартиб одамнинг эҳтиёжлари, мақсадлари, ҳиссиётлари фикр ҳамда маслаклари билан белгиланади.

Ихтиёрий хаёл деб олдиндан белгиланган мақсад асосида ирода кучини ишга солиб муайян образ ва тасаввурларни яратишга айтилади. Демак, ихтиёрий хаёл ҳамиша маълум мақсад ва вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлади. Бундай мақсад ва вазифалар бошқалар томонидан қўйилиши мумкин. Масалан, рассом ўзи ишламоқчи бўлган суратнинг мавзусини ўзи белгилайди. Ёзувчи ёзмоқчи бўлган асарнинг мавзусини ўзи танлайди ва ўзи бадиий образларни яратади. Умуман санъат асарларининг ҳаммаси ихтиёрий хаёл натижасида майдонга келади.

Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ихтиёрий хаёл баъзан ихтиёрсиз хаёлга ўтиб кэтиши мумкин. Шунинг учун ихтиёрий хаёл ихтиёрсиз хаёлдан батамом ажралган ҳолда рўй бермайди. Ихтиёрий хаёл жараёни ҳамиша беихтиёр қилинадиган хаёл дақиқаларини ўз ичига олади. Масалан, рассомлар ёки композиторлар ўзларининг бирор янги асарларини ихтиёрий тарзда яратаётганларида
баъзан ихтиёрсиз равишда айрим фикрларга берилиб кэтишлари мумкин.

Реалистик хаёл - турида воқелик акс еттирилади, орзулар амалга ошади.

Фантастик хаёл - амалга ошмайдиган хаёл туридир.

Хаёл сифатлари.

Кишиларнинг хаёли кенглиги, мазмундорлиги, кучи ва реаллиги, фантазия бойлиги жиҳатидан фарқ қилади. Хаёл кенглиги воқеликнинг кишилар фаолияти учун бўладиган доираси билан белгиланади. Масалан, киши санъат, техника, спорт, билимга қизиқса ва улар ҳақида хаёл қилса, бундай кишининг хаёли кенг бўлади.

Хаёлнинг унумдорлиги бирор нарсага нисбатан хаёлнинг бойлиги, хилма-хиллиги билан белгиланади. Хаёл кенг бўлса, у мазмундор ҳам бўлади. Хаёл фаолиятнинг бирор соҳасида намоён бўлади. Хаёлнинг кенглиги ва мазмундорлиги кишининг билим ва тажрибасига боғлиқ.

Хаёл кучи кучсиз ва кучли бўлади. Кучли хаёлда одам жуда тез таъсирланади. Масалан, биз "Ўтган кунлар" романини, "Шайтанат" романларини ўқиганимизда хаёл кучли бўлиши натижасида таъсирланамиз. Илмий асарни, зерикарли, ҳикояларни ўқиганмизда эса хаёлимиз кучсиз бўлади. Қизиқиш кучли бўлса, хаёл ҳам кучли бўлади. Болаларнинг хаёли фантазияга бой бўлади. Меҳнат фаолияти натижасида хаёл сифатлари ривожланади.

Хаёл кучи қуйидагиларга боғлиқ бўлади.

- Хаёл кучи эҳтиёж, қизиқиш, истакларнинг кучига боғлиқ бўлади. Масалан: фақат шу бугунги кун ҳақида ўйласа, одамнинг хаёли кучсиз бўлади.

- Хаёл кучи ҳиссиётга боғлиқ бўлади, ҳиссиёт қанчалик кучли бўлса, хаёл шунчалик еркин бўлади. Хаёл кучи идрокка боғлиқ бўлади. Биз идрок қилганимизда диққат билан идрок қилсак, хаёл кучайиб, кенгаяди, агар диққатимиз хаёлга қаратилса, унда идрок қилсак, хаёл кучайиб кенгаяди, агар диққатимиз хаёлга қаратилса унда идрок сусаяди. Масалан, баъзан бир хаёлга берилиб, атрофдаги нарсаларни кўрмаймиз, ешитмаймиз.

Хаёл кучи кишининг аҳволига, асаб тизимига боғлиқ бўлади, яъни асаб тизимининг тетиклигига, чарчаб қолганлигига, соғлигига ва бетоблигига боғлиқ бўлади. Масалан: ҳарорат жуда баланд бўлиши натижасида образлар жуда ёрқинлашиб кетади. Натижада бундай пайтда одам алаҳсирайди. Галлюсинасия хаёлнинг кучли намоён бўлишидир.

Хаёлнинг реаллиги - воқеликни тўғри акс еттирувчи хаёлий образларнинг яратилиши, генийларни хаёлининг кучи реал хаёлдир. Масалан, космосга учиш хаёлни олдиндан тасаввур этиш. Хаёлнинг реаллиги одамнинг тажрибасига, билимига, тафаккурига боғлиқ бўлади. Образлар амалга ошмаса, бу реал хаёл бўлмайди, балки фантастик хаёл бўлади. Болаларда хаёл катталарга тақлид қилиш орқали ўсади. Болаларда фантазия жуда кучли, масалан, улар оддий чўпни "учқур от" деб тасаввур қилиб ўйнайдилар. Уларни қаҳрамон деб ҳис қиладилар. Ясли ёшига нисбатан боқча ёшидаги болалар хаёли бир мунча кенгроқ бўлади. Уларда хаёл асосан кенгроқ бўлади. Бола катталарга тақлид қилиб, шофёр, доктор бўлади ва ҳоказо. Боғча ёшидаги болаларда хаёл ихтиёрий бўлади. Масалан, катта одам болага кубиклардан уй ясаш, расм чизиш каби топшириқлар беради. Боғча ёшидаги болаларнинг хаёли катталар билан мулоқотда бўлиш таъсирида ўсади. Болалар ертакларни тинглашни, воқеаларни ешитишни ёқтирадилар.

Катталарнинг фикрларини ешитиш натижасида болаларда улар ҳали кўрмаган нарсалар тўғрисида образлар пайдо бўлади. Болалар ўйин вақтида еркин образларни яратадилар.

Кичик ёшдаги болалар хаёлининг ўсиши учун тарбиячининг олиб борадиган машғулотлари, турли ўйинларини тасаввур этишлари катта аҳамиятга эга. Асосан қизиқишлар хаёлнинг ўсишига ёрдам беради.

Хаёл фаолияти кучли бўлса унинг мазмуни кенгроқ идрок қилинади. Хаёл тасаввурлари есда олиб қолиш, есга тушириш боғланишларини вужудга келтириш учун таянч бўлади. Тафаккур жараёнидаги яққоллик хаёл фаолияти туфайли содир бўлади. Хаёл фаолияти туфайли туғиладиган ҳислар кўпинча анча кучли ва барқарор ҳислар бўлади.

Хаёлнинг асосий хусусиятлари

Хаёл жараёни ва унинг вужудга келиши бир қанча шароитларга боғлиқдир. Хаёл ҳар доим маълум бир йўналишга эга. Одатда вужудга келган хаёл одамнинг ўз фаолияти давомида нимага интилаётгани, нимани истаётгани билан боғлиқ бўлади. Масалан, тарбиячи тарбияланган болаларнинг ким бўлиб йэтишишларини хаёлан кўз олдига келтириб кўради.

Хаёл жараёнининг хусусиятларидан бири шундан иборатки, хаёл одамнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва ўз олдига қўйган вазифалари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Лекин шуни айтиб ўтиш лозимки, одамнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари ҳамма вақт ҳам истаган нарсаларга

эришавермайди. Кўпроқ одамнинг хаёлида ҳамма вақт қўрқинчли нарсалар гавдалана боради.

Ана шу пайтдаги эҳтиёжининг таъсири билан одамнинг хаёли ўтмишда идрок қилинган нарсалардан ҳосил бўлган тасаввурни ижодий равишда қайта ишлаб, янги образлар ярата бошлайди.

Хаёл жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, хаёл хамиша бой тажриба ҳамда билимларга асосланади. Агар билим йэтишмаса, хаёлий тасаввур ҳосил бўлмайди. Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга қадимги давр инсонлари ҳақида гапирилса, улар худди ҳозирги замон кишилари сингари тасаввур қиладилар. Бунинг асосий сабаби билимларнинг йэтишмаслиги, шунингдек мазкур ёшдаги болалар тарихий музейларда бўлмаганликлари, театрларга тушиб, тарихий асарларни кўрмаганликлари, тарихий киноларни ҳали жуда кам кўрганликлари туфайли бундай тасаввурларни ҳосил қилишнинг уддасидан чиқа олмайдилар.

Хаёл жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан навбатдагиси хотира тасаввурларини анализ ва синтез қисмидан иборатдир. Хаёл учун материал бўладиган тасаввурлар хаёл яратиб бераётган образларга кўпинча тўлиқ ҳолда кирмасдан, балки қисман фаолиятида рўй беради. Бунда муайян тасаввурлардан ажратиб олинган елементларни бошқа тасаввурлар билан қўшиш ва бир туркум қилиш жараёни рўй беради. Мана шундай синтез қилиш фаолиятида фойдаланадилар, улар яъни ёзувчилар ўз асарларидаги ҳайдномаларнинг типларини бир қанча айрим тасаввурлардан вужудга келтирадилар.

Ниҳоят хаёлнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, агар идрок образлари айни ҳозирги пайтдаги нарсалар билан боғлиқ бўлса, хотира образлари ўтган замондаги нарсаларнинг образларини тиклаш билан боғлиқ бўлса, хаёлий йўл билан яратилган образлар эса ҳозирги ва ўтган замонгагина эмас, балки келажак замонга, одам келажакда нима ишлар қилишини хаёлан тасаввур қилиб кўриш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Таянч иборалар

Агглютинасия (лот. Агглутинате - ёпиштирмоқ йелимламоқ) - мавжуд образ ва тасаввур қисмларини бир - бирига "ёпиштириб" ҳўшиш асосида янги образларни яратишдан иборат хаёл фаолияти. Мас., сув париси образи.

Аксентлаш (юнон. Ассентйс – урғу) - нарсаларнинг айрим қисмларини бошқа қисмларига нисбатан ҳаддан ташқари кичрайтириш ёки катталаштириш асосида янги образларни яратишдан иборат хаёл фаолияти.

Гиперболизасия (юнон. Ҳйперболе - катталаштирмоқ) - катталаштириш билан боғлиқ хаёл фаолиятининг бир усули.

Орзу - шахснинг ўзи учун ёқимли бўлган истиқбол образларни онгида яратишдан иборат хаёл тури. Орзу шахснинг эҳтиёжлари, истак ва интилишлари билан бевосита боғлиқ.

Тасаввур - сезги аъзоларига қачонлардир таъсир етган нарса ва ходисаларнинг яққол ҳиссий образи.

Хаёл - мавжуд тасаввурлар асосида янги образларни яратишдан иборат психик акс эттириш жараёнларидан бири. У ихтиёрсиз ва ихтиёрий, ижодий хаёл турларига ажратилади.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Хаёл ҳақида тушунча.
2. Хаёл жараёнлари.
3. Хаёл турлари.
4. Хаёл сифатлари.
5. Фантазия.
6. Хаёлнинг хусусиятлари.
7. Хаёлнинг аналитик - синтетик хусусияти.
8. Хаёл шакллари тўғрисида тушунча
9. Хаёлнинг инсон фаолиятидаги ўрни

Тест топшириқлари

1.Қайси қаторда хаёл турлари тўғри кўрсатилган?

А) механик, ихтиёрий, ихтиёрсиз, тасаввурБ) тасаввур, ижодий, ихтиёрий, ихтиёрсиз

В) тасаввур, ижодий, френологик, емосионалГ) ихтиёрий, ихтиёрсиз, ижодий, емосионал

Д) касбий, френологик, емосионал

2.Ўтмишда бўлиб ўтган ёки ҳозирда бор бўлган лекин бизнинг турмушимизда шу пайтгача учрамаган яъни биз идрок қилмаган нарса ва ҳодисалар тўғрисида тасаввур ва образлар яратишга …….айтилади.

А) ихтиёрсиз хаёл Б) ихтиёрий хаёл В) ижодий хаёл Г) тасаввур хаёл

Д) фантастик хаёл

3 …….тажрибамизда бўлмаган ва воқеликнинг ўзида ҳам учрамаган нарса ва ҳодисалар ҳақида тасаввур ҳамда образлар яратишдан иборат бўлган хаёл турига айтилади.

А) ихтиёрсиз хаёлБ) ихтиёрий хаёл В) ижодий хаёл Г) тасаввур хаёл

Д) фантастик хаёл

4.Ўқувчиларга ўқиб берилаётган ҳикояни ешитар эканлар ҳикоядаги афсонавий қаҳрамонлар уларнинг баланд ғоялар устига қурилган қасрлари кўз ўнгиларида гавдалана бошлайди.

А) ихтиёрсиз хаёл Б) ихтиёрий хаёл В) ижодий хаёл Г) тасаввур хаёл

Д) фантастик хаёл

5.Ёзувчи асари учун типик образ яратаётганда унинг хаёли қандай ном билан аталади?

А) ихтиёрсиз хаёл Б) ихтиёрий хаёл В) ижодий хаёл Г) тасаввур хаёл

Д) фантастик хаёл

6. Ижодий хаёлнинг махсус тури қандай номланади?

А) туш кўриш Б) фантазия В) орзу Г) тикловчи Д) емосионал

7.Одам ўзини олдига ҳеч қандай мақсад қўймасдан иродани ишга солмасдан қандайдир ўз-ўзига образ ва тасаввурларни яратишга …….айтилади?

А) ихтиёрсиз хаёл Б) ихтиёрий хаёл В) ижодий хаёл Г) тасаввур хаёл

Д) фантастик хаёл

8.Одам жуда ташна ёки жуда оч бўлган пайтда унинг хаёлида ҳар турли таомлар дарё ва булоқ сувлари пайдо бўла бошлайди. Мазкур мисол хаёлнинг қайси турига тааллуқли?

А) ихтиёрсиз хаёл Б) ихтиёрий хаёл В) ижодий хаёл Г) тасаввур хаёл

Д) фантастик хаёл

9. Туш кўриш хаёлнинг қайси турига тааллуқли?

А) ихтиёрсиз хаёл Б) ихтиёрий хаёл В) ижодий хаёл Г) тасаввур хаёл

Д) фантастик хаёл

10. …….олдиндан белгиланган мақсад асосида ирода кучини ишга солиб, муайян образ ва тасавурларни яратишга айтилади?

А) ихтиёрсиз хаёл Б) ихтиёрий хаёл В) ижодий хаёл Г) тасаввур хаёл

Д) фантастик хаёл

11.Ижодий хаёлнинг тилакдаги келажакка қаратилган шакли бу …….

А) туш кўриш Б) фантазия В) орзу Г) тикловчи Д) емосионал

12.Инсонда туш кўришнинг асосий сабаби нимадан иборат?

А) ихтиёрсиз хаёл билан боғлиқ бўлиб тасодифий рўй беради.Б) қаттиқ ухламаган вақтда юзага келади.В) бош мияда тормозланмай қўзғалган ҳолатда қолган марказлардир.Г) биз орзу қилган кишиларимиз ўйлаган ҳис қилган нарсалар ҳақида

Д) тартибга солинмаган мақсадга қаратилмаган жараён

13.Туш кўришнинг физиологик асоси ким томонидан ўрганилган?

А) И.М.Сеченов Б) И.П.Павлов В) И.Кант Г) Б.Теплов Д) Неблисин

14.Туш кўришнинг физиологик асосини тушунтиришда қуйидаги фикр илгари сурилади яъни илмий таассуротларнинг нервда қолдирган излари кутилмаган тарзда бир-бири билан боғланишидир. Мазкур фикр муаллифини аниқланг?

А) И.М.Сеченов Б) И.П.Павлов В) И.Кант Г) Б.Теплов Д) Неблисин

15.Мазкур хаёл турида воқелик акс еттирилади, орзулар амалга ошади?

А) ихтиёрсиз хаёл Б) ихтиёрий хаёл В) ижодий хаёл Г) реалистик хаёл

Д) фантастик хаёл

16.Амалга ошмайдиган хаёл тури қандай ном билан аталади?

А) ихтиёрсиз хаёл Б) ихтиёрий хаёл В) ижодий хаёл Г) тасаввур хаёл

Д) фантастик хаёл

17.Воқеликнинг кишилар фаолияти учун бўладиган доираси хаёл сифатларидан қайси бирига тегишли?

А) хаёлнинг кенглиги Б) хаёлнинг мазмундорлиги В) хаёлнинг реаллиги

Г) хаёлнинг кучи Д) фантазия

18.Бирор нарсага нисбатан хаёлнинг бойлиги хилма-хиллиги билан белгиланадиган хаёл сифати?

А) хаёлнинг кенглиги Б) хаёлнинг мазмундорлиги В) хаёлнинг реаллиги

Г) хаёлнинг кучи Д) фантазия

19.Кишининг аҳволига асаб тизимига боғлиқ бўлиб, яъни асаб тизимининг типиклигига, чарчаб қолганлигига соғлиқига бетоблигига боглиқ бўладиган хаёл сифати?

А) хаёлнинг кенглиги Б) хаёлнинг мазмундорлиги В) хаёлнинг реаллиги

Г) хаёлнинг кучиД) фантазия

20. …….воқеликнинг тўғри акс еттирувчи хаёлий образларнинг яратилиши?

А) хаёлнинг кенглиги Б) хаёлнинг мазмундорлиги В) хаёлнинг реаллиги

Г) хаёлнинг кучи Д) фантазия

21. Хаёлнинг кучи нималарга боғлиқ?
А) эҳтиёж қизиқиш истакларнинг кучига боғлиқ бўлади.Б) ҳиссиётга боғлиқ бўлади ҳиссиёт қанчалик кучли бўлса, хаёл шунчалик еркин жонли бўлади.
В) идрокка боғлиқ чунки диққат билан идрок қилсак хаёл кучайиб кетади агар диққатимиз хаёлга қаратилса унда идрок сусаяди.Г) барча жавоблар тўғри
Д) тўғри жавоб берилмаган.
22. Қуйидаги жавоблардан қайси бирида хаёл таърифи тўғри берилган.
А) хаёл ёки фантазия тафаккур каби фақат инсонгагина хос бўлган билиш жараёнидирБ) хаёл меҳнатнинг оралиқ ва охирги натижаларини кўриш имконини берувчи билиш жараёнидирВ) хаёл аввал идрок қилинган образлар асосида ҳали идрок қилинмаган нарсаларнинг образларини акс эттириш дир.Г) хаёл ноаниқ ва муаммоли вазиятларда намоён бўлувчи ҳолатлар Д) барча жавоблар тўғри
23. Хаёлнинг нерв физиологик асосини нима ташкил қилади?
А) бош миянинг пўстида илгарилари ҳосил қилинган вақтли алоқаларнинг яна қайта тикланиб бир-бири билан янгича қўшилиш жараёни ётади.Б) иккинчи сигналлар тизимиВ) билиш жараёнларининг узвий бирлиги Г) барча жавоблар тўғриД) тўғри жавоб берилмаган
24. Хаёлнинг хусусиятлари қайси қаторда кўрсатилган?
А) хаёл одамнинг эҳтиёжлари қизиқишлари ва ўз олдига қуйган вазифалари билан боғлиқ ҳолда юзага келади.Б) хаёл ҳамиша бой тажриба ҳамда билимларга асосланади.В) хотира тасаввурларини анализ ва синтез қилишдан иборат.Г) хаёлий йўл билан яратилган образлар эса ҳозирги ва ўтган замонгагина эмас, балки келажак замонга одам интилаётган мақсадга қаратилган бўлади.Д) барча жавоблар тўғри
25. Турли қисмларни битта қилиб янги образ яратиш билан боғлиқ хаёл жараёни?
А) гиперболизасияБ) агглютинасия В) схемалаштириш Г) типиклаштириш
Д) аксентировка
26 Образларни катталаштириш ёки кичиклаштириш шунингдек алоҳида қисмларини ўзгартириш билан боғлиқ хаёл жараёни?
А) гиперболизасия Б) агглютинасия В) схемалаштириш Г) типиклаштириш
Д) аксентировка
27.Ўхшатиш орқали айрим тасаввурларни улар орасидаги фарқларни силлиқлашдан иборат хаёл жараёни
А) гиперболизасия Б) агглютинасия В) схемалаштириш Г) типиклаштириш
Д) аксентировка
28.Бир хил образларни қайтарилиши бўлиб, ҳар бир давр учун типик бўлган образларни яратишдан иборат хаёл жараёни…….
А) гиперболизасия Б) агглютинасия В) схемалаштириш Г) типиклаштириш
Д) аксентировка
29. Айрим белгиларни таъкидлаш орқали образлар яратишдан иборат хаёл жараёни……..
А) гиперболизасия Б) агглютинасия В) схемалаштириш Г) типиклаштириш
Д) аксентировка

30.Хаёл тасаввурларини хотира тасаввурларидан фарқи қайси қаторда кўрсатилган?

А) хаёл тасаввурлари онгда тез пайдо бўлади ва барқарор кўринишга эга.

Б) хотира тасаввурлари доимо таниш нарсадек ҳис қилинади, хаёл тасаввурлари эса янгиликни ҳис қилиш туйғуларини беради.В) хаёл тасаввурлари инсоннинг қизиқиш ва идеалларига боғлиқ бўлганлиги сабабли янгиликни ҳис қилиш туйғулари оқибатида вужудга келади. Г) барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб берилмаган

Назорат саволлари

1. Хаёл тушунчасининг мазмунини изоҳланг?
2. Хаёл жараёнларининг моҳиятини асосланг?
3. Хаёл турларининг мазмуни нималар билан белгиланади?
4. Хаёл сифатларининг мазмуни нималарда кўринади?
5. Хаёлнинг хусусиятларининг мазмуни нималар билан белгиланади?
6. Хаёл шаклларининг мазмунини изоҳланг?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Выготский Л. С. Воображение и его развитие в детском возрасте // Хрестоматия по психологии. — М: Просвещение, 1987.
2. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
3. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
4. Грановская Р. М. Элементы практической психологии. — СПб.: Свет, 1997.
5. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
6. Джемс В. Психология.- М., 1991
7. Дьяченко О. М. Воображение дошкольника. — М.: Знание, 1986.
8. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
9. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
10. Натадзе Р. Г. Воображение как фактор поведения // Хрестоматия по психологии. —М.: Просвещение, 1987.
11. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
12. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
13. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
14. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии, — СПб.: Питер, 1999.
15. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
16. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
17. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

4.БЎЛИМ. ШАХСНИНГ ҲИССИЙ- ИРОДАВИЙ-МОТИВАСИОН СОҲАСИ

ҲИССИЙОТ

Ҳиссиёт ҳақида тушунча

Одам ташқи муҳитдаги турли-туман нарса ва ҳодисаларни идрок қилар экан, ҳеч вақт бу нарсаларга батамом бефарқ бўлмайди. Одамнинг акс эттириш жараёни доимо фаол характерга эгадир. Акс эттириш жараёни қуйидагиларни қамраб олади:

а) шахснинг эҳтиёжни қондириш имкониятига эгалигини;

б) қондиришга ёрдам берадиган ёки қаршилик кўрсатадиган объектларга субъект сифатида қатнашиши;

в) уни ҳаракат қилдирувчи билимга интилтирувчи муносабатлар ва ҳоказо.

Чунки одам атрофидаги ҳар турли нарсаларни идрок қилиб акс еттирар экан, бу нарсаларга нисбатан маълум муносабатда бўлади. Масалан, бизга айрим нарсалар ёқса, яъни кайфиятимизни кўтариб юборса, бошқа бир нарсалар ёқмайди ва кайфиятимизни бузиб, дилимизни хира қилади. Баъзи бир овқатни одам жуда ҳам ёқтиради, бошқа бир овқатни эса мутлақо кўргиси келмайди ёки айрим одамлар бизга хуш келади ёки бошқа бир одамлар эса нохуш келади. Умуман одам атрофидаги ҳамма нарсаларга нисбатан муносабатда бўлади ва унинг муносабатлари ҳам акс еттирилади.

Кишилар идрок қилаётган, кўраётган, ешитаётган, бажараётган, ўйлаётган, орзу қиладиган нарсаларга бефарқ бўлмайдилар. Бир хил предметлар, шахслар, характерлар, воқеалар бизни қувонтиради, бошқалари хафа қилади яна бошқалари ғазаб, нафратимизни уйғотади. Биз хавф остида қолганимизда қўрқувни ҳис қиламиз, душман устидан ғалаба қозониш ёки қийинчиликни йенгиш завқ уйғотади.

Ҳиссиёт тушунчасига адабиётларда турлича таърифлар учрайди жумладан; **А.В.Петровский** таҳрири остида чиққан "Умумий психология" дарслигида **ҳиссиёт** - кишининг ўз ҳаётида нималар юз бераётганига, нималарни билиб олаётганига ёки нима билан машғул бўлаётганига нисбатан ўзича турли хил шаклда билдирадиган кичик муносабатдир. **М.Воҳидовнинг** "Болалар психологияси" ўқув қўлланмасида **ҳиссиёт** деб - ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларга бўлган ички кечинмаларимизнинг онгимизда акс еттирилишга айтилади. **Қ.Турғунов** муаллифлигидаги луғатда **ҳиссиёт**- шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатларида келиб чиқадиган ёқимли ёки ёқимсиз кечинмалардан иборат. Профессор **Е.Ғозиев** муаллифлигидаги "Умумий психология" дарслигида **ҳиссиёт-** одамда, тирик мавжудотлар миясида, яъни шахсларнинг эҳтиёжларини қондирувчи ва унга монелик қилувчи объектларга нисбатан унинг муносабатларини акс эттириш маъносида қўлланилади.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, ҳиссиёт бизнинг туйғуларимизнинг ўзига хос акс эттириш жараёни бўлиб, бунда нарса ва ҳодисаларни акс эттириш жараёнида бизда туғиладиган ички кечинмалар ва муносабатлар акс еттирилади. Демак, ҳиссиётлар ўз- ўзидан юзага келмасдан, ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг таъсири билан боғлиқ равишда юзага келади.

Адабиётларда ҳиссиёт билан бирга емоция тушунчаси ҳам кенг доирада қўлланилади. Айнан емоция тушунчасининг мазмуни нимадан иборат ва ҳиссиёт тушунчаси билан ўзаро боғлиқлиги қандай деган савол туғилади? Шунга мувофиқ емоция тушунчасининг мазмун моҳиятини ёритадиган бўлсак;

жумладан профессор Е.Г.ъҒозиевнинг "Умумий психология" дарслигида **емоция**-одатда ташқи аломатлари яққол намоён бўладиган ҳис-туйғуларни, ички кечинмаларни ифодаланишидан иборат психик жараённи юзага келишининг аниқ шаклидир, деб таърифланади.

Емоция - шахснинг воқеликка ўз муносабатини ҳис қилишидан келиб чиқадиган, унинг эҳтиёж ва қизиқишлари билан боғлиқ бўлган ёқимли ёки ёқимсиз кечинмаларидир. Келтирилган таърифлардан кўринадики, ҳиссиёт тушунчаси емоцияга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, шахснинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзидаги барча жабҳаларни қамраб олади.

Ҳиссиётлар ўзининг юзага келиши нуқтаи назаридан одамнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва интилишлари билан боғлиқ бўлади. Масалан, одамнинг органик эҳтиёжларини қондириши билан боғлиқ бўлган ҳиссиётлар одамда роҳатланиш, қаноатланиш туйғусини юзага келтиради. Органик ҳиссиётларни қондира олмаслик одамнинг руҳини тушириб, кайфиятини бузиб, азобланиш, тоқацизланиш ҳиссига сабаб бўлади.

Одамнинг ҳиссиётлари унинг мазмуни ҳамда шакллари, ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ бўлади. Ижтимоий тарихий тараққиёт даврида одамнинг эҳтиёжлари ўзгариб боради. Натижада одамда борган сари янги, янги ҳиссиётлар, чунончи, маънавий, интеллектуал ва естетик ҳиссиётлар пайдо бўлади.

Ҳиссиётлар ҳам бошқа билиш жараёнлари каби одамнинг фаолиятлари давомида намоён бўлади. Масалан, меҳнацеварлик ҳиссини юзага келтириш учун маълум муддат давомида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш керак. У ёки бу фаолият даврида юзага келган ҳиссиёт ана шу фаолиятнинг ўзига таъсир қилиб, уни ўзгартиради. Масалан, ҳоҳламасдан ўзини мажбур қилиб ишлаётган одам билан ўзи ҳоҳлаб ситқидилдан ишлаётган одам ишининг унумдорлиги ўртасида жуда катта фарқ мавжуд. Одамнинг кайфияти яхши хурсанд, руҳи тетик бўлганда иши ҳам баракали бўлади, аксинча одамнинг дили ҳам, қандайдир ташвишли ёки ғамгин бўлганда қўли ишга бормайди. Ана шу жиҳатдан олганда ҳиссиётнинг инсон ҳаётидаги роли жуда каттадир. Ҳиссиёт бошқа билиш жараёнларига ҳам таъсир қилади. Масалан, одамнинг руҳи тетик, хурсанд бўлган пайтда, идроки ҳали жуда жонли, еда олиб қолиши, туйғуларга бой, тафаккури ўткир, нутқи бурро бўлади.

Ҳиссиёт одамда содир бўлаётган ҳодиса ва нарсалардан шахс сифатидаги одам учун аҳамиятли бўлганлари ҳақида дарак берувчи сигналлар тизими ҳисобланади. Мазкур ҳолда сезги аъзоларига таъсир қилувчи чексиз миқдордаги қўзғовчилардан аниқ бўлиб ажралади, баъзилари бир-бирлари билан қўшилиб кетади ва пайдо бўлган ҳиссиёт билан бирлашиб кетади. Натижада таассурот уйғотиб, бирор ҳиссий ном билан ифодаланган хотира образлари тариқасида сақланиб қолади. Буни физиологик жиҳатдан шундай тушунтириш мумкин: маълум қўзғатувчилар тирик мавжудотлар учун хотиржамлик ҳақида дарак берувчига айланади. Ҳиссий кечинмалар эса инсоннинг шахсий тажрибасида таркиб топадиган рефлекслар тизимини мустаҳкамлаш сифатида намоён бўлади. Ҳиссиётнинг мана шу дарак берувчилик вазифаси психологияда ҳиссиётнинг **импрессив томони** деб аталади. **Импрессив** сўзи лотинча таассурот деган маънони англатади.

И.П.Павлов тирик мавжудотларнинг атрофимиздаги муҳитга мослашувида ҳосил қиладиган бузиладиган динамик стреотиплар орқали бирор ҳиссиёт ва емосионал кечинмаларнинг ижобий ва салбий сифатларини тушунтириб беради.

Динамик стереотип деганда ташқи қайтарилиш натижасида ҳосил қилинган шартли рефлекслар, нерв боғланишларининг барқарор тизими тушунилади. Ҳар турли қийинчиликлар ва қаршиликларга дуч келиши натижасида динамик стереотипларнинг "ўзгариши" салбий емосионал ҳолатни юзага келтиради. Ҳиссиёт бу унинг кечирилишининг турли шакллари фақат дарак вазифасини эмас, балки бошқарувчилик функсиясини ҳам бажаради. Емоция ҳаракатлари жуда кўп тана ўзгаришлар ифодаланади. Одам организмидаги ўзгаришлар кечирилаётган ҳиссиётнинг объектив кўрсаткичи ҳисобланади. Мослашиш характерига оид бўлган, яъни овознинг ўзгариши, мимика, имо-ишора, организмда содир бўладиган жараённинг қайта ўзгаришидан иборат ихтиёрсиз ва онгли ҳаракатлар психологияда емосионал ҳаракатларнинг **експрессив томони** деб аталади.

Ҳиссиётлар одатда жуфт-жуфт бўлиб учрайди. Масалан, ёқимли-ёқимсиз, хуш-нохуш, хурсанд-хафа, ғазаб-муҳаббат, нафрат каби ана шундай ҳиссиётлар субъектив характерга эга бўладилар, лекин уларнинг ташқи ифодаси ҳам бўлади. Масалан, ҳушчақчақ одам билан ғамгин одамнинг юз ифодасини кўз олдимизга келтириб кўриш мумкин. Айнан мазкур жараён психологияда амбивалентлик ёки икки тарафламалик деб аталади. **Амбивалентлик** - лотинча ҳар томонлама кучга эга маъносини англатиб кишининг бир объектнинг ўзига нисбатан бир вақтнинг ўзида пайдо бўладиган бир-бирига қарама - қарши емосионал иродавий ҳолатдир.

Ҳиссиётда амбивалентлик бу роҳатланиш ва азобланишни бирга қўшилиб ва бири иккинчисига ўтиб кетмайдиган эмас, балки бунда бирга бўлиш кечириладиган ҳиссиётнинг зарур характерли сифатларидан бирини ташкил қилади. Масалан, рашк ҳиссида муҳаббат ва нафрат.

Ҳиссиётнинг нерв-физиологик асослари

Ҳиссиёт бошқа ҳамма психик жараёнлар каби бош мия пўсти қисмининг фаолияти билан боғлиқдир. Бош мия ҳиссиётларнинг кучини ва барқарорлигини идора қилиб туради. Ҳиссиётлар бошқа билиш жараёнларидан фарқли бош мия пўстининг фаолиятидан ташқари организмнинг ички аъзолари фаолияти билан ҳам боғлиқдир, бошқача қилиб айтганда ҳиссиётлар вегетатив нерв тизимининг фаолияти билан ҳам боғлиқдир. Чунончи, одам қаттиқ уялган пайтида қизариб кетади, қаттиқ қўрққан пайтида эса ранги ўчиб, қалтираб кетади, хаттоки одамнинг овозида ҳам ўзгариш пайдо бўлади. Ана шундай ҳиссий ҳолат юз берган пайтда одамнинг юраги тез ура бошлайди, нафас олиши ҳам тезлашади.

Демак, одам маълум ҳиссий ҳолатни бошдан кечираётган пайтда унинг қон айланиш тизими, нафас олиш органлари нутқ аппаратлари ички секресия безлари ҳам қатнашади. Масалан, материални яхши билмайдиган талаба имтиҳон топшираётганда терлаб кетади, томоғига нимадир тиқилиб, гапини гапира олмай қолади. Одамда қаттиқ қўрқиш пайтида "Юраги орқага тортиб

кэтди", "Совуқ тер босиб кэтди" каби ибораларнинг ишлатилиши ҳиссиёт пайтида одамнинг ички аъзоларининг иштирок этишидан далолат беради.

Жуда кўп ҳиссий ҳолатлар бош миянинг яқин пўстлоқ ости қисмларининг оралиқи билан ҳам боғлиқдир. Масалан, кўриш тепалиги деб аталувчи қисм айрим ҳисларни ифодалайдиган ихтиёрсиз ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади.

Одамда учрайдиган юксак маънавий ҳиссиётлар ҳам ўзининг нерв-физиологик асосига эга бўлиши керак (чунончи интеллектуал, аҳлоқий, естетик ҳиссиётлар). Бу жиҳатдан академик И.П.Павловнинг динамик стреотип ҳақидаги таълимоти жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда академик И.П.Павлов шундай деб ёзган еди: *"Менимча, кўпинча одатдаги турмуш тартибининг ўзгарган пайтларида одат бўлиб, қолган бирорта машғулот яқин кишидан жудо бўлганда, ақлий изтироб чоғида кечириладиган оғир ҳиссиётларнинг физиологик асоси худди ески динамик стреотипнинг ўзгариши, унинг йўқолиши ва янги динамик стреотипнинг қатъийлик билан ҳосил бўлишидан иборат бўлса керак"*.

Айрим мураккаб ҳиссиётларнинг асосида динамик стреотипнинг ётиши яққол кўринади. Масалан, естетик ҳиссиётни оладиган бўлсак, бирон ёқимли кўйдан лаззатланиш, ёки бирон машҳур рассомнинг ишлаган ажойиб суратларини томоша қилиб, роҳатланиш естетик ҳиссиёт ҳисобланади. Агар бу ҳиссиётларнинг нерв-физиологик асосларини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидагиларни кўришимиз мумкин. Масалан, бизга жуда ёқадиган куй бошқа миллат одамига ёқмаслиги мумкин. Бунда ажабланишга ҳеч қандай ўрин йўқ. Биз ёшликдан бошлаб мазкур куйни бир неча юз мароталаб ешитиб боришимиз натижасида ана шу куйга нисбатан деярли бузиб бўлмайдиган ниҳоятда мураккаб динамик стреотип юзага келади. Ана шунинг учун айрим куйлар бизга ёқади, айримлари эса ёқмайди. Суратлар масаласига келганда шуни айтиш керакки, қадимги классик асарлар уларнинг ишланиш услуби реаллиги бизни ҳайратда қолдириб завқ туғдиради. Аксинча, ҳозирги рассомлар томонидан ишланган расмлар одамда қандайдир нохуш ҳиссиётни туғдиради. Демак, узоқ йиллар давомида юзага келадиган динамик стреотиплар айрим мураккаб қисмни ташкил қилади.

Шундай қилиб, ҳиссиёт вегетатив нерв тизими орқали бошқариладиган ички аъзо фаолияти билан боғлиқ бўлса ҳам бари бир бош мия пўсти орқали идора қилинади. Чунки академик И.В.Павловнинг фикрича, одамнинг бутун аъзойи баданида бўладиган ҳар қандай ҳодисаларнинг ҳаммасини бош мия пўсти қисмидаги нейронлар идора қилади. Ана шу жиҳатдан олганда ҳиссиётнинг нерв-физиологик асоси бош мия пўсти билан боғлиқ.

Инсон ва ҳайвонлардаги емоциялар

Одам ҳис-туйғулари билан ҳайвон ҳиссиётлари ўртасида жуда катта фарқ бўлади. Одамда жуда кўп миқдорда ҳис-туйғулар борки, бундай ҳиссиётлар ҳайвонларда учрамайди. Шунинг учун ҳам одам ҳам хайвон учун умумий бўлган ғазабланиш, қўрқиш, жинсий ҳиссиёт, қизиқувчанлик, хурсандчилик, ғамгинлик емоциялари ҳайвонларда сифат жиҳатидан фарқ қилади. Шу ўринда С.Шехтернинг емосионал факторларнинг пайдо бўлиши когнитив-физиологик консепсиясини келтириб ўтиш жоиз.



Инсоний емоциялар "инсонийлаштирилган" ижтимоий шароит билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Емоцияларнинг "инсонийлашуви" шундай намоён бўладики, ичдан кечадиган ҳиссиётлар мазмуни, жуда бой ва мураккабдир. Одамлар билан меҳнат, сиёсат, маданияти, оилавий ҳаёт ўртасида пайдо бўлган муносабатларнинг кўплиги, соф инсоний ҳиссиётларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Улар болаларга одоб билан жавоб беришни, суҳбатдошига очиқ кўнгиллик билан жилмайиш, кексалар ва ногиронларга ҳурмат билан жой беришни ўргатди. Одам ўз ҳиссиётларини ўзи бошқаради. Баъзи кишилар емоцияларини яшириш ниятида қарама-қарши емоцияларни ифодалайдилар. Масалан, қайғуриш ёки қаттиқ оғриқ пайтида кулимсираш, кулгилари келган пайтда юзларини жиддий, ўйчан ҳолга келтира оладилар. Лекин ўзининг имо-ишоралари ва мимикаларини бошқара олишга қараганда нафас олиш, қон айланиш ва овқат ҳазм қилиш тизимидаги ўзгаришларни ушлаб қолиш жуда қийин бўлади. Одам хаяжонланган пайтда бир маромда нафас ола билади, кўз ёшларини ушлаб қола олади, лекин рангини ўзгартириш ёки қизартиришга қодир эмас. Аммо емоцияларни пайдо қилувчи нарсалардан ўзини чалғитиши мумкин.

Ҳиссий ҳолатларнинг ифодаланиши

Ҳиссий ҳолатларнинг ифодаланиши ***биринчидан,*** ифодали ҳаракатлар (юз ифодаси, қўл, оёқ ҳаракатлари), ***иккинчидан*** организмдаги турли ҳодисаларни, яъни ички аъзолар фаолиятининг ва ҳолатининг ўзгаришида, ***учинчидан*** табиатда, яъни организм қон таркибидаги ва бошқа суюқликлардаги кимёвий ўзгаришларни, шунинг билан бирга модда алмашинувида бўладиган ўзгаришларни ўз таркибига олади.

Ҳис-туйғуларнинг ташқи ифодасига юз ифодаси, имо-ишора, важоҳат ва қадду-қоматнинг ўзгариши, айирув, ташқи чиқарув безларининг фаолияти (сўлак, тер ажралиши) ва айрим ҳаракатлар хусусиятларидаги ўзгаришларни киритиш мумкин. Бунга нутқнинг фаол ўзгаришлари, "овоз мимикаси" ва гаплар таркибининг синтаксис ўзгариши, "тутилмасдан гапириш", ёки ало?ида "силлиқлик" ҳамда "ифодалилик"нинг юзага келиши ниҳоят ҳиссиёт ўзининг

тўла қисман ифодасини топадиган хатти-ҳаракатларга тааллуқлидир. Кишининг емосионал кечинмалари вақтида нутқининг тезлиги ўзгаради. Кўпинча нутқнинг синтаксис тузилиши бузилади, тезлиги ва аҳамияти ўзгаради. Ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, ғамгинлик ва маъюслик ҳисларини ифодаловчи кишининг овози беихтиёр пасайиб кетади, сўзлашган кишининг товуши ҳам бўлиниб-бўлиниб чиқади.

Ҳисларни кечириш шакллари

Ҳиссиёт кечинмалари турли ҳолатларда турлича тезлик билан пайдо бўлади. Баъзан ҳиссиёт тўсатдан, дарҳол пайдо бўлади. Масалан, киши бирдан хурсанд бўлиб кетади, дарҳол ғазабга келади, аччиқланади ва ҳокозо. Лекин баъзан шу ҳиссиётлар ўзи дафаътан қўзғалмайди, балки аста-секин туғила бошлайди. Шундай ҳиссий кечинмаларнинг қай даражада тез пайдо бўлмаслигини белгилаш қийин ёки бутунлай билиб бўлмайди. Емосионал кечинмаларнинг кучи турлича бўлиши мумкин. Ҳиссиётларни кучи аввало ёқимли ва ёқимсиз туйғуларнинг нақадар кучли бўлишидадир. Ҳиссиётнинг кучи шу ҳиссиётни шахснинг нақадар еҳтирос билан кечирилганлиги билан белгиланади.

Ҳиссиётнинг қўзғалиш хусусиятлари пайдо бўлиш йўлини кучи ва барқарорлиги бир қанча сабабларга боғлиқдир. Атроф-муҳитнинг ҳолати шу пайтдаги эҳтиёжларнинг кучи шу хислат тузилишига сабаб бўлган ҳодисаларнинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятини англаши, одамнинг дунёқараши, бу хислат қандай вазиятда пайдо бўлиши ва ўтмиши ҳамда шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир. Ҳисларнинг айни вақтда нақадар тез кучли ва барқарор бўлишига кўра ҳис-туйғуларнинг қуйидаги турлари фарқланади: *ҳиссий тон, емоциялар, аффект, стресс, кайфият* ва бошқалар.

Ҳиссий тон. ҳиссиёт кўпинча фақат ҳиссий тус сифатидаги руҳий жараёнларнинг ўзига хос томони тариқасида намоён бўлади. Ёқимли суҳбатдош, кулгули воқеа, ёқимсиз ҳид, зерикарли китоб, кўнгилдаги машғулот, ҳушчақчақ саёҳат, оғир иш кабилар. Ҳиссий тон тушунчасига кўпгина адабиётларда турлича таърифлар учрайди. Жумладан, А.В.Петровскийнинг "Умумий психология" дарслигида **ҳиссий тон** сезги ёки идрок жараёнида шахснинг идрок қилинган нарса ва ҳодисага муносабатини ифодаловчи махсус ҳиссий бўёқ ёқимли ёки ёқимсиз идрок билан боғланган ҳиссиёт, деб таърифланади. Профессор Е.Ғ.Ғозиев томонидан **ҳиссий тон**-у ёки бу ҳиссиётнинг инсон томонидан бевосита кечирилиши (кечиши) жараёнидан иборатдир. Қ.Турғунов луғатида **ҳиссий тон** - ҳиссиёт сезги ёки идрок жараёнида шахснинг идрок қилинган нарсага ҳодисага муносабатини ифодаловчи махсус емосионал бўёқ ёқимли ва ёқимсиз кечинма бевосита сезги ёки идрок билан боғланган ҳиссиёт. Масалан, оғриқ бир қатор қўзғовчилар яққол ифодаланган ёқимсиз ҳиссий тон билан ажралиб туради. Кўпинча емоциялар ўзининг таъсирчанлиги билан бир-биридан ажралиб туришига қарамай, бундай сифатни ҳиссий ҳолатлар **стеник** (юнонча сўздан олинган бўлиб, куч деган маънони англатади) хусусиятли дейилади. Бунда емоциялар дадил хатти-ҳаракатларга, мантиқий мулоҳазаларга, нисбий изланишларга куч қувват, қаноат бағишлайди. Масалан, хурсандчиликдан шахс "парвоз қилади",

"юлдузни нарвонсиз олади", кимларгадир холис ёрдам қилишга шошади. Фаоллик қилиб, тинчимаслик унинг сифатига айланади. Қ.Турғунов луғатида стеник ҳисга қуйидаги таърифлар учрайди: **стеник ҳислар** - шахснинг ҳаёт фаолиятини куч-ғайратининг орттирадиган барча билиш жараёнларини фаоллаштирадиган ижобий ҳиссиёт тури. Аксарият ҳолларда хушхабар, муваффақият шахсда стеник хусусиятли емоцияларни вужудга келтиради.

Баъзи ҳолларда емоциялар ўзининг сустлиги, моторли, кучсизлиги билан тавсифланади. Бундай ҳиссий ҳолат **астеник** (юнонча сўздан олинган бўлиб, кучсизлик, заифлик маъносини билдиради) деб аташади. Бундай ҳиссиёт инсонни бўшаштиради, уни хаёлга чўмдиради, хаёлпараст қилиб қўяди. Шу сабабдан фавқулотда шахсдаги бефойда емосионал кечинмага, уялиш, виждон азоби, андиша эса қўрқоқликка айланиб қолиши хавфи кучли.

Психик жараёнлардан айниқса, емоция ўзининг аниқ ташқи ифодасига эга бўлиши билан тавсифланади. Емосионал ўзгаришлар организмнинг ташқи ўзгаришларида шу қадар яққол ифодаланадики, биз одамни ташқи кўринишига қараб, унда қандай хусусиятлар юз бераётганини, унинг хурсанд ёки хафалигини, ғазабланганлигини ёхуд бирор нарсадан қўрқиб кетганини ва шу каби ҳис-туйғуларнинг кўпини айтиб бера оламиз. Ҳиссиётларнинг ташқи аломатлари **ифодали ҳаракатлар** деб аталади.

Емоцияларнинг ташқи ифодаси турли кўринишларда рўй берадики, унда асосий ўринни кўргазмали жиҳатлар асосий ўрин эгаллайди.

Биринчидан, емоциялар нафас олиш аъзоларининг ишларида ўзгариш ясайди. Масалан, ёқимли ҳис-туйғулар ишга тушганда нафас олишнинг тезлиги ва ампилитудаси ортади, ёқимсиз ҳис-туйғулар устун келганда камаяди, қўзғалган вақтида нафас ҳаракатлари тезлашади ҳамда чуқурлашади, зўр бериш вақтида-секинлашади ва юзакилашади, ҳаяжон вақтида тезлашади, ҳамда кучсизлашади, кутилмаган ҳолатда, ҳайрон қолишда зудлик билан тезлашади, қўрқувда секинлашади ва ҳоказолар.

Турли емоционал ҳолатларда нафас олишнинг ўзгариши

а) хурсандликда нафас олиш бир минутига 17 марта;

б) фаол хафаликда 9 марта;

в) қўрқишда 64 марта;

д) жаҳл чиққанда 40 марта.

Иккинчидан, емоция имо - ишораларда, мимикада, яъни кишининг юзида бўладиган ҳаракатларда ҳамда бутун баданнинг маънодор ҳаракатларида кўринади.

Учинчидан, гуморал ҳаракатлардаги, яъни организмнинг қон таркибидаги ва бошқа суюқликлардаги кимёвий ўзгаришларни ва шунинг билан бирга модда алмашишида бўладиган янада чуқур ўзгаришларни ўз таркибига олади.

Демак, емоцияларнинг ташқи ифодасига мимика, имо-ишора, афт-башара ва қад-қоматнинг ўзгаришлари, айрим ташқи секресия безларининг фаолияти ёш, сўлак, тер ажралиши ҳамда айрим ҳаракатларнинг хусусиятларидаги ўзгаришлар, яъни уларнинг тезлиги, кучи, координасияси ва ҳоказолар киради.

Емоцияларнинг енг аниқ ва яққол кўринишларидан бири кулги билан йиғидир.

Л.Н.Толстой ўз асарларида одамнинг руҳий ҳолатини ифодаловчи нигоҳларнинг 85 хилини ва кулишнинг 97 хилини тасвир етган. *"Ҳар хил сабаб билан йиғлаган пайтда одамнинг боши ва оғзи ҳар хил қиёфада ўзгаради"* - деган еди. Леанардо да-Винчи.

Рус психологи **П.М.Якобсон** томонидан ишланган расмлардан кўриниб турибдики, одамнинг афтидаги қиёфа асосан лаблар, қош ва кўз ўзгаришларининг бир-бирига нисбатан турлича ҳолатга, шунингдек, кўзнинг қанчалик чақнаб туришига боғлиқдир. Кўзнинг қанчалик чақнаши кўз ёшининг миқдори, кўз шиллиқ пардасидаги томирларнинг катталашуви билан белгиланади. Масканинг тагида кўриниб турган кўз ўзининг ифодасини йўқотган бўлади. Кўз, лаб, қовоқ, қошнинг ҳар хил ҳолати, хатто одам чеҳрасини ҳам турли қиёфага киритади.

Одам ҳиссиётларини билдиришнинг енг нозиги ва енг кучлиси санъат, хусусан, музика билан лирик шеърлардир, уларни том маънода ҳиссиётнинг тили дейиш мумкин.

Одам ўзини ва гавда ҳаракатларини, шунингдек товушни атайлаб чиройли қилиб кўрсатиши мумкин. У гарчи "муайян ҳиссиётларни ўзи кечирмаётган бўлса ҳам ўша ҳиссиётларни ифодалайдиган ҳаракатлар қила олади.

Ҳар бир киши ҳам ўз ҳиссиётларининг ташқи ифодаларини маълум даражада ўзгартириши мумкин. Одамларни кундалик муомалаларида баданнинг хилма-хил ифодали харакатлари, имо-ишоралар хусусан, кўз билан қилинадиган имо-ишоралар, товушнинг оҳанги, ғамгинлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунчаки бир хўмрайиш, салгина жилмайиб кулиш, йелка қисиш каби ифодали ҳаракатлар кишининг мақсадини англатади.

Кайфият тушунчасига психологик манбаларда турли нуқтаи назардан ёндашилган тақдирда ҳам мазмунан улар бир хилликни англатади. Жумладан Қ.Турғунов луғатида шахснинг кучсиз ёки ўртача кучга эга бўлган нисбатан барқарор умумий емосионал ҳолати, А.В.Петровскийнинг "Умумий психология" дарслигида кайфиятлар анча вақт давомида кишининг бутун хатти-ҳаракатига тус бериб турадиган умумий ҳиссий ҳолатини ифода этади, деб таъкидланади. Профессор Е.Ғ.Ғозиев фикрича, **кайфият** шахснинг руҳий жараёнларига муайян вақт давомида тус бериб турувчи емосионал ҳолатдир. Кайфият, яъни одамнинг хурсанд ёки ғамгин кайфияти ҳеч вақт сабабсиз майдонга келмайди. Одам бажараётган бирор ишнинг маваффақиятли тугаши ёки имтиҳондан яхши ўтиш- яхши тетик кайфиятни юзага келтиради. Қилаётган ишингизни олдинга юрмаслиги ёки ишга берилган ёмон баҳо одамда маъюслик, кучига ишонмаслик кайфиятини туғдиради.

Кайфиятнинг хуш ёки нохуш бўлиши, биринчи навбатда одамнинг сиҳат-саломатлиги билан ҳам боғлиқдир. Масалан, ичимиз қаттиқ оғриб турган вақтда кайфият чоқ бўлмайди.

Одатда одамда кайфиятнинг у ёки бу тури, яъни хушчақчақлик хурсандлик ёки ғамгинлик, маъюслик, тушкунлик устун бўлиши мумкин. Ана шунга қараб одамлар хушчақчақ, ғамгин, серташвиш деб турли гуруҳларга бўлинадилар. Лекин шуни айтиш керакки, одам ўз кайфиятининг қули бўлиб, қолмай, уни бошқара билиши керак. Ўз кайфиятини идора қила биладиган

одамларнинг ҳар доим руҳи тетик, кайфияти чоғ ва ишида унум бўлади. Кайфиятни идора қила олмайдиган одамлар билан яшаш жуда қийин бўлади. Бундай одамлар арзимаган нарсадан кайфиятини бузиб, тўмсайиб юрадиган ёки аразлаб ётадиган одамлар бўлади. Бундай одамларни одатда "сиркаси сув кўтармайдиган" ёки "жаҳли бурнини учида турадиган" одамлар дейишади. Агар одам ҳар доим ўйлаб, ақл билан иш туца, кайфиятини бўлган бўлмаган нарсаларга бузавермайди.

Инсон кайфиятини пайдо бўлишига ва ўзгаришига таъсир қилувчи қуйидаги иккита омилларни таҳлил қилиш лозим: Улардан биттаси объектив ва субъектив хусусиятли вазиятдир: а) табиий омилларга тааллуқли бўлган вазият (ҳавонинг совуқлиги ёки иссиқлиги); б) шахслараро муносабатнинг ноқулайлиги ва бошқалар. Иккинчисини бир манба сифатида талқин қилиш мумкин, бу-субъектив, шарт-шароитлардир. Масалан, меҳнат ва ўқиш фаолиятига керакли воситаларнинг мавжудлиги. Ичкиккинчи субъектив муносабатлар, илиқ психологик муҳит, мулоқатмандлик маромн, рағбатлантириш, мулоқот ўрнатиш услуби, шахсиятига тегмаслик, тенг ҳуқуқлилик, шахснинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш ва ҳокозо.

Аффект тушунчасига берилган таърифларга асосий эътиборни қаратадиган бўлсак бу ҳам шахснинг кучли емосионал ҳолатлари билан боғлиқдир. Қ.Турғуновнинг луғатида айтилишича, аффект тез ва кучли пайдо бўлиб, шиддат билан ўтадиган қисқа муддатли емосионал ҳолатдир. А.В.Петровскийнинг "Умумий психология" дарслигида аффект ҳаддан зиёд тез кечиши билан мияда пайдо бўлувчи, шахсни тез қамраб олувчи, жиддий ўзгаришларни юзага келтирувчи жараёнлар устидан иродавий назорат бузилишига йетакловчи организм аъзолари функсиясини издан чиқарувчи емосионал жараёнларга айтилади. М.Воҳидов дарслигида аффект тўсатдан тез пайдо бўлиб, тез орада ўтиб кетадиган ниҳоятда кучли ҳиссий ҳолат сифатида еътироф етилади.

Аффект лотинча сўз бўлиб, руҳий ҳаяжон ехтирос деган маънони англатади. Аффектлар кўпинча тўсатдан пайдо бўлади ва баъзан бир неча минут давом этади. Аффект ҳолатида кишини онгини тасаввур қилиш, фикр қилиш қобилияти тораяди, сусайиб қолади. Аффектлар вақтида одамнинг ҳаракатлари кутилмаган тарзда портлаш сингари бирданига бошланиб кетади. Баъзан аффектлар тормозланиш ҳолати тарзида намоён бўлади ва бундай ҳолатда организм бўшашиб, ҳаракациз бўлиб ва шалвираб қолади. Бундай ҳолат кўпинча одам бирданига қўрққанида, тўсатдан қувонганида ва шу каби ҳолатларда ўзини йўқотиб қўйиш кўринишида намоён бўлади.

Аффект ҳолатини бошланишида шахс инсоний қадриятларнинг барчасидан узоқлашиб, ўз ҳиссиётининг оқибати тўғрисида ҳам ўйламайди, ҳатто тана ўзгаришлари, ифодали ҳаракатлар билинмай боради. Кучли зўриқиш оқибатида майда кучсиз ҳаракатлар барҳам топади. Тормозланиш мия ярим шарлари пўстини тўлиқ эгаллай бошлайди, қўзғалиш пўстлоқ ости нерв тугунларидан оралиқ мияда авж олади, холос. Бунинг натижасида шахс ҳиссий кечинмасига (даҳшат, ғазаб, нафратланиш, умидсизлик ва ҳоказолар) нисбатан ўзида кучли ҳоҳиш сезади.

Маълумотларнинг кўрсатишича кўпинча ҳиссиётлар аффектив шаклда ўтиши тажрибаларда синаб кўрилган. Жумладан: 1) театр томошабинларида; 2) тантана нашидасини сураётган оломонларда; 3) ес-хушини йўқотган телбасимон одамларда; 4) илмий кашфиёт лахзасида; 5) тасодифий қизғин учрашувларда, жўшқин шодликларда мужассамлашади.

Аффектлар вужудга келишининг дастлабки босқичида ҳар бир шахс ўзини тушуниш, ўзини қўлга олиш, уддалаш қурбига эга бўлади. Уларнинг кейинги босқичларида иродавий назорат йўқотилади, иродасиз ҳаракатлар амалга оширилади, ўйламасдан хатти-ҳаракат қилинади. Аффектив ҳолатлар маъсулияцизлик, ахлоқсизлик, мастлик аломатида содир бўлади, лекин шахс ҳар бир ҳаракати учун жавобгардир, чунки у ақл-заковатли инсондир. Аффектлар ўтиб бўлгандан кейин шахснинг руҳиятида осойишталик, чарчаш ҳолати ҳукм суради. Баъзи ҳолларда ҳолсизланиш, барча нарсаларга лоқайд муносабат, ҳаракацизлик, фаолликнинг барҳам топиши, ҳатто уйқуга мойиллик юзага келади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, аффектив қўзғалиш муайян даврга ча давом этиши, баъзан ўқтин-ўқтин кучайиши ёки сусайиши содир бўлиб туриши мумкин.

Стресс тушунчасининг мазмуни моҳияти борасида қатор таърифлар учрайди. Жумладан, А.В.Петровский томонидан стресс-ффектив ҳолатга яқин турадиган, лекин бошдан кечирилишининг давомийлигига кўра кайфиятларга яқин бўлган ҳис-туйғуларни бошдан кечирилишининг алоҳида шаклидир, деб таъриф берилади. Профссор Е.Ғозиевнинг умумий психология китобида ёзилишича, стресс-оғир жисмоний ва мураккаб ақлий юкламалар ишларнинг меъёридан ошиб, кетиб хавфли вазиятлар туғилганида, зарурий чора-тадбирларни зудлик билан топишга интилганда вужудга келадиган ҳиссий зўриғишлар сифатида кўрсатилади.

Стресс - инсон организмини ҳаддан ташқари зўриқиш натижасида пайдо бўладиган танглик жараёнидир.

Стресс кўринишига қараб икки турга ажратилади:

1. ***Конструктив*** - биз туридаги (кўпчилик орасида);
2. ***Деструктив*** - мен туридаги (якка шахс ўзи билан) кечадиган жараён.

Стресс ҳолатини оддий тилда айтадиган бўлсак, бу инсонларда кечадиган тушкунлик ҳолатидир. Инсоннинг ақлий жиҳатлари ва физиологик тизимида стресс ҳолати бўлмаслиги мумкин эмас. Булар кўп ҳолларда мулоқотларда ва бошқа ижтимоий жараёнларда юз беради. Стрессни физиологик ва психологик турлари мавжуд. ***Физиологик стресс*** - бу ўта жисмоний зўриқиш, бирор оғриқ, қўрқув, касалликлар натижасида вужудга келади.

Физиологик стресс организм ўта зўриқиши, температуранинг баланд ёки паст бўлиши, нафас олишнинг қийинлашиши билан боғлиқ бўлади. Масалан, баъзида одам организмида қаттиқ оғриқ бўлганда, оғриқ нимадан келиб чиққанлигини тушуниб йета олмаслик оқибатида одамда қўрқув, хавотирланиш пайдо бўлади ва стресс ҳолатига олиб келади.

Психологик стресс-одамнинг руҳий ҳолатига воқеаларни таъсири туфайли пайдо бўладиган стресс .

Психологик стресс информасион стресс ва емосионал стресс турларига ажралади.

Информасион стресс ахборотларни ҳаддан ташқари кўп қабул қилиш вазифаларни бажаришда бир қанча йечимлар бўлса-да, аниқ улардан қайси бирини танлаш юқори даражадаги шиддат билан қарор қабул қилишдаги иккиланиши натижасида келиб чиқиши мумкин. Ахборотларни ҳаддан ташқари кўп қабул қилиш оқибатида одам психикаси зўриқади (чарчайди) ва буйрак усти безларидан стрессли гармонлар кўп ишлаб чиқара бошлайди. Ҳаддан ташқари зўриқиш натижасида мияда тормозланиш юз беради ва оқибатда тангликка олиб келган ахборотгина мияда акс етаверади. Мия бошқа ахборотларни ташқи таъсирни қабул қила олмай қолади. Бу баъзи ҳолларда салбий ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Мияда стрессга олиб келган ахборот тормозланиб, сақланиб қолганда танглик ҳолатининг юқори нуқтасига чиққанда танглик ҳолатидан чиқиб кетолмай ўз жонига қасд қилишгача олиб келиши мумкин.

Емоционал стресс-таъқиқ қилиш, фалокат, ҳаётий ўзгаришлар (оилавий можаролар, тўсатдан ишдан бўшатиш яқин кишисини йўқотиш, узоқ муддатли севгидан қутила олмаслик сабабли, хавф остида қолганда, атрофдагилар томонидан нотўғри муносабат қилинганда ва ҳоказоларда) кўринади.

Олимлар ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фалокат, ҳаётий ўзгаришлар, кундалик ташвишлар кўпроқ стресслар ҳисобланади.

Фалокат - бу нотинчлик, уруш, йер қимирлаш, сув тошқинлари, автоҳалокатлар ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси инсон руҳий ҳолатига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Олимлар шуни таъкидлашадики, қаттиқ йер қимирлаши, сув тошқинлари, ёнғин бўлиши каби фалокатларнинг инсон руҳиятига катта таъсир кўрсатиши натижасида хавотирланиш даражаси юқори бўлиши кузатилади.

Ҳаётий ўзгаришлар - бу инсонни ҳаётида юз берадиган воқеа ва ҳодисалардир. Масалан, яқин кишисининг ҳалок бўлиши, кутилмаганда иш ўрнини йўқотиши, ажралишлар ва ҳоказо. Агарда инсон бир қанча инҳирозли вазиятни бошидан ўтказса, қаттиқ касалланиши ва ҳаттоки ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Кундалик ташвишлар - бу иш жойларида содир бўладиган қийинчиликлар, ўқиш жойларидаги ўқувчиларнинг ўқувчиларга, ўқитувчиларнинг ўқитувчиларга нотўғри муносабатда бўлишлари, имтиҳонларни муваффақияциз якунланиши ва ҳоказоларда намоён бўлади. Кундалик ташвишлар майда стрессларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин, майда стресслар тўпланиб бориб инсон соғлиқига таъсир кўрсатади. Жумладан, қон босимининг ошиши, юрак фаолиятининг бузилиши ва бошқаларда кузатилиши мумкин. Доимий юз бериб турадиган кундалик ташвишлар, ақлий, жисмоний, емосионал ва руҳий зўриқишга олиб келиши мумкин

Стресс айрим одамларда йенгил кечади, айрим одамларда жиддийроқ, қийинроқ ўтади. Бунга асосий сабаб қуйидагилар деб белгиланади: унинг ҳосил бўлиши стрессли вазиятга қай даражада муносабатда бўлишимизга ва бу ҳолатни баҳолашимизга ва у билан курашишимизга боғлиқдир. Масалан, оптимист одамлар стресс ҳолатини тақдирнинг бир синови деб қабул қилса, пессимист одамлар унинг ҳаётига хавф-хатар туғилди, деб қабул қилар эканлар.

Пессимистларда хавотирланиш даражаси юқори бўлади ва улар вақтида овқатланмасалар ҳам стресс ҳолатига тушиб қолаверадилар. Психологлар **Майкл Шайер** ва **Марлз Карвер** фикрича, оптимист инсон енг оғир, қийин вазиятда ҳам яхши деб олдинга интилади, ўз организмида стресс мослашиб олишига йўл қўймайди.

Умуман олганда стресс атамаси XX-асрнинг 40-йилларига келиб оммавийлашган. Бунга сабаб стресс ҳолатини тўғри тушуниш ва ундан ҳимояланишни ўрганиш, чунки стресс турли салбий муносабатлар натижасида вужудга келиши мумкин.

Биринчи бўлиб стресс бўйича 1932 йили физиолог **Уолтер Кеннон** ва 1936 йилда врач Ганс Селе чуқурроқ тушунча беришга ҳаракат қилганлар. **У.Кеннонинг** гомеостаз назарияси асосида 1933 йилда "Психика ва тана" асари яратилди. Бу асарда барча ташқи шароит ўзгаришларига оптимал (тўла) мослаша оладиган бир яхлит организм ҳақида ёзилган. Организмдаги турли ўзгаришлар, яъни очлик, қўрқув, жаҳлдорлик ҳолатларини кўп йиллар кузатиб ўрганиш натижасида "гомеостоз" яъни организмни ички ҳолатини давомийлиги назарияси яратилди. Унинг фикрича, гемостоз ва ташқи муҳит таъсирида асосий ўринни марказий ва вегетатив нерв тизими эгаллайди. Марказий нерв тизими ташқи-муҳит, билан вегетатив нерв тизими эса гемеостоз ҳолатини сақлаб туради. Бундан организмни "қочиши ва курашиши" учун енергия ишлаб чиқарувчи симпатоадренал тизими муҳим рол ўйнайди.

Қуйида Жемс Ланге ва Кенон-Бард назариясининг моҳияти келтирилган.



У.Кеннон яна шуни таъкидлаб ўтадики, организмни стрессга қарши курашиш ёки қочиш вақтида юрак уриши тезлашади, қон айланиши бузилади, яъни мақсадга интилиш учун тайёргарлик кўришда организмда қочиш ва курашиш кечади. Бу реаксияни у организмни мослашиш тизими деб атайди.

Канадалик олим врач **Г.Селъе** (1936-1976 йиллар) ўзини 40 йиллик илмий изланишлари билан У.Кеннон назарияларига қўшимчалар киритиб, стресс психология ва тиббиётда асосий тушунчаларда бири екинлигини айтиб ўтган. Г.Селъе стресс ҳар доим ҳам зарарли эмас, баъзан инсон организмига ёрдам, кўмак фойда бериши мумкин. Айрим ҳолларда стрессга тушиб қолганда одам яшаш учун курашиш ўз эҳтиёжини қондириш учун фаоллашиб, ўзи билмаган заҳирадаги енергиясини ишга солиши мумкин деган. У тирик организмнинг ноқулай ташқи шароитларига мослашувчанлик муаммосини ўрганиб чиққан.

Г.Селъени фикрича, шу сабаблар муҳим ва номуҳим стрессни келтириб чиқаради. Бу вазиятлар бир-бирига боғлиқдир. Бунда 3 босқич ажратилади.

- *хавотирлик босқичи;*
- *мослашиш босқичи;*
- *ўта чарчаш босқичи.*

Хавотирлик босқичида талоқнинг кичрайиши, ёқ қаватининг йўқолиши, ошқозонда ўткир яллиғланишнинг содир бўлиши, буйрак тепасида ликосидларнинг камайиши кузатилади. Шу билан бирга тери жароҳатини пасайиши, кўз ёшланиши, сўлакнинг ажралиши кузатилади. Агарда таъсир кучли бўлса, бу босқичда хавотирлик ҳолати бошланади.

Мослашиш босқичида буйрак усти безлари катталашади, органлар ва тўқималарнинг ишлаши секинлашади. Агар стрессни келтириб чиқарувчи омил организмга кучли таъсир еца етмаса шу ҳолат узоқ вақт сақланиб қолади. Агар таъсир кучли бўлса, учинчи босқич бошланади.

Ўта чарчаш босқичи - организмда кузатилаётган ютуқларга кўра босқич хавотирли босқичга яқин. Бунда одатда организм касалланади.

Чет ел муаллифлари асосан ижтимоий, психик ва физиологик стресс шаклларини
ажратадилар. Уларнинг фикрича, ***ижтимоий стресс*** асосида шахснинг ижтимоий, иқтисодий яшаш шароити ётади. Ижтимоий зиддиятлар доимий ўзига ишонмаслик ва кескинликни юзага келтиради.

Юксак ҳислар

Ҳиссий жараёнларнинг ҳар хил шакллари нормал одамда алоҳида, якка ҳолда мавжуд бўлмайди. Юзлаб ва минглаб кечирилаётган емоциялар, аффектлар, кайфиятларда аниқ яшайдиган умумлаштирилган ҳислар ***юксак ҳислар*** дейилади. Юксак ҳислар ўз таркибига биринчи соддароқ кўринишдаги турли ҳисларни олади.

Инсон фаолиятининг қайси бир тури, ёки қайси бир соҳаси, ҳисларни қайси бирининг асосий эканлигига қараб, юксак ҳисларнинг муҳим турлари: праксик , ахлоқий, интеллектуал, естетик турлари ажратилади.

Праксик ҳислар. Инсон амалий ҳаётининг исталган соҳаси мақсадга мувофиқ ақлий фаолиятига, шахснинг уларга нисбатан муайян муносабатда бўлиш соҳасига айланиб қолади. Бу биринчи навбатда бирор мақсадни англабгина қолмай, уни еътироф этадиган ёки инкор қиладиган мақсадларга эришиш йўлларини баҳолайдиган таъсир қилиш усуллари ва кўламларини маъқуллайдиган ва маъқулламайдиган, уларни тўғри танланганлигига шубҳаланадиган, ниҳоят муваффақият ёки муваффақияцизлик ҳиссини кечирадиган меҳнат фаолиятида кузатилади. Меҳнат инсон ҳаётининг асоси

бўлиб, инсоннинг меҳнатга бўлган ҳиссий муносабати юксак ҳислар орасида муҳим ўринни эгаллайди,

Меҳнат фаолиятида шахс:

1. *Бирор мақсадни англайди.*
2. *Уни еътироф қилади ёки инкор этади.*
3. *Мақсадга эришиш юлларини баҳолайди.*
4. *Уни тадбиқ этиш усуллари ва қурол воситаларини маъкуллайди ёки маъқулламайди.*
5. *Уларнинг танланганлигига шубҳаланади.*
6. *Инсон муваффақият ёки муваффақияцизлик ҳиссини кечиради ва ҳоказо.*

Ахлоқий ҳислар одамнинг бошқа кишиларга, жамоа ва ўзининг ижтимоий бурчларига бўлган муносабатларида ифодаланади. Инсон бу ҳисларни кечирар экан, маълум ахлоққа, яъни ижтимоий ахлоқ-қоидалари ва нормалари мажмуига асосланиб, бошқа кишиларнинг хатти-ҳаракатларига ёки руҳий хусусиятларига ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига баҳо беради.

Шахснинг йетакчи ахлоқий ҳисларидан бири бу бурч ҳиссидир. Бу ҳис одам яшаб ва ишлаб турган тор доирадаги жамоа (оила, мактаб, ишлаб чиқариш, корхона) манфаатлари нуқтаи назаридан туриб, ҳаракат қилиш лозимлигини англаганда ҳам кечирилади. Одам ўзининг ижтимоий бурчлари нималардан иборат эканлигини билиб ва тушунибгина қолмай, балки уларни бажариш зарурлигини ичдан ҳис қилиб қайғуради. Кишилар ҳаёти ва фаолиятида ўзаро ёрдамлашиш, ҳамжиҳатлик, интилиш ва манфаатлар бирлигига асосланган ўртоқлик муносабатлари юзага келади.

Ўртоқлик муносабатларининг юксак чўққиси дўстлик ҳиссида намоён бўлади. ***Дўстлик ҳисси*** ўртоғига меҳрибонликда уни кўриш у билан гаплашиш ўз фикр ҳислари билан ўртоқлашишда намоён бўлади. Ҳақиқий дўстлик ҳисси дўстга нисбатан юксак талабчанлик билан боғлиқдир. Хато ва камчиликларни тузатишга ҳам ёрдам бериш, дўстликка яқин бўлган муҳим ахлоқий ҳис муҳаббат ҳиссидир. Муҳаббат жамиятда никоҳ ва оиланинг ахлоқий психологик асоси ҳисобланади.

Агар одамнинг жамиятдаги хатти-ҳаракатлари ахлоқ нормаларига мутлақо зид бўлса, одам виждон азобига учрайди. Виждон азоби мураккаб ҳиссий ҳолатдир. Мободо одам бирор ахлоқсиз ҳаракат қилиб, виждон азобига учраса, ундан қутилиши жуда қийин бўлади. Чунки виждон азобига учраган одам жамият олдида ўзининг ноҳақлигини билади ва ўзини-ўзи сўроқ қила бошлайди. Шунинг учун одам ўзидан-ўзи қочиб қутила олмагандек, виждон азобидан ҳам ҳеч қачон қочиб кета олмайди.

Маълумки, виждон азоби кишининг қалбида чуқур ички кураш ҳиссини туғдиради. Ўз хатти-ҳаракатида ахлоқ тамойилларига амал қилмаган, уяти ҳам виждони бўлмаган кишиларни "виждонсиз" одамлар дейилади. Киши ёмон бир иш қилиб қўйганлиги бу кишининг ўзига муносиб эмаслигини, англаши бир томондан виждонини қийнайди, виждон азобига солади, иккинчи томондан ахлоқ талабларига хилоф иш қилиш билан бошқалардан маломатга қолишни, уларни ўрнига нисбатан салбий хислат пайдо қилишни ҳам тушунади. Масалан, мазкур жараёнга қуйидаги мисолни келтириб ўтиш жоиз. АҚШ президенти Р. Трумен 1945 йили 6 августда Японияниинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига

атом бомбасини ташлашга буйруқ берган еди. Американинг биринчи даражали учувчиси Маёр Клод Изерли Хиросимага атом бомбасини ташлаб 300 000 кишини ёстиғини қуритишда иштирок этди. Атом бомбаси зарбидан ўлган ёш болаларни қарияларни, хотин-қизларни ўз кўзи билан кўрган Изерли ватанига қайтганда "Хиросима қаҳрамони"ни сифатида уни тантана билан кутиб олишади.

Изерлини виждон азоби кундан кунга баттарроқ қийнай бошлади. У виждонини тинчитмоқ учун нафақадан, ҳамма мукофатлардан воз кечди, ўзига берилган орденларни қайтариб бермоқчи бўлди. Пул тўплаб Хиросимага ёрдам юборди. Аммо виждон азоби ҳамон уни езарди, таъқиб қиларди, кечалари ухлолмасдан ўзини ўзи ўлдиришга урриниб кўрарди. Аммо натижа чиқмади, зора қамасалар, деб жиноят қилди. Ниҳоят Клод Изерли ақлдан озибди, деб уни жиннихонага ётқиздилар. **Естетик ҳислар** ҳам юксак ахлоқий ҳислардан ҳисобланади. ***Естетик ҳис*** деганда биз гўзалликни идрок қилиш, гўзалликдан завқланиш ва гўзаллик яратишга интилишни тушунамиз. Естетик ҳиссиёт ҳамма одамларга хос бўлган ҳиссиётдир. Атрофдаги табиат манзаралари естетик ҳиссиётларимизнинг биринчи манбаи ҳисобланади. Масалан, баҳор фаслидаги тоғ манзаралари яйловларда қўй ва қўзичоқларнинг ўтлаб юришлари, баланд қорли қояларни узоқлардан мағрур туришлари одамда естетик лаззатланиш ҳиссини туғдиради ёки худди денгиздек кўз илғамайдиган кўм-кўк пахтазорлар узоқларда чиройли бўлиб кўриниб турган дала тепаликлари одамда қандайдир кўтаринки руҳ туғдиради.

Одамлар ҳаётнинг турли фактларига ва уларнинг санъатини акс эттириш ига қандайдир гўзаллик ёки хунуклик фожиали ёки кулгули, олийжаноблик ва разиллик, нозик ёки дағал ҳодисалар сифатида муносабатда бўладилар. Бу ҳислар тегишли баҳоларда естетик дидларда намоён бўлади ва ўзига хос бадиий лаззатланиш ҳолатида кечирилади.

Естетик ҳиссиётларнинг манбалари жуда кўп ва хилма-хилдир. Масалан, табиат манзараларидан лаззатланишдан ташқари тасвирий санъат асарлари, бадиий-адабий асарлар, музика ва хайкалтарошлик, архитектура ва меъморчилик ишлари ҳам одамда естетик ҳисни туғдиради. Бундан ташқари одамларнинг ўзаро бир-бирлари билан бўлган муносабат ва муомалалари ҳам естетик ҳиссиётларнинг манбалари бўла олади. Одамнинг кийиниши, уйининг тутиши, қандай жиҳозланиш, бошқалар билан муомаласи ҳам естетик ҳисларимизнинг манбаи бўла олади. Масалан, дағал гаплашадиган кишидан одам нафратланади, аксинча муомалали, гапни ўринли ва маданиятли қилиб гапирадиган кишидан одам завқланади. Шундай одамларга тақлид қилгиси келади. Умуман одамнинг естетик ҳиссиётлари кўп манбаларга эга бўлган мураккаб ҳиссиётлардандир.

Интеллектуал ҳиссиётлар ҳам ўз моҳияти жиҳатидан ахлоқий ҳиссиётларга яқин бўлган ҳиссиётлардир. Интеллектуал ҳиссиётлар одамнинг билиш жараёни билан боғлиқ бўлган ҳиссиётлар бўлиб, бирор нарсадан ҳайрон қолиш, ҳайратда қолиш, шубҳаланиш каби ҳолатларда ифодаланади. Интеллектуал ҳиссиётларга даставвал ажабланишни киритиш мумкин. Ажабланиш инсон билиш фаолиятининг ажралмас томонидир. Ажабланган ва қандайдир тушуниб бўлмайдиган, ҳайратда қолдирадиган емоцияларга берилиб

қолган одам ўзининг билиш эҳтиёжларини қондиришга интилади. Ҳақиқатни излаш шубҳаланиш ҳисси билан бир вақтда амалга ошириш мумкин. Бу ҳис одам фаол билиш фаолияти орқали ҳосил қилган ғоя ҳамда еътиқодларни ҳаётга тадбиқ қилиш учун бўлган курашнинг қийин дақиқаларида унга мадад бўлади.

Таянч иборалар

Амбивалентлик (юнон. Амби - теварак, икки томондан, лот. валентиа - куч) - бир вақтда қарама - қарши ҳиссиётларнинг намоён бўлиши (мас., кулгу ва қайғу, хурсандлик ва кулфат).

Апатия (юнон. Апатҳеиа - ҳиссиёцизлик) - кишининг теварак - атрофдаги оламга нисбатан ҳеч қандай қизиқишиларсиз бефарқ ҳолати.

Астеник (юнон, астҳенеиа - кучсизлик, ҳолсизлик) - шахснинг фаоллигини сусайтирувчи кечинмалар.

Астения (юнон. Астҳенеиа - кучсизлик, ҳолсизлик) - кучли толиқиш ва организмнинг мадорсизлигида намоён бўладиган асабий психик ҳолсизланиш.

Аффект (лот. Аффектус - руҳий - ҳаяжон, еҳтирос) - кучли, жўшқин ва нисбатан қисқа муддатли емосионал кечинмалар тариқасида рўй берадиган психологик ҳолат.

Кайфият - бирорта емоциянинг барқарор кечиши.

Сензитивлик (лот. сенсус ҳиссиёт) - турли таъсирга нисбатан сезгиларнинг тез ва кучли қўзғалиши.

Стеник ҳислар (юнон. Стҳенос куч) - шахснинг фаолиятини оширувчи ҳислар (мас., хурсандчилик ва х.к.)

Стресс (инг. Стресс - зўриқиш) - кучли қўзғовчилар таъсирида юзага келадиган руҳий ҳолат.

Емоция (нор. емавере – уйғотиш, тўлқинлантириш) - одам ёки ҳайвонларнинг субъектив ифодаланган ички ёки ташқи қўзғовчилар таъсирига жавоб реаксияси.

Ҳиссиёт - одамнинг юксак эҳтиёжларини қондириш ёки қондирмаслик қобилиятининг мавжудлиги ва психик образ ярата олиш натижасида унинг теварак-атрофидаги оламга бўлган муносабатларининг онгда акс еттирилишидан иборат жараён.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Ҳиссиёт ҳақида тушунча.
2. Ҳис-туйғуларнинг вазифалари.
3. Инсоний емоциялар ва ҳайвонлардаги емоциялар.
4. Ҳиссий ҳолатларнинг ифодаланиши.
5. Ҳисларни кечириш шакллари.
6. Юксак ҳислар.
7. Ҳиссиётнинг ўзига хослиги.

Тест топшириқлари

1. ..... ташқи оламдаги нарса ва ҳодисаларга нисбатан бўлган муносабатларимизнинг ва бу муносабатларимиздан ҳосил бўладиган ички кечинмаларимизнинг онгимизда акс еттирилишига айтилади.

А) кайфият Б) еҳтирос В) ҳиссиётГ) аффест Д)стресс

2.Унчалик кучли бўлмаган лекин жуда узоқ вақт давом этадиган ҳиссий ҳолат бу.....
А) кайфият Б) еҳтирос В) ҳиссиёт Г) аффект Д) стресс
3. .....тўсатдан пайдо бўлиб тез орада ўтиб кетадиган ниҳоятда кучли ҳолатдир.
А) кайфият Б) еҳтирос В) ҳиссиёт Г) аффест Д) стресс
4.....узоқ давом этадиган анчагина кучли ҳиссий ҳолатдир.
А) кайфият Б) еҳтирос В) ҳиссиёт Г)аффект Д)стресс
5.....бу оддий психик ҳолат бўлиб у инсон организмини умумий ҳолатидан юзага келади ва эҳтиёжларни қондириш жараёнида мавжуд бўлади.
А) емоция Б) кайфият В) стресс Г) ҳиссиёт Д) аффект
6. Ҳис-туйғу психик ҳолат бўлиб у қандай хусусиятлар билан белгиланади?
А) қониқиш ёки қониқмаслик ҳолатини мавжуд бўлиши; Б) ижобий ва салбий ҳислар;
В) нерв кескинлигини юзага келиши ва кескинликни юмшатиш; Г) барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб берилмаган
7.Емосионал ҳолатларнинг хусусиятлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
А) шахсни объектга ижобий муносабати; Б) салбий муносабати; В) иккиламчи муносабат; Г) барча жавоблар тоғри Д) тўғри жавоб берилмаган
8. Ҳис-туйғуни юзага келтирувчи сабаб бу.....
А) фаоллик Б) қўзғатувчи куч В) кучли таъсирот Г) стимул Д) мотивасион доира
9.Фаоллигига кўра ҳислар қандай турларга ажратилади?
А)кучли ва кучсиз, ижобий ва салбий Б) мимика ва пантомимика В) апатия ва експрессия Г) астеник ва стеник Д) салбий ва ижобий
10.Инсон фаоллигини оширувчи уни умумий енергиясига асос солувчи ҳислар бу.....
А)астеник Б)апатия В)стеник Г)експрессия Д)мимика
11.Шахсдаги фаолликни ортга қайтарувчи ҳислар бу.....
А)астеник Б)апатия В)стеник Г)експрессия Д)мимика
12.Шахсдаги бефарқлик, бепарволик ҳолати бу.....
А)астеник Б)апатия В)стеник Г)експрессия Д)мимика
13..... ҳисларнинг спесифик намоён бўлиши бўлиб, у овоздан мимика пантомимика йиғи, кулгуда намоён бўлади.
А) астеник Б) апатия В) стеник Г) експерссия Д) мимика
14.....инсонни юз тузилишида ифодаланиши бўлиб бунда идрок етилаётган нарсага нисбатан муносабат акс этади.
А) астеник Б) стеник В) мимика Г) пантомимика Д) експерссия
15.....емосионал ҳолат бўлиб, у бирор бир мақсадига интилганда юзага келади.
А) кўтаринкилик Б) астеник В) стеник Г) пантомимика Д) експерссия
16.Мунозарада асабийлашиб аффектив ҳолатга тушган кишини тилини оғиз бўшлиқида 10 маротаба айлантиришини тавсия этади. Мазкур фикр қайси олим томонидан илгари сурилган?

А) Л. Н. Толстой Б) И .М. Сеченов В) И. С. Тургенов Г) И. П. Павлов Д) Г. Селе

17.....улар жамият ахлоқ нормаларига бўйсуниши ёки бўйсунмаслик билан намоён бўлади.

А) ахлоқий ҳислар Б) интеллектуал ҳислар В) праксик ҳислар Г) естетик ҳислар
Д) тўғри жавоб берилмаган

18.....инсон томонидан билиш фаолияти жараёнини ҳис этиш ҳолатидир.

А) ахлоқий ҳислар Б) интеллектуал ҳислар В) праксик ҳислар Г) естетик ҳислар
Д) тўғри жавоб берилмаган

19.Ватанпарварлик, миллий ғурур, тилга ҳурмат, миллий қадриятларга ҳурмат кабилар қайси ҳислар таркибига киради?

А) ахлоқий ҳислар Б) интеллектуал ҳислар В) праксик ҳислар Г) естетик ҳислар
Д) тўғри жавоб берилмаган

20.Ғайрат, қизиқиш, қувонч, ғурур, янгиликка интилиш каби ҳислар қандай ҳислар таркибига киради?

А) ахлоқий ҳислар Б) интеллектуал ҳислар В) праксик ҳислар Г) естетик ҳислар
Д) тўғри жавоблар берилмаган

21. ..... ижобий ҳислар бўлиб, гўзал предметлар улар орасидаги муносабатни акс этиш билан ифодаланади.

А) ахлоқий ҳислар Б) интеллектуал ҳислар В) естетик ҳислар Г) праксик хислар
Д) тўғри жавоб берилмаган

22.....фаолият натижасида юзага келиб иш жараёнида ўзгаради ишни муваффақияти қийнчиликни тугалланганлигига боғлиқ бўлади.

А) ахлоқий ҳислар Б) интеллектуал ҳислар В) естетик ҳислар Г) праксик ҳислар
Д) тўғри жавоб берилмаган

23.Емоция оралиқ жараёнлари субъектив акс этиш бўлиб, у ихтиёрий ҳаракатга қодир ва организмда юзага келади деб таъкидлайди Мазкур назариянинг муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?

А) А. Н. Лук Б) Джеймс-Ланге В) Кенон-Бард Г) Ёркс- Додасон
Д) И. П. Павлов

24."Биз йиғлаганимиз учун хафа бўлмаймиз, қалтираганимиз учун қўрғамиз, кулганимиз учун хурсанд бўламиз" мазкур фикр асосчиси қайси қаторда кўрсатилган?

А) А. Н. Лук Б) Джеймс-Ланге В) Кенон-Бард Г) Ёркс- Додасон
Д) И. П. Павлов

25.Емоция сигналларини қайта тиклаш ва уни организмда акс этишидир, мазкур назария муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?

А) А. Н. ЛукБ) Джеймс-Ланге В) Кенон-Бард Г) Ёркс- ДодасонД) И. П. Павлов

26.Емосионал қўзғатувчанлик билан инсонни ижобий фаолияти орасида егри чизиқли қўнғироқсимон боғлиқлик мавжуд. Мазкур назария муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?

А) А. Н. ЛукБ) Джеймс-ЛангеВ) Кенон-Бард Г) Ёркс- Додасон Д) И. П. Павлов

27. Стерресс тушунчасини фанга киритган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) А. Н. Лук Б) Джеймс-Ланге В) Кенон-Бард Г) Ёркс-Додасон

Д) Ган Селе

28. Стересс сўзининг луғавий маъноси қайси қаторда кўрсатилган?

А) жиддийлик, кескинлик, зўриқиш Б) кучли ҳиссий зўриқиш

В) шиддатли жўшқин. Г) ўхшашлик. Д) белги, аломат, тузилма

29.Бир вақтда қарама-қарши ҳиссиётларнинг намоён бўлиши бу.....

А) емоция Б) ҳиссиёт В) апатия Г) експрессия Д) амбивалентлик

30.Ҳиссиётнинг нерв-физиалогик асоси қайси қаторда кўрсатилган?

А) бош мия пўсти қисмининг фаолияти Б) вегетатив нерв тизими билан В) кўриш тепалиги Г) динамик стреотип Д) жавобларнинг барчаси тўғри

Назорат саволлари

1. Ҳиссиёт тушунчасининг мазмунини изоҳланг?
2. Ҳис-туйғуларнинг вазифалари нималарда кўринади?
3. Ҳиссий ҳолатларнинг физиологик асосларини нима ташкил қилади?
4. Инсоний емоциялар ва ҳайвонлардаги емоциялар ўртасидаги фарқни изоҳланг?
5. Ҳиссий ҳолатларнинг ифодаланишини қандай изоҳлайсиз?
6. Ҳисларни кечириш шаклларини қандай баҳолайсиз?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
3. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
4. Джемс В. Психология.- М., 1991
5. Изард К. Э. Психология эмоций. — СПб.: Питер, 1999.
6. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
7. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
8. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
9. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
10. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
11. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
12. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
13. Симонов П. В. Мотивированный мозг: Высшая нервная деятельность и естественно научные основы общей психологии / Отв. ред. В. С. Русинов. — М.: Наука, 1987.
14. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
15. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
16. Хайдаров Ф.И. Жўраев Н.С. Стресс ёки руҳий мувозанатни сақлаш осонми? Т-2003 й
17. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

ИРОДА

Ирода ҳақида тушунча

Маълумки, инсоннинг эҳтиёжлари ижтимоий тузум шакллари тараққиётига қараб ўзгаради. Шу боис ўз эҳтиёжларини қондириш учун инсон ҳаракат қилади. Шахс ўз ҳаракатлари ёрдами билан муҳитга мослашади ва ундан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланади. Лекин шу билан бирга одам муҳитни ўз эҳтиёжларига мувофиқлаштириб ўзгартиради, қайта қуради ва ўзига мослаштиради.

Одамнинг шахс сифатидаги фаоллик хусусияти шундан иборатки, ўз эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берадиган ҳаракатлари инстинктив ҳаракатлар эмас, балки асосан оқилона, онгли ҳаракатлардир. Бу онглилик шундан иборатки, одам олдиндан бирон-бир мақсадни кўзлаб ҳаракат қилади, шу мақсадга йэтишиш учун ёрдам бера оладиган воситали йўл ва усулларни олдиндан қидириб топади, тўсқинлик ва қийинчиликларни йенгиш учун онгли равишда куч-ғайратини ишлата олади.

Одам фақат ўзига хос маданий-ижтимоий эҳтиёжларини қондиришдагина эмас, балки, табиий-биологик эҳтиёжларини қондиришда ҳам онгли ва оқилона равишда иш тутади.

Одам теварак - атрофдаги нарсаларни ўзгартириб ўзига мослаштирар экан, янгилик яратади, ижод қилади, шу янгиликни теварак-атрофдаги воқеликка қўшади, воқеликни ўзгартиради ва тўлдиради. Умуман одам ҳар доим ҳаракат қилмасдан тура олмайди. Ана шу жиҳатдан олганда одамнинг барча ҳаракатларини икки туркумга бўлиш мумкин. Улардан *биринчиси* ихтиёрсиз ҳаракатлар бўлса, *иккинчиси* ихтиёрий ҳаракатлардир.

Одамнинг ихтиёрсиз ҳаракатлари қатъий бир мақсадсиз, кўпинча импулъсив тарзда, яъни рефлектор тарзда юзага келади. Масалан, йўталиш, акс уриш, кўз қовоқини очиб юмилиши ва шу кабилар. Бу ҳаракатларни одам олдиндан ўйлаб режалаштирмайди. Ихтиёрсиз ҳаракатлар ҳар қандай шароитда юз бериши мумкин. Ихтиёрсиз ҳаракатлар баъзан, одамнинг ақлий фаолиятлари билан ҳам боғлиқ бўлади. Чунончи, ихтиёрсиз идрок, ихтиёрсиз диққат, ихтиёрсиз есда олиб қолиш, ихтиёрсиз есга тушириш ҳолатлари ҳам бўлади. Бундай ҳолларда одамнинг ихтиёрсиз ҳаракатлари идрок қилинаётган нарсанинг бошқа нарсалардан кескин фарқ қилиши ёки одамнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ бўлади.

Ихтиёрий ҳаракатлар ирода билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардир. Ихтиёрий ҳаракатлар олдиндан белгиланган мақсад асосида тўла онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлардир. Лекин ихтиёрий ҳаракат деганда, фақат жисмоний ҳаракатлар эмас, балки, ақлий ҳаракатлар ҳам тушунилади. Шундай қилиб, ирода тушунчасига нисбатан адабиётларда турлича таърифлар учрайди. Жумладан, А.В.Петровский дарслигида ***ирода*** - бу кишининг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишида қийинчиликларни йенгиб ўтишга қаратилган фаолияти ва хулқ-атворини онгли равишда ташкил қилиши ва ўз-ўзини бошқариши демакдир, деб таърифланади. Қ.Турғунов муаллифлигидаги луғатда таърифланишича, ***ирода*** - шахснинг онгли ҳаракатларида, ўз-ўзини билишида ифодаланадиган, айниқса мақсадга эришиш йўлида учрайдиган жисмоний ва руҳий қийинчиликларни йенгиб чиқишда намоён бўладиган ихтиёрий фаоллигидир. М.Воҳидов фикрича, ***ирода*** деганда биз олдиндан белгилаган, қатъий бир мақсад асосида амалга ошириладиган ва

айрим қийинчиликларни, тўсиқларни йенгиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни тушунамиз. Профессор Е.Ғ.Ғозиевнинг "Умумий психология " дарслигида ***ирода***-бу ташқи ва ички қийинчиликларни йенгишни талаб қиладиган қилиқларни ва ҳаракатларни инсон томонидан онгли бошқарилишидир, деб келтирилади. Умуман олганда ирода шахс фаоллигининг кўриниши ҳисобланади. Шу боис унинг юзага келиши бир қатор ҳаракатларни амалга оширилиши билан изоҳланади.

Irodaviy harakatlar bosqichlari



Иродавий ҳаракатларда ҳар доим мақсад аниқ бўлади. Одам ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқадиган натижаларни ҳам олдиндан тасаввур ета олади. Ана шунинг учун ҳар қандай қийинчиликларни йенгиб бўлса ҳам мақсадини амалга оширишга интила боради. Масалан, одам бирор иморат солаётган пайтда охирги натижа қандай бўлиб чиқишини жуда яхши тасаввур этади ва шунинг учун қандай қийинчиликлар бўлса ҳам йенгиб ишни давом еттира беради. Ёки талаба университетнинг биринчи курсига кирганда қандай мутахассис бўлиб чиқишини яхши билади ва шунинг учун барча қийинчиликларга чидаб ўқишни давом еттира беради.

Умумий иродавий фаолиятни ёки алоҳида актни амалга оширишнинг муҳим хусусиятларидан бири амалга оширилаётган ҳаракатларнинг еркин эканлигини англашдан иборатдир.

Одамнинг иродавий ҳаракати тўла-тўкис детерминизмга, яъни сабабий боғланиш қонунига бўйсунади. Шу билан бирга иродавий фаолиятнинг бевосита сабаблари шароитида иродавий ҳаракатларни белгилаб берадиган турли-туман ҳаётий шароитлар бўлиши мумкин.

Одамнинг иродавий фаолияти объектив жиҳатдан боғлангандир. Иродавий фаолиятнинг муҳим хусусиятларидан бири, иродавий ҳаракатларни одам ҳамма вақт шахс сифатида амалга оширади. Худди мана шунинг билан боғлиқ равишда иродавий харакатлар одам тўла равишда жавоб берадиган иш сифатида бошдан кечирилади. Иродавий фаолият туфайли шахс кўп жиҳатдан ўзини маълум шароитда
англайди, ўз ҳаёт йўли ва тақдирини ўзи белгилаши мумкин.

Ироданинг енг муҳим хусусияти унда фаолиятни амалга оширишнинг пухта ўйлаб чиқилган режанинг мавжудлигидир. Аввалдан режалаштирилмаган хатти-ҳаракатларни **иродавий ҳаракат** деб бўлмайди. Шу билан бирга ирода аввалдан мавжуд бўлмаган, лекин фаолиятни натижасига эришишдан сўнг ҳосил бўлиши мумкин бўлган қониқишга бутун эътиборини қаратишдан иборатдир.

Кўп ҳолларда ирода вазият ёки қийинчилик устидан ғалаба қозониш эмас, балки ўз-ўзини енгиш ҳамдир. Бу айниқса, мувозанациз, ҳиссий, қўзғалувчан, суст кишиларга хос бўлиб, ўзларининг табиий характерологик хусусиятлари билан курашишга тўғри келади.

Ҳеч бир муаммо ироданинг иштирокисиз ҳал етилмайди. Инсон кучли иродасиз катта муваффақиятга эриша олмайди. Одамзод бошқа тирик мавжудотлардан ўзининг онги ва ақли билангина эмас, балки иродасининг мавжудлиги билан ҳам ажралиб туради.

Ироданинг нерв-физиологик асослари

Иродавий яъни ихтиёрий ҳаракатларнинг нерв - физиологик асосида бош мия катта ярим шарлари пўстлоғининг шартли рефлекслар ҳосил қилишдан иборат бўлган мураккаб фаолияти ётади. Иродавий ҳаракатлар ҳар доим тўла онгли ҳаракатлар бўлгани учун бош мия пўстлоғида юзага келадиган оптимал қўзғалиш манбалари билан ҳам боғлиқ бўлади. Бу ҳақда академик И.П.Павлов шундай деб ёзган еди: "Менинг тасаввуримча, онг айни шу чоғда худди шу шароитнинг ўзида маълум даражада оптимал (ҳар ҳолда ўртача бўлса керак) қўзғалишга эга бўлган бош мия катта ярим шарларининг айрим жойларидаги нерв фаолиятидан иборат".

Бундан ташқари иродавий ҳаракатлар онгли ҳаракатлар сифатида иккинчи сигналлар тизимининг фаолияти билан боғлиқдир. Маълумки, одам айрим ножўя ҳаракатлардан ўзини сўзлари орқали (яъни ўзига-ўзи панд-насиҳатлар қилиш ёки тарбия бериш орқали) ушлаб қолади. Шунинг учун иродавий, ихтиёрий ҳаракатларни амалга оширишда иккинчи сигналлар тизимининг роли жуда каттадир. Ана шу сабабдан бўлса керак академик И.П.Павлов иккинчи сигналлар тизимига баҳо бериб, бу сигналлар тизими инсонлар хулқ-атвори ва ихтиёрий ҳаракатларининг юксак бошқарувчисидир" - деган еди. Шуни ҳам айтиш керакки, ирода иккинчи сигналлар тизими биринчи сигналлар тизимига асосланган ҳолда ишлайди. Агар иккинчи сигналлар тизими ўз фаолиятида биринчи сигналлар тизимига асосланмаса, одамнинг акс эттириш жараёни маълум бир тизимли, маъноли бўлмайди. Иккинчи сигналлар тизими биринчи сигналлар тизимига асосланиши билан бирга унинг фаолиятини бошқариб, назорат қилиб туради. Демак, иродавий, ихтиёрий ҳаракатларда иккинчи сигналлар тизими билан бирга биринчи сигналлар тизими ҳам иштирок этади.

Иродавий ихтиёрий ҳаракатларни амалга оширишда нерв тизимининг умумий нормал ҳолати ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Масалан, узоқ давом этадиган қаттиқ касалликдан сўнг нерв тизими ниҳоятда мадорсизланиб, одамнинг иродаси бўшашиб кетади. Одам бирор ишдан қаттиқ чарчаган пайтда ҳам нерв тизими заифлашиб, иродаси бўшашиб кетади. Ана шунинг учун

ироданинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида одам вақти - вақти билан дам олиб туриши керак.

Иродавий акт ва унинг тузилиши

Ихтиёрий ҳаракатнинг дастлабки бошланғич нуқтаси ҳаракат мақсадининг вужудга келиши ва шу мақсаднинг ўртага қўйилишидир ва унинг тузилишини қуйидагича изоҳлаш мумкин.



ур деб топган иш ҳаракатини тасаввур этиш демакдир. Масалан, инсон педагогика университетига кириб ўқишни зарур деб тонди ёки вилоятга иш билан бориб келиш зарурлигини тушунди, дейлик. Буларнинг ҳаммасида кишининг мақсади ўз-ўзидан зоҳир бўлаётганга ўхшайди, баъзан эса бу мақсад бир қадар фикр юритиш натижасида юзага келади.

Мақсадни тасаввур қилиш одатда шу мақсадга эришиш истагини ва зарур ишни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб, у қуйидагича ифодаланиши мумкин.

Хатти-ҳаракатдан кутилган мақсад турлича равшанликда тасаввур етилиши мумкин. Мақсад қанча равшан бўлса, унга йэтишиш йўлидаги интилиш ҳам шунча муайян бўлади.

Мақсад кўзлаш кишининг аввало шахсий (биологик ва маданий руҳий) эҳтиёжларига боғлиқ. Кўпинча кишининг мақсад кўзлаши ва бирон-бир нарсага интилиши теварак-атрофдаги табиий вазиятга, ёки худди шу пайтда киши яшаётган жамиятга боғлиқ бўлади. Масалан, киши қийин аҳволга тушиб қолса, шу аҳволидан бир амаллаб қутилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Киши шу вазиятни маълум даражада ўзгартириш, бир нимага барҳам бериш, бир нима қилиш, бир нима кўриш ва шу каби мақсадни ўз олдига қўя олади. Киши жамоат тартибини биров бузаётганлигига бевосита гувоҳ бўлиши ва тартиб

бузувчиларга қарши кураш учун шу онда қандайдир чоралар кўришни мақсад қилиб қўйиши мумкин.

Кишида келиб чиқадиган эҳтиёжлар дарров яққол тасаввур қилинадиган мақсад тарзида ҳосил бўла қолмайди. Кўнгилдан кечаётган эҳтиёж ва интилишлар турли даражада англаниши ва турлича тасаввур қилиниши мумкин. Масалан, келиб чиқадиган эҳтиёж ва интилишлар баъзан истак тарзида кўнгилдан кечади-киши ҳозирги аҳволдан норозилигини ҳис қилиб туради-ю, лекин қандай мақсадга йэтишилаётганини, бинобарин, шу мақсадга эришишга доир йўл-йўриқларни аниқ билмайди. Истак шундай ҳолатки, бунда одам ўзига алланима кераклигини ҳис қилиб туради-ю, бу нарсани нима эканлигини аниқлаб ололмайди, яъни уни тасаввур қилолмайди, фаҳмига йетмайди. Бундай одамнинг ўзи баъзан "менга бир нарса керак, бир нарса йэтишмаяпти, аммо бу нарсанинг нима эканлигини ўзим ҳам билмайман" деган гапни кўнгилдан ўтказади. Бошқа кишилар тўғрисида ҳам: "нима истаётганини ўзи билмайди" деймиз.

Истак пайтида киши қандай мақсадга интилаётганини бу мақсадга эришишнинг йўл-йўриқларини англаб йетмас экан, демак, истакни бевосита амалга ошириш ҳам мумкин эмас.

Эҳтиёж кўнгилдан кечиб, мудом кучайган шу эҳтиёжни қондиришга интилиш мақсади ҳам англанила бошлайди. Бундай англанилган эҳтиёжлар ***тилак-ҳаваслар*** деб аталади. Аммо одам ўз интилишларининг мақсадини тасаввур қилганда ҳам шу мақсадга йэтишиш йўллари ва воситаларини ҳали тасаввур қила олмаслиги мумкин. Бундай тўла англанилмаган интилишлар (тилак, ҳавас) баъзан зўр хаёл суриш билан, баъзан эса чексиз орзу билан боғлиқ бўлади. Баъзан (хаёлпараст инсонларда) бундай тилак ҳаваслар кўнгилдан кечириш орқали орзу (фантазия) доирасида қолиб кетаверади. Хилма-хил тилак ҳаваслари тўлиб-тошган кишилар ҳам мавжуд. Бу кишилар доимо хўрсинадилар, армон қиладилар, ўзларини ҳам теварак-атрофдаги кишиларни ҳам танқид қиладилар. Бу кишилар кўпинча яхши орзулар қилишади-ю, амалда кам фаолият кўрсатишади ёки бутунлай фаолият кўрсатишмайди.

Ҳаракат йўллари, усуллари топилиб одам уларни тасаввур қилаётган экан, демак эҳтиёжни қондиришга интилиш тамомила англанилади, одамнинг тилак-ҳаваси эса бир нарса бўлиб қолади. Бундай интилиш ҳолати баъзан ҳоҳиш деб аталади. Киши бирор ишни қилмоқчиман, фалон ишни бажармоқчиман, ўқишга кирмоқчиман ва ҳоказо деб гапирар экан бунинг маъноси шуки, мазкур киши ўз интилишларининг мақсадини ва шу мақсадга йэтиш воситаларини англаш, тасаввур қилиш ва билиш билангина чекланиб қолмай, мақсадга йэтиш мумкинлигини, маълум бир йўлдан иш кўришга тайёрлигини ва қилинадиган ҳаракатларининг оқибатини кам англайди.

Шундай кишилар борки, уларда муайян тилак-ҳаваслар тарзида тамомила англанилган интилишлар доимо катта ўрин тутади. Бундай кишилар ўзларига нималар кераклигини, нимани ҳохлаётганликларини, нима иш қилмоқчиликларини ва уни қандай бажариш кераклигини ҳамиша биладилар. Бундай кишилар ўз олдиларига ҳамиша аниқ мақсад қўядилар ва шу мақсадга яраша иш кўрадилар. Бундай кишиларни маълум мақсадни кўзлайдиган

кишилар дейилади. Маълум мақсадни кўзлаш кишининг ижобий сифатидир. Бу сифатни тараққий эттириш , иродани тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялашнинг вазифаларидан биридир.

Ҳар бир кишининг англаб, билиб, кўнгилдан кечирадиган эҳтиёжлари кўп, унинг вазифалари ва интилишлари ҳам кам эмас. Шунинг учун кишида хилма-хил мақсадларда доимо зоҳир бўлиб туради ва бу мақсадларни рўёбга чиқариш истаги туғилади. Ҳар бир кишида амалий ва назарий вазифалар вужудга келиб туради ва ана шу вазифаларни ҳал этиш керак бўлади. Баровар амалга ошириб бўлмайдиган бир неча мақсад келиб чиққанда, қандай бўлмасин фақат биттасини танлаб олиб бошқа
мақсадларни қўйиб туришга тўғри келади. Қайси мақсадни олдинроқ, бошқасини эса кейинроқ амалга ошириш масаласини ҳал қилишга тўғри келади. Баъзи мақсадларни эса қўйиб туришга тўғри келади.

Баъзан шундай ҳам бўладики, киши олдида бир-бирига зид келадиган бир нечта мақсад кўндаланг туради ва шу мақсадлардан бирини танлаб олиш шарт бўлади. Масалан, йигит ёки қиз мактабни тугатиб, олий ўқув юртига кириб ўқисам, деган масалани ҳал етаётганда турли мақсадлар ва уларга йэтиш йўллари деган мақсадлар ўртасида ички қарама-қаршилик, ички "кураш" рўй бериши мумкин.

Мақсад қўйиш билан бир вақтда ёки ундан кейин шу мақсадга қайси йўл, усул ва воситалар билан йенгиш масаласи келиб чиқади.

Кундалик турмушимизда ёки фаолиятимизда мақсад қўйиш билан бирга уни амалга ошириш усуллари дарров англанади. Шунинг учун бу йерда мақсад қўйиш билан тўппа-тўғри ҳаракат бошланиб кэтиши мумкин. Масалан, киши қўлига қалам олишни ҳохласа, уни бемалол олиши мумкин, ухлагиси келса ётади ва ҳоказо. Оддий ихтиёрий ҳаракатлар шу билан таърифланади. Аммо янги мақсадларни қўйишда ўша мақсад усулларини қидириб топиш, тасаввур қилиш ва ўйлаб кўришга тўғри келади. Бу йерда мақсад битта бўлгани ҳолда унга бир неча йўл ва усул билан йэтишиш мумкин. Қандай бўлмасин енг яхши йўл ва усулни танлаб олишга тўғри келади. Айрим ихтиёрий ҳаракатларнинг мураккаблиги шулар жумласидан келиб чиқади.

Бир неча мақсад кўнгилга келиб, шулардан бирига турли йўл ва усуллар билан эришиш мумкин бўлса, киши муайян бир мақсадни танлаб олиши ва шу мақсадга йэтиш учун муайян енг мувофиқ йўлни танлаб олиши керак. Шунга кўра, ижтимоий меҳнат фаолиятда ҳам, касб-корда ҳам, шахсий ишларда ҳам, бошқа кишиларга бўлган муносабатда ҳам киши ўз интилишларини ва ихтиёрий ҳаракатларини олдиндан режалаштиради.

Режалаштириш мураккаб ақлий фаолият бўлиб, аниқ, муайян ва равшан мақсадни белгилаш, шунингдек шу мақсадга йэтиш учун енг тўғри усул ва воситаларни қидириб топишдан иборат. Режалаштириш жараёнида мумкин ва зарур бўлган ҳамма ҳаракатлар, мумкин бўлган қийинчиликлар ва тўсиқлар ҳисобга олинади, иш-ҳаракат натижаларига дастлабки баҳо берилади. Одам асосий режага эга бўлган бир қарорга келиши, мақсадига йэтишиши мумкин.

Ҳаракат мотивлари ва мотивлар кураши. Киши бирон мақсадни, айниқса, шу мақсадга йэтиш учун бирон йўл ва усулни танлар экан, нэга бошқа мақсадни эмас, худди шу мақсадни танлаши керак, бу мақсадга нима учун

бошқа йўллар билан эмас, балки мана шу йўллар билан ҳал этиши керак деган саволни кўнгилдан ўтказади. Мақсадни ва унга йэтиш йўлини танлаш жараёнида унга маъқул ёки номаъқуллиги нуқтаи назаридан баҳо берилади.

Мақсадни ва унга йэтишиш йўлларининг маъқуллиги ёки номаъқуллигини белгилаб берадиган ҳамма нарса ***иш-ҳаракат мотивлари*** деб аталади. Киши нэга бошқа бир мақсадни эмас, балки худди шу воситалар билан иш кўришни, ёки иш кўрмоқчи бўлаётганининг сабаби нима деган саволга жавоб мотив мазмунини ташкил этади.

Иродавий ихтиёрий ҳаракатлар ғайри ихтиёрий (иродадан ташқари) ҳаракатлардан фарқ қилиб, мотив туфайли содир бўлади. Инсон иродавий фаолиятининг мотивлари хилма-хилдир, кишининг интилиши ва ҳоҳишлари қайси эҳтиёжлардан келиб чиқса, аввало шу эҳтиёжлар ихтиёрий мотивларга киради. Маълум мақсад ва унга эришиш йўлларини танлаш кўпинча бирор эҳтиёжнинг мазмунига ва аҳамиятига боғлиқ. Кучлироқ эҳтиёж бошқа мотивлар орасида кучлироқ мотив бўлиши мумкин.

Бир неча мақсад ёки уларга олиб борувчи бир неча йўл бўлган тақдирда уларнинг маъқул ёки номаъқул эканлиги чамалаб кўрилади. Бирон мақсад ва бу мақсадни амалга ошириш йўлларини белгилаб берувчи ёки белгилаб бермовчи ҳар қандай нарса ***ҳаракатнинг мотиви*** деб аталади.

"Мотив - деб ёзади И.П.Иванов - киши нима учун ўз олдига бошқа бир мақсадни эмас, балки айнан шу мақсадни қўйиши керак, нима сабабдан у ўз мақсадига эришмоқ учун бошқа бир йўллар билан эмас, балки худди шу йўл билан ҳаракат қилиши керак деган саволга жавобдир".

Мақсад ва унга эришиш йўлларини танлаш жараёнида одатда тафаккур ва ҳиссиёт иштирок этади.

Тафаккур фаолияти (фикр қилиш) бу йерда асосан ҳар бир мотивга "қарши "ёки
"тарафдор"ликни муҳокама қилиб асослашдан иборат бўлади. Киши мотивларни муҳокама қилишда ва асослаб берганда одатда айни ҳодиса юзасидан ёки ўзининг хатти-ҳаракатларида доимо асосланадиган маълум бир фактлардан тамойил ва қоидалардан фойдаланади. Мотивни шу тариқа муҳокама қилиш ва асослаб бериш ***мотивациялаш*** деб аталади.

Мақсадни ва унга эришиш йўлини танлаш жараёнида ҳиссиёт туртки ролини ўйнайди. Ҳиссиёт айрим тасаввур ва мотивларни ёрқин, жонли ва жозибали қилиб кўрсатади. Ҳиссиёт кишининг интилишларини фаоллаштиради ва сусайтиради, ҳиссиёт бирон мақсадни, бирон ҳаракат йўлини танлаб олишга туртки беради.

Мақсадларга эришиш йўлларини ва воситаларини танлаш шароити баъзан ички кураш характерига эга бўлади, бу курашда турли куч ва жозибага эга бўлган бир неча мотив майдонга чиқади. Шунинг учун ҳам бу жараён ***мотивлар кураши*** деб юритилади.

Мотивлардан бири кўпроқ асосли, иккинчиси камроқ асосли эканлиги уларнинг кураш жараёнида ойдинлашиб қолади, баъзи мотивлар кучлироқ ҳиссиёт билан майдонга чиқса, баъзи мотивлар суст ҳиссиёт билан майдонга чиқади.

Кўпинча мотивлар кураши тафаккур (ақл) билан ҳиссиёт ўртасидаги курашдан иборат бўлади. Одам баъзан "иккига бўлиниб" қолади: "Ақл уни дэса, ҳиссиёт (кўнгил) буни дейди".

Мотивлар кураши баъзан ҳар хил ҳислар ўртасидаги, масалан, бурч ҳисси билан унга зид бўлган қандайдир бошқа шахсий ҳис ўртасидаги кураш тарзида боради.

Бу мотивлар кўпинча бир-бирига қарши таъсир кўрсатади, қарорга келиш ва уни ижро этишни пайсалга солиб, ирода жараёнини сусайтиради. Мотивларнинг бундай курашида кишида ички конфликт ҳолати вужудга келади.

Ана шундай ички зиддият ҳолати бу зиддиятдан қутилишга интилиши билан кўпинча шу зид ҳолатидан қутилиш йўлини йенгиллаштирувчи йўлларни ахтариш билан боғланган бўлади.

Ички низо ҳолати ғоят кўнгилсиз нохуш ҳолат сифатида кечишини ҳар ким ўз тажрибасидан билади. Киши дунё ва ҳаётни равшан тасаввур қилгандагина иш ва ҳаракатларига, ахлоқ қоидаларига амал қилгандагина унинг шахсий мотивлари жамият манфаатларига қўшилиб кетгандагина ички низо ҳолатига йўл қўймаслиги ёки ундан қутилиши мумкин.

Қарорга келиш. Мақсадга йэтишиш йўлларини ва воситаларини танлаш жараёнида режалаштириш, мотивлар кураши билан боғланган бўлиб, қарорга келиш билан тугайди. Қарорга келиш-муайян бир мақсадни ва шу мақсадга эришиш йўлида ҳаракат усулларидан бирини танлаб олиш демакдир. Мотивлар курашида бунинг маъноси шуки, мотивлардан бири ҳал қилувчи рол ўйнаган бўлади. Масалан, кечқурун қаёққа бориш керак - театргами ёки ўртоғининг ёнигами-деган мотивлар кураши натижасида киши бормоқчи бўлган жойи ҳақида қарорга келади.

Киши баъзан тез қарорга келади, бу қарорнинг бажарилиши мумкинлигига ишонади. Буни қатъият деб атаймиз. Баъзи мотивлар кураши узоқ вақтга чўзилиб кетади ва қарор бажарилишига ишончсизлик ҳамда иккиланишлар билан қабул қилинади. Бу қатъият сезгирликдир. Масалан, ўрта мактабни битираётган ва битирган баъзи йигит-қизлар қайси ўқув юртига ёки корхонага кириш масаласини тез ҳал қиладилар, бошқалари эса жуда узоқ вақт иккиланиб, хаёлга толиб юрадилар. Қатъият одамда жиддийлик вазиятининг йенгиллаштириши мамнунлик туйғусини туғдирса, қатъияцизлик иккиланиш ҳисси, жиддийлик туйғуси ва алоҳида ноаниқ ҳолат билан бирга содир бўлади.

Бирор қарорга келиш суръати бир қанча сабабларга, жумладан, эҳтиёжга, ҳал илувчи мотив кучига, вазиятга, ҳиссиётга тафаккур ва хаёлнинг тараққиёт даражасига, кишининг турмуш тажрибаси ва билимларига, темпераменти ва характерига, бошқа кишиларнинг насиҳат, буйруқ, илтимос таклифларига қулоқ солишига боғлиқ бўлади. Бирор қарорга келиш суръати асосан қўйилган мақсаднинг аҳамиятига, бирор қарорга келтирувчи фаолиятнинг характерига боғлиқ бўлади.

Мураккаб тарздаги мотивлар кураши ва қарорга келиш фақат шундай ҳолларда бўладики, бунда одамнинг ҳаёти ва фаолияти учун айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлган янги мақсадлар қўйилади ва бу мақсадларни амалга ошириш учун янгича усуллар ва восита талаб қилади.

Қатъият фақат тезлик билан қарорга келишдагина эмас, шунингдек бу қарорни тез ва дадил бажаришда ҳам зоҳир бўлади. Тезлик билан қарорга келиш ва уни аниқ белгиланган муддатда бажариш - қатъиятни намоён қилиш демакдир.

Қарор қабул қилинса-ю, кейин ўзгартирилса, ёки бошқа қарор билан алмаштирилса, ёхуд бутунлай бекор қилинса, бундай қарорни юзаки ёки ***бўш қарор*** деб аталади. Қатъият ва мустаҳкам қарорга келиш-ироданинг юксак сифатидир. Қабул қилинган қарорнинг ўзгариши кўпинча яна бу қарор тўғрисида йетарли даржада ўйламасликдан, емосионал ҳолатнинг ўзгаришидан ёки киши ҳаракат қилаётган шароит ўзгаришидан келиб чиқади. Қарорнинг ўзгариши кўпинча мотивлар курашининг қайтадан бошланиб кэтишига ва охирги марта қатъий қарор қабул қилишга олиб келади.

Қарорни ижро этиш. қарор унга мувофиқ келадиган чоралар кўриш ва ҳаракат қилиш учун қабул қилинади. қарордан ҳаракатга ўтишни ижро қилиш (ёки бажариш) дейилади. Иродавий жараёнда енг муҳим нарса-қабул қилинган қарорни ижро этишдир.

Иродавий ҳаракатлар икки хил бўлади: жисмоний ва ақлий ҳаракатлар. Жисмоний ҳаракатларга ҳар хил меҳнат операсиялари, ўйин, спорт машғулотлари ва бошқалар. киради. Ақлий ҳаракатларга эса масала йечиш, ёзма ишлар, дарс тайёрлаш, илмий тадқиот ишларини олиб бориш ва шу кабилар киради. Кўп вақт такрорланиб, ўзлашиб кетган кўникма ва одат бўлиб кетган ҳаракатлар ҳам мураккаб иродавий ҳаракатлардандир.

Қарорни ижро этиш одатда маълум вақт, муддат билан боғлиқ бўлади. Қарор кечикмасдан белгиланган вақтда ижро етилса бу ироданинг ижобий сифатидан далолат беради. Бу эса ишчанлик, пухталикни билдиради.

Аммо қабул қилинган қарор ҳамиша бажарилавермайди. Айрим ҳолларда эса ўз вақтида ижро етилмай қолади. Кишининг баъзи бир ҳолатларида аъзойи-бадани бўшашиб турганда, хафалик чоғида ўз кучлари ва имкониятларидан ҳафсаласи пир бўлиб турганда қарор ҳа деганда бажарилавермайди. қарорни бажаришда рўй берувчи тўсқинликлар олдиндан назарда тутилмаганда ёки мақсаднинг ўзи вазият ўзгариши билан керак бўлмай қолганда шундай бўлади.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики одам кўпгина қарор қабул қилади, аммо қарорнинг ижроси чўзилиб кетади, пайсалга солинади, бошқа муддатларга кўчирилади. Ижроси пайсалга солинадиган ёки бутунлай ижро етилмайдиган қарорлар кўпинча ниятлар деб аталади. Анча вақтдан кейин, лекин муайян муддат ўтгач ижро етиладиган қарорлар ҳам ниятлар деб аталади. Масалан, ўқувчи ёки талаба ўқув йилининг бошида барча имтиҳонларни фақат "аъло" баҳолар билан топширишга қарор қилиши мумкин.

Иродавий зўр бериш. Қабул қилинган қарор тўғридан-тўғри, автоматик равишда амалга оширилавермайди. қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун онгли равишда иродавий зўр бериш ҳам керак.

Иродавий зўр бериш онгнинг аввало нерв-мускул аппаратининг зўриқишида ифодаланади ва организмнинг ташқи кўринишларида намоён бўлади. Иродавий зўр беришнинг ана шу ифодали томони одамнинг ирода ҳолатини тасвирловчи бадиий асарларда гавдалантирилганини кўп учратиш мумкин.

Баъзи одам иродавий зўр беролмагани сабаблигина қабул қилган қарорни муддатида ижро етолмайди. Бундай ҳолларда "бажарсаммикан ёки йўқми" деган янги кураш ҳам боради. Зўр бериш учун яна куч сарфлашга тўғри келади. Куч сарфлай олмаслик ёки бу масалада иккиланиш ироданинг шу пайтдаги бўшлигини кўрсатади. Қабул қилинган қарорни зўр бериш йўли билан ижро этиш ироданинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Ироданинг ўзига хослиги онгли равишда зўр беришнинг бирон даражасида бажариладиган ҳаракатлардан иборат. Иродавий зўр бериш ва иродавий ҳаракат мақсадга эришиш йўлида учрайдиган тўсиқларни енгишда намоён бўлади. Кишининг иродаси жуда катта тўсиқларни йенгишга тўғри келганда, айниқса яққол кўринади. Иродавий зўр бериш ва иродавий ҳаракатлар йўли билан йенгишга тўғри келадиган тўсқинликлар икки хил: ички ва ташқи тўсқинликларга бўлиниши мумкин.

Иродавий зўр бериш йўли билан йенгишга тўғри келадиган ички тўсиқлар одам организми ва психикасининг ҳолатидир. Одам тинч ҳаракациз ва ҳеч қандай фаолияциз ҳолатда бўлиши мумкин, масалан, дам олиш, ухлаш, чарчаш, касаллик пайтида шундай ҳолат бўлади. Бирон иш билан шуғулланмай ҳаракациз ўтиришга, яъни ялқовликка ундовчи майл ҳам шундай ҳолатдан ҳисобланади.

Иродавий зўр бериш йўли билан аввало организмнинг пассив ҳолатини ўзгартириш уни фаол ҳолатга келтириш зарур бўлади. Масалан, ўрнида ётган киши (мотивлар кураши) турлича қарор қилади ва ўзини мажбур қилиб ўрнидан туради. Ялҳовликни йенгиш учун баъзан жуда кўп зўр беришга тўғри келади.

Иродавий зўр бериш йўли билан кишининг ақлий фаолиятини ҳам фаол ҳолатга келтирилади. Масалан, маъруза бошланиши билан талаба дарҳол иродавий кучни ишга солиб, диққатни бир жойга тўплайди, ироданинг барқарорлигини сақлаб қолади, тафаккур ва есда олиб қолиш жараёнларини кучайтиради.

"Ҳаракат қилиш ўзига қандай ўргатилган бўлса - дейди И.М.Сеченов - ҳаракатни тўхтатиб қолишни бошқаришга ҳам шундай ўрганмоқ керак".

Киши иродавий зўр бериш йўли билан ихтиёрсиз фаолликни батамом йўқотиб юбормайди, балки шу фаоллик кўринишларини фақат ўзгартиради, ёки босиб қўяди. Ихтиёрсиз фаоллик кўринишларини босилиши ***вазминлик*** деб аталади.

Ирода-аввало кишининг ўзини қўлга ола билиши, ўз интилишлари, ҳиссиётлари ва еҳтиросларини боса билиши демакдир. Ирода кишининг ўз-ўзини идора қила олиши, ўз хулқи ва фаолиятини англаб, билиб тартибга солиш ва бошқара олиш қобилияти демакдир.

Кишининг ички тўсиқларни йенга олиш, ўзини бошқариш ва ўз устидан ҳукмронлик қила олиш қобилияти одатда ***ички ирода*** деб юритилади. Киши иродавий зўр бериш йўли билан теварак-атрофдаги воқеликда учрайдиган ташқи тўсиқларни йенгиши зарур бўлади. Киши ўз олдига қўйилган мақсадни амалга оширишга қаршилик қилаётган тўсқинликларни йенгиб ўтади, воқеликни ўз мақсадига мувофиқ

равишда ўзгартиради ва уни ўз эҳтиёжларига мослаштиради. Инсоннинг тўсиқларни, ташқи қийинчиликларини йенга олиш қобилияти ***ташқи ирода*** деб аталади.

Аммо иродани фақат шартли равишда ички ва ташқи деб иккига бўлиш мумкин. Инсон иродаси битта, лекин у ташқи оламдаги ўзгартириш ва бошқаришга қаратилиши билан бирга шахсий, субъектив ҳолатларни ва жараёнларни бошқаришга қаратилиши ҳам мумкин. Модомики, шундай экан, ташқи тўсқинликларни йенгиш ички тўсқинликларни йенгиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсон ташқи оламга таъсир етар экан, ташқи олам ҳодисаларини бошқариш билан бир вақтда ўзини, ўз организмини, қўл-оёқ мускулларини ҳам бошқаради, уларнинг таранглигини кучайтиради ёки сусайтиради, уларнинг ҳаракатларини уйғунлаштиради, бутун организмнинг мослашиш вазиятини вужудга келтиради ва зарур пайтда бу вазиятни ўзгартиради ва ҳоказо. Шу билан бирга ихтиёрий ҳаракатлар, асосан меҳнат фаолиятида одамнинг ихтиёрий фаоллик кўринишларини тўхтатиб ва босиб туришга тўғри келади. Шунинг учун одамнинг иродавий зўр бериши ва ихтиёрий ҳаракатлари ташқи тўсқинликларни йенгишга қаратилиши билан бир вақтда организмнинг ички аҳволини ҳам ўзгартиради. Инсон теварак-атрофдаги воқеликни ўзгартирар экан, ўзини-ўз вужудини ҳам ўзгартиради.

Иродавий ҳаракатлар бажарилгандан кейин уларга баҳо берилади. Қарор ижро етилгандан кейин, баъзан эса қарорни бажариш жараёнида ҳам кўпинча ҳаракатларга баҳо бериш, қарорни қандай ижро етилганлигига баҳо бериш керак бўлади. Қарорни ижро этиш юзасидан қилинган баҳо бериш қабул қилинган қарорни ҳамда қилинадиган ишни маъқуллаш, оқлаш ёки қоралашдан иборат бўлади. Бу баҳо қабул қилинган қарор ёки бажарилган ҳаракатлардан мамнун бўлиш ёки мамнун бўлмаслик туфайли келиб чиққан махсус ҳиссий кечинмаларда ифодаланади. Салбий баҳо кўпинча қилинган ишларга пушаймон бўлиш, ачиниш, уялиш ва афсусланиш каби ҳислар туғилишига сабаб бўлади. Қилинаётган ёки қилинадиган ишларга бериладиган баҳо қабул қилинган қарорни ёки бажарилган ҳаракатларни маъқулловчи, оқловчи ёки қораловчи махсус ҳукмларда ифодаланади.

Қилинаётган ёки қилинадиган ишларга ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, естетик ва бошқа нуқтаи назардан баҳо берилади. Мана шундай баҳо беришдан келиб чиқадиган ҳис ва ҳукмларда кишининг дунёқараши, ахлоқий сифатлари ва тамойиллари, шу билан бирга характери ва қизиқиш - ҳаваслари ҳам яққол намоён бўлади.

Қарорни бажариш юзасидан қилинган ишларда кишининг ўзи баҳо берибгина қолмайди, балки киши қайси жамиятда яшаса ва ишласа ўша жамият ҳам баҳо беради.

Одам қилган ёки қилаётган иш ҳаракатларига теварак-атрофдаги кишилар ижобий баҳо бергандан кейин ички маънавий қаноат ҳис қилади хурсанд бўлади ва кучига куч қўшилгандек бўлади. Айрим иш-ҳаракатларига салбий баҳо берилганда эса киши ўзига хос уялиш ҳиссини кўнглидан кечиради ва виждон азобига учрайди.

Қилинган иш-ҳаракатга берилган баҳо кишининг фаолиятида катта амалий аҳамиятга эгадир. Бу баҳо кишининг кейинги фаолияти учун рағбат ва мотив бўлиб қолади. Салбий баҳо одатда айни фаолиятни тўхтатиш ёки ўзгартиришга мотив бўлади. Ижобий баҳо фаолиятни давом эттириш , кучайтириш ва янада яхшилашга, жумладан меҳнат унумдорлигини оширишга рағбатлантиради.

Шахснинг иродавий сифатлари

Кишининг иродавий сифатлари яъни ирода кучи, мустақиллиги жиҳатидан айрим ҳолларда турлича намоён бўлади. Иродавий сифатларнинг классификасияси схема тарзида қуйидагича ифодаланади.



Ҳар бир кишида ироданинг айрим сифатлари умр бўйи мустаҳкамланиб, шу одамнинг хусусий сифатлари (яъни доимий хислатлари) бўлиб қолиши мумкин. Шахснинг бу ўзига хос хусусиятлари ***характер хислатлари*** деб аталади. Ҳар бир кишидаги бирон бир иродавий сифатларнинг ҳар қандай намоён бўлиши шу киши характерининг хислати бўлавермайди.

Айрим ҳолларда ҳатто тасодифий равишда киши кучли ирода кўрсатиши мумкин, айрим ҳолларда мазкур кишининг иродаси, умуман кучли ирода кучи шу киши характерининг хислати эканлигидан далолат беравермайди. Бу кишининг иродаси кучли деб айтиш учун унинг ирода кучини бир марта эмас, бир неча маротаба намоён қилганини билмоқ керак.

Кишининг характерини таърифлаганимизда фалон киши дадиллик қилди, рост гапирди
дэмасдан, балки бу одам дадил, ростгўй, тўғрисўз деб атаймиз. Бунинг маъноси шуки дадиллик ва ростгўйлик, тўғрисўзлик шу одамнинг хусусиятларидир, характер хислатларидир, тегишли шароитда бу киши дадиллик, ростгўйлик, тўғрисўзлик хислатларига эга эканлигини намоён қилди деб айтамиз. Киши характерини, хислатларини билиб олгач, унинг бирон иш-ҳаракатда қандай йўл тутишини анча аниқ
билиб оламиз, олдиндан айтиб бера оламиз.

Ирода кучи ва характер қатъияти. Ирода маълум куч билан юзага чиқади: баъзи ҳолларда кишининг иродаси кучли суръатда намоён бўлса, бошқа ҳолларда кучсиз намоён бўлади.

Ирода кучи ироданинг муҳим сифатидир. Ирода кучининг турли даражаси иродавий жараённинг ҳамма босқичларида кўринади. Ирода кучи аввало эҳтиёжларни ҳис қилишда ва интилишда кўринади, биз кучли ҳамда кучсиз интилишларни, кучли ҳамда кучсиз ҳоҳишларни фарқ қиламиз.

Ирода кучи равшан ва аниқ мақсад қўйишда, шунингдек мазкур мақсадга йэтишишга ёрдам берадиган йўл, восита ва усулларни очиқ тасаввур қилишда намоён бўлади. Бу очиқ равшанлик даражаси эса кишининг турмуш тажрибасига, билимига ва умумий савиясига боғлиқ. Аниқ мақсад қўйишда инсон тафаккури ва айниқса реал хаёллар (фантазия)нинг тараққий этиши хусусиятлари катта ролъ ўйнайди.

Ирода кучи тезлик билан қарорга кела олишда ва қарорни мустаҳкамлигида, саботлиликда кўринади. Юксак ғоявий тамойилларга асосланган оқилона қатъиятлик ва саботлик кучли ирода белгиларидандир. Қатъияцизлик иккиланиш, қабул қилинган қарорнинг бажарилишига шубҳа билан қараш ва сабоцизлик ***кучсиз ирода*** белгиларидандир.

Ирода кучи жасорат деб аталадиган дадилликда айниқса равшан кўринади. Жасорат кишининг шундай ҳолатики, бунда киши тез қарорга келади ва уни бажаришга аҳд қилади. Ҳатто саломатлигини ва ҳаётини хавф остида қолдириши мумкинлиги ҳаёлига ҳам келмайди. Жасорат кишининг бошқа кишиларга эмас, балки ўзига берган амридир. Киши ахлоқий бурчининг талабига кўра, буюк мақсадга эришиш учун бир зумда ҳаёт билан ўлимдан бирини танлаб олса, бундай жасорат ирода кучи эканлигини кўрсатади.

Жасорат шундай қарорки, у гўё иш-ҳаракатга айланади. Бу иш-ҳаракат эса кучли зўр беришни талаб қилади. Характер хислати бўлган дадилликда одамнинг қанчалик пухта ўйлаб иш кўришига қараб, бу дадиллик махсус тусга киради.

Пухта ўйлаб иш кўришни ўзи юксак ғоявийликка ва кишининг ахлоқий тамойилларига асосланган тақдирда ижобий хислат ҳисобланади. Ўйлаб, шошмасдан бир қарорга келадиган кишиларни ***мулоҳазакор кишилар*** деб атаймиз.

Одатда ўзгарувчан айрим ҳислар кайфиятлар таъсирида тез бир қарорга келадиган характерли, дадил кишилар ҳам мавжуд. Булар ҳиссиётга бериладиган тасодифий кайфиятли кишилардир. Бундай кишилар одатда сабоцизлиги, шошма-шошарлиги ва калта ўйлаши билан ажралиб турадилар. Киши унча иккиланмасдан ўйлаб, эътибор билан тўғри бир қарорга келса ва шу қарорни дадил амалга ошира билса, дадиллик характернинг ижобий хислати бўлади.

Бир неча имкониятдан бирини танлаб олишга тўғри келадиган иш - ҳаракат бир қадар хавф-хатар билан боғланган бир мураккаб вазиятда дадиллик айниқса яққол кўринади. Қатъияцизлик характернинг салбий хислатидир, қатъияцизликда киши сустлик билан бир қарорга келади, қабул қилган қарорини кўпинча ўз вақтида бажармайди. Бундай одам қабул қилган қарори тўғрилигига шубҳаланади, турли имкониятлардан бирини танлаб олишда

иккиланади, айниқса қиладиган иш-ҳаракатлари хавф-хатар билан боғланган бўлса, шундай аҳволга тушади. Шу сабабли қатъияциз кишилар кўпинча кам фаолликлари билан ажралиб турадилар ёки умуман пассив бўлиб, ялқов, танбал деган таассурот туғдирадилар.

Саботлилик дадилликка чамбарчас боғлиқ бўлиб, характернинг ижобий хислати ҳисобланади. Характернинг бу хислатига эга бўлган кишилар қабул қилган қарорларини одатда ўзгартирмайдилар, бекор қилмайдилар ва бу қарорларини бажармасдан қўймайдилар. Бу кишилар ваъдаларининг устидан чиқадилар, айтган сўзларини албатта қиладилар, уларнинг гапи билан иши бир бўлади. Уларга ишонса бўладиган субутли инсонлардир.

Қабул қилинган қарорларини кўпинча бекор қиладиган, берган ваъдаларини устидан чиқмайдиган, айтган сўзидан тонадиган кишилар субуциз ҳисобланади.

Киши иродасининг кучи ва қатъияти характернинг иродага боғлиқ бўлган қайси хислатларида ифодаланган бўлса ўша хислатлар енг ёрқин хислатлардан ҳисобланади. Бу хислатлар ҳар бир кишининг характерида бир қадар намоён бўлади. Аммо ҳамма кишиларни ва ҳар қандай одамни иродаси кучли, характери кучли деб бўлмайди. Балки шу сифатлари билан бошқа кишилардан ажралиб турган одамларгина иродаси кучли, характери қатъий деб аталади. Ирода кучи ва қатъияти одамнинг ўзини
тута билишида, жасурлигида, матонатида ва чидамлилигида намоён бўлади.

Ирода кучи қабул қилинган қарорни ўз вақтида бажаришда кўринади. Шунинг учун қарорни бажармаслик ёки унинг бажариш муддатини доимо пайсалга солиш, галдан-галга қолдиравэриш, бошлаган ишини охирига йетказа билмаслик ироданинг кучсизлиги аломатидир.

Лекин қабул қилинган қарорни бажариш ҳар қандай қилинган иш-ҳаракатнинг, ироданинг кучли эканлигидан дарак беравермайди. Ирода кучи асосан иродавий ҳаракатлар ёрдами билан қандай тўсиқлар йенгилганига ва шу йўл билан қандай натижаларга эришилганлигига қараб аниқланади. Иродавий зўр бериш воситасида бартараф қилинадиган қаршилик ва қийинчиликлар даражаси ва характери ирода кучининг объектив кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Киши катта тўсқинликларни, қийинчиликларни, қаршиликларни иродавий зўр бериш ва иродавий ҳаракатлар ёрдами билан бартараф қилиб, зўр мувафаққиятларга эришса, бу киши иродаси кучли эканлигини кўрсатади.

Космоновтлар мислсиз ирода кучини бутун жаҳонга намойиш қилишади. Бу қаҳрамонлар космик парвозларга тайёрланиш даврида ҳам, парвоз пайтида ҳам ўз иродаларининг юксак сифатларини намойиш этадилар. Бу қаҳрамонлар кучли ирода ва унинг хилма-хил кўринишлари ўз характерининг асосий хислати бўлган кишиларнинг ёрқин мисолидир.

Киши иродасининг кучсизлиги унинг жуда арзимас тўсқинликларни ҳам бартараф қила олмаслигида кўринади. Масалан, баъзан киши бирон керакли хатни ёзишга ёки бирор зарур ишни бошлашга ўзини мажбур ета олмайди.

Ироданинг кучсизлиги одатда ***иродасизлик*** деб аталади. Қарорни бажариш жараёнидаги ихтиёрий иш-ҳаракатлардаги ирода кучи ўзини тута билишда, жасурлик, сабот ва матонат, чидам ва тоқатда намоён бўлади.

Ўзини тута билиш номидан ҳам билиниб турибдики, кишининг ўзини идора қила билиши ва ўзини қўлга ола билиши демакдир. Ўзини тута билиш кишининг олдига қўйган мақсадларига йэтишувида тўсқинлик қилувчи, иродасини бўшаштирувчи ички ҳолатларни йенгишда кўринадиган кучли иродадир. Бундай ҳолатларга масалан, қўрқиш, ўз кучларига ишонмаслик, зерикиш, қайғуриш ҳисси киради. Бундай ҳолатлар кишини фаолият кўрсатмасликка раҳбатлантиради ёки қўйилган мақсадларга қарама-қарши бўлган ғайри ихтиёрий ҳаракатларда ўз ифодасини топади. Бундай ҳолатлар ҳар кимда бўлади. Аммо одамнинг шахс сифатидаги хусусияти шундан иборатки, у ўзидан ана шу салбий ва кераксиз ҳолатларни ирода кучи билан ўзгартира олди ёки бартараф қила олади. Бу борада К.Д.Ушинский қуйидаги сўзларни келтириб ўтади: "қўрқувни ҳис қилмасдан хавф-хатарга ўзини урадиган киши мард эмас, балки енг кучли қўрқувни ҳам боса оладиган ва қўрқув таъсирига берилмаган, хавф-хатарни ўйламайдиган киши марддир".

Ўзини тута билиш киши характерининг хислати бўлиб, асосан ички ироданинг намоён бўлишидан иборат. Бу хислат кишининг ўз хулқ-атворини назорат қила билишда ўзини, ўз ҳаракатларини, нутқини қўлга ола билишида, шу шароитда кераксиз ёки зарарли деб қараладиган ҳаракатлардан ўзини тия билишида ифодаланади. Характер шу хислатига эга бўлган кишилар ўзларини қўлга ола биладилар. Улар ўзларини тута биладилар, улар уюшқоқ кишилардир.

Ўзини тута билмаслик ироданинг кучсизлигини яққол кўрсатувчи белгидир. Одам ўзини қўлга ола билмаганда ўз майлларини, ихтиёрсиз ҳаракатларини назорат қила олмаганда ғайри ихтиёрий фаоллик кўринишлари рефлекслар, инстинктлар, тасодифан кўнгилдан кечадиган ҳислар, қўрқув, ҳадик-шубҳа, гумон, ғазаб, рашк, ичиқоралик, аффектив ҳолатлар ва шу кабилар киши иродасини бўғиб қўяди. Бундай ҳолларда одам ўзини тия олмай қолади.

Ўзини тия олмасликнинг енг ёмон кўриниши бузуқликдир. Бузуқлик бутунлай инстинктлар ва салбий емоциялар таъсирида бўлиш демакдир.

Жасурлик кишининг омонлиги ва ҳаёти учун ҳавфли бўлган тўсқинликларни бартараф қилишда кўринадиган ирода кучидир. Масалан, парашютчи ҳар гал ўзини самолётдан ташлаганда жасурлик қилади. Жасурлик ўзини тута билишга чамбарчас боғлиқ. Жасурлик бор жойда ўзини тута билишлик мавжуд. Киши ўзини тута билса жасурлик қила олади. Бирон мақсадга йэтишиш йўлида мутассил жасурлик кўрсатиш, довюраклик ***жасорат*** дейилади.

Ўзининг ҳаёти учун хатарли тўсқинликларни йенгишга доимо тайёр турган ва шундай тўсқинликларни йенга оладиган кишиларни жасур кишилар деб атаймиз. Булар хавф-хатардан чўчимайдиган, характери кучли, довюрак, ботир кишилардир.

Жасурликнинг йўқлиги ироданинг кучсизлигини кўрсатади. Буни қўрқоқлик, ***номардлик*** деб атаймиз. Иродаси кучсиз бўлган бундай кишилар одатда қўрқоқ, ***юраксиз кишилар*** деб аталади. Сабот, матонат маълум мақсадга йэтишда кўпинча узоқ вақт давомида иродамизга таъсир етиб турувчи катта тўсқинлик ва қийинчиликларни бартараф қилишга тўғри келади. Ироданинг

бундай кўриниши шахснинг енг муҳим сифати бўлиб, ирода кучининг яққоллигини кўрсатади.

Сабот, матонат - қандайдир бир аниқ мақсадни кўзлаб, мунтазам равишда иродавий зўр бериш демакдир.

Аммо кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятида баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, киши ўз олдига қўйган қандайдир зарур мақсадларни бажаришда йетиб бўлмайдиган ёки кишига шундай бўлиб туюладиган тўсқинликларга учраб қолади. Бундай ҳолларда киши баъзан қабул қилган қарорни ўзгартиради, бекор қилади, у қийинчиликлардан қўрқиши ва ўз олдига қўйган мақсадидан воз кечиши мумкин. Баъзан шундай бўладики, талаба тўсатдан ўқишни ташлайди. Илгари танлаган эҳтиёжидан воз кечади, бошлаган ишини охирига йетказмай, ўлда-жўлда қолдириб кетади.

Киши ўз ҳаракат, мақсадини яхши ўйламаганда мақсадга йэтишса, ёрдам бера оладиган восита ва усулларни пухта ўйламаганда, ўзининг куч - имкониятларини йетарли ёки тўғри ҳисобга олмаганда одамда белгиланган мақсаддан шу тариқа қайтади, иродасида чекинади. Дастлабки муваффақияцизликка ҳаддан ташқари катта аҳамият берилганда, бу муваффақияцизликка нотўғри, ёки йенгил баҳо берилганда, унга фақат салбий томондан қараганда шундай бўлади. Киши муваффақияцизликка учраш билан бир вақтда ўз кучларига, ўз имкониятларига, ўз қобилиятларига ишонмаганда одам "руҳи тушиб", ўзини пассивликка қўл қовуштириб ўтиришга маҳкум этади. Албатта умуман иродаси кучсиз кишиларда шундай бўлади. Бундай кишилар иродасининг ўсмаганлиги, етарлича тарбияланмаганлиги билан фарқ қилади.

Аммо иродали мавжудот бўлган одам ҳаёт ва фаолиятида жамият ёки ўзи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мақсадидан қайтмаслиги ҳам мумкин. У ирода кучига зўр бериб, тўсқинликларга қарши курашни кучайтириши, қабул қилинган қарорига яраша узоқ вақт иш кўриши мумкин. Барча тўсқинлик ва қийинчиликларга қарамай у зарур натижани қўлга киритмоқ учун дамба-дам, орада вақт ўтказиб зўр бериши, ғайратини кўрсатиб ишлаши мумкин.

Кутилган мақсадга йэтишда катта қийинчиликлар ва йенгиб бўлмайдиган тўсиқлар бўлса, киши шу мақсадга йэтиши учун зарур йўл, восита ва усулларни ўзгартириб, янги усулларни қидириб топиши мумкин. Катта тўсқинликларни бартараф қилиб, узоқ қунт қилиб, мақсадга йэтишда кўринадиган бундай ирода кучи ***сабот-матонат*** деб аталади. Шундай ирода сифатига эга бўлган киши эса сабот-матонатли,
кучли иродали, қатъий характерли киши деб аталади.

Ҳар қандай фаолиятнинг, жумладан ўқиб, ўрганишнинг муваффақияти сабот-матонатга боғлиқ. Билимли бўлмоқ учун сабот-матонат керак. Ҳар бир соҳада-техника, санъат, музика, спорт ва шу каби соҳаларда билим ва малака ортирмоқ учун сабот-матонат керак.

Сабот-матонат характернинг енг қимматли хислатидир. Бу хислат кишининг мақсадга йэтиш йўлида қандай қийинчилик ва тўсқинликлар бўлишидан қатъий назар шу мақсадга эришишида ўз ифодасини топади.

Характер хислати бўлган сабот-матонат баъзи кишилар фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади бошқа кишиларда эса бу хислат уларнинг манфаатлари билан боғланган, ва айрим фаолият соҳаларида кўринади.

Сабот-матонатли кишилар бошлаган ишларини ҳамиша охирига йетказа биладилар. Улар ўзларига нисбатан ҳам бошқа кишиларга нисбатан ҳам талабчан бўладилар.

Сабот-матонатли кишилар муваффақияцизликка учраганда руҳини туширмайди, балки аксинча, мақсадга эришиш учун ишга янада қатъийроқ киришади, шу мақсадга эришишнинг янги йўл ва воситаларини излаб топади.

Сабот-матонатли кишилар ўзига ва бошқа кишиларга нисбатан талабчанлиги билан ажралиб турадилар. Улар белгиланган йўлдан юришларига тўсқинлик қила оладиган ҳамма нарсага қарши тура оладиган, бу тўсқинликларни йенга оладиган матонатли кишилардир.

Сабот-матонат ироданинг чидам ва тоқат деган сифати билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Мақсадга йэтишда бартараф қилинадиган тўсқинлик ва қийинчиликлар кишидан куч ва вақт сарф қилишни талаб етибгина қолмай, балки кўпинча жисмоний ва руҳий азоб беради ҳам.

Кишининг ўз фаолиятида баъзан совуқ ва иссиқдан, ёмғир ва қордан, қаттиқ толиқиш, оч қолишдан, ҳамма турли касалликлардан азоб чекадиган киши ўз олдига қўйган мақсадига содиқ бўлиб шу мақсадга йэтишга интилаверса, бундай интилишларда кўринадиган ирода чидам ва тоқат деб аталади. Одамнинг организмидаги йемирилиш жараёнларини йенгишда ифодаланадиган ажойиб ирода ўзини тута билиш ва матонатда кўринади. Бу борада қуйидаги мисолни келтириб ўтиш жоиз.

Собиқ совет учувчиси Алиевнинг бир ўзи ҳаво жангида душманнинг йеттита самолётига қарши мардонавор курашди ва ҳаммасини уриб туширди. Кучлар тенг бўлмаган бу жангда Алиевнинг самолётини душман ўқлари тешиб юборган еди. Алиев ўзи бир неча бор яраланди. Аммо у ўзини йўқотиб қўймай, самолёти билан ўз аеродромига бориб қўнди. Аеродромига йетиб боргунча душман эгаллаб олган йерлардан учиб ўтиши керак еди. Душманнинг зенит тўплари Алиевнинг самолётини қаттиқ ўққа тутди ва самолётининг бир неча жойини снаряд парчалари тешиб юборди. Учувчи яна бир неча марта яраланди. Лекин Алиев бу сафар ҳам саросимага тушмай самолётини бошқариб бораверди ва уни ўз аеродромига есон-омон қўндирди. Самолёт кабинаси очилганда учувчи ўлган еди. У икки қўлидан, оёғидан, курагидан, йелкасидан, орқасидан, жағидан ва бошидан яраланган еди. Врачнинг аниқлашишича, оғир ярадор бўлган Алиевнинг бу ҳолда уча олиши сира мумкин эмас еди. Аммо Алиев самолётини бошқариб, аеродромга тўғри қўна олган. Учувчининг иродаси ва ўзини тута билиши туфайли ўқнинг йемирувчи кучларидан ғолиб келиб, умрининг сўнгги дақиқаларини чўзишга эриша олди.

Сабот-матонатли чидамли ва тоқатли кишилар мақсадга йэтишишда ва қийинчиликларга қарши кураш жисмоний ва руҳий азобларга ҳамда бошқа машаққатларга чидай оладилар. Улар ҳар қандай вазиятда ўзларини тута оладилар, жасурлик, мардлик, ботирлик, қатъият кўрсата оладилар .

Бундай характерли кишиларга оптималлик кайфияти, ҳаётга қувноқлик билан қараш, порлоқ келажакка доим ишонч билан боиш, бошқа кишиларга ўз кучлари ва меҳнат имкониятларига йэтишиш каби хислатлар хосдир.

Ўзини тута билиш жасурлик сабот-матонат, чидам ва тоқатда кўринадиган кучли ирода мардлик деб аталади. Шу сифатлар билан фарқ қиладиган кишилар эса ***мард кишилар*** деб аталади.

Кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятида шундай ҳоллар кўп бўладики, бунда одам зарур пайтида ўзини тута олмай қолади, жасурлик, сабот-матонат, интизомлилик кўрсата олмайди. Характер хислати иродасиз кишилар мавжуд, бундай кишилар иродаси кучсиз ёки ***иродасиз кишилар*** дейилади. Бундай кишилар иродаси кучсиз ёки ***чидамсиз кишилар*** дейилади. Булар хатто арзимас қийинчилик ва тўсқинликларни ҳам бартараф қила олмайдиган кишилардир. Булар салгина муваффақияцизлик ёки қийинчилик келиб чиққанда ҳам ўз олдига қўйган мақсаддан воз кечиб иш ҳаракатини тўхтатадиган, ўз қарорини бекор қиладиган юраксиз, қўрқоқ кишилардир. Улар вазият талаб қилганда зарур жасурлик сабот-матонат, чидам, тоқат, қатъият кўрсатмайдилар. Булар чўчима, ялқов жони пахта кишилардир. Бундай кишиларнинг хатти-ҳаракатлари одатда уларнинг ўзидан кўра ташқи шароитга боғлиқ бўлади.

Бундай характер хислатларга эга бўлган кишилар пессимистик кайфиятда бўлиб, дунёга ва ҳаётга умидсизлик билан қарайдилар. Улар доимо барча кишиларнинг салбий, ёмон томонларини кўрадилар, бу кишиларнинг фикрича, ўзларининг барча камчиликлари ва муваффақияцизликларининг сабабчиси бошқа кишилардир. Бу хилдаги баъзи кишилар пассив бепарво кайфиятда бўладилар.

Ироданинг мустақиллиги. Кишиларинг иродавий ҳаракатларига уларнинг мустақиллик даражасига қараб ҳам баҳо берилади. Иродавий ҳаракатларнинг мустақиллиги кишининг аввало ташаббускорлигида кўрилади. Ташаббускорлик бирор бир ишни шахсан бошлаб юбориш демакдир. Ташаббускорлик одатда теварак-атрофдаги шароит ҳамда ижтимоий ҳаёт талабларини епчиллик, моҳирлик билан ҳисобга олиш ва кўпинча келажакни, янгиликни олдиндан кўра билиш қобилияти билан бир вақтда намоён бўлади.

Ташаббускор киши шахсий ҳаётида ҳам, ижтимоий фаолиятида ҳам вазият ва турмуш талабларини ҳисобга ола билади, шу билан бир вақтда вазифаларни илгари суради, қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун йўл ва воситалари танлайди ва бу вазифаларни ҳал этишда фаол иштирок этади. Мустақиллик қилинилмаган ва қилинилган иш-ҳаракатлар учун жавобгарлик сезишда кўринади. Жавобгарликни сезиш айни ҳаракатларнинг тўғрилигига, мақсадга мувофиқ эканлигига ва зарурлигига ишонч ҳосил қилиш демакдир.

Ироданинг мустақиллиги яна бошқа кишиларнинг фикр, маслаҳат ва таклифларини танқидий кўз билан мулоҳаза қилиб чиқишда ҳам кўринади. Танқидий кўз билан мулоҳаза юритиш характер хислати бўлиб, бошқа кишиларнинг бирга маслаҳат ва таклифларини диққат билан таҳлил қилишда кўринади, характернинг шу хислати бўлган киши бошқа кишиларнинг фикр ва маслаҳатларига эътибор билан қулоқ солади, уларга муайян тамойиллар нуқтаи

назаридан баҳо беради, ижобий фойдали нарсани қабул қилиб ундан фойдаланади, салбий бефойда нарсани далиллар билан рад этади.

Айрим кишиларнинг ирода мустақиллиги баъзан қайсарлик каби махсус ҳолатда кўринади. Бу ҳолат шундан иборатки, одам бошқа кишиларнинг айтган ҳамма гапларига, маслаҳат, илтимосларига қаршилик кўрсатади. қайсарлик қилаётган одам ё буюрилган ишни қилмасдан, ўз билганини қилаверади ёки буюрилган ишни тескарисини қилади.

Интизомлилик - характер хислати бўлиб, жамият талабларига онгли равишда ўз ихтиёри билан бўйсина билишда кўринади. Интизомлилик, жумладан, белгиланган тартибга аниқ риоя қилишда, олинган ваъдани виждонан бажаришда, ўз бурчига онгли равишда бўйсинишда ўз ифодасини топади.

Интизомли киши мустақил ташаббускор бўлиб, айни вақтда қабул қилинган қарорларни сўзсиз ижро этади, жамият манфаатларига ва ахлоқ тамойилларига итоат қила билади.

Мустақиллик айни вақтда ироданинг кучли эканлигини ҳам кўрсатади. Ирода кучи катта тўсқинликларни бартараф қила олиш қобилияти билангина ифодаланмай, ташаббускорлик кўрсатиш, мустақиллик, дадиллик кўрсатиш ва қабул қилинган қарорлар учун, ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулият сезиш билан ҳам таърифланади.

Ироданинг ахлоқийлиги ҳаёт ва фаолиятда ирода кучи, унинг мустақиллигига ижобий ёки салбий баҳо берганда қандай тўсқинлик ва қийинчиликлар бартараф қилинганлигини назарда тутиш билангина чекланиб қолмай, асосан кишининг ахлоқий қиёфаси иродавий ҳаракатларда қанчалик ифодаланиши, бирон одамнинг иродаси нақадар ахлоҳий эканлиги ҳам назарда тутилади.

Ироданинг ахлоқийлиги деганда одатда киши ўз олдига қандай мақсадлар қўйилиши, бу мақсадларга қандай воситалар билан эришиши, иродавий интилишлар (хоҳишлар) қандай майллар туфайли келиб чиқиши ва маълум бир қарорга келишида қандай тамойилларга амал қилишни назарда тутамиз.

Иродавий ҳаракатларда кишининг ахлоқий хислатлари намоён бўлса, ирода кучи ижобий аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Иккинчидан, кишиларнинг ахлоқий ҳисларлари ҳақида фикр юритилганда айтилган сўзларни эмас, балки уларнинг маънавий қиёфасини кўрсатадиган иродавий ҳаракатларни назарда тутамиз. Шунинг учун кучли ироданинг мардлик, ўзини тута билиш, сабот-матонат, чидам ва жасурлик каби хусусиятлари ироданинг ахлоқий сифатлари деб ҳисоблаймиз.

Киши бирор қарорга келишда ўз қарори ва ҳаракатлари учун ахлоқий масъулият сезса, унинг иродаси ахлоқий ҳисобланади.

Кишининг чинакам ахлоқийлиги маънавий қиёфаси, сўзида ва муҳокамаларида эмас, балки фаолиятида, ишида ва асосан меҳнатда, яъни меҳнатга ва ишнинг ўзига меҳр қўйишида намоён бўлади.

Ўзининг интилиш (майлларида), қарор ва ҳаракатларида ҳар доим ахлоқ тамойилларига амал қиладиган кишиларни ахлоқли кишилар деб атаймиз.

Ирода борасидаги назариялар

Ироданинг тадқиқоти узоқ тарихга эга бўлиб, у инсон онгининг моҳиятини кашф қилишдан бошланиб, муайян билимлар тўпланиши туфайли шахснинг иродаси табиатини тушунишга илмий ёндашув вужудга келган даврга ча бўлган тарихий йўлни босиб ўтган.

Арасту ўз даврида иродани жон ҳақидаги фаннинг муҳим тушунчаси деб еътироф етган. Унинг фикрича, ирода инсон хулқ-атворини ўзгартиришини бошқариш имкониятига эга бўлган омил ҳисобланади.

Гуманитар йўналиш, яъни инсон муаммоларига эътиборнинг ортиши билан ўз-ўзидан иродани ўрганиш ҳам долзарб масалага айланиб бормоқда. ХВИИИ-ХИХ асрларда бу муаммо енг марказий психологик тадқиқот масалаларидан бири еди. Бироқ психология фанида ХХ аср бошларида рўй берган инқироз туфайли у иккинчи режага ўтиб қолди, уни мутлақо инкор этиш мумкин эмас.

ХВИИ асрдаёқ **Гоббс** ва **Спинозалар** таъкидлаб ўтганларидек, фаоллик манбаини бемаҳсул соҳанинг пайдо бўлиши, деб тушунтириш мумкин эмас, чунки унинг шахсий куч-қувватини ҳиссий интилиш билан узвийликда қараш лозим. Спинозанинг фикрича, ирода билан ақл айнан бир нарсадир. Унга бундай ёндашиш ироданинг илмий нуқтаи назардан тушунтиришни шакллантирган бўлса, иккинчи бир томондан у мустақил субстансия сифатида тан олинди. **В.Вундтнинг** мулоҳазасича, ироданинг негизида апперсепсия актининг субъекти томонидан ички фаоллик уники эканлигини ҳис этиш ётади. Унинг бу консепсияси емосионал ёки аффектив ном билан психология фанига кириб келди. **У.Джеймснинг** тан олишича, иродавий ҳаракатлар бошқа руҳий жараёнларга қориштириб бўлмайдиган бирламчи хусусиятга эгадирлар. Ҳар қандай ғоя дастлаб динамик тенденсияга эга бўлганлиги туфайли иродавий актнинг вазифаси диққат ёрдами билан бир ғоянинг бошқаси устидан устуворлигини таъминлашдан иборатдир.

Етарли даражада қатъий фикр қарор топганлиги, ирода - бу инсоннинг қўйилган мақсадларига эришиш учун қилган фаоллигидир. Ирода тушунчаси моҳиятига инсон томонидан мақсад ғўя олиш каби шахсий гавдасини ва хулқини идора қилиш ҳам киритилади. **И.В.Селиванов** иродани тадқиқ этиш негизидан келиб чиққан ҳолда айрим хулосаларни чиқаради:

*а) **ирода**-бу шахснинг ўз фаолиятини ва оламдаги ўзини-ўзи бошқариш шаклларини англашнинг тавсифидир;*

*б) **ирода**-инсон яхлит онгининг бир томони ҳисобланиб, у онгнинг барча шакл ва босқичларига тааллуқлидир;*

*в) **ирода**-бу амалий онг, ўзгарувчи ва қайта қурилувчи олам, шахснинг ўзини онгли идора қилишликдир;*

*г) **ирода**-бу шахснинг ҳиссиёти ва ақл-заковати билан боғлиқ бўлган хусусиятидир, аммо қайсидир ҳаракатининг мотиви, турткиси ҳисобланади.*

В.И.Селиванов ироданинг психологик жабҳаларини ёритаётиб, у шундай ғояни илгари суради, инсоннинг онгини жараёнлар, ҳолатлар, хислатларни ўзида мужассамлаштирувчи яхлит тизим сифатида тасаввур қилиш мумкин. Шахснинг у ёки бу онгли ҳаракати ўзининг тузилишига кўра бир даврнинг ўзида ҳам ақлий, ҳам ҳиссий, ҳам иродавий ҳисобланади.

Тадқиқотчи **В.И.Иванников** эса иродани мотивациянинг ихтиёрий шакли сифатида тушунади. Шунингдек, ҳаракат маъносининг ўзгариши ҳисобига тармоқловчи ёки қўшимча турини яратувчи имконият янги реал мотивларни ҳаракат билан бирлаштирувчи, ёинки вазиятнинг тасаввур мотиви тариқасида талқин қилади. Иродавий бошқарув эса ҳаракатни "ихтиёрий бошқарув кўринишларининг биттаси сифатида" тушунилади, бунда бошқарув мотивациянинг ихтиёрий ўзгариши орқали амалга оширилиши сифатида қаралади.

Келтирилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, психология фанида иродани тушуниш, таърифлаш бўйича бир хил муносабат яратилмагандай, иродавий сифатларнинг маънавий асосини таҳлил қилиш юзасидан ҳам умумийлик, мустақиллик, қатъиятлилик, сабр-тоқатлилик, интизомлилик, дадиллик, жасоратлилик ва тиришқоқлиликни киритади.

П.М.Якобсон бўлса, ироданинг муҳим сифатлари сифатида мустақиллик, қатъийлик, тиришқоқлик ўзини уддалашни кўрсатади. Инсонда намоён бўладиган иродавий сифатлар сарасига А.И.Шчербаков қуйидагиларни киритади: собитқадамлик ва ташаббускорлик, ташкиллашганлик ва интизомлилик, уринчоқлик ва қатъиятлилик, чидамлилик ва ўзини уддалашлик, ботирлик ва жасоратлилик.

Ирода борасидаги тадқиқотларда "ишонч" атамаси қўлланилиши камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Шунга қарамасдан ишонч, ирода сифати тариқасида тадқиқ етилишга ҳақлидир. Бунинг учун **А.И.Шчербаков** томонидан қуйидагича тадқиқот иши амалга оширилган. Тадқиқотчининг таъкидлашича, бир талабага қисқа вақт (фурсат) ичида инсититутни тугатиш таклиф қилинган, лекин синалувчи бу ишни уддасидан чиқа олмасликни ошкора билдирган. Шундан сўнг тадқиқотчи талабада ўз кучига ишонч уйғотишни мақсад қилиб қўйган ва унда иродавий зўр бериш, қийинчиликларни йенгиш воситаларини шакллантирган. Бунинг натижасида талаба ўз мақсадига эришишга мушарраф бўлган. Худди шу боис ҳозирги замон психологиясининг иродага оид назарияси заифлиги туфайли иродавий сифатларни таснифлашнинг асосий тамойили ишлаб чиқилмагандир.

Таянч иборалар

Абулия (юнон. Абуле - иродани инкор етмоқ) - енг оддий, осонгина масалалар бўйича ҳам маълум қарорга келиш қобилияти йўқлигида намоён бўладиган ўта иродасизлик.

Ирода еркинлиги - фалсафий - аҳлоқий категорияни ифода этувчи тушунча. У ўз - ўзини аниқлаш жараёнида киши иродасининг мослашишига боғлиқ.

Локус назорат (лот. локус жой) - одамнинг ўз фаолияти натижаларига жавобгарлигини ташқи кучлардан кўриш (екстернал, ташқи локус назорати) ёки ўзининг қобилиятларини интилишлардан кўриш хислати (интернал, ички локус назорати).

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Ирода ҳақида тушунча.
2. Иродавий фаолиятнинг умумий хусусиятлари.
3. Ирода назариялари.

4. Иродавий акт ва унинг тузилиши.
5. Шахснинг иродавий сифатлари.
6. Иродани тарбиялаш.
7. Ироданинг индивидуал хусусиятлари.

Тест топшириқлари

1.Қайси қаторда ирода тушунчасига тўғри таъриф берилган?

А) мақсадга эришиш учун зарур бўлган иродавий зўр бериш Б) муаммонинг ҳал этишнинг бирор усулини танлаш В) онг томонидан тўлиқ назорат қилинмайдиган ва беихтиёр тарзда бажариладиган ҳаракатлар Г) мақсадга эришиш йўлида турган қарама қаршиликларни бартарф қилиш учун зўр бериш билан боғлиқ бўлган ва маълум мақсадга йўналтирилган онгли ҳаракатлар Д) ички ва ташқи қийинчиликларни йенгиш учун хатти-ҳаракатларни танлаш имкониятида намоён бўладиган руҳий акс эттириш шакли

2.Қайси қаторда иродавий ҳаракат тушунчасининг мазмуни келтирилган?

А) мақсадга эришиш учун зарур бўлган иродавий зўр бериш Б) муаммонинг ҳал этишнинг бирор усулини танлаш В) онг томонидан тўлиқ назорат қилинмайдиган ва беихтиёр тарзда бажариладиган ҳаракатлар Г) мақсадга эришиш йўлида турган қарама-қаршиликларни бартарф қилиш учун зўр бериш билан боғлиқ бўлган ва маълум мақсадга йўналтирилган онгли ҳаракатлар Д) ички ва ташқи қийинчиликларни йенгиш учун хатти-ҳаракатларни танлаш имкониятида намоён бўладиган руҳий акс эттириш шакли

3. Қайси қаторда ирода кучи тушунчасининг мазмуни келтирилган?

А) мақсадга эришиш учун зарур бўлган иродавий зўр бериш Б) муаммонинг ҳал этишнинг бирор усулини танлаш В) онг томонидан тўлиқ назорат қилинмайдиган ва беихтиёр тарзда бажариладиган ҳаракатлар Г) мақсадга эришиш йўлида турган қарама-қаршиликларни бартарф қилиш учун зўр бериш билан боғлиқ бўлган ва маълум мақсадга йўналтирилган онгли ҳаракатлар Д) ички ва ташқи қийинчиликларни йенгиш учун хатти-ҳаракатларни танлаш имкониятида намоён бўладиган руҳий акс эттириш шакли

4.Қайси қаторда импулсив ҳаракат тушунчасининг мазмуни келтирилган?

А) мақсадга эришиш учун зарур бўлган иродавий зўр бериш Б) муаммонинг ҳал этишнинг бирор усулини танлаш В) онг томонидан тўлиқ назорат қилинмайдиган ва беихтиёр тарзда бажариладиган ҳаракатлар Г) мақсадга эришиш йўлида турган қарама-қаршиликларни бартарф қилиш учун зўр бериш билан боғлиқ бўлган ва маълум мақсадга йўналтирилган онгли ҳаракатлар Д) ички ва ташқи қийинчиликларни йенгиш учун хатти-ҳаракатларни танлаш имкониятида намоён бўладиган руҳий акс эттириш шакли

5.Инсондаги иродавий ҳаракат қандай тамойилга асосланади?

А) онг ва фаолият бирлиги Б) онгни фаолиятда ривожланиши В) детерминисм
Г) еволюсион қонуниятга Д) ҳеч қандай тамойилга

6.Ирода еркинлиги таълимотига кўра ……

А)иродавий ҳаракатлар одамга ирсий йўл билан берилади. Б) иродавий ҳаракатлар инсон шахсига онгига боғлиқ эмас В) иродавий ҳаракатлар илоҳий кучга боғлиқ

Г) одамнинг иродаси азалдан белгилангандир.Д) иродавий ҳаракатлар ҳеч қандай сабабга боғлиқ эмас

7. Иродавий ҳаракатларнинг нерв физиологик асосини нима ташкил қилади?
А) бош мия катта ярим шарлари пўстининг шартли рефлекслари ва иккинчи сигналлар тизими Б) иккинчи сигналлари тизими В) олий нерв фаолияти типлари Г) шарсиз ва шартли рефлекслар Д) динамик стеротип
8.Ирода инсон хулқ-атворини ўзгартиришга бошқаришга имкониятига эга бўлган омил ҳисобланади. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?
А) Афлотун Б) Арасту В) Суқрот Г) В.А.Иванников Д) В.И.Селиванов
9.Ирода борасидаги тадқиқотлар қачондан бошланди?
А) инсон онгининг моҳиятини кашф қилиниши Б) ирода борасидаги муайян билимларни тўпланганлиги В) инсон онгининг моҳиятини кашф қилиниши ва ирода борасидаги муайян билимларни тўпланганлиги Г) шахс муаммосига қизиқишнинг ортиб бориши билан Д) барча жавоблар тўғри
10.Ирода ва ақл айнан бир нарсадир. Мазкур фикр муаллиф қайси қаторда келтирилган?
А) Гобсс Б) Спиноза В) У.Джемс Г) В.Вундт Д) В.И. Селиванов
11.Иродани негизида апперсепсия актининг субъект томонидан ички фаоллик уники эканлигини ҳис этиши ётади. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда келтирилган?
А) Гобсс Б) Спиноза В) У.Джемс Г) В.Вундт Д) В.И. Селиванов
12.Иродавий ҳаракатлар бошқа руҳий жараёнларга қориштириб бўлмайдиган бирламчи хусусиятга эгадирлар. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда келтирилган?
А) Гобсс Б) Спиноза В) У.Джемс Г) В.Вундт Д) В.И. Селиванов
13.В.Вундт томонидан ирода борасидаги консепсияси қандай ном билан номланади?
А) тарихий маданий Б) ақлий ҳаракатларни босқичма босқич шакллантириш назарияси В) емоционал Г) емоционал ёки аффектив Д) аффектив когнитив
14.В.И.Селиванов томонидан ирода борасидаги хулосаси қайси қаторда кўрсатилган?
А) ирода - бу шахснинг ўз фаолиятини ва ташқи оламдаги ўзини-ўзи бошқариш шаклларини англашнинг тавсифидирБ) ирода - инсоннинг яхлит онгининг бир томони ҳисобланиб у онгнинг барча шакл ва босқичларига тааллуқлидир.В) ирода - бу амалий онг ўзгарувчан ва қайта қурилувчи олам шахснинг ўзини онгли идора қилишликдир.Г) ирода - бу шахснинг ҳиссиёти ва ақл-заковати билан боғлиқ бўлган хусусиятидир, омма қайсидир ҳаракатнинг мотиви (турткиси) ҳисобланади.Д) барча жавоблар тўғри
15.Ирода онгли бажарилиши мақсадга йўналтирилган ҳаракатни амалга ошириш учун ички ва ташқи қийинчиликларни йенгиб кэтиш имконияти борлигини билиш деб таърифланади. Мазкур таъриф муаллифи қайси қаторда келтирилган?
А) В.А.Селиванов Б) В.А. Иванников В) В.А.Крутеский Г) П.М.Якобсон
Д) А.И.Шчербаков
16.Ирода - инсон хулқ-атворидаги реактивлик ва фаолликнинг ўзаро кўринишидир. Мазкур фикр муаллифини аниқланг?

А) В.А.Селиванов Б) В.А. Иванников В) В.А.Крутеский Г) П.М.Якобсон
Д) А.И.Шчербаков

17.Қайси олим ўз асарларида иродавий сифатлар таркибига собтқадамлик мустақиллик қатиъятлилик сабр-тоқатлилик интизомлилик дадиллик жасоратлилик ва тиришқоқликни киритади?

А) В.А.Селиванов Б) В.А. Иванников В) В.А.Крутеский Г) П.М.Якобсон
Д) А.И.Шчербаков

18.Қайси олим ироданинг муҳим сифатларига мустақиллик қатъятлилик тиришқоқлик ўзини уддалашларни киритади?

А) В.А.Селиванов Б) В.А. Иванников В) В.А.Крутецкий Г) П.М.Якобсон
Д) А.И.Шчербаков

19.Иродавий сифатлар муаммосига турлича ёндашиб қуйидаги сифатларга ажратган психолог олимни аниқланг, яъни иродавий сифатларга собитқадамлик ва ташаббускорлик ташкиллашганлик ва интизомлилик уринчоқлик ва тиришқоқлик дадиллик ва қатъиятлилик чидамлилик ва ўзини уддалашга ботирлик ва жасоратлик ва бошқалар.

А) В.А.Селиванов Б) В.А. Иванников В) В.А.Крутеский Г) П.М.Якобсон
Д) А.И.Шчербаков

20.Қайси олим томонидан ирода сифатларини таснифлашни амалга оширилган?

А) В.А.Селиванов Б) В.А. Иванников В) В.К.Калин Г) П.М.Якобсон
Д) А.И.Шчербаков

21."Тиришқоқлик - қийинчиликка ва муваффақияцизликка қарамасдан мақсадга эришиш йўлида узлуксиз равишда интилишнинг пайдо бўлишидир". Мазкур фикр муаллифини аниқланг?

А) Йе.П.Илин Б) В.А. Иванников В) В.А.Крутеский Г) П.М.Якобсон
Д) А.И.Шчербаков

22.Психологияда иродани экспериментал усулда ўрганган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) В.А.Селиванов Б) В.А. Иванников В) В.А.Крутеский Г) П.М.Якобсон
Д) Йе.И.Игнатев

23.Ирода сифатларини тадқиқ қилишда тест ўрнига гимнастик столдан фойдаланган психолог олимни аниқланг?

А) В.А.Селиванов Б) В.И.Маркова В) В.А.Крутеский Г) П.М.Якобсон
Д) А.И.Шчербаков

24.Иродавий фаолиятнинг хусусиятлари нималардан иборат?

А) иродавий ҳаракатларни шахс ҳамиша уларнинг субъект сифатида амалга оширади.
Б) иродавий акт ҳаракат шахс тўла тўкис маъсулликни зиммасига олган иш амал сифатида ичдан кечирилади. В) иродавий фаолият туфайли инсон кўп жиҳатдан ўз-ўзини шахс сифатида англайди. Г) иродавий фаолият сабабли шахс ўз ҳаёт йўли ва тақдирини ўзи белгилашни тушуниб йэтади. Д) барча жавоблар тўғри

25.Инсоннинг шахсий фаолияти натижалари учун маъсулиятни ташқи кучларда ва шароитларда қайд қилиш шунингдек шахсий куч ва ғайратига мойилликни англайдиган мезонлар…….деб аталади?

А) импулсив ҳаракатлар Б) назоратни локаллаштириш В) назорат локуси Г) ирода кучи Д) мотивлар кураши

26.Шахснинг индивидуал фаолияти натижалари учун маъсулиятни ташқи кучларда ва шароитларда қайд қилиниши шунингдек уларнинг куч ғайратига мойиллигини белгилайдиган сифатлар мажмуи……. деб аталади?

А) импулсив ҳаракатлар Б) назоратни локаллаштириш В) назорат локуси Г) ирода кучи Д) мотивлар кураши

27.Назоратни локаллаштириш қандай турларга ажратилади?

А) 2 та екстраверт ва интероверт Б) 3 та ички, ташқи ва оралиқ В) 3 та кенг, тор, аралаш Г) 2 та екстренал, интернал Д) 2 та юзаки, чуқур

28.Инсон хулқ-атворининг иродавий бошқарилиши қандай амалга оширилади?

А) ихтиёрсиз хатти-ҳаракатларни ихтиёрий ҳаракатларга қайта ўзгартириш Б) ўз хатти-ҳаракатлари устидан назорат ўрната олиш В) шахснинг иродавий сифатларини тарбиялаш Г) барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб берилмаган

29. Амалга оширишнинг хусусиятларидан бири бўлиб бу бажарилаётган ҳаракатларнинг еркин эканлигини шахс томонидан англашдан иборат жараён бу……

А) импулсив ҳаракатлар Б) назоратни локаллаштириш В) назорат локуси
Г) ирода кучи Д) ирода акти

30.Мия тузилишини шикастланиши туфайли юзага келадиган ҳаракатлар мақсадга мувофиқлигини мураккаб бузилишидан иборат психопаталогик ҳолатдир. Мазкур тушунчанинг ном қайси қаторда тўғри кўрсатилган.

А) абулия Б) апраксия В) алексия Г) ялқовлик Д) агрофия

Назорат саволлари

1. Ирода тушунчасининг мазмунини изоҳланг?
2. Иродавий фаолиятнинг умумий хусусиятлари нималарда кўринади?
3. Ирода назарияларининг моҳиятига таъриф беринг?
4. Иродавий акт ва унинг тузилишини мазмунини кўрсатинг?
5. Шахснинг иродавий сифатларига нималар киради?
6. Ироданинг индивидуал хусусиятларининг мазмунини изоҳланг?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гиппенрейтер Ю.Б Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов –М.; ЧеРо 1997
3. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
4. Джемс В. Психология.- М., 1991
5. Зимин П. П. Воля и ее воспитание у подростков. — Ташкент, 1985.
6. Иванников В. А. Психологические механизмы волевой регуляции. — М., 1998.
7. Ильин Е. П. Психология воли. — СПб.: Питер, 2000.
8. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
9. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
10. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г

11.Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
12.Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
13.Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
14.Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
15.Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
16. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

МОТИВАТСИЯ

Мотив ва мотивация тушунчасининг мазмуни

Гарчанд психологик адабиётларда айниқса ёш ва педагогик психологияга оид манбаларда мотив ва мотивация масаласи кўп бора кўтарилган бўлса-да, батафсил ёритилмаган. Масалан, айрим психологлар мактабгача ёшда айрим тарқоқ ситуасион майллар маълум мотивлар тизимларига айланиб боришини қайд этадилар. Бироқ бу фикр атрофлича чуқурроқ ўрганилмаган. Шунга мувофиқ адабиётларда психологлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида мотив ва мотивация тушунчаси турлича талқин қилинган.

Енг кенг тарқалган таърифларга кўра, **мотив** - бу кишини фаолиятга ундовчи куч, сабаб ёки эҳтиёжлар йиғиндисидан иборатдир.

Мотив тушунчасига олимлар томонидан қуйидагича таъриф берилади:

А.Маслоунинг фикрича, **мотив** бу эҳтиёжлар йиғиндисидир.

С.Л.Рубинштейннинг таъкидлашича, **мотив** бу эҳтиёжнинг ҳис қилиниши ва қондирилиши.

С.Л Рубинштейн. "**Мотивация** - бу психика орқали амалга ошувчи детерминасиядир".

А.Н.Леонтев - **мотивни** инсон фаолиятига йўналган аниқ эҳтиёжлар ва уни қўзғатадиган воқелик деб ҳисоблайди.

Мотив -маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи сабаб.

Мотивация кенг маънода инсон ҳаётининг (унинг хулқ-атвори, фаолиятининг) мураккаб кўп қиррали бошқарувчиси деб қаралади.

Мотивация - инсонни фаолиятга ундашнинг мураккаб, кўп даражали тизими бўлиб, у ўзида эҳтиёжларни, мотивларни, қизиқишларни, идеалларни, интилишларни, установкаларни, емоцияларни, нормаларни, қадриятларни мужассамлаштиради.

Мотивация - мураккаб тузилма, фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучлар мажмуаси бўлиб, у ўзини майллар, мақсадлар, идеаллар кўринишида намоён қилади ва инсон фаолиятини бевосита аниқлаб, бошқариб туради.

Мотивация - одамни фаол фаолиятга ундовчи сабаблар мажмуидир.

В.С.Мерлин мотивлар тизимларининг айрим жиҳатларини анча батафсил ёритиб берган. У мотивлар тизимларининг шаклланиш жараёнини қуйидагича тасаввур этади: "турли мотивлар бора-бора ўзаро боғлиқ ва бир-бирига тобе бўлиб боради ҳамда охир оқибатда мотивларнинг яхлит тизими вужудга келади". В.С.Мерлин фикрича, мотивлар тизимининг шаклланиши жараёнида нафақат мотивлар барқарорлиги, балки мотивларни англаш каби шартлар

бажарилишини талаб етилади. Демак, В.С.Мерлин бўйича мотивлари тизимлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирига тобе шахс мотивларининг бир бутун йиғиндисидан иборат. Аммо В.С.Мерлин гарчи мотивлар тизимларининг айримларини ҳақиқатдан ҳам муҳим жиҳатларини кўрсатиб ўтган бўлса ҳам, мотивлар ўртасидаги тизимли муносабатларни мотивлар тизимлари ва фаолият кўрсатиш муаммосини тадқиқ етмаган.

Чет ел психологлари орасида **А.Маслоу** эҳтиёжлар иерархияси назарияси билан машҳурдир. Ўз назариясида А.Маслоу эҳтиёжларнинг қуйидаги иерархик қаторини ажратади: физиологик эҳтиёжлар, хавфсизликка бўлган эҳтиёж, муҳаббат ва бошқалар билан боғлиқ бўлиш эҳтиёжи, ҳурматга бўлган эҳтиёж, инсоннинг ўз яширин имкониятларини тўларо намоён этиш ва рўёбга чиқариш эҳтиёжи ва бошқаларни киритади. А.Маслоу фикрича, муайян эҳтиёжнинг қондирилиши учун аввал иерархик қаторда ундан олдинги эҳтиёж қондирилган бўлиши талаб етилади. Бошқача қилиб айтганда, А.Маслоу консепсиясида иерархияда юқори ўринни эгалловчи эҳтиёжлар қуйи ўриндаги эҳтиёжларга тобедир. А.Маслоу консепсиясида мотивасион жараёнлар бошқарувида одам онгининг иштироки, бошқарувдаги роли эътиборсиз қолдирилган. Олим эҳтиёжлар иерархиясидаги вертикал муносабатларни таҳлил
қилиб, бир даражада жойлашган эҳтиёжлар орасидаги горизантал муносабатлар эса ўрганилмаган.

Машҳур немис олими **Курт Левин** мотивлар муаммоси, айниқса, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта, кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориб, шу нарсани аниқлаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок қилиш ва баҳолашга мойил бўлади.

Мотивация тушунчасини турлича ифодалаш, мотивациянинг мазмуни ва енергетик томони ҳақидаги муҳим савол психологлар томонидан ифодалаб берилди. Хориж психологлари учун мотивация тушунчасини характерли аниқ бир томонлама енергетик фаоллик манбаи сифатида қаралади, улар мазмунли томонига эътибор бермай, аниқ механизмлар сифатида енергия, бошқарув ва хулқ-атворга тақсимлайдилар.

Иерархик, даражавий тузилиш - бу тизимлилик хусусиятига эга бўлган ҳодисаларнинг бир жиҳатидир. Шу туфайли шахс мотивасион соҳасининг иерархиясини самарали тадқиқ этиш учун уни мотивасион ҳодисаларнинг бошқа жиҳатлари билан алоқадорликда ўрганиш зарур бўлади. Мотивасион ҳодисалар тизимлилигини тадқиқ этишда асосий эътибор эса бу ҳодисалар ўртасидаги тизимли муносабатларни ўрганишга қаратилиши керак. Бу борада **Р.С.Вайсманнинг** шахс мотивасион соҳасининг тизимлилиги ҳақида билдирилган фикри алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг ёзишича, "Мотивасион соҳанинг тизимлилиги - мотивасион ўзгарувчилар ўртасидаги алоқадорлик, хилма-хил муносабатлар мавжудлигида намоён бўлади. Шундай муносабатлардан бири иерархик муносабатдир. Яна бир турдаги муносабатни "рўёбга чиқариш" муносабати деб аташ мумкин. Бу муносабат шуни англатадики, ҳар бир эҳтиёжнинг қондирилишида турли мотивлар йиғиндисининг рўёбга чиқарилиши мумкин. Учинчи турдаги муносабат шунда намоён бўладики, ҳар хил эҳтиёжларнинг қондирилишида бир мотив иштирок

этади ёки аксинча, бир эҳтиёж қондирилишида турли мотивлар қатнашади. Бундай муносабат "ўзаро тобелик" муносабати номини олди.

Р.С.Вайсман шахс мотивасион соҳасидан тизимли муносабатларнинг жуда қизиқ таснифини келтиради. Аммо ажратилган муносабатлар қаторини бошқарув, тартиблаштирилганлик ва шу каби муносабатлар билан тўлдириш мумкин бўлади. Қолаверса, Р.С.Вайсман мотивасион ўзгарувчилар ўртасидаги тизим ҳосил қилувчи асосий муносабатни ажратмаган, бир турдаги ва ҳар хил турдаги мотивасион ҳодисаларни бир-биридан фарқламаган.

Чет ел олимларининг мотивация соҳасидаги тадқиқотлари орасида **Г.Олпортнинг** мотивлар функционал автономияси назарияси алоҳида ўрин эгаллайди. Бу назарияда мотивлар трансформасияси, тизимли ривожланиши жараён сифатида талқин етилади. Г.Олпорт ўз консепсиясида тизимларнинг умумий назарияси ғояларидан, айниқса, очиқ тизимлар ҳақидаги ғоядан кенг фойдаланган. Олимнинг фикрича, шундай мотивлар борки, улар ярим ёпиқ тизимларнинг табиатига монанд фаолият кўрсатади ва ривожланади, яъни функционал автономияга эга. Бир тизимга кирувчи мотивларни Г.Олпорт реактив, ташқи ундовга муҳтожлик қонунларига бўйсунувчи мотивлар, деб атайди. Аммо Г.Олпортнинг таъкидлашича, шахс очиқ тизимлар каби ўзгарувчи ва ривожланувчи мотивлар билан тавсифланади, деган фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Агар аввалги тизим мотивларнинг персеверативфункционал автономияси, деб аталган бўлса, кейинги тизимни Г.Олпорт проприатив функционал автономия, деб атайди. Очиқ, ёпиқ ва ярим очиқ тизимлар ҳақида тўхталар экан у ёпиқ тизим моделини шахс ва унинг мотивациясига қўллаб бўлмаслигини таъкидлаганди. Очиқ функционал тизим тараққиёт учун замин ҳозирлайди, уни эса ундовчи муҳтожлик доирасида тушунтириб бўлмайди.

Г.Олпорт томонидан шахс мотивларининг очиқ тизимлар сифатида таҳлил етилиши, шахс ва шахс мотивлари тараққиёти чэгарасиз жараён эканлигини таъкидлаш учун имконият беради.

Шундай қилиб, биз шахс мотивасион соҳаси ҳақидаги турли қарашлар, уларда тизимли ёндашув ғояларининг акс этиши масаласини кўриб чиқдик. Мазкур қарашлар мотивация соҳасидаги замонавий тадқиқотларнинг ажралмас қисмига айланди. Кўрсатиб ўтилганидек, психолог олимлар томонидан мотивасион соҳа тизимлилигига оид турли жиҳатларни қайд қилинмоқда. Айни дамда мотивасион механизмлар ҳақидаги тизимли ёндашувга асосланган тасаввурлар турли йўналишларда тадқиқ етилмоқда. Бироқ тадқиқотларнинг барчасини бир йўналиш - мотивасион ҳодисалар ўртасидаги маъно ҳосил қилувчи алоқа ва муносабатларни тадқиқ этиш атрофида бирлаштириш мумкин.

Кўпчилик психологлар фикрича, мотивация муаммоси шахс психологиясининг марказий муаммосидир. Шахс психологик тузилишининг бутунлиги, хулқ-атвор ва уни ҳаракатга келтирувчи кучлар ўртасидаги алоқадорлик мотивация муаммосини ўрганишда тизимли ёндашувни қўллаш учун кенг имконият яратиб йеради.

Хориж психологларидан неофрейдистлар ҳисобланмиш **А.Адлер, К.Юнг** кабилар томонидан илгари сурилган мотив ва мотивация борасидаги

назарияларга асосий эътиборни қаратамиз. А.Адлернинг фикрича, инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч унинг фаолияти мақсадини аниқловчи, уларга эришиш йўллари манбаи ҳисобланади. **Хорнининг** таъкидлашича, инсон хулқи мотивациясини бошқа мотивлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Жумладан, бирламчи безовталаниш атроф-муҳитга нисбатан душманлик ҳиссини туғдиради, хавфсизликка эҳтиёж эса инсонни бошқа одамлар томонидан баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашга нисбатан ички интилишини вужудга келтиради. **Е.Фромм** ҳам ўз қарашларида либидо масаласига катта эътибор бермайди, чунки уни қизиқтирган муаммо инсон хулқи жабҳаларида ижтимоий ва психологик омилларнинг ўзаро таъсир ўтказиш жараёнидир.

Гешталт психология мактаби намоёндалари учун мотивация ўзига хос талқинга эга бўлиб, унинг моҳиятини эксперимент ал тарзда ўрганишга нисбатан интилиш юқори кўрсаткичга эга эканлиги билан бошқалардан ажралиб туради. **К.Левин** (1890-1947) мотивларни эксперимент ал ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, уларни мутлақо мустақил ҳолат шароитида тушунтиришга ҳаракат қилган ва бу борада муайян муваффақиятларга эришган. Гешталт психология мактабининг намоёндаларига образ тушунчаси қанчалик ўта аҳамиятли бўлса, К.Левиннинг майдон назарияси учун мотив категорияси худди шундай муҳим аҳамият касб этади. Образ ва мотив ўзаро алоқасиз ҳукм суриши таъкидланади, мотивацияни амалга оширувчи вазиятнинг предметли маъновий мазмуни эса инкор қилинади.

К.Левин мотивни қуйидагича ифодалайди: **мотив** - муайян муваффақиятли микроинтервалда шахснинг бевосита яққол муҳит билан муносабатларидан келиб чиқувчи воқеликдир. Унинг мазкур назариясида инсонда ҳар хил маъно англатувчи иккита мотивасион ўзгариш ҳукм суриши тан олинади. Гешталт психологларнинг асарларида шундай қолатлар ҳам мавжудки, уларда хулқ мотивацияси муаммолари шахснинг муҳим хусусиятларини таҳлил қилиш негизидан келиб чиқиб қаралади. Ушбу ҳолат Г.Олпорт консепсиясида яққол кўзга ташланади. Унингча, енг муҳим жиҳат бу инсон хулқини ўзгариш сабабларини очишдир. Шунинг билан бирга мазкур вазиятга олиб келувчи мотивлар омилларини текширишлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини англаб йэтиш қийин эмас.

Рус психологлари орасида **В.Г.Асеевнинг** тадқиқотларида мотивасион тизим масаласи анча чуқур ўрганилган. Унинг фикрича, инсон мотивасион соҳасининг онтогенетик тараққиёти давомида бу соҳа тизимли ривожланишга нисбатан мойилликни намоён этади. Бу мойиллик В.Г.Асеев кўрсатишича, стихияли шаклланувчи, ундовчи кучларнинг каттароқ мотивасион бирликларни ўзаро қўшилиб ҳосил қилишда намоён бўлади. Мотивасион тизимнинг бирлиги сифатида В.Г.Асеев ундовчи кучларни қайд этади. Бу тушунча доирасига у мотив, эҳтиёж, қизиқиш, интилиш, мақсад, идеал, майл, мотивасион установка ва бошқаларни киритади. Шундай қилиб, В.Г.Асеев турли мотивасион ҳодисалар, майл турлари ўртасида тизимли муносабат мавжуд деб ҳисоблайди. Демак, бундай ёндашувда мотивасион тизим компоненти майл бўлиб ҳисобланади.

В.Г.Асеев шахс мотивасион соҳасининг тузилиши муаммосига ҳам катта эътибор беради. Унинг қайд этишича, инсон мотивасион соҳасининг тузилиши

қуйидаги хусусиятларга эга: ситуасион ва импулсив ундовчиларнинг ёнма-ён жойлашганлиги, шахсий майлларнинг мазмун ва динамик сифатларига кўра бир-бирига яқинлиги. Бу хусусиятлар мотивациянинг тизимли сифатларини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Айрим тадқиқотчилар масалан, **В.Е.Чудновский, В.И.Ковалев** мотивлар тизими ва шахс йўналиши ўртасида алоқадорлик мавжудлигини қайд етмоқда. **П.Т.Якобсон** эса хулқ-атвор мотивацияси муайян қадриятлар тизимлари билан боғлиқлигини таъкидлаб, мотивларни шахс қадриятлари ориентациясига тобе бирликлар сифатида ўрганишни таклиф этади. Унинг фикрича, бундай изланиш ижтимоий психологик йўналишда амалга оширилиши керак.

Мотивлар тизими тушунчасига берилган анча кенг таърифларни адабиётларда учратиш мумкин. Жумладан, В.С.Морозовнинг қайд этишича, "Шахс мотивлар тизимини унинг субъектив эҳтиёжлари, мақсадлари, ғоялари, қарашлари, тасаввурлари шунингдек, интилишлари, шакллари ва бошқалар ташкил этади". Бундай таърифда "тизим" тушунчаси қандай маънода қўлланилаётгани анча номаълум. Уни аниқлаштириш талаб етилади.

Юқорида тилга олинган муаммолар билан шахс мотивасион соҳасининг даражавий тузилиши муаммоси бевосита боғлиқ. Психик ҳодисаларнинг даражавий тузилиши ғояси психологияда кенг тарқалган ва тадбиқ етиб келинмоқда ва бу бежиз эмас, зеро даражали тузилиш ҳақидаги тасаввурлар турли психик ҳодисаларнинг муайян тизимга келтирилган моделларини ҳосил қилиш имкониятини беради. Шахс мотивасион соҳасида ўз даражаси ва мураккаблигига кўра турлича бўлган мотивасион ҳодисаларнинг мавжудлиги даражавий тузилиши ҳақидаги ғояларнинг бу йўналишда ҳам самарали қўллаш учун шароит яратади.

Инсон мотивасион соҳасининг иерархик даражавий тузилиши масаласи мотивация билан боғлиқ енг ўткир ва кескин баҳсларга сабаб бўлувчи муаммолардан биридир. ҳозиргача алоҳида олинган мотивасион ҳодисаларнинг иерархик тузилиши эҳтиёжлар иерархияси ва бошқалар тадқиқ етиб келинган. Аммо барча мотивасион ҳодисаларнинг ягона иерархик тузилиши ҳақидаги масала етарлича ўрганилмаган.

Рус психологлари орасида мотивлар иерархияси масаласи **А.Н.Леонтев, Л.И.Божович** ва бошқалар томонидан ўрганилган. А.Н.Леонтев ХХ асрнинг 40-йилларида мактабгача ёш даврида шахс шакллана бошлашини таъкидлар экан, бу жараён болада мотивлар иерархияси таркиб топиши билан боғлиқлигини уқтирган еди. А.Н.Леонтев фикрича, субъектнинг ташқи олам билан бирга муносабатлари кенгайиб борган сайин мотивларнинг ўзаро солиштирилиши юз беради, бунинг оқибатида эса улар ўртасида иерархик муносабатлар шаклланади. Мотивлар иерархияси олимнинг фикрига кўра, мотивлар функсиялари билан белгиланади. Бошқача қилиб, айтганда иерархияда юқори ўринни, маъно ҳосил қилувчи функсияни бажарадиган мотивлар қуйи ўринни эса стимул мотив эгаллайди. Демак, А.Н.Леонтев мотивлар функсиясининг икки даражасини: маъно ҳосил қилувчи ва стимул даражаларини ажратади. Аммо А.Н.Леонтев ўз назариясида мотивлар иерархиясининг шаклланиш жараёнида шахснинг субъектив, фаол роли қандай бўлишини кўриб чиқмайди.

Л.И.Божович тадқиқотларида, шунингдек, айрим бошқа илмий изланишларда мотивлар иерархиясининг шаклланиши доминант мотивларнинг ҳосил бўлиши билан боғланади. Ҳар хил ёш босқичларида турли мотивлар доминантлик қилади. Айрим мотивларнинг устунлик қилиши шахснинг йўналишини белгилаб беради. Бундай йўналиш шахс мотивлари ўртасида нафақат субординасион, балки координасион муносабатлар ҳам ҳукм суришини тақозолайди.

Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўз-ўзини қандай тутиши эгаллаган мавқеи ҳам сабабсиз ўз-ўзидан рўй бермайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулқ-атворини тушунтириш учун психологияда "мотив", "мотивация" тушунчалари ишлатилади.

Шахснинг жамиятда одамлар орасидаги хулқи ва ўзини тушуниши сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлган нарса бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати фарқланади: а) ички сабаблар, яъни ҳолати, ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлар ва ҳоказолар); б) ташқи сабаблар - фаолиятнинг ташқи шарт-шароитлари ва ҳолатлари, яъни булар айнан аниқ ҳолатларни келтириб чиқаришга сабаб бўладиган ташқи стимуллардир.

Ҳар қандай мотивларнинг асосида шахснинг эҳтиёжлари ётади, яъни мақсадли ҳаётда шахсда аввал у ёки бу эҳтиёжлар бўлади ва айнан уларнинг табиат ва заруриятига боғлиқ тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Масалан, талабанинг ўқув фаолиятини олиш мумкин. Билим олиш мақсади билим, илм олиш, қизуқувчанлик эҳтиёжини пайдо қилади. Бу эҳтиёж тараққиётнинг маълум бир даврида, масалан, боқча ёшидан бошлаб қондирила бошлайди. Болага сотиб олиб берилган китоблар, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари, маълум таълим масканида ташкил етилган шарт-шароитлар ва у йердаги бевосита билим олишга қаратилган фаолиятнинг ўзи бола учун мотив ўрнини босади.

Рус олими **Р.Немов** шахсдаги мотивасион соҳани қуйидагича тасаввур қилади.

Умуман ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Биологик эҳтиёжлар - физиологик, жинсий мослашув эҳтиёжлари.
2. Ижтимоий эҳтиёжлар - бу меҳнат қилиш билан естетик ва аҳлоқий, маънавий эҳтиёжлар.

Эҳтиёжларни биологик ҳамда ижтимоий турларга бўлгани билан шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ҳам ижтимоийлашган бўлади, яъни улар ўша жамият ва муҳитдаги қадриятлар, маданий нормалар ва инсонлараро муносабатлар характерига боғлиқ бўлади.

Хориж психологиясида ўқиш мотивларининг назарий таҳлили

Ўқиш, ўқув фаолияти мотивлари ҳақидаги чет ел олимларининг асарларида илгари сурилган ғояларини таҳлил қилар эканмиз, қуйидагиларга эътиборни қаратиш жоиздир. Жумладан, немис олими **З.Фрейд** ва **У.Макдаугалл** мотивасион омил сифатида ҳайвонлардаги органик эҳтиёжларни, яъни инстинктни одамларга нисбатан қўллай бошлашди ва инсон

феъл-атворига бўлган қарашлар ичида биринчи назария сифатида майдонга чиқди.

Булардан ташқари XX аср бошларида яна икки янги йўналиш пайдо бўлади, бу мотивациянинг хулқ назарияси ва олий асаб фаолияти назариясидир.

Инсон хулқи аффектив когнитив детерминасияси муаммосини таҳлил қила туриб, когнитив психологиянинг бошқа вакили **Х.Хекхаузен** шундай хулосага келади-ки, фаолият детерминасияси когнитив (билиш) ва аффектив жиҳатлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экан, улардан қайси бири рағбатлантирувчи куч эканлиги ҳақидаги савол ўз маъносини йўқотмади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқиш мотивациясининг ўрни бутун дунё олимлари томонидан тан олинган ва ҳар томонлама ўрганилган. Ўқув самарадорлигини оширишда ўқув мотивациясининг ролини чет ел олимлари ўз тадқиқотларида тадқиқ қилдилар. Шу нуқтаи назардан туриб, қўзғатувчилардан ташқарида содир бўладиган хатти-ҳаракатларни тушунтириш бўйича бир талай моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни кўриб чиқиш ички мотивациянинг механизмларини таҳлил қилишда қўл келади. Шундай моделлардан бирини **Олпорт** таклиф қилади. Олпорт ички мотивация билан боғлиқ бўлган учта мотивасион тушунчаларни таҳлил қилади: функционал автономия, йетарли даражадаги ҳаракат ва "Мен"нинг жалб қилинганлиги. У функционал автономия тамойилини фаолият даставвал бошқа сабаб бўйича пайдо бўлиши мумкин бўлган ҳолда, ўзи учун мақсадга айланиши ҳолатини тушунтириш учун киритади.

Е.Торндайк тажрибаларининг алоҳида томони уларнинг жуда тор ва чекланган характерга эга эканлигидадир: улар реал ўқув жараёни билан жуда оз даражада боғлангандир.

Америкалик муаллифлар кўпроқ ўқув жараёни англаб йетилган мотивлари билан эмас, балки айрим жиҳатлари камроқ фаҳмланадиган кўринишда бўлиб, ўқув жараёнига майл-истак уйғотадиган муаммо ўқишни мотивлаштириш масалалари билан шуғулланадилар. Бундай илмий ишларнинг муаллифлари, масалан, ўқувчининг сонларни ёдлашига, алоҳида хатти-ҳаракатларига қайси психологик жиҳатлар таъсир кўрсатишларини ўрганадилар ва шу йўл орқали мотивлаштиришнинг айрим компонентларини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Бу соҳада улар Е.Торндайкнинг издошлари ҳисобланадилар.

Е.Торндайк ўқув жараёнини шундай таърифлайди: "Ўқув жараёни у ёки бу жавоб реаксиясининг маълум ҳолати билан муайян бўшлиқликда, яъни ушбу реаксия ҳамда вазият ўртасида маълум алоқа ўрнатилиши билан изоҳланади.

Торндайк киши ўзи ҳоҳлаган реаксиянинг такрорланишига нисбатан рўйхушликнинг ҳамда ўзи ҳоҳлаган реаксияга нисбатан бўлган майлнинг таъсирини ўрганишга ҳаракат қилади ва шундай хулосага келади: "Бир хил шароитда юзага келган жазолаш омиллари рағбатлантириш омилларидан анча бўш ва кучсиздир". Кейинги китобида эса: "Рағбатлантириш умуман ўзига елтувчи барча алоқаларни ёқлаш ва кучайтириш анъанасига эга, жазолаш эса тез-тез (лекин ҳар доим ҳам эмас) алоқаларни муайяндан ноаниққа ўзгартириш хусусиятига эгадир", - деб ёзади.

Брунер ҳам ўқишни мотивлаштириш масаласига Е.Торндайкдан бошқача қарайди. "Ўқув жараёни" номли изланишларида Брунер ўқувчининг реал,

йетарли даражада узоқ давом этадиган ўқиш жараёни туфайли туғиладиган амалий ва назарий муаммоларни изоҳлашга ҳаракат қилади. Брунер ўқишни мотивациялаш, ёки ўқиш жараёнига нисбатан ўқувчиларнинг мойиллигини орттирувчи омиллар ҳақида эмас, балки унинг билан бирга, ўқувчининг мотивлари ҳақида ҳам фикр юритади. Гарчи унинг фикрлари умумий характерда бўлса ҳам, улардаги айрим йўналишлари диққатга сазовордир. Бу биринчи галда, ўқиш жараёнида билиш характеридаги мотивларнинг аҳамияти ва янги нарсани билишдан пайдо бўладиган ички қаноат ҳисси, ҳимоя масалаларининг қўйилишидир.

Таълим беришда рағбатлантириш ва жазолашнинг роли ҳақида жуда кўп ёзилган, лекин "янгиликни очиш"да қизиқишнинг, ички кечинмаларнинг аҳамияти ҳақида жуда кам гапирилган. Агар биз педагог сифатида болаларни борган сари каттароқ ўқув мавзуларини эгаллашга ўргатишни истасак, афтидан, ўқув дастурини пухта майдалаб ўрганишда кўпроқ ички "раъбатлантиришни" қўллашимиз лозим. Кейинги пайтларда муҳокама етилаётган предметнинг мураккаб бўлимларини ўрганиш усулларидан бири шундаки, ўқувчиларнинг имкониятлари ҳисобга олинсин, уларнинг ўз қобилиятлари ва кучларини йетарли даражада сарфлай олишлари учун шароит яратилсин, токи улар самарали меҳнат фаолиятидан қониқиш ҳосил қилсинлар. Тажрибали педагоглар бундай меҳнат гаштининг кучини яхши биладилар. Бирон-бир муаммони ҳал қилишга чуқур шўнғиб кетган киши нималарни ҳис қилишини ўқувчилар билиши лозим.

Мураккаб ўқув материалини ўзлаштиришда ички мотивнинг мойиллик уйғотувчи куч сифатидаги аҳамияти ҳақида Брунер шундай деб ёзади: "Шубҳасиз, масалан, мавзу ўрганилиши жиҳатидан қанчалик давомли ва материали жиҳатидан кенг бўлса, ўқувчи шунчалик кўп интеллектуал "рағбатлантириш" олиши керакки, ана шунда у кейинги мавзуни йетарли қизиқиш билан ўрганишга киришади. Ўқувчи учун материални у қадар чуқур тушунмаслик, дейлик, навбатдаги синфга кўчиш сингари ташқи жиҳатлар рағбатлантириш бўлиб хизмат қилган ҳолларда, навбатдаги билимларни эгаллаш учун бўлган интилиш бола синфдан-синфга кўчишни тарк етганда, яъни мактабни тугатганда тўхтайди".

Ўқувчининг таълимини мотивациялаш ва диагностика қилиш ҳақида фикр юритган олимлар **Г.Левалд** (1985) ва **Г.Розенфелдларнинг** фикрича, бу иш амалга ошириладиган вазиятни ҳам ҳисобга олиш керак, чунки бу таълим мотивасион диагностикаси учун муҳимдир.

Г.Левалд (1985) таълим диагностикаси вазиятни, йўналишни ҳисобга оладиган ёки табиий шароитга мос бўлиши лозим, -дейди. Масалан, рағбатлантирувчи материал ҳақиқий ҳаётга мос келиши лозим, чунки сунъий шарт-шароит, муҳит шахсий хусусиятларнинг юзага чиқишига салбий таъсир кўрсатади.

Вазият назариясини диагностика қилиш вазифаларини тадбиқ қилган Г.Розенфелд (1975) кўрсатадики, вазият атроф-борлиқнинг вақтинчалик ва фазовий тавсифидир ва у субъект билан объектнинг интеграсияси томонидан белгиланади.

Ўқув мотивлари - бу ўқувчиларни ўқув фаолиятининг турли томонларига йўналтиришдир. Масалан, ўқувчининг ўзи ўрганаётган объект билан бажарадиган ишига қаратилган бўлса, уларни билиш мотивлари деб аташ мумкин. Агар ўқув фаолияти ўқув жараёнида турли кишилар билан тўғри мулоқот қилишга йўналтирилган бўлса, ижтимоий мотивлар намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, баъзан ўқувчиларда билиш жараёни, қолганларида эса бошқалар билан мулоқот ўқиш фаолиятини мотивлаштириб туради.

А.К.Маркова мотивларни 2 та катта гуруҳларга ажратган.

1. Ўқув фаолиятининг мазмуни ва уни бажариш билан боғлиқ билиш мотивлари.

2. Ўқувчининг бошқа кишилар билан ўзаро ижтимоий (сосиал) мотивлари.

Бу мотив турлари психологик адабиётларда кенг ўрганилган.

Психологлар томонидан ўқув мотивациясининг салбий ва ижобий томонлари мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Салбий мотивлар ўқувчи томонидан агар у ўқимаса, кўнгилсизлик, ноқулайликлар ва ноаниқликларни вужудга келиши билан боғлиқ ҳолда англанган ундовчилардир.

Ижобий мотивлар ўқиш билан боғлиқ ижтимоий аҳамиятга эга бурчни бажариш, муваффақият қозониш, билим эгаллашнинг янги усулларини ўзлаштириб олиш, атрофдагилар билан яхши муносабат ўрнатишда ўз аксини топади. Мотивларнинг яна бир хусусияти унинг вужудга келиши тезлиги ва кучида ўз аксини топади. Бу хусусият ўқувчи қанча вақт мобайнида ушбу мотив томонидан ундалган ўқув фаолияти билан шуғуллана олишида намоён бўлади. Ўқитувчининг диққат марказида ўқув мотивларининг намоён бўлиш шакллари туриши керак. Бу асосда ўқитувчи ўқувчи фаолиятининг мотивлари ҳақида дастлабки тасаввурга эга бўлади. Шундан сўнг мотивларнинг ички хусусиятлари салбий модалликка эга бўлган кўнгилсизликдан қочиш каби беқарор мотивларга эътибор беришимиз лозим.

Психологик маълумотларга кўра, ҳар қандай фаолият муайян мотивлар таъсирида вужудга келади ва йетарли шарт-шароитлар яратилгандагина амалга ошади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида ўзлаштириш, билимларни эгаллаш ва ўрганишни амалга оширишни таъминлаш учун ўқувчиларда ўқув мотивлари мавжуд бўлиши шарт. Билиш мотивлари шахснинг (субъектнинг) гнесологик мақсад қўйиш сари, яъни белгиланган мақсадни қарор топтиришга, билим ва кўникмаларни эгаллашга йўналтирилади. Одатда бундай турдош ва жинсдош мотивлар назарий маълумотларнинг кўрсатишича, ташқи ва ички номлар билан аталиб, муайян тоифани юзага келтиради.

Ташқи мотивлар жазолаш, тақдирлаш, хавф-хатар ва талаб қилиш, гуруҳий тазйиқ, езгу ният, орзу-истак каби қўзғатувчилар таъсирида вужудга келади. Буларнинг барчаси бевосита ўқув мақсадига нисбатан ташқи омиллар, сабаблар бўлиб ҳисобланади. Мазкур ҳолатда билимлар ва малакалар ўта муҳимроқ бошқа ҳукмрон (етакчи) мақсадларни амалга оширишни таъминлаш вазифасини бажаради (ёқимсиз ҳолат ва кечинмалар ёки нохуш, ноқулай вазиятдан қочиш ижтимоий,
ёки шахсий муваффақиятга эришиш; муваффақиятга эришув муддаоси мавжудлиги ва ҳоказо). Бу турдаги ёки жинсдаги ташқи мотивлар таъсирида таълим жараёнида билим ва кўникмаларни эгаллашда қийинчиликлар келиб

чиқади ва улар асосий мақсадни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг асосий мақсади ўқиш эмас, балки кўпроқ ўйин фаолиятига мойилликдир. Мазкур вазиятда ўқитувчининг ўқишга уларни жалб қилиш нияти ўқувчиларнинг ўйин мақсадининг ушалишига ҳалақит бериши мумкин, лекин бунга изоқ, талаб далиллар йэтишмайди.

Мотивларнинг навбатдаги тоифасига, яъни ички мотивлар туркумига индивидуал хусусиятли мотивлар кирадики, улар ўқувчи шахсида ўқишга нисбатан индивидуал мақсадни руёбга чиқарувчи қўзғалиш негизида пайдо бўлади. Чунончи билишга нисбатан қизиқишнинг вужудга келиши шахснинг маънавий (маданий) даражасини ошириш учун ундаги интилишларнинг йетилишидир. Бунга ўхшаш мотивларнинг таъсирида ўқув жараёнида низоли, зиддиятли ҳолатлар (вазиятлар) юзага келмайди. Албатта, бундай тоифага тааллуқли мотивлар пайдо бўлишига қарамай, баъзан қийинчиликлар вужудга келиши еҳтимол, чунки билимларни ўзлаштириш учун иродавий зўр беришга тўғри келади. Бундай хоссаларга эга бўлган иродавий зўр беришлар ташқи ҳалақит берувчи қўзғатувчилар (қўзғовчилар) кучи ва имкониятини камайтиришга қаратилган бўлади. Педагогик психология нуқтаи назаридан ушбу жараёнга ёндашилганда, мулоқотли вазиятгина оптимал (оқилона) дейилади.

Ҳозирги даврда ўқиш мотивациясини диагностика қилишнинг бошқа йўллари тавсия қилинаяпти: лаборатория эксперимент ларини педагогик тажрибалар билан (табиий диагностика услубларини қўллаш), шунингдек реал ўқув жараёни шароитида ўқувчининг ижтимоий хулқини узоқ муддат ўрганиш билан тўлдириш мумкин (А.К.Маркова), бу ўқиш мотивациясини диагностика қилиш натижаларини текшириш сифатида хизмат қилиши мумкин деб таъкидлайди.

Ўқиш мотивациясини диагностика қилиш уни ўтказиш учун услуб танлаш тамойилларини аниқлаштиришни талаб қилади. Таълим мотивациясини диагностика қилишга бўлган замонавий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда, енг камида, қуйидагиларни ажратиш мумкинлиги Н.Е.Ефимова томонидан тавсия қилинган, биз уларни қуйида келтирамиз.

1. *Диагностика ўтказиш учун асос бўладиган таълим мотивацияси кўрсаткичларини белгилаш.*
2. *Уч тоифадаги диагностика услубларини танлаш, бевосита лойиҳавий ва билвосита-таълим мотивацияси кўрсаткичларини диагностика қилишга йўналтирилган услублар.*
3. *Ҳар бир услубнинг ажратилган кўрсаткичларга бўлган диагностикавий имкониятларини аниқлаш.*
4. *Мазкур методика натижаларини намоён қилиш чоғида ҳисобга олинадиган назарияни услубнинг методологик асосини ҳисобга олиш.*
5. *Методика матнларининг ўқувчилар ёш хусусиятларига мослиги.*
6. *Ўқувчилар шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш.*
7. *Диагностикани ўтказиш*

Агар ижтимоий мотивлар ҳам таълим фаолияти учун йетакчи ҳисобланса, бир қатор муаллифлар (П.Я.Галперин ва бошқалар) таълим фаолиятига нисбатан уларга ташқи мотивлар сифатида қарашади.

П.Я.Галперин фикрича, ташқи мотивлар таълим жараёни ва предметига нисбатан "амалий" муносабатда намоён бўлади, бунда билим кейинги фаолият учун ташқи шарт-шароит сифатида қаралади ва у ички таълимга бўлган барқарор қизиқиш билан боғлиқдир. Ташқи мотивлар ичида айнан ташқи ёки утилитар мотивлар (бунда ҳаракатнинг шаклланиши, субъект мойил бўлган фаолиятни амалга оширадиган шарт-шароит ҳисобланади) ва мусобақавий мотивлар ажратилади, бунда субъект: бошқаларга ва ўз-ўзига ўзининг олдинги муваффақиятларини қиёслаган ҳолда муваффақиятларга интилади.

П.М.Якобсон таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ижобий ёки салбий мотивларни ташқи мотивлар деб, таълим жараёнига сингдирилган мотивларни эса ички мотивлар деб ҳисоблайди.

Аммо бир қатор замонавий тадқиқот муаллифлари, мазкур мотивларнинг ўқиш шароити учун аҳамиятини тушунишдан келиб чиққан ҳолда, ўқишнинг ижтимоий мотивларига нисбатан "ташқи" деган терминни ишлатишдан қочадилар. Масалан, **А.К.Маркова** билиш мотивлари ичида кенг таълимий (янги билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган), ўқув-билим (билим олиш усулларини эгаллашга йўналтирилган) мотивларни фарқлайдилар.

Ижтимоий мотивлар ичида: кенг ижтимоий (жамиятга фойда келтириш учун билим олишга интилиш), позисиявий (атрофдагиларнинг маъқуллашига ва обрў орттиришига интилиш), ўқиш давомида бошқалар билан ҳамкорлик мотивлари фарқланади.

М.В.Матюхина ҳам ўқш фаолияти жараёнига сингдирилган қуйидаги икки тоифа мотивларни ажратади:

А) мазмун воситасида мотивлашиш (учта даражаси мавжуд, қизиқиш-қизиқарлилик, далилларга бўлган қизиқиш, воқеалар моҳиятининг келиб чиқишига қизиқиш):

Б) жараён воситасида мотивлашиш (учта даражаси мавжуд, ижрочилик фаолиятини бажариш сифатида, қидирув ижрочилик қоидаларини келтириб чиқариш сифатида, ижодий-мустақил равишда масалалар тузиш).

Ўқув фаолиятидан ташқарида мавжуд бўлган мотивлар:

А) кенг-ижтимоий;

Б) тор-шахсий;

В) салбий.

Ўқиш мотивларини ички ва таши мотивларга бўлишга келсак, бу бўлиниш функсионал табиатга эга ва ўқиш ҳаракатлари ва улар ўртасидаги тузилиш жиҳатидан таҳлил қилишни талаб қилади: улар орасида бевосита алоқа бўлса, ташқи мотив ҳақида гапириш мумкин.

А.Н.Леонтевнинг фикрича, биз "фақат тушуниладиган" ва реал ҳаракатдаги мотивларга дуч келамиз. Бола кўпинча қанча ўқиш зарурлигини яхши тушунади (англаниладиган мотивлар), лекин бу нарса ҳам унга ўқув фаолияти билан шуғулланиш учун туртки бўла олмайди. Бу билим майл шаклини олсагина, биз реал ҳаракатда мотив билан иш кўрган бўламиз. Фақат тушуниладиган мотивларгина маълум шароитда ҳаракатдаги мотивлар шаклини олади. Бу нарса мотивацияни қайта қуриш учун жиддий аҳамиятга эгадир. Мактабнинг вазифаси ҳам бола мотивациясини қайта қуришдан иборатдир.

Таъкидлаш керакки, А.Н.Леонтев назарий тафаккурга эга бўлиш, асос сифатидаги билиш мотивларининг ривожланиш масаласига катта эътиборни қаратган. У психик жараёнларининг шундай динамикасини очишга ҳаракат қилдики, бундай динамика мотивация ривожланиши асосида ўқувчиларни билимларни эгаллашга олиб келади.

Л.Н.Божович таълимни мотивациялаш муаммоси бўйича ўз олдига ўқувчиларнинг ўқишга бўлган муносабати, психологик жиҳатлари қандай майдонга чиқади деган масалани ҳал қилишни мақсад қилиб қўяди. Бу муносабатнинг психологик моҳиятини очадиган муҳим жиҳатлардан бири "ўқувчилар ўқиш фаолияти"ни белгилайдиган мотивларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Бунда таълим мотивлари деганда, биз бола нима учун ўишга мажбур бўлишини тушунамиз".

Л.Н.Божович таъкидлашича, ўқиш мотивлари боланинг асосий муносабатлари билан, унинг эҳтиёжлари ва интилишлари билан ички алоқада бўлади. Айнан шу туфайли улар йетарли мажбурлаш кучига эга бўлади.

Ўзбекистон психологлари тадқиқотларида мотив ва мотивация муаммоси

Ўқув фаолияти мотивацияси муаммоси ҳамдўстлик давлатлари қатори республикамизда ҳам илмий тадқиқот олиб бораётган олимлар томонидан кенг миқёсда ўрганиб келинмоқда. Жумладан, кейинги йилларда мазкур илмий муаммоларнинг турли жабҳаларига нисбатан қизиқиш янада кучайиб бормоқда. Бунга яққол мисол сифатида республикамиз миқёсида ушбу муаммо юзасидан тадқиқот ишларини олиб бораётган таниқли психолог олимларни таъкидлаб ўтиш жоиздир. Булар сирасига республикамизда психология фанининг ривожланишига амалий ва назарий ҳиссасини қўшиб келаётган М.Г.Давлетшин раҳбарлигидаги унинг шогирдлари А.Қ.Саитова, Ф.И.Ҳайдаровлар ҳамда Е.Ғ.Ғозиев ва Е.З.Усмонова, В.А.Токарева, А.А.Файзуллаев, Р.Асомова, У.Жумаев ва бошқаларнинг ушбу муаммо юзасидан олиб борган тадқиқотларини киритишимиз мумкин.

Кейинги ўн йилликлар мобайнида **М.Г.Давлетшин** раҳбарлигида ушбу муаммо янгича илмий асосда талқин қилиниб, кенг кўламда ўрганилмоқда. М.Г.Давлетшиннинг фикрларига кўра, Ўзбекистон келажаги бўлган ёшлар ҳар хил соҳанинг мазмунига онгли равишда ёндашуви орқали, уларни мумкин қадар ертароқ, тўғри ва оқилона тасаввур қилади. М.Г.Давлетшин консепсиясидан келиб чиққан ҳолда олиб борилган тадқиқотлардан бири **А.Қ.Саитованинг** "Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув мотивларини ва қадриятларини ўрганишга" бағишланган ишдир. Бу ишда муаллиф ўсмир ёшининг хусусиятларига таянган ҳолда бир қатор хулосаларга келган. Хусусан тадқиқотчи фикрига кўра, ўсмирлар ўқув фаолиятида потенсиал ҳисобланган мотив ўз-ўзини намоён қилиш мотивидир; ўқув фаолияти ўсмир ўқувчиларда ўз-ўзини такомиллаштиришга, бу эса ўқув фаолияти билан боғлиқдир. Муаллиф томонидан олиб борилган илмий изланишларда шахсдаги қадриятлар йўналганлигининг ўқув фаолиятга боғлиқлиги масалалари тадқиқ қилинади.

В.А.Токареванинг "Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ижтимоий бурчга нисбатан шаклланиш психологиясига" бағишланган тадқиқотларида ўқувчилар ўқув фаолияти мотивларини ўрганиш борасида олиб борилган

тадқиқотларда ва изланишларида бурч мотивини шаклланишига жамиятнинг таъсирини ўрганиш муҳим саналиши кўрсатиб ўтилади

Е.Ғ.Ғозиев тадқиқотларида ўсмир ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш хусусиятлари ўқув фаолиятини режалаштириш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш жараёнлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Тадқиқотчи ўқув фаолиятини бошқаришнинг диагностик методини ишлаб чиқиб, психология фанининг кам ўрганилган соҳаларидан бири бўлган ўқиш фаолиятини бошқариш муаммосининг назарий ва амалий, эмпирик томонларини ёритиб беради. Шунингдек, мазкур тадқиқотларда ўқиш ва ўқитиш жараёни учун тавсиянома ишлаб чиқилган, ўз-ўзини англаш босқичлари тўғрисида маълумот берилган.

А.А.Файзуллаев илмий тадқиқотларида шахснинг мотивасион ўз-ўзини бошқаришнинг турли-туман омиллари ҳам кўриб чиқилган. Аниқланган бу омиллар шахс мотивациясининг хусусиятларига мотивасион бошқаришнинг амалга ошириш усуллари ва натижаларига тегишлидир. Бундан ташқари мотивасион тузилмаларнинг шахс томонидан объективлаштириш ва ўз мотивациясини бошқаришдаги турли психологик стратегия ва усуллари масалалари ҳам аниқлаб берилган. Шахснинг ҳаёт фаолиятида мотивасион ўз-ўзини бошқаришнинг бошқа бир қатор соҳалари ҳам ўрганилган.

Е.З.Усмонованинг илмий тадқиқотида ўқувчиларнинг ўқув фаолияти жараёнидаги қарама-қаршилик, мотивация, ижод ва шахс муаммолари ўрганилган. Тадқиқот давомида икки асосий мотивация тоифасининг муносиблигини тушуниш муҳим бўлган, муваффақиятга эришиш мотивациясини одамда ташқи мотивацияга киритилади.

Ф.И.Ҳайдаровнинг "Қишлоқ мактаби ўқувчиларида ўқиш мотивларининг шаклланиши" номли илмий изланишларида ўқув мотивлари уларнинг хусусиятлари, ўқитиш жараёнида ижобий ва салбий мотивларнинг таъсири кенг қамровда ўрганилган. Шунингдек, муаллиф ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўқиш мотивларини намоён бўлишининг регионал тафовутларни ўрганишга асосий эътиборни қаратган. Муаллифнинг ишларига назар ташлар эканмиз, ўқиш мотивларини бир қатор туркумларга ажратгани, яъни обрўга интилиш, касбга қизиқиш, муваффақиятга эришиш ва бошқаларни юзага келишига таъсир кўрсатувчи объектив, субъектив омилларни, шунингдек ривожланиш механизмларини ишлаб чиққанлигини кўрамиз. у эса таълим фаолиятида ўқувчига самарали ёндашиш мезони ҳисобланади.

Таянч тушунчалар

Мотив (лот. мовере - ҳаракатга келтирмоқ) - маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи сабаб.

Мотивация - одамни фаол фаолиятга ундовчи сабаблар мажмуи.

Мотивлар кураши (лот. мотивус - ҳаракатчан) - қарор қабул қилиш билан боғлиқ иродавий ҳаракатлар босқичи.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Мотив тушунчасининг моҳияти.
2. Мотивация тушунчасининг мазмуни
3. Мотивация ва мотивларнинг назарий муаммолари.

4. Мотив муаммосига доир мулоҳазалар.
5. Шахс шаклланишида мотивациянинг роли.

Тест топшириқлари

1.Мотивация -бу психика орқали ҳосил бўладиган детерминасиядир. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?
А) З.Фрейд Б) А.Г.Ковалев В) А.Адлер Г) К.Юнг Д) С.Л.Рубинштейн

2.Мотив - бу шахс хулқ-атворининг когнивистик жараёнини бевосита ташқи олам билан боғловчи субъектив тарзда акс эттириш демакдир. Мазкур фикр муаллифини аниқланг?
А) З.Фрейд Б) А.Г.Ковалев В) А.Адлер Г) К.Юнг Д) С.Л.Рубинштейн

3.Психолог олим Оллпорт томонидан ички мотивация билан боғлиқ бўлган учта мотивасион тушунчаларни таҳлил қилган улар қайси қаторда кўрсатилган?
А) функсионал автономия Б) йетарли даражадаги ҳаракат В) "Мен" нинг жалб қилинганлиги Г) тўғри жавоб берилмаган Д) барча жавоблар тўғри

4."Қизиқиш- мотивациянинг ўта теран даражаларида қатнашади". Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?
А) З.Фрейд Б) А.Г.Ковалев В) Г.Олпорт Г) К.Юнг Д) С.Л.Рубинштейн

5.Ўқув фаолияти жараёнидаги қарама-қаршилик, мотивация ижод ва шахс муаммолари қайси олим томонидан ўрганилган?
А) А.А.Файзуллаев Б) В.И.Иванникова В) С.Л.Рубинштейн Г) М.Г.Давлетшин
Д) Е.Усмонова

6.Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш мотивларини ва қадриятларини ўрганишга бағишланган тадқиқот иши қайси олим томонидан олиб борилган?
А) А.А.Файзуллаев Б) А.Саитова В) С.Л.Рубинштейн Г) М.Г.Давлетшин
Д) Е.Усмонова

7.Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ижтимоий бурчни шаклланиши ўқув мотивларига боғлиқлиги масаласи қайси олим тадқиқотларида учрайди?
А) А.А.Файзуллаев Б) В.И.Иванникова В)В.А.Токарева Г) М.Г.Давлетшин
Д) Е.Усмонова

8.Қайси олим тадқиқотида шахснинг мотивасион ўз-ўзини бошқаришнинг турли-туман омиллари аниқланган ва кўриб чиқилган?
А) А.А.Файзуллаев Б) В.И.Иванникова В) С.Л.Рубинштейн Г) М.Г.Давлетшин
Д) Е.Усмонова

9.Ўсмир ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқариш хусусиятлари ўқув фаолиятини режалаштириш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ҳақида тадқиқот олиб борган олим қайси қаторда кўрсатилган?
А) А.А.Файзуллаев Б) В.И.Иванникова В) Е.Ғозиев Г) М.Г.Давлетшин
Д) Е.Усмонова

10.Психологияда мотивлар қандай категорияларга ажратилади?
А) 3 та табиий, ижтимоий, билиш Б) 3 та кенг, тор, билиш В) 2 та ички ва ташқи
Г) 2 та табиий ва маънавий Д) 2 та маънавий ва маданий

11.Қайси қаторда мотив тушунчасига тўлиқ таъриф берилган?
А) одамни фаолиятга ундовчи асосий сабаб Б) одамни муайян хатти-ҳаракатга ундайдиган бош сабаб В) шахснинг ривожланишида енг ажойиб кўринишларидан бири
Г) интилиш мақсад эҳтиёжларни ҳали юзага чиқмаган келажак ҳолатларига интилиш
Д) барча жавоблар тўғри
12.Мотивлар орасида қайси жараён муҳим ўрин эгаллайди?
А) майл Б) иштиёқ В) қизиқиш Г) эҳтиёж Д) мақсад
13.Қайси қаторда мотивация тушунчасига тўғри таъриф берилган?
А) одамни муайян хатти-ҳаракатларга ундайдиган бош сабаб Б) мотивлар йиғиндиси В) интилиш мақсад эҳтиёжларни ҳали юзага чиқмаган келажак ҳолатларга интилиш ҳолати Г) шахснинг нима учун маълум вақт бошқа фикр ва ҳаракатларларни эмас айнан шу фикр ва ҳаракатни бажаришга қарор қилганлигини асослаб беришдан иборат мантиқий жараён Д) шахснинг ривожланишида енг ажойиб кўринишлардан биридир.
14."Мотивни у ёки бу майл зарурат қизиқиш инсон учун мақсад билан муносабатда ҳаракат мотивига айланади". Мазкур фикр муаллиф қайси қаторда кўрсатилган?
А) Л.И.Божович Б) П.М.Якобсон В) С.Л.Рубинштейн Г) А.Н.Леонтев
Д) Н.Е.Ефимова
15.Ҳозирги кунда ўқиш мотивацияси қандай йўллар билан диагностика қилинмоқда?
А) тестлар турли психодиагностик методикалар Б) турли лабараторияларда махсус асбоблар ёрдамида В) лабаратория экспериментларини педагогик тажрибалар билан реал ўқув жараёни шароитида ўқувчининг ижтимоий хулқини узоқ муддат ўрганиш билан Г) проектив методикалар ва тестлар асосида Д) барча жавоблар тўғри
16.Таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ижобий ёки салбий мотивларни ташқи мотивлар деб таълим жараёнига сингдирилган мотивларни эса ички мотивлар деб ҳисоблайдилар. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда келтирилган?
А) Л.И.Божович Б) П.М.Якобсон В) С.Л.Рубинштейн Г) А.Н.Леонтев
Д) Н.Е.Ефимова
17.Психологияда мотивлар иерархияси қайси олимлар томонидан ўрганилган?
А) М.В.Матюхина, А.К.Маркова Б) С.Л.Рубинштейн, П.Я.Галперин
В)А.Н.Леонтев, Л.И.Божович Г)А.Н.Леонтев, С.Л.Рубинштейн
Д) Л.И.Божович, П.Я.Галперин
18.Психологияда мотивасион соҳа доирасида тадқиқот ишини олиб борган олим қайси қаторда кўрсатилган?
А) А.Адлер Б) К.Холл В) Е.Торндайк Г) Дж.Уоцон Д) Б.Скиннер
19.Мотивлар мутассил шаклланади ва шаклини ўзгартиради. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?
А) Берлайн Б) Оллпорт В) А.Маслоу Г) З.Фрейд Д) В.Вудворс

20.Ички мотивация борасида тадқиқот иши олиб борган олимни аниқланган?
А) Берлайн Б) Оллпорт В) А.Маслоу Г) З.Фрейд Д) В.Вудворс
21.Қайси олим томонидан мотивация борасида олиб борган тадқиқотлари натижасига кўра қизиқишлар назариясини ишлаб чиқди?
А) Берлайн Б) Олпорт В) А.Маслоу Г) З.Фрейд Д) В.Вудворс
22.Янги пайдо бўладиган мотивларни ҳамиша асосий туғма ҳолда берилган биологик инстинктнинг хатолари деб ҳисоблашади. Мазкур назария қайси йўналиш намоёндалари томонидан ишлаб чиқилган?
А) Фрейдизм Б) Бихевиорал В) Когнитив Г) Психоаналитик Д) Нофрейдистлар
23.XX асрнинг 20-йилларида инстинктлар назариясини ўрнига қандай консепсия юзага келди?
А) еволюсион ривожланиш Б) инстинкт ва эҳтиёжлар ўртасидаги иррасионал фарқлар
В) екологик ўзгаишлар Г) биологик эҳтиёжларга таянган ҳолда инсон табиатини тушунтирувчи Д) аффектив-когнитив
24.Хориж психологиясида ўқув мотивлари муаммосига бағишланган тадқиқотлар қайси олим номи билан боғлиқ?
А) Ж.Нюттен Б) К.ХоллВ) Е.ТорндайкГ) Дж.УоцонД) Б.Скиннер
25.Қуйида келтирилган ўқув жараёни борасидаги таъриф қайси олим томонидан илгари сурилган. "Ўқув жараёни у ёки бу жавоблар рексиясининг маълум ҳолати билан муайян боғлиқликда яъни ушбу реаксия ҳамда вазият ўртасида маълум алоқа ўрнатилиши билан изоҳланади".
А) Ж.Нюттен Б) К.ХоллВ) Е.ТорндайкГ) Дж.УоцонД) Б.Скиннер
26.Мотивларни экспериментал ўрганиш методикаси қайси олим томонидан ишлаб чиқилди?
А) Ж.Нюттен Б) К.Холл В) Е.Торндайк Г) Дж.Уоцон Д) К.Левин
27.Мотив борасидаги қуйидаги фикр қайси олим томонидан илгари сурилган. "Инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч унинг фаолияти мақсадини аниқловчи уларга эришиши йўллари ҳукумат ва қудратга эга еркдир".
А) А.Адлер Б) К.Холл В) Е.Торндайк Г) Дж.Уоцон Д) Б.Скиннер
28."Мотивациянинг манбаи инстинкт, у, тур ва индивиднинг сақланиш шартидир". Мазкур ғоя муаллифи қайси қаторда келтирилган?
А) А.Адлер Б) К.Холл В) Е.Торндайк Г) З.Фрейд Д) Б.Скиннер
29.Шахснинг муносабати позисияга асосланган ҳолда мотивлар муаммоси билан шуғулланган олим қайси қаторда кўрсатилган?
А) Л.И.Божович Б) П.М.Якобсон В) С.Л.Рубинштейн Г) А.Н.Леонтев
Д) В.Н.Мясишчев
30.Мотивга шахснинг эҳтиёжи билан уйғунлашуви нуқтаи назаридан ёндашади ва уларнинг ўзаро таъсири ўрин алмашуви тенглашуви мумкинлиги тўғрисидаги мулоҳаза қайси олим томонидан илгари сурилган?
А) Л.И.Божович Б) П.М.Якобсон В) С.Л.Рубинштейн Г) А.Н.Леонтев
Д) А.Г.Ковалев

Назорат саволлари

1. Мотивация ва мотивларнинг назарий муаммоларини изоҳланг?
2. Мотив муаммоси ни назарий ўрганишга доир тадқиқотларини биласизми?
3. Шахс шаклланишида мотивациянинг ролини кўрсатинг?
4. Мотивация тушунчасининг моҳиятини асосланг?
5. Мотив тушунчасининг мазмуни нималар билан белгиланади?
6. Шахс шаклланишида мотивациянинг ўрнини қандай баҳолайсиз?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гиппенрейтер Ю. Б. Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов. — М.; ЧеРо, 1997.
3. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
4. Джемс В. Психология.- М., 1991
5. Ильин Е. П. Мотивация и мотивы. — СПб.: Питер, 2000.
6. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
7. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
8. Немов Р. С. Психология: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3-х кн. Кн. 1:Общие основы психологии. — 2-е изд. — М: Владос, 1998.
9. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
10. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
11. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
12. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии.-СПб.: «Питер» 1999
13. Теплов Б. М. Избранные труды: в 2-х т. Т. 1. — М.: Педагогика, 1985.
14. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
15. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
16. Хайдаров Ф.И Ўқув фаолияти мотивасияси Т; "Фан" 2005 й
17. Ғозиев Е.Ғ.,Жабборов А. Фаолият ва хулқ-атвор мотивацияси Т-2003 й
18. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

5. БЎЛИМ ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ТЕМПЕРАМЕНТ

Темперамент ҳақида тушунча

Инсоннинг руҳий олами бетўхтов ҳаракатлар мажмуасидан иборат бўлиб, бири иккинчисини бевосита тақазо этади ва улар узлуксиз занжир тизимига ўхшаш тарзда ҳукм суради. Худди шу боис шахс руҳиятида ташқи атроф-муҳит тўғрисидаги таассуротлар, ўтмиш хотиралари, келажак юзасидан ижодий хаёллар, езгу ниятлар, хоҳиш истаклар, мақсад ва тилаклар, мулоҳаза, фикр ва муаммо, ҳиссий кечинмалар, иродавий сифатлар узлуксиз тарзда ўзаро ўрин алмаштириб туриш евазига онтогенетик дунёга мустаҳкам негиз ҳозирланади. Руҳий олам кечиши, унинг суръати, мазмуни, шакли, кўлами, хусусияти,

хислати, сифати, механизми алоҳида, яккаҳол инсонда ранг-баранг тарзда намоён бўлиши кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, инсонлар табиат ҳодисаларига, ижтимоий турмуш воқеликларига, омилларига, таъсир кучларига тез ёки секин, енгил ёки мушкулот билан жавоб қайтаришга мойиллик кўрсатадилар.

Психологияда темпераментга тааллуқли индивидуал динамик хусусиятлар ўртасида муайян даражада тафовут мавжудлиги алоҳида таъкидланади, улар орасидаги фарқларни ажратиб кўрсатиш мақсадида қуйидагича белгилар киритилади ва ўзига хос тарзда тавсифлаб берилади, уларнинг айримларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1. Фавқулотда темпераментнинг бир хил хусусиятлари мотив, психик ҳолат ва ҳодисалардан фарқли ўлароқ, айнан шу шахснинг ўзида, унинг турли фаолиятларида, муомаласида ифодаланади.
2. Темперамент хусусиятлари табиий шартланганлик омилига тааллуқли бўлганлиги туфайли инсон ҳаёти ва фаолиятининг (умрининг) давомида ёки унинг муайян бир бўлагида (таъсирга берилувчанлиги сабаблигидан қатъий назар) барқарор, ўзгармас ва мустаҳкамдир.
3. Яккаҳол шахсга даҳлдор темпераментнинг турли хусусиятлари ўзаро бир-бири билан ғайриқонуний равишда бирлашган бўлмасдан, балки улар ўзаро бир-бири муайян қонуният асосида мужассамлашиб, худди шу хусусиятлар унинг типларини тавсифловчи ўзига хос тузилмани вужудга келтиради.

Психология фанида ***темперамент хусусиятлари*** деганда, алоҳида бир шахснинг психик фаолияти динамикасини белгиловчи психиканинг барқарор, ўзгармас индивидуал-типологик хусусиятлари мажмуаси тушунилади. Мазкур хусусиятлар турли шакл ва мазмунга эга бўлган мотивларда, психик ҳолатларда, мақсадларда, фаолиятларда нисбатан ўзгармас темперамент типини тавсифловчи тузилмани ташкил қилади.

Психология фанининг ижтимоий тарихий-тараққиёти даврида темпераментга нисбатан билдирилган мулоҳазалар, унинг моддий асоси тўғрисидаги талқинлар хилма-хил бўлиб, шахснинг психологик хусусиятларини ўзига хос тарзда тушунтириш учун хизмат қилиб келган. Темперамент лотинча "темпераментум" деган сўздан олинган бўлиб, бунинг маъноси "аралашма" деган тушунчани англатади. Темперамент тўғрисидаги дастлабки таълимотни юнон олими Гиппократ (эрамиздан
олдинги 460 - 356 йилларда яшаган) яратган бўлиб, унинг типологияси то ҳозирги даврга ча қўлланилиб келинмоқда.

Темпераментнинг физиологик асослари

Қадимги юнон олими **Гиппократ** таълимотига биноан, инсонларнинг темперамент хусусиятлари жиҳатидан ўзаро бир-биридан тафовутланиши, уларнинг тана аъзоларидаги суюқликларнинг (хилтларнинг) турлича нисбатда жойлашувига боғлиқ эканлиги тасаввур қилинади. Гиппократ таъбирича, инсон танасида тўрт хил суюқлик (хилт) мавжуд бўлиб, улар ўт ёки сафро (юнонча "чоле"), қон (лотинча сангуис ёки сангуинис), қора ўт (юнонча мелас "қора", чоле "ўт"), балғам (юнонча
"пҳлегма") кабилардан иборатдир. Унинг мулоҳазасича:

1. ***Ўтнинг хусусияти*** - қуруқликдир, унинг вазифаси-тана аъзоларида қуруқликни сақлаб туриш ёки баданни қурук тутишдир.
2. ***Қоннинг хусусияти***-иссиқликдир, унинг вазифаси танани иситиб туришдир.
3. ***Қора ўтнинг хусусияти***-намликдир, унинг вазифаси бадан намлигини сақлаб туришдир.
4. ***Балғамнинг*** (шилимшиқ модданинг) хусусияти-совуқликдир, унинг вазифаси баданни совутиб туришдан иборатдир.

Гиппократ таълимотига мувофиқ ҳар бир инсонда шу тўрт хил суюқлик мавжуд бўлиб, унинг биттаси устуворлик касб этади. Мазкур аралашма (лотинча темпераментум)лардан қайси бири салмоқлироқ бўлса, шунга қараб инсонлар темперамент жиҳатдан фарқланадилар, чунончи холерикда сариқ ўт, сангвиникда қон, флегматикда балғам, меланхоликда қора ўт устун бўлиши таъкидланади.

Гиппократнинг тўрт хил моддалар (суюқликлар) аралашмаси, яъни темперамент тушунчаси ва унинг типологияси (сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик) рамзий маънода ҳозирги замон психологиясида ҳам қўлланилиб келинмоқда.



Темпераментнинг физиологик асосларига улкан ўз ҳиссасини қўшган олимлардан бири рус физиологи **И.П.Павлов** (1849-1936) ҳисобланади. И.П.Павлов темперамент ҳам шартли рефлектор фаолиятининг индивидуал хусусиятларини келтириб чиқарувчи омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин, деган хулоса чиқаради. И.П.Павлов таълимоти бўйича, шартли рефлекслар пайдо бўлишининг индивидуал хусусиятлари рўёбга чиқишининг сабаблари нерв систэмасини хусусиятлари моҳиятидандир. Унга кўра қуйидаги 3 та хусусиятни ажратиб кўрсатади:

1) қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучи;

2) қўзғалиш кучи билан тормозланиш кучи ўртасидаги мувозанатлилик даражаси;

3) қўзғалишнинг тормозланиш билан алмашиниш тезлиги ёки нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги.

И.П.Павлов шартли рефлектор фаолиятининг индивидуал хусусиятлари билан темпераментга алоқадор нерв систэмаси хусусиятларининг ўзаро

қўшилувини нерв системасининг типи деб номлайди ва уни тўртта типга ажратади. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Кучли, мувозанатли, епчил;

2. Кучли, мувозанациз, епчил;

3. Кучли, мувозанатли, суст;

4. Кучли, мувозанациз суст.

Йирик рус психологларидан бири **Б.М.Теплов** (1896 - 1965) ва унинг шогирдлари, маслакдошлари И.П.Павловнинг тадқиқотларини давом еттириб, инсон нерв жараёнлари хусусиятларининг ўзига хос томонларини очишга муваффақ бўлдилар. Улар нерв-физиологик жараёнларнинг нозик ҳирраларини ўрганишга махсус мосламалар ёрдами билан ўзгаришларни қайд қилиш ҳамда олинган натижаларни (омилларни) математик статистика методлари орқали ҳисоблашни татбиқ этдилар. Шунингдек, Б.М. Теплов илмий мактабининг намоёндалари томонидан ижобий ва

тормозловчи шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш тезлигини тавсифловчи индивидуал хусусиятлар туркуми ҳам таърифлаб берилгандир. Ушбу индивидуал хусусиятлар моҳиятида ифодаланувчи нерв системасининг нотаниш хусусияти динамиклик деб номланган ҳам тавсифланган. Бундан ташқари, улар шартли рефлектор фаолиятининг бир гуруҳ индивидуал хусусиятлари қўзғалиш жараёни тўхталишининг тезлиги маҳсули сифатида тахмин қилинган хусусиятни (янги хислатни) лабиллик деб атай бошлаганлар. Шунинг билан бирга нерв системасининг бошқа хусусиятлари мавжудлиги тўғрисида илмий тахминлар илгари сурилган, чунончи: сензитивлик, реактивлик ва ҳоказо.

Нерв системаси типларининг келиб чиқиши.

Нерв системасининг умумий типлари келиб чиқиши юзасидан мулоҳаза юритилганда, албатта И.П.Павловнинг таълимотини еслаш мақсадга мувофиқдир, чунончи ирсият йўли билан шартланган тип-бу генотип демакдир. Ҳозирги даврда нерв системасининг умумий типи (генотип) ирсиятга боғлиқ эканлиги ҳақидаги маълумотлар, жуда кўп бўлиб, улар қиёсий жиҳатдан ҳайвонларни ўрганиш натижасида топилгандир.

Темпераментнинг типологияси мободо инсонлар темпераментлари бўйича қиёсланса, у ҳолда унинг хусусиятлари жиҳатидан ўзаро ўхшаш шахсларнинг гуруҳи мавжудлиги намоён бўлади. Бу аснода эрамиздан олдинги даврда ҳам темперамент типлари тўғрисида материаллар тўпланган.

И.П. Павлов таълимоти бўйича нерв системаси типларининг ва Гиппократ таълимоти бўйича темпераментнинг ўзаро муносабатлари

Темперамент типлари	Нерв системасининг кучи	Нерв тизимининг мувозанати	Нерв тизимининг илдамлиги
Холерик	Кучли жўшқин	Мувозанациз қизғин	Серҳаракат
Сангвиник	Кучли серҳаракат	Мувозанатли	Серҳаракат
Флегматик	Кучли вазмин	Мувозанатли	Инерт (суст)
Меланхолик	Кучсиз	Мувозанациз тормозли	Серҳаракат ёки инерт

Уларда темперамент типи дейилганда, инсонларнинг муайян гуруҳларини тавсифловчи психик хусусиятларнинг йиғиндиси (мажмуаси) тушунилади.

Ҳозирги даврда темперамент типи деганда, маълум инсонлар гуруҳи учун умумий бўлган хусусиятларнинг содда мажмуаси эмас, балки мазкур хусусиятларнинг қонуний, зарурий ўзаро боғлиқлиги тушунилади. Темперамент типини тавсифловчи хусусиятларнинг қонуний тарзда ўзаро боғлиқлиги қуйидагича акс этиши мумкин.

Нерв систэмаси ва темпераментнинг боғлиқлиги

Нерв тизимининг турлари		**Кучли**			**Кучсиз**
			Жонли	Инерт	
Нерв жараёнлари хусусиятлари	Куч Вазминлик ҳаракатланиш	Кучли Ҳаракатланиш	Кучли Ҳаракатланиш	Кучли Суст	Кучсиз Ҳаракатчан ёки суст
Темперамент		Холерик	Сангвиник	Флегматик	Меланхолик

Темперамент ва психик реаксиянинг боғлиқлиг

Темперамент	***Реакция***	
	Тезкорлик	Куч
Сангвиник	Тез	ўрта
Холерик	Тез	ҳаддан ташқари
Флегматик	Секин	кучли
Меланхолик	Секин	кучсиз

Темперамент типларининг психологик тавсифи қуйидаги муҳим хусусиятлар ёрдами билан аниқланиши мумкин ва уларнинг психологик тавсифини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.



1.Сензитивлик (лотинча Сенсус - сезиш, ҳис қилиш деган маъно англатади). Сензитивлик юзасидан инсонда бирорта психик реаксияни ҳосил қилиш учун зарур бўлган ўта кучсиз ташқи таассурот кучига қараб мулоҳаза юритилади, жумладан, сезгиларнинг пайдо бўлиши учун керак қўзғовчининг озгина кучи (уларнинг қуйи чэгараси), эҳтиёжлар қондирилмаслигининг сезилар-сезилмас даражаси (шахсга руҳий азоб берувчи) мужассамлашади.

2.Реактивлик. Бу тўғрида айнан бир хил куч билан таъсир этувчи ташқи ва ички таассуротларга шахс қандай куч билан емосионал реаксия қилишига қараб муносабат билдирилади. Реактивликнинг ёрқин рўёбга чиқиши-емосионаллик, таъсирланувчанликда ифодаланишидир.

3.Фаоллик. Бу борада инсон қандай фаоллик даражаси билан ташқи оламга таъсир этиши ва мақсадларни амалга оширишда объектив ҳамда субъектив қарама-қаршиликларни фаоллик билан енгишга қараб фикр юритилади.

4.Реактивлик билан фаолликнинг ўзаро муносабати. Одамнинг фаолияти кўп жиҳатдан нимага боғлиқлигига биноан, чунончи тасодифий тарздаги ташқи ва ички шароитларга (кайфиятга, фавқулоддаги ҳодисаларга) ёки мақсадларга, езгу ниятларга, хоҳиш-интилишларига кўра фикр билдириш назарда тутилади.

5.Реаксия темпи. Турли хусусиятли психик реаксиялар ва жараёнларнинг кечиш тезлигига, нутқ суръатига, фаросатлилигига, ақл тезлигига асосланиб хулоса чиқарилади.

6.Ҳаракатларнинг силлиқлиги ва унга қарама-қарши сифат ригидлик (қотиб қолганлик), шахснинг ўзгарувчан ташқи таассуротларга қанчалик енгиллик ва чаққонлик билан мувофиқлашишига (силлиқлик билан мослашишга), шунингдек, унинг хатти-ҳаракатлари қанчалик суст ва заифлигига (ригидлиги қотиб қолганлигича) нисбатан баҳо беришдан иборатдир.

7.Екстравертлик ва интровертлик. Шахснинг фаолияти ва реаксияси кўп жиҳатдан
кечинмаларга боғлиқ, чунончи фавқулотдаги ташқи таассуротларга (екстравертлик) ёки аксинча, тимсолларга, тасаввурларга (интровертлик) тааллуқлигига асосланган ҳолда муносабат ифодасидир.

Темперамент типларининг тавсифномаси

Турли темперамент типига мансуб инсонларда ҳар хил характер хусусиятлари, шахс сифатлари, ҳолатлари рўй беради. Темперамент типларига мос хусусиятларни муҳимлари қуйидаги жадвалда акс еттирилади.



Сангвиник юксак реактивлик. Бўлар-бўлмас нарсаларга қаттиқ хохолаб кулаверади. Муҳим бўлмаган факт қаттиқ жаҳлини чиқаради. Диққатини жалб қилган ҳамма нарсаларга тетик ва зўр қўзғалиш билан жавоб беради. Имо-ишоралари ва ҳаракатлари яққол кўриниб туради. Унинг афт-башарасига қараб

кайфиятининг қандайлигини, нарсаларга ёки одамга бўлган муносабатларини билиш осон. Диққатини тез бир жойга тўплайди.

Суст сензитивликка эга. Сезгирлик чэгараси юксак. Жуда кучсиз товушларни ва ёруғлик қўзғовчиларни пайқамайди. Активлиги юксак, жуда қайратли ва ишчан, дарсларда тез-тез қўл кўтариб туради, толиқмасдан узоқ вақт ишлаши мумкин, янги ишларга ғайрат билан киришади. Фаоллиги ва реактивлиги мувозанатли. Уни интизомга чақириш осон. У ўз ҳиссиётларининг намоён бўлишини ва ўзининг ихтиёрсиз ҳаракатларини тез ушлаб қола олади. Ҳаракатлари шиддатли, нутқи тез, янги ишга тезлик билан киришади, диққатини тез тўплайди. Ақли тез ишлайди, топқир. ҳаракатлари ниҳоят даражада силлиқлик хусусиятига эга. Ҳиссиётлари, кайфиятлари, қизиқишлари ва интилишлари жуда ўзгарувчан. У янги кишилар билан тез киришиб кетади. Янги талаблар, янги шароитга осонлик билан ўрганади. Бир ишдан иккинчи ишга тез кўча олади. Малакаларни тез ўзлаштиради ва тез қайта ўзгартиради. Ақли ихчам. Екстровертлик хусусиятига эга. ўтган ва келажак ҳаёт ҳақида тасаввурларига қараганда қуйироқ ташқ таассуротларга жавоб беради.

Холерик худди сангвиник каби суст сензитивлик, юксак реактивлик ҳамда фаоллик билан ажралиб туради, лекин фаолликдан реактивлик устунлик қилади. Шунинг учун у тинимсиз ўзини ушлай олмайдиган, бетоқат, серзарда. Сангвиникка қараганда озроқ силлиқ ва қўпроқ қотиб қолган. Шунинг учун интилишлари ва қизиқишларида катта барқарорлик, зўр қатийлик бор, диққатини кўчиришда қийинчиликка учрайди. Психик темпи тез. Бир ишни бошласа охирига йетказади, аммо унга қизиқса.

Флегматик - сензитивлиги суст, ҳиссий қўзғалувчанлиги оз, кулдириш, жаҳлини чиқариш, кайфиятини бузиш қийин. Аммо бир нарса юзасидан қаттиқ кулганда у вазминлигича қолаверади. Катта кўнгилсиз ҳодиса юз берганда ҳам осойишталигини бузмайди. Имо-ишоралари оз, ҳаракатлари ифодасиз. қайрати ишчанлиги билан ажралиб туради. Юксак фаоллиги оз, реактивлигидан анча устунлик қилади. Чидамлилиги, матонати, ўзини тута билиш билан ажралиб туради. ҳаракатларининг
темпи ва нутқининг темпи суст, ифодасиз. Диққатини секинлик билан тўплайди. Ригид (қотиб қолган), диққатини қийинчилик билан кўчиради. Янги шароитга қийинчилик билан мослашади. Интроверт. Янги одамларга қийинчилик билан қўшилади. Ташқи таассуротларга қийинчилик билан жавоб қайтаради.

Меланхолик - юксак сензитивлик хусусиятига эга. Сезгирлиги юксак (сезги чэгаралари юқори). Арзимаган сабабга кўра, кўзларидан ёш оқиб кетаверади. Ниҳоятда аразчан, секин йиғлайди. Самимий, жуда оз кулади, фаоллиги суст. ўзига ишонмайди, тортинчоқ, озгина қийинчилик туғиладиган бўлса, ҳўлини ювиб қўлтиғига уриб ғўя қолади. Ғайрациз қатий эмас. Диққати тез чалғийди, барқарор эмас. Психик темпи суст. Ригид (қотиб қолган). Интровертлик хусусиятига эга.

Фаолиятнинг индивидуал услуби ва темперамент

Фаолиятнинг индивидуал услуби инсонда ўзидан ўзи вужудга келмайди, у шахс камолотининг барча босқичларида (боғча ёшидан эътиборан то касбий

маҳорат эгаллагунга қадар) шаклланиб боради. Инсоннинг темпераменти фаолиятнинг индивидуал услубини таркиб оптиради. Худди шу боисдан, фаолиятнинг индивидуал услуби дейилганда шахс учун ўзига хос ва муваффақиятга эришишнинг мақсадга мувофиқ йўллари индивидуал тизими тушунилади.

Темперамент хусусиятларининг ўзига хос йиғиндиси инсон фаолияти муносабатлари ва билиш жараёнларида фаоллигининг индивидуал услуби жараёнида намоён бўлади.

Фаолиятнинг индивидуал услуби фақат темпераментга эмас, балки бошқа сабабларга, шахсий тажриба жараёнида ҳосил бўлган кўникма ва малакаларга ҳам боғлиқдир. Фаолиятнинг индивидуал услубини инсон организмини туғма хусусиятлари ва асаб тизими типларининг фаолият шароитларига мосланиши деб қараш мумкин. Фаолиятнинг индивидуал услуби асосини асаб тизими хусусиятлари йиғиндиси ташкил қилади. Фаолиятнинг индивидуал услубига кирувчи икки хил хусусиятлар мавжуд.

1. Асаб тизими индивидуал хусусиятлари нуқсонларининг ўрнини тўлдирувчи тажриба жараёнида шаклланган хусусиятлар.

2. Инсонда мавжуд лаёқат ва қобилиятлардан максимал даражада фойдаланиш имконини берувчи хусусиятлар.

Темпераментнинг хусусияти фаолликнинг самарадорлигида эмас, балки усулларнинг ўзига хослигидадир. Шу маънода **Йе.А.Климов** томонидан олиб борилган тадқиқотга кўра, станокчи, тўқувчиларнинг ишини кузатиш натижалари муҳим саналган. Маълум бўлдики, бир неча станокда ишлашда нерв тизими ҳаракатчан типдаги ҳам, ҳаракациз типдаги ходимлар ҳам ишлаб чиқаришда муваффақиятларга эришадилар. Темпераментни ҳаракатчанлигига кўра қарама-қарши хусусиятли кишилар бир хил меҳнат вазиятида турлича ҳаракат тактикасига мурожаат қилишлари аниқланди. Ҳаракатчанлари шошилинч, тезроқ бажаради, темпераментнинг суст типдаги кишилар эса шошилинч ҳаракатнинг зарурлигини билдирадиган тайёрлов ишларига кўп эътибор бериши билан ажралиб туради.

Фаолликнинг индивидуал услубини **В.С.Мерлин, Йе.А.Климовлар** ўрганиб, унинг кишида дарров пайдо бўлмаслиги ва фақат стихияли тарзда пайдо бўлишини кўрсатишди. Агар киши ўз темпераментига мувофиқ яхши натижаларига эришишига ёрдам берадиган ўзининг йўллари ва усуларини фаол изласа, индивидуал услуб юзага келади.

Одамларнинг биргаликдаги фаоллиги шароитларида улар темпераментнинг динамик фазилатлари улар фаолиятининг пировард натижасига ҳар бири индивидуал ишлаган ҳолдагига қараганда анча жиддий таъсир кўрсатади. Бунда мазкур фаолиятни бажариш учун анча қулай ва камроқ қулай бўлган темпераментнинг ҳар хил типларини бирга қўшилиб кэтиши аниқ бўлади. Чунончи, холерик темпераментли кишининг фаолияти сангвиник ёки холерик темпераментли киши билан шерик бўлиб ишлаганига қараганда флегматик ёки меланхолик билан биргаликда ишлаган ҳолларда анча самарали бўлади. Бундай фактлар шуни кўрсатадики, темпераментнинг у ёки бу хусусиятларининг аҳамиятини кўпгина фаолият турларини биргаликдаги характерини ҳисобга олмасдан баҳолаб бўлмайди. ўз темпераментининг

хусусиятларини эгаллаш ва уларнинг ўрнини тўлдириш, фаолиятнинг индивидуал услубини шакллантириш болалик йилларидан бошланиб, таълим ва тарбия таъсирини негизида юзага келади.

Таянч тушунчалар

Лабиллик (лот. лабилис - беқарор, ўзгарувчан) - нерв ҳужайраларининг тезлик билан қўзғалиш ҳолатидан тормозланиш ва тормозланишдан қўзғалиш ҳолатига ўтиш хусусияти.

Меланхолик (юнон. Мелас - қора, чоле - ўт, сафро) - темперамент турларидан, психик фаолликнинг суст, тез таъсирланувчанлик, ҳатто арзимаган нарсалар учун хам жуда чуқур таъсиротга берилиши билан характерланади.

Ригидлик (лот. регидус - қаттиқ устаҳкам) - субъектив томонидан дастурлаштирилган фаолиятда қайта қуришнинг талаб қилиниши натижасида рўй берадиган қийинчиликлар.

Сангвиник (юнон. Сангуис қон) - темперамент турларидан. Бй тур чаққон, ҳаракатчан, таассуротлари тез-тез ўзгариб турадиган, бошқа кишиларга нисбатан дилкашлик ва мехрибонлик қилиш хислатлари билан тавсифланади.

Темперамент (лот. темпераментум - қисмларнинг бир-бирига муносабати) - шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари мажмуи. Бй кишида фаолият ва хулқ-атворнинг динамик ва емосионал томонлари билан характерланади.

Флегматик (юнон. флегма балғам, шилимшиқ модда) - темперамент турларидан бири. Бу ҳаракатларнинг секинлиги, барқарорлиги, емосионал ҳолатларнинг ташқи кўринишлари кучли эмаслигида намоён бўлади.

Холерик (юнон. чоле - сафро, сарик ўт) - темперамент тури, у ҳиссиётнинг жўшқинлиги, кайфиятнинг бирданига тез ўзгариб қолиши, ҳиссиётнинг мувозанацизлиги ва умуман ҳаракатчанлиги билан ифодаланади.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Темперамент хаҳида тушунча.
2. Олий нерв фаолияти типи ва темперамент.
3. Темперамент хусусиятлари.
4. Темперамент типлари.
5. Фаолиятнинг индвидуал услуби ва темперамент.
6. Темпераментни тарбиялаш.
7. Темперамент борасидаги психологик назариялар.

Тест саволлари

1.Темперамент тушунчасининг луғавий маъноси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) лотинча "аралашма"Б) юнонча "қоришма"В) юнонча "аралашма"
Г) лотинча "нисбатлар аралашмаси"Д) юнонча "қисмларнинг нисбати"

2.Темперамент борасидаги дастлабки таълимот ким томонидан яратилган?

А) Гиппократ Б) ГаленВ) И.П.ПавловГ) ЛесгафтД) И.М.Сеченов

3 ……. фикрича инсонларнинг темперамент хусусиятлари жиҳатидан ўзаро бир-биридан тафовутланиши уларнинг тана аъзоларидаги суюқликларнинг турлича нисбатда жойлашувига боғлиқ эканлиги тасаввур қилинади?

А) Гален Б) У.Шелдон В) Лестгафт Г) Гиппократ Д) И.П.Павлов

4.Гиппократ фикрича инсон организмдаги суюқликлар нечта гуруҳга ажратилади?

А) 2та Б) 3 таВ) 5 та Г) 6 та Д) 4 та

5.Ўтнинг хусусияти қуруғликдир унинг вазифаси тана аъзоларида қуруқликни сақлаб туриш ёки баданни қурук тутишдир. Мазкур таъриф қайси темперамент типига тааллуқли?

А) холерик Б) сангивиник В) флегматик Г) меланхолик Д) бу характер хусусияти

6.Қоннинг хусусияти иссиқликдир унинг вазифаси танани иситиб туришдир. Мазкур таъриф қайси темперамент типига тааллуқли?

А) холерик Б) сангивиник В) флегматик Г) меланхолик Д) бу характер хусусияти

7.Қора ўтнинг хусусияти намликдир унинг вазифаси бадан намлигини сақлаб туришдир. Мазкур таъриф қайси темперамент типига тааллуқли?

А) холерик Б) сангивиник В) флегматик Г) меланхолик Д) бу характер хусусияти

8.Балғамнинг хусусияти баданни совутиб туришдан иборатдир. Мазкур таъриф қайси темперамент типига тааллуқли?

А) холерик Б) сангивиник В) флегматик Г) меланхолик Д) бу характер хусусияти

9.Темпераментнинг физиологик асослари қайси олим томонидан кенг доирада тадқиқ қилган?

А) И.М.Сеченов Б) И.П.Пвалов В) И.Кант Г) Лестгафт Д) Гиппократ

10.Қайси қаторда темперамент тушунчасига тўғри таъриф берилган?

А) одамнинг ижтимоий муносабатларида яққол намоён бўладиган индивидуал хусусиятдир Б) шахснинг ҳиссий қўзғалувчанлиги ва умумий ҳаракатчанлиги билан сифатланадиган индивидуал хусусиятлар йиғиндиси В) шахсда ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлиши тезлиги ва кучида ҳамда кишининг умумий ҳаракатчанлигида намоён бўладиган индивидуал психологик хусусиятларнинг мажмуасидирГ) барча жавоб тўғри Д) тўғри жавобллар берилмаган

11.Темпераментга тааллуқли индивидуал динамик хусусиятлар қайси қаторда кўрсатилган?

А) темпераментнинг айни бир хил хусусиятлари худди бир одамнинг ўзида фаолиятнинг ҳар хил турларида ва ҳар турли мақсадларда намоён бўлади.

Б) темпераментнинг хусусиятлари одам ҳаётининг бутун давомида ва маълум бир қисмида барқарор ва ўзгармасдир.В)мазкур одамларда темпераментнинг турли хусусиятлари бир-бири билан тасодифан бирлашмай балки бир-бири билан қонуний боғланган бўлиб бу хусусиятлар темперамент типини аниқловчи муҳим тузилмани ҳосил қилади. Г) барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб берилмаган

12. Қайси қаторда темперамент хусусиятларига тўғри таъриф берилган?

А) бир инсон психик фаолияти тезлигини ифодаловчи психиканинг барқарор индивидуал хусусиятлари Б) одамнинг ижтимоий муносабатларида яққол намоён бўладиган индивидул хусусиятлар В) шахс фаолияти хулқ-атворининг тезлиги ва ҳиссий томонини ифодаловчи шахснинг барқарор хусусиятлари

йиғиндисиГ) ҳиссий қўзғалувчанлиги ва умумий ҳаракатчанлиги билан сифатланадиган индивидуал психологик хусусиятлари мажмуидир.Д) барча жавоблар тўғри

13.Қайси қаторда И.П.Павлов томонидан классификасия қилинган темперамент типлари кўрсатилган?

А) қўзғалиш ва тормозланиш жараёнининг кучи Б) қўзғалиш кучи билан тормозланиш кучи ўртасидаги мувозанатлилик даражаси В)қўзғалишнинг тормозланиш билан алмашинишнинг тезлиги ёки нерв жараёнининг ҳаракатчанлиги

Г) барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб берилмаган

14.И.П.Павлов томонидан ажратиб кўрсатилган асаб тизимининг типии қайси қаторда кўрсатилган?

А) кучли мувозанациз епчил Б) кучли мувозанатли епчил В) кучли мувозанатли сустГ) кучсиз мувозанациз суст Д) барча жавоблар тўғри

15.Темпераментга боғлиқ бўлган асаб тизимининг очилган типлари инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлиб, улар…….типлар деб аталади?

А) аралаш Б) умумий В) қоришма Г) яккаҳол Д) конструктив

16. Темпераментнинг нерв-физиологик асосини нима ташкил қилади?

А) шартли рефлекслар Б) олий нерв фаолият типлари В) асаб тизимининг умумий типлари

Г) шарсиз рефлекслар Д) барча жавоблар тўғри

17.Темперамент асаб тизимининг умумий типига эмас, балки тана гавда тузилишининг нисбатига боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Мазкур назария тарафдорлари қайси қаторда келтирилган?

А) И.М.Сеченов ва И.П.Павлов Б) Галтон ва Гален В) Лестгафт ва И.Кант

Г) Кречмер ва Шелдон Д) Арасту ва Гиппократ

18.Психик реаксияни юзага келтириш учун зарур бўлган ниҳоятда кучсиз ташқи таассурот кучига қараб хулоса чиқариш ……..деб аталади?

А) сензитивлик Б) реактивлик В) фаоллик Г) реактивлик ва фаолликнинг ўзаро муносабати Д) реаксия темпи

19. …….бир хил куч билан таъсир қилувчи ташқи ва ички таассуротларга одам қандай куч билан емосионал реаксия қилишига қараб хулоса чиқариш яъни ҳиссийлик ва таъсирланувчанлик.

А) сензитивлик Б) реактивлик В) фаоллик Г) реактивлик ва фаолликнинг ўзаро муносабати Д) реаксия темпи

20……..одам қандай фаоллик даражаси билан ташқи оламга таъсир этиши ва мақсадларини амалга оширилишида ташқи ҳамда ички қаршиликларни фаоллик билан йенгишдир?

А) сензитивлик Б) реактивлик В) фаоллик Г) реактивлик ва фаолликнинг ўзаро муносабати Д) реаксия темпи

21. …….. одамнинг фаолияти кўп жиҳатдан нимага боғлиқлигига қараб яъни тасодифий тарздаги ташқи ёки ички шароитларига ёки мақсадларга интилиш ва ниятларига боғлиқлигига қараб хулоса чиқариш.

А) сензитивлик Б) реактивлик В) фаоллик Г) реактивлик ва фаолликнинг ўзаро муносабати Д) реаксия темпи

22. ……..турли реаксиялар ва жараёнларнинг ўтиши тезлигига яъни ҳаракат тезлигига нутқ темпига фаросатлиликка ақл тезлигига қараб хулоса чиқариш.
А) сензитивлик Б) реактивлик В) фаоллик Г) реактивлик ва фаолликнинг ўзаро муносабати Д) реаксия темпи
23. …….. ўзгарувчан ташқи шароитларга қандай йенгиллик билан ёки суст ва қолоқлик билан мослаша олиш.
А) сензитивлик Б) реактивлик В) фаоллик Г) ҳаракатларнинг силлиқлиги ва унга қарама-қарши сифат ригидлик Д) реаксия темпи
24.Тез таъсирланувчан арзимаган ҳодисалар ҳақида чуқур қайғурадиган кишилар қайси темперамент типига киради?
А) холерик Б) сангивиникВ) флегматик Г) меланхолик Д) олий нерв фаолияти
25.Олий нерв фаолияти хусусиятларининг яъни кучи ҳаракатчанлиги мувозанатлилигининг барқарор йиғиндиси қандай ном билан аталади?
А) холерик Б) сангивиникВ) флегматик Г) меланхолик Д) олий нерв фаолияти
26.Ҳаракатчан таассуротлари тез ўзгаришга мойил мулоқотга киришувчан фаол кишилар қайси темперамент типига киради?
А) холерик Б) сангивиник В) флегматик Г) меланхолик Д) олий нерв фаолияти
27.Ҳиссий ҳолатлари кучсиз ифодаланадиган барқарор секин ҳаракат қиладиган кишилар қайси темперамент типига киради?
А) холерик Б) сангивиник В) флегматик Г) меланхолик Д) олий нерв фаолияти
28. Кучли ҳис ҳаяжон тез-тез ўзгариб турувчи кайфият мувозанациз асаб тизими ва умумий ҳаракатчанликка эга кишилар қайси темперамент типига киради?
А) холерик Б) сангивиник В) флегматик Г) меланхолик Д) олий нерв фаолияти
29.Хориж психологик адабиётларда темперамент нерв систэмасининг умумий типининг нерв физиологик хусусиятларига эмас балки …… мазкур назария қайси қаторда келтирилган?
А) ташқи кўрсаткич баданнинг жисмоний тузилишига Б) унинг баъзи қисмлари ўртасидаги алоқага В) организм турли таркибларининг муносабатларидан тузилган организмнинг умумий тузилмасига боғлиқдир.Г) тўғри жавоб берилмаган
Д) барча жавоблар тўғри
30.Тана тузилиши темперамент хусусиятлари ҳам ички секресия безлари фаолиятидаги ўзаро муносабатларнинг наслий белгиларга боғлиқдир. Мазкур назария тарафдорлари қайси қаторда келтирилган?
А) Е.Кречмер ва У.Шелдон Б) И.Павлов ва И.М.Сеченов В) Гиппократ ва Гален Г) Неблисин ва Теплов Д) Е.Кречмер ва Б.Теплов

Назорат саволлари

1.Темперамент тушунчасининг моҳиятини асосланг?
2.Олий нерв фаолияти типи ва темперамент ўртасидаги боғлиқликни кўрсатинг?
3.Темперамент хусусиятларига таъриф беринг?
4.Темперамент типларининг моҳиятини изоҳланг?
5.Фаолиятнинг индвидуал услуби ва темперамент ўртасидаги муносабатни аниқланг?

6.Темперамент борасидаги психологик назарияларнинг моҳиятини асосланг?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Бодалев А. А. Психология о личности. — М.: Изд-во МГУ, 1988. Гиппенрейтер Ю. Б. Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов-. — М.: ЧеРо, 1997.
2. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
3. Грановская Р. М. Элементы практической психологии. — СПб.: Свет, 1997.
4. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
5. Джемс В. Психология.- М., 1991
6. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
7. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
8. Мерлин В.С. Очерки интегрального исследования индивидуаль-ности. — М.: Просвещение, 1989.
9. Небылицы В. Д. Основные свойства нервной системы человека // Избранные психологические труды / Под ред. Б. Ф. Ломова. — М.: Педагогика, 1990.
10. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
11. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
12. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
13. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
14. Теплов Б. М. Избранные труды: В 2-х т. Т. 1. — М.: Педагогика, 1985.
15. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
16. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
17. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

ХАРАКТЕР

Характер ҳақида тушунча.

Ҳар бир одам ҳар қандай бошқа одамдан ўзининг индивидуал психологик хусусияти билан ажралиб туради. Бу жараёнда асосий эътибор характер муаммосига қаратилади. "Характер" сўзи грекча сўздан олинган бўлиб " тамға, белги " деган маънони англатади. Ижтимоий турмушда ҳаёт ва фаолият кўрсатаётган ҳар қандай шахс ўзининг индивидуал-психологик хусусиятлари билан бошқа инсонлардан ажралиб туради ва бу фарқлар унинг характер хислатларида ифодасини топади. Шу боисдан инсоннинг барча индивидуал хусусиятларини характер хислати таркибига киритиб бўлмайди. Чунончи ақлнинг топқирлиги, хотиранинг барқарорлиги, кўришнинг ўткирлиги каби индивидуал психологик хусусиятлар бунга мисолдир.

Психология фанида характерга турлича таъриф берилишига қарамай, унинг асосий белгилари таъкидланганлиги билан бир-бирига мувофиқ тушади. Масалан, шахс хулқининг типик усуллар билан боғлиқ фаолият муомала ва

муносабатда намоён бўлувчи, мужассамланувчи унинг барқарор хусусиятлари мажмуаси характер дейилади. Шахснинг жамиятга нисбатан муносабатлари унинг асосий белгиси ҳисобланади.

Характер деганда мазкур шахс учун типик ҳисобланган, фаолият усулларида намоён бўладиган, шахснинг турли шароитларга муносабати билан белгиланадиган индивидуал психологик хусусиятлари йиғиндиси тушунилади. Характер хусусиятларининг намоён бўлиши ҳар бир типик вазият, ҳиссий кечинмаларнинг индивидуал ўзига хос хусусияти шахс муносабатларига боғлиқ. Характернинг интеллектуал, ҳиссий ва иродавий хислатларини ажратиш мумкин. Характер деганда шахсда муҳит ва тарбия таъсирида таркиб топган ва унинг иродавий фаолиятида, атрофдаги оламга ўз-ўзига бўлган муносабатларида намоён бўладиган индивидуал хусусиятларни тушунамиз. Характернинг жуда кўп хусусиятлари одамнинг иш ҳаракатларини белгиловчи чуқур ва фаол мойиллик ҳисобланади. Мана шу мойилликларда характер хислатларининг ундовчилик кучи намоён бўлади. Одам характер хислатларининг ана шундай ундовчилик кучи туфайли кўпинча объектив шароитларга зид иш қилади ва мутлақо мақсадга номувофиқ ҳаракат усулларини қўллайди. Характер хислатлари маълум тарзда ҳаракат қисмларига, баъзан эса шароитга қарама-қарши ҳаракат қилишга ундар экан, улар ҳаётий қийин дақиқаларда яхшироқ намоён бўладилар ва бу характерни, шунингдек баркамол авлодни тарбиялашнинг му?им вазифасидир. Шахснинг қаътиятлилик, танқидийлик, фаҳм- фаросат, кузатувчанлик каби хислатлари интеллектуал, қувноқлик, меҳрибонлик ҳиссий-иродавий сифатларга киради. Одатда шахснинг муносабатлари характер хислатларининг индивидуал хусусиятларини икки хилини аниқлаш имкониятига эга:

- ✓ Шахс характерининг хусусияти рўёбга чиқадиган ҳар қандай вазият ҳиссий кечинмаларнинг ўзига хос хислати унинг муносабатларига боғлиқ.
- ✓ Ҳар қандай фавқулоддаги типик (муҳитдаги) характернинг сифатлари ҳамда индивидуал усуллари шахснинг муносабатларига тааллуқлидир.
- ✓ Шахс ҳаракатларининг сифати ва уларнинг оқилона усуллари инсоннинг иродаси, ҳиссиёти, диққати, ақлий сифатларига ёки психик жараёнларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқдир. Чунончи, меҳнатда кўзга ташланадиган тиришқоқлик, пухталик меҳнатга нисбатан ижобий муносабатни акс эттириш га эмас, балки бошқа омилларга:
    1. диққатнинг тўпланишига;
    2. ҳаракатларнинг мақсадга йўналганлигига;
    3. иродавий зўр беришга;
    4. усуллар маҳсулдорлигига;
    5. ақлнинг иштирокига боғлиқ.

Характернинг физиологик асослари

Характернинг психологик ва физиологик сабаблари ҳақида фақат тахминий фикрлар, хулосалар мавжуд. Киши темпераменти унинг характери таркибига киради, шу сабабли ҳам характернинг физиологик асоси асаб тизимининг типидан иборат.

Характер хислатлари шахснинг қийин ҳосил қилинадиган ва мустаҳкамланиб қоладиган хусусиятлари бўлганлиги туфайли, характернинг физиологик асоси ҳам индивидуал ҳаёт жараёнида асаб тизимининг ўзгарган хусусиятларидан иборат. ҳайвон асаб фаолиятининг туғма конституцион тури генотип. Лекин ҳайвон туғилганидан кейин ташқи шароитларнинг ғоят хилма-хил таассуротларига дуч келади ва бунга муайян фаолият орқали муқаррар жавоб бериши лозим бўладики, кўпинча бу фаолиятлар мустаҳкамланиб, бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади. Шу сабабли ҳайвоннинг батамом таркиб топган асаб фаолияти типга оид белгилардан ташқари муҳит таъсири остида ҳосил бўлган ўзгаришларнинг қотишмаси-фенотип характеридир. Динамик стереотип шахсдаги мустаҳкам одат бўлиб қолган хусусиятларнинг, жумладан, характер хислатларининг ҳам нерв-физиологик асосидир. Характернинг нерв-физиологик асосини тушуниш учун **И.П.Павловнинг** иккинчи сигнал тизими ҳақидаги таълимоти катта аҳамиятга эгадир. Иккинчи сигнал тизими нутқ ва тафаккурнинг физиологик асоси бўлиш билан бирга, киши хулқини ҳам идора қилади. Характернинг физиологик асоси характернинг мазмунини ташкил қиладиган сифатлари, чунончи, ижтимоий маслак, мардлик, ўз бурчига садоқатли бўлишларини ўз ичига олмайди ва ололмайди ҳам, албатта характер психологиясининг мазмуни ўзининг келиб чиқиши жиҳатидан ижтимоий ҳодисадир. Характернинг мазмунини ташкил қилган
томонларини ёритилиши туфайли, психология ижтимоий фанлар қаторига киради.

Характер хислатлари келиб чиқишининг муҳим физиологик шароитларидан бири - характер хусусиятларининг физиологик ҳамда психологик жиҳатдан ифодаланиши ўртасида ўхшашлик бўйича тахминий хулоса чиқаришдир. Маълумки, И.П.Павлов илмий мактаби материалларида еътироф етилишича, лаборатория шароитида овқатланиш орқали, шунингдек, терига електр токи билан таъсир қилиш туфайли мустаҳкамлашда айнан бир ҳайвонда бир хил шартли қўзғовчига жавобан икки хил динамик стереотипни ҳосил қилиш мумкин. Характер стереотиплар ва сўлак ажралишидан иборат
ижобий ва тормозланиш шартли реаксиялари билан жавоб қайтаради. Терига електр токи билан таъсир қилиш шароитда эса қўзғовчиларнинг ўзига мудофаа ҳаракатлари стереотиплари реаксияси билан жавоб беради. Бу ҳодисалар негизида ётган физиологик механизм кўчириш механизми дейилади. Кўчириш механизмининг моҳияти шуки, шароитга боғлиқ тарзда марказий нерв систэмасида ҳар хил функционал ҳолат пайдо бўлади, чунончи, овқатланишнинг марказларида кучли қўзғалиш юзага
келади ва бунда овқатланиш билан боғлиқ доминанта туғилади. Терига електр токи билан таъсир қилишда мудофаа билан боғлиқ ҳаракат марказлари кучли қўзғалиш туфайли муҳофаза (мудофаа) доминантаси вужудга келади.

Ҳайвонлардаги мазкур ҳодисаларнинг шахс характери хислатлари намоён бўлиши билан ўхшашлиги мавжуд. Булар: 1) улар ҳайвонлар ва одамлар учун стереотип хусусиятга эга; 2) шароитга боғлиқ ҳолда одамларда ва ҳайвонларда бир қўзғовчига жавобан хилма-хил стереотип хусусиятли реаксиялар тизими вужудга келади; 3) функционал ҳолатлар ҳар иккаласида ҳам барқарор ва доимий хусусият касб этади. Функционал ҳолатлар ҳосил бўлишининг ташқи

омилларига асосланиб, характер хислатлари шаклланишининг физиологик шароитларидан бири-кўчиш механизми асосида динамик стереотипларнинг вужудга келишидир.

Характер хислатларининг динамик стереотипларга боғлиқ нерв тизимининг шартли
рефлектор функционал ҳолати шахснинг шароитига нисбатан турлича муносабатига боғлиқдир. Масалан, тажрибага нисбатан текширилувчининг муносабати ўзгартирилса, унда нерв жараёнларининг қўзғалувчанлиги, ҳаракатчанлиги, тўхталиши кучаяди, демак нерв тизимининг функционал ҳолати ўзгаради. Шундай қилиб, характер хислатларининг асоси кўчиш механизми инсонларда ҳайвонларникидан кескин тафовутланади, чунки унда иккинчи сигнал тизими ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Характер хислатларининг намоён бўлиши билан нерв тизимига қиёсланса, у ҳолда биринчисининг руёбга чиқиши ўзгача физиологик шароитга асосланиши мумкин. Собиқ совет психологиясида таъкидланишича, нерв систэмаси умумий типининг зид хусусиятлари психологик жиҳатдан зид ҳаракат усулларига мос тушади. **Б.М.Теплов, В.М.Мерлин, Йе.А.Климовларнинг** тадқиқотларида ўқиш, спорт ва меҳнат фаолиятларида ҳаракат усулларининг индивидуал фарқлари аниқланган. Худди шу боис характер хислатлари пайдо бўлишининг ўзгача физиологик шароити нерв тизими умумий типининг хусусиятлари ҳисобланади. Маълумки, нерв тизимининг умумий типи - бу темпераментнинг физиологик асоси ҳамдир. Шунинг учун темперамент типи характернинг индивидуал ўзига хос хислатларининг руёбга чиқишидаги муҳим психологик шароитлардан бири бўлиб ҳисобланади. И.П.Павлов тажрибасининг кўрсатишича, муайян тизимда ташқи таъсир ҳукм сурганда нерв тизими умумий типининг хусусиятларига тааллуқли динамик стереотипнинг шаклланишига қулайлик вужудга келтириш ёки, аксинча, ҳалақит бериши мумкин.

Характер таркиби

Шахснинг характери тузилиши турли хусусиятларнинг тасодифий йиғиндисидан иборат эмас, балки ўзаро бир-бирига боғлиқ, ҳатто тобе яхлит тизимдан таркиб топади. Характер хислатларининг муайян қисмидан хабардор бўлишлик нотанишларни ташхис қилиш имкониятини яратади. Мисол учун, шахснинг шуҳратпарастлиги маълум бўлса, унинг дили (кўнгли) қоралиги юзасидан тахмин қилиш мумкин, ёки инсон камтар, мўмин, ювош хусусиятли бўлса, албатта у кўнгилчан эканлиги кўнглимизга келади.

Одатда психик хусусиятларнинг ўзаро боғлиқ тизими симптомокомплекслар (омиллар) дейилади. "Симптом" юнон сймптома белги, мос тушиш, "комплекс" лотинча, алоқа, мажмуа деган маъно англатади. Мисол учун, қарама-қарши симптомокомплекслар ҳақида мулоҳаза юритилса, у ҳолда инсонларда бу тизим ўзига ишониш ўзидан мағрурланиш, мақтанчоклик, ўзбилармонлик, урушқоқлик, кек сақлаш кабилар бирикмасида юзага келади. Бошқа тоифадаги шахслар ўзларининг камтаринлиги, кўнгилчанлиги, илтифотлилиги, дилкашлиги, ҳаққонийлиги билан ажралиб турадилар. Воқеликка шахснинг бир хил муносабати характер хислатларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини билдиради.

Ҳозирги замон психологиясида шахснинг турли муносабатлари билан белгиланадиган характер хусусиятларининг тўртта тизими фарқланади.

- ✓ Жамоа ва айрим одамларга бўлган муносабатларини ифодаловчи хусусиятлар (яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик ва шу кабилар).
- ✓ Меҳнатга бўлган муносабатни ифодаловчи хусусиятлар: (меҳнацеварлик, ялқовлик, виждонлилик, меҳнатга маъсулият ёки маъсулияцизлик билан муносабатда бўлиши кабилар).
- ✓ Нарсаларга бўлган муносабатни ифодаловчи хусусиятлар: (озодалик ва ифлослик, нарсалар билан аяб ёки аямасдан муносабатда бўлиш кабилар).
- ✓ Одамнинг ўз-ўзига бўлган муносабатини ифодаловчи хусусиятлар (иззат-нафслилик, шуҳратпарастлик, мағрурлик, ўзини катта олиш, камтарлик кабилар).

Бундан ташқари, камроқ аҳамиятга эга бўлган бошқа жуда кўп хусусиятлар ҳам мавжуд: ўзига ишониш, ўзбилармонлик, ўзига бино қўйиш, мақтанчоқлик.

Характернинг таркиби фақат айрим хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги билан эмас, балки бир бутун характерга хос бўлган хусусиятлар билан белгиланади. Характернинг хусусиятлари жумласига биринчидан, уларнинг чуқурлик даражаси киради. Шахснинг марказий, асосий муносабатлари билан белгиланадиган хусусиятларини биз характерни бир мунча чуқурроқ хусусиятлари деб атаймиз. Масалан, баркамол шахсда одамларга, жамоа ва меҳнатга нисбатан виждонан муносабатда бўлиш билан белгиланадиган хусусиятлар чуқурроқ хусусиятлар ҳисобланади. Иккинчидан, характер кучи ёки фаоллиги. Характер фаоллиги характер хусусиятларининг кишини бирор нарсага қаршилик кўрсатиш даражаси билан белгиланади. Учинчидан, характернинг таркибий хусусиятларига унинг барқарорлик ва ўзгарувчанлик даражаси киради. Характер барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги ҳам мослашиш фаолиятининг зарур шартларидандир.

Агар ташқи шароитнинг ўзгариши билан ҳар гал характер бошқача бўлиб, ўзгариб қоладиган бўлса, ундай пайтда одамнинг хатти-ҳаракатлари ташқи шароит таъсирига нисбатан пассив жавоб реаксиясига айланиб қолган, хатти-ҳаракат батамом пассив мослашишга айланган бўлар еди. Одамнинг характер хусусиятлари жуда хилма-хил ҳаёт шароитларида ҳам қаршилик қилувчи шароит бўлишига қарамай унинг хатти-ҳаракатларини бошқаради.

Характер маълум даражада пластикдир (егилувчандир). Характернинг пластиклиги икки хил маънога эга, биринчидан, характернинг барқарорлиги сингари муҳим фаол таъсир қилишидир. Иккинчидан, характер маълум даражада пластик бўлганлиги учунгина исталган одамнинг характерини қайта тарбиялай оламиз.

Кишига мустаҳкамланиб, унинг шахсий хусусиятига айланиб қолган ирода сифатлари характернинг ирода билан боғлиқ бўлган хислатларидан, бу сифатлар алоҳида кўриниб эмас, балки шахснинг фазилатига айланиб қолади, ғатъият, сабр-тоқат, чидамлилик, дадиллик, ўзини тута билиш, мустақиллик, интизомлилик, маъсулиятни ҳис қилиш, ўз-ўзини танқид қилиш ахлоқий хислатлардир.

Характер акцентуацияси

Характернинг у ёки бу хусусияти миқдорий ифодалилиги охирги маррага йетиб ва норманинг енг охирги чэгарасига бориб қолганда ***характернинг аксентуацияси*** (ортиқча урғу берилиши) деб аталади.

Характерга ортиқча урғу берилиши айрим характер хусусиятларининг кучайиши натижаси сифатида норманинг охирги вариантларидан бири саналади. Бунда индивидда бошқаларига нисбатан барқарорлик бўлгани ҳолда бир хил стрессоген (қаттиқ ҳаяжонланувчи) омилларга заифлик ортиши кузатилади. Характернинг аксентуацияси ўта ноқулай вазиятларда патологик бузилишларга ва шахс хулқ-атворининг ўзгаришларига, психопатияга олиб бориши (характер шахснинг адекват ижтимоий адаптасияга тўсқинлик қилувчи ва амалда такрорланмайдиган патологияси, гарчи тўғри даволаш шароитларида баъзи тузатишларга берилса ҳам) мумкин, лекин уни патологияга оид деб ҳисоблаш ноўриндир.

Характернинг аксентуацияси (ортиқча урғу берилиши) турларини таснифлаш анча мураккаблик туғдиради ва ҳар хил номенклатураси бўйича бир-бирига мос келмайди. (К.Леонгард, А.Личко). Лекин аксентуациялашган хусусиятларнинг тавсифи маълум даражада бир хил бўлиб қолади. Бу ҳар иккала тасниф схемаларидан муваффақиятли терминларни олиб ва бунда психиатрик терминология ("шизофрения хусусиятлаки", "епилепсия" хусусиятлари ва ҳоказо) билан тўғридан- тўғри ўхшашлик бўлишидан қочган ҳолда ортиқча урғу бериладиган хусусиятлар рўйхатини келтириш имкониятини беради. Характерни ортиқча урғу берилган ҳолда баҳолаш психиатрнинг эмас, балки педагогнинг диққатини жалб қилишини тақозо этади, гарчи аксентуация муаммосининг ўртача қўйилиши тарихи психиатрия ва психоневрологияга бориб тақалганда ҳам шундай ҳисобланади.

Немис психиатри К.Леонгард фикрича, 20-50% кишиларда баъзи характер хусусиятлари шу даражада кучлики, баъзан бир хил типдаги зиддият ва ҳиссий портлашларга олиб келиши мумкин.

Характер акцентуацияси - бирор хусусиятнинг бошқалари зарарига кучли ривожланиши ва атрофдагилар билан муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келишидир. Характер аксентуацияси турли даражада йенгил ва ҳатто психопатия даражасигача бўлиши мумкин. ўсмирлар орасида характер аксентуацияси кўп (50-80%) учрайди.

К.Леонгард томонидан характер аксентуацияси муаммоси ўрганилиб уни шахсда намоён бўлишига қараб қуйидагилар таснифланади:

- ***Гипертим тип*** - ҳаддан ташкари алоқага киришувчан, кўп гапиради, имо-ишора, мимикага бой, суҳбат мавзусини буриб юборишга мойил, кўпинча хизматга доир ва оммавий мажбуриятларни унутиб қўйганлиги сабабли зиддиятлар келиб чиқади.
- ***Дистим тип*** - камгап, мулоқотга киришишга қийналади, пессимист, зиддиятлардан ўзини олиб қочади, уйда ёлғиз қолишни ёқтиради.
- ***Циклоид тип*** - кайфияти тез ўзгаришга мойил, кайфияти яхши пайтда - гипертим, ёмон пайтда дистим типга ўхшаб қолади.
- ***Қўзғалувчан тип*** - мулоқотда пассив, вербал ва новербал реаксиялари суст, қайсар, баъзан урушқоқ, кўпинча турли можароларнинг ташаббускори.

- ***Кучайтирувчи тип*** - камгап, ақл ўргатишни ёқтиради, юқори натижаларга эришишни ҳоҳлайди, тез хафа бўлади, шубҳаланувчан, қасоскор. Кичик-кичик муаммоларни катталаштиришга, бўртиришга мойил.
- ***Педант тип*** - зиддиятларга кам қўшилади, кўпинча пассив ҳолатда бўлади, атрофдагиларга кўплаб расмий талаблар қўяди, тартибли, жиддий ишончли ходим.
- ***Хавотирли тип*** - камгап, одамови, ўзига ишонмайди, зиддиятлардан ўзини олиб қочади, тинчликсевар, ўз-ўзини танқид қилади. Топшириқларни вақтида бажаради.
- ***Емотив тип*** - тор доирадаги кишилар билан мулоқотга киришишни ёқтирадилар, хафа бўлса ташқаридан сездирмасликка ҳаракат қилади, меҳрибон, ҳамхўр, маъсулиятни ҳис қилади. Бошқаларнинг ютуқларидан қувонади.
- ***Намойишкорона (демонстратив) тип*** - мулоқотга тез киришади, йетакчиликка интилади,ҳокимият ва мақтовни ёқтиради, бошқаларни ўзига жалб қила олади, ноёб тафаккурга, хулқ- атворга эга.
- ***Екзалтирлашган тип***- ўта мулоқотга киришувчан, кўп гапиради, қизиқувчан, дўстлари ва яқинларга эътиборли, бошқаларга ёрдам беради, дид-фаросатли, самимий.
- ***Екстровертлашган тип*** - мулоқотга киришувчан, дўстлари кўп, зиддиятлардан ўзини олиб қочади, бошқаларни диққат билан ешитиш мумкин. Топшириқларни вақтида бажаради.
- ***Интровертлашган тип*** - мулоқотга киришишга қийналади, "ичимдагини топ", фалсафий фикр юритишни ёқтиради, қатъиятли, еътиқоди мустаққам, қайсар, тафаккури қотиб қолган.

Тўғри ташкил етилган таълим-тарбия жараёнида характер аксентуациясини тарбиялаш ва тузатиш мумкин.

Характер типологияси

Психология тарихида характернинг типологиясини яратишга бир неча бор уриниб кўрилган. Немис психологи ва психиатри Е.Кречмер томонидан ХХ аср бошларида тавсия етилган типология енг машҳур ва дастлабки уринишлардан бири еди. Кейинчалик унинг ҳамкасблари **У.Шелдон, Е.Фромм, К.Леонгард** ва **А.Е.Личколар** томонидан ҳам шундай типологиялар тавсия етилган. Инсон характерининг барча типологиялари қуйидаги асосий ғояларга мувофиқ тарзда ташкил етилган.

1.Инсон характери унинг онтогенетик тараққиёти мобайнида намоён бўла бошлайди ва бутун ҳаёт давомида барқарор бўлиб боради.

2.Характер таркибига кирган хусусиятлар тасодифий уюшган эмас. Улар характер типологиясини тузиш имконини берувчи бир-биридан фарқ қилувчи типлардан иборат.

3.Мазкур типологияга кўра кўпчилик кишиларни маълум гуруҳларга бирлаштириш мумкин.

Е.Кречмер одам танасининг тузилиши ва конституциясига кўра, енг кўп учрайдиган учта типни ажратиб кўрсатган (астеник, атлетик, пикник).

Уларнинг ҳар бири шахсни маълум характер типлари билан боғланган бўлса ҳам, аслида ҳеч қандай илмий асослаб бўлмайди.

1.Астеник тип - Кречмер фикрича, унча катта бўлмаган гавда тузилишли, ўртача ёки ундан баландроқ бўйли, ориқ кишилардир. Астеникларнинг тана ва юз териси нозик, йелкаси тор, ясси, мушаклари яхши ривожланмаган.

2.Атлетик тип - скелет ва мушаклар яхши ривожланган, ўртачадан юқори, баланд бўйли, кенг елкали, кучли кўкрак қафасли, бошини тик тутиб юрадиган кишилардир.

3.Пикник тип - бош, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи яхши ривожланган, семиришга мойил, таянч-ҳаракат аъзолари яхши ривожланмаган кишилардир.

Е.Кречмер мазкур типлар билан айрим руҳий касаллик ўртасида мувофиқлик бор, деган фикрни илгари суради. Масалан, атлетик ва астеник типлар шизофренияга мойилроқ деб ҳисоблайди.

Е.Кречмер типологияси ҳаётий кузатишлар асосида хулосалар чиқариш орқали тузилган бўлса ҳам камчиликларга эга. Баъзи илмий тадқиқотлар маълум тана тузилишига эга кишилар руҳий касалликларга мойил эканлигини аниқлади ва характер аксентуацияси ҳақидаги фикрларни илгари суриш имконини берди.

Характер борасидаги назариялар.

Характер борасидаги таълимотлар тарихи узоқ ўтмишга бориб тарқалади. Хусусан, **Арасту** ва **Афлотун** киши характерини башарасига қараб аниқлашни таклиф қилган эдилар. Уларнинг характерологияси асоси қанчалик содда бўлса, шунчалик ғаройиб фараз ётарди. Кишининг ташқи кўринишида қандайдир ҳайвон билан ўхшашлик белгисини топиш тавсия қилинарди, сўнгра эса унинг характерини ана шу ҳайвонннинг характери билан айнан бир хил деб қараш керак еди. Жумладан, Арастунинг айтиши бўйича, буқаники сингари йўғон бурун ишёқмасликни билдиради, чучқаникига ўхшаш тешиклари катта-катта кенг бурун аҳмоқликни, арслонники каби бурун мағрурликни, ечкилар, ғйлар, ва қёнларники сингари жунининг майинлиги қўрқоқликни, шерлар ва ёввойи чучқаларники каби жуннинг дағаллиги ботирликни англатади.

Характерни аниқлашнинг бу ва шунга ўхшаш физиологик тизими ақл-садосини биз, масалан, ўрта асрлик Сурия лик ёзувчи Абул-Фараж Бар Ебрейда кўрамиз. Унинг китобида шундай кўрсатма мужассамлашгандир: "Йўғон ва калта бўйли киши бўйвал сингари қаҳр ғазабга келиши мойиллигига эга". Узун ва ингичка бўйли қўрқоқлик аломати. Бундай киши буғу сингари ҳуркадиган бўладики, "Қайси бирининг бўйни жуда кичик бўлса, тулки сингари маккор бўлади".

ХВИИИ асрда Иоганн Каспар Лафатернинг физиологик тизими машҳур бўлиб кэтди. У инсон боши "қалбини кўрсатадиган ойна" бўлиб саналади ва унинг тузилишини, бош суягининг конфигурасияни, имо-ишорасини ўрганиш киши характерини ўрганишнинг асосий йўли деб ҳисоблади. Лафатер таниқли одамлар шахси устидан бир қатор оқилона кузатишлар қолдирди. Улар унинг илмий жиҳатдан мутлақо аҳамияциз, лекин жуда қизиқарли "Физиогномика" китобида йиғилгандир. **Лафатернинг** фикрига кўра, **Гётенинг** генийлиги ҳақида енг кўп даражада унинг, "бурни далолат берадики, у Гёте позисиясининг "маҳсулдорлигини, мазмуни ва муҳаббатини - қайд этади".

Лафатернинг ўлимидан кейин кўп ўтмай пайдо бўлган янги характериологик таълимот френология деган ном олди.

Френология немис врачи Франс Галлнинг номи билан боқлангандир. Галлв таълимотининг асосида характернинг барча хусусиятлари бош мия ярим шарларида ўзларининг қатъий ихтисослашган марказларга эга деган тасдиқ ётади. Бу фазилатларнинг ривожланиш даражаси миянинг тегишли қисмлари катталигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Галлнинг маслагига кўра, бош суяклари миянинг қаварик ва чуқурча жойларига аниқ мос келганлиги учун ҳам, унинг руҳий белгиларини аниқ айтиб бериш учун кишининг бош суягига бир назар ташлаш ёки шунчаки бошнинг "Бўртик жойларини" ушлаб кўриш афтидан йетарли бўлса керак.

Бу таълимотда умуман мия ярим шарининг тузилиши шахс хусусиятларига боғлиқ бўлади, деган тўғри бошланғич фикрдан ташқари барчаси ниҳоят даражада нотўғридир.

Чарлз Дарвин ҳам ўзининг ***"Одамда ва ҳайвонларда ҳис-туйғуларнинг ифодаланиши тўғрисида"*** деган китобида ёзган едики, физиогномистик "Ҳар бир индивиднинг ўз шахсий қизи ишларига эришиб, фақат юзларидаги асосан маълум бир мускулларни қисқартириши, бу мускуллар кучлироқ ривожланган бўлиши мумкинлиги ва шунинг учун бу линиялар ва уларнинг одатдаги қисқаришидан пайдо бўладиган юз қисқариши анча чуқур ва кўзга кўринарли бўлиши мумкинлигини жиддий равишда билиши керак.

Дарвиннинг бу ғоялари кўпгина психологларнинг изланишлари учун асос бўлди. Улар ўзларининг физиогномик таълимотларини юз ифодасининг тавсифланиши ва тушунтирилиши ҳамда унинг юмшоқ тўқималари ҳолати асосига қурила бошладилар. Мимикани психологик жиҳатдан тушунтириб берадиган ўзига хос физиогномик маълумотлар тузилди.

Характернинг шаклланиши

Организмнинг наслий хусусиятлари характер хусусиятларининг пайдо бўлишидаги шартлардан биридир. Характер хусусиятлари ирсиятнинг биологик қонуниятлари билан эмас, балки ижтимоий қонуниятлар билан белгиланади (егизаклар). Егизаклар темперамент хусусиятлари жиҳатдан ўхшасалар ҳам характер хислатлари бир-биридан фарқ қилади. Характернинг ҳар бир хусусияти шахс муносабатлари билан боғлиқдир. Лекин, шахс муносабатлари ўз навбатида ижтимоий муносабатлар билан белгиланади. Кишининг характери туғма, доимий ва ўзгармайдиган нарса эмас. Ҳеч бир бола меҳнацевар ёки дангаса, ростгўй ёки ёлғончи, қўрқоқ ёки жасур бўлиб туғилмайди. Ҳар бир одамнинг характери, темпераменти асосида, ижтимоий муҳит таъсири билан, тарбия, амалий фаолият жараёнида ва кишининг ўз-ўзини тарбиялаши билан тараққий қилиб, ўзгариб боради. Характернинг тараққиёти кишининг иродаси, ақл-идроки ва ҳиссиётларининг ривожланиб бориши билан мустаҳкам боғлиқдир.

Кишининг бутун ҳаёти давомида унинг характери таркиб топишига ижтимоий муҳит, аввало шу киши билан бирга яшаб турган ва ишлаб келган жамоа катта таъсир кўрсатади. Кичик болаларда характернинг таркиб топишида тақлиднинг роли катта. Болалар ота-онасига, яқин кишиларига ва катталарга ўхшашликка ҳаракат қилади. Улар катталарнинг юриш-туришлари, дастурхон

атрофида ўзини тутиши ва бошқаларга тақлид қиладилар, кичиклар ва жониворларга муносабатларини кузатадилар. Ота-оналар ва ўқитувчилар, умуман катта ёшдагилар ҳаммаси ўзларига ҳам эътибор билан қарашлари, ўзларида ижобий характер хислатларини ҳар доим тарбиялаб боришлари лозим.

Болаларда ижобий, иродавий ва ахлоқий сифатларни тарбиялаб йетказмоқ учун ота-оналар ва тарбиячиларнинг ўзлари бундай сифатларга эга бўлишлари лозим. Характернинг ўсишида тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашнинг роли катта. ўсиб келаётган ёш авлоднинг характери, аввало оилада ва мактабда тарбияланади. Болаларнинг характерини тарбиялашда катта маъсулиятли вазифа ота-оналар, ўқитувчилар ва болалар боғчаси тарбиячилари зиммасига тушади. Характерни тарбиялашда педагог боланинг темпераменти ижобий ва салбий томонларини яхши билиши лозим. Характерни тарбиялаш, жумладан, темпераментнинг ижобий томонларини ўстиришдан, унинг салбий томонларини йўқотишдан ва бу салбий томонларни характернинг ижобий хислатлари билан алмаштиришдан иборат. Характернинг салбий томонларини йўқотиш, ижобий томонларини тарбиялаш учун тарбияланувчининг ўз темпераментини ўзи идора қилишига ўргатиши лозим. ўз темпераментини идора қила билиш характернинг ижобий хислатидир.

Бола характерининг таркиб топишида жамоанинг тарбияловчи роли ниҳоятда катта. Инсон якка, бир-биридан ажралган тарзда ҳаёт кечирмайди, муайян жамоада, яъни муайян оилада, мактабда, сехда ва ҳоказоларда ҳаёт кечиради. Жамоа шахс билан жамият ўртасидаги боғловчи бўғиндир. Ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи бола характерининг айрим хислатларини тарбиялашда фақат жамоа орқали таъсир қилиб, ижобий натижаларга эришиши мумкин.

Характернинг ташаббускорлик, қатъиятлилик, дадиллик, саботлилик сингари ижобий
хислатлари болалар боғчасида ўйин фаолиятида таркиб топа бошлайди. Тўғри уюштирилган мактаб жамоаси шароитида ўқувчиларда уюшқоқлик, интизом, саранжом-саришталик, ўз-ўзини тута билиш, ўзини идора қилиш, ўзига нисбатан талабчан бўлиш каби характер хислатлари тарбияланиб йэтишади. Киши жамоада бир-бир билан алоқа қилиш жараёнида бошқаларнинг ва ўзининг характер хусусиятларини билиб олади. Характерни бир хили ижобий, бошқа бир хили салбий эканлигини ажратиб олади. Бундай шароит кишини ўз характерини ўзи тарбиялаш, жумладан, ўз характерини қайтадан тарбиялашни йўлга солади.

Ҳар бир киши маълум ёшдан бошлаб ўз характери ва унинг сифатлари учун ўзи жавобгардир. ўз характерини тарбиялашда киши аввало яхши фазилатларини кўзда тутмоғи лозим. ўз камчиликларига иқрор бўлиш камчиликларини йўқотишга бошлайди.

Таянч иборалар

Генотип (юнон. Генос - келиб чиқиш, тйпос - намуна) - ота - онадан фарзандга ўтадиган генлар мажмуи, ирсий асоси.

Динамик стереотип (юнон. дйнамикос - кучли, стереос - қаттиқ типос - из) - бош мия катта ярим шарларининг фаолиятини яхлитлаб туриш тури бўлиб, у шартли рефлексларнинг кетма-кетлигини таъминлаб туради.

Интроверсия - шахснинг ўз фикрлари, сезгилари, кечинмаларининг ўз-ўзига таяниши.

Миллий характер (юнон. чарактер - хусусият, белги) - бирор бир миллатга хос хусусиятлар.

Миллий стеротип (юнон. Стереос - қаттиқ тйпос - из шакл) - маълум иллатнинг образи бўлиб, у ўзида ўша миллатга хос шахс хусусиятлари, маданияти, хулқ - атворини намоён қилади.

Феномен (юнон. пҳаиноменон - юз берувчи, содир бўлувчи) - ҳис-туйғулар тажрибаси билан пайқаладиган ҳодисани англатувчи тушунча;

Физиогномика (юнон. пҳйсис - табиат, гномон - билувчи) - инсоннинг ташқи кўриниши ва унинг бирор шахс турига мансублиги ўртасидаги қатий боғлиқлик.

Хиромантия (юнон, чер - қўл, ман - фол) - одамнинг кафтига қараб унинг характери, тақдири бўйича фол очиш.

Характер (юнон. чарактер - хусусият, белги) - кишидаги барқарор психик хусусиятларнинг индивидуал бирлиги. У шахснинг меҳнатга, атрофдаги нарса ва ҳодисаларга, бошқа кишиларга ва ўз -ўзига бўлган муносабатларида ифодаланади.

Характер аксентуацияси (юнон. чарактер - хусусият, белги, лот. ассентус – урғу) - характернинг алоҳида хусусиятларини ҳаддан ташқари ифодаланиши (психопатияга яқин намоёнлашуви).

Екстраверсия (лот. Ехтра - ҳаддан ташқари, версо - ўзгариш) - шахснинг теварак - атрофдаги одамларга, ташқи ҳодисаларга йўналиши.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1. Характер ҳақида тушунча.
2. Характер типологияси.
3. Характер аксентуацияси.
4. Характер таркиби.
5. Характернинг шаклланиши.
6. Характер тузилиши ва хусусиятлари.
7. Характер борасидаги талимотлар тарихида.

Тест топшириқлари

1.Характер тушунчасига тўғри таъриф берилган қаторни аниқланг?

А) тағма, қиёфа, хислат Б) тамға, хусусият, қиёфа В) хусусият, қиёфа, аралашма Г) аралашма, тамға, уруғ Д) қиёфа, уруғ, хислат

2. Қайси қаторда характер тушунчасига тўғри таъриф берилган?

А) мазкур шахс учун типик ҳисобланган фаолият усулларида намоён бўладиган типик шароитларда кўринадиган ва бу шароитларга шахснинг муносабати билан белгиланадиган индивидуал психологик хусусиятлар йиғиндиси Б) шахснинг воқеликка бўлган муносабатларини ифодаловчи унинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган барқарор хусусиятларнинг индивидуал тарздаги йиғиндиси В) шахсда муҳит ва тарбия таъсири остида таркиб топган ва унинг иродавий фаоллигида теварак-атрофдаги оламга ўз-ўзига бўлган муносабатларда намоён бўладиган индивидуал психологик хусусият Г) тўғри жавоб берилмаган Д) барча жавоблар тўғри

3.Характернинг физиологик асоси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А) асаб тизимининг типи Б) индивидуал ҳаёт жараёнида асаб тизимининг ўзгарган хусусиятлари В) динамик стеротип Г) барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб берилмаган

4.Характернинг физиологик асосини тушунишда қайси олимнинг назарияси муҳим аҳамиятга эга?

А) И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти борасидаги назарияси Б) И.М.Сеченовнинг шартли рефлекслар борасидаги назарияси В) И.П.Павловнинг иккинчи сигналлар систэмаси ҳақидаги назарияси Г) Б.Тепловнинг олий нерв фаолияти функсиялари борасидаги назарияси Д) Л.С.Вигоцкийнинг тарихий маданий консепсияси

5.Характер типологияси биринчи марта қайси олим томонидан ишлаб чиқилган?

А) Е.Кречмер Б) Е.ФроммВ) К.Леонгард Г) У.Шелдон Д) А.Личко

6. Инсон характерининг барча типологиялари қандай ғояларга асосланади?

А) инсон характери унинг онтогенетик тараққиёти мобайнида жуда ерта намоён бўла бошлайди ва бутун ҳаёти давомида барқарор бўлиб борадиБ) характер таркибига кирган хусусиятлар тасодифий уюшма эмас улар характер типологиясини тузиш имконини берувчи бир-биридан фарқ қилувчи типлардан иборатВ) кўпчилик кишиларни маълум гуруҳларга бирлаштириш мумкин Г) тўғри жавоб берилмаган

Д) барча жавоблар тўғри

7.Е.Кречмер инсон тана тузилишига кўра қандай типларга ажратади?

А) гипертим, дистим, сиклоид Б) астеник, атлетик, қўзғалувчан В) хавотирли,емотив, пикник Г) астеник,атлетик,пикник Д) сиклоид, емотив, педант тип

8.Е.Кречмер томонидан ишлаб чиқилган типологияга мувофиқ астеник типдаги инсонлар қандай хусусиятларга эга?

А) унча катта бўлмаган гавда тузилиши ўртача ёки ундан баландроқ бўйли ориқ кишилардир Б) скелет ва мушаклар яхши ривожланган ўртадан юқори баланд бўйли кенг йелкали кучли кўкрак қафасли бошини тик тутиб юрадиган кишилардир

В) бош кўкрак қафаси яхши ривожланган семиришга мойил таянч-ҳаракат аъзолари яхши ривожланган кишилардир. Г) камгап мулоқотга киришишга қийналадиган пессимист зиддиятлардан ўзини олиб қочадиган уйда ёлғиз қолишни ёқтиради. Д) кайфияти тез ўзгаришга мойил кайфияти яхши пайтида гипертим ёмон пайтида дистим типга ўхшаб қолади.

9.Е.Кречмер томонидан ишлаб чиқилган типологияга мувофиқ атлетик типдаги инсонлар қандай хусусиятларга эга?

А) унча катта бўлмаган гавда тузилиши ўртача ёки ундан баландроқ бўйли ориқ кишилардир Б) скелет ва мушаклар яхши ривожланган ўртадан юқори баланд бўйли кенг йелкали кучли кўкрак қафасли бошини тик тутиб юрадиган кишилардир

В) бош кўкрак қафаси яхши ривожланган семиришга мойил таянч-ҳаракат аъзолари яхши ривожланган кишилардир. Г) камгап мулоқотга киришишга қийналадиган пессимист зиддиятлардан ўзини олиб қочадиган уйда ёлғиз

қолишни ёқтиради. Д) кайфияти тез ўзгаришга мойил кайфияти яхши пайтида гипертим ёмон пайтида дистим типга ўхшаб қолади.

10.Е.Кречмер томонидан ишлаб чиқилган типологияга мувофиқ пикник типдаги инсонлар қандай хусусиятларга эга?

А) унча катта бўлмаган гавда тузилиши ўртача ёки ундан баландроқ бўйли ориқ кишилардир Б) скелет ва мушаклар яхши ривожланган ўртадан юқори баланд бўйли кенг йелкали кучли кўкрак қафасли бошини тик тутиб юрадиган кишилардир

В) бош кукрак қафаси яхши ривожланган семиришга мойил таянч-ҳаракат аъзолари яхши ривожланган кишилардир. Г) камгап мулоқотга киришишга қийналадиган пессимист зиддиятлардан ўзини олиб қочадиган уйда ёлғиз қолишни ёқтиради. Д) кайфияти тез ўзгаришга мойил кайфияти яхши пайтида гипертим ёмон пайтида дистим типга ўхшаб қолади.

11.Характер хусусиятлари нечта тизимга фарқланади?

А) 2та Б) 6та В) 4та Г) 8 та Д) 5та

12.Қайси қаторда характер хусусиятлари таркибидаги тизим тўғри кўрсатилган?

А) жамоа ва айрим одамларга бўлган муносабатларни ифодаловчи хусусиятлар Б) меҳнатга бўлган муносабатни ифодаловчи хусусиятлар В) нарсаларга бўлган муносабатни ифодаловчи хусусиятлар Г) одамнинг ўз-ўзига бўлган муносабатини ифодаловчи хусусиятлар Д) барча жавоблар тўғри

13.Қайси қаторда жамоа ва айрим одамларга бўлган муносабатларни ифодаловчи хусусиятлар келтирилган?

А) яхшилик, меҳрибонлик талабчанлик, такаббурлик Б) меҳнацеварлик ялқовлик виждонлилик меҳнатга маъсулият ёки маъсулияцизлик В) озодалик ёки ифлослик нарсалар билан аяб ёки аямасдан муносабатда бўлиш Г) иззат-нафслилик шуҳратпарастлик мағрурлик ўзини катта олиш камтарлик Д) барча жавоблар тўғри

14.Қайси қаторда меҳната бўлган муносабатларни ифодаловчи хусусиятлар келтирилган?

А) яхшилик, меҳрибонлик талабчанлик, такаббурлик Б) меҳнацеварлик ялқовлик виждонлилик меҳнатга маъсулият ёки маъсулияцизлик В) озодалик ёки ифлослик нарсалар билан аяб ёки аямасдан муносабатда бўлиш Г) иззат-нафслилик шуҳратпарастлик мағрурлик ўзини катта олиш камтарлик Д) барча жавоблар тўғри

15.Қайси қаторда нарсаларга бўлган муносабатларни ифодаловчи хусусиятлар келтирилган?

А) яхшилик, меҳрибонлик талабчанлик, такаббурлик Б) меҳнацеварлик ялқовлик виждонлилик меҳҳнатга маъсулият ёки маъсулияцизликВ) озодалик ёки ифлослик нарсалар билан аяб ёки аямасдан муносабатда бўлишГ) иззат-нафслилик шуҳратпарастлик мағрурлик ўзини катта олиш камтарлик Д) барча жавоблар тўғри

16.Қайси қаторда одамнинг ўз-ўзига бўлган муносабатларни ифодаловчи хусусиятлар келтирилган?

А) яхшилик, меҳрибонлик талабчанлик, такаббурликБ) меҳнацеварлик ялқовлик виждонлилик меҳнатга маъсулият ёки маъсулияцизликВ) озодалик

ёки ифлослик нарсалар билан аяб ёки аямасдан муносабатда бўлишГ) иззат-нафслилик шуҳратпарастлик мағрурлик ўзини катта олиш камтарлик Д) барча жавоблар тўғри

17. Характер таркибида нечта хил хусусиятлар гуруҳини ажратиш мумкин?

А) 2та Б) 6та В) 4 та Г) 3 та Д) ҳеч қандай гуруҳларга ажратилмайди.

18. Характернинг пластиклиги неча хил маънога эга?

А) 2та Б) 6та В) 4 та Г) 3 та Д) ҳеч қандай гуруҳларга ажратилмайди.

19.Қайси қаторда характер хусусиятлар тўғри кўрсатилган?

А) барқарорлиги пластиклиги ўзгарувчанлиги Б) чуқурлиги кучи ва фаоллиги барқарор ва ўзгарувчанлиги В) ахлоқий иродавий Г) барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб берилмаган

20. Бирор хусусиятнинг бошқалари зарарига кучли ривожланиши ва атрофдагилар билан муносабатларининг ёмонлашишига олиб келишидир. Мазкур таъриф қайси тушунчанинг мазмунини белгилаб беради?

А) характер Б) характер хусусиятлари В) характер аксентуацияси Г) манманлик Д) қайсарлик

21.Характер аксентуацияси тушунчаси қайси олимлар томонидан фанга киритилган?

А) К.Леонгард,Е.Личко Б) К.Леонгард, Е.Кречмер В) Йе.Личко, У.Шелдон Г) Е.Фромм, У.Шелдон Д) К.Леонгард, Е.Фромм

22.Характер хислатлари қандай турларга ажратилади?

А) иродавий ўз-ўзига бўлган муносабатларга Б) ахлоқий, емосионал В) ахлоқий, интеллестуал Г) ахлоқий, иродавий Д) ахлоқий, иродавий емосионал

23.Шахсдаги мустақиллик, принсипиаллик, қатъийлик, чидамлилик, матонат, ўзини тута билишлик каби сифатлар шахснинг қандай хислатлари таркибига киради?

А) ахлоқий Б) емосионал В) иродавий Г) интеллектуал Д) меҳнатга муносабат

24.Интизомлилик маъсулиятни ҳис қилиш самимийлик ҳаққонийлик инсонпарварлик меҳнацеварлик каби сифатлар шахснинг қандай сифатлари таркибига киради?

А) аҳлоқий Б) емосионал В) иродавий Г) интеллектуал Д) меҳнатга муносабат

25.Келтирилган олимлардан қайси бирлари характерни инсон башарасига қараб аниқлашни таклиф етганлар?

А) Арасту ва Суқрот Б) Арасту ва Афлотун В) Галтон ва Суқрот Г) Суқрот ва Афлотун Д) Галл ва Арасту

26.Буқаники сингари йўғон бурун ишёқмасликни билдиради, чучқаникига ўхшаш тешиклари катта-катта кенг бурун аҳмоқлиликни, арслон каби бурун мағрурликни, ечкилар ғўйлар ва қуённики сингар жуннинг майинлиги чучқаларники каби жуннинг дағаллиги ботирликни англатади. Мазкур тасниф қайси олим томонидан илгари сурилган?

А) Афлотун Б) Арасту В) Декарт Г) Галл Д) Сурот

27. ХВИИИ қайси олимнинг характер борасидаги назарияси машҳур бўлди?

А) П.П.Блонский шахсда характерни таркиб топиши Б) Иоганн Каспар Лафатернинг физиологик систэмаси В) Франс Галлнинг френологик харитасиГ)

Иоганн Каспар Лафатернинг характернинг индивидуал хусусиятлилиги Д) Ч.Дарвининг еволюсион назарияси

28. Унинг фикрича инсон боши "қалбини кўрсатадиган ойна бўлиб саналади ва унинг тузилиши бош суягининг конфигурасиясини имо-ишорасини ўрганиш киши характерининг ўрганишнинг асосий йўли деб ҳисоблайди".

А) Афлотун Б) Арасту В) Галл Г) Лафатер Д) Лестгафт

29. Френология таълимотининг асосчиси қайси қаторда кўрсатилган?

А) Афлотун Б) Арасту В) Галл Г) Лафатер Д) Лестгафт

30. Мазкур таълимотга кўра характернинг барча хусусиятлари бош мия ярим шарларида ўзларининг қатъий ихтисослашган марказларига эга деган тасдиқ ётади?

А) характерологик таълимотларда Б) френологик таълимотларда В) физогиномикада

Г) еволюсион қонуниятда Д) барча жавоб тўғри

Назорат саволлари

1. Характер тушунчасининг мазмунини изоҳланг?
2. Характернинг физиологик асосларини нима ташкил қилади?
3. Характер типологиясининг мазмуни нималарда кўринади?
4. Характер аксентуациясининг мазмунини асосланг?
5. Характер таркибини нималар ташкил қилади?
6. Характернинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни кўрсатинг?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Бодалев А. А, Психология о личности. — М.: Изд-во МГУ, 1988.
2. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
3. Гиппенрейтер Ю. Б. Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов. — М.: ЧеРо, 1997. Н
4. Грановская Р. М. Элементы практической психологии. — СПб.: Свет, 1997.
5. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
6. Джемс В. Психология.- М., 1991
7. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
8. Леонард К, Акцентуированные личности. — Киев: Вища школа, 1989.
9. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
10. Немов Р.С Психология 1-китоб М;. 1999 г
11. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
12. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
13. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
14. Теплов Б. М. Избранные труды: В 2-х т. Т. 1. — М.: Педагогика, 1985.
15. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
16. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
17. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й

ҚОБИЛИЯТ

Қобилият ҳақида тушунча.

Қобилият инсоннинг шундай психологик хусусиятидирки, билим, кўникма, малакаларини эгаллаш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади. Лекин, бу хусусиятларнинг ўзи бу билим ва кўникмаларга тааллуқли бўлмайди. Малака, кўникма ва билимларга нисбатан одамнинг қобилиятлари қандайдир имконият тарзида намоён бўлади. Қобилиятлар имкониятлардан иборат бўлиб, бирор бир ишдаги маҳорат даражаси ҳақиқатдир. Болада намоён бўладиган мусиқага қобилияти унинг мусиқачи бўлиши учун имкониятлар, махсус таълим берилиши, қатъийлик, саломатлигининг яхши бўлиши, мусиқа асбоби, ноталар ва бошқа кўпгина шароитлар бўлиши керак. Буларсиз қобилиятлар тараққий етмай турибоқ сўниб кэтиши мумкин.

Қобилиятлар фақат фаолиятда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фақат ана шу қобилиятларсиз амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолиятлардагина намоён бўлади. ўқувчида ҳам зарурий кўникма ва малака тизими ҳамда мустаҳкам билимлар таркиб топиш услублари йўқлигига асосланиб, жиддий текшириб кўрилса, шошилинч равишда унда қобилиятлар йўқ, деб хулоса чиқариш педагогнинг жиддий психологик хатоси бўлади.

Масалан, Алберт Ейнштейн ўрта мактабда унча яхши ўқимайдиган ўқувчи ҳисобланган ва унинг келажакда гениал бўлишидан ҳеч нарса далолат бермас еди.

Қобилият билим ва малакаларнинг ўзида кўринмайди, балки уларни эгаллаш тизимида намоён бўлади яъни, бошқача қилиб айтганда мазкур фаолият учун муҳим бўлган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш жараёнида турли шароитларда қанчалик тез, чуқур, йенгил ва мустаҳкам амалга оширишида намоён бўлади.

Қобилиятлар индивидуал психологик хусусиятлар бўлиши билан ақл сифатлари хотира хусусиятларига, ҳиссий хусусиятлар ва шу кабиларни қарама-қарши қўйиб бўлмайди, ҳамда қобилиятларни шахснинг бу хусусиятлари билан бир қаторга қўйиш ҳам мумкин эмас. Агар шу сифатларнинг бирортаси ёки уларнинг йиғиндиси фаолият талабларига жавоб берса ёки бу талаблар таъсири билан таркиб топса бу шахснинг мазкур индивидуал хусусиятларини қобилиятлар деб ҳисоблашига асос бўлади.

Қобилият кишининг психологик ва физиологик тузилиши хусусиятидир. қобилият билим олиш учун зарурий шарт-шароит бўлиб, шунинг билан бирга у маълум даражада билим олиш маҳсули ҳамдир. Умумий ва махсус билимларни ўзлаштириш, шунингдек, касбий кўникмаларни эгаллаб олиш жараёнида қобилият мукамаллашиб ва ривожланиб боради. қобилиятга яқинроқ турадиган тушунчалар кўникма ва малакадир. Улар фаолият механизмини ташкил қиладилар. қамда улар қобилият билан биргаликда маҳоратга эришишни таъминлайдиларки, бунинг натижасида меҳнатда катта ютуқлар қўлга киритилади. қобилиятли, аммо ношут инсон кўп нарсага эриша олмайди. қобилият кўникмада рўёбга чиқади.

Дарҳақиқат, қобилиятли кишининг кўникма ва малакалари кўп қиррали ва мукаммаллашган бўлади. Шунинг билан бирга кўникма ва малалакалар йэтишмаган қобилиятни бир мунча тўлдириш ёки ундаги камчиликни тугатиш мумкин. Кўникмаларни умумлашмаси мохирлик деб аталади. Мохирлик бу

енди қобилиятнинг ўзгинасидир. Демак, қобилият кўникма ва малакаларнинг пайдо бўлиши жараёнида шаклланади.



Ҳар қандай қобилият ҳам мураккаб бўлиб, у кишига турли-туман талаблар қўяди. Агар шахс хусусиятлари тизими шу талабга жавоб бера олса киши фаолиятни муваффақият билан амалга ошириш учун ўз қобилиятлилигини кўрсата олади, агарда хусусиятлардан қайси бири ривожланмаган бўлса, шахс меҳнатнинг муайян турига нисбатан ҳам қобилиятли деб ба?оланади. Ҳар бир қобилиятнинг ўзига хос тузилиши мавжуд. қобилият таркибида таянч ва йетакчи хусусиятларни, муайян асосий ёки ёрдамчи хусусиятларни фарқ қилиш лозим.

Барча қобилиятлар учун асосий таянч хусусият кузатувчанлик, билиш кўникмасидир. Бу индивидуал нарсанинг ўзига хос томони, ижодий фаолият учун бошланғич материални кўра билиш демакдир. Қобилиятнинг йетакчи хусусияти ижодий тасаввур қилишлик ҳисобланади.

Қуйидагиларни ёрдамчи хусусият деб ҳисоблаш мумкин: хотира (у фаолият талабларига мувофиқ равишда ўзига хос тузилишда бўлади), емосионаллик, яъни ҳис туйғуга берилувчанлик (бу хусусият шахснинг фаолиятини оширади) ва шунга ўхшашлар. Амалий фаолиятнинг баъзи кўринишларида шахснинг иродаси олдинги ўринга чиқади. қобилият тузилишидаги турли хусусиятларнинг таркиби фаолиятнинг турли даврларида ёки ижодиётнинг босқичларида турлича бўлиши мумкин. Демак, тузилиш ҳам барқарор, ҳам ўзгарувчандир.

Қобилиятларнинг миқдор ва сифат тавсифи

Психологияда қобилиятлар индивидуал психологик хусусиятлар сифатида тавсифланади ва бунинг асосида тафовутланадиган хислатлар фазилатлар ётади. Шунинг учун ҳар бир шахсда бир хил натижа бир хил сифат кутиш мумкин эмас, чунки инсонлар ўз қобилиятлари бўйича бир-бирларидан муайян даражада фарқ қиладилар, бинобарин улар ўртасидаги фарқлар сифат ва миқдор жиқатидан бўлиши мумкин.

Қобилиятларнинг сифат тавсифи шахснинг қайси индивидуал психологик хусусиятлари фаолият муваффақиятларининг мажбурий шарти тариқасида хизмат қилишини англатади. Уларнинг миқдор тавсифи эса фаолиятга қўйиладиган талабларни шахс томонидан қай йўсинда бажариш имконияти мавжудлигини билдиради, яъни мазкур инсон бошқа одамларга қараганда

малака, билимлардан нечоғлик тез, йенгил, пухта фойдалана олишини намойиш қилади.

Ўқувчининг қобилиятлари нимага намоён бўлишини ва бинобарин ўқувчи шахсини қандай индивидуал психологик хусусиятлари фаолиятни қай даражада бажариш қобилиятига эга эканлиги, яъни ўқувчининг бошқаларга нисбатан малака ва билимларни қанчалик тез, йенгил ва мустаҳкам эгаллаб олишини билиш педагог учун муҳимдир.

Қобилият хусусиятларининг сифат томонидан қаралиши мақсадга ҳар турли йўллар билан боришга имкон берувчи "ўзгарувчан миқдор" тўплами сифатида, фаолият муваффақиятини таъминловчи инсон психологик хусусиятларининг йиғиндиси сифатида кўрилади. Бир хусусиятларни ўрнини иккинчи бир хусусиятлар билан босишнинг кенг имкониятлари мавжуд, буни одам ўзида чиндан қатъийлик билан ишлаш орқали ривожлантириши мумкин. Педагог ва психолог Сколовинский кўр-кар
Олга Скороходовада фақат илмий ходимлик қобилиятини эмас, балки адабий қобилият билан, бошқариш ёрдами билан тўлдириш хусусияти ҳар бир одам олдида касб танлаш ва уни такомиллаштиришнинг ниҳоятда кенг имкониятларини очиб беради.

Қобилиятларнинг сифат жиҳатдан тавсифи одам меҳнат фаолиятининг қайси соҳасида (педагог, спорт, савдо ва бошқалар) йенгиллик билан "ўзини топа олади" ва қандай қилиб катта ютуқ ва натижаларга эриша олади деган саволга жавоб бериш имкониятини беради. Қобилиятларни миқдор тавсифи ва уларни ўлчаш муаммоси билан кўпроқ чет ел психологлари (Кеттелл, Термен, Спирмен) ва бошқалар шуғулланганлар. Улар катталарда кобилиятни ўлчаш усули сифатида ақлий истеъдод
тестларидан фойдаланганлар. Боланинг ақлий истеъдод коеффисенти

И Қ ақлий ёши

Боланинг ҳақиқий ёши

Бу усул одамнинг ақлий қобилиятлар эгаси эканлигини эмас, балки одамда қобилиятлар билан аралаштириб бўлмайдиган бирор бир хилдаги маълумотлар, кўникма ва малакалар борлигини намоён қилади.

Л.С.Вигоцкий бу усулни танқид қилиб, ўзининг келажак тараққиёт зонасини белгилаш "методи" деб аталадиган усулини таклиф қилди. Қобилиятлар одамнинг фаолиятидан ташқарида мавжуд бўлмайди. Қобилиятларнинг таркиб топиши эса таълим-тарбия жараёнида боланинг ютуқлари тезлигида намоён бўлади.

Қобилиятлар таснифи

Психология фанида қобилиятлар қуйидагича тавсифланади:

1.Табиий қобилиятлар одамлар ва ҳайвонлар учун хос бўлиб, идрок қилиш хотирада сақлаш, оддий мулоқотга кириша олиш шулар жумласидандир. Биологик жиҳатдан асосланган бу қобилиятлар асосини шартли рефлекслар ҳосил бўлиш жараёни ташкил этади. Инсондаги ва юксак даражада ривожланган ҳайвонлардаги бу қобилиятлар бир-биридан фарқ қилади.

2.Махсус инсоний қобилиятлар ижтимоий-тарихий табиатга эга бўлиб, ижтимоий ҳаёт ва тараққиётни таъминлайди. Махсус инсоний қобилиятлар ўз навбатида умумий ва хусусий қобилиятларга бўлинади.

3.Умумий қобилиятлар инсоннинг турли фаолиятлари муваффақиятини таъминловчи ақлий қобилиятлар хотира ва нутқнинг ривожланганлиги, қўл ҳаракатларини аниқлиги ва бошқа хусусиятлардан иборат. Хусусий қобилиятлар алоҳида олинган бир фаолиятнинг муваффақиятини таъминлайди. Бу қобилиятлар алоҳида мулоқотнинг бўлинишини тақозо этади. Масалан, математика, техника, бадиий ижодий, спортга бўлган қобилиятлар шулар жумласидандир.

Айрим адабиётларда умумий қобилиятлар моҳияти турлича талқин қилинади. Жумладан, умумий қобилият деганда муваффақиятли равишда билим олишни таъминлайдиган шахснинг юксак интеллектуал тараққиёти тушунилади. Бироқ бундай тушунча тор ва нотўғридир, чунки интеллектуал тараққиёт фақат ихтиёрий фаолият учун умуман талаб қилинади, холос. Умумий қобилият фаолиятнинг ҳамма турларига жумладан амалий фаолиятга ҳам таъсир қилади, деб ҳисобловчи психологлар
топилди. Аммо бу фикрда қарама-қаршилик мавжуд, агар умумий қобилият универсал аҳамиятга эга бўлган экан, унда қандайдир махсус қобилиятлар ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.



Ниҳоят, шундай психологлар ҳам борки, улар фақат махсус қобилиятларни тан оладилар. Умумий қобилият ҳақида гапирганда ҳам махсус қобилиятлар йиғиндиси таъсирини кўзда тутадилар. Кишининг турли-туман фаолиятлари орасида биттаси асосий ёки йетакчи фаолият шароитида шахснинг махсус тараққиётини белгиловчи фаолият бўлиб ажралиб туради. Бу фаолият туғма спесифик зеҳн нишоналарига мос тушиши мумкин.

Ҳамма махсус қобилиятларни, инсон фаолиятининг асосий турларини уч турга: фан, санъат, амалиётга ажратиш мумкин. Шунга биноан қобилиятни миллий, бадиий ва амалий деб классификасиялаш мумкин. Бу турларнинг ҳар бири ўз навбатида майда турларга бўлинади.

Илмий қобилият абстракт, евристик фикрлашнинг юксак ривожланган бўлишини, оғзаки мантиқий хотирани, қатъият ва сабр-тоқатни талаб қилади. Бу қобилиятга қуйидаги майда қобилиятлар киради: физик, математик қобилият, химия, философия, тарих, биология фанларига нисбатан бўлган қобилиятлар.

Бадиий қобилият сенсор образли фикрлашнинг алоҳида ривожланган бўлимини, ўткир емосионал таъсирчанлик ва реактивликни талаб қилади. Бу қобилиятга тасвирлаш, мусиқавий, артистик ва адабий қобилиятлар киради.

Амалий қобилият практик ақлнинг юксак даражада ривожланганлигини, фаҳм-фаросатнинг кучлилиги, ирода ва йетук киришувчанликни ўз ичига олади. Амалий қобилиятга конструктив-техникавий қобилият, бошқарувчанлик қобилияти, шу жумладан ташкилотчилик ва бошқалар киради.

Назарий ва амалий қобилиятлар ҳам инсон қобилиятларидан бўлиб, назарий қобилиятлар мавҳум, мантиқий ҳаракатларга мойилликда намоён бўлади.

Ўқув қобилиятлари билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш, шахс - шаклланиши, педагогик таъсирлар самарадорлигини ортишида ижобий рол ўйнайди.

Ижодий қобилиятлар моддий ва маънавий маданият асарларини яратиш, янги ғоя, кашфиёт ва янгиликлар йечишда намоён бўлади.

Қобилиятлар таркиби

Одам эгаллайдиган фаолият унинг хусусиятларига юксак талаблар қўяди. Бу талабларни қандайдир битта сифат тараққиётининг жуда юксак даражасида бўлса ҳам қондира олмайди. Қобилиятлар мураккаб тузилишга эга бўлган психик сифатлар йиғиндисидан иборатдир. Қобилиятлар таркиби аниқ фаолият талаби билан белгиланади ва ҳар турдаги фаолиятлар учун турлича бўлади. Масалан, математик қобилият, адабий қобилият, педагогик, мусиқавий,

ихтирочилик ва шифокорлик қобилиятлари тузилиши махсус таркибга эга. Аниқ қобилиятлар таркибини ташкил қилувчи шахснинг хислатлари орасида айримлари йетакчи ўринни эгалласа, айримлари ёрдамчилик ролини эгаллайди. Масалан, педагогик қобилиятлар таркибида йетакчи сифат педагогик такт, кузатувчанлик, болаларни севиш, уларга нисбатан юксак талабчанлик, билимларни беришга эҳтиёж, ёрдамчи тарзда ташкилотчилик қобилияти ҳисобланади. Ҳар турли қобилиятларда бир эмас, балки бир неча турдаги фаолият турлари талабларига жавоб берадиган бирмунча умумий сифатларни ажратишимиз мумкин, бундан ташқари, мазкур фаолиятни бир мунча торроқ доираси учун жавоб берувчи махсус сифатларни ажратишимиз мумкин. Бу нарса уларда ҳар томонлама қобилиятлар борлиги, ҳар турли касблар, машғулотларнинг кенг соҳаларига доир умумий қобилиятлар борлиги ҳақида гапириш имконини беради. Бу иккинчи сигналлар тизими ҳақидаги таълимот билан боғлиқдир.

Шахс эгаллаши шарт ҳисобланган фаолият, у ҳоҳ таълим, ҳоҳ меҳнат, ҳоҳ ўйин, ҳоҳ спорт бўлишидан қатъи назар унинг билиш жараёнларига, ақлий хислатларига, ҳиссий-иродавий жабҳаларига, сенсомотор соҳасига, характерологик хусусиятларига муайяан талаблар қўяди ва уларнинг ҳамкорлигидаги саъи-ҳаракати туфайли муваффақиятларга эришилади. Психологик маълумотларга қараганда, инсондаги юксак кўрсаткичга эришган сифат қанчалик устуворликка эга бўлмасин, у талабларни қондириш имкониятига эга бўлмайди. Айрим ҳолларда алоҳида намоён бўлган психик хусусият (хислат) фаолиятнинг юксак маҳсулдорлиги ва самарадорлигини таъминлаш қурбига эга, у қобилиятларни уддалай оладиган имконият билан баб-баравар куч-қувват тариқасида вужудга келади, деган фараз ўзини оқламайди. Шунинг учун қобилиятлар мураккаб тузилишга эга бўлган психик сифатлар (хислатлар) мажмуасидир дейиш жуда ўринлидир.

Қобилиятлар сифатида рўёбга чиқадиган психик хислатлар мажмуасининг тузилиши яққол ва алоҳида фаолият талаби билан белгиланганлик туфайли ҳар қайси турдаги фаолиятлар учун ўзига хос тарзда қўйилиши айнан ҳақиқатдир. Бунинг учун айрим мисолларни таҳлил қилиб ўтамиз.

1***) Математик қобилият*** математик материалларни умумлаштириш, мулоҳаза юритиш жараёнини қисқартириш, математик иш амалларини камайтириш, масалани идрок қилиш билан натижаси ўртасида алоқа ўрнатиш, тўғри ва тескари фикр юритишдаги йенгиллик, унумлилик, масала йечишда фикр юритишни епчиллиги кабилар.

2) Адабий қобилият нафосат ҳисларининг юксак тараққиёти даражаси хотирада ёрқин кўргазмали образларнинг жонлигини, "тил зеҳни", беҳисоб хаёлан руҳиятга қизиқувчанлик, интилувчанлик ва бошқалар. Ажратиб кўрсатилган қобилиятлар таркибидан кўриниб турибдики, математик ва адабий қобилиятлар ўзаро бир-бирига ўхшамаган манбалари билан тафовутга эгадир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, педагогик, мусиқавий, техник, конструкторлик, тиббий қобилиятлар ва шунга ўхшаш қобилиятлар тузилиши махсус хусусиятга эга бўлиб касбий аҳамият касб этиши мумкин.

Рус олими **И.П.Павлов** ўз таълимотида "бадиий", "фикрловчи", "ўрта" типларга ажратилган шахсларнинг ана шу учта типдан биттасига тааллу?ли эканлигини тавсифлаб беради. Муаллиф ушбу типологияни яратишда олий нерв фаолиятининг биринчи ва иккинчи сигнал тизимидан иборатлиги тўғрисидаги таълимотга асосланади. Биринчи сигналлар тизими образлар, эмосиялардан ва иккинчи сигналлар тизими эса образлар ?а?ида сўзлар орқали сигнал беришдан иборатдир. Иккинчи сигнал тизими И.П.Павлов томонидан "сигналларнинг сигнали" деб номланган еди. Ушбу типологияни осонроқ қилиб қуйидагича тушунтириш мумкин:

1) шахс фаолиятида биринчи сигналлар тизимининг сигналлари нисбатан устунлик қилса, бу инсон "бадиий" типга таалуқлидир;

2) мабодо "сигналларнинг сигнали" нисбатан устувор бўлса, бу шахс "фикрловчи" типга мансубдир;

3) агарда ҳар иккала сигналлар аралашиб кетган бўлса (бирортасининг устунлиги сезилмаса) бу инсон "аралаш" типга мансуб одамдир.

Типологиянинг ўзига хос томонлари қисқача ифодаланганда ёки тавсиф қилинганида қуйидагилар намоён бўлади:

1. "Бадиий тип" учун бевосита у таассуротлар жонли тасаввур, ёрқин идрок, қис-туйғулар (эмосиялар) натижасида вужудга келадиган образларнинг ёрқинлиги хосдир.

2. "Фикрловчи тип" учун мавҳумларнинг, мантиқий тизимларнинг, назарий мулоҳазаларнинг, методологик муаммоларнинг устунлиги мувофиқдир.

Бадиий типнинг мавжудлиги ақлий фаолиятнинг заифлиги ёки ақлнинг йенгилмаслигини билдирмайди, лекин бу ўринда гап психика образли жабҳаларини фикрловчи томонлари устидан нисбатан устуворлиги ҳақида беради. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, шахснинг иккинчи сигналлар тизимидан устунлик қилади ва бу устуворлик мутлоқлик хусусиятига эгадир. Маълумки, инсонларнинг ҳаёт ва фаолиятларида тил билан тафаккурнинг ўрни ҳал қилувчи аҳамият касб этади, шахс томонидан борлиқнинг акс эттириш жараёни сўзлар, фикрлов воситасида рўёбга чиқарилади.

Қобилиятларнинг табиий асослари

Одатда қобилиятлар инсонга шахснинг барча индивидуал психологик хусусиятлари каби табиат томонидан туғма равишда тайёр ҳолда берилмайди. Балки ҳаёт давомида ва фаолият жараёнида шаклланади. Илмий психология қобилиятларнинг туғмалиги назариясини инкор етиб шахс қобилиятларининг номаълум табиий омиллар томонидан азалий белгиланиши тўғрисидаги тасаввурларга қарши зарба беради.

Қобилиятнинг туғмалигини инкор қилиш абсолют табиатга эга эмас. Психологияда қобилиятнинг туғма эканлигини тан олинмас экан, бу билан миянинг тузилиши билан боғлиқ бўлган дифференсиал хусусиятларнинг туғмалигини инкор қилмайди. Қобилият тараққиётининг дастлабки табиий шарти сифатида намоён бўладиган мия тузилишининг сезги аъзоларига ва функционал хусусиятларига лаёқат деб аталади. Лаёқат кўп қирралидир. Шахс томонидан қўйилган талабларнинг табиатига боғлиқ равишда айнан бир хил лаёқатлар асосида ҳар хил қобилиятлар ривожланиши мумкин.

Ф.А.Галлнинг фикрича, одамнинг ҳамма қобилиятлари "ақл" ва "қобилият" сифатлари мия ярим шарларида ўзининг махсус қатъий марказларига эга, яъни бу сифатларнинг тараққиёт даражаси мия тегишли қисмларининг миқдорига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шунинг учун одамнинг калла суягига бир қараш ёки бошидаги дўмбоқчаларни шунчаки пайпаслаб кўриш орқали гўё одамнинг қобилиятларини аниқласа бўлади. Лаёқатнинг мия миқдори, массаси ва оғирлигига боғлиқлиги ҳақидаги фараз ҳам бекор қилинган. Катта ёшдаги одам миясининг ўртача оғирлиги 1400 граммга яқин бўлади. У.С. Тургенев миясининг оғирлиги 2001 грамм, Д.Г Байронники 1800 граммни, машҳур химик Ю.Либихники 1360 граммни, ёзувчи Афрансники 1017 грамни ташкил қилган. Енг катта мия ақлий жиҳатдан нуқсони бор одамга тааллуқли эканлиги аниқланган.

1675 йилда **Ф.Галтоннинг** "Талантнинг ирсиятга боғлиқлиги қонунлари ва оқибатлари" деган китоби нашр этилди. Бунда муаллиф бир неча юзлаб машҳур кишиларнинг қариндошлик алоқаларини ўрганиб, талант ота-онадан ирсият йўли орқали ўтади деган хулосага келган. Бироқ Галтоннинг хулосалари илмий жиҳатдан асосланмаган еди. Бахлар оиласида мусиқага бўлган талант даставвал 1550 йилда маълум бўлган. Бу талант 1800 йилларда яшаган қандайдир Регина Сусанадан сўнг тамом бўлган. Умуман Бахлар оиласида 57 дан кўп мусиқачи бўлган. Уларнинг 20 таси машҳур бўлган.

Бенд деган скрипкачилар оиласида 9 та машҳур мусиқачи бўлган. Гойдон оиласида 2 та машҳур мусиқачи бўлган. Кўпчилик қолларда машҳур одамларнинг насл-насабларини ўрганиш биологик ирсиятдан эмас, балки ҳаёт шароитининг насдан наслга ўтишидан, яъни ҳобилиятлар тараққиётига ёрдам беришдан эканлиги маълум бўлади.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган лаёқатни миянинг микротузилиши ва сезги аъзолари билан боғловчи фараз маҳсулдор бўлиб ҳисобланади. Мия ҳужайраларини тадқиқ этиш истеъдодли нерв ҳужайраларининг морфологик ва функционал хусусиятларида фарқ борлигини аниқлаш мумкинлиги фараз қилинади. Лаёқатлар билан нерв жараёнларининг айрим дифференсиал хусусиятлари ҳамда олий нерв фаолиятининг типлари ўртасида боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида фараз ҳам ҳақиқатга яқиндир.

Рус психологи **Б.М.Теплов** ва унинг шогирдлари ишларида олий нерв фаолияти типларининг хислатлари таъсири туфайли шахс қобилиятларининг тузилишида қандайдир сифат хусусиятлари пайдо бўлишини ани?лашга уринишган. Жумладан, нерв тизимининг алоҳида сезгирлиги маълум қобилият нишонаси сифатида вужудга келиши мумкин.

Қобилиятнинг табиий шарти, лаёқати нерв тизимининг тузилиши ва функсияларининг ҳусусиятлари таркибида эканлиги ҳақидаги барча морфологик ва функционаллик сифатлар сингари умумгенетика қонунларига бўйсуниш фаразининг ҳаққонийлигини далиллайди. **Ф.Галтоннинг** ирсият қонунлари тўғрисидаги ғоя қобилиятнинг табиий шартланган хусусиятлари тавсифини очиб бера олмайди. Чунки унда далилга муҳтож жуда кўп ўринлар мавжуддир. Шунинг учун қобилият табиатини биологик ирсиятдан эмас, балки турмуш муҳитининг наслдан наслга ўтишидан қидириш мақсадга мувофиқдир, агарда инсоннинг тараққиёти ижтимоий-тарихий қонунлар билан бошқарилиши

тан олинар экан, қобилиятнинг тараққиёти биологик ирсият қонунларга бўйсуниши мумкин эмас.

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, қобилият ва лаёқатлар табиий заминга боғлиқ бўлса-да, лекин улар фақат табиатнинг инъоми эмас, балки инсоният тарихий тараққиётининг бебаҳо мақсулидир. Худди шу боис қобилиятларнинг намоён бўлиши шахслар томонидан ижтимоий эҳтиёжларни қондириш давомида ижтимоий шартланган билимлар ва кўникмаларни таркиб топтиришнинг яққол усулларига бевосита боғликдир. Шунинг учун қобилиятлар тараққиётининг узлуксиз таълим тизимига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш муҳим аҳамиятга эга.

Талантнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Талантнинг ижтимоий-тарихий, табиий нуқтаи назардан талқини қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи эканлигидан далолат беради. Талант юнонча қимматбаҳо, ноёб нарса, ирсий табиий хислат деган маънони англатиб, муайян фаолиятнинг муваффақиятли ва ижодий равишда бажарилишини таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар мажмуасидан иборат индивидуал хусусиятдир. Психологик адабиётларда унга турлича таъриф берилишига қарамай, уларда асосий белгилар таъкидлаб ўтилади, чунончи шахсга қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятининг муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар мажмуасига талант дейилади.

Талантнинг асосий белгилари:

а) муваффақиятни таъминлаш;

б) фаолиятни мустақил бажариш;

в) оригиналлик унсурининг мавжудлиги қобилият ҳамда истеъдодлар йиқиндисидан иборат эканлиги;

д) индивидуал психологик хислатлилиги;

е) ижтмоий турмушни ўзгартирувчи яратувчилик имконияти кабилар.

Психологик маълумотларни умумлаштирган ҳолда икки хил хусусиятли фикрни алоҳида таъкидлаб ўтиш талант тузилишини яхшироқ тушуниш имкониятини яратади.

1) талант - бу шахс психик хислатларининг шундай бирикмасидирки, уни а)алоҳида ягона махсус қобилият билан; б) хотиранинг юксак маҳсулдорлиги орқали; в) хатто ноёб сифат тариқасида ўлчаб бўлмайди.

2) шахсда у ёки бу қобилиятнинг мавжуд эканлиги ҳамда йетарли даражада тараққий етганлиги талантнинг мураккаб таркибига кирувчи бошқа қобилиятларнинг жадал такомиллашуви орқали уларнинг ўрнини босиб юбориши (консенсасия қилиш) мумкин.

Москванинг умумий ва педагогик психология институти ходимлари томонидан ўқувчиларнинг таланти, истеъдод тушунчаси ўрганилган. Аниқланган муҳим қобилиятлар йиғиндиси ақл истеъдод тузилишини вужудга келтирилган. Илмий тадқиқотчиларнинг фикрича, юксак истеъдод қуйидагича босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

А) бундай шахснинг биринчи хусусияти зийраклик, шайлик, жиддий фаолиятни бажаришга тайёр туришликдир.

Б) шахснинг иккинчи хусусияти унинг меҳнатга тайёргарлиги (меҳнатга мойиллиги, меҳнатга интилиши, меҳнатнинг эҳтиёжга айланиши)дир.
В) инсоннинг учинчи хусусияти унда тафаккур хусусиятлари ва фикр юритишнинг тезлиги, ақлнинг тартиблиги, таҳлил ва умумлаштиришнинг юқори имкониятлари, ақлнинг маҳсулдорлиги. Маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, махсус истеъдод тузилиши юқоридаги сифатлардан ташқари аниқ фаолият талабларига мувофиқ келувчи бир қатор қобилиятлар билан тўлдирилади.

Талант ўзининг умумий ва махсус сифатлари йиғиндиси билан ижодий ютуқ имкониятининг айниятидир. Талант маҳоратнинг дастлабки шарти ҳисобланса-да, лекин улар бир-бирларидан муайян даражада тафовутланади. Талант - катта ижодий ва зўр меҳнат маҳсулидир. Меҳнат эса ҳаётий тажриба кўникмаларнинг зарурий мажмуаси манбаидир. Ижодиётнинг шарти ва ҳаётий тажриба зарурий кўникма малакалар йиғиндисининг мавжудлигидир. Ижодий фаолият талантнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, бунда руҳланиш деб номланган психологик ҳолат алоҳида аҳамият касб этади. Руҳланиш эса фаолият маҳсулдорлиги ортишига қаратилган ижодий лаҳзадан иборатдир. Талант имконият тариқасида психологик ҳодиса ҳисобланса, у ҳолда маҳорат ҳақиқатга айланган имконият гавдаланишдир. Психологик нуқтаи назардан ҳақиқий маҳорат бу шахс талантининг фаолиятда намоён бўлишидир.

Агар жамият тараққиёти бундай кишиларга муҳтож бўлса бундай кишиларнинг пайдо бўлиш имконияти туғилади. Истеъдод қобилиятлар йиғиндисидан, уларнинг мажмуидан иборатдир. Алоҳида олинган якка қобилиятлар гарчи у тараққиётнинг жуда юксак даражасига эришган ва ёрқин ифодаланган бўлса ҳам истеъдод билан тенглаштириб бўлмайди. Бу ҳақда ғоят ўткир феноменал хотирага эга бўлган кишилар ҳақида ўтказилган тадқиқотлар далолат беради.

Москвалик психологлар бир неча йиллар давомида кузатган шахслар ўзида хотирадан бошқа қобилиятларни ривожлантирмади ва шунинг учун у ўзининг ажойиб қобилиятларга мос келадиган ижобий муваффа?иятга эриша олмади.

Шундай қилиб, истеъдод шахс психик сифатларининг шу қадар мураккаб бирикмасидирки, у қандайдир бирорта ягона қобилият билан бу қобилият хотиранинг юксак маҳсулдорлиги каби муҳим аҳамиятга эга.

Психологик тадқиқотлардан маълум бўлишича бирорта ҳам қобилиятнинг йўқлиги ёки йетарли тараққий етмаганлиги истеъдод сифатларининг мураккаб турига кирувчи бошқа қобилиятларнинг жадал тараққиёти йўли билан муваффақиятли равишда ўрни босиб борилади.

Қобилиятлар ривожланишини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин.



Ҳар қандай лаёқат қобилият даражасига кўтарилиши учун енг мураккаб йўлни босиб ўтиши керак бўлади. қобилиятлар илк даврларданоқ ривожлана бошлаб, бир неча босқичда амалга ошади.

Қобилиятларнинг ривожланиши ва шаклланиши биринчидан, маълум бир фаолиятга мойиллик ёки интилиш борлигига ва фаолият натижаларининг шароитга қараб тегишли табиий зеҳн, нишоналарни аниқлаш йўли билан, иккинчидан мутахассис (музикант, артист, рассом ва ҳоказо) раҳбарлигида тизимли фаолиятга жалб этиш орқали шахснинг табиий хусусиятларини чиниқтириш ва ривожлантириш йўли, билан учинчидан, умумлашган ақлий операсияларни шакллантириш йўли билан бориши керакки, бу операсиялар умумий ва махсус ахборотни йенгил ва самарали ўзлаштиришни, танлаган фаолият бўйича кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни таъминласин. Тўртинчидан, ўқувчининг махсус қобилиятини камол топтиришни жадаллаштиришни таъминловчи шахсни ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан. Бешинчидан, шахснинг фаоллик аломатларини тарбиялаш йўли билан бориш керакки?, бу аломатлари даставвал меҳнацеварлик, мустақиллик, ташаббускорлик, пухталик, қатъиятлик, синчковлик ва танқидийликдан иборат. Буларсиз индивиднинг потенсиал имкониятлари ва қобилияти фаолиятда максимал равишда ривожлана олмайди. Олтинчидан, мактаб ўқувчиларига нисбатан индивидуал муносабатда бўлишни умумий талаблар билан тўғри қўшиб олиб боришдир. қобилиятнинг муайян изчилликда намоён бўлиши ва ривожланишини ҳаёт тажрибаси кўрсатиб турибди.

Қобилият турли ривожланиш даражасига эга бўлиши мумкин. Илмий абстраксиялаш қобилиятнинг икки даражасини фарқлаш имконини беради; репродуктив ва ижодий акс эттириш даражалари. ўз қобилиятини ривожлантиришнинг биринчи даражасидаги киши билимларни жуда моҳирлик билан ўзлаштиради. Фаолиятни ўрганиб олади ва уни бирор намуна орқали амалга оширади. Иккинчи даражада турган киши эса янгилик яратишга қодирдир. Бу даражаларни текширишга метафизик муносабатда бўлиш ярамайди албатта, биринчидан ҳар қандай репродуктив акс эттириш , фаолият ижодий фаолият елементларини ижодий акс эттириш фаолияти эса репродуктив фаолият елементларини, ўз ичига қамраб олади, бусиз уларни тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, юқорида айтилган даражалар ҳам қандайдир ўзгармас ва қотиб қолган нарсалар эмас. Киши билимларни ўзлаштириб, кўникма ҳосил қилиш жараёнида фаолият бир даражадан иккинчи даражага ўтиб туради. қобилиятнинг табиий манбаи ҳам мавжуд бўлиб ва у табиий зеҳн деб юритилади.

Қобилиятлар борасидаги психологик назариялар

Ғарбий Йевропалик олимлар психологиядаги ирсият назариясига қарши чиқадилар. Масалан, швейсариялик психолог **В. Бовен** қалбаки доктрина деб тарбиявий тадбирлардан воз кечиш жиноят бўлур еди, деб таъкидлайди.

Инглиз биохимиги **С.Гоуз** киши қобилиятининг ривожланиши учун тўсиқлар биологияга қараганда ижтимоий шароитда кўпроқдир, деб уқтиради.

Инглиз психологи, **Д.Киджин** ҳам айнан шундай хулосага келиб, тарбиянинг киши интеллектуал ривожланишига ҳал қилувчи таъсири ҳақида фикр юритилади.

Иккинчи консепсиянинг вакиллари қобилиятни бутунлай ҳаёт ва тарбиянинг ижтимоий шароити белгилайди деб уқтирадилар. Масалан, **Гелвесий** ўз вақтида тарбия ёрдамида генийни яраца бўлади, деган еди. Рус олими **А.Н. Леонтъев** ҳам ўзининг функсионал органлар назарияси билан бу назарияга **А.Ухтомский** асос солган бўлиб, шунга ўхшаш консепсияни ёқлайди.

Масалан, табиий қобилиятни муҳитга боғлиқ деб ҳисоблайди. Модомики, ишчиларнинг болалари улғаядиган оғир ижтимоий муҳитдаги кишиларнинг маданий ва интеллектуал ривожланиш даражаси паст экан. Мутлақо табиийки, бу болалар ҳам ўз ота-оналарининг ривожланиши даражасидан ўтиб кета олмайдилар дейди у.

Кўзга кўринган рус психологи **С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтевнинг** консепсиясига норозилик билдирди. Унинг фикрича туғма истеъдод нишоналари бу реалликдир, уни ривожлантириш лозим.

Ҳаётий кузатишлар ва махсус текширишлар қобилиятнинг табиий заминини инкор қилиб бўлмаслигини кўрсатади. Бир қатор махсус фаолиятлар борки, улар учун табиий замин хусусан муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун зеҳн нишоналари бўлган киши ноқулай шароитда ҳам зеҳн нишоналари бўлмаган, лекин қулай ҳаётий шароитдаги кишига нисбатан юксак қобилият кўрсата олади. Ва аксинча, масалан, бир оилада ва бир мактабда ривожланаётган ака-укалар ёки опа-сингиллар яхши ёки ёмонлигидан қатъий

назар, бир хил ижтимоий шароитда бўлганларида уларнинг қобилияти ва ривожланиши пайтида баъзан кескин фарқлар кузатилади.

Қобилиятнинг учинчи консепсиясининг тарафдорлари анча тўғри позисияда турадилар. Яъни қобилият қулай ижтимоий шароит мавжуд бўлганда фаолият жараёнида шаклланади. Бу охирги консепсияда ҳаёт ўзининг бутун хилма хиллиги билан акс еттирилади ва махсус тадқиқотлар билан тасдиқланади.

Шубҳасиз, қобилият мия тузилишининг қандайдир туғма анатомик хусусиятлари билан, биринчи навбатда мия микроструктураси хусусиятлари билан боғлиқдир. Бу хусусиятлар инъикос жараёнининг хусусиятига ва шахснинг хатти-ҳаракатига таъсир қилади.

Болада жуда ерта сезиладиган психологик хусусиятлар зеҳн ёки дастлабки табиий хусусиятлардир. Шуни айтиб ўтиш лозимки, **Б.М.Теплов** ҳақли равишда айтгандек, психологик хусусият ҳар тарафлама аҳамиятга эга бўлиб, улар характернинг ҳам, қобилиятнинг ҳам табиий асосини ташкил қилади. Умумий типдаги хусусиятлар кучда ва тонусда ифодаланадиган фаоллик, вазминлик, инъикос ва ҳаракат жараёнларининг сезгирлик даражаси, шубҳасиз қобилиятнинг ташкил топишига таъсир қилади.

Бадиий типнинг характерли белгиси шундаки, улар биринчидан, воқеликни яхлит, тўла ва жонли тарзда идрок этадилар, қолбуки мутафаккирлар уни бўлиб-бўлиб қабул қиладилар ва шунинг билан гўё уни жонсизлантирадилар.

Иккинчидан, бадиий тип вакилларида тасаввур абстракт фикрлашдан устун бўлади. *Фантазия - дейди И.П.Павлов - бу бадиий қобилият бўлиб биринчи сигнал тизимига тегишлидир*. Фикрловчи типда эса ақл назарий бўлиб, у сўз билан боғлиқдир.

Учинчидан, бадиий тип юксак емосионаллик билан ажралиб туради, чунки биринчи сигнал тизими И.П.Павлов тили билан айтганда асосий емосионал фондни ташкил қилувчи мия қобиқи билан яқин боғлиқдир. бадиий тип ҳаяжонли, муқаррар, емосионал типдир деган еди И.П.Павлов ва аксинча, мутафаккир типда емосионал фон ва биринчи сигнал тизими заиф бўлсада, лекин у соғлом ва соддадил одам бўлади.

Кўпчилик олимлар вундеркиндлар жисмонан заиф деб биладилар. Лекин бу хулоса нотўғри. Вундеркиндларнинг ҳаммаси ақлан ва жисмонан соппа соқ. Буни исботлаш учун 20-йилларда америкалик психологлар томонидан тадқиқотлар ўтказилган. Бу тадқиқотга А.Термен бошчилик қилган. Улар тадқиқот учун 15000 ўқувчиларни ўғил бола ва қизларни саралаб олдилар. Улар умумий ақлан ривожланган, ўзига хос хусусиятли 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар еди. Саралаш жараёни тест натижалари ва ўқитувчиларнинг тавсифномаси асосида ўтказилади. Сўнг бу ўқувчилар 10 йил мобайнида тадқиқ етиладилар. Бу ўқувчилар бошқаларга нисбатан соғлиқларининг фарқи йўқ, улар ҳам касал бўладилар, асаблари чарчайди. Лекин барибир улар бошқаларга нисбатан соғлом, ҳар томонлама ривожланган йетти мучали соғ болалардир.

Рус психологи **А.Г.Ковалев** ўз тадқиқотларида қобилиятнинг табиати ва ташхис қилиш йўлларини текширишга муваффақ бўлган. Муаллифнинг таърифлашича, қобилият деганда бирорта хусусиятнинг ўзи эмас, балки инсон

шахсининг фаолият талабларига жавоб бера оладиган ва шу фаолиятда юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлай оладиган хусусиятлар ансамбли ёки синтезини тушуниш керак. Унинг таъкидлашича, қобилиятнинг тузилишида таянч ва йетакчи хусусиятларни ва ниҳоят, муайян фонни ёки ёрдамчи хусусиятларни фарқ қилиш керак. Ҳамма қобилиятлар учун асосий таянч хусусияти-кузатувчанлик кўра билиш кўникмасидир. Унинг йетакчи хусусияти ижодий тасаввур қилишдир. А.Г.Ковалёв ёрдамчи хусусиятлар қаторига хотирани киритади, у фаолият талабларига мувофиқ равишда ўзига хос кўникишга эга, емосионал яъни ҳис-туйғуга берилувчанлик хусусияти шахснинг фаоллигини оширади.

Муаллифнинг таъкидлашича, илмий мавҳумлаш қобилиятнинг қуйидаги даражасини фарқлаш имконини беради, репродуктив акс эттириш даражаси ва ижодий акс эттириш . ўз қобилияти ривожланишининг биринчи даражасида турган шахс билимларни жуда моҳирлик билан ўзлаштиради, фаолиятни ўрганиб олади ва уни бирор намуна орқали амалга оширади. Иккинчи даражада турган инсон эса янгилик яратишга қодир бўлади. Психология фанида қобилият тўғрисида фикр кетганда учта консепсия мавжудлиги таъкидланади. А.Г.Ковалёв асарида баён қилинишича, улардан бири, қобилият шахснинг биологик жиҳатдан детерминлашган, яъни биологик жиҳатдан боғланган хусусиятларидир қобилиятнинг рўёбга чиқиши ва ривожланиши эса тамомила ирсий фондга боғлиқ деб тушунтирилади. ХИХ асрда Ф.Галтон ХХ асрда Коцлар талант ирсийдир, фақат имтиёзли табақаларнинг вакилларигина бой ирсий меросга эга бўлдилар, деган хулосага келдилар.

Иккинчи консепсиянинг вакиллари қобилиятни бутунлай ҳаёт ва тарбиянинг ижтимоий шароити белгилайди, деб у?тирадилар. Масалан, Гелвесий ўз даврида тарбия ёрдамида гений яраца бўлади, деган еди. Америкалик олим У.Ешби инсоннинг қобилияти яшаб турган даврида стихияли равишда ўзидан ўзи ва онгли тарзда таълим-тарбия жараёнида шаклланади, шуларнинг натижаси ўлароқ масалаларни йечиш учун тегишли дастлабки режалар ва дастурлар вужудга келади. Физиолог
олимлар миянинг тузилишида индивидуал хусусиятлар бўлса, бу қол миянинг функсияларида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас, деб қайд қиладилар.

А.Г.Ковалёв таъкидлашича, қобилиятнинг учинчи консепсияси тарафдорлари анча нотўғри позисияда турадилар. Сўнгги назарияда талқин қилинишича, табиий кучлар, зеҳн нишоналари ва қобилиятнинг ривожланиши учун қулай ижтимоий шароит мавжуд бўлиши керак. Муаллиф зеҳн нишоналари деганда, анатомик-физиологик хусусиятлардан кўра, кўпроқ психологик-физиологик хислатларни тушуниш кераклигини уқтиради. Зеҳн муайян бир фаолиятга (махсус қобилият) ёки ҳамма нарсага нисбатан устувор қизиқувчанликда (умумий қобилият), мойилликда ва интилишда кўринади.

А.Г Ковалёв Едиксон фикрига асосланиб ("бунда фақат 1 фоизгина гений бўлса, 99 фоиз тер тўкиш бўлган"), ҳамма буюк кишилар бағоят меҳнацеварликка ва катта ишчанликка эга бўлганлари ҳолда ҳатто нерв тизими табиий кучсиз бўлса-да, субъектив равишда ютуқларини қобилиятдан эмас, балки меҳнатдан деб баҳолаганлар.

А.Г.Ковалёвнинг таърифича, адабий ижодга қобилият шахс истеъдодининг бадиий типига тегишли бўлиб, бадиий типдаги қобилиятнинг ҳамма кўринишларидан уни ажратиб турадиган ўзига хос сифатларга ҳам эгадир. Унинг таъкидлашича, умуман қобилият ва хусусан адабий ижодга хос қобилият мураккаб бўлиб, унинг тузилишида ҳар хил хусусиятлар ёки таркиблар мавжуд. Бу жабҳаларнинг бири етакчи, бошқалари таянч хусусиятлар, учинчилари эса сермаҳсул фаолият учун зарур бўлган муайян бир фонни ташкил қилади. Адабий қобилиятда уч томонни мужассамлаштириш муҳим аҳамиятга эга, яъни ўткир кузатувчанлик, кучли ижодий тасаввур, тил воситасида кўрган ва равшан тасаввур етган нарсаларни тасвирлай олиш.

Муаллиф мулоҳазасига кўра адабий қобилиятнинг таянч хусусияти юмшоқ кўнгиллилик ва таъсирчанликдир. Таъсирчанлик деганда идрокнинг жонлилиги ва ўткирлигини емосионал илтифотгўйликнинг нақадар кучлилигини тушуниш керак. Ижод учун ёлғиз кўра билиш қобилиятининг ўзи камлик қилади, кўрганларни қайта ўзгартира билиш, кузатилаётган нарсани бошқа ҳаётий таассуротлар билан фикран боғлай олиш ҳам муҳимдир. Кузатилаётган нарсалар айниқса яратилаётган образларни аниқ ва равшан кўз олдига келтириш қобилиятида намоён бўлади ҳамда бу адабиётда кўпинча ичдан кўриш қобилияти деб аталади.

Адабий қобилиятни текшириш шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг қобилиятлари қобилияцизларидан, **В.П.Ягункованинг** маълумотлари бўйича идрок қилишнинг аниқлиги ва хотираси билан, янги оригинал образ ва сюжетлар тузишдаги тафаккур кучи ва тасаввур билан, ижодий вазиятнинг йенгилгина юзага келиши билан, сўз бойлиги ва тил сезгиси билан фарқланадилар. Баъзи бирларида воқеликка мулоҳазали, мантиқий муносабатда бўлиш устун турса, бошқаларида образли емосионал муносабат устундир, учинчиларида эса буларнинг ҳар иккиси ҳам мужассамдир. В.П.Ягункова синалувчиларнинг адабий қобилиятини ташхис қилишда қуйидаги кўрсаткичларни мезон тариқасида олади, чунончи а) идрок этиш ва хотиранинг аниқлиги; б) емосионал таъсирчанлик; в) тасаввурнинг кучи ва жонли тилни ҳис қилиш кабилар.

С.П Кудрявсева тадқиқотида илк ўспириннинг адабий қобилияти икки типга ажратилади, яъни адабий-танқидий тип ва бадиий-ижодий. Биринчи типда бадиий асарларни тушунчалар асосида таҳлил?илишнинг ўсганлигига эътибор қилинади. Иккинчи типда адабий асарларни ўқиш вақтида ва адабий мавзуга баён ёзишда ҳаяжонланиш, ижодий ёндашишга аҳамият қаратилади.

В.А.Крутеский математик қобилият тузилишига қуйидагиларни киритади:

1)Қобилиятда болаларнинг математик материални қабул қилиш борасидаги қобилиятига математик объектлар, муносабат ва амалларни шакл ҳолига келтириб идрок қилиш математик материалга ўзига хос "йиғма" аналитик-синтетик ишлов бериш қобилияти қайд қилиш лозим

2)Қобилиятли ўқувчиларнинг фикрлаши қуйидагилар билан: а)миқдорий ва фазовий муносабатлар, сонлар ва белгилар символикаси соҳаларида мантиқий фикрлаш қобилияти; б) математик материални тез ва кенг умумлаштира олиш; в) математик мулоҳазалар жараёнида қисқача ақлий хулосалар ёрдамида

фикрлашга мойиллик; г) фикрлаш жараёнларининг ниҳоятда мослашувчан ва ҳаракатчанлиги; д) йечишда равшанлик, соддалик, расионаллик ва ихчамликка интилиш

3) Математик ахборотни хотирада сақлаш ва ҳоказо.

Математик қобилиятнинг борлигини тахмин қилишга асос бўладиган ташқи аломатларни белгилаш мумкин. Муаллиф тахминича булар қуйидагилардир:

1)ўқувчининг математикага оид очиқ-ойдин қизиқишини намойиш қилиши, ҳеч ким мажбур қилмасдан, ўзининг бўш вақтини сарфлаб, математика билан бажонидил шуғулланишга мойиллик;

2)муайян математик кўникма ва малакаларни одатдагидан кичикроқ ёшда ўзлаштириш қобилияти;

3)математикани ўзлаштириш соҳасида тез силжиб бориш;

4)математик тараққиёт ва ютуқларнинг юқори даражаси.

Мамлакатимиз психологи **М.Г.Давлетшин** техникавий қобилият устида тадқиқот ишлари олиб борган йетакчи мутахассис ҳисобланади. Муаллиф техникавий қобилият деганда шахснинг индивидуал психик хусусиятларидан тузилган шундай ўзига хос бирикмаларни тушунадики, у шахснинг техникавий фаолиятга яроқлилик даражасини ва у билан муваффақиятли равишда шуғуллана олишини аниқлайди.

М.Г.Давлетшин ҳам анъанавий йўлдан бориб, техникавий қобилиятларни иккита ўша номдаги типга ажратади ҳамда йетакчи таянч хусусиятларини ўзгаришсиз қолдиради. Лекин бошқалардан фарқли ўлароқ, бунда йетакчи хусусиятлар ривожланган техникавий фикрлаш ва фазовий тасаввурдан иборатдир. Унинг талқинича, техникавий истеъдодли шахс бўлиш учун унда а) амалий жиҳатдан

фаҳмли; б) техник мосламаларни таҳлил қила олиш қобилияти; в) нарсаларни монтаж қилиб қисмлардан бутун ҳосил қила олиш қобилияти бўлиши шарт.

М.Г.Давлетшин техникавий истеъдод кўрсаткичларини анъанавий баҳолашни тан олган ҳолда (кўз билан чамалаш, фазовий тасаввур, техникавий таҳлил, конструксиялаш қобилияти) ўзининг оригинал ёндашувини ишлаб чиққан. Техникавий қобилият даражасини ташхис қилиш учун текширишларда ишлаб чиқилган эксперимент ал масалаларнинг тўққизта сериясидан фойдаланади.

Кейинги йиллар ичида ўзбекистон психологиясида ҳам қобилият ва истеъдод масалалари бўйича бир қанча психологлар иш олиб бормоқдалар. Бу соҳада Б.Р.Қодиров, Б.С.Содиқов, Е.Ғ.Ғозиев, В.А.Токарева, З.Нишоноваларнинг тадқиқот ишлари маълум бўлиб, қобилият, истеъдод тушунчаларига ўз таърифларини берганлар.

Б.Р.Қодировнинг фикрича: "Маълум бир фаолиятга қизиқмай туриб қобилият ҳақида гапириб бўлмайди. Ва ўз навбатида ҳар қандай қобилиятли бола ҳали истеъдодли дегани эмас. Кўп қиррали ва ривожланган қобилиятлар истеъдодли бола шахсининг моддий асосини ташкил этади, холос. Аксинча, истеъдодли бола қобилияциз бўлиши мумкин эмас. Бу фикрлардан кўриниб турибдики, истеъдодли бола соф фикрли, ҳар хил қобилиятга ва умуман ақлий

ривожланишга тайёр турган ҳозиржавоб, нодир шахсий хусусиятларга тўла боладир.

Таянч иборалар

Ақлий ривожланиш мезони (онг ЖҚ - ақлий ёш (АЁ) ва хронологик ёш (ХЁ) орасидаги муносабатни билдирувчи мезон. А.р.м. ушбу формула орқали аниқланади:

ЖҚ = х 100

Интеллектнинг бирор бир ёш шкаласига суянган ҳолда тест натижалари орқали
ривожланишини аниқлаш мумкин.

Гениаллик (лот. Гениус - ақл заковат, буюк истеъдод) - шахснинг енг юксак даражадаги ижодиёти билан ўзини намоён қилиш ҳодисаси.

Зеҳн, лаёқат - нерв тизимининг баъзи генетик назариялари анатомик-физиологик хусусияти бўлиб, у кишида қобилиятлар таркиб топиши ва ривожланишининг дастлабки индивидуал туғма табиий заминидир.

Истеъдод - шахснинг маълум фаолиятида ифодаланадиган қобилиятининг юқори даражаси.

Коммуникасион қобилиятлар - кишининг бошқа одамлар билан бўладиган мулоқотни яхшилайдиган ва биргаликдаги фаолиятда психологик қовушувчанликни таъминлайдиган қобилият.

Лаёқат - нерв тизиминниг баъзи ирсий детерминлашган анатомфизиологик хусусияти. Одамда қобилиятларни таркиб топтириш ва ривожланишининг дастлабки якка туғма, табиий заминидир.

Майл - шахс қизиқишлари ва фикрларининг бирор фаолият билан шуғулланишга жалб етилганлиги, шахсда кучли истак, ҳоҳиш тарзида намоён бўлиб, бажо келтирилганда одамга мамнуният бахш этади.

Мусиқий қобилият - шахснинг мусиқий лаёқатини белгиловчи психологик хусусиятлари.

Умумий истеъдод - кишининг қобилиятлари бирлиги. Бу шахснинг ақлий (интеллектуал) имкониятлари доираси билан фаолиятининг ўзига хослиги даражасини белгилаб беради.

Френология (юнон. пҳрен - онг, логос - таълимот) - одамда у ёки бу хилдаги қобилиятларнинг ўсганлигини бош суягининг тузилишига қараб аниқлаш мумкин деган назария. Бу назария австриялик врач Ф.Галл томонидан тавсия етилган.

Қобилиятлар - шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусиятлар.

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган мавзулар

1) Қобилиятлар ҳақида тушунча.
2) Қобилиятларнинг сифати ва миқдор тавсифи.
3) Қобилиятлар тузилиши.
4) Талантнинг пайдо бўлиши ва тузилиши.
5) Қобилият ва талантларнинг табиий шартлари.
6) Қобилият борасидаги назариялар.
7) Қобилиятларнинг табиий асослари.

8) Қобилиятларнинг ривожланиши.
9) Қобилият ва ирсият.

Тест топшириқлари

1. И.П.Павлов инсонларни қандай типларга ажратади?

А) бадиий фикрловчи ўрта Б) мавҳум мантиқий В) жонли тасаввур ёрқин идрокли

Г) бадиий фикрловчи аралаш Д) фикрловчи ўрта йетакчи

2. И.Павлов инсонларни типларга ажратишда нималарни асос қилиб олади?

А) шартли рефлекслар Б) шарсиз рефлекслар В) олий нерв фаолияти типлари

Г) биринчи ва иккинчи сигналлар тизими Д) нерв жараёнларининг қонуниятлари

3. И.П.Павлов иккинчи сигналлар систэмасини қандай ном билан атайди?

А) сигналларнинг сигнали Б) биринчи сигналлар тизими В) иккинчи сигналлар тизими

Г) фикрловчи сигналлар тизими Д) бадиий сигналлар тизими

4.Шахснинг психик фаолиятида биринчи сигналлар тизими устунлик қилса бу инсон қандай типга тааллуқли бўлади?

А) бадиий типга Б) фикрловчи типга В) ўрта типга Г) образли Д) мулоҳазали

5.Агарда иккинчи сигналлар тизими устунлик қилса бу инсон қандай типга тааллуқли бўлади деб ўйлайсиз?

А) бадиий типга Б) фикрловчи типга В) ўрта типга Г) образли Д) мулоҳазали

6.Агарда ҳар иккала сигналлар тизими аралашиб кэган бўлса, бу инсон қандай типга тааллуқли?

А) бадиий типга Б) фикрловчи типга В) ўрта типга Г) образли Д) мулоҳазали

7.Бу тип учун таассуротлар жонли тасаввур ёрқин идрок ҳис-туйғулар эмосиялар натижасида вужудга келадиган образларнинг ёрқинлиги хосдир?

А) бадиий типга Б) фикрловчи типга В) ўрта типга Г) образли Д) мулоқазали

8.Бу тип учун мавҳумларнинг мантиқий тизимларнинг назарий мулоҳазаларининг методологик муаммоларнинг устунлиги хосдир?

А) бадиий типга Б) фикрловчи типга В) ўрта типга Г) образли Д) мулоҳазали

9.Қобилиятнинг табиати ва ташхис қилиш йўлларини текширишга мувофиқ бўлган олим қайси қаторда кўрсатилган?

А) В.П.Ягункова Б) В.А.Крутеский В) С.П.Кудрясев Г) Ф.Галтон

Д) А.В.Ковалёв

10. Қайси олим томонидан математик қобилиятлар ўрганилган?

А) В.П.Ягункова Б) В.А.Крутеский В) С.П.КудрясевГ) Ф.Галтон

Д) А.В.Ковалёв

11.Ўзбек психологларидан қайси олим техник қобилиятлар муаммоси билан шуғулланган?

А) В.КаримоваБ) Б.Қодиров В) М.Давлетшин Г) Ғ.ШоумаровД) Р.Суннатова

12. Қайси қаторда қобилият тушунчасига тўғри таъриф берилган?

А) шахснинг ақлий имкониятлари қўлланилишини ифодаловчи лаёқат Б) шахс ижодий фаоллигининг енг юқори даражасиВ) фаолиятни эгаллаш ва амалга ошириш муваффақиятини таъминловчи шахснинг индивидуал психологик

хусусиятиГ) шахснинг бирор фаолиятга бўлган қобилиятининг мустақил оргинал тарзда бажариш имкониятиД) қобилиятларнинг ривожланиши учун зарур бўлган ирсий жиҳатдан асосланган асаб тизимининг аналитик-физиологик хусусияти

13. Қайси қаторда лаёқат тушунчасига тўғри таъриф берилган?

А) шахснинг ақлий имкониятлари қўлланилишини ифодаловчи лаёқатБ) шахс ижодий фаоллигининг енг юқори даражасиВ) фаолиятни эгаллаш ва амалга ошириш муваффақиятини таъминловчи шахснинг индивидуал психологик хусусияти

Г) шахснинг бирор фаолиятга бўлган қобилиятининг мустақил оргинал тарзда бажариш имкониятиД) қобилиятларнинг ривожланиши учун зарур бўлган ирсий жиҳатдан асосланган асаб тизимининг аналитик- физиологк хусусияти

14.Қайси қаторда талант тушунчасига тўғри таъриф берилган?

А) шахснинг ақлий имкониятлари қўлланилишини ифодаловчи лаёқат Б) шахс ижодий фаоллигининг енг юқори даражасиВ) фаолиятни эгаллаш ва амалга ошириш муваффақиятини таъминловчи шахснинг индивидуал психологик хусусияти

Г) шахснинг бирор фаолиятга бўлган қобилиятининг мустақил оргинал тарзда бажариш имконияти Д) қобилиятларнинг ривожланиши учун зарур бўлган ирсий жиҳатдан асосланган асаб тизимининг аналитик- физиологк хусусияти

15. Фаолиятни эгаллаш ва амалга ошириш муваффақиятини таъминловчи шахснинг индивидуал психологик хусусияти нима деб аталади?

А) талент Б) қобилият В) доҳолик Г) лаёқат Д) иқтидор

16.Одамлар ва ҳайвонлар учун асос бўлиб идрок қилиш хотирада сақлаш оддий мулоқотга кириша олиш билан боғлиқ қобилият тури нима деб аталади?

А) махсус қобилиятлар Б) умумий қобилиятлар В) хусусий қобилиятлар

Г) назарий қобилиятлар Д) табиий қобилиятлар

17.Ижтимоий-тарихий табиатга эга бўлиб, ижтимоий муҳитдаги қаёт ва тараққиётни белгиловчи қобилият тури қандай ном билан юритилади?

А) махсус қобилиятлар Б) умумий қобилиятлар В) хусусий қобилиятлар Г) назарий қобилиятлар Д) табиий қобилиятлар

18.Инсоннинг турли фаолиятлари муваффақиятини таъминловчи ақлий қобилиятлар хотира ва нутқнинг ривожланганлиги қўл ҳаракатларининг аниқлиги билан боғлиқ қобилият тури қайси қаторда кўрсатилган?

А) махсус қобилиятлар Б) умумий қобилиятлар В) хусусий қобилиятлар Г) назарий қобилиятлар Д) табиий қобилиятлар

19."Қобилиятлар туғма равишда бериладиган бўлади ва одам фойдаланадиган барча билимлар унинг абсолют билимлар идеал оламида бўлишлиги ҳақидаги тасаввурлардан иборатдир" деган еди. Мазкур фикр муаллифи қайси қаторда кўрсатилган.

А) Платон Б) Галл В) Декарт Г) И.Павлов Д) Спермин

20. …… фикрича одамнинг ҳамма қобилиятлари "ақл" ва "қобилият" сифатлари мия ярим шарларида ўзининг махсус қатъий марказлари мавжуд экан, яъни бу сифатларнинг тараққиёт даражаси миянинг тегишли қисмларининг миқдорига тўғридан-тўғри боғликдир?

А) Платон Б) Галл В) Декарт Г) И.Павлов Д) Спермин

21."Талантнинг ирсиятга боғлиқлиги унинг қонунлари ва оқибатлари" номли китобининг муаллифи қайси қаторда кўрсатилган?

А) Платон Б) ГаллВ) Декарт Г) И.Павлов Д) Спермин

22.Қайси қаторда талантнинг асосий белгилари кўрсатилган?

А) муваффақиятни таъминлаш Б) фаолиятни мустақил бажариш оргиналлик унсурининг мавжудлиги В) қобилият ва истеъдодлар йиғиндисидан иборат эканлиги Г) индивидуал психологик хислатлиги ва ижтимоий турмушни ўзгартирувчи яратувчи имкониятлилиги Д) барча жавоблар тўғри

23.Юксак истеъдод босқичлари қайси қаторда кўрсатилган?

А) бундай шахснинг биринчи хусусияти зийраклик, шайлик, жиддийлик, фаолиятни бажаришга тайёр туришликдир Б) унинг меҳнатга тайёрликдир В) унда тафаккур хусусиятлари ва фикр юритишнинг тезлиги ақлнинг тартиблилиги таҳлил ва умумлаштиришнинг юқори имкониятлари ақлнинг маҳсулдорлигидир. Г) барча жавоблар тўғри Д) тўғри жавоб берилмаган

24. Френалогик таълимот қайси олим томонидан ишлаб чиқилган?

А) Платон Б) Галл В) Декарт Г) И.Павлов Д) Спермин

25. Френологик таълимотга кўра инсон бош мия суяги нечта бўлакка ажратилган?

А) 25 Б) 32 В) 37 Г) 17 Д) 27

26.Номлари келтирилган олимлардан қайси бирлари олий нерв фаолияти типларининг хислатлари таъсири шахс қобилиятларининг тузилишида қандай сифат хусусиятлари пайдо бўлишини аниқлашга уринишган?

А) И.П.Павлов Б) Н.Д.Неблисин В) И.М.Сеченов Г) А.Г.Ковалёв

Д) Б.М.Теплов

27.Қобилият борасидаги қайси назария лаёқатнинг инсон ички тузилишига боғлиғлигини асослаб берган?

А) иккинчи сигналлар ҳақидаги таълимот Б) адабий қобилиятлар шахс ўз фаолиятини ўзаги сифатида В) ирсият қонунлари яъни лаёқат туғма ирсий белгиларга асосланиши

Г) лаёқатни миянинг микротузилиши ва сезги аъзолари билан боғловчи фарази.

Д) барча жавоблар тўғри

28. Қайси қаторда истеъдод тушунчасига тўғри таъриф берилган?

А) қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи Б) бу кишига қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли мустақил ва оргинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар мажмуи В) қобилиятлар йиғиндисидан уларнинг мажмуасидан иборатдир Г) шахс ижодий фаоллигининг енг юқори даражаси Д) шахснинг ақлий имкониятлари қўлланишини ифодаловчи умумий қобилиятлар

29. Инсон қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири қайси қаторда кўрсатилган?

А) барқарор махсус қизиқишлар Б) лаёқат В) талент Г) ирсият Д) таълим-тарбия

30.Қобилиятларнинг ривожланиши инсон бош суягининг тузилишига боғлиқлиги ҳақидаги таълимот қандай аталади?

А) хиромантия Б) физогиномика В) френология Г) графалогия Д) характерология

Назорат саволлари

1. Қобилиятлар тушунчасининг мазмунини изоҳланг?
2. Қобилиятларнинг сифати ва миқдор тавсифи нималарда кўринади?
3. Қобилиятлар тузилишини таркибини кўрсатинг?
4. Қобилият борасидаги назарияларнинг мазмуни нималарда кўринади?
5. Қобилиятларнинг табиий асосларини ажратиб кўрсатинг?
6. Қобилиятларнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар нималар билан белгиланади?

Мустақил ишлаш учун тавсия етилаётган адабиётлар

1. Гамезо М.В, Домашенко И.А Атлас по психологии М; «Просвещение» 1986 г
2. Гиппенрейтпер Ю. Б, Введение в общую психологию: Курс лекций: Учебное пособие для вузов. — М.: ЧеРо, 1997.
3. Давлетшин М.Г Умумий психология Т-2002 й
4. Джемс В. Психология.- М., 1991
5. Дружинин В. Н. Психология общих способностей. — 2-е изд. — СПб.: Питер, 1999.
6. Каримова В.М. Психология Т-2002 й
7. Кузмина Н. В. Способности, одаренность, талант учителя. — Л., 1985.
8. Маклаков А.Г Общая психология М.; “Питер” 2003
9. Немов Р. С. Психология: Учебник для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3-х кн. Кн. 1:Общие основы психологии. — 2-е изд. — М: Владос, 1998.
10. Общая психология: Курс лекций/ Сост. Е.И.Рогов.-М.: Владос, 1995
11. Психология қисқача изоҳли луғат Т-1998 й
12. Рубинштейн С. Л. Основы общей психологии. — СПб.: Питер, 1999.
13. Теплов Б. М. Избранные труды: в 2-х т. Т. 1. — М.: Педагогика, 1985.
14. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати Т; "Ўқитувчи" нашриёти 1975 й
15. Умумий психология (А.В.Петровский таҳрири остида) Т; "Ўқитувчи" 1992 й
16. Ғозиев Е.Ғ Умумий психология 1-2 китоб Т-2002 й